

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ

**ҲАРБИЙ АТАМАЛАРНИНГ
ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

Тошкент - 2007

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг меъёрий
хужжатларни тайёрлаш бўлими бошлиғи подполковник
ДОЛИМОВ Шокир Зокирович томонидан тузилди

Масъул мухаррир
генерал-майор Қаюмов Шавкат Наимович

Тақризчилар:
подполковник Ахмедов Ойбек Ғайратович;
Неъмат Маҳкамов, филология фанлари номзоди, ЎзР ФА А. Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти Терминология бўлими мудири

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Тил ва адабиёт институтининг илмий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган

ҲАРБИЙ АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	4
А	6
Б	25
В	37
Г	42
Д	49
Е	64
Ё	64
Ж	67
З	87
И	95
Й	99
К	101
Л	118
М	119
Н	139
О	145
П	166
Р	184
С	202
Т	211
У	238
Ф	242
Х	249
Ц	252
Ч	252
Ш	257
Э	269
Ю	270
Я	271
Ў	277
Қ	287
Ғ	313
Ҳ	314
Изоҳланган атамаларнинг русча-ўзбекча луғати	359
Хотима	393
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	394

Сўзбоши

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида хизмат ўташлари борасида – Биз бугун катта ғурур ва ифтихор билан айта оламизки, ёшларимиз учун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиш нафақат Конституциявий бурч, балки юксак мақсад, том маънодаги шон-шараф ишига айланмоқда. Армияда улар ҳарбий мутахассисликларни пухта эгаллаш билан бирга, жисмоний ва маънавий жиҳатдан ҳам чиниқишмоқда, иродаси тобланиб, ҳаётий қарашлари шаклланимоқда, Ватан ҳимояси йўлида доимо тайёр турадиган мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топтомоқда, - деган эди. Минтақада вужудга келган ҳарбий-сиёсий вазият, Ватанамиз мустақиллиги ва суверенитети, унда ҳукм сураётган конституциявий тузумга ғараз билан қараб, тажовузкорона ҳаракатлар қилиб кўришга уринаётган кучлар ҳали-ҳамон мавжудлиги боис Республикамиз ҳукумати ва халқи Қуролли Кучлар олдига қатор вазифалар қўймоқда.

Бу борада Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ватан ҳимоячиларига муурожаат этиб – Биз ҳушёрлик ва зийраклигимизни сақлаш қанчалик зарурлиги, Қуролли Кучларимизнинг муодофаа қобилиятини мустаҳкамлаш қанчалик муҳим эканлиги, бунинг учун янги куч ва имкониятларни жалб этиш лозимлигига янада кўпроқ амин бўлиб бормоқдамиз.

Буларнинг барчаси бугун нафақат долзарб вазифа, балки давлатимиз ва жамиятимизнинг, мамлакатимиз тақдири ва келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлиб қолганлигини таъкидлаб, айни пайтда бир қатор вазифалар белгилаб берди. Жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг касбий малакасини оширишга, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидаги ўқув-тарбия ишларини тубдан яхшилашга, уларни замонавий техника ва жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва таълим технологиялари билан таъминлашга биринчи даражали эътибор қаратилсин, курсантлар, билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактаблари битирувчиларининг интеллектуал тайёргарлик даражасига алоҳида аҳамият берилсин, деб вазифалар қўйди.

Ҳурматли қуролдош! Қўлингиздаги “Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати” ушбу вазифаларни бажариш йўлида қўйилган қадамлардан бири бўлиб, биринчи ва мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳозирча ягона бир томли луғатдир.

Мазкур луғат ҳарбий атама ва тушунчаларни ягона тизим ва бир хил мазмунда тушуниш ҳамда шахсий таркибнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик самарасини ошириш мақсадида яратилди.

Луғатда ҳарбий соҳага тааллуқли атама ва тушунчаларнинг изоҳлари берилган бўлиб, Қуролли Кучларимизда қўлланилиб келинаётган ҳамда хорижий армияларда мавжуд ҳарбий техника ва қурол-аслаҳа намуналарининг тавсифлари келтирилган. Унга Қуролли Кучларимиз ҳаёти, фаолияти, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, қўшинлар хизмати

каби деярли барча масалаларни ўз ичига қамраб олган жами 1570 дан ортик атама ва уларнинг изоҳлари киритилган.

Луғатнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик тизимидаги амалий жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, машғулот раҳбари томонидан машғулотга тайёргарлик кўриш ва шу мақсадда зарурий хужжатларни шакллантириш мобайнида адабиётлар қидириш ва айримларининг матнларини таржима қилишга сарфланадиган вақт сезиларли даражада қисқаради. Мисол учун, ҳарбий муҳандислик тайёргарлигининг портлатув ишлари мавзусида ўқув материални тайёрлаш учун, машғулот раҳбари, даставвал асосий тушунча – “Портловчи моддалар” (взрывчатые вещества) атамасига мурожаат этиб, сўнгра унга қулай бўлган изчилликда “Инициирловчи портловчи моддалар”, “Портловчи симоб”, “Қўрғошин азиди”, “Тенэрес”, “Капсюлли таркиблар”, “Бризантли портловчи моддалар”, “ТЭН”, “Гексоген”, “Тетрил”, “Тротил”, “Пикрин кислотаси”, “Пластик портловчи модда”, “Аммиакли селитра”, “Туаб ёнувчи порох” ва “Тутунсиз порох” каби атама ва тушунчаларининг изоҳларига мурожаат этса мақсадга мувофиқ бўлган ўқув материали яратилади.

Тингловчилар (курсант ва талабалар) эса ўз навбатида ушбу луғатдан мустақил иш соатларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

“Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати” даги материаллар рус тилидаги оммабоп (иловада санаб ўтилган) адабиётлардан олинди ва таржима қилинди. Луғат ҳарбий хизматчилар тоифаларининг кенг доираси, шунингдек олий ўқув билим юртларининг ҳарбий факультет ва кафедралари талабаларига ҳамда чақириққача тайёргарлик тизимида фойдаланишга мўлжалланган. Луғат Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг меъёрий хужжатларни тайёрлаш бўлимида подполковник Ш. З. Долимов томонидан тайёрланди.

Луғат борасидаги танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда уни келгусида янада бойитиш ва такомиллаштириш бўйича билдириладиган барча фикр-мулоҳазаларни бажони дил қабул қиламиз ва уни қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:

700000, Тошкент, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 100- уй.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги

АВАНГАРД (АВАНГАРД) Умумқўшин бўлинмадан олдинга юбориладиган мотоўқчи (танкчи) бўлинма.

Авангард *марш давомида* юришдаги қўриқлов органи ҳисобланиб, асосий кучларнинг қаршиликка учрамай олға илгарилашлари, душманнинг ушбу кучларга дафъатан хужум қилиши ва муҳофаза этилаётган қўшин ҳаракати йўлига рақибнинг ердаги разведкаси сингиб киришига йўл қўймаслик, қўшинларнинг ёйилиши ва жангга киришиши учун қулай шароит яратиш мақсадида олдинда ҳамда алоҳида йўналишларда илгарилаб бораётган бўлинмалар таркибидан юборилади.

Авангард: *хужум давомида* – белгиланган йўналишдаги жанговар таъминот чегараларида мудофаага ўтган душман бўлинмаларини йўқ қилиш; *душманни таъқиб этиш давомида* – рақибнинг ҳимоя этувчи бўлинмаларини қириб ташлаш ва асосий кучларининг чекиниш амалларини кечиктириш мақсадида биринчи эшелондаги бўлинмалар таркибидан юборилади.

АВАРИЯ (АВАРИЯ) Техниканинг инсон ҳалок бўлмаган тарзда ишдан чиқиши.

Бирор механизм, машина ва шу кабиларнинг иш, ҳаракат вақтида ишдан чиқиши, бузилиши.

АВИАТАШУВЧИ (АВИАНОСЕЦ) Жанговар сув усти кемаси, 100 ва ундан ортиқ жанговар самолёт ва вертолётларни жойлаштириш, уларнинг учиш ва қўниши учун мўлжалланган.

Авиаташувчи ўз ҳимояси учун бошқарилувчи зенит ракеталар, 100 – 127 мм зенит артиллерия қуролларига эга. Сув сиғими 95 минг тоннагача. Энергетик қурилмасининг қуввати 280 мингга қадар от кучига эга; тезлиги соатига 35 узел (тахминан 65 км); экипажи 6300 кишигача бўлиши мумкин. I жаҳон уруши даврида пайдо бўлган. II жаҳон урушида АҚШ, Япония, Буюк Британия флотларида қўлланилди.

АВИАТАШУВЧИ АВИАЦИЯ (АВИАНОСНАЯ АВИАЦИЯ) Ҳарбий-денгиз флотининг (ҲДФ) (кучларининг) авиаташувчида жойлашадиган авиацияси. Ушбу авиация душманнинг денгиздаги ва денгиз базаларидаги жанговар кема ва денгиз транспортлари, фазодаги ва аэродромларидаги учиш аппаратлари ҳамда ердаги объектларини йўқ қилиш, қурукликдаги ўз қўшинларига кўмак бериш учун мўлжалланган. Таркибига палубали қирувчи, хужумчи, сув ости кемалари ва шу кабиларга қарши қурашувчи самолёт ва вертолётлар киради. Палубадан учувчи ва қўнувчи замонавий реактив самолётлар, ҳавога, катапульта ёрдамида кўтарилади, қўнаётганида эса махсус қўндирувчи илгак ёрдамида аэрофинешёр тросига илашиб, равон тўхтайтиди.

Палуба вертолётлари асосан турбовалли двигателлар билан ускуналанади, учиш массаси 4,5 – 19 т, парвоз узоқлиги 300 – 1300 км. Вертолётларнинг қурол-аслаҳаси уларнинг бажарадиган вазифасига кўра белгиланади.

АВИАЦИЯ (АВИАЦИЯ) 1) вазни ҳаводан оғир бўлган аппаратларни ер яқинидаги фазода парвоз этиш учун қўлланилиши; 2) авиация парвози учун учиш аппаратларини қўллайдиган, аэродром ва таъминот техникаларига эга

ташкilotлар мажмуи; 3) давлатнинг қуролли кураш воситаси.

Авиация фуқаролик ва ҳарбий авиацияга, баъзи давлатларда эса “Ҳарбий-ҳаво кучлари”га бўлинади.

Ҳарбий авиация – қуролли кучларнинг ўзга турлари билан биргаликда ва мустақил тарзда фаолият юритиш учун мўлжалланган.

Авиация қисмлари қурол-аслаҳаси таркибида самолёт, гидросамолёт ва вертолётлар мавжуд. Турли бомбардимончи, ракета отувчи, тўпдан отувчи аслаҳа билан жиҳозланган, об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида товуш тезлигидан ҳам тез учадиган самолётлар – ҳарбий авиациянинг жанговар қудрати асосидир. Вазифасига кўра ҳарбий авиация:

олис масофаларга ҳаракатланувчи (стратегик) авиация;

фронт (тактик) авиацияси;

армия авиацияси;

ҳарбий транспорт авиацияси;

махсус авиацияга бўлинади.

Жанговар вазифа ва ҳаракатларининг хусусиятларига кўра ҳарбий авиация:

бомбардимончи;

қирувчи;

қирувчи-бомбардимончи;

ҳужумчи;

разведкачи;

махсус;

сув ости кемаларига қарши курашувчи;

ҳарбий-транспорт авиацияси турларига бўлинади.

Амалда авиация XX аср бошларида ривожлана бошлади. Биринчи марта 1903 йил америкалик механиклар – ака-ука У. ва О. Райтларнинг ички ёнув двигатели ўрнатилган самолёти муваффақиятли парвоз этди. Шундан кейин 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб самолётсозликда дуралюминдан фойдаланила бошланди; 30-йиллар ўрталарига келиб бипландан бутунлай монопланга ўтилди. 30-йиллар охирида реактив двигатель вужудга келди; 1942 йилда биринчи марта суюқ ёнилғи билан ишловчи ракета двигатели ўрнатилган самолёт учирилди. 1955 йилда вертолётсозлик кенг ривожланди, ҳарбий-ҳаво кучларида товушдан тез учадиган самолётлар вужудга келди. 60-70 йилларда самолётнинг тезлиги соатига 3000 – 3500 км, учиш баландлиги 30 км, учиш узоклиги 10000 км дан ортди.

АВИАЦИЯ БОМБАСИ (АВИАЦИОННАЯ БОМБА) Учиш аппаратлари ёрдамида ташланадиган авиация ўқ-дорилари туридан бири. Корпус, зарурий таркиб (портловчи модда, ёндирувчи, ёритувчи, тутун пурковчи таркиб), стабилизатор, портлатувчи қурилма ва портлатувчи модда зарядидан иборат. Жанговар қўллашдан олдин бир ёки бир нечта портлаткичлар билан ускуналанилади. Вазифасига кўра – асосий ва кўмакчи бомбаларга бўлинади.

Асосий бомбалар – душманни йўқ қилиш ва мудофаа иншоотларини вайрон этиш учун қўлланилади. Улар жумласига фугасли, парчаланувчан,

фугасли-парчаланувчан, танкка қарши, зирхёраp, бетонёраp, сув ости кемаларига қарши, ёндирувчан, фугасли-ёндирувчан, кимёвий каби бомбалар киради.

Кўмакчи бомбалар – жойни ёритиш, тутун билан қоплаш, ташвиқот варақаларини ёйиш, сигналлаш, ўқув машғулотида фойдаланиш каби мақсадларда қўлланилади. Улар жумласига ёришувчи, фототаркибли (тунда фотосуратга олиш жараёнида жойни ёритиш учун қўлланиладиган), тутун пурковчи, сигналлаб мўлжаллатувчи, амалий ва шу каби бомбалар киради.

Ядровий, бошқариладиган, бошқарилмайдиган ва секин-аста пастлайдиган авиация бомбалари мавжуд.

АВИАЦИЯ ЗАРБАСИ (УДАР АВИАЦИИ) Ердаги (денгиздаги) душман объектларини йўқ қилиш, янчиб ташлаш мақсадида турли авиация ўқ-дорилари қўлланган ҳолда авиациянинг душманга қисқа вақт давомида ўтказадиган қудратли таъсири. Авиация зарбаси:

жалб этиладиган воситалар таркибига кўра – ёпирилган зарба, жамлаштирилган зарба, авиация гуруҳи таркибидаги зарба ва якка тарздаги зарбага;

қўлланиладиган воситалар турига кўра – ракетали, бомбали, бомба-ракетали ва торпеда-бомбали зарбага;

жанговар ҳаракатлар усулига кўра – бир вақтда ва кетма-кет бериладиган зарбаларга бўлинади.

Зарба бераётган авиация бўлинмаси ёки қисми нишон томон ягона ёки турли йўллар билан бориши, бир ёки бир неча йўналиш ва баландликлардан, нишон устига бир ёки бир неча бор учиб келиб зарба бериши мумкин.

Авиациянинг бомба-ракетали зарбаси, бомба ва ракеталар қўлланилган тарзда душманнинг ер ва денгиздаги объектларига қарата берилади.

Авиациянинг бомбали зарбаси авиация бомбалари қўлланилган тарзда душманнинг ер ёки денгиздаги якка ёхуд бир-бирига яқин жойлашган объект ва нишонларига қарата берилади.

Авиация гуруҳи таркибидаги зарба чекланган ҳудуддаги душманнинг бир ёки бир неча, ер ёхуд денгиздаги объектларига қарата учиш аппаратлари бўлинмаси, гуруҳи ёки қисми томонидан берилади.

Ёпирилган авиация зарбаси ягона оператив-тактик жиҳатдан саф тортган бир ёки бир неча авиация қўшилмалари томонидан душманнинг стратегик йўналиш, кенг майдон, ер ёки денгиздаги муҳим объектларига қарата қисқа муддат (бир неча соат) давомида берилади.

Авиациянинг якка тарздаги зарбаси аксарият ҳолларда якка ёки бир жуфт учиш аппарати томонидан душманнинг битта объектига қарата берилади.

Авиациянинг бир вақтда бериладиган зарбаси душманнинг ер ёки денгиздаги бир ёки бир неча объектларига қарата тайинланган вақтда қисмининг ялпи ёки йирик таркиби томонидан бир вақтда берилади.

Авиациянинг кетма-кет зарбаси авиация қисм ёки бирлашмалари кучларининг битта гуруҳи томонидан ер ёки ҳаводаги навбатчилик ҳолатидан чақирилиб, душманнинг бир ёки бир неча олдиндан белгиланган

ёки жанговар ҳаракат давомида фош этилган объектларига қарата тайинланган вақт ва изчилликда берилади.

Авиациянинг ракетали зарбаси душманнинг ер ва денгиздаги нишонларига (объектларига) қарата авиация ракеталари қўлланилиб, берилади.

Авиациянинг жамлаштирилган зарбаси авиация қўшилмаларининг асосий кучлари томонидан душманнинг муайян ҳудудда жойлашган бир ёки бир неча ер ёки денгиздаги нишонларига (объектларига) қарата берилади.

АВИАЦИЯ МАДАДИ (АВИАЦИОННАЯ ПОДДЕРЖКА) Қуруқликдаги қўшинлар бирлашмаси (қўшилмаси) томонидан ўтказилаётган операция (жанг) манфаати учун авиация томонидан бажариладиган атакалар, жанговар ҳаракатлар.

Авиация мадади – қўшинларга оловли мадад бериш амалининг таркибий қисми бўлиб, қўшинлар атакага кўтарилиши билан бошланади. Мазкур амал фронт (тактик) ва армия авиацияси кучлари томонидан бажарилади. Асосий вазифаси – душманнинг ядровий ҳужум воситалари, яқинлашаётган захира кучлари, бошқарув пунктлари, тўпланиб қолган жонли кучи ва техникаси ҳамда фронт олди йўлагининг яқинидаги ҳудудларда жойлашган муҳим объектларини яқсон этишдир.

АВИАЦИЯ МАШҚЛАРИ (АВИАЦИОННЫЕ УЧЕНИЯ) Ҳарбий-ҳаво кучлари (ҲҲК) шахсий таркиби жанговар тайёргарлигининг асосий шакллари билан бири. Жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган вазиятда ўтказилади. Оператив-стратегик, оператив ва тактик турларга бўлиниб, бир ёки икки томонлама ўтказилади. Мустақил тарзда ҳамда қуролли кучлар бирлашмалари (қўшилмалари) ва авиациянинг ўзга турлари машқлари билан биргаликда ҳам ўтказилиши мумкин. Қўшинлар жанговар тайёргарлиги билан боғлиқ бўлган авиация машқларидан ташқари: намунали, илмий тадқиқот, тажриба учун ўқиш каби машқлар ўтказилиши мумкин.

АВИАЦИЯ ПОЛКИ (АВИАЦИОННЫЙ ПОЛК) Тактик ва оператив-тактик вазифаларни бажариш учун мўлжалланган – ҳарбий-ҳаво кучларининг асосий ташкилий қисми. Авиациянинг бомбардимончи, қирувчи-бомбардимончи, олис масофаларда ҳаракатланувчи бомбардимончи, қирувчи, разведкачи, армия ва транспорт авиацияси полклари бўлади. Авиация полки штаб ва авиация эскадрильясидан ташкил топади.

АВИАЦИЯ ТЕХНИКАСИ (АВИАЦИОННАЯ ТЕХНИКА) Уқиш аппаратларининг аслаҳа ва жиҳозлари билан биргаликдаги (ракета ва сунъий йўлдошларсиз) мажмуи. Баъзан парвозларни тайёрлаш ва таъминлаш учун мўлжалланган ердаги воситалар ҳам шулар жумласига киради.

АВИАЦИЯ ТИББИЁТИ (АВИАЦИОННАЯ МЕДИЦИНА) Авиацияга оид тиббий масалалар билан шуғулланувчи фан соҳаси. Вазифаси:

кишиларнинг авиация хизматида лаёқатлилигини текшириш, учувчиларни ўқишдан олдин тиббий кўрикдан, турли синов машқларидан ўтказиш, самолётларнинг одам организмига физиологик ва гигиеник нуқтаи назардан қулайлигини муҳандислар билан бирга текшириш;

бахтсиз ҳодисалар юз берганда тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда

учувчиларни психологик томондан чиниқтириш.

Учиш вақтида метеорология шароити ва ҳароратнинг ўзгариши, кислород парциал босимининг пасайиши, барометрик босимнинг бир пасайиб, бир кўтарилиб туриши, нурлар, космик радиация ва бошқа омиллар (шовқин, вибрация ва ҳ. к.) учувчи организмга таъсир кўрсатади. Бу жиҳатдан учувчи меҳнати бошқа касб эгалариникидан фарқ қилади.

Авиация тиббиёти асосан, самолётда учадиган ходимларнинг меҳнат қилиши, дам олиши, ухлаши ва овқатланиши учун энг қулай шароитни ўрғанади, авария-қутқарув воситаларининг физиологик-гигиеник асосларини ишлаб чиқади. У авиация гигиенаси, авиация физиологияси, авиация психологияси ва учувчиларнинг иш қобилиятини аниқлаш каби бўлимлардан иборат.

АВИАЦИЯ ҚУРОЛЛАРИ (АВИАЦИОННОЕ ВООРУЖЕНИЕ) Ҳарбий самолётлар ва бошқа ҳарбий учиш аппаратларига ўрнатиладиган қурол-аслаҳалар ва уларни қулай ишлатиш имконини берадиган ускуналар.

Авиация қуроллари самолётларга ўрнатиладиган қуролларнинг барча турларини, уларни мустаҳкам ўрнатадиган воситаларни бошқариш, нишонга олиш, бомба ташлаш ускуна ва мосламаларини, ҳисоблаш ускуналари, авиация аслаҳалари ва бир марта ишлатиладиган бошқа аслаҳаларни, махсус юкларни осадиган ва юк ташлайдиган ускуналарни ўз ичига олади, шунингдек самолётлар ва бошқа учиш аппаратларида бажариладиган ўқув машқларида ишлатиладиган аппаратлар, шатакка олинадиган нишонлар, десант ускуналари ҳам авиация қуроллари ҳисобланади.

Учиш аппаратларининг қурол-аслаҳасига тегишли барча воситалар – авиация қурол-аслаҳаси мажмуи деб аталади. Авиация қурол-аслаҳасининг ракета отувчи, тўпдан отувчи, бомбардимончи, мина ва торпеда отувчи ҳамда махсус (ядровий, кимёвий ва бошқа авиация ўқ-дориларини қўлловчи) турлари мавжуд. Таъминловчи тизимларга – душманга шикаст етказувчи воситаларни жойлаштириш, шунингдек нишонга олиш ва ўт очишни бошқариш (улоқтириш, учуриш) учун мўлжалланган қурилма ва мосламалар киради. Жанговар сув усти кемалардаги учиш аппаратларининг авиация қурол-аслаҳаси таркибига, шу жумладан, сув ости кемаларини қидириш ва минага қарши курашнинг улоқтирилувчи воситалари ҳам киради.

АВИАЦИЯ ҲИМОЯСИ (АВИАЦИОННОЕ ПРИКРЫТИЕ) Душманга ҳаво разведкасини қўллаш, авиация ҳамда учувчисиз воситалар билан қўшинлар ва қуролли кучлар фронт ортидаги объектлар қарата зарба беришга йўл қўймаслик мақсадида амалга ошириладиган – қирувчи авиациянинг асосий вазифаларидан бири. Ушбу тадбир авиациянинг ўзга турларига тегишли қисм ва бўлинмаларини ҳимоя қилиш учун ҳам амалга оширилади.

АВРАЛ (АВРАЛ) Барча ёки деярли барча шахсий таркиб томонидан кемада бир вақтда бажариладиган иш. Бунда шахсий таркиб, махсус “Ҳамма юқорига” сигнал ва командаси билан чақирилади. Кемани батафсил тартибга келтириш, докка ўрнатиш учун тайёрлаш ва шу каби тадбирларни бажариш учун эълон қилинади.

АВТОМАТ (АВТОМАТ) 1) автоматик ўқотар шахсий қўл қуроли бўлиб, душманнинг жонли кучини йўқ қилиш учун мўлжалланган. Автомат механизмларининг автоматик ҳаракатлари порох газлари энергиясидан фойдаланишга асосланган. Илк бор Россияда В. Г. Фёдоров томонидан 1916 йилда ихтиро қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қурол-аслаҳаси таркибига, асосан ўқотар қуролларнинг асосий турларидан бири бўлиб қолган М. Т. Калашников тизимига мансуб автомат қабул қилинган; 2) бевосита одам қатнашмай, берилган дастур бўйича энергия, ашёлар ёки ахборотларни олиш, узатиш ва уларни тақсимлаш (ишлатиш) жараёнларидаги барча операцияларни бажарувчи қурилма (қурилмалар мажмуи). Дастур автомат конструкциясида кўзда тутилади (соат, савдо-сотик автоматлари) ёки унга ташқаридан – перфокарталар, магнит тасмалари ва бошқалар ёрдамида (ЭХМ, дастурли бошқариладиган дастгоҳ), нусха кўчириш ёки моделлаш қурилмаси воситасида (автомат ҳисоблаш машинаси, кузатувчи тизим, интерполятор) берилади; 3) кибернетикада – дискрет (рақамли) информацияни қайта ишлайдиган қурилманинг математик модели.

АВТОМАТИК ҚУРОЛ (АВТОМАТИЧЕСКОЕ ОРУЖИЕ) Ўт очувчи қурол (пулемёт, пистолет, автоматик милтиқ, автомат, автоматик тўп каби қуроллар) бўлиб, ўт очилганда порох газлари босимининг энергияси ёрдамида ўқни (снарядни) ҳаракатга келтириш, қуролни қайта ўқлаш ва навбатдаги ўқ узиш амалини бажариш учун фойдаланилади.

Автоматик қуролнинг асосий хусусиятлари: ўт очиш суръати, ўт очишнинг амалий тезлиги ва олов режими билан тавсифланувчи юқори даражада тез отишидир. Унинг жанговар хусусиятлари – ўт очишнинг юқори самарадорлиги, манёврчанлиги ва ишончлилиги билан катта зичликка эга оловни ташкил эта олиш ва тез ҳаракатланаётган нишонларни йўқ қилиш қудрати билан тавсифланади.

Автоматик қурол муаллифлари М. Т. Калашников, Е. Ф. Драгунов, Н. Ф. Макаров, И. Я. Стечкин ва бошқалар. Автоматика ҳаракатининг тамойилига кўра автоматик қурол қуйидаги 4 русумга бўлинади:

автоматика иши ҳаракатчан стволнинг тепиш кучидан фойдаланишга асосланган қурол тизими. Бунда ствол, ўт очилиши жараёнида затворга мустаҳкам бириккан ҳолда бўлади (мисол учун тиргакка ўрнатилган Максим пулемёти);

ствол ҳаракатсиз бўлиб, затворнинг тепиш кучидан фойдаланишга асосланган қурол тизими (мисол, Шпагин ва Судаев пистолет-пулемётлари);

автоматика ҳаракатлари газларни ствол каналидан ҳаракатсиз ствол деворида мавжуд газ чиқарувчи туйнук орқали газ камерасига сиқиб чиқаришдан фойдаланишга асосланган қурол тизими (мисол учун Калашников автомати);

автоматика ҳаракатлари ўзга манбалар энергиясидан фойдаланишга асосланган қурол тизими.

Автоматик қуролнинг патронлар билан таъминланиши ўқдонли ва тасмали бўлади.

АВТОМОБИЛЬ ПАРКИ (АВТОМОБИЛЬНЫЙ ПАРК) 1) бирлашма, кўшилма, ҳарбий қисм, корхона, муассаса ва идораларга тегишли турли автомобиллар, автошатаклар, автобуслар ва тиркамалар мажмуи (қуролли кучлар миқёсида); 2) автотехника сақланадиган, таъмирланадиган ва унга хизмат кўрсатиладиган махсус жиҳозланган жой.

АВТОМОБИЛЬ ХИЗМАТИ (АВТОМОБИЛЬНАЯ СЛУЖБА) Қурол-аслаҳа, ёнилғи, озиқ-овқат ташиш учун мўлжалланган махсус хизмат тури

Жанг қилаётган қисмларга техникани ташиш ва ярадорларни эвакуация қилишда хизмат қилади. Ўз автотранспорти бўлмаган кўшинларни ҳам ташийди.

Автомобиль хизмати автомобиль (автотранспорт) бўлинмалари ва қисмларидан иборат бўлиб, умумий армиянинг маълум кўшин таркибига кириши ёки алоҳида автомобиль қисмларидан ташкил топиши мумкин.

Баъзи армияларда автомобиль хизмати транспорт кўшинлари (автомобиль кўшинлари) деб ҳам аталади.

Ўзбекистон автомобиль хизмати бўлинмалари учун офицер кадрлар Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида тайёрланади.

АВТОМОБИЛЬ ҚЎШИНЛАРИ (АВТОМОБИЛЬНЫЕ ВОЙСКА) Ҳарбий автомобиль қисм ва бўлинмаларидан иборат, ташкилий жиҳатдан қуролли кучларнинг бирлашма, кўшилма ва қуролли кучлар фронт орти бўлинмалари таркибига кирувчи махсус кўшинлардир.

Моддий восита ва ўқ-дориларни етказиб бериш, шунингдек, ярадор ва беморларни эвакуация қилиш учун мўлжалланган. Замонавий автомобиль кўшинлари турли жанговар вазиятда ва йўл шароитида юқори манёврчанлик ва ишончли ҳаракати билан фарқ қилади.

АВТОПИЛОТ (АВТОПИЛОТ) Учиш аппаратларини (самолёт, вертолёт, снаряд ва бошқаларни) автоматик тарзда (учувчи иштирокисиз) бошқариш механизми.

Автопилот такомиллаштирилиб самолётнинг белгиланган учиш режимини бирдек тутиб турадиган ёки учиш режимини йўналиш, оғиш ва баландликка қараб ўзгартирадиган пухта тизим яратилган. Автопилотнинг янада такомиллаштирилиши натижасида самолёт рулларини ва двигателларини бошқаришни автоматлаштирувчи тизим барпо қилинди. Бундай автопилотлар самолётни экипажсиз учуриш ва уни радио орқали бошқаришга имкон беради. Автопилот ракеталар ва самолёт-снарядларга, Ернинг сунъий йўлдошлари ва бошқаларга ҳам ўрнатилади.

АВТОРИТАРИЗМ (АВТОРИТАРИЗМ) Сиёсий ҳукмронлик қилишнинг ўта реакцион давлатларга хос бўлган антидемократик тизими.

Одатда шахсий диктаторлик элементлари билан уйғунлашиб кетади.

АВФ (ПОМИЛОВАНИЕ) Муайян шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш ёки унга бериладиган жазони енгиллатиш. Одатда давлат раҳбарининг қарори билан амалга оширилади.

АГРЕССИЯ (ТАЖОВУЗ) (АГРЕССИЯ) Ҳозирги халқаро ҳуқуқдаги тушунча, БМТ Низоми нуқтаи назаридан бир давлат қуролли кучларининг

бошқа давлат ёки халқ (миллат) суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши ғайриқонуний равишда ҳар қандай куч ишлатиши.

Тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши оғир халқаро жиноят ҳисобланади. Биринчи бўлиб ҳужум бошлаш ёки бу йўлда ташаббус кўрсатиш (муайян давлат томонидан қуролли кучларни биринчи бўлиб қўллаш) агрессиянинг зарур аломатидир. Агрессиянинг ҳамма эътироф этадиган таърифини ишлаб чиқиш кераклиги тўғрисида биринчи бўлиб 1933 йилда таклиф киритилган. БМТ Бош Ассамблеясининг 29 сессияси (1974) агрессия таърифини қабул қилган.

АДМИРАЛ (АДМИРАЛ) Ҳарбий-денгиз флотининг олий тоифали офицерлари таркибига мансуб ҳарбий унвон бўлиб, армиянинг генерал-полковник унвонига тўғри келади. Илк бор 1706 йилда таъсис этилган. Адмирал унвонидан ташқари контр-адмирал, вице-адмирал, флот адмиралли унвонлари мавжуд.

АДЪЮТАНТ (АДЪЮТАНТ) Турли топшириқларни амалга ошириш учун бошлиқ ҳузурида хизмат ўтовчи офицер (сержант).

АЗИМУТ (АЗИМУТ) Кузатувчи турган нуқта меридиани текислиги билан кузатилаётган нуқта ҳамда кузатилаётган жисм (осмон ёриткичи) орқали ўтувчи вертикал текислик орасидаги бурчак.

Азимутдан нишон кўрсатиш, жойда мўлжалланиш, йўл ётқизилмаган жойлар ва кўриниш чекланган шароитда ҳаракатланиш мобайнида, артиллериядан ўт очиш учун зарур бўлган маълумотлар тайёрланаётганида ҳамда самолёт ва кемаларни бошқаришда фойдаланилади. Азимут ҳақиқий (астрономик), геодезик, магнит азимутларига бўлинади.

АЙБНОМА (ОБВИНЕНИЕ) 1) муайян шахс бўйнига қўйилган жиноятнинг ҳақиқий ҳолатлари ва жиноий-ҳуқуқий таснифи. Айбнома – айбланувчи сифатида жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор ва айбловчи фикрида баён қилинади; 2) жиноий жараёнда давлат ёки жамоат айбловчисининг, шунингдек, жабрланувчининг судланувчи айбини исботлашга доир фаолияти.

АЙЛАНИБ ЎТИШ (ОБХОД) 1) қўшинларнинг душман сарҳадлари ичкарасига чуқур кириб, ортидан зарба бериш мақсадида ўтказиладиган манёвр. Душманнинг жанговар тартибларида очик қолган қанот ва оралиқлар мавжудлигида, фронтда ҳаракатланаётган қўшинлар билан ҳамкорликда амалга оширилади. Айланиб ўтиш манёври душман қўшини гуруҳини қуршаб олиш ва йўқ қилиш, қўшинлар бошқарувини издан чиқариш, чекинадиган йўлларидаги объектларни қўлга киритиш учун қўлланилади; 2) жойнинг бориш ва чиқиш қийин бўлган ҳудуди, захарланган, вайрон этилган, ёнғин ёки сув остида қолган зоналарни енгиб ўтиш усулларида бири.

АКАДЕМИЯ (АКАДЕМИЯ) Айрим илмий муассаса ва ўқув юртларининг номи. Юнонларнинг афсонавий қаҳрамони Академ ва Афина яқинида унинг шарафига қўйилган жой номидан олинган. Платон академияси дастлабки Академия эди (милоддан аввалги тахминан 387 йил). Ўрта аср

Шарқидаги айрим илмий масканларга нисбатан ҳам Академия атамаси қўлланилади. Шу жумладан Ўрта Осиё (Урганчда) 1010 йилда асос солинган илм маркази ҳам шундай Академиялардан бўлган (Маъмун Академияси). XV - XVI асрларда Европадаги бир қанча илмий жамиятлар Академия деб юритилган. XVII асрда дастлабки Фанлар Академиялари ташкил этила бошланди.

АКВАЛАНГ (ғаввос) (АКВАЛАНГ) Сув остида одам нафас олиши учун елкага осиб юриладиган автоном аппарат; сиқилган ҳаво тўлдирилган баллон ва нафас олиш аппаратидан иборат. 40 м чуқурликкача шўнғиш учун ишлатилади.

АККРЕДИТЛАШ (АККРЕДИТАЦИЯ) Халқаро ҳуқуқда давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки бирон-бир халқаро ташкилотда доимий вакили лавозимига тайинланиш ва лавозимни бажаришга киришиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар мажмуи. Аккредитлаш жараёни куйидагилардан иборат: давлат ваколатли органи томонидан муайян шахсни ўз дипломатик вакили этиб тайинлаш тўғрисидаги ички ҳужжатни эълон қилиш, унинг хорижий давлат томонидан қабул қилинишига розилик олиш (агреман) ҳамда янги ишга тайинланган вакилнинг хизмат қиладиган давлат ваколатли органига ишонч ёрлиқларини топшириш. Бирон-бир давлатда мавжуд тажрибага асосан дипломатик ваколатхона бошлиғи ишонч ёрлиқларини топширган пайтдан ёхуд ўз ташрифи ҳақида хабар берган ва хизмат қиладиган давлат ташқи ишлар вазирлигига тасдиқланган ишонч ёрлиқларининг нусхаларини тақдим этган вақтдан эътиборан ўз вазифаларини бажаришга киришган ҳисобланади. Давлатнинг халқаро ташкилотдаги доимий вакили халқаро ташкилотнинг ваколатли органига ваколат ёрлиғини топширган пайтдан бошлаб ўз вазифаларини бажаришга киришган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигидаги аккредитлаш амали Мудофаа вазирлиги томонидан мухбир ваколатини эътироф этиш тартибини англатиб, натижада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг матбуот хизмати томонидан оммавий ахборот воситалари вакилига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи аккредитлаш гувоҳномаси расмийлаштириб берилади.

АККРЕДИТЛАШ ОРГАНИ (АККРЕДИТУЮЩИЙ ОРГАН) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг аккредитлаш жараёнини ташкил этувчи ва ўтказувчи матбуот хизмати.

АККУМУЛЯТОР (АККУМУЛЯТОР) Энергияни кейинчалик ишлатиш учун йиғувчи қурилма. Аккумулятор турлари: 1. *электр аккумулятори* электр энергиясини кимёвий энергияга ўзгартириб, керак бўлганда кимёвий энергияни электр энергиясига айлантириб берадиган гальваник тизим. Мустақил электр энергияси сифатида (масалан, транспортда) фойдаланилади; 2. *гидравлик (пневматик) аккумулятор* насослардан (компрессорлардан) келадиган суюқлик ёки газнинг босим ва сарфини бараварлайди 100 – 300 атмосфера босим остида суюқликни йиғиб гидравлик прессларга ва

бошқа машина-қуролларга бир меъёрда бериб туради. Гидравлик ва пневматик қуролларда суюқлик (газ) босими ёки сарфини камайтирмаслик учун қўлланилади; 3. *иссиқлик аккумулятори* иссиқликни (масалан, қозондаги буғ босимининг ортиши ҳисобига) йиғиб, унга талаб ортганда сарф қилиши мумкин (босимни пасайтириш билан); 4. *инерцияли аккумулятор* салмоқли ғилдиракдан (маховикдан) иборат бўлиб, ундан турли машиналар, транспорт воситалари ва бошқаларда фойдаланилади. Соатлардаги пружиналар, авиация моделларидаги резина мотор ҳам энергия аккумулятори ҳисобланади.

АКСЕЛЕРАТОР (АКСЕЛЕРАТОР) Ички ёнув двигатели цилиндрларига келаётган ёнилғи аралашмасининг миқдор ростлагичи. Двигатель валининг айланиш частотасини ўзгартириб беради (транспорт машинасининг ҳаракатини тезлатади).

АКСЕЛЬБАНТ (АКСЕЛЬБАНТ) Фахрий қоровул шахсий таркиби ва ҳарбий парадлар иштирокчиларининг тантаналарга кийиладиган кийим элементи. Тилла, кумуш ёки турли рангли ипдан тўқилган, учлари металл пойнакли боғич бўлиб, ўнг елкадаги (камдан-кам ҳолларда чап елкадаги) зар погонлар остига қадалади.

АКТИВ-РЕАКТИВ СНАРЯД (АКТИВНО-РЕАКТИВНЫЙ СНАРЯД) Артиллерия снаряди (минаси) бўлиб, учиши учун оддий (фаол) ва реактив зарядлардан фойдаланилади. Оддий снаряд кўринишига эга бўлиб, корпусига учиш масофасини 25-100% га узоқлаштириш учун мўлжалланган ракета двигатели ўрнатилган.

Актив-реактив снарядларнинг камчилиги – ўт очиш мобайнида нишон марказига нисбатан айна бир жойга тегмаслик эҳтимолликлигининг катталигидир. Актив-реактив снарядларнинг қўлланилиши тўп ва миномётларнинг узоққа ота олиш қобилиятини ошириб, ушбу қуролларни яратишда кетадиган металл сарфини камайтирди.

АКУСТИК (АКУСТИК) Гидроакустик станцияларга хизмат кўрсатувчи мутахассис.

АКУСТИКА (АКУСТИКА) Физиканинг товуш ҳодисаларини, яъни жисмда механик тўлқинларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва уларни қабул қилиш жараёнларини, товуш ҳодисаси билан бошқа физик ҳодисалар орасидаги боғланишни ўрганадиган бўлими. Акустика қуйидаги соҳаларга бўлинади: умумий акустика, физиологик акустика, электр акустика, меъморий акустика ва қурилиш акустикаси, мусиқа акустикаси, гидроакустика, атмосфера акустикаси ва ҳарбий акустика.

Ҳарбий акустика товуш тезлигини билган ҳолда душман турган жойни аниқлаш, товуш қайтиши ёрдамида самолётларнинг учиш йўналиши, кузатиш пунктидан узоқлиги ва шу қабиларни аниқлаш билан шуғулланади. Товуш тутиш-радиолокация, товуш эшитиш-пеленгация ҳарбий ишда кенг татбиқ қилинади. Сув ости кемалари, самолётлар, акустик миналар ультратовуш билан бошқарилади.

АЛОҚА (СВЯЗЬ) Қўшин ва қуролларни бошқариш тизимидаги маълумотларнинг турли восита ва усуллар ёрдамида узатилиши ва қабул

килиниши; қўшинлар (кучлар) бошқаруви таъминотининг асосий воситаси.
Алоқа:

узатиладиган маълумот ва қўлланиладиган якуний аппаратларга (алоқа шаклига) кўра – телефон, телеграф, телекод, телевидение, видеотелефон, сигналли ва фельдъегер-почта алоқасига;

фойдаланиладиган восита ва сигналларнинг тарқалиш муҳитига (алоқа турига) кўра – симли, радио, космик, оптик, лазерли каби алоқага бўлинади.

АЛОҚА ЙЎЛДОШИ (СПУТНИК СВЯЗИ) Қитъалараро кўп каналли радиотелефон, фототелеграф, телеграф ва телевизион алоқаларини ўрнатиш мақсадида учирилган космик алоқа йўлдоши. Алоқа йўлдоши фаол (актив) ва султ (пассив) ретранслятор бўлиши мумкин. Алоқа узоклиги йўлдошнинг Ер сатҳидан баландлигига, ретранслятор кўрсаткичларига ва алоқа ўрнатишда танланган электр магнит тўлқинлар частотасига боғлиқ. Алоқа тизими бир ёки бир нечта йўлдошдан, уларга ўрнатилган ретрансляция аппаратларидан ва ердаги узатувчи-қабул қилувчи аппаратлардан иборат.

АЛОҚА КАБЕЛИ (КАБЕЛЬ СВЯЗИ) Ахборотларни турли ток частоталарида узатиш учун мўлжалланган кабель.

Алоқа кабели, асосан, симли алоқа ўрнатишда ишлатилади. Тузилишига кўра, симметрик ва коаксиал; узатиладиган частоталар спектрига кўра паст частотали (10 кГц гача), юқори частотали (10 кГц дан юқори); ишлатилиш соҳасига кўра, узок жой билан алоқа (шаҳарлараро) ва маҳаллий алоқа (шаҳар телефон тармоқлари, қишлоқ алоқаси, радиоэшиттириш); ўтказиш усулига кўра, ер остига ётқизиладиган, ҳаводан ўтказиладиган ва бошқа турларга бўлинади. Алоқа кабелининг қобиғи кўрғошин, алюминий, пўлат, пластмасса, металопластмассадан тайёрланган бўлади.

Кўп каналли алоқа ўрнатиш учун юқори частотали симметрик кабеллар, телевидение дастурларини узатиш учун эса коаксиал алоқа кабеллари қўлланилади. Алоқа кабели мустаҳкам, сифатли ва нуқсонсиз алоқа ўрнатишга имкон беради.

АЛОҚА ЛИНИЯСИ (ЙЎЛЛАРИ) (ЛИНИЯ СВЯЗИ) Сигналларни узаткичдан қабулқилгичга тарқатувчи техник қурилмалар ва физик муҳитлар йиғиндиси. Алоқа каналининг таркибий қисми. Кўп каналли алоқа тизимида ихчамлаштирилади ва бир вақтнинг ўзида кўп каналга тааллуқли бўлади. Баъзан алоқа канали таркибига бир неча алоқа йўллари уланади. Маълумотларни узатишда фойдаланиладиган сигналларнинг тарзига кўра, электр, товуш (акустик) ва оптик алоқа йўлларига бўлинади.

Мустаҳкам ва сифатли алоқа ўрнатиш учун симли алоқа йўллари қурилади. Ҳаракатланувчи объектлар, бошқа сайёралар ва космос билан алоқа ўрнатишда симсиз алоқа йўлларида фойдаланилади.

АЛОҚА УЗЕЛИ (УЗЕЛ СВЯЗИ) 1) Ўзбекистон Республикаси алоқа тизимининг таркибий қисми; 2) аҳоли, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларга турли алоқа хизмати кўрсатувчи алоқа корхонаси; 3) қўшинларнинг кундалик фаолиятида ва операция ёки жангда ташкил этиладиган алоқа қўшинларига мансуб куч ва воситаларнинг ташкилий-техник қўшилмаси.

Алоқа узеллари бошқарув пунктларида ёки каналларни тақсимлаш пунктида ташкил этилиб, кўчмас ёки кўчма бўлиши мумкин. Алоқа тизимидаги вазифасига кўра:

бошқарув пунктнинг алоқа узели;
 таянч алоқа узели;
 кўмакчи алоқа узелига бўлинади.

Алоқа узели таркибига: радиоалоқа маркази, автоматлаштирилган бошқарув воситалар маркази, электр таъминот маркази, алоқа узелини бошқариш пункти, фельдъегер-почта алоқаси станцияси, алоқа вертолётлари ва самолётларининг кўниши (учиши) учун мўлжалланган майдон кириши мумкин.

Кўмакчи алоқа узели – алоқа тизими элементи бўлиб:

юқори поғонадаги штабнинг бошқарув пункти ва таянч алоқа узелидан жуда олис масофада ҳаракатланаётган кўшинлар билан алоқани таъминлаш;

бошқарув пункти билан бевосита алоқа ўрнатиш ёки таянч алоқа узелига боғланиш учун зарурий куч ва воситаларга эга бўлмаган қисмлар билан алоқани таъминлаш учун мўлжалланган.

Таянч алоқа узели алоқанинг таянч тизими элементидир. Алоқанинг ўқли мажмуалари ва фронт бўйлаб жойлашган алоқа йўллари кесимчаларида ёки алоқа каналларини тақсимлаш пунктларида ташкиллаштирилиб, алоқа каналларини вужудга келтириш, тақсимлаш ва ушбу каналларни бошқарув пунктларининг алоқа тармоқларига ва кўмакчи алоқа тармоқларига узатиш учун хизмат қилади.

Кўчма алоқа узели – бошқарувнинг кўчма пункти элементи бўлиб, кўшинларни кундалик фаолият, жанговар шайликнинг турли даражаларига келтирилган ва ҳарбий ҳаракатлар давомида алоқа билан таъминлаш учун мўлжалланган. Махсус жиҳозланган ва ишончли ҳимояланган иншоотларда жойлаштирилади. Алоқа тизимининг асосини ташкил этади.

Бошқарув пунктнинг алоқа узели – бирлашманинг (кўшилманинг) алоқа тизими элементи. Юқори, бўйсунувчи ва ҳамкор штаблар билан алоқа таъминлаш, алоқа воситаларидан техник жиҳатдан фойдаланиш, бошқарув пунктидаги ички алоқани таъминлаш учун мўлжалланган.

Алоқа узели асосий, захира ва олдиндаги кўмондонлик пунктлари, қуролли кучлар фронт орти таъминоти ва кўмакчи бошқарув пунктларида ташкил этилади. Юқори штабга мансуб алоқа узели алоқа тизимида мавжуд алоқа тармоқларига нисбатан бош алоқа узели ҳисобланиб, барча бўйсунувчи ва ҳамкор алоқа тармоқлари ҳаракатларини мувофиқлаштириб боради.

АЛОҚА ҚЎШИНЛАРИ (ВОЙСКА СВЯЗИ) Қўшинлар билан алоқа боғлаш ва бошқаришни таъминлаш учун мўлжалланган махсус қўшинлар.

Қуролли кучларнинг барча турлари таркибида мавжуд. Замонавий алоқа қўшинлари алоқа қисм ва бўлинмалари, таъминот ва таъмирлаш органларидан ташкил топган. Техник жиҳатдан юқори ишончли, ҳаракатчан радио, радиореле ва тропосфера станциялари, телевизион, фототелеграф, юқори частотали телефон ва телеграфлаштириш аппаратлари, шунингдек ердаги ва ҳаводаги ҳаракатчан алоқа воситалари билан таъминланган. Тактик

звенонинг ультрақиска тўлқин радиостанциялари, узоқ масофаларга кўп каналли алоқа йўллари ташкил этиш имконини берувчи радиореле станциялар, коммутация жиҳозлари ва махсус аппаратларга эга.

АЛОҲИДА ИНТИЗОМИЙ ВЗВОД (ДИСЦИПЛИНАРНЫЙ ВЗВОД (отдельный)) ҳарбий ва оғир жинойтлари учун судланган муддатли ҳарбий хизмат аскарлари жазо ўташлари учун мўлжалланган алоҳида қисм.

Алоҳида интизомий взводда жазо ўтаётган фуқаро – ҳарбий хизматчи мақомида қолиб, оддий аскарлар таркибига мансуб погон тақиб юради. Бундай ҳарбий хизматчилар учун алоҳида кун тартиби ўрнатилган.

Алоҳида интизомий взводда жазо ўтаётган ёки муддатидан олдин озод этилган шахслар – судланган деб ҳисобланмайдилар. Муддатли ҳарбий хизмат аскарининг алоҳида интизомий взводда ўтаган жазо муддати умумий қоидаларга кўра ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатига қўшилмайди.

АЛОҲИДА МУДОҒАА МАКОНИ (ОЧАГОВАЯ ОБОРОНА) Батальон мудоғаа си ҳудудида ўқчилар ва танкка қарши қуроллар олови билан ўзаро боғланмаган, алоҳида таянч пунктлари (қаршилиқ кўрсатиш марказлари) томонидан ташкил этиладиган мудоғаа.

Одатда ушбу таянч пунктлари ораси, фақат ёпиқ ўт очиш марраларидаги артиллерия ва миномётлар олови билан ўққа тутилади.

Алоҳида мудоғаа маконлари асосан тоғ, ўрмон, чўл ва дашт ҳудудлари ва умумий мудоғаа чегараларида, душман ҳаракатини чеклаш, ҳужумкорлик руҳидаги амалларини кечиктиришга мажбур қилиш ва қўшинларимиз бўлажак ҳаракатларга ҳозирлик кўриши учун вақтдан ютиш мақсадида ташкил этилади.

АЛЬТИМЕТР (АЛЬТИМЕТР) Учиш аппаратининг парвоз баландлигини кўрсатувчи асбоб. Барометрли альтиметр – учиш аппаратининг парвоз қилган еридан унеча бўлган баландлигини, радиоальтиметр – учиш аппаратининг учиш ўтаётган территория устидан баландлигини ўлчайди.

АМАЛИЙ СНАРЯД (ПРАКТИЧЕСКИЙ СНАРЯД) Артиллериянинг кўмакчи снаряди бўлиб, қуролни полигон синовидан ўтказиш ва амалий (ўқув-жанговар) ўт очиш машғулоти мобайнида фойдаланиш учун хизмат қилади. Тузилиши соддалаштирилган, портлаткичсиз ва танқис бўлмаган ашёлардан тайёрланади.

АММИАКЛИ СЕЛИТРА (АММИАЧНАЯ СЕЛИТРА) Бризантли портловчи моддаларнинг кичик қувватли турига мансуб портловчи модда.

Таркибига селитрадан ташқари портловчи ва ёнувчи бирикмалар қўшилади. Аммиакли селитра оқ ёки оч-сарик рангдаги кристалл модда шаклида бўлиб, ўз шаклини ҳароратнинг фақат муайян оралиғида сақлаб туради. Амалий моҳиятга эга бир кристалл шаклдан ўзга шаклга ўтиш ҳарорати – 16°C дан $+ 32^{\circ}\text{C}$ гача. Ҳажмининг (шаклининг) ўзгаришини бартараф этиш учун хлорли калий эритмаси билан биргаликда кристаллаштириб ҳосил қилинадиган (92% аммиакли селитра ва 8 % хлорли калий) – барқарорлаштирилган аммиакли селитра қўлланилади.

Аммиакли селитра ўзига намни кўп шимадиган хусусиятга эга бўлиб, сувда жуда яхши эрийди. $169,6^{\circ}\text{C}$ ҳароратда қисман парчаланган ҳолда

эрийди. Аммиакли селитрага эга портловчи моддалар ўз хусусиятларига кўра куйидаги турларга бўлинади:

аммонийлар (таркибига аммиакли селитрадан ташқари тротил каби портловчи моддалар кўшилади);

динамонлар (аммиакли селитра, қарағай пўстлоғи, торф каби ёнувчи кўшилмалар аралашмаси);

аммоналлар (алюминий кукуни кўшилган аммонитлар ва динамонлар).

АМОТИЗАТОР (АМОТИЗАТОР) Машиналар (автомобиль, самолёт кабилар) ва иншоотларда зарбларнинг кучини камайтирадиган, уларни силкиниш ва зарб таъсиридан ҳимоя қиладиган қурилма. Амортизаторларда пружиналар, торсионлар, резина элементлари, шунингдек суюқлик ва газлардан фойдаланилади.

АМФИБИЯ (АМФИБИЯ) 1) қуруқликда ҳам, сувда ҳам юриш қобилиятига эга жанговар ёки транспорт машина. Сузиш қобилияти амфибия корпусининг герметизацияси (сув кирмайдиган-чиқмайдиган қилиниши) ва зарурий сув сифими билан, сувдаги ҳаракати эса сувда олға илгарилатувчи движитель иши билан таъминланади. Сузувчи танклар, пиёдалар жанговар машинаси, зирҳли транспортёрлар ва шу каби техникалар амфибия ҳисобланади; 2) қуруқликдаги аэродром ва сув ҳавзасидан учиш ва кўнишга мослаштирилган амфибия самолёти (гидросамолёт); 3) юриш қобилиятини яхшилаш мақсадида чанғи кузови чанғи-қайиқ билан алмаштирилган аэроҷана.

АМФИБИЯ КУЧЛАРИ (СИЛЫ АМФИБИЯ) АҚШ ва бошқа айрим чет давлатлар ҳарбий-денгиз флотидаги қуруқлик кучлар тури. Денгиз (океан) орқали десант ташлаш (қирғоққа тушириш) учун мўлжалланган.

АНГАР (АНГАР) Самолёт ва вертолётларни сақлаш, таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган иншоот.

АНКЕР (АНКЕР) 1) соат механизмининг бир текис юришини таъминловчи қисм (тебранувчи санчки); 2) иншоот ва машиналар уламаларини маҳкамлайдиган қисм. Иншоотларда анкер терилган ғиштлар (девор, пойдеворлар ва шу каби) орасига ётқизилади. “Анкер” атамаси “Оралик қисм” (масалан, анкерли плита) маъносида ҳам ишлатилади.

АНТЕННА (АНТЕННА) Радиотўлқинларни тарқатиш ёки қабул қилишга мўлжалланган, одатда радиоузаткич ёки радио (телевизион) қабулқилгич билан бирга ишлайдиган қурилма.

Антеннанинг асосий хусусиятларидан бири йўналганлик диаграммаси бўлиб, у антенна тарқатаётган (қабул қиладиган) электр магнит майдони қувватининг фазода тақсимланиш хусусиятини белгилайди.

Йўналтирилмаган (кенг йўналишли) ва йўналтирилган (масалан, нур деб аталувчи тор йўналганлик диаграммасига эга бўлган) антенналарга бўлинади. Антенна ёрдамида жуда кучсиз радиосигналларни қабул қилиш, сигналларни муайян йўналиш бўйича узатиш ва қабул қилиш, радиотўлқинлар манбаи ўрнини аниқлаш мумкин ва ҳ.к. Антенна турлари: вибраторли (симли), тирқишли, карнайли, кўзгули, линзали антенналар, антенна-панжара кабилар.

АНТИДОТЛАР (ЗИДДИ-ЗАҲАРЛАР) (АНТИДОТЫ) Организмга сингиб кирган захарларни зарарсизлантирадиган дорилар.

АНТИФРИЗЛАР (АНТИФРИЗЫ) Баъзи моддаларнинг (этиленгликол, глицерин, анорганик туз кабиларнинг) паст ҳароратларда музламайдиган сувли эритмаси. Ташқи ҳавонинг ҳарорати – 75°C дан 0°C гача бўлганда автомобиль, авиация ва трактор двигателларини совитиш тизимларида фойдаланилади.

АРМИЯ (АРМИЯ) 1) давлат қуролли кучларининг мажмуи; 2) қуролли кучларнинг бир қисми, биринчи навбатда қуруқликдаги қўшинлар; шу маънода “Армия” атамаси ҳарбий-денгиз флотидан фарқ қилиш учун ишлатилади; 3) уруш давридаги жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган қўшинлар, оператив бирлашмалар; 4) турли қўшин турларининг бир неча бирлашмалари ва айрим қисмларидан ташкил топган оператив қўшилма. Умумқўшин армия, танк армияси, ҳаво армияси каби армиялар бўлади.

АРМИЯ ГЕНЕРАЛИ (ГЕНЕРАЛ АРМИИ) Қуролли кучлар олий офицерлари таркибининг умумқўшин ҳарбий унвони. Генерал-полковник унвонидан сўнг берилади. 1940 йил 7 май куни таъсис этилган. Ҳарбий-денгиз флоти, ҳарбий-ҳаво кучлари ва қўшинлар турида армия генерали унвонига флот адмирали, авиация (артиллерия қўшинлари, алоқа қўшинлари) маршали ҳарбий унвонлари мос келади. “Маршаллик юлдузи” топширилади.

Мазкур унвон Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги олий ҳарбий унвон саналиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ва Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирига (уруш даврида) берилади.

АРМИЯДАГИ МУСОБАҚА (СОРЕВНОВАНИЕ В АРМИИ) Шахсий таркибни тарбиялаш воситаси, қўйилган вазифани сифатли бажариш мақсадида ҳарбий хизматчилар фаоллигини сафарбар этиш. Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликнинг ажралмас қисми.

АРТИЛЛЕРИЯ (АРТИЛЛЕРИЯ) 1) қўшинлар тури; 2) қурол тури ёки аслаҳага мансуб анжомлар мажмуи; 3) артиллерия аслаҳасининг тузилиши, хусусиятлари ва жанговар қўлланилиши ҳақидаги фан.

Қўшинлар тури сифатида бўлинма, қисм ва қўшилмалардан ташкил топган. Артиллерия ўз навбатида қўшинлар артиллериясига (армия, корпус, дивизион, полк, батальон артиллериясига) ва олий қўмондонлик артиллериясига бўлинади.

Жанговар вазифаси ва қурол-аслаҳаси турига кўра тўпли, замбаракли, реактив, зенит ва миномётлар артиллериясига, шунингдек танкка қарши махсус, тоғ ва ўзга турдаги артиллерияга бўлинади. Ҳарбий-ҳаво кучларида самолёт ва вертолётлардаги авиация тўплари, ҳарбий-денгиз флотида эса кемадаги (шу жумладан зенит) тўплар ва қирғоқдаги артиллерияга бўлинади.

Артиллериянинг баъзи турлари ядровий заряд билан анжомланган снарядлар билан ўт очиши мумкин.

Фан сифатида – артиллерия қурол-аслаҳасининг тузилиши, қўлланилиши, уни лойиҳалаштирилиш, ишлаб чиқариш ҳамда тегишли қуролдан ўт очиш ва жанговар жихатдан қўллаш усуллари соҳаларидаги

билимлар мажмуидир.

АРТИЛЛЕРИЯ ДИВИЗИЯСИ (АРТИЛЛЕРИЙСКАЯ ДИВИЗИЯ) Бир неча артиллерия қисмларидан ташкил топган бирлашма. Аслаҳалари таркибига замбарак, тўп, реактив артиллерия қуроли киради. Давлат қуроли кучларининг Олий Бош Қўмондони захираси сифатида қўлланилиши мумкин.

АРТИЛЛЕРИЯ ПОЛКИ (АРТИЛЛЕРИЙСКИЙ ПОЛК) Тактик артиллериянинг асосий ташкилий қисми. Таркибидаги аслаҳаларга боғлиқ ҳолда артиллерия полки замбаракли, тўпли, реактив, танкка қарши-қирувчи бўлиши мумкин.

АРТИЛЛЕРИЯ СНАРЯДИ (СНАРЯД АРТЛЛЕРИЙСКИЙ) Турли нишонларни йўқ қилиш, қоронғи атрофни ёритиш, жанг майдонини тутун билан қоплаш, шахсий таркибни ўқитиш каби амалларни бажариш учун мўлжалланган артиллерия ўқ-дориси.

Артиллерия снаряди корпус, ички таркиб ва портлаткичдан ташкил топган. Тузилиши бўйича оддий (фаол) ва фаол-реактив снарядларга бўлинади. Вазифасига кўра асосий, махсус ва кўмакчи турларга бўлинади.

Асосий снарядлар жумласига:

парчаланувчи; фугасли; парчаланувчи-фугасли; зирхёра; фугасли-зирхёра; кумулятив; ёндирувчи снарядлар киради.

Махсус снарядлар жумласига:

тутун пурковчи; ёритувчи; ташвиқот варақаларини сочиб ташловчи; радиолокацияга қарши снарядлар киради.

Кўмакчи снарядлар жумласига:

ўқув; амалий; қурол тизимини синаш учун мўлжалланган снарядлар киради.

Калибрига кўра:

кичик – 20-75 мм; ўрта – 76-155 мм; йирик – кўрсатиб ўтилган калибрлардан юқори калибрли снарядларга бўлинади.

Қурол калибрига нисбатан: калибрли; калибрдан кичик; калибрдан йирик снарядлар мавжуд (*тегишли атамаларга қаранг*).

АРТИЛЛЕРИЯ ТАЙЁРГАРЛИГИ (АРТИЛЛЕРИЙСКАЯ ПОДГОТОВКА) (артиллерия олови қўлланилган тайёргарлик), Хужум олдидан душманнинг ўт очиш воситалари, жонли куч ва мудофаа иншоотлари каби нишонларини (объектларини) артиллериядан ўт очиб йўқ қилиш, вайрон этиш.

Артиллерия тайёргарлиги жангнинг умумий мақсадига, душман мудофаасининг қувватига, хужум қилувчи қўшинлар ихтиёридаги артиллерия ва ўқ-дори захирасига қараб белгиланади.

АРТИЛЛЕРИЯ ҚУРОЛИ (ОРУДИЕ АРТЛЛЕРИЙСКОЕ) Снарядларни (миналарни) улоқтириш учун мўлжалланган ўқотар қурол тури. Артиллерия қуроли:

тўплар;

замбараклар;

миномётлар;

тисарилмайдиган қуроллар каби русумлари бўлиб:
 ерда қўлланиладиган;
 танкка қарши;
 танкка ўрнатилган;
 зенит;
 авиацияда қўлланиладиган;

кема ва қирғоқ артиллерияси қуролига бўлинади

Артиллерия қуролининг асосий жанговар хусусиятлари жумласига: снаряд кудрати, нишонни аниқ уриши, тез ва узоққа отиш қобилияти, ўз олови билан манёвр қилиш, қўлланилишдаги ишончлилиқ, ҳар қандай шароитда инкорсизлик хусусиятлари киради. Замонавий артиллерия қуроли: снаряд солинадиган қисми, затвор ва тепки сўндиргич билан биргаликдаги – стволдан ва лафетдан ташкил топган.

АРТИЛЛЕРИЯ ҚУРОЛИНИНГ ТИСАРИЛИШИ (ОТКАТ ОРУДИЯ)
 Ўт очилган фурсатда артиллерия қуролининг ортга ғилдираши ёки фақат стволининг тисарилиши. Замонавий тўпларнинг стволларигина ортга тисарилади.

АРТИЛЛЕРИЯ ҚУРОЛИ СТВОЛИНИНГ ТИРГАГИ (ЛАФЕТ)
 (ОРУДИЙНЫЙ СТАНОК (ЛАФЕТ)) Устига артиллерия қуролининг стволи ўрнатиладиган қурилма. Стволга вертикал ва горизонтал бурчаклар бериш (қуролни йўналтириш механизмлари ёрдамида), ўт очилган фурсатда қурол тисарилишига қарши қурилмалар билан тисарилиш энергиясини сўндириш ва бу пайтда вужудга келадиган кучни қурилма асосига узатиш учун мўлжалланган.

АРТИЛЛЕРИЯ ҚУРОЛЛАРИ (АРТИЛЛЕРИЙСКОЕ ВООРУЖЕНИЕ)
 Асосини артиллерия комплекслари ташкил этувчи стволли, ўт очувчи қурол-аслаҳалар тури (ўқ-дорилари билан биргаликдаги артиллерия тўплари ва ўт очиш учун мўлжалланган жиҳозлар). Артиллерия қуроллари таркибига кенг маънода қуйидагилар киради: ўқотар ва совуқ қуроллар, гранатомётлар ва уларга мансуб ўқ-дорилар, ўт очиш учун мўлжалланган жиҳозлари билан биргаликдаги бараварига ўт очувчи реактив тизимлар, артиллерия таъмирининг ҳаракатчан устахона, аслаҳахона, база, омборхона ва полигон жиҳозлари, артиллерия аслаҳасини қўллаш учун мўлжалланган захира қисм, асбоб, анжом ва ашёлар.

АРҚОНЛАР (кемада) (ТАКЕЛАЖ) Рангоутларни, яъни елканли кемаларнинг елканларига оид анжомлар, замонавий кемаларда эса – антенна ва кема чироқларини ўрнатиш, сигналларни (байроқча ва махсус белгиларни) кўтариш, елканларни бошқариш, юкларни ортиш-тушириш учун мўлжалланган кема абзалларининг (трос, занжир ва арқонларнинг) мажмуи. Мазкур арқонлар:

мачталарни ҳаракатсизлантириб боғлаб қўядиган – *ҳаракатсиз*;

қайик, елкан ва юкларни кўтариб туширадиган – *ҳаракатчан* турларга бўлинади. Бундай арқонлар аэростат ва дирижабллар қобикларини арқонлашда ҳам қўлланилади. Замонавий пойга яхталарида ҳаракатсиз

арқонлар кўпроқ пўлат трослардан тортилади.

АСБОБ (ИНСТРУМЕНТ) 1) меҳнат қуроли. Муайян ишни бажаришга мўлжалланган мослама, қурилма бўлиши мумкин; 2) ўлчаш, таҳлил ўтказиш, чизиш, иситиш ва бошқа вазифаларни бажариш воситаси. Машина-механизм ва аппаратларнинг айрим қисмлари ҳам асбоб деб аталади.

АСБОБЛАР (ПРИБОРЫ) Маълумотлар олиб, қайта ишлаш учун мўлжалланган ўлчов қурилмалари. Ҳарбий соҳадаги турли тизимларни мослаш ва бошқариш учун қўлланиладиган воситалар. Асбоблар вазифаси, ишлаш тамойили, иш режими, қўлланиш соҳаси ва ташилишга кўра биридан фарқ қилади.

АСЛАҲАХОНА (АРСЕНАЛ) Қурол-аслаҳа ва ўқ-дориларни йиғиш, ҳисобини юритиш, таъмирлаш, сақлаш ва қўшинларга топшириш учун мўлжалланган муассаса.

Илк бор XVI асрда вужудга келган. Аслаҳахоналар XIX асрга қадар, асосан армия учун қурол-аслаҳа ва ўқ-дорилар ишлаб чиқиш билан машғул бўлган. Замонавий аслаҳахоналар база ва омборхоналар вазифасини бажаради. Франция ва АҚШ каби давлатларда аслаҳахона деб баъзи кемасозлик заводларини аташади.

АСОСИЙ ЗАРБА (ГЛАВНЫЙ УДАР) Қаршилик кўрсатаётган душманни тор-мор қилиш ва операция мақсади сифатида қўйилган вазифани бажариш учун, қўшинлар гуруҳи (флот кучлари) томонидан муҳим аҳамиятга эга танланган йўналишда (худудда) бериладиган – ҳал этувчи зарба. Асосий зарба бериладиган йўналишда қўшинларнинг (куч ва воситаларнинг) душман кучи ва воситаларидан устун келадиган гуруҳи ташкил қилинади.

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШ (ГЛАВНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ) Душманни тор-мор этиш, муҳим объектни қўлга киритиш каби мақсадларда асосий куч ва воситалар жамланадиган йўналиш.

АСОСИЙ КУЧЛАР (ГЛАВНЫЕ СИЛЫ) Қўшинларга (қўшилма ёки қисмга) тегишли куч ва воситаларнинг асосий вазифани бажариш учун мўлжалланган – асосий қисми. Асосий кучлар таркибига штатдаги, қўшимча берилган ва мадад берувчи кучлар ҳамда барча қўшин турлари ва махсус қўшинларнинг воситалари киритилади.

АТАКА (АТАКА) Душманни йўқ қилиш мақсадида бўлинма, қисм ва қўшилмаларнинг жанговар тартибда, юксак қизғинликка эга олов билан уйғунлашган, шиддатли ҳаракатлари. Ҳужумкор ҳаракатларнинг энг дадил ва ҳал қилувчи даври. Атакада олдинга шиддатли ҳаракат билан бирга кучли ўт очиб борилади. Мотоўқчи бўлинмалар атакаси, танклар атакаси ва бошқа атака турлари қўлланилади.

АТОМ БОМБАСИ (АТОМНАЯ БОМБА) Ядровий заряд ва вайрон қилувчи катта кучга эга бўлган авиабомба. Портлаш ядровий занжир реакцияларига асосланган. Дастлабки икки атом бомбаси 1945 йилда АҚШ авиацияси томонидан Япониянинг Хиросима (6 август) ва Нагасаки (9 август) шаҳарларига ташланиб, улкан вайронагарчилик келтирган.

АТТАШЕ (АТТАШЕ) Дипломатик мартаба. Дипломатия ваколатхоналарида ҳарбий, ҳарбий-денгиз, ҳарбий-ҳаво, савдо, маданият,

матбуот масалалари атташелари бўлади. Мавқеига кўра, ҳарбий атташелар дипломатга тенглаштирилиб, дипломатик корпус таркибига киритилади, дипломатик имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади.

АХБОРОТ (ИНФОРМАЦИЯ) 1) воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар мажмуи; 2) давлатлар ўртасидаги музокара ва битим кабилар тўғрисидаги расмий хабар; 3) баъзи даврий нашрлар номи (масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ахбороти).

АХБОРОТ БЕРИШ (ОРИЕНТИРОВАНИЕ) Жанговар вазифани тўғри ва аниқ англаб олиш, жанговар ҳаракатни ўз вақтида бажариш учун – вазият, бажариладиган жанговар вазифа ва жанговар ҳаракатни юритиш усули ҳақида кўмондонлик (штаб) томонидан бериладиган ахборотлар. Ахборот стратегик, тактик ва оператив жиҳатдан берилиши мумкин.

Стратегик ахборот – мазмунан душманнинг жанговар қобилияти, куч ва воситаларининг стратегик йўналишлар бўйича тақсимооти, кўшинимизнинг бўлғуси ҳаракатлари хусусиятига умумий баҳо берадиган ахборот.

Оператив ахборот – чегарадош фронтларнинг ҳамкорликда иш кўраётган штаблари орасида, вазият ўзгариб борган сари алмашиб бориладиган ахборот. Жанговар вазифа кўшинларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари билан бажарилаётганида оператив ахборот мазмуни тактик ахборот мазмуни билан тўлатилиб борилади.

Тактик ахборот – техник воситалар орқали душман ҳаракати ва бунга мувофиқ кўшинларимиз ҳаракатининг хусусиятлари ҳақида бевосита жанг майдонида бериб бориладиган ахборот.

АШАДДИЙ ЖИНОЯТЧИ (РЕЦИДИВИСТ) Муқаддам судланган ва такрор жиноят қилган шахс. Жамият учун хавfli бўлганлиги сабабли, улар бирмунча оғир жиноий жавобгарликка тортилади.

АШЁВИЙ МУЛК (ВЕЩЕВОЕ ИМУЩЕСТВО) Ҳарбий хизматчилар фаолияти ва маиший ҳаёти учун зарурий бўлмиш кийим-кечак, анжом, кўрпа-тўшак, ювиниш-тараниш ва пойабзалга мансуб ашёлар.

Вазифаларига кўра ашёвий мулк шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган ашёлар (кийим-кечак), ҳарбий кийим буюмлари, анжомлар, кўкрак нишонлари, фарқловчи нишонлар ва инвентарь ҳисобдаги ашёларга (яъни, кийим-кечакнинг шахсий фойдаланиш учун мўлжалланмаган ашёлар, спорт ва альпинистликка оид ашёлар, чодирлар, ашё тикиш, таъмирлаш ва ювиш учун мўлжалланган хўжалик буюмларига) бўлинади.

АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ (АНСАМБЛЬ ПЕСНИ И ПЛЯСКИ) Жангчиларни сиёсий, ҳарбий ва маданий жиҳатдан тарбиялашга мусиқий, вокал ва хореографик санъат воситалари орқали кўмак бериш учун мўлжалланган – қуролли кучларнинг штатли бадиий жамоаси.

АЭРОДРОМ (АЭРОДРОМ) Самолёт, вертолёт ва моторсиз учадиган аппаратларнинг парвози, қўниши, жойлашиши ва уларга хизмат кўрсатилишини таъминловчи ҳаво бўшлиғи ҳамда иншоот ва жиҳозлар мажмуи билан биргаликдаги ер худуди. Таркибига учиш майдони ва хизматга оид техник худуд киради. Аэродромлар ҳарбий, фуқаролик ва кўшма (биргаликда фойдаланиладиган) аэродромларга бўлинади. Ҳарбий

аэродромлар вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

жанговар авиация қисм ва бўлинмалари жойлашадиган кўшинлар аэродроми;

ўқув ва махсус вазифалар бажарадиган (учиш аппаратлари, уларнинг жиҳозлари ва қурол-аслаҳасини синаш ва ўзга мақсад учун мўлжалланган) аэродром;

ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўллари бўйича амалга ошириладиган парвозларни таъминлаш учун мўлжалланган трасса аэродроми.

Аэродромлар қуйидагича номланади:

агар аэродромда авиациянинг қисм ва бўлинмалари жойлашган бўлса ёки ундан учиш аппаратларини қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва учириш учун фойдаланилаётган бўлса – ҳаракатдаги аэродром;

авиация қисми ёки бўлинмаси ҳарбий аэродромда доимо жойлашган ҳолларда – доимий жойлашиш аэродроми;

авиация қисми ёки бўлинмасига вақтинча жойлашиш ва фойдаланиш учун ажратиладиган аэродром – захирадаги аэродром деб аталади.

АЭРОФОТО СУРАТГА ОЛИШ (АЭРОФОТОСЪЁМКА) Жой ва унда жойлашган объектларни учиш аппаратларидан фотосуратга олиш.

Жой ва жойлардаги объектларни илмий-техник жиҳатдан ўрганиб чиқиш жараёнида топографик хариталар ва жой режасини тузиш ёки уларга аниқлик киритиш мақсадида қўлланилади.

Ҳарбий соҳада аэрофото суратга олиш жараёни – жой хусусиятлари, душман кўшинларининг жойлашуви ва ҳаракатлари, унинг муҳофаа истехкомлари ва ўзга объектлари ҳақида ишончли ва аниқ маълумотларни олиш имконини берувчи ҳаво разведкасининг турларидан бири сифатида қўлланилади. Бундан ташқари аэрофото суратга олиш амали – кўшинларнинг жанговар ва ўқув-жанговар ҳаракатларини назорат қилиш, учувчилар таркибига бомба улоқтириш, ҳавода ўт очиш, график ва фото ҳужжатлар тузиш, объектлар координаталарини белгилаш, ердаги ракеталарни учириш ва артиллериянинг ўт очиш марраларини топогеодезик жиҳатдан боғлаш, кўшинларимизнинг ниқобланганлик савиясини текшириб, баҳолашни ўргатишга мўлжалланган бўлиб, ўзга мақсад учун ҳам қўлланилиши мумкин.

БАЗА (БАЗА) 1) асос, негиз, таянч; 2) омборхона; 3) таъминот ёки хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи ташкилот.

БАЗАНИ КЎЧИРИШ (ПЕРЕБАЗИРОВАНИЕ) Авиация кучларининг янги туркумини яратиш, мавжуд туркумларини кучайтириш ёки авиациянинг ҳарбий қисм ва қўшилмаларини жанговар ҳаракатлар ўтаётган ҳудудларга яқин жойлаштириш мақсадларида авиация кучлари жойлаштирилган жойларнинг ўзгартирилиши.

БАЙНАЛМИЛАЛ БУРЧ (ИНТЕРНАЦИОНАЛЬНЫЙ ДОЛГ) Инсоннинг (давлатнинг) ўзга давлат шахсига, халқига (давлатга) ўз бирдамлигини (ёки ўзга юксак маънавий сабабларга кўра) намоён этиш ниятида қарши юритилаётган сиёсатга қарши кураш олиб бориш учун, тараққийпарвар ижтимоий-сиёсий ва илғор иқтисодий тузум ўрнатиш ёки тиклаш учун иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ёрдам беришга интилишини

ифодаловчи маънавий ва сиёсий тушунча. Байналмилал бурчнинг адо этилиши кўрсатилаётган амалий ёрдамда бевосита иштирок этиш билан боғлиқ.

БАЙНАЛМИЛАЛ ЖАНГЧИ (ВОИН – ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТ) ҳарбий бурчини, бир давлатнинг кўшинлари таркибида ўзга давлат ҳудудида ўтаган (ўтаётган) ҳарбий хизматчи.

БАЙРОҚ (ФЛАГ) 1) бир чети таёқ, сим, арқон кабиларга маҳкамланган муайян ранг ва ўлчамдаги мато. Ушбу матода баъзи герб, эмблемалар тасвири ҳам бўлиши мумкин; 2) Давлат рамзи. Бирор ташкилотники ҳам бўлиши мумкин.

БАЙРОҚБОҒ (ПЕРЕВЯЗЬ) Ҳарбий кийимнинг елкаси узра ташлаб юриладиган тасма ёки қайиш. Жанговар Байроқни байроқдор томонидан олиб юриш учун мўлжалланган байроқбоғ, узун ва қисқа елка камарлари ва Жанговар Байроқ сопининг пастки учини киритиб ўрнатиш учун теридан тайёрланган кичик қолипдан иборат.

Теридан тайёрланган елка камарларига қизил (ҳарбий-денгиз флотида – ҳаво ранг) шойи газлама тортилган бўлиб, четлари зар ука билан тикиб безатилган. Ассистентларнинг байроқбоғлари байроқдорники сингари бўлиб, фақат тери қолип ўрнига зарҳал рангли попук қадалади.

БАЙРОҚДОР (ЗНАМЁНЩИК) Зиммасига, Жанговар Байроқни олиб юришдек фахрий мажбурият юклатилган ҳарбий хизматчи.

Мукофотларга сазовор бўлган ёки хизмат давомида ўзини ижобий кўрсатган сержант ёки офицерлар таркибидан қисм командирининг буйруғи билан тайинланади. Айти пайтда байроқдор билан бир қаторда унинг иккита ассистенти ва Жанговар Байроқни кузатиб бориш учун байроқдор взвод тайинланади. Жанговар Байроқни олиб юриш мобайнида байроқдор ва унинг ассистентлари елкаларига байроқбоғ ташлаб олган бўлишлари лозим.

БАЙРОҚДОР ВЗВОД (ЗНАМЁННЫЙ ВЗВОД) Жанговар Байроқни саф олдига (тайинланган жойга) олиб чиқиш ва сақлаш жойига элтиб қўйиш мобайнида кузатиб бориш учун қисм командирининг буйруғи билан тайинланган бўлинма.

Жанговар Байроқ сақлаш жойига олиб кетилаётганида байроқдор взвод билан байроқдор ассистентлар ва барабанчи бўлишлари лозим.

БАЙРОҚНИ КЎТАРИШ (тушириш) (ПОДЪЁМ ФЛАГА (спуск флага)) Ҳарбий-денгиз флоти кемаларида ўтказиладиган кундалик таомил (маросим). Мазкур таомил тантанали кунлар ва муҳим воқеа-ҳодисаларга бағишлаб ўтказилиши ҳам назарда тутилади. Сувда юриб бораётган кемаларнинг гафелига кўтарилган байроқ кундуз куни ҳам, тунги вақтда ҳам туширилмайди. Байроқни кўтариш мобайнида бажариладиган барча таомиллар ҳарбий-денгиз флотининг Кема низомида белгилаб берилган.

БАКТЕРИОЛОГИК (БИОЛОГИК) **ҚУРОЛ** (БАКТЕРИОЛОГИЧЕСКОЕ ОРУЖИЕ) Одам, ҳайвон ва ўсимликларни ёппасига касаллантириш мақсадида зарарлантириб, касалликка чалинантирилган жониворлар (ҳашарот, кемирувчи ва бошқалар) орқали тарқатиладиган ёки ўқ-дориларга жойланган суспензия (бирор модданинг бошқа суюқ модда ичида майда зарра ёки

томчи ҳолида сузиб юрадиган эритмаси) ва кукун ҳолида қўлланиладиган бактериал воситалар (бактерия, вирус, риккетсия ва замбуруғлар ҳамда улар ўзидан ҳосил қиладиган захарли маҳсулотлар). Женева протоколи (1925) ва БМТ Конвенцияси (1972) билан тақиқланган.

БАЛЛИСТИКА (БАЛЛИСТИКА) Артиллерия снарядлари, бошқарилмайдиган ракеталар, мина, бомба, ўқ ва бошқанинг отиладиган маҳалдаги ҳаракатини ўрганадиган фан. Ички, ташқи ва экспериментал (тажриба) баллистикаларга бўлинади.

Ички баллистика ўқ отилганда порох газларининг таъсири билан ўқнинг ствол ичидаги ҳаракатини, порохнинг ёниши оқибатида ҳосил бўладиган босимини ўрганади.

Ташқи баллистика ўқнинг ҳаводаги ҳаракатини ва унинг мўлжалланган нишонга тегиш қонунини ўрганади.

Экспериментал баллистика тажриба, текшириш ва синаш қонуниятлари билан шуғулланади.

Ички ва ташқи баллистика физика-математика фанларига суянади.

Ташқи баллистика учун асос фанлар: назарий механика, метеорология ва аэродинамика.

Ички баллистика учун муҳим фанлар – назарий механика, молекуляр физика, термодинамика, газ динамикаси ва портлаш назарияси фанлари.

БАЛЛИСТИК РАКЕТА (БАЛЛИСТИЧЕСКАЯ РАКЕТА) Двигатели тўхтагандан сўнг баллистик траектория (эркин отиладиган жисм траекторияси) бўйлаб учадиган ракета.

Қанотли ракетадан фарқлироқ, баллистик ракета атмосферадаги парвози мобайнида аэродинамик кўтариш кучи ҳосил қилувчи сиртга эга эмас. Аэродинамик барқарорлик ҳосил қилиш учун баллистик ракета, баъзан, мувозанатлаштирувчи мосламалар билан таъминланади.

Баллистик ракеталар туркумига турли мақсадли жанговар, элтувчи (қитъалараро ракеталар ҳам), космик аппаратларни ташувчи каби ракеталар мансуб. Улар бир ёки кўп поғонали, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган бўлади.

БАННИК (БАННИК) Артиллерия тўпининг стволини тозалаш учун мўлжалланган асбоб. Соп ва унга ўрнатилган цилиндрсимон чўткадан ташкил топган. Дастаки банникдан ташқари механизациялаштирилган банник (гидробанник) ҳам қўлланилади.

БАРАБАНЧИ (БАРАБАНЩИК) Саф тайёргарлиги машғулотлари ва сафда туриб бажариладиган турлича ҳаракатлар мобайнида қўлланиладиган барабанни чалишга ўргатилган ҳарбий хизматчи (одатда аскар ёки тарбияланувчи). Илгари жанг жараёнида барабанчилардан чопар ва ярадорларни олиб чиқиш учун ёрдамчи сифатида фойдаланилган.

БАРЖА (БАРЖА) Мустақил ҳаракатланадиган ёки шатакка олинган тарзда ёхуд итарувчи кема ёрдамида сузадиган юк ташишга мўлжалланган кема.

БАРРИКАДА (КЎЧАБАНД) (БАРРИКАДА) Хужум қилаётган душмандан ҳимояланиш мақсадида кўча, йўл, кўприк ва тоғдаги сўқмоқларга

кўндаланг ўрнатиладиган кум тўлдирилган қоп, тўсин, тош, ходалар, кулатилган дарахтлар каби ашёлардан қуриладиган, қадимдан (XIX асргача, илк бор Париж коммунаси пайтида) қўлланилиб келинган сунъий тўсиқ. Баррикадалар олдида, одатда хандақлар қазилиб, сим тўсиқлар ўрнатиладиган эди. XX асрдан аҳоли яшайдиган жойларни танк ва зирхли машиналардан сақлаш учун махсус муҳандислик тўсиқлари барпо этила бошланди. Бундай баррикада темир-бетондан, турли блоклардан ясалиб, кўча ва йўлларга шахмат катаги тартибда 2-3 қатор қурилади.

БАТАЛЬОН (БАТАЛЬОН) Бригаданинг асосий тактик бўлинмаси бўлиб, 3-4 взводлар ва махсус (алоқа, разведка ва ўзга) гуруҳлардан иборат. Алоҳида ҳарбий қисм деб саналадиган (автомобиль, сапёр ва ўзга) батальонлар ҳарбий округ тасарруфига киради.

БАТАРЕЯ (БАТАРЕЯ) Артиллерия дивизионининг (полки ёки бригадасининг) асосий ўт очувчи ва тактик бўлинмаси бўлиб, 2-3 ўт очувчи гуруҳлар ва бошқармадан (бошқарув гуруҳидан) иборат. 2-6 дона тўпларга (миномётлар, реактив артиллериянинг жанговар машиналари ёки танкка қарши бошқарилувчи ракетага) эга.

БАТИСКАФ (БАТИСКАФ) Океонографик ва бошқа тадқиқотларда фойдаланиладиган, чуқур сув остида ишлайдиган ўзиюлар аппарат. 1 - 3 кишилиқ экипаж сиғадиган ва бошқариш асбоблари ўрнатилган пўлат шар (гондола) ва сувдан енгил суюқлик, одатда бензин билан тўлдирилган қалқувчи корпусдан иборат. Шўнғиши ундаги балластни ташлаш ва бензинни чиқариш билан бошқарилади. Электр двигатель билан айланадиган паррак ёрдамида сузади. Биринчи батискаф 1948 йилда ясалган. 1960 йилда олимлар батискафда Тинч океанидаги Мариана новининг (чуқурлиги қарийб 11 минг метргача бўлган) тубига тушганлар.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН (ПРОПАВШИЙ БЕЗ ВЕСТИ) Дараксиз йўқлиги белгиланган тартибда тасдиқланган шахс. Уруш ва тинчлик даврида ҳарбий хизматчининг бедарак йўқолганлик факти ва санаси, бедарак йўқолганлик сабабларини суриштируви ўтказилган материаллар ва бедарак йўқолганлигини тасдиқловчи хужжатлар олинганидан сўнг, тегишли поғонадаги командирнинг қарори билан: офицер бўйича – курулли кучлар офицерлари таркиби рўйхатидан ўчирилганлик хусусида шахсий таркиб тўғрисидаги буйруқ; қолган барча тоифаларга мансуб ҳарбий хизматчилар бўйича – қисм командирининг бедарак йўқолган ҳарбий хизматчини шахсий таркиб рўйхатидан ўчириш тўғрисидаги буйруқ олинганидан сўнг белгиланади.

Бедарак йўқолган ҳарбий хизматчининг оиласи ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оиласи учун кўзда тутилган таъминот тури билан белгиланган тартибда таъминланади.

БЕТАРАФЛИК (НЕЙТРАЛИТЕТ) Урушда қатнашмаслик, тинчлик даврида эса – ҳарбий блокларда иштирок этишдан воз кечиш.

БИЛДИРИШНОМА (БИЛДИРУВ) (РАПОРТ (доклад)) Ҳарбий хизматнинг турли масалалари борасида ҳарбий хизматчининг бошлиққа

берадиган оғзаки ёки ёзма маълумоти. Ариза, таклиф ва шахсий илтимослар ҳам билдиришнома кўринишида расмийлаштирилиб, тақдим этилади. Билдиришнома (билдирув) тақдим этиш (бериш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомида белгиланган.

БИНОКЛЬ (ДУРБИН) (БИНОКЛЬ) Ўзаро параллел қилиб уланган иккита дурбиндан иборат оптик асбоб.

Жанг майдонини кузатиш, жойни ўрганиб чиқиш ва нишонлар разведкасини юритиш, шунингдек оддий бурчакли ўлчовларни бажариш учун хизмат қилади. Ҳар бир дурбин объектив, призмалар (линзалар) тизими ва окулярдан таркиб топган. Кўриш қаррасининг оширилишига кўра бинокллар икки гуруҳга бўлинади:

ўртача катталаштирувчи (6-8 қарра, кўриш майдони 8-5⁰);

йирик катталаштирувчи (10-20 қарра, кўриш майдони 5-2⁰).

БИОЛОГИК ЗАРАРЛАНГАН ЗОНА (ЗОНА БИОЛОГИЧЕСКОГО ЗАРАЖЕНИЯ) Шахсий таркиб, аҳоли ва ҳайвонлар орасида юқумли касалликларнинг авж олиш хавфи вужудга келган бактериологик қурол таъсирига гирифтор бўлган ҳудуд.

Биологик зарарланган зонанинг сарҳадлари – қўлланилган биологик восита тури, метеорология шароити, жой рельефи ва юқумли касаллик тарқаб кетишини чеклаш учун кўрилган чоралар миқёсига боғлиқ.

Биологик зарарланган зона чегаралари, кузатув постлари ва махсус разведка дозорлари томонидан берилган маълумотларга кўра аниқланиб, биологик разведка ва тиббий лаборатория таҳлилларининг натижалари асосида ушбу маълумотларга аниқлик киритилади.

БИОЛОГИК ҚУРОЛ (БИОЛОГИЧЕСКОЕ ОРУЖИЕ) Оммавий қирғин қурол бўлиб, инсонга ўтказадиган таъсири ҳайвон организмида урчиш ва кўпайиш қобилятига эга микроорганизмларнинг касаллик кўзғатувчи хусусиятларидан фойдаланишга асосланган. Оммавий қирғин қуролнинг ман этилиши борасида бир қатор халқаро ҳужжатлар, жумладан, бактериологик (биологик) ва токсинли (тирик организмлар ҳосил қиладиган захарли) қуролларни тайёрлаш, ишлаб чиқариш ва захираларини ғамлашни тақиқловчи Конвенция (1972 й) қабул қилинган. 1975 йилда биологик қуролни тақиқлаш тўғрисида Конвенция қабул қилинган.

БИРИКТИРИЛАДИГАН ЖИҲОЗЛАР (НАВЕСНОЕ ОБОРУДОВАНИЕ) Муҳандислик таъминотида оид вазифаларни бажариш учун жанговар ва транспорт машиналарига (танк, шатак, трактор, автомобиль кабиларга) бириктириладиган (тиркаладиган) механизмлар. Бириктириладиган жиҳозлар жумласига траллар, бульдозерловчи (ер қазувчи), қор тозаловчи ва ўзга қурилмалар қиради. Йўл ва аэродромларни уюмлардан тозалаш, танклар ва артиллерия шатакларининг ўз-ўзини ер остига паналашлари учун, шунингдек юриш йўлларини тайёрлаш, уюм, вайроналик ва табиий тўсиқлараро йўллар очиш жараёнида қўлланади.

БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФА (БЛИЖАЙШАЯ ЗАДАЧА) Қуруқликдаги қўшинларнинг бўлинма, қисм, қўшилма ва бирлашмаси олдида, ҳужумни бошлаш ва юритиш учун қўйилган жанговар вазифанинг

биринчи навбатда амалга ошириладиган қисми. Биринчи навбатдаги вазифа юқори поғонадаги бошлиқ томонидан қўйилиб, мазмунан – душманнинг муайян худудидаги асосий кучларини тор-мор этиш ҳамда ҳужумнинг истиқболи ва навбатдаги вазифанинг (*навбатдаги вазифага қаранг*) муваффақиятли бажарилишини таъминловчи марранинг забт этилишидан иборат.

БИР КЕЧА-КУНДУЗЛИК (СУТКАЛИК) ПАЁК (СУТОЧНЫЙ ПАЁК (суточная дача)) Озиқ-овқат маҳсулотларининг бир нафар ҳарбий хизматчи сутка давомида овқатланиши учун белгиланган меъёрлар бўйича миқдори. Бўлинма, қисм (кема), қўшилма ва бирлашма учун суткалик паёк ҳарбий хизматчиларнинг рўйхатдаги сонига кўра ҳисоблаб чиқарилади. Суткалик паёк вази озиқ-овқатнинг бир суткага белгиланган меъёрлар бўйича барча маҳсулотлари вазининг йиғиндиси билан аниқланади.

БИР КЕЧА-КУНДУЗЛИК ҚАЙДНОМА (ВЕДОМОСТЬ) (СУТОЧНАЯ ВЕДОМОСТЬ) Ҳарбий қисм (кема), муассаса шахсий таркибининг миқдорий ҳисобини юритиш учун мўлжалланган ҳужжат. Бир кеча-кундузда, ўрнатилган шакл бўйича, одамларнинг штат, рўйхат ва ҳақиқатда мавжуд сони ва ушбу сонда ўтган сутка давомида рўй берган миқдорий ўзгаришлар кўрсатилган тарзда тузилади.

БИРЛАШМА (ОБЪЕДИНЕНИЕ) Таркибига бир неча қўшилма ёки кичик таркибли бирлашмалар, шунингдек алоҳида қисм ва муассасалар киритилган ҳарбий тузилма.

Таркиби ва бажарадиган вазифасига кўра: стратегик, оператив-стратегик, оператив, оператив-тактик ва минтақавий умумқўшин бирлашмаларга бўлинади.

Стратегик бирлашма:

ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони континентидаги бирлашма – бир неча курукликдаги қўшин ва бирлашмалар, ҳарбий-хаво кучлари, ҳарбий-денгиз флоти, бирлашма тури ва махсус қўшинларга мансуб алоҳида қўшилмалардан;

океанлардаги ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонидаги бирлашма – бир ёки бир нечта флотлар, қўшинлар бирлашмаси, қўшинлар тури ва махсус қўшинларга мансуб алоҳида қўшилмалардан иборат.

Оператив-стратегик бирлашма – бир неча оператив бирлашмалар, курулли кучлар турлари, қўшин турлари ва махсус қўшинларга мансуб алоҳида қўшилма ва ҳарбий қисмлардан иборат. Бундай бирлашмаларга фронт ва флот киради.

Оператив бирлашма – одатда курулли кучларнинг битта турига мансуб қўшин (куч) тури ва махсус қўшинга тегишли бир неча қўшилма ва қисмлардан иборат.

Мазкур бирлашмалар уруш ва тинчлик даврида ташкил этилиб, мустақил ёки ҳамкорликдаги жанговар ҳаракатларни бажариш учун мўлжалланган. Бундай бирлашма – армия, флотилия, эскадра ҳисобланади.

Оператив-тактик бирлашма курулли кучларнинг битта турига мансуб қўшинлар (кучлар) тури, махсус қўшин ва хизматларига тегишли қўшилма ва қисмлардан иборат бўлиб, оператив-тактик ва тактик вазифаларни бажариш

учун мўлжалланган. Буларга армия корпуслари ва механизациялаштирилган корпуслар киради.

Минтақавий умумқўшин бирлашма – оператив вазифалар ҳамда мамлакат ва қуролли кучларни тайёрлаш билан боғлиқ ҳарбий маъмурий ишларни белгиланган кўлам ва доираларда бажариш учун мўлжалланган. Бундай бирлашмалар жумласига ҳарбий округлар киради.

БИР ТОМОНЛАМА СУЛҲ (СЕПАРАТНОЕ ПРИМИРЕНИЕ) Уруш олиб бораётган мамлакатлар иттифоқига кирган давлатлардан бирининг ўз иттифоқчиларини огоҳлантирмай ёки уларнинг розилигини олмай, душман билан тузган сулҳ шартномаси ёки вақтинча яраш битими.

БЛИНДАЖ (БЛИНДАЖ) 4-8 нафар шахсий таркиб учун мўлжалланган пана жой тури. Ўқ, снаряд ва миналар портлаши натижасида ҳосил бўладиган парчалар, ёндирувчи воситалар, шунингдек ядро қуролининг қирғин келтирувчи омилларидан ҳимоя этувчи, ёғоч, темирбетон, пўлат ва шу қабилар билан қопланган ва шиббаланган – ёпиқ турдаги истехком.

БОМБА (БОМБА) 1) авиация ўқ-дориларининг асосий турларидан бири; 2) ҳарбий-денгиз флоти кемалари томонидан сув остидаги нишонларга шикаст етказиш учун қўлланиладиган снаряд; 3) артиллерия снарядининг эски номи; 4) кўпоровчилик ва террористик мақсад учун қўлда ясалган снаряд.

Ядровий, фугасли, парчаланувчи, зирхёра, танкка қарши, сув ости кемасига қарши ва ўзга мақсадли бомбалар мавжуд.

БОМБАПАНА (БОМБОУБЕЖИЦЕ) Кишиларни ракета, авиация бомбалари ва артиллерия снарядларидан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган пана жой.

Шаҳарларга ҳаво ҳужуми қилина бошлангач, бомбапаналар қурилган. Бомбапаналар ғиштли ёки темир-бетон бино ва иншоотлар тагида (ертўласида) қурилади ва жиҳозланади.

БОМБАРДИМОНЧИ АВИАЦИЯ (БОМБАРДИРОВОЧНАЯ АВИАЦИЯ) Ҳарбий-ҳаво кучларининг асосий зарбдор кучи. Бомбардимончи авиациянинг асосий вазифаси: ялпи, кенг кўламдаги ҳужумдан ёки жангдан олдин душман аэродромларига, денгиздаги ҳарбий кемаларга, мустаҳкамланган мудофаа истехкомларига, қўшин ва жанговар техника тўпланган жойларга, шаҳар ва аҳоли пунктларига, темир йўл тармоқларига, саноат марказларига бомба ва ракета ташлаб вайрон қилиш ва қириш, душман қўшинларининг жанговарлик ҳолатини сусайтириш ҳамда ҳарбий-руҳий жиҳатдан таъсир этиш.

Илк бор 1911 йилда пайдо бўлган. Самолётларнинг учув-тактик имкониятига ва жанговар вазифаларининг хусусиятига кўра бомбардимончи авиация иккига - фронт (тактик) бомбардимончи авиацияга ва узоқдаги объектларни бомбардимон қилувчи бомбардимончи авиацияга бўлинади.

БОМБАРДИМОНЧИ САМОЛЁТ (БОМБАРДИРОВЩИК) Душманнинг ер ва денгиздаги объектларини бомба ва ракеталар билан йўқ қилиш учун мўлжалланган жанговар самолёт.

Парвоз вазнига кўра енгил, ўрта, оғир; вазифаси ва топшириқни бажариш хусусиятларига кўра – фронт (тактик) ва олис масофаларда ҳаракатланувчи (стратегик) бомбардимончи самолётлар бўлади.

Замонавий бомбардимончи самолётлар товуш тезлигидан тез учадиган, ёқилғисини ҳавода тўлатиш амали кенг қўлланиладиган самолётлардир. Турли шовқин ва ҳалақитлар берувчи воситалар билан таъминланган. Уларга ўрнатилган қудратли радиоэлектрон ва бошқа махсус жихозлар, душман объектларига қарата ҳар қандай метеорологик шароитда кундуз куни ҳам, тунги вақтда ҳам зарба бериш имконини яратади.

Стратегик бомбардимончилар ҳаракат доирасининг катта радиусига эга бўлиб, душман ортидаги чуқур сарҳадларда мавжуд нишонларга қарата ракетали ядровий зарбалар бериш учун мўлжалланган.

Тактик бомбардимончилар жанг мобайнида пайдо бўлган нишонлар ва оператив сарҳадлардаги душман объектларини яқсон этиш учун мўлжалланган. Парвозининг максимал вазни 35 – 70 тонна, парвоз узоқлиги 5000 км, бомбали юк вазни 3 – 4,5 тонна.

БОМБАРДИМОНЧИ ҚУРОЛ-АСЛАҲА (БОМБАРДИРОВОЧНОЕ ВООРУЖЕНИЕ) Учиш аппаратларининг қурол-аслаҳаси бўлиб, таркибига авиация бомбалари, бомбали кассета ва боғламлар, шунингдек мўлжалга олиш мосламалари ва бомбардимончи қурилмалар киради. Бомбардимончи қурилмалар таркибига:

бомбардимончи воситаларни илиш ва ечиб олиш учун мўлжалланган механизм ва мосламалар;

бомба тутқичлари ва бомба контейнерлари;

бомбардимончи воситаларни учиш аппаратидан ташлашга тайёрлаш учун мўлжалланган механизм ва агрегатлар;

бомбардимончи воситалар улоқтирилишини бошқарувчи тизимлар киради.

Бомбардимончи воситалар улоқтирилишининг икки тури назарда тутилади. Булар – жанговар улоқтириш ва авария ҳолатида ташлаб юбориш. Ушбу мақсад учун улоқтиришнинг тегишли икки тизими мавжуд.

БОМБА ТАШЛАШ (ОТИШ) (БОМБОМЕТАНИЕ) 1) учиш аппарати экипажининг кўрсатилган объектга (нишонга) қарата нишонга олиш ва бомба ташлаш бўйича бажарадиган ҳаракатларининг мажмуи. Мазкур ҳаракатлар бир неча босқичлардан иборат: нишонга қараб учиш (бошқарилувчи ёки бошқарувсиз кечадиган парвоз), нишонга яқинлашиш, ракеталар ёки зенит оловига қарши манёвр, жанговар курс танлаш, нишонга олиш ва бомба ташлаш. Бомба отишнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд: горизонтал парвоздан; пастга шўнғиб кечаётган парвоздан; тик юқорига қараб учиш мобайнида, яъни кичик баландликда нишонга яқин келиб, муайян масофа қолганида самолёт тик юқорига қараб учади ва парвознинг ҳисоблаб чиқарилган нуктасида бомба улоқтирилади; 2) амалий илмий фан бўлиб, авиация бомбаларини қўллаш назарияси, техник воситалари ва услубларини тадқиқ этади.

БОРТ ЖУРНАЛИ (БОРТОВОЙ ЖУРНАЛ) Белгиланган шаклдаги

парвоз ҳужжати бўлиб, парвоз учун вазифа олишдан токи самолёт қайтиб кўнганига қадар кечган парвоз ҳақидаги барча маълумотларни (парвоз тезлиги ва баландлиги, бурчаклари, масофаси ва давомийлигини) ёзиб бориш учун мўлжалланган.

Борт журнали экипажнинг ҳисобот ҳужжати ҳисобланади.

БОСҚИНЧИЛИК (ИНТЕРВЕНЦИЯ) Бир ёки бир неча давлатларнинг ўзга давлат ички ишлари ёки унинг учинчи давлат билан ўрнатган муносабатларига зўравонлик билан аралашуви. Босқинчилик ҳарбий, дипломатик ва мафкуравий шаклга эга бўлиши мумкин. Ҳар қандай кўринишдаги босқинчилик ҳуқуқ билан ман этилган бўлиб, БМТ низомига зиддир.

БОТИРЛИК (СМЕЛОСТЬ) Жангчининг хавфли вазиятда ғалаба қозонишига ишонч билан қўрқмай, ягона мақсад сари ҳаракатланиши ва ҳаёти учун хавф туғдирадиган вазифани бажаришида намоён бўладиган маънавий-руҳий ва жанговар сифатлари. Ботирлик – вужудга келган вазиятдан қатъий назар қўйилган мақсадга эришиш йўлида узил-кесил ҳаракатлар бажариш, танлаган ғоя ва тамойилларга содиқ қолишни тақозо этади.

Жанг шароитида ботир жангчи мавжуд тўсиқлардан қўрқмай душман билан мардонавор ва шиддат билан жанг қилади.

Тинчлик даврида жангчининг ботирлиги тактик машғулот, жанговар ўт очиш, ракета учуриш, парвоз каби тадбирлар мобайнидаги ягона мақсадли ташаббускор ҳаракатлари, ўзи ва ўртоқларига нисбатан талабчанлиги, танқид қила олиши ва ўз ҳаракатига танқидий муносабатда бўла олиши, ҳар қандай ёвузлик ва адолатсизликка лоқайд бўлмаган хулққа эга бўлишида намоён бўлади.

Ботирликнинг аниқ ифодаси жасорат ва ташаббусдир. Ботирлик тушунчаси мардлик, барқарор ирода, дадиллик каби сифатлар билан уйғунлашган бўлиб, иккиюзламачилик, қўрқоқлик, тушкунлик, мунофиқлик каби тушунчаларга мутлақо зиддир. Ботирлик сифатини тарбиялаш ва ушбу сифатни жангчи табиатига сингдириш борасидаги ҳаракатлар жанговар таълимот ва ҳарбий хизмат жараёни, мафкуравий иш, маданий-оқартув ва оммавий-спорт тадбирлари давомида амалга оширилади.

БОШЛИҚ (НАЧАЛЬНИК) Бўйсунувчи шахсий таркибга нисбатан – муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга мансабдор шахс. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида:

шахсий таркиб ўз соҳаси бўйича вақтинча бўлса ҳам бўйсунадиган – тўғридан-тўғри бошлиқ;

хизмат поғонасига кўра бўйсунувчиларга яқин бўлган – бевосита бошлиқ тоифалари мавжуд.

Бошлиқлар ҳарбий унвонларига кўра ҳам бўлинади. Мисол учун генерал ва полковниклар – барча аскар, сержант ва офицерларга бошлиқ ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида бошлиқ деб аталувчи лавозимлар тоифаси ҳам мавжуд. Улар жумласига: бош бошқарма, бошқарма, бўлим, махсус қўшин ва хизмат тури, ҳарбий муассаса,

ҳарбий таълим муассасаси бошлиқлари, бошқарув ва таъминот органларига раҳбарлик қилувчи бошлиқлар киради.

БОШ СТАРШИНА (ГЛАВНЫЙ СТАРШИНА) Ҳарбий-денгиз флоти ва чегара қўшинлари тассарруфидаги денгиз (дарё) қисмларига мансуб ҳарбий унвон. Армиянинг катта сержант унвонига мос келади. 1940 йилда таъсис этилган.

БОШ УЗАТМА (ГЛАВНАЯ ПЕРЕДАЧА) Автомобиль ва бошқа ўзиюрар машиналар трансмиссиясининг тишли механизми. Айлантирувчи фурсатни валдан етакчи ғилдиракларга узатиш ва ошириш, тортиш кучини зўрайтириш учун хизмат қилади.

БОЦМАН (БОЦМАН) Кемадаги кичик командирлар таркибига мансуб лавозим.

Боцман мажбуриятларига: кемани тоза тутиш, шлюпкалар, палубадаги қурилмалар ва кемадаги ўзга анжомларнинг соз ҳолатда эканлигини кузатиб бориш, умумкема миқёсида бажариладиган ишларга раҳбарлик қилиш, шунингдек кема командасини денгиз ишларига ўргатиб бориш киради. Боцман, сув усти кемаларида боцманлик командасига, сув ости кемасида эса рулни бошқарувчи сигналчилар командасининг тўғридан-тўғри бошлиғи ҳисобланади. Йирик кемаларда битта бош боцман ва бир нечта боцманлар бўлади.

БОШҚАРИЛАДИГАН БОМБА (УПРАВЛЯЕМАЯ БОМБА) Авиация бомбаси тури. Қуруқлик ва денгиздаги кичик ҳажмли муҳим нишонларга ташланади. Бошқариладиган бомба самолётдан туриб, радиоузаткичлар ёрдамида бошқарилади. Бошқа турдаги бомбаларга нисбатан мўлжалга аниқ тегади.

БОШҚАРИЛАДИГАН ЗЕНИТ РАКЕТАСИ (ЗЕНИТНАЯ УПРАВЛЯЕМАЯ РАКЕТА (ЗУР)) Ҳаво нишонларини уриб тушириш учун мўлжалланган, реактив двигателга эга – учувчисиз учиш аппарати.

Бошқариладиган зенит ракетаси – ракетали зенит комплексининг таркибий қисмидир. Унинг асосий элементлари жумласига, учиш аппарати, ракета бортидаги йўналтирувчи мосламалар ва двигатель қурилмаси киради.

БОШҚАРИШ ПУЛЬТИ (ПУЛЬТ УПРАВЛЕНИЯ) Стол, устун, стенд (махсус тахта) кўринишига эга қурилма. Юза томонига бошқариш органлари билан маълумотларни тасвирловчи воситалар ўрнатилган бўлиб, ушбу воситалар ёрдамида оператор томонидан бошқарилаётган объектга таъсир ўтказилади ва зарурий маълумотлар олинади. Оператор томонидан бажариладиган асосий ишлар мазмунига кўра:

тезкор бошқариш пульти;

маълумотлар олиш пульти;

бошқарилаётган объект ва алоқа каналидаги носозликларни функционал-технологик назорат қилиш учун мўлжалланган пулт;

мажмуалаштирилган пултларга бўлинади.

Бошқариш пульти бевосита объектга мустаҳкамланган ёки объектдан муайян масофа нарига ўрнатилиб бошқарадиган бўлиши мумкин.

БОШҚАРУВНИНГ ОПЕРАТИВЛИГИ (ОПЕРАТИВНОСТЬ)

УПРАВЛЕНИЯ) Қўмондонлар (командирлар) ва штабларнинг бўйсунувчи кўшинни қўйилган вазифани муваффақиятли бажарилишини таъминловчи муддатларда бошқара олиш қобилияти. Бошқарувнинг оперативлигига:

вазиятни билиш;

ўз вақтида қарор қабул қилиш ва жанговар ҳаракатларни ташкил этиш;

бошқарув органлари ва пунктлари жанговар шайлигининг юксак савияда бўлиши ва уларнинг бир ердан иккинчи ерга моҳирона кўчиб ўтиши;

алоқа тизими ишининг ишончли таъминланиши;

вазият ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш амалларининг пухта ташкил этилиши;

бошқарув ва алоқанинг барча техник воситаларидан унумли фойдаланиш, кўшинлар (кучлар) бошқарувини автоматлаштириш;

штаблар фаолиятининг энг самарали усулларини қўллаш;

ахборотларни махфийлаштириш аппаратларидан кенг кўламда фойдаланиш;

бошқарув пунктларининг яшовчанлик хусусиятини ошириш;

издан чиққан бошқарувни зудлик билан тиклаш амалларини ташкил этиш билан эришилади.

БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ (ОРГАНЫ УПРАВЛЕНИЯ) Мудофаа вазирлиги тизимидаги кўшинларни идора этиш учун мўлжалланган қўмондонлик, штаб, бошқарма, бўлим каби доимий (штатда кўзда тутилган) ёки вақтинча ташкил этиладиган (штатдан ташқари) органларнинг умумий номланиши. Бошқарув органлари *жанговар шароитда* – бошқарув пунктларида, *тинчлик даврида* – махсус жиҳозланган бинода жойлаштирилади

Барча бошқарув органлари тегишли алоқа воситалари, бошқарув техникаси, транспорт кабилар билан таъминланади.

БОШҚАРУВ ПУНКТЛАРИ (ПУНКТЫ УПРАВЛЕНИЯ) Жанговар ҳаракатларни тайёрлаш ва юритиш ёки жанговар навбатчилик ўташ мобайнида қўмондон (командир) штаб офицерлари билан биргаликда кўшинларни (кучларни) бошқариш борасидаги амаллар бажарадиган, махсус жиҳозланган ва техник воситалар билан таъминланган жойлар. Қўшинларни (кучларни) бошқариш учун:

қўмондонлик пункти;

олдинги қўмондонлик пункти;

захира қўмондонлик пункти;

қуролли кучлар фронт орти ва кўмакчи бошқарув пунктлари;

қуруқликдаги кўшинларда – қўмондонлик-кузатув пункти ташкил этилади.

Бошқарув пунктлари кўчмас ва кўчма бўлиши мумкин.

Кўчмас бошқарув пунктлари яхши ҳимояланган ер ости ва ер усти иншоотларда жойлаштирилади.

Кўчма бошқарув пунктлари қўмондонлик-штаб ва штаб машиналари, самолёт ва вертолётлар, поездлар, қисмларга ажратилиб – йиғиладиган муҳандислик иншоотларида жиҳозланади.

БРИГАДА (БРИГАДА) Қуролли кучларнинг тактик бирлашмаси. Мотоўқчи, танк, артиллерия, алоқа ва шу каби бригадалар бўлади. Ҳарбий-хаво кучларида бир неча авиация бўлинмаларидан (қисмларидан) ташкил топган авиация тури бригадалари бўлиши мумкин.

БРИЗАНТЛИ ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР (БРИЗАНТНЫЕ ВЗРЫВЧАТЫЕ ВЕЩЕСТВА) Портлатиш ишларини амалга ошириш ва турли ўқ-дориларни тайёрлаш мобайнида қўлланиладиган портловчи моддаларнинг асосий гуруҳларидан бири.

Юқори қувватли (ТЭН, гексоген, тетрил), меъерий қувватга эга (тротил, пикселитра) турларига бўлинади.

Бризантли портловчи моддалар инициирловчи портловчи моддаларга нисбатан жуда қудратли ва ташқи таъсирларнинг турли кўринишларига таъсирчанлиги жуда пастдир. Уларнинг детонациясини қўзғатиш, одатда капсул-детонатор таркибига кирувчи у ёки бу инициирловчи портловчи модда зарядини ёхуд ўзга бризантли портлатувчи модда зарядини (оралиқ детонаторни) портлатиш йўли билан амалга оширилади.

Зарба, ишқаланиш кучи ва иссиқлик таъсирига кам таъсирчанлиги ҳамда муомала мобайнида етарлича хавфсизлиги уларни амалий қўллаш қулайлигини таъминлайди.

Соф ҳолда ҳамда қоришма ва аралашмалар кўринишида қўлланилади.

БУЙРУҚ (ПРИКАЗ) 1) яккабошчиликка асосланган ҳуқуқий ҳужжат. Муайян муассаса ёки бошқа тур ташкилот олдида турган асосий ва кундалик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланилади. Буйруқнинг асосий матни асословчи (кириш) ва фармойиш қисмларидан таркиб топади. Асословчи (кириш) қисмида буйруқдан мақсад, шарт-шароитлар, сабаблар кўрсатилади, асос қилиб олинаётган буйруқ ҳавола қилинади (номи, рақами, санаси ёзилади). Баъзи буйруқларни асослашга ҳожат бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолларда улар тўғридан-тўғри фармойиш қисми билан ҳам берилаверади; 2) Қуролли Кучларда бошлиқнинг бўйсунувчилар томонидан ижро этиши шарт бўлган ёзма ёки оғзаки кўрсатмаси. Буйруқ муҳокама ва танқид қилинмай, сўзсиз ижро этилади. Буйруқ билан қўшинларга жанговар вазифалар етказилади. Қўшин, муассаса ва ҳарбий-таълим муассасаларининг ҳаёти ва кундалик фаолияти тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида бирлашма кўмондони, қўшилма, қисм, кема командири каби мансабдор шахслар ёзма буйруқ бериш ҳуқуқига эга.

Бўлинма командири *фақат оғзаки* буйруқ беради.

Муҳим сана, шу жумладан, Қуролли Кучларнинг айрим турлари учун белгиланган байрам кунлари шарафига ҳам байрам буйруғи чоп этилиши мумкин.

БУЮМ САҚЛАШ ХОНАСИ (КЛАДОВАЯ) Муддатли ҳарбий хизмат аскарларининг шахсий буюмлари ва умумий фойдаланиш учун мўлжалланган моддий-маиший мулк сақланадиган взвод (батарея) ётоқхонасидаги хона.

БЎЙСУНИШ ҚОИДАЛАРИ (СУБОРДИНАЦИЯ) Лавозими (ҳарбий

унвони) кичик ҳарбий хизматчиларнинг бу маънода катта шахсларга даражама-даража хизматга оид бўйсунуш қоидалари. Кенгроқ маънода – хизмат мавқеи ва ҳарбий унвонлари турлича бўлган шахслар орасидаги муносабатларда хизматга оид, шу жумладан ҳарбий интизом қоидаларининг ижро этилиши.

БҮЙСУНМАСЛИК (НЕПОВИНОВЕНИЕ) Командир (бошлиқ) буйруғини ижро этишдан очикдан-очик бўйин товлаш ёки шу маънодаги онгли ижросизлик. Ҳарбий жиноят сифатида кўрилади. Командир (бошлиқ), бўйсунувчи бўйсунмаган ёки қаршилиқ кўрсатган ҳолларда, ҳарбий интизом ва тартибни тиклаш мақсадида, айбдорни мажбур этиш, зарур бўлса хибсга олиб, ҳарбий суд олдида жавобгарликка тортишга қадар барча чораларни кўришга мажбурдир. Айни пайтда қурол фақат жанговар вазиятдагина, тинчлик даврида эса бўйсунмаётган шахс ҳаракатлари Ватан хоинлиги ва жанговар вазифанинг бажарилмай қолишига очикдан-очик йўналтирилган ёки командир (бошлиқ), ҳарбий хизматчи, фуқаро ҳаётига хавф туғдираётган алоҳида ҳоллардагина қўлланилиши мумкин.

БҮЙСУНУВЧИ (ПОДЧИНЁННЫЙ) Хизмат мақоми (эгаллаб турган лавозими) ва ҳарбий унвонига кўра – командирнинг (бошлиқнинг) ҳамда юқори поғонадаги мансабдор шахсларнинг буйруқ ва кўрсатмаларини сўзсиз, аниқ бажаришга мажбур бўлган ҳарбий хизматчи.

БЎЛАЖАК ОФИЦЕР УНИВЕРСИТЕТИ (УНИВЕРСИТЕТ БУДУЩЕГО ОФИЦЕРА) Ўрта мактабларнинг битирувчи синф ўсмирларига ҳарбий касб борасида ахборот бериш ва уларни олий ҳарбий билим юртларига ўқишга кириш учун тайёрлаш шаклларида бири. Офицерларнинг Ватанимиз ҳимоясидаги ўрни ва моҳиятини тушунтириш, ёшларни офицерлик касбига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ҳарбий ишга қизиқишларини ривожлантириш, ҳарбий касбнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш, офицерлик касбини онгли равишда танлашга тайёрлаш учун ташкил этилади. Бўлажак офицер университети офицерлар уйи, клублар каби маданий-оқартув муассасалар қошида ташкил этилади. Машғулотларнинг асосий шакллари: маърузалар ўқиш, суҳбатлар, уруш ва армия фахрийлари билан учрашувлар уюштириш, жанговар шон-шуҳрат музейларига экскурсиялар ташкил этиш, олий ҳарбий билим юртлари ва ҳарбий қисмларга ташриф буюриш, жанговар техника ва қурол-аслаҳа билан таништириш каби тадбирлардир.

БЎЛИНМА (ОТДЕЛЕНИЕ) Айрим давлатлар қуролли кучларининг қуруқликдаги қўшинлар взводи таркибига ҳарбий денгиз кучларида команда ҳисобига киритилган 6-12 кишидан иборат ҳарбий тузилма. Танк қўшинлари ва авиацияда танк, самолёт, вертолёт экипажига, артиллерияда – қурол расчётига тўғри келади.

БЎЛИНМА (ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ) Муттасил ва таркиби ўхшаш қўшин бирлиги. Бўлинма қуролли кучларнинг ҳар бир турида мавжуд бўлиб, ундан йирикроқ бўлинма ёки ҳарбий қисм таркибига киради. Бўлинма тушунчасига: батальон, дивизион, эскадрилья, рота, батарея, звено, кеманинг жанговар қисми, взвод, расчёт, экипаж, секция кабилар киради. Ташкилий тузилиши,

курол-аслахаси ва миқдорий кўрсаткичи бўлинмага белгиланган жанговар вазифага боғлиқ бўлиб, тегишли штат ва штат жадвалларида кўрсатиб ўтилади.

БЎШ ВАҚТ (ЛИЧНОЕ ВРЕМЯ) Ҳарбий қисм кун тартибида муддатли ҳарбий хизмат аскарларининг шахсий ишлари учун (кўнгилочар ўйинлар, мактуб ёзиш, кутубхонага бориш) кўзда тутилган вақт оралиғи. Одатда кун охирида тақдим этилади.

ВАРАҚАЛАР ЙИГИНДИСИ (КАРТотеКА) Бирор соҳа бўйича маълумотлар ёзилиб, тартибга солинган ўзида ахборот сақловчи муайян миқдордаги варақалар мажмуи. Маълум бир тартибда, масалан алфавит тартибида мавзусига қараб бирлаштирилган, тизимга солинган ва жойлаштирилган бўлади.

ВАТАН (РОДИНА) 1) кишиларнинг туғилиб ўсган жойи, юрти, мамлакати. Тарихан муайян халққа тегишли ҳудуд ҳамда унинг табиати, аҳолиси, ўзига хос тарихий тараққиёти, тили, маданияти, турмуши ва урф-одатлари мажмуи; 2) тор маънода – бирор нарсанинг, масалан, ўсимликнинг юзага келган жойи.

ВАТАН МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ (ЗАЩИТА НЕЗАВИСИМОСТИ ОТЕЧЕСТВА) Мустақил давлат ва халқнинг ўз ютуқларини асраш ва мустаҳкамлаш, чегаралари, ҳудудий яхлитлиги, суверенитети ва манфаатларини муҳофаза этиш борасидаги фаолияти (кураши). Ватан мустақиллиги ҳимоясида ҳарбий, иқтисодий, сиёсий ва дипломатик воситалар қўлланилиб:

тинчлик даврида – мустақиллик асосларини қўпоришга йўналтирилган ҳар қандай ҳаракатларнинг олдини олиш ва душман тажовузини бартараф этишга мамлакатни ҳар томонлама тайёрлаш тадбирлари;

уруш даврида – душман билан қуролли кураш шаклида амалга оширилади.

Ватан мустақиллигини ҳимоя қилиш – мустақил мамлакат фуқаросининг муқаддас бурчи, ҳуқуқий ва маънавий мажбуриятидир.

ВАТАНПАРВАРЛИК (ПАТРИОТИЗМ) Одамларнинг мамлакатига бўлган муносабати ва ҳаракати билан Ватан манфаатига хизмат қилиш ва душмандан ҳимоя қилишга интилишини намойиш этувчи ижтимоий ва ахлоқий тамойил.

Ўзбекистондаги ватанпарварлик – кўп миллатли Ватанга муҳаббат ва садоқатни ифодаловчи ватанпарварликдир. Ватанпарварлик тушунчасида Ватанга ва мустақиллик ютуқларига муҳаббат, қардош халқларга дўстона муносабат, Ватаннинг гуллаб яшнаши йўлидаги ижтимоий фаоллик, уни ҳимоя қилиш, миллий худбинлик ва такаббурликка хилофлик ва байналмилаллик хислатлари мужассамдир. Ватанпарварликни шакллантирувчи муҳим омиллардан бири – Қуролли Кучларнинг жанговар қудратини мустаҳкамлаш ва шахсий таркибнинг уюшқоқлигига йўналтирилган – ватанпарварлик руҳидаги тарбиядир.

ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДАГИ ТАРБИЯ (ПАТРИОТИЧЕСКОЕ

ВОСПИТАНИЕ) Ҳарбий хизматчиларда ҳуқуқий онг, ҳарбий бурчни адо этиш масъулияти ватанпарварлик ва байналмилаллик сифатларини шакллантириш бўйича ташкилий ва мафкуравий тадбирлар тизими. Ватанпарварлик руҳидаги тарбия жангчининг бутун хизмати давомида командирлар, тарбиявий ишлар органлари, жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилади.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, ташвиқот ва тарғибот, маданий-маърифий ишларнинг турли шаклларида ватанпарварлик руҳидаги тарбия манфаатларида фойдаланилади.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ҳар йили 14 январда (ДЕНЬ ЗАЩИТНИКОВ РОДИНЫ) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган байрам.

Байрам санаси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тарихидаги қўйидаги муҳим воқеалар билан боғлиқдир:

1991 йилнинг 31 август куни “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат ёш республикамизда ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди ва “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида” ги баёнот ўз Қуролли Кучларимизни ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

1991 йилнинг 6 сентябрдаги “Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони бу соҳадаги илк пойдевор ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға мувофиқ Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

1992 йилнинг 14 январь куни Республика Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида” ги қарори жуда муҳим тарихий аҳамиятга эгадир. Мазкур қарорға кўра мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий тузилмалар республика тасарруфига олинди.

Олий Кенгашнинг 1993 йил 29 декабрь кунги қарори билан 14 январь – **Ватан ҳимоячилари куни** деб белгиланди.

Ватан ҳимоячилари кунини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, айни вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган минг-минглаб навқирон йигитларнинг байрами деб қабул қилинган. Ушбу байрам муносабати билан ҳар йилда тантанали мажлислар, кечалар, суҳбатлар, Қуролли Кучлар фахрийлари билан учрашувлар, ёдгорликлар пойига гулчамбарлар қўйиш ва шу каби тадбирлар ўтказилади.

Байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг табриги чоп этилади.

ВАХТА (ВАХТА) 1) ҳарбий-денгиз флоти кемаларидаги навбатчиликнинг алоҳида кўриниши. Уч навбатда юритилади. Ҳар бир навбат давомийлиги тўрт соат; 2) вақт оралиғи. Кемадаги суткалик наряднинг битта алмашинувчи навбати мазкур вақт давомида навбатчилик хизматини ўтайди.

ВАХТАДАГИ ОФИЦЕР (ВАХТЕННЫЙ ОФИЦЕР) Кемада ташкил

этилган вахта хизматини бошқарувчи офицер. Унга кеманинг барча шахсий таркиби бўйсунди.

ВАХТА ЖУРНАЛИ (ВАХТЕННЫЙ ЖУРНАЛ) Кема, флот таркибига қабул қилинган кундан бошлаб, флот таркибидан ўчирилган кунига қадар кемадаги ҳаёт, кундалик ва жанговар фаолиятга боғлиқ барча асосий ҳодиса ва ҳаракатлар изчиллик билан сана ва соат бўйича ёзиб бориш учун мўлжалланган – кемадаги расмий ҳужжат.

ВАХТА ХИЗМАТИ (ВАХТЕННАЯ СЛУЖБА) Кемада ўтказиладиган вахтанинг умумий тартиби ва шарт-шароити.

ВАҲИМА (ПАНИКА) Ташқи шароитнинг таҳликали таъсири остида кўзғатилган бўлиб, шахс ёки одамларнинг хавфли вазиятдан ўзини четга олиш мақсадида тўхтатиб бўлмас, назоратсиз интилишида намоён бўлувчи руҳий ҳолат.

Жангчиларнинг жанговар жиҳатдан чиниққанлиги, ғоявий комиллиги ва юксак интизоми, шу жумладан, командирларнинг жангдаги тўғри ҳаракатлари – вахиманинг олдини олувчи дастлабки шартдир.

ВЕРИФИКАЦИЯ (verification – *текиширув, назорат, солиштириш, тасдиқлаш*) (ВЕРИФИКАЦИЯ) Қуролсизланиш масалалари юзасидан халқаро шартномаларда белгиланган мажбуриятларга риоя этилаётганликни тасдиқлаш бўйича амалга ошириладиган техник, технологик ва ташкилий чора-тадбирлар тизими.

ВЕРТОЛЁТ (ВЕРТОЛЁТ) Ҳаводан оғир учиб аппарати бўлиб, парвозга кўтарилиши ва қўниши вертикал кечади.

Кўтарилиш кучи битта ёки бир нечта (кўп ҳолларда - иккита) етакчи винтлар билан ташкил этилади. Вертолётнинг учиб тезлиги соатига 350 км гача (кўшимча двигатель билан 510 км гача), юк кўтариш қобилияти эса 40 т гача (1976). Техника ва қўшинларни манзилга етказиш, ҳаво десантини тушириш, ердаги нишонларни йўқ қилиш, сув ости кемаларига қарши кураш, денгиздаги миналарни зарарсизлантириш, электр алоқа йўлларини ётқизиш, радиацион ва муҳандислик разведкасини юритиш, артиллерия олови йўналишига тузатишлар киритиш ва қўмондонликни ҳаводаги қўмондонлик пункти сифатида радиоалоқа билан таъминлаш учун мўлжалланган. Вертолётлар:

жанговар (ўт очиш билан қўшинларга мадад берувчи, сув ости кемаларига қарши курашувчи, ташувчи-десантловчи);

жанговар таъминот (разведкачи, алоқа таъминловчи, минали тўсиқлар ўрнатувчи ва шу каби);

кўмакчи (санитар, ўқув, юк кўтарувчи) турларга бўлинади.

ВЕТЕРИНАРИЯ ТАЪМИНОТИ (ВЕТЕРИНАРНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ) Қуролли кучлар фронт орти таъминотининг таркибий қисми бўлиб, ветеринария хизмати томонидан шахсий таркибни инсон ва ҳайвонлар учун бирдай хавфли бўлмиш юқумли ва инвазион касалликлардан, шунингдек сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида вужудга келиши мумкин бўлган касалликлардан сақлаш, ҳарбий қисм, муассаса ва хўжаликлардаги ҳайвонларни (паррандани) юқумли ва бошқа касалликлар

билан касалланишининг олдини олиш ва кўзғалган касалликлардан даволаш мақсадларида ўтказиладиган чора-тадбирлар мажмуи.

Ветеринария хизматининг штатли ходимларига эга бўлмаган ҳарбий қисм ва хўжаликларнинг ветеринария таъминоти, тегишли маълумотга эга муддатли хизмат аскарлари ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар таркибига мансуб, буйруқ билан расмийлаштирилган – штатдан ташқари ветеринария мутахассислари томонидан амалга оширилиши мумкин.

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ (ВЕТЕРИНАРНАЯ СЛУЖБА) Кўшинларнинг ветеринария таъминоти учун мўлжалланган бошқарув органлари ва муассасалар тизими.

Ветеринария хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

шахсий таркибни инсон ва ҳайвонлар учун бирдай хавфли бўлмиш юқумли касалликлардан муҳофаза этиш хусусидаги ветеринария тадбирларини амалга ошириш;

кўшинларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш амаллари устидан ветеринария-санитар назоратини юритиш;

ҳарбий қисмларда мавжуд хизмат итлари ва юк ташиш ҳайвонлари, мудофаа вазирлиги тасарруфидаги кўмакчи хўжаликлар ва ҳарбий хўжаликлардаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларига (паррандага) ветеринария хизматини кўрсатиш;

ҳарбий қисм, муассаса ва хўжаликларнинг чорвачиликни ривожлантириш режалари амалга оширилишини таъминлаш, чорва (парранда) маҳсулдорлигини ошириш ва сифатли маҳсулот етиштиришга қаратилган ветеринария тадбирларини ўтказиш;

ҳарбий округ, кўшилма, қисм ва муассасаларда, озиқ-овқат маҳсулотларининг омборхона ва базалари ҳамда ҳарбий савдо корхоналарида фаолият юритаётган ветеринария ходимларининг махсус тайёргарлигини ошириш;

ҳарбий қисм, муассаса ва хўжаликларни ветеринария анжомлари билан таъминлаш.

ВЗВОД (ВЗВОД) Бир неча гуруҳ, секция, расчёт ёки экипажлардан ташкил топган ҳарбий бўлинма. Батальон таркибига киради. Взвод бўлинмаси барча кўшин турларида мавжуд. Кичик офицерлар, баъзан эса сержантлар таркибидан тайинланган командир томонидан бошқарилади.

ВИДЕОЁЗУВ (ВИДЕОЗАПИСЬ) Телевизион, радиолокацион ва бошқа сигналлар билан келувчи, кўзга кўринувчи ахборотни ёзиб олиш. Бундан мақсад мазкур ахборотни сақлаш ва керакли вақтда кўрсатишдир. Видеоёзувнинг асосий тизимлари магнитли ва фотографик тизимлардир. Термопластик ва механик ёзиш усулларини ҳам ишлатиш мумкин.

ВИЗА (ВИЗА) 1) бирор ҳужжат ёки далолатнома устидаги ёзув. Ҳужжатнинг ҳақиқийлигини исботлайди ёки у кучга кирганлигини билдиради; 2) муайян давлатга ташриф этиш, юриш ва ундан чиқиб кетишга рухсат берилганлиги тўғрисида паспортга қўйиладиган расмий белги.

ВИЗУАЛ (ВИЗУАЛЬНО) Кўринувчи, кўриниб турган. Визуал кузатиш – оддий кўз билан ёки оптик асбоб (масалан, бинокл) ёрдамида кузатиш

демакдир.

ВИНТ (ВИНТ) 1) каллак (одатда бурагичга мўлжалланган шлицали) ва резбаси бўлган маҳкамловчи қисмдаги ўзак; 2) юриш винти – винтли узатманинг етакчи звеноси; 3) куракли винт (хаво винти, сузиш винти) – самолёт, вертолёт, кемаларни ҳаракатлантирадиган паррак.

ВИРАЖ (ВИРАЖ) 1) бурилиш; 2) оддий учувчилик санъати қўлланган тарздаги парвоз санъати, учиш аппаратини горизонтал текисликда тўла буриш; 3) фотографияда – оқ-қора фототасвирларни рангли монохром (бир тусдаги) тасвирларга айлантириш учун ишлатиладиган реактив.

ВИЦЕ-АДМИРАЛ (ВИЦЕ-АДМИРАЛ) Ҳарбий-денгиз флотидаги 1699 йилда таъсис этилган ҳарбий унвон. Армияда генерал-лейтенант унвонига мос келади.

ВОДОРОД БОМБАСИ (ВОДОРОДНАЯ БОМБА) Вайрон қилувчи катта кучга эга бўлган бомба, портлаши енгил ядроларнинг синтезланиш реакциясига асосланган. Биринчи марта водород бомбаси собиқ Совет Иттифоқида 1953 йилда синаб кўрилган.

ВОЛЬТМЕТР (ВОЛЬТМЕТР) электр занжирларида электр юритувчи куч ёки кучланишни (мкВ, мВ, В, кВ ларда) ўлчайдиган асбоб. Юкламага параллел уланади.

ВОСИТАЧИ (ПОСРЕДНИК) Тактик машқда иштирок этаётган қисм ва бўлинмаларнинг командирлари ҳузуридаги – машқ раҳбарияти вакили. Воситачи этиб машқда иштирок этмаётган кўшин ва штабларга мансуб офицерлар тайинланади. Воситачи олдига асосан:

машқда иштирок этаётган шахсий таркиб ҳаракати ва хавфсизлик чораларига риоя этаётганлигини назорат қилиб бориш;

тактик машқ раҳбарига жанговар ҳаракатни саҳналаштиришга кўмак бериш;

машқни таҳлил этиш учун материал тайёрлаш вазифалари қўйилади.

ГАЗ ДВИГАТЕЛИ (ГАЗОВЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Газ ёнилғиси (табiiй газ, генератор ва домна газлари, суюлтирилган газ ва ҳ.к.) билан ишлайдиган ички ёнув двигатели. Учқундан ўт олувчи ва дизел тарзидаги газ двигателларига бўлинади.

ГАЗНИҚОБ (ПРОТИВОГАЗ) Заҳарловчи ва радиоактив моддалардан инсоннинг нафас олиш органлари, кўзлари ва юзини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган шахсий ҳимоя воситаси. Газниқоблар:

ҳимоя этиш усулларига кўра – фильтрловчи ва изоляцияловчи;

вазифасига кўра – кўшинлар ва саноатда қўлланиладиган, фуқаролар учун мўлжалланган турларга бўлинади. Тузилиши содда, қўлланилиши қулай ва узок вақт ҳимоя эта олиши туфайли – фильтрловчи газниқоблар кенг тарқалган.

ГАЗПАНА (ГАЗОУБЕЖИЩЕ) Кишиларни кимёвий моддалардан муҳофаза қилиш мақсадида махсус жиҳозланган жой. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг паногоҳ (*убежище*) деб атала бошлади.

ГАРНИЗОН (ГАРНИЗОН) 1) муайян аҳоли пункти ёки бирон-бир ҳудудда доимий ёки вақтинча жойлашган ҳарбий қисм ва ҳарбий-ўқув

муассасалари.

Гарнизонда гарнизон бошлиғи (мудофаа вазирининг буйруғи билан), унинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, ҳарбий комендант, гарнизон ҳарбий автомобиль назорати бошлиғи тайинланади; 2) таянч пунктини (узук муддатли мудофаа иншоотини, қалъани) мудофаа этаётган қўшинлар.

ГАРНИЗОН БОШЛИҒИ (НАЧАЛЬНИК ГАРНИЗОНА) Гарнизонда мансаби катта шахс (командир, бошлиқ).

Гарнизон бошлиғи Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруғи билан тайинланади. Гарнизон бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Гарнизон ва қоровул хизматлари низомида белгилаб берилган мажбуриятлари ушбу шахснинг штат бўйича асосий мажбуриятлари билан бир вақтда ижро этилади.

ГАРНИЗОН ХИЗМАТИ (ГАРНИЗОННАЯ СЛУЖБА) Гарнизонда жойлашган ҳарбий қисм хизматчилари учун белгиланган махсус хизмат тури, қўшинлар хизматининг таркибий қисми.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низомига мувофиқ, тегишли ҳарбий хизматчилар томонидан амалга оширилади. Ҳарбий хизматчиларнинг юксак ҳарбий интизомини тутиб туриш, қўшинларнинг кундалик ҳаёти ва тайёргарлиги учун зарур шарт-шароит яратиш, шунингдек қўшинлар иштирокида гарнизон миқёсидаги тадбирларни (парад ва намойишлар, гулчамбарлар қўйиш, салют отиш, фахрий қоровуллар тузиш, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларни дафн қилиш ва ҳ.к.) ўтказиш, шунингдек қўшинларни ёнғинга ва табиий офатларга қарши курашга жалб қилиш каби ишларни амалга ошириш учун ташкил этилади.

ГАУПТВАХТА (ГАУПТВАХТА) Ҳибсга олинган ҳарбий хизматчиларни тутиб туриш учун мўлжалланган махсус бино.

Гауптвахтада интизомий тартибда қамалган ва ҳарбий суд томонидан гауптвахтада тутилишга ҳукм чиқарилган ҳарбий хизматчилар тутиб турилади.

Гауптвахтанинг жиҳозланиши, ҳибсга олиш ҳукмини ижро этиш тартиби, ҳибсга олинганларни жўнатиш, қабул қилиш, тутиб туриш ва озод этиш амаллари Гарнизон ва қоровул хизматлари низоми ва Интизом низоми билан тартибга солинади. Қоровул таркиби томонидан қўриқланади.

ГВАРДИЯ (ГВАРДИЯ) Қўшинларнинг сараланган имтиёзли қисми.

Дастлаб Францияда (XV аср боши), кейинчалик Англия, Швеция, Россия, Пруссияда (XVII аср) пайдо бўлган. Россиянинг лейб-гвардияси 1687 йилда Пётр I томонидан ташкил этилган бўлиб, 1918 йилда тугатилган.

ГЕКСОГЕН (триметилентринитроамин) (ГЕКСОГЕН) Бризантли портловчи моддаларнинг юқори қувватли турига мансуб портловчи модда.

Оқ рангли таъмсиз, ҳидсиз сувда эримайдиган, ўзига сув сингдирмайдиган майин кристалл жисм кўринишига эга. Соф гексоген яхши прессланмайди, шу сабабли унга прессланиш қобилятини оширадиган ва айни пайтда механик таъсирга таъсирчанлигини пасайтирадиган флегматизатор (парафин билан церезин аралашмаси) бир оз қўшилиб,

кўлланилади. Флегматизациялаштирилган гексоген, одатда (оз миқдорда судан кўшиш билан) малла рангга бўялади ва 1,66 даражага қадар прессланади.

Гексогеннинг зарбага таъсирчанлиги ТЭН га нисбатан бир оз паст, бироқ милтиқ ўқининг зарбасидан (унга қарата ўқ узилганда) портлаб кетиши мумкин.

Оқ рангли аланга бериб фаол ёнади. Ёниш жараёни детонацияга ўтиб кетиши мумкин. Кимёвий хусусияти ТЭН га нисбатан турғунроқ, металллар билан реакцияга киришмайди.

Соф ҳолдаги гексогендан фақат капсуль-детонаторларни тайёрлаш учун флегматиклаштирилган гексоген кўлланилади. Тротил билан (50:50 нисбатда) қориштирилган гексогендан (ТГ-50) кумулятив зарядларни тайёрлаш учун фойдаланилади. Мазкур қоришмани тайёрлаш учун тротил эритилиб, ушбу эритмага кукунсимон гексоген солинади ва яхшилаб аралаштирилади. Тротил билан қориштирилган гексоген ташқи таъсирларга кам таъсирчан бўлиб, ўқ-дорилар ичига қўйиб тайёрланади. Портлаш энергиясини ошириш учун гексоген билан тротил қоришмасига кукунсимон алюминий қўшилади. Бундай қоришмалар жумласига денгиз аралашмаси МС (морская смесь) ва ТГА аралашмалари киради.

ГЕНЕРАЛ (ГЕНЕРАЛ) Олий тоифадаги офицерлар таркибига мансуб шахсларнинг ҳарбий унвони.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида генерал-майор, генерал-лейтенант, генерал-полковник, армия генерали унвонлари таъсис этилган. Авиация, адлия, тиббиёт хизмати учун унвонга тегишли ном қўшилади, мисол учун авиация генерал-майори, адлия генерал-лейтенанти, тиббиёт хизмати генерал-полковниги.

Генерал унвони илк бор XVI асрда Францияда таъсис этилган.

ГЕНЕРАЛИССИМУС (ГЕНЕРАЛИССИМУС) Айрим давлатлар қуrolли кучларидаги олий ҳарбий унвон. Илгари уруш даврларида ўз армиялари ва иттифоқдош армияларга кўмондонлик қилган ҳарбий раҳбарлар, ҳукмронлик сурган қиrolлик авлодларига мансуб шахслар ва давлат арбобларига фахрий унвон сифатида берилган. Илк бор генералиссимус унвони 1569 йилда француз қироли Карл IX томонидан ўзининг 18 ёшли укаси герцог Анжускийга берилган. Генералиссимус унвонига дунёда 30 дан ортиқ шахслар муяссар бўлган.

ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ (ГЕНЕРАЛ-ЛЕЙТЕНАНТ) Олий тоифадаги офицерлар таркибининг генерал-майор унвонидан сўнг бериладиган ҳарбий унвони. Собиқ иттифоқда 1940 йил 7 май куни таъсис этилган.

ГЕНЕРАЛ-МАЙОР (ГЕНЕРАЛ-МАЙОР) Олий тоифадаги офицерлар таркибига мансуб биринчи ҳарбий унвон бўлиб, катта офицерлар таркибига мансуб полковник унвонидан сўнг берилади. 1940 йил 7 май куни таъсис этилган.

ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК (ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК) Олий тоифадаги офицерлар таркибининг генерал-лейтенант унвонидан сўнг бериладиган ҳарбий унвони. 1940 йил 7 май куни таъсис этилган. Кимё, темир йўл,

автомобиль қўшинлари, топография, моддий-техник таъминот, тиббиёт ва молия хизматлари офицерлари таркибига мансуб шахслар учун сўнгги олий ҳарбий унвон ҳисобланади.

ГЕНЕРАТОР (ГЕНЕРАТОР) Қурилма, аппарат, машина. Бирор маҳсулот ишлаб чиқаради (масалан, ацетиленли генератор, буғ генератори). Электр энергия ҳосил қилади (масалан, электр машина, магнитогидродинамик, термоэмиссион генератор) ёхуд тебранишлар, импульслар тарзида электр, электромагнит, ёруғлик ёки товуш сигналларини вужудга келтиради (масалан лампали, магнетронли генератор, квант, ультратовуш генератори).

ГЕНОЦИД (ГЕНОЦИД) Инсониятга қарши энг оғир жиноятлардан бири.

Ирқий, миллий, этник ёки диний урф-одатларига қараб аҳолининг айрим гуруҳларини қириб ташлаш, шунингдек бу гуруҳларни жисмоний жихатдан тўла ёки қисман йўқ қилиб ташлашга мўлжалланган, турмуш шароитини қасдан вужудга келтириш ҳамда улар орасида бола туғилишини олдини олишга қаратилган (биологик геноцид) сиёсат.

Бундай жиноятлар иккинчи жаҳон уруши вақтида гитлерчилар томонидан оммавий миқёсда, айниқса славян ва яҳудий аҳолисига нисбатан содир этилган. Апартеиднинг (ирқий айирмачилик сиёсатининг) айрим ирқий камситишлари ҳам геноцид ҳисобланади. “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисида”ги халқаро конвенция (1948) геноцид қилишда айбдор бўлган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутди.

ГИДРОАКУСТИК СТАНЦИЯ (ГИДРОАКУСТИЧЕСКАЯ СТАНЦИЯ) Сув ости объектларининг жойи ва ҳаракат тезлигини улардан келаётган товушли сигналлар ёрдамида (пассив локация, шовқин пеленгацияси) ёки махсус юборилган сигналларнинг улардан акс этиб қайтиши натижасида (актив локация) аниқлаш учун мўлжалланган станция. Товушнинг сувда тарқалиш тезлиги ва товушли сигнални юбориш билан қабул қилиш ўртасида ўтган вақтга кўра – объектгача бўлган масофа, объектдан акс этиб қайтган сигналнинг келаётган томонига кўра эса – объектнинг қай тарафдалиги аниқланади. Гидроакустик станция кемалар, авиация ва қирғоққа яқин ҳудудларда гидроакустик разведка юритиш, қуролни йўналтириш, кемалар орасида алоқа ўрнатиш ва бир-бирларини таниш ҳамда сузиш хавфсизлигини таъминлаш учун кенг кўламда қўлланилади. Гидроакустик станция антенналари шатакка олинадиган кўчмас ва сувга чўктириладиган бўлиши мумкин.

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ (ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКАЯ СЛУЖБА) Аксарият давлатлар қуролли кучларида ташкил этилган махсус хизмат бўлиб, штаб ва қўшинларни (кучларни) ҳақиқий ва кутилаётган гидрометео вазият ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган. Мазкур маълумотлар гидрометео вазиятнинг қўшинлар ҳаракати, қурол-аслаҳанинг қўлланилиши ва техник воситалардан фойдаланишга кўрсатадиган таъсирини таҳлил қилиш учун асос сифатида

хизмат қилади.

ГИДРОСАМОЛЁТ (ГИДРОСАМОЛЕТ) Сувдан кўтариладиган ва сувга кўнадиган самолёт. Учувчи қайиқ, амфибия ва қалқовичли гидросамолёт турлари мавжуд. Учувчи қайиқнинг корпуси қайиқ шаклида бўлиб, бу шакл унинг парвоз қилиш, кўниш ва сувда туришини таъминлайди. Амфибия гидросамолётга ерга кўниши учун ғилдиракли шасси қилинади. Қалқовичли гидросамолётда эса ғилдираклар ўрнига сигарасимон қалқовичлар ўрнатилади. Гидросамолётнинг асосий вазифаси – денгизда разведка юритиш, душманнинг сув ости кемаларини қидириш ва йўқ қилиш, сув ости кемалари ҳужумидан мудофаа кучлари, кемалар гуруҳи ва конвойлар таркибида ҳаракатланиш ҳамда денгиздаги одамларни қутқаришдир.

ГИЛЬЗА (ГИЛЬЗА) 1) *артиллерия гильзаси* – унитар (яхлит) ёки гильзаси алоҳида ўқланадиган артиллерия ўқ-дорисининг элементи. Юпқа деворли стакан (қобик) кўринишига эга бўлиб, ичига кўмакчи элементлари билан биргаликдаги улоқтирувчи зарядни, алангалатиш воситаларини (капсюль, капсюлли қувурчани) жойлаштириш, шунингдек ўт очилганда газлар обтюрацияси (ствол канали тубидан ёриб чиқишини олдини олиш) учун мўлжалланган. Гильза унитар (яхлит) ўқланадиган артиллерия ўқ-дориларида снаряд билан зарядни бир бутун ҳолатда бирлаштиради; 2) *ўқли қурол патронининг гильзаси* – конструкциясига кўра унитар (яхлит) ўқланадиган артиллерия гильзаси конструкциясига ўхшаш тузилган. Гильзалар жез (мис ва руҳ қотишмаси), пўлат ва картондан (ов қуроллари учун) тайёрланади. Шунингдек қисман ёки батамом ёниб кетувчи (мисол учун, нитроцеллюлозага шимдирилган картондан тайёрланган) гильзалар ҳам тайёрланади.

ГОРИЗОНТАЛ ЙЎНАЛТИРИШ (ГОРИЗОНТАЛЬНАЯ НАВОДКА) Тўпга (минора ва йўналтириш постларига) горизонтал текисликда зарурий йўналиш бериш.

ГОРНЧИ (ГОРНИСТ) Горн (карнай, бурғу) орқали низомда белгиланган сигналларни узатувчи (чалувчи) аскар (матрос). Ҳарбий оркестр таркибига киради. Қисм бўйича навбатчига бўйсунди ва сигналлар узатиш борасидаги кўрсатмаларини ижро этади. Сигналлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг саф низоми иловасида келтирилган.

ГОСПИТАЛЬ (ГОСПИТАЛЬ) Ҳақиқий ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, шунингдек захира ва истеъфодаги генерал, адмирал ва катта офицерларни даволаш ва ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳарбий тиббий муассаса. Госпиталлар:

тинчлик даврида – доимий (гарнизон, округ, қуролли кучлар тури ва марказий клиник госпиталлар);

уруш даврида – эвакуация госпитали, кўчма-дала госпиталь турларига бўлинади.

Ҳар бир госпиталь бошқарма, даволаш-диагностика бўлими, дорихона ва хизмат кўрсатувчи таъминот бўлинмаларидан иборат бўлиб, мустақил ҳарбий қисм мақомига эга. Госпиталда даволашдан ташқари, ҳарбий экспертиза ўтказиш, ҳарбий қисмлардаги шифокорларга даволаш-профилактика

тадбирларини амалга оширишда ёрдам бериш, ҳарбий тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш каби вазифалар бажарилади.

Туркистонда биринчи госпиталь 1869 йилда Тошкент шаҳрида очилган. Ҳозир Тошкентдаги иккита госпиталнинг Жиззах, Каттакўрғон, Навоий, Самарқанд, Тахиатош, Термиз, Фарғона, Чирчиқ ва Қарши шаҳарларида филиаллари фаолият кўрсатади.

ГРАНАТА (ГРАНАТА) Душманнинг жонли кучи ва ҳарбий техникасини яқин масофаларда яқсон этиш учун мўлжалланган ўқ-дори тури; портловчи (зарядли) снарядларнинг умумий номи. Артиллерия гранатаси, қўл гранатаси (танкка ва пиёдаларга қарши, тутун пурковчи) ва гранатомёт гранатаси мавжуд.

Граната металлдан тайёрланган корпус (пўлат ёки пўлатсимон чўян), портловчи модда заряди (тротил) ва портлаткичдан иборат.

Портлаш таъсирига кўра гранаталар парчаланувчи, парчаланувчи-фугасли, фугасли ва парчаланувчи-ёндирувчи (кичик калибрли зенит артиллериясида қўлланиладиган) турларга бўлинади.

Қўл гранаталари парчаланувчи ва танкка қарши қўлланиладиган; механизмининг тузилишига кўра, зарб таъсирида тез портлайдиган ва маълум вақтдан кейин портлайдиган гранаталарга бўлинади.

Маълум вақтдан кейин портлайдиган гранаталар пана жойларда хужумга ўтилганда ва бошқа ҳолларда қўлланилади, зарб таъсирида тез портлайдиган гранаталар эса танкка қарши, пулемёт ва бошқа турдаги ўт очиш нуқталарини вайрон қилишда ишлатилади.

Парчаланувчи гранаталар яқин жангда ўз парчалари билан душманнинг жонли кучига шикаст етказиш учун мўлжалланган. Қўл гранаталари илк бор XVI асрда, артиллерия гранаталари XVII асрда қўлланила бошланган.

Артиллерия снарядлари ҳам бир вақтлар граната деб аталган.

Парчаларининг учи бориш масофаларига кўра замонавий парчаланувчи гранаталар, хужум ва мудофаа жангларида қўлланиладиган гранаталарга бўлинади. Хужумда қўлланиладиган граната парчалари 25 м гача, мудофаа жангида қўлланиладиган граната парчалари эса 200 м гача учи боради.

Қўл гранаталаридан ташқари гранатомётлар учун мўлжалланган гранаталар мавжуд.

Қўшинлар таълимоти давомида *ўқув гранаталари* қўлланилади.

ГРАНАТОМЁТ (ГРАНАТОМЁТ) Асосан олиб юриладиган қурол бўлиб, душманнинг зирҳли нишонлари, жонли кучи ва техникасини граната (гранатомёт ўқи) билан йўқ қилиш учун мўлжалланган. Гранатомётлар:

ишлаш тамойилига кўра – динамореактив, фаол, реактив ва фаол-реактив;

қўлланилиш қарралилигига кўра – бир маротаба ва кўп маротаба қўлланиладиган;

тузилишига кўра – дастаки, милтикли, тиргакли (якка тарзда ва автоматик ўт очадиган) каби гранатомётлар;

вазифасига кўра – танкларга қарши ва пиёдаларга қарши;

стволининг тузилишига кўра – силлиқ стволли ва кесма стволли,

ажратиб олинадиган ва букиб қўйиладиган каби гранатомётлар бўлади.

Қўл гранатомётининг дастлабки намунаси 60 мм ли “Базука” (1942 й.) АҚШ да, бир маротаба қўлланиладиган фаустпатрон (1943 й.) Германияда ишлаб чиқилган.

Фаол-реактив гранатомёт. Стволнинг затвор билан ёпилган ортки қисми ичида ёнаётган старт берувчи заряд ҳисобига реактив гранатага бошланғич тезлик берилиб отиш учун мўлжалланган.

Милтиқли гранатомёт. Пахтавон ёки жанговар патрон энергияси эвазига милтиқ гранаталари билан ўт очиш учун мослаштирилган шахсий ўқли қурол (милтиқ, автомат). Асосан танклар ва шу каби зирхли нишонларга қарши кураш учун мўлжалланган. Мортиркали ва мортиркасиз милтиқли гранатомётлар бўлади.

Мортиркали гранатомётда граната ствол устига кийдириладиган ёки ствол остига бириктириладиган мортиркадан (*митти замбаракдан*) отилади.

Мортиркасиз гранатомётда эса – граната бевосита қурол стволига кийдирилиб отилади.

Милтиқли гранатомётнинг мўлжалга олиб отиш масофаси – 100 м гача.

Динамореактив (тисарилмас) гранатомёт. Ствол ичида ёнаётган старт берувчи заряд ёниши мобайнида вужудга келадиган газлар энергияси ҳисобига гранатага бошланғич тезлик бериб отиш учун мўлжалланган. Стволнинг очиқ ортки қисми орқали оқиб чиқувчи газларнинг реактив кучи гранатомётнинг тисарилмаслигини таъминлайди.

Реактив гранатомёт. Тисарилмас гранатомёт бўлиб, ўз реактив двигателининг иши эвазига траекторияда максимал тезликка эришадиган граната билан ўт очиш учун мўлжалланган. XX асрнинг 80 – йилларида кенг тарқалди.

Қўл гранатомёти. Қўлда тутиб ёки оёқларига тираб ўт очиш учун мослаштирилган. Мўлжалга олиш мосламаси билан биргаликдаги ствол ва зарб бериб ўт очувчи механизмдан таркиб топган.

Калибри 30 – 90 мм, вазни одатда 8 кг гача (айримлари 16 кг гача), нишонга олиб отиш масофаси 800 м гача.

Қўл гранатомётлари жумласига РПГ-7, РПГ-16, РПГ-18, Американинг 40 мм ли М-79, 66 мм ли М-72, 90 мм ли М-67, немисларнинг 44 мм ли “Панцерфауст”, шведларнинг 84 мм ли “Карл Густав” каби гранатомётлар киради.

Тиргакли гранатомёт. Мўлжалга олиш мосламаси билан биргаликдаги ствол, ўт очадиган механизм, қалқон ва ғилдираклар билан биргаликдаги тиргакдан таркиб топган. Калибри 30 – 90 мм, вазни бир неча ўнлаб килограммга бориб етади, нишонга олиб отиш масофаси 1700 м гача, ўт очиш суръати бир дақиқада 350 донагача граната, жанговар ўт очиш тезлиги дақиқада 100 донагача граната. XX асрнинг 70 – йиллар сўнгидан эътиборан аксарият хорижий армияларда душманнинг жонли кучи ва зирхланмаган воситаларини парчаланувчи гранаталар билан йўқ қилиш учун мўлжалланган тиргакли гранатомётларни жадал ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Бундай гранатомётлар пиёдалар жанговар тартибида (гранатомёт тиргагига

ўрнатилиб қўлланилади) ёки танк, зирҳли транспортёр, пиёдалар жанговар машинаси, вертолётларга ўрнатилиб қўлланилиши мумкин.

ГУРУҲ МАШҒУЛОТИ (ГРУППОВОЕ УПРАЖНЕНИЕ) Офицерлар таркибининг оператив ва тактик тайёргарлик шакли.

Офицер ва генераллар билан назарий қоидаларни ўрганиш, уларга жанговар ҳаракатларни ташкил этиш, жангни ҳар томонлама таъминлаш ва кўшинларни бошқариш бўйича билим ва кўникмалар сингдириш учун жойлар, жой макети ёки хариталарда ўтказилади.

Гуруҳ машғулотида таҳсил кўраётганлар ўқув гуруҳларига бирлашиб, бир ёки бир неча мансабдор шахслар (қўмондон, командир, штаб бошлиғи, кўшин тури бошлиғи, хизмат бошлиғи кабилар) ролида ҳаракатланишга олдиндан тайёргарлик кўриб келишади. Душман, юқори поғонадаги командир, унинг штаби, чегарадош кўшинлар ва шу кабилар ролини машғулот раҳбари ижро этади.

Битта гуруҳ машғулотида, одатда бир неча ўқув саволлари кўриб чиқилади.

ГУРУҲ ҚУРОЛИ (ГРУППОВОЕ ОРУЖИЕ) Жангда икки ва ундан ортиқ кишидан иборат гуруҳ (расчёт) томонидан хизмат кўрсатиладиган қурол (артиллерия қуроли, пулемёт ва ҳ.к.).

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ (ФЛАГ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ) Мақоми, тасвирланиши, ранги, ўлчамлари, кўтариладиган вақти ва жойлари, Давлат байроғи учун жавобгарлик “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунда тавсифланган – давлатимизнинг расмий белгиси. Давлат мустақиллигининг рамзи. Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғи 1991 йил 18 ноябрда ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VII сессиясида тасдиқланган.

Байроқдаги:

мовий ранг Шарқда эъзозли ранг ҳисобланади;

оқ ранг – тинчлик ва поклик тимсолидир;

яшил ранг – она табиатнинг тимсоли;

қизил ҳошия – ҳар бир тирик жон қон томирида уриб турган ҳаётнинг куч, ҳаёт рамзи;

ярим ой – Ўзбекистоннинг кўп асрлик анъаналарига мувофиқ келади;

ҳиллол ва юлдузлар мусаффо осмоннинг рамзидир, юлдузлар сони ўн иккита – ўлкамизда қадим вақтлардан бошлаб муқаммаллик тимсоли ҳисобланган.

Давлат байроғи тарихимиз, бугунги кунимиз ва келажакимиз рамзидир.

ДАВЛАТ ГЕРБИ (ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГЕРБ) Тавсифи қонунларда ёритилиб ўтиладиган, давлатнинг расмий фарқловчи нишони.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби Давлат байроғи каби мамлакатимиз мустақиллигининг белгисидир.

Гербнинг марказида – қанотларини кенг ёзиб турган Ҳумо қуши тасвирланган. Бу бахт-саодат ва эркесварлик рамзидир. Гербнинг юқори қисмида республика жипслиги ва барқарорлигининг рамзи бўлган саккиз қиррали юлдуз тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой ва беш қиррали

юлдуз жойлаштирилган. Қуёш тасвири – давлатимиз ва халқимизнинг ҳаёт йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ниятдир. Бошоқлар – ризқ-рўзимиз бўлган ғалланинг тимсоли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шохлари – серқуёш юртимизнинг донғини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзидир. Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқларининг давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилгани – бу республикада яшаётган халқлар яқдиллигининг тимсолидир.

Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо қуши кумуш рангда, пахта чаноғи ва “Ўзбекистон” деган ёзув – тилла рангда, ғўза шохлари ва барглари, водийлари – яшил рангда, тоғлар – ҳаво рангда, ярим ой ва юлдузлар – оқ рангда, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган лента – тўрт хил рангда берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 йил 2 июлда қабул қилинган.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ (ГИМН ГОСУДАРСТВЕННЫЙ) Давлат герби ва давлат байроғи билан бир қаторда давлат расмий рамзи ҳисобланадиган шеърӣ-муסיқӣ тантанавор асар, гимн.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрда тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясининг матни ўзбек халқ шоири Абдулла Ориповнинг қаламига мансуб бўлиб, муסיқасининг муаллифи бастакор Мутал Бурҳоновдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиясини ижро этиш билан боғлиқ талаб ва қоидалар тегишли қонун билан белгиланган.

ДАВЛАТ СИРИ (ТАЙНА ГОСУДАРСТВЕННАЯ) Ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, илмий ва бошқа мазмундаги, давлат аҳамиятига эга ва давлат томонидан махсус муҳофаза этиладиган муҳим маълумотлар. Ҳарбий хизматчиларнинг давлат сирларини мустаҳкам сақлаш бўйича мажбуриятлари ҳарбий қасамёд матни ва умумқўшин низомларнинг тегишли моддаларида белгилаб қўйилган. Бундай маълумотларни йиғиш ва хорижий давлатга етказиб бериш Ватанга хоинлик деб ҳисобланади ва айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН (ЗАКОН О ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАНИЦЕ) Ўзбекистон Давлатининг Ўзбекистон Республикаси Давлат чегаралари тўғрисидаги умумий қонун-қоидаларни, чегара худуди ва чизиғидаги режимни, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг Давлат чегараларини муҳофаза қилишдаги иштирокини ва Ўзбекистон Республикаси Давлат чегаралари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарликни белгилаб берувчи – меъёрий-ҳуқуқий акт (расмий ҳужжат) .

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегаралари тўғрисидаги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 августдаги қарори билан амалга киритилган.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ (ГРАНИЦА ГОСУДАРСТВЕННАЯ) Давлатнинг қуруқлик ва сувдаги доирасини белгилайдиган чизик. Бу чизик устидан

ўтадиган вертикал сатҳ шу давлатнинг ҳаво чегараси ҳисобланади.

Куруклик ва сувдаги чегаралар – тегишли давлатлар ўртасидаги шартнома бўйича делимитация ва демаркация йўли билан ўрнатилади.

Денгиздаги давлат чегараси қирғоқ бўйи давлатларининг ички конунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилади.

Давлатлар ўртасидаги давлат чегараларини ўрнатиш тадбирлари босқичма-босқич ўтказилади яъни, даставвал чегаранинг умумий йўналиши белгиланиб, харитада акс эттирилади. Шундан сўнг, давлат чегараси, жойда, жойлик жисмларга нисбатан ўтаётган чизиғига аниқлик киритилиб белгиланади ва чегара белгилари ўрнатилади. Мазкур ишни амалга ошириш учун кўшма комиссия тузилади.

Давлат чегараси дахлсиздир. Унинг дахлсизлигини таъминлаш учун кўшни давлатлар, унинг чизиғини зарурий ҳолатда тутиб туриш, шунингдек ундан ўтиш қоидаларини белгиловчи муайян режим ўрнатадилар. Шунингдек чегара яқинидаги ҳудудлар ва яратиладиган чегара йўлакларида махсус чегара режими ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва кўриқлаш соҳасидаги муносабатлар “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун (1999 йил 20 август) билан тартибга солинади. 2000 йил 1 январдан кучга кирган ана шу Қонунга кўра, Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади.

Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш белгиланган ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.

Давлат чегараси режимини таъминлаш учун чегара олди зонаси ва чегара олди минтақаси белгиланади.

Чегара олди зонаси – Давлат чегарасига туташ ҳудуднинг бир қисми бўлиб, у давлат чегарасига туташ туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ҳудуди доирасида белгиланади.

Чегара олди минтақаси – чегара олди зонасининг Давлат чегараси чизиғига бевосита туташ қисми бўлиб, у бевосита давлат чегараси бўйлаб, унинг куруклик участкаларида ёки чегара бўйи дарёлари, кўллари ва бошқа сув ҳавзалари қирғоғи бўйлаб ўтказилади.

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш бўйича махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитадир. Давлат чегараси режимига риоя этилишига доир масалаларни ҳал қилиш, чегара низомларини тартибга солиш мақсадида Давлат чегарасининг муайян участкаларига мазкур кўмитанинг раиси Ўзбекистон Республикасининг чегара вакилларини тайинлайди.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ КЎРИҚЛАШ (ОХРАНА ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАНИЦЫ) Муайян давлатнинг куруклик, сув ва ҳаводаги чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, шунингдек чегарадаги сиёсий ва иқтисодий манфаатларини муҳофаза этиш борасида, мамлакатнинг тегишли

конунларига мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Жаҳон мамлакатларининг куруклик ва сувдаги чегараларини кўриқлаш, одатда тегишли давлатнинг чегара кўшинлари зиммасига, ҳаво бўшлиғидаги чегараларини кўриқлаш эса ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари зиммасига юклатилади.

ДАЛА КЎНИКМАСИ (ПОЛЕВАЯ ВЫУЧКА) Қуролли кучлар шахсий таркибининг кўникма ва маҳоратлари. Бошқарув органлари, қисм ва бўлинмалар таълимоти, ҳамкорлиги ва турли шароитида жанговар ҳаракатлар юрита олиш қобилияти. Жанговар малаканинг таркибий қисми. Қурукликдаги кўшинлар жанговар шайлигининг кўрсаткичларидан бири. Дала кўникмаси – ҳарбий хизматчининг қурол ва ҳарбий техникани аъло билиши, жойнинг турли шароити ва йилнинг барча фаслларида, кундуз кунни ва тунги вақтда юритилаётган жанг мобайнида шиддат билан эпчил ҳаракатлана олишидан иборат.

Ҳарбий хизматчининг дала кўникмаси манёвр ва машқлар давомида такомиллашиб боради.

ДАЛА ОШХОНАЛАРИ (КУХНИ ПОЛЕВЫЕ) Жанговар вазият, машқлар, дала чиқиши каби шароитда кўшинлар шахсий таркиби учун иссиқ овқат тайёрлаш ва уни транспортда ташиш воситалари. Дала ошхоналарининг: *кўчма* – автомобиль ва занжирли транспортда тортиб бориладиган, тиркамали; *ташиб юриладиган* турлари мавжуд. Таомлар кўчма дала ошхонасида бир жойда туриб ва ҳаракат мобайнида, ташиб юриладиган ошхонада, одатда фақат бир жойда туриб тайёрланади.

ДВИГАТЕЛЬ (ДВИГАТЕЛЬ) Бирор турдаги энергияни (масалан сув, шамол энергиясини) механик энергияга айлантириб берадиган машина.

Двигателлар бирламчи ва иккиламчи турларга бўлинади.

Табиий энергетика ресурсларини (ёнилғи, сув энергияси, шамол энергияси кабиларни) тўғридан-тўғри механик энергияга айлантирувчи двигатель – *бирламчи двигатель* деб аталади (буғ машинаси, гидротурбиналар, ички ёнув двигателлари каби двигателлар).

Бирламчи двигатель ҳосил қилган энергияни бошқа турга ўзгартирувчи двигатель – *иккиламчи двигатель* деб аталади (масалан, электр ёки пневматик двигатель)

Табиий энергетика ресурслари турига қараб иссиқлик, гидравлик (сув) шамол ва бошқа двигателлар бўлади.

Иссиқлик двигатели ўз навбатида буғ двигатели ва газ двигателига бўлинади. Газ двигатели ички ёнув двигатели деб ҳам аталади. Иссиқлик двигатели ядро куч қурилмаларининг таркибий элементлари сифатида ишлатилиши мумкин. Двигатель стационар (муқим), кўчма ва транспорт турларига ҳам ажратилади. Стационар двигатель бир жойга ўрнатиб ишлатилади. Кўчма ва транспорт двигатели трактор, автомобиль ва самолётларга ўрнатилади. Двигатель асосий иш органи ҳаракати тарзига қараб, поршенли, парракли (роторли) ва реактив турларга бўлинади.

ДВИЖИТЕЛЬ (ҳаракатлантиргич) (ДВИЖИТЕЛЬ) Двигатель ёки энергия манбаи ишини транспорт ва жанговар воситаларнинг (автомобиль,

танк, зирхли транспортёр, самолёт, дирижабл, кема, ракета ва шу кабиларнинг) ҳаракатига айлантириб берувчи қурилма. Движитель бу:

қурукликда ҳаракатланиш учун – *гилдирак, занжир*;

сувда ҳаракатланиш учун – *эшкакли паррак, сув пуркагич*;

ҳавода ҳаракатланиш учун – *паррак ва реактив соплалар* (конус найлар).

Ишлаш тамойилига кўра фаол ва реактив движителлар мавжуд. Амалда кўпроқ ташқи муҳит билан ўзаро таъсирга эга ёки ишчи жисми улоқтириш йўли билан тортувчи куч ҳосил қиладиган – реактив движителлар қўлланилади

ДЕГАЗАЦИЯ (ДЕГАЗАЦИЯ) Жанговар захарловчи ва кучли таъсирга эга моддалар билан зарарланган жойлар, шунингдек қурол-яроғ, жанговар техника, кийим-кечак ва бошқаларни кимёвий моддалар, эритмалар ёрдамида зарарсизлантириш.

Махсус техник воситалар – жиҳоз, комплект ва дегазация машиналари ёрдамида, дегазацияловчи модда, шунингдек сув ва органик эритмаларни қўллаган ҳолда ўтказилади. Қисман ва тўлиқ ўтказиладиган дегазация тадбирлари мавжуд.

Буғланиш, диффузия, гидролиз, ҳавонинг кислород билан оксидланиши жараёнларининг ҳисобига ҳам табиий дегазация рўй бериши мумкин.

ДЕГАЗАЦИЯЛОВЧИ МОДДАЛАР (ДЕГАЗИРУЮЩИЕ ВЕЩЕСТВА) Кимёвий захарли моддаларни зарарсизлантирувчи кимёвий воситалар. Дегазацияловчи моддалар таъсир ўтказишига кўра:

оксидловчи-хлорловчи (сувли эритмалар ва гипохлоридлар суспензияси, хлораминлар эритмалари ва бошқалар);

ишқорли (сода, аммиак, ўювчи ишқор) бўлади.

ДЕГАЗАЦИЯ МАШИНАЛАРИ (ДЕГАЗАЦИОННЫЕ МАШИНЫ) Қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, транспорт, кийим-кечак, ҳимоя воситалари, мудофаа истехкомлари, жой худудларида дегазация, дезактивация, дезинфекция ва дезинсекция тадбирларини ўтказиш учун мўлжалланган механизация воситалари. Одатда дегазацияловчи моддалар учун мўлжалланган катта ҳажмли идиш, насос ва чўткали бранспойт ва резина шланглардан ташкил топган.

ДЕЗАКТИВАЦИЯ (ДЕЗАКТИВАЦИЯ) Шахсий таркибнинг радиоактив зарарлар билан захарланишини олдини олиш мақсадида қурол, ҳарбий техника, кийим-кечак, озиқ-овқат, тупроқ, бино ва иншоотлар каби зарарланган объектлар, шу жумладан сувдан радиоактив моддаларни йўқ қилиш усули.

Қисман ва тўлиқ ўтказиладиган дезактивация тадбирлари мавжуд.

Қисман ўтказиладиган *дезактивация* шахсий таркиб томонидан зарарланган худудда ёки унинг ташқарисида, бўлинма ва қисм командирларининг буйруғига биноан, жанговар вазифани бажаришни давом этган тарзда ўз кучи билан ўтказилади.

Тўлиқ дезактивация қўшилма командирининг қарорига биноан, қисман ўтказилган дезактивациядан сўнг ҳам захарланиш даражаси йўл қўйилган меъёрдан ошган ҳолатда ўтказилади. Ушбу тадбир, одатда жанговар вазифа

бажарилганидан сўнг ёки жанговар ҳаракатлар орасидаги танаффус мобайнида, зарарланмаган жойда – бевосита қисм ҳудуди ёки махсус ишлов бериш пунктида ўтказилади.

Жойларнинг дезактивацияси радиоактив моддаларни эритмалар (сув) билан ювиб ташлаш, тупроқнинг (қорнинг) зарарланган қатламини ўйиб ташлаш йўли билан, сув дезактивацияси эса – филтрлаш, оқизиб юбориш (қайнатиш) билан, шунингдек ион алмаштирувчи елимлар ёрдамида ўтказилади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг дезактивацияси – зарарланган идишларга қайта ишлов бериш ёки алмаштириш билан ўтказилади. Зарарланган тайёр таом ва нон йўқ қилинади.

Барча кўшин турлари, бўлинма ва қисмларда дезактивация қилиш тадбирлари мустақил тарзда – физик-кимёвий усулда амалга оширилади.

ДЕЗЕРТИРЛИК (қочоқлик) (ДЕЗЕРТИРСТВО) Ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини онгли равишда ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига етиб келмасликдир. Ҳарбий хизматдан қочиб юриш, хизмат жойини ташлаб кетиш жиноят саналади. Бошқа хизмат жойига ўтказилганда, таътилда бўлганда, даволаниш тугаганда, хизмат сафарига юборилганда ҳарбий қисм ёки хизмат жойига етиб келмаслик ана шу турдаги жиноятни содир этиш демакдир.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар туркумига кириб, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига кўра оғир жиноят ҳисобланади.

ДЕЗИНСЕКЦИЯ (ДЕЗИНСЕКЦИЯ) Касаллик кўзғатувчисини тарқатувчи зараркунанда бўғиноёқлиларни (чивин, пашша, бит, кана, искаптопар, шунингдек, турар жойлардаги суварак, қандала, бурга кабиларни) йўқотиш учун қўлланадиган тадбирлар мажмуи. Бунда физик (иссиқ ҳаво, иссиқ сув), кимёвий ва биологик усуллар (микроб, куш кабилар) қўлланилади.

Дезинсекция профилактик ва қирувчи турларга бўлинади.

Профилактик дезинсекцияга шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, чиқиндиларни вақтида чиқариб ташлаш, турар жой ва хизмат биноларини озода сақлаш, ҳовуз ва ариқларни тозалаш, ҳашоратлар пайдо бўлиши ва кўпайишининг олдини олиш киради.

Қирувчи дезинсекция физик, кимёвий ва биологик усуллар билан амалга оширилади.

Биологик дезинсекция усули зараркунандаларни “бир-бирига едириш”га, физик дезинсекция эса – юқори ёки паст босим билан таъсир этишга асосланади.

ДЕЗИНФЕКЦИЯ (ДЕЗИНФЕКЦИЯ) Юқумсизлантириш – одам ва ҳайвонлар учун юқумли касалликларни кўзғатувчи микроорганизмларни (бактериялар, вирусларни) ташки муҳитда физик, кимёвий ва биологик усуллар билан йўқотиш чоралари мажмуи. Дезинфекциянинг қуйидаги турлари мавжуд:

профилактик дезинфекция (юқумли касалликларнинг олдини олиш

мақсадида вагон, ошхона, иншоот, сув кабиларда мунтазам равишда юкумсизлантиришдир);

кундалик дезинфекция (бемор атрофидаги буюмлар дезинфекцияси);

якунловчи дезинфекция (бемор госпиталга жўнатилганидан, соғайиб кетганидан ёки вафот этганидан сўнг, у ётган жойда ўтказилади).

Усулларнинг қўлланилиши:

физик усулда: тўйинган сув буғи, иссиқ ҳаво, ультрабинафша нурларидан ёки қайнатиш усулидан фойдаланилади;

кимёвий усулда: эритма, кукун ва газлар кўринишидаги дезинфекция моддалари қўлланилади, чанг юткичлар билан тозаланади.

Инсон терисининг очиқ жойлари ва кийим-кечакнинг айрим жойларидаги дезинфекция, одатда санитар ишлов бериш жараёнида амалга оширилади.

ДЕМАРКАЦИЯ ЧИЗИҒИ (ДЕМАРКАЦИОННАЯ ПОЛОСА) 1) ҳарбий ишда урушувчи томонларни вақтинча яраш вақтида ажратиб турувчи чизик (ўт очиш тўхтатилган чизик); 2) мағлуб давлатлар ҳудудини зоналарга бўлувчи чизик; 3) қўшни давлатлар ўртасида даъволашилаётган ҳудудда доимий чегара аниқланганига қадар вақтинча белгиланадиган чизик.

ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ (куролсизлантириш) (ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ) Бирор шартномага биноан муайян ҳудуддаги ҳарбий истехком ва иншоотларни йўқотиш, ушбу ҳудудда ҳарбий база ва куролли куч сақлашни тақиқлашни англатади. Демилитаризация:

тўла (Антарктика, Аланд архипелаги, Ой ва шу каби осмон жисмлари);

қисман (масалан, ядро куролидан холи зоналар ташкил этиш) демилитаризацияларга фарқ қилади.

ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ (ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ) Ҳарбий кучларни ҳарбий ҳолатдан тинчлик ҳолатига ўтказиш, Куролли Кучларни тинчлик давридаги штатлар даражасигача қисқартириш ҳамда халқ хўжалиги моддий воситаларининг армия ва флот томонидан ўрнатилган тартибда қайтариб берилиши кўзда тутилади. Ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар сафидан уруш якунидан сўнг захирага бўшатилиши – Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида асосан амалга оширилади.

ДЕМУЛЬТИПЛИКАТОР (ДЕМУЛЬТИПЛИКАТОР) Юра олиш қобилияти юқори бўлган транспорт машиналарининг узатмалари сонини кўпайтириш ва тортиш кучини ошириш учун мўлжалланган қўшимча узатмалар қутиси.

ДЕНГИЗ АРТИЛЛЕРИЯСИ (АРТИЛЛЕРИЯ МОРСКАЯ) Кемалар ва қирғоқ мудофааси курол-аслаҳаси таркибидаги артиллерия. Денгиз, ҳаво ва ер юзидаги нишонларни яқсон қилиш учун мўлжалланган.

Қирғоқ ва кемадаги артиллерия турли русумдаги ўқ-дориларга, жумладан, зирхёра, ярим зирхёра, фугасли, ёритувчи ва бошқа русумдаги ўқ-дориларга эга. Қурилмалар русумларига кўра кўчмас ва ҳаракатчан қурилмалар мавжуд. Денгиз қирғоқларини мудофаа этиш учун қирғоқ артиллерияси билан бир қаторда кучли шикаст етказиш қудрати ва олис масофаларга ўт очиш қобилиятига эга ракета қурилмалари қўлланилади.

Кема артиллерияси минорали, қалқонли ва очик артиллерия бўлиб, ҳаво, денгиз ва қирғоқдаги нишонларга қарата жамлаб ўт очиш қобилиятига эга. Кема артиллериясининг қурол-аслаҳаси таркибига ракеталар ҳам киради.

ДЕНГИЗ ЖАНГИ (МОРСКОЙ БОЙ) Ҳарбий-денгиз флотига мансуб кема, қисм ва кўшилмалар томонидан душманни денгизда яқсон этиш ёки қаршилиқ кўрсатиш имкониятини йўққа чиқариш мақсадида олиб борилади. Қўмондонликнинг ягона режаси бўйича душманга тактик зарба бериш, хужум қилиш ва қарши хужум қилишдан иборат.

ДЕНГИЗ МИНАЛАРИ (МОРСКИЕ МИНЫ) Душман кемаларини яқсон қилишга мўлжалланган жанговар воситалар. Кема, сув ости кемаси (торпеда аппаратларидан отилади), авиация томонидан қўлланиладиган денгиз миналари, шунингдек лангарли, саёзликка ўрнатилувчи ва сузувчи денгиз миналари мавжуд.

ДЕНГИЗ ПИЁДАЛАРИ (МОРСКАЯ ПЕХОТА) Денгиз бўйи давлатларининг ҳарбий денгиз флотларига мансуб кучлар тури. Денгиз десантлари таркибида, мустақил тарзда ёки қуруқликдаги кўшинлар билан биргаликда жанговар ҳаракатлар юритиш, шунингдек қирғоқ ва портларни мудофаа этиш каби вазифаларни бажариш учун мўлжалланган ва махсус тайёрланган. Алоҳида қисмлардан иборат бўлиб, автоматик ўқотар қурол, танк, ЗТР, тўп, танкка қарши қурол ва зенит қурилмалар билан қуролланган.

ДЕРАТИЗАЦИЯ (ДЕРАТИЗАЦИЯ) Эпидемиологик ва эпизоотологик хавф туғдираётган ёки иқтисодий зарар етказётган кемирувчиларни қириб ташлаш борасида ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси.

Дератизация тадбирлари истиқомат қилиш учун мўлжалланган уйлар, чорва моллари боқиладиган хоналар, гўштга ишлов бериш ва совитиш корхоналари, ем тайёрлаш заводлари, катта ғалла омборлари, омборхоналар, боғ, дала, яйлов ва кемалар ҳамда порт иншоотларида ўтказилади. Хавф ва зарар кўпроқ синантроп кемирувчилар, яъни кул ранг ва қора каламуш ҳамда хонаки сичқонлар томонидан келтирилади. Дератизация тадбирлари кемирувчилар кўпайишининг олдини олиш ва қириб ташлаш турларига бўлинади. Кемирувчилар кўпайишининг олдини олиш дератизацияси уларни озуқа ва сувдан маҳрум этиш ҳамда уя тайёрлашга имкон бермасликка йўналтирилган. Бундай тадбирлар жумласига кемирувчиларнинг хоналарга қириб келишига тўсқинлик қилувчи қурилиш-техник тадбирлар ва теварак атрофда санитария қоидаларига риоя этиш амаллари киради. Қириб ташлаш дератизацияси механик (қопқонлар), биологик (мушук ва ўсимликлар) ва кимёвий усулларда ўтказилади. Энг содда, самарали ва арзон усул бу ратицид заҳарларининг муайян миқдори билан зарарланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўлланилишидир. Шунингдек антикоагулянт ҳам (1% зоокумарин, унинг натрий тузи, ушбу тузнинг 2% спирт-мойли эритмаси, ратиндан ва шу кабилар) қўлланилади. Ушбу тадбир дезинфекцион ва ветеринария-санитария отрядлари томонидан бажарилади. Зарарланган озиқ-овқат уй ҳайвонлари ета олмайдиган жойларга жойлаштирилади. Канализация коллекторлари ва ер ости коммуникацияларида 3 – 4 ой давомида таъсир кучига эга буғдойнинг парафинлаштирилган донлари

қўлланилади.

ДЕСАНТ (ДЕСАНТ) Душман худудига ёки душман ишғол этган худудга ҳаво, денгиз ёки дарё орқали ташлаш (тушириш) ва жанговар ҳаракатлар юритиш учун махсус тайёрланган қўшинлар. Жалб этиладиган қўшинлар миқдори, бажариладиган вазифа хусусияти ва ташланадиган (тушириладиган) сарҳадларга кўра десант - стратегик, оператив, тактик ва махсус вазифаларни бажарувчи десант турларига бўлинади. Десантни ташлаш учун қўлланиладиган восита ва усулларга кўра – ҳаво ва денгиз десантлари бўлади. Шу билан бир қаторда намоёйишкорона (душманни чалғитиш учун), кема ва танк (пиёдаларнинг танкларда ташилиши) десантлари ҳам ажратиб ўтилади.

ДЕСАНТЧИЛАР ЖАНГОВАР МАШИНАСИ (ДЖМ) (БОЕВАЯ МАШИНА ДЕСАНТНАЯ (БМД)) Ҳаво-десант қўшинларининг зирҳли, занжирли, сузувчи машинаси бўлиб, шахсий таркибни десантлаш ва жанг қилиш учун мўлжалланган.

Шахсий таркиб сакрайдиган худудга парашютда ташланади. Жанговар вазифаси, имкониятлари, тузилиши, қурол-аслаҳасининг таркиби, вазни ва жиҳозланишига кўра десантчилар жанговар машинаси пиёдалар жанговар машинасига яқиндир.

ДЕТАЛЬ (ДЕТАЛЬ) Йиғиш операцияларисиз тайёрланган буюм. Ҳимоя ёки безаш мақсадида бўялган ёхуд бир бўлак ашёдан пайвандлаш, елимлаш, кавшарлаш, тикиш каби йўллар билан тайёрланган буюмлар ҳам деталь деб аталади.

ДЕТЕКТОР (ДЕТЕКТОР) Радиоқабулқилгич, ўлчаш асбоби кабиларда электр тебранишларни турлича ўзгартириб (детекторлаб) беришга хизмат қиладиган мослама.

ДЕТОНАТОР (ДЕТОНАТОР) Ракетанинг жанговар қисми, снаряд, мина ва авиабомбадаги асосий зарядни портлатувчи модда заряди. Детонатор сифатида, одатда тетрил, тротил, ТЭН ва шу кабилардан фойдаланилади. Айрим ўқ-дориларга детонатор таъсирини ошириш учун қўшимча детонатор киритилади.

ДЕТОНАЦИЯ (ДЕТОНАЦИЯ) 1) портловчи модданинг кимёвий ўзгариш жараёни.

Жуда юпқа қатламда содир бўлиб, товуш тезлигидан катта тезликда (каттик ва суюқ портловчи моддаларда сонияда 9000 м, газсимон портловчи аралашмаларда сонияда 1000 – 3500 м тезликда) тарқалади. Бунда портловчи модданинг потенциал энергияси ажралиб, зарб тўлқинида юқори босим ҳосил қилиб беради. Детонация механик таъсир этиш ёки иссиқлик таъсир эттириш (зарба, учқун ва шу кабилар) йўли билан юзага келтирилади. Юқори босимли газларнинг катта миқдори вужудга келиши билан характерланади; 2) карбюраторли двигатель цилиндрида ёқилғи аралашмасининг жуда тез портлаш ҳолатига яқин тарзда ёниш жараёни. Бунда двигатель меъёрий тарзда ишлай олмайди (тақиллайди, титрайди ва қизиб кетади). Ёнилғининг детонацияга турғунлигини антидетонатор деб номланадиган моддалар оширади (ёнилғига 1% дан кам миқдорда қўшилади).

ДЕТОНАЦИЯЛОВЧИ ШНУР (ДЕТонирующИЙ Шнур) Бир неча зарядларни портлатиш учун мўлжалланган, бризантли портловчи модда билан тўлатилган эгилувчан, қайишқоқ найча (пилик). 1 м узунликдаги детонацияловчи шнурда 10 – 13 г портловчи модда мавжуд. Детонацияловчи шнур капсуль-детонатор, электродетонатор ёки портловчи модда зарядидан портлайди. Шнурнинг детонациялаш тезлиги сонияда 9000 м.

ДЕШИФРАТОР (ДЕШИФРАТОР) Маълумот (сигнал) шифрини автоматик тарзда очиш (декодрлаш) ва унда мавжуд ахборотни қабул қилаётган тизим тилига (кодига) ўгириш. Турли алоқа воситалари ва ахборотни узатиш тизимларида қўлланилади.

ДИАГОНАЛЬ (ДИАГОНАЛЬ) 1) йўл-йўл қалин ип ёки жун газлама. Ундан ҳарбий кийим-кечак, камзул кабилар тикилади; 2) кўпбурчакнинг бир томонда ётмайдиган икки учи ёки кўпёкнинг битта ёғига тегишли бўлмаган икки учини бирлаштирувчи тўғри чизик кесмаси.

ДИАГРАММА (ДИАГРАММА) Муайян миқдорлар ўртасидаги муносабатни кўргазмали акс эттирувчи график тасвир.

ДИАМЕТР (ДИАМЕТР) Айлананинг марказидан ўтиб, икки нуқтасини бирлаштирувчи тўғри чизик кесмаси.

ДИАФИЛЬМ (ДИАФИЛЬМ) Кинотасмага муайян кетма-кетликда туширилиб, одатда умумий мавзу асосида бирлаштирилган фото тасвирлар.

ДИВИЗИОН (ДИВИЗИОН) 1) артиллерия полки (бригадаси) бўлинмаси. Дивизион алоҳида бўлиши, яъни полк ёки бригада таркибига кирмаслиги ҳам мумкин. 2 - 4 батарея ва махсус қўшинлар бўлинмаларидан иборат бўлади; 2) ҳарбий-денгиз флотида бир турдаги 3- ва 4- ранг кемаларидан ташкил топган ҳарбий қисм, одатда кемаларнинг қўшилмалари таркибига киради; 3) ракета қўшинлари ва артиллериядаги асосий тактик ва ўт очар бўлинма.

Дивизион мустақил ёки бирор қисм, бирлашма таркибида бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида ҳам артиллерия дивизионлари мавжуд.

ДИВИЗИЯ (ДИВИЗИЯ) Айрим давлатларнинг қуруқликдаги қўшинлари, ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий-денгиз флотидаги асосий тактик бирлашма.

Мотоўқчи (мотопиёда аскарлар, пиёда аскарлар) дивизия, артиллерия дивизияси, зенит дивизияси, танк (зирҳли танк) дивизияси, авиация дивизияси, ҳаво десанти дивизияси каби дивизиялар мавжуд.

Полклардан (бригада ёки бригада гуруҳлари), шунингдек ҳар хил қўшин турлари ва махсус қўшинларнинг полк ва батальонларидан ташкил топади.

Илк бор дивизия XVII асрда Францияда, XVIII асрнинг бошларида Россияда пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинлари дивизияга ажратилмаган.

ДИЗЕЛЬ (ДИЗЕЛЬ) Оғир ёнилғининг (дизель ёнилғисининг) сиқилган ҳавога пуркалишидан алангаланадиган ички ёнув двигатели.

Дизель цилиндрида алангаланиш поршень ёрдамида қисиб юқори

хароратгача қиздирилган тоза ҳавога ёнилғи пуркалганда содир бўлади. Дизель энг тежамли иссиқлик двигателлари қаторига киради. Дизель ёниш камерасининг тузилишига кўра ажралмайдиган камерали, уюрма камерали, олд камерали турларга бўлинади. Асосан кемалар, тепловозлар, юк автомобиллари, тракторлар, дизель электр станцияларида ишлатилади. Қуввати 30000 кВт дан ортиқ бўлади.

1897 йилда Рудольф Дизель ихтиро қилган.

ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ (ДИЗЕЛЬНОЕ ГОРЮЧЕЕ) Суяқ нефть ёнилғиси. Қисилишдан алангаланадиган ички ёнув двигателида (дизелда) ишлатилади. Уч гуруҳга бўлинади: ковушқоқлиги паст дистиллят ёнилғи (тез юрар дизеллар учун керосин, газойль ва соляр фракциялари); ковушқоқлиги ўртача дистиллят ёнилғи (соляр мойи); ковушқоқлиги юқори оғир фракцияли ёнилғи (секин юрадиган дизеллар учун нефтнинг анча оғир фракциялари ёки қолдиқ нефть маҳсулотлари). Дизель ёнилғисининг асосий хусусияти цетан сонидир.

ДИЗЕЛЬ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ (ДИЗЕЛЬНАЯ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ) Дизель двигателлари ёрдамида айлантирадиган бир ёки бир неча генераторли энергетика қурилмаси. Асосан захира ёки авария, кўчмас ёки кўчма электр манбаи сифатида, шунингдек транспортда фойдаланилади.

ДИКТОФОН (ДИКТОФОН) Магнитофоннинг бир тури. Ёзиб олинган нутқни, масалан, ёзув машинаси ёрдамида хатга туширишда қўлланилади.

ДИН (РЕЛИГИЯ) ижтимоий онгнинг ўзига хос шаклларида бири ёки худолар ва “Муқаддас” кучнинг, яъни бирор турдаги ғайритабиий кучнинг мавжудлигига ишонишга асосланган дунёқараш ва ҳиссиёт, шунингдек муайян хулқ ва хатти-ҳаракатлар мажмуи (сиғиниш). Илк шакллари – сеҳргарлик, тотемизм, анимизм қабила. Дин тараққиётининг тарихий шакллари:

қабила дини;

миллий-давлат (этник бирлик) дини;

дунё миқёсидаги динлар (буддизм, христианлик, ислом).

Дин вужудга келишининг асосий сабаби – ибтидоий кишиларнинг табиат кучларига қарши курашдаги ожизлиги, кейинчалик, синфий антагонистик жамият пайдо бўлгач, кишилар устидан хукмронлик қилувчи бошқарилмайдиган ижтимоий кучлар олдидаги ожизликдир.

ДИНАМИК (электродинамик карнай) (ДИНАМИК) Товуш частотали электр тебранишларини акустик (товуш) тебранишларга айлантиради. Ишлаши электр тебранишлари манбаига уланган ҳаракатланувчи ғалтакдаги ток билан доимий магнит майдони ўртасидаги ўзаро таъсирга асосланган. Товуш ғалтакка маҳкамланган тебранувчи диафрагма ёрдамида тарқалади. Юқори сифатли товуш ҳосил қилади.

ДИНАМИТЛАР (ДИНАМИТЫ) таркибида нитроглицерин бўлган ва патронларга жойлаштирилган пластик ёки куқунсимон портловчи моддалар.

62% ли динамитлар энг кўп қўлланилади. Портлаганда 5,3 МЖ/кг иссиқлик ажратади.

ДИРЕКТИВА (ДИРЕКТИВА) Жанговар ҳаракатларни тайёрлаш ва

юритиш (оператив) ҳамда армия ҳаёти ва фаолиятига доир ўзга масалалар бўйича амал қилинадиган кўрсатмалардан иборат жанговар ёки хизматга оид хужжат.

Директива мазмун ва аҳамиятига кўра буйруқ билан тенг бўлиб:

оператив директива;

ташкилий-сафарбарлик борасидаги директива;

жанговар ва оператив тайёргарлик борасидаги директива;

тарбиявий ишлар борасидаги директива;

қуролли кучлар фронт орти таъминоти бўйича директивалар бўлиши мумкин.

ДИРИЖАБЛЬ (ДИРИЖАБЛЬ) 1) двигателли бошқариладиган аэростат. Суйри корпус, бир ёки бир неча гондола қанотларга эга. Буғ двигателли бошқариладиган аэростатда биринчи марта француз А. Жиффар учган (1852). XX аср 50- йилларигача йўловчи ва юклар ташишда ҳамда ҳарбий мақсадда фойдаланилган, 70 йилларда дирижабль ишлаб чиқариш тикланди (масалан, ГФР, Францияда); 2) парвозни бошқариш учун винтли ва ўзгача движителларга эга ҳаводан енгил учиш аппарати. Ҳарбий дирижабль оғир юк кўтара олиши ва узок вақт ҳавода муаллақ туриши (парвоз этиш) мумкин бўлганлиги сабабли бугунги кунда улардан ҳаво хужумидан мудофаа ва ракеталардан мудофаа тизимида нишонларни узок масофаларда фош этувчи радиолокацион станциялар ташувчиси сифатида, шунингдек ҳарбий юкларни ташиш ва ўзга мақсадда фойдаланилади.

ДИСК (лаппак, гардиш) (ДИСК) 1) машина ва механизмларнинг доира шаклидаги қисми; 2) енгил атлетикада иргитишга мўлжалланган, ёғоч ва металл гардишдан иборат спорт қуроли, вазни 2 кг (эркаклар учун) ва 1 кг (аёллар учун); 3) ўқотар қуролларда қўлланиладиган ўқдон тури.

ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ (ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ) 1) мусобақа қоидаларини техник жиҳатдан бузганлиги учун спортчини (командани) эришган натижалари, эгаллаган ўрни кабилардан маҳрум этиш; 2) спортчини ахлоқий-этик меъёрларни бузганлиги ёки спорт малакаси талабларига мос келмаслиги туфайли мусобақаларда қатнашишдан четлатиш; 3) бирор иш, касб билан шуғулланишга нолойиқ деб топиш ёки ундан маҳрум этиш.

Дисквалификация шартли бўлиши мумкин.

ДИСКРИМИНАЦИЯ (КАМСИТИШ, ТАҲҚИРЛАШ) (ДИСКРИМИНАЦИЯ) Муайян фуқароларнинг ҳуқуқларини уларнинг ирқи, миллати, жинси, эътиқоди кабиларига қараб поймол қилиш.

Халқаро муносабатларда – бирор давлат фуқаролари ва ташкилотларига бошқа давлатларнинг фуқаролари ва ташкилотларига нисбатан камроқ ҳуқуқ ва имтиёзлар берилиши.

ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ (ДИСПАНСЕРИЗАЦИЯ) Касалликларнинг олдини олиш ва аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш мақсадида ҳарбий хизматчилар соғлиқларини шифокор кўригидан мунтазам ўтказиб туриш.

Диспансеризация натижалари тиббий китобчага ёзиб борилади.

ДИСПЛЕЙ (ДИСПЛЕЙ) Ахборотни (матн, жадвал, чизма кабиларни)

электрон-нур асбоби экранда визуал акс эттирувчи қурилма.

Бошқарувнинг автоматик тизимлари, ахборот тизимлари ва маълумот узатиш тизимларида ишлатилади. Маълумотларни электрон ҳисоблаш машинасига берувчи ва ундан олувчи восита сифатида қўлланилади. Дисплей экранда тасвирланадиган маълумотга ёруғлик “Перо”си ёки клавишлар мажмуаси ёрдамида зарур ўзгартишлар киритишга имкон беради.

ДИСТАНЦИЯ (ДИСТАНЦИЯ) 1) бирор нарса орасидаги масофа, оралик; 2) сафда кетма-кет турган ҳарбий хизматчи, машина, қурол, бўлинма, қисм ва кема кабилар ўртасидаги оралик масофа; 3) темир йўл хўжалигининг турли соҳалари маъмурий бирлиги.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ (ДИФФЕРЕНЦИАЛ) 1) автомобиль, трактор каби ғилдиракли машиналарнинг етакчи ғилдираклари узатмасидаги, ғилдиракларга турлича айланиш берадиган дифференциал механизм. Тишли конуссимон ғилдираги бўлган дифференциал кенг қўлланилади; 2) ўзгарувчан миқдорнинг чексиз кичик орттирмаси (*математикада*).

ДОВЮРАКЛИК (ХРАБРОСТЬ) Жангчининг мураккаб жанговар вазиятда ва ҳаёти хавф остидалигида ўзини идора этиб, сабот билан кўрқув ва эсанкираш хислатларини енгиб, олдида қўйган мақсадга эришиш учун қатъийлик ва босиқлик билан кураша олиш қобилиятини тавсифловчи ахлоқий-руҳий ва жанговар сифатлари. Довюраклик сифати иродасизлик, кўрқоқлик ва журъатсизлик каби сифатларга зиддир. Довюракликнинг муҳим омиллари:

юксак интизом;

аскарий маҳорат;

қурол-яроғ ва ҳарбий техникадан моҳирона фойдаланиш;

пухта техник ва махсус тайёргарликка эга бўлиш;

ҳарбий жамоанинг маънавий-жанговар уюшқоқлигидир.

Тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчиларининг довюраклиги:

жанговар, ижтимоий-сиёсий, аскарий, ҳуқуқий ва жисмоний тайёргарлик жараёнида;

ҳарбий хизматининг тўлиқ муддати давомида;

жанговар шароитга максимал яқинлаштирилган вазиятларидаги дала (ҳаво) таълимоти давомида шаклланади.

ДОЗИМЕТР (ДОЗИМЕТР) Зарарланган ҳудудда бўлган вақт давомида шахсий таркиб томонидан олинган ионли нурланишнинг суммар дозасини белгилаш имконини берувчи асбоб. Радиоактив нурланишни назорат қилиб бориш учун фойдаланилади. Вазифасига кўра дозиметрлар кўшинлар дозиметрига ва шахсий дозиметрларга, қўлланиш усулига кўра эса – кўчмас, кўчма ва олиб юриладиган бўлади.

ДОЗИМЕТРИК АСБОБЛАР (ДОЗИМЕТРИЧЕСКИЕ ПРИБОРЫ) Радиоактив нурланиш дозаларини ёки улар билан боғлиқ катталикларни ўлчашда ишлатиладиган асбоблар. Бир турдаги нурланишлар ёки аралаш нурланишлар миқдорини ўлчайдиган турларга бўлинади.

Радиацион разведка ва дозиметрли назорат учун қўлланилади.

Дозиметрик асбоблар туркумига радиоактивликни кўрсатувчи индикаторлар, доза кувватини ўлчагичлар, радиометрлар ва дозиметрлар киреди.

ДОЗИМЕТРИК НАЗОРАТ (ДОЗИМЕТРИЧЕСКИЙ КОНТРОЛЬ)

Шахсий таркиб томонидан олинган радиация дозалари ҳамда курол-яроғ, техника, жой, турли буюмларнинг радиоактив зарарланганлик даражасини белгилаш учун ташкил этиладиган тадбирлар тизими.

Дозиметрлар ёрдамида радиация ва кимёвий разведка бўлинмалари, шунингдек суткалик наряд таркибидаги шахслар томонидан амалга оширилади. Тинчлик даврида ҳарбий қисм жойлашган худуднинг умумий радиоактив ҳолатини белгилаш учун ўтказилади.

Дозиметрик назорат радиоактив нурланиш назорати ва жойларнинг радиоактив моддалар билан зарарланиш назоратига бўлинади.

Дозиметрик назорат маълумотлари асосида штаблар томонидан одамлар, техника ва жой хавфсизлигининг даражаси белгиланади.

ДОЗИМЕТРЧИ (ДОЗИМЕТРИСТ) Шахсий таркиб (бўлинма)

томонидан олинган ионли нурланиш ва курол-яроғ, техника, анжомлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, жой ва шу кабиларнинг радиоактив зарарланганлик даражасини назорат қилиб бориш бўйича мажбуриятини бажарувчи, махсус тайёрланган ҳарбий хизматчи. Дозиметрчи, радиация ва кимёвий разведка бўлинмалари таркибида ёки мустақил ҳаракатланади ва дозиметрик асбоблар билан таъминланади.

ДОЗОР (ДОЗОР) Разведка ёки қўшинлар (қисм ва бўлинмалар) юриши давомидаги соқчилар бўлинмаси бўлиб, душман, жой, радиацион ва кимёвий вазият ҳақида маълумотларга эга бўлиш, душманнинг қўшинларимизга дафъатан уюштирадиган хужумининг олдини олиш мақсадида қуруқликдаги қўшинларнинг (флот кучларининг) жанговар ҳаракатлар юритаётган ёки маршда (денгизда) бораётган бўлинма ва қисмларидан юборилади.

Вазифалари ва қўйилган топшириқларни бажаришига кўра қуруқликдаги қўшинлар дозори: разведка дозори, алоҳида разведка дозори, жанговар разведка дозори, кимёвий разведка дозори, муҳандислик разведка дозори бўлиши мумкин.

Дозор вертолёт, танк, ПЖМ ёки ЗТР да ёхуд пиёда ҳаракатланиши мумкин.

ДОИМИЙ ТАРКИБ (ПОСТОЯННЫЙ СОСТАВ) Ҳарбий таълим

муассасалари, курс, мактаб ва госпиталь каби ташкилотларнинг штат асосида тайинладиган, раҳбарлик қилувчи, хизмат кўрсатувчи ва профессор ўқитувчилар таркиби.

ДОК (ДОК) 1) кемаларни сувдан чиқариш (сув ости қисмларини таъмирлаш мақсадида) ёки уларни қуришга мўлжалланган иншоот; 2) портдаги очилиб ёпиладиган ҳавза (камера). Денгиз сувининг кўтарилиш ва пасайиши катта бўлган жойларда кемаларнинг юк ортиш ва тушириш мақсадида туриши учун хизмат қилади.

ДОТ (ДОТ (долговременная огневая точка)) Узоқ муддатга мўлжалланган ўт очиш нуқтаси.

ДРОССЕЛЬ (ДРОССЕЛЬ) 1) газ ёки суюқлик ўтказадиган кесими

асосан қувурнинг кесимидан анча кичик бўлган қурилма. У ўзидан ўтаётган оқим миқдорини ростлаб, бошқа кўрсаткичларни (ҳарорат, намлик, қизиш ва ҳ.к.) ўзгартиради; 2) электр дроссель – индуктивлик ғалтаги. У занжирнинг ўзгарувчан ток ташкил этувчисини йўқотиш, ҳар хил частотали электр сигналларни ажратиш ёки чеклаш учун электр занжирга уланади. Масалан, ток тўғрилагичларида ишлатилади.

ДУШМАН (ПРОТИВНИК) Ёв, рақиб, душман қўшинлари ёки қарши курашаётган давлатнинг умумий номи.

ДУШМАН ЗАРБАЛАРИ ВА ХАВФЛИ ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ ОҚИБАТЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ (ЛИКВИДАЦИЯ ПОСЛЕДСТВИЙ УДАРОВ ПРОТИВНИКА И ВОЗДЕЙСТВИЙ ОПАСНЫХ ФАКТОРОВ) Тиклаш ишларини ўтказиш ва қўшинларнинг ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар яратиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи. Ушбу тадбирлар жумласига:

қўшинларни хавфли ҳудудлардан олиб чиқиш, уларнинг жанговар қобилиятини тиклаш;

бошқарув органлари, ўт очиш билан душманга шикаст етказиш, ҳаво хужумидан мудофаа, фортификацион иншоотлар, тўсиқлар, кечув жойлари тизимини асл ҳолатига қайтариш;

қўшинлар (кучлар) ҳаракатланаётган майдонлардаги ядровий, кимёвий, биологик, термик, радиолокацион ва бошқа кўринишда зарарланган ҳудудларда қутқарув, эвакуацион, изоляция қилиш ва чегаралаш ишларини ўтказиш;

қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, моддий захиралар, ҳаракатланиш ва эвакуация қилиш йўллари тиклаш;

ёнғинни ўчириш;

шахсий таркиб ва қурол-аслаҳага махсус ишлов бериш, сув ва озиқ-овқат маҳсулотларини зарарсизлантириш каби тадбирлар киради.

ДУШМАННИ ЎТ ОЧИШ БИЛАН ЕНГИШ АМАЛИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ (ПЛАНИРОВАНИЕ ОГНЕВОГО ПОРАЖЕНИЯ ПРОТИВНИКА) Қўмондонлар (командирлар), қўшин турлари ва махсус қўшинлар бошлиқлари ҳамда тегишли штабларнинг душманни ўт очиш билан енгиш борасидаги вазифалар мазмуни ва изчиллигини ишлаб чиқиш; кучларни қўшинлар ҳаракати йўналишлари, операциядаги оператив вазифалар, қўшин турига бириктирилган зоналар ва вақт бўйича тақсимлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган фаолиятлари.

Душманни ўт очиш билан енгиш амалини режалаштириш тадбирининг мақсади душман қўшинлари туркумининг жанговар имкониятларини белгиланган муддатда, қўшинларимизнинг минимал талафоти билан, талаб даражасида заифлаштиришга олиб келадиган – куч ва воситаларимизнинг оқилона тақсимоидан иборат. Душманни ўт очиш билан енгиш амалини режалаштириш тадбирлари жумласига:

қўшинлар ҳаракати йўналишлари ва қўйилган оператив вазифага кўра ҳамда вазифа мазкур қўшинлар томонидан, операциядаги ҳиссасига мос тарзда бажарилиши учун – куч ва воситаларнинг вазифалари ва операцияда

бажариладиган ўт очиш топшириқларининг ҳажмини;

душманга ўт очиш билан шикаст етказилишининг талаб этилаётган ва қозониб бўладиган даражасини;

душманга ўт очиш билан шикаст етказувчи куч ва воситалар таркибини;

душманга операцияда ўт очиш билан шикаст етказиш тартибини;

душманни ўт очиш билан енгиш амаллари, шу жумладан биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган тадбирларнинг мақсади, тузилиши, вазифалари, шакллари ва усуллари белгилаш киради.

ДУШМАН ОРТИДАГИ ҲАРАКАТ (РЕЙД) Душман техникаси, жонли кучи ва муҳим объектини йўқ қилиш, қўшинлар бошқаруви, қуролли кучлар фронт орти ишлари, алоқа узеллари кабиларни издан чиқариш мақсадида тез ҳаракатланувчан қисмларнинг (ҳаво-десантчилар, танкчилар ва механизациялаштирилган бўлинмаларнинг) ёки партизанлар отрядининг (қўшилмасининг) душман fronti ортидаги шиддатли юриши ва жанговар ҳаракатлари. Душман ортидаги ҳаракат – дафъатан, тез, қатъий ва дадиллиги билан характерланади.

ДУШМАН ТОМОНИГА ҚОЧИБ ЎТГАН ХОИН (ПЕРЕБЕЖЧИК)

Душман жойлашган ҳудудга атайлаб қочиб ўтган ва унга асир бўлган ҳарбий хизматчи.

ДУШМАН ҲУЖУМ ҚИЛГАН ҲУДУДНИ ҚУРШАБ ОЛИШ

(ЛОКАЛИЗАЦИЯ РАЙОНА ВТОРЖЕНИЯ) Қўшинларимизнинг (кучларимизнинг) *душман ҳужумини қайтариш режасида* кўзда тутилган сарҳадларга кирмаган жойдан ҳужум қилган душман гуруҳининг ҳарбий ҳаракатлари ёйилиб кетишига йўл қўймасликка қаратилган ҳаракатлари ва бу борада амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

ЕГУЛИК (ОЗИҚ-ОВҚАТ ПАЁГИ) (ПАЁК) Муддатли ҳарбий хизмат аскарларига, сержант ва офицерлар таркибига айрим ҳолларда уларнинг оила-аъзоларига бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари. Паёк белгиланган меъёрга кўра, муайян вақтга (бир сутка, бир неча кун ва бир ойга) берилади. Паёк ҳарбий меҳнат, ахлоқий-руҳий ва жисмоний зўриқиш шароитига қараб тақсимланади. Шу боис ҳарбий хизматчиларнинг овқатланиши:

аскар паёги;

матрос паёги;

учувчи паёги;

курсант паёги;

госпиталь паёги каби паёклар бўйича амалга оширилади. Паёклар:

асосий паёк;

қуруқ паёк;

борт паёги;

авария паёги турларига бўлинади.

ЕР ҚАЗИБ, ЎЗ АТРОФИНИ ЎРАШ (САМООКАПЫВАНИЕ)

Жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўриш ва ушбу ҳаракатлар давомида алоҳида ҳарбий хизматчи, экипаж ва расчётлар томонидан ўт очиш, кузатув юритиш ва шикаст етказувчи воситадан ҳимояланиш учун окоп ва тирқишлар қозиш жараёни. Ер қазиб, ўз атрофини ўраш жараёнида жанговар

техникага бириктириладиган (бириктирилган) бульдозерловчи ускуна ва ер казиш асбоблари қўлланилади.

ЁЛҒОН ХАБАРЛАР (МАЪЛУМОТЛАР) (ДЕЗИНФОРМАЦИЯ)

Ниқоблаш усули бўлиб, мазмунан қўшинларимиз гуруҳи, таркиби, қурол-аслаҳаси кабилар ҳақида сохта маълумотлар тарқатиш ва бу билан душманни чалғитиб, муваффақият қозониш учун самарали шароитни юзага келтиришдан иборат.

Ёлғон хабарларни (маълумотларни) тарқатиш учун алоқанинг турли воситалари, матбуот, радиоэшиттиришлар, телевизион кўрсатувлардан кенг қўламда фойдаланилади.

ЁНДИРУВЧИ АРАЛАШМАЛАР (пиротехник аралашмалар) (ГОРЮЧИЕ СМЕСИ) Ёндирувчи бомба, мина, ўқ каби ўқ-дориларга жойлаштириш учун қўлланиладиган ёнилғи моддалари ва уларнинг аралашмалари.

ЁНДИРУВЧИ МОДДАЛАР (ЗАЖИГАТЕЛЬНЫЕ ВЕЩЕСТВА) Ёниш мобайнида кўп миқдорда юқори ҳароратли (3000°C гача) иссиқлик ажратувчи махсус кимёвий таркиблар (аралашмалар). Турли русумдаги ўқ-дори (авиабомба, снаряд, мина, ўқ) ва гранатомётларни анжомлаш учун қўлланилади. Ёндирувчи моддалар суюқ ва қуюқ бўлади. Кимёвий таркиби бўйича:

ҳаводаги кислород ёрдамида ёнувчи (напалм, оқ фосфор ва ҳоказо);

ҳавосиз ҳам ёниши мумкин бўлган, оксидларга эга моддаларга (термит)

бўлинади. Мазкур ёндирувчи моддалар:

суюқ нефть ва ёнувчи органик эритмалар;

металлар;

пиротехник;

ўз-ўзидан ўт олувчи моддалар асосида яратилган турларга бўлинади.

Ёндирувчи моддалар қадимдан маълум бўлган, лекин кенг қўламда кимё саноати ривожлана бошлагач, XX асрдан қўлланилиб келинмоқда.

ЁНДИРУВЧИ МОДДАЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ (ЗАЩИТА ОТ ЗАЖИГАТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ) Шахсий таркиб, жанговар техника, қурол-аслаҳа кабиларни ёндирувчи моддалар таъсиридан ҳимоялаш ёки ушбу таъсир кучини сусайтириш, шунингдек қўлланилиши натижасида ҳосил бўладиган ёнғиннинг олдини олиш ва ўчириш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуи. Мазкур тадбирлар қуйидаги амаллардан иборат:

ёнғин чиқиши тахмин қилинадиган ҳудуд, ёнғин қамраб оладиган миқёс ва тарқаладиган йўналишларни олдиндан ўрганиб чиқиш;

ёнғин қамраган ҳудудларни разведка қилиш ва душман томонидан ёндирувчи моддаларнинг қўлланилаётганлигини (ҳозирланаётганини) кузатиб бориш;

шахсий таркиб, қурол-яроғ, техника, ёқилғи–мой маҳсулотлари, ракета ёнилғиси ва ўзга моддий воситаларни паналаш;

жароҳатланганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва эвакуация қилиш, қурол-аслаҳа, жанговар техника, озиқ-овқат ва ҳарбий мулкни сақлаб қолиш;

биринчи навбатда одамлар ва техникага хавф туғдираётган ёнғинни

бартараф этиш;

кўшинларни ўт ўчириш воситалари билан таъминлаш.

Ёндирувчи моддалардан ҳимоя қилиш чоралари жангга тайёргарлик кўриш давомида, жанг жараёнида, марш вақтида ва кўшинлар бирор жойда тўхтаб жойлашганда, оммавий қирғин қурооллардан сақланиш чоралари билан бир вақтда кўрилади. Асосий вазифа – шахсий таркибни сақлаб қолишдир.

ЁНДИРУВЧИ СНАРЯД (ЗАЖИГАТЕЛЬНЫЙ СНАРЯД) Ёндирувчи моддалар билан тўлатилган артиллерия снаряди. Душман жойлашган худуддаги бинолар, ёнилғи-мой ва ўқ-дори омборларини ёндириш, шунингдек жонли кучи ва техникасининг баъзи бир русумларини йўқ қилиш учун мўлжалланган. Ёндирувчи снаряд портлаганида жойдаги ҳарорат 3000⁰С га қадар кўтарилади. Ёндирувчи снаряд парчаланувчи фугас снарядлар билан уйғунлаштирилган тарзда қўлланилади.

ЁНДИРУВЧИ ЎҚ-ДОРИЛАР (ЗАЖИГАТЕЛЬНЫЕ БОЕПРИПАСЫ) Ёндирувчи моддалар билан анжомланган ўқ-дорилар.

Улар жумласига: ёндирувчи авиабомба, ёндирувчи мина, ёндирувчи ўқ ҳамда ракеталарнинг ёндирувчи баклари ва ёндирувчи моддалар билан анжомланган жанговар қисмлари киради.

ЁНҒИНГА ҚАРШИ МУҲОҒАЗА (ПРОТИВОПОЖАРНАЯ ОХРАНА) Ёнғин хавфини олдиндан айтиб бериш, ёнғиннинг олдини олувчи чоралар кўриш, ёнғинли вазиятни кузатиб бориш ва баҳо бериш амалларидан иборат тадбирлар мажмуи. Ёнғинга қарши курашувчи команда томонидан амалга оширилиб, ёнғин чиқишига қарши тадбирларнинг муттасил ўтказилиши, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиниши ва ёнғинга қарши кураш хизмати сифатли ва тўла-тўқис ўталиши билан таъминланади. Ҳар бир ҳарбий қисмда ёнғинга қарши муҳофаза режаси ишлаб чиқилиб, мазкур режа унда кўзда тутилган барча куч ва воситалар жалб этилган ҳолда ҳаётга мунтазам татбиқ этилади.

ЁПИРИЛИШ (ҲУЖУМ) (НАЛЁТ) Қуруқликдаги кўшинларнинг кўпоровчи-разведка гуруҳлари ва душман ортидаги партизанлар отрядининг душман аэродромлари, штаблари, кичик гарнизонлари, омборлари ва шу каби объектларига дафъатан уюштирган ҳужуми. Авиация томонидан хаво ҳужуми, артиллерия томонидан эса – оловли ёнғин амалга оширилиши мумкин.

ЁПИРИЛМА ЎТ ОЧИШ (МАССИРОВАННЫЙ ОГОНЬ) Артиллерия оловининг тури. Умумқўшин артиллерия қуролининг барча русуми ёки аксарият қисмидан душман объектига қарата қисқа муддатда йўқ қилиб ташлаш мақсадида бир вақтда юритилади.

ЁРИТУВЧИ ВОСИТАЛАР (ОСВЕТИТЕЛЬНЫЕ СРЕДСТВА) Тунги вақтдаги жанговар ҳаракатлар мобайнида жойни ёритиш учун мўлжалланган махсус қурилма ва мосламалар. Ёритувчи воситалар сифатида прожектор, ёришувчи авиабомба, ёритувчи снаряд (мина), махсус пистолетдан отиладиган патрон ва махсус мосламасиз учуриладиган реактив патрон кабилар қўлланилади. Жойни ёритиш давомийлиги инсон кўзининг физиологик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, нишонни фoш этиш ва кимга

тегишли эканлигини аниқлаш учун зарур бўлган вақт билан белгиланади.

ЁРИТУВЧИ СНАРЯД (ОСВЕТИТЕЛЬНЫЙ СНАРЯД) Тунги вақтда жой ва нишонларни ёритиш учун қўлланиладиган артиллерия снаряди (минаси). Ёритувчи снаряд металл (магний, алюминий ва уларнинг қоришмалари) кукуни ва оксидлардан иборат. Ёритувчи снаряд парашютли ва парашютсиз русумларга бўлинади. Жойни ёритиб туриш вақти:

парашютли снарядда – 40-120 сония;

парашютсиз снарядда – 20-30 сония.

ЁРИШУВЧИ СНАРЯД (ЎҚ) (ТРАССИРУЮЩИЙ СНАРЯД (ПУЛЯ))

Нишонга қадар масофа давомида снаряд траекториясининг кўзга кўришиб туришини таъминловчи, ёниб борадиган махсус таркибга эга снаряд (ўқ). Отиб кўриш ва нишонни кўрсатиш амалларини енгиллаштириб, сигнал бериш учун ҳам қўлланилади. Ёришувчи изнинг ранги ёнувчи таркибда қўлланилган ёнувчи модда таркибига боғлиқ. Қизил ва сариқ тус бериб ёнувчи таркиблар кўпроқ қўлланилади.

ЁРЛИҚ (ГРАМОТА (ЯРЛЫК)) 1) Олтин Ўрда ва Ўрта Осиё хонлари томонидан халққа маълум қилиш учун берилган ёзма буйруқ; 2) Шу хонларнинг ўз қўл остидаги феодал ва руҳонийларга берган имтиёзли хужжати; 3) Бирор халқаро битимни тасдиқловчи ёки бирор ҳуқуқий муносабатларни ўрнатувчи расмий ёзма хужжат (масалан, ишонч ёрлиғи); 4) Бирор соҳада эришилган ютуқлар учун мукофот қилиб бериладиган хужжат (масалан, фахрий ёрлиқ).

ЁРУҒЛИК СИГНАЛИЗАЦИЯСИ (СВЕТОСИГНАЛИЗАЦИЯ) Ёруғлик нури сигналлари ёрдамида маълумотлар узатиш. Команда ва билдирувларни узатиш, қўшин, кема ва учиш аппаратлари бир-бирини таниши, нишон кўрсатиш каби амаллар учун қўлланилади.

ЁҚИЛҒИ (ТОПЛИВО) Ёндирилганида технологик жараёнларда фойдаланиладиган ёки энергиянинг ўзга турига айлантириладиган иссиқлик энергиясини ажратувчи ёнилғи моддалар. Ёқилғи шаклан:

қаттиқ – кўмир, торф, ўтин, ёнувчи тоғ жинслари;

суяқ – моторни ҳаракатга келтирувчи, буғ қозонга оид;

газсимон – табиий ва саноат газлари каби турларга бўлинади. Шу билан бирга “Ёқилғи” атамаси энергия манбаи сифатида хизмат қилувчи ўзга ашёлар – ядро ёқилғиси, ракета ёқилғиси кабиларга нисбатан ҳам қўлланилади.

ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ ТЕХНИКАСИ (ТОПЛИВОЗАПРАВЩИК)

Авиация техникаси ва ерда ишлатиладиган техникага механизациялаштирилган тарзда ёнилғи қуйиш учун мўлжалланган махсус машина (курилма). Ёқилғи қуйиш техникаси:

бир вақтнинг ўзида 1 дан 4 тагача машиналарга ёқилғи қуйиши;

бир ҳажмдаги ёқилғини иккинчи ҳажмга тортиб чиқариши;

чуқурга жойлаштирилган ҳажмдаги ёқилғини насоси билан ўз цистернасига сўриб олиши;

ўзи ишлаб чиқараётган чиқинди газ билан ёқилғини иситиши;

ёқилғи аралашмаларини тайёрлаши мумкин.

ЁҚИЛҒИ ҚУЮВЧИ САМОЛЁТ (САМОЛЁТ-ЗАПРАВЩИК)

Фазодаги учиш аппаратини ёқилғи билан кўшимча таъминлаш учун мўлжалланган самолёт. Ёқилғи қуювчи самолёт: кўшимча ёқилғи баклар, ёқилғини тортиб ўтказиш насоси, конусли эгилувчан шланг, учида ёнилғи ҳисоблагичи мавжуд қаттиқ телескопик штанга (кувур) каби махсус ускуналарга эга. Ёқилғини тортиб ўтказиш тезлиги дақиқада 4,5 тоннагача.

ЖАДАЛ ҲАРАКАТ (ФОРСИРОВАНИЕ) Бирон-бир фаолиятнинг суръати ёки қизғинлигини кучайтириш, тезлаштириш. Ҳарбий санъатда ушбу тушунча одатда кўшинларнинг табиий тўсиқни жанг билан ошиб ўтишини (аксарият ҳолларда сув хавзасини сузиб ўтишини) англатади.

ЖАЗО БАТАЛЬОНИ (ҚИСМИ) (ШТРАФНОЙ БАТАЛЬОН (ЧАСТЬ))

Айрим давлатларда ҳарбий хизматчиларнинг уруш даврида содир этган жиноий ва ҳарбий жиноятлари учун жазо ўтишларига мўлжалланган алоҳида ҳарбий тузилма. Мазкур батальондан жанговар ҳаракатнинг энг хавфли йўналишида фойдаланилади.

ЖАНГ (БОЙ) Қўшилма, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг қисқа муддатда, чекланган сарҳадларда душманни яқсон қилиш (тор-мор этиш), муҳим ҳудудларни (марраларни) эгаллаш ёки қўлда тутиб қолиш каби ўзга тактик вазифаларни бажаришлари учун мақсади, ўтказиладиган жойи ва вақти бўйича мувофиқлаштирилган зарбалари, ўт очиши ва бажарадиган манёври. Қўшинлар, авиация ва флот кучлари томонидан амалга ошириладиган тактик ҳаракатларнинг асосий шакли. Жанг умумқўшин жанги, ҳаво жанги ва денгиз жанги каби турларга бўлинади.

Жанг қадимдан, ўқотар қуроли ихтиро қилингунга қадар, совуқ қуроли билан қуролланган жангчиларнинг қўл жанги кўринишини касб этган эди. Ўқотар қуролнинг XIV – XVII асрларда тараққий топиб такомиллаши билан олов тобора жангнинг муҳим таркибий қисмига айлана борди. Қуролнинг келгусида тезотарлиги, отиш масофасининг узоқлашиши ва аниқ отиш хусусияти ортиши юритиладиган жанглар майдонининг кенгайиб боришига сабаб бўлди.

Қўшинларнинг I жаҳон урушида пулемётлар ва артиллерия қуроллари билан оммавий тарзда қуроллантирилиши, танклар ва авиациянинг қўлланилиши, жанг майдонидаги муваффақият фақат ялпи қўшин турлари ҳаракатларининг мувофиқлаштирилиши билангина қозонилиши мумкинлигини кўрсатди. XX асрнинг 30 – йиллар ҳарбий фанида *ичкари кирувчи жанг* назарияси ишлаб чиқилиб, умумқўшин жангнинг хусусиятлари теран ривожланди ва бу хусусиятлар II жаҳон уруши йилларида янада такомиллашди. Қатор давлатлар ушбу асрнинг 50 – йилларида ядро қуроли ва ракеталар билан қуролланиши умумқўшин жанги хусусиятларини сезиларли даражада ўзгартириб юборди.

Замонавий умумқўшин жангнинг асосий хусусиятлари (манёврчанлиги ва шиддати билан бир қаторда) вазиятнинг тез ва кескин ўзгариши, жанг fronti ва сарҳадларининг чуқурлиги бир маромда ўзгармаслиги, жанг юритилиш усулларининг турли-туманлиги, шахсий таркибнинг жисмонан ва ахлоқий-руҳий жиҳатдан кучли зўриқиши, жонли куч ва қурол-яроғ бўйича

катта талафотлар кўрилишидан иборат. Жанг юритиш учун кўшилма, ҳарбий қисм ва бўлинмалар жанговар тартибга ёйиладилар. Замонавий жангнинг муваффақиятли юритилишида:

куч ва воситаларнинг бир ерга тўпланиб, душманга хужум қилиши ва уларнинг чамбарчас ҳамкорлиги;

душманни унинг ялпи жанговар тартиби бўйича йўқ қилиниши (янчилиши);

кўшинларимизнинг бўлиб-бўлиб жойлаштирилиши;

душманнинг ядровий куч ва воситаларига қарши муттасил кураш олиб борилиши;

жанговар ҳаракатларнинг ҳар томонлама таъминланиши ҳал этувчи аҳамиятга эгадир.

Жанг шахсий таркибнинг барча тоифаларидан барқарор, ташаббускор, интизомли бўлишни, командирлардан эса бундан ташқари, кўшинларни (кучларни) моҳирона бошқаришни талаб этади.

Дашт, чўл, тоғ каби алоҳида шароитлар жангни тайёрлаш ва юритишнинг ўзига хос хусусиятларини тақозо этади.

Яқин жанг – мудофаа истехкомларидаги душманни йўқ қилиш, жанговар ҳаракатларни тунда, ўрмонда, аҳоли пунктларида юритиш мобайнида кўпроқ мотоўқчи, танк ва ҳаво-десант бўлинмаларига хосдир. Авиацияда яқин жанг юритиш учун мўлжалланган қурол-яроғлар (пулемёт ва замбараклар) қўлланилади.

Замонавий расмий ҳужжатларда “Яқин жанг” атамаси *қўлланилмайди*.

Шаҳар кўчаларидаги жанг – жанговар ҳаракатнинг алоҳида жанггоҳларга бўлиниб кетиши, кўшинни марказлашган тарзда бошқариш амалларининг мураккаблиги, хужумкор ишғол этувчи гуруҳларнинг кенг кўламда қўлланилиши, манёвр ўтказилишининг қийинлиги, катта вайроналик, ёнғин ва уюмларнинг вужудга келиши билан хусусиятланади. Мазкур жангда асосий куч муҳим таянч пунктлари, алоҳида бино, кўприк каби иншоотларни забт этиш ва қўлда тутиб қолишга сафарбар этилади.

Қуршовдаги жанг – душман кўшинларимиз атрофида қуршов фронтини барпо этишга муваффақ бўлган шароитда юритилади. Қуршовдаги жанг:

мудофаада – душманнинг мудофаадаги кўшинларимиз ортига ҳаво десанти туширганидан сўнг қанотларимиз ёки чегарадош ҳарбий қисмлар маррасидан ёриб ўтиши оқибатида;

чекинганда – душманнинг илгарилаш суръати чекинаётган кўшин ҳаракати суръатидан юқори бўлганида;

ҳужумда – бўлинма, қисм ва кўшилмаларнинг асосий кучлардан узоқда ҳаракатланиб, душман билан тўқнаш жанги муваффақиятсиз ўтказилганида юз бериши мумкин.

Командирларнинг матонати, ташаббускорлиги ва қатъиятлилиги, кўшинларнинг барқарорлиги ва қатъий туриши, ҳаракатлар дафъатан ва фаол ўтказилиши, бўлинмалар олови, куч ва воситалари билан моҳирона манёвр ўтказиш амаллари қуршовдаги жанг хотимасининг ҳал этувчи аҳамиятига эга.

Қўл жанги – урушаётган томонлар бир-бирини, одатда совуқ қурол билан энгиш учун юритиладиган жанг. Ўқли қуроллар ҳам қўлланилади.

XVIII – XIX асрларда ўтган урушларнинг қўл жангларида асосан милтик найзаси ва қўндоғи қўлланилган, қўл жанги эса хусусан найзалар жангига тенглаштирилган эди. Замонавий шароитда қўл жанги аҳоли пунктида, тунда, траншеяда (юриш йўлагиди) жанг юритилганида, разведка-қидирув амаллари давомида ва шу каби ҳолатларда юз бериши мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг жасурлиги, қатъиятлилиги, зукколиги, ҳаракатларининг чаққонлиги, шахсий қуролдан моҳирона фойдаланиши, яхши жисмоний тайёргарлиги ва бир-бирига ёрдам бериши қўл жанги давомида ҳал этувчи аҳамиятга эгадир.

Душман ҳаракатини тўхтатувчи жанг – чекинаётган қўшилма (ҳарбий қисм, бўлинма) томонидан қўлда тутиб турилган марраларимизни душман ўз ҳаракати давомида ёриб ўтишига йўл қўймаслик ва унга максимал талафот етказиш мақсадида юритилади. Аини пайтда давомли жанг бошлаш тавсия этилмайди. Белгиланган вақтда юқори поғонадаги бошлиқ томонидан навбатдаги маррани қўлда тутиб туриш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганида, кейинги маррага чекинишга команда берилади.

Танклар жанги – урушаётган томонларнинг танкчи бўлинмалари, ҳарбий қисмлари ва қўшилмаларининг тўқнашуви. Одатда ХХМ воситаларининг ҳимояси остида, артиллерия ва авиациянинг мадади билан юритилади. Умумқўшин жангнинг таркибий қисми.

Танклар жанги ҳужумда, тўқнаш жангида (муҳораба давомида) ва мудофаада юз бериши мумкин. Танклар жангида душманни ўт очиш билан ишончли йўқ қилиш, олов ва ҳаракатни уйғунлаштириш, мудофаада дафъатан ўт очиш, қатъий манёвр, фаол ва узил-кесил ҳаракатлар юритиш билангина муваффақият қозониш мумкин.

ЖАНГ (МУҲОРАБА) (СРАЖЕНИЕ) Жанговар операция ёки унинг алоҳида босқичидаги мақсадга эришиш учун умумий ғоя билан уйғунлашган, қўшилма ва бирлашмалар томонидан бериладиган зарба ва ўтказиладиган жанглар мажмуи.

Жанг мисолига: умумқўшин жанги; танклар жанги; учиш аппаратларининг ҳаводаги жанги; ҳаво ҳужумига қарши жанг; денгиздаги кемалар жангларини келтириш мумкин.

Жанговар ҳаракатнинг мақсад ва турига кўра ҳужум ва мудофаа жангига бўлинади. Жанг томонларнинг узил-кесил ҳаракатлари, қўшинларнинг катта кўлами, тиришқоқлиги ва ривожига билан характерланади. Жанглар йирик операция, қуршовга олиш, ҳужум ёки мудофаа жангларининг бир қисми бўлиши мумкин.

ЖАНГ БИЛАН ЮРИТИЛАДИГАН РАЗВЕДКА (РАЗВЕДКА БОЕМ) Махсус ажратилган бўлинмалар томонидан ҳужум уюштирилиб, душман ҳақида маълумотлар олиш.

Жанг билан юритиладиган разведка ўзга усуллар билан маълумот олишнинг иложи бўлмаганида амалга оширилади.

Мазкур турдаги разведкани юритиш учун мотоўқчи ёки танкчи батальон

(взвод) ва разведка бўлинмалари тайинланиши мумкин бўлиб, уларнинг ҳаракатлари артиллерия, баъзан эса авиация олови билан қўллаб қувватланади.

ЖАНГДАН ЧИҚИШ (ВЫХОД ИЗ БОЯ) Кучларни, душман ва унинг зарбаларидан четга олиш ёки ўзга йўналишга ҳаракатлантириш мақсадида узоқлаштириш.

Катта бошлиқ буйруғига биноан, асосан тунги вақтда, махсус ажратилган куч, оловли девор, тутун ва миналар ҳимояси остида амалга оширилади. Жангдан чиқаётганларни ҳимоя қилиш учун алоҳида бўлинма ажратилади. Мазкур бўлинма эгалланган маррани, белгиланган вақт ўтганига ёки чекинишга буйруқ олганига қадар тутиб туради.

ЖАНГГОҲ (ЖАНГ МАЙДОНИ) (ПОЛЕ БИТВЫ) Жанг бўладиган жой. Бу маъно ўтмишда маъракагоҳ, дорул-ҳарб каби истилоҳлар билан ҳам ифодаланган. Ўрта асрларда жанг майдонини танлашга (унда тўсиқ ва пана жойлар бўлишига) саркардалар томонидан алоҳида эътибор берилган. Жанггоҳнинг текис, кенг ва қўшин қисмларини жойлаштиришга қулай бўлиши талаб қилинган. Жанггоҳни танлаш – махсус ҳарбий мансабдор (товочи) зиммасида бўлган.

ЖАНГ (ёки МАШҚ) ТАМОМ (ОТБОЙ) Ҳарбий хизматчиларнинг бирор-бир ҳаракатини (машқи, ўт очиши, манёври, иши каби ҳаракатларини) якунлаш (тўхтатиш) учун бериладиган команда (сигнал).

Мазкур команда (сигнал) овоз, горн, барабан, телефон, радио, сирена, сигналловчи ракета русуми, байроқча орқали ва ўзга усуллар билан узатилиши мумкин.

ЖАНГНОМА (СКАЗАНИЕ О БИТВЕ) Тарихий ва афсонавий хусусиятга эга бўлиб, жанг воқеаларини акс эттирувчи асарларнинг (ривоят, афсона ёки воқеий ҳикояларнинг) умумий номи. Келиб чиқиши жиҳатидан фольклор билан боғлиқ адабий жанр сифатида ҳам мавжуд.

ЖАНГОВАР АВИАЦИЯ (БОЕВАЯ АВИАЦИЯ) Бевосита жанговар вазифаларни бажариш учун мўлжалланган авиация қўшилма, қисм ва бўлинмалари. Жанговар авиация таркибига қирувчи-бомбардимончи, хужумчи, бомбардимончи, қирувчи каби авиация турлари киради.

ЖАНГОВАР АЛМАШИНУВ (СМЕНА) (БОЕВАЯ СМЕНА) Қўмондонлик пунктлари ва жанговар постларда қуролли кучлар шахсий таркибининг (кемада – экипажнинг) жанговар навбатчилик (вахта) хизматини ўтаётган қисми.

Кема шахсий таркибининг барчаси, одатда учта жанговар алмашинувга тақсимланади.

ЖАНГОВАР АНЪАНАЛАР (ТРАДИЦИИ БОЕВЫЕ) Ҳарбий хизматчиларнинг хулқ-атвори ва ҳаракатларида жанговар вазифаларни намунали бажариш ва ҳарбий хизмат ўташ билан боғлиқ масалалар борасида тарихан юзага келган, авлоддан авлодга ўтиб келаётган армиядаги қоида, одат ва меъёрлар. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчиларининг энг муҳим жанговар анъаналари:

Ватанга муҳаббат;

ҳарбий бурчга ва ҳарбий қасамёдга содиқлик;
аскарий ўртоқлик;

ўз кучи ва Ватанимиз душманлари устидан ғалаба қозонишга бўлган ишонч;

она юртни ҳимоя этишга доимий шайлик;

ҳарбий маҳоратни такомиллаштириш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаб боришга муттасил интилишдир.

Қуролли Кучлар ҳаётида ўрин эгаллаган умумий жанговар анъаналар билан бир қаторда Қуролли Кучлар ва қўшинлар турига мансуб, шунингдек қисм ва қўшилма тарихи билан боғлиқ анъаналар ҳам мавжуддир.

ЖАНГОВАР АСЛАҲА ТАЪМИНОТИ (БОЕПИТАНИЕ)

Қўшинларни қурол-аслаҳа ва ўқ-дори билан таъминлаш турларидан бири.

Қўшинларни жанговар аслаҳа билан таъминлаш амаллари батальонларда ва взводларда ташкил этиладиган жанговар аслаҳа таъминоти пунктлари тизими орқали, баъзан эса бевосита округ омборхоналари орқали бажарилади.

Мотоўқчи гуруҳ ва секцияларида – ўқ-дори келтирувчилар тайинланади.

ЖАНГОВАР АХБОРОТ ПОСТИ (БОЕВОЙ ИНФОРМАЦИОННЫЙ ПОСТ) Ҳарбий-денгиз флотининг сув усти, сув ости кемаларидаги ёхуд қирғоқ мудофааси қисмларидаги жанговар пост.

Ҳаво, сув усти ва сув остидаги вазият ва ушбу вазиятнинг ўзгариши борасидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш билан машғул бўлади. Турли техник воситалар билан таъминланган жанговар ахборот пости ҳарбий-денгиз флоти кемаси (бирлашмаси, қўшилмаси) бошқарилувини таъминловчи – етакчи жанговар постдир.

ЖАНГОВАР БАЙРОҚ (БОЕВОЕ ЗНАМЯ) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий қисмининг жанговар байроғи ҳарбий шараф, матонат ва шон-шухрат рамзидир.

Жанговар Байроқ икки томонлама мато, даста ва попукли боғичдан таркиб топади. Жанговар Байроқ асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи олинган. Матонинг юз қисмидаги оқ йўлида зар ипак билан “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ” деб ёзилган. Матонинг орқа томонидаги оқ йўлда ҳарбий қисмнинг рақами ва номланиши зар ипак билан тикиб ёзилган.

Жанговар Байроқ ҳарбий қисмга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан Мудофаа вазирлиги вакиллари томонидан ҳарбий қисм тузилиши билан топширилади.

Жанговар Байроқ ҳар доим ўз ҳарбий қисми билан, жанг мобайнида эса қисмнинг жанговар ҳаракатлар юритаётган ҳудудида бўлади.

Жанговар Байроқ йўқотилгудек бўлса, ҳарбий қисм командири ва бундай шармандаликка бевосита айбдор бўлган ҳарбий хизматчилар ҳарбий суд олдида жавобгарликка тортиладилар. Ҳарбий қисм эса тугатилади.

ЖАНГОВАР БУЙРУҚ (БОЕВОЙ ПРИКАЗ) Қўшинларга (флот кучларига) жангга (тадбир ўтказишга) киришиш учун жанговар вазифаларни

етказиш шакли, кўшинларни (флот кучларини) бошқариш борасидаги жанговар хужжатларнинг асосий тури. Жанговар буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

ўз бўлинмаси ҳаракатланаётган ҳудуддаги душман гуруҳи ва унинг эҳтимолий ҳаракатлари хусусиятларига берилган баҳодан чиқарилган қисқа хулосалар;

бўлажак ҳаракатлар ҳудудида катта бошлиқ бошқарадиган душманга шикаст етказувчи воситаларнинг вазифалари ва қўлланилиш тартиби;

ўз бўлинмасининг вазифалари, командир ҳаракатларининг ғояси ва ҳ.к.

Бўлинма командири жанговар буйруқни, одатда тегишли жойда оғзаки беради.

Округларда жанговар буйруқ ёзма кўринишда, кўшилманинг (қисмнинг) жанговар вазифаларни бажаришга тайёргарлик кўришини таъминловчи муддатда етказилади.

ЖАНГОВАР ВАЗИФА (БОЕВАЯ ЗАДАЧА) Юқори поғонадаги командир (қўмондон) томонидан бўлинма, қисм ва кўшилма олдида жангда (операцияда) ўрнатилган муддатда муайян мақсадга эришиш учун қўйилган вазифа.

Жанговар вазифанинг мазмуни ва ижро усуллари ҳарбий қисм ёки кўшилманинг белгиланган вазифаси, миқдорий кўрсаткичлари, кўшинларимиз ва душманнинг жанговар қобилияти, шунингдек вазиятнинг ўзга шароитига боғлиқ. Кўшилма (қисм) командирларига жанговар вазифа оғзаки етказилиши мумкин бўлиб, у албатта ёзма тарзда тасдиқланиши лозим.

ЖАНГОВАР ВАЗИЯТ (БОЕВАЯ ОБСТАНОВКА) Муайян жойда маълум даврда жанговар ҳаракатларга таъсир кўрсатадиган омиллар ва шарт-шароитлар мажмуи.

Жанговар вазият душман кучларининг ҳолати (таркиби, ишғол қилган ўрни, кўзлаётган мақсади), ўз кўшинларимизнинг ҳолати (таъминланиш даражаси, жанговар имкониятлари) ва кўшин қисмларининг ҳолати, радиацияли, кимёвий ва бактериологик (биологик) вазиятнинг хусусияти; ер шароити, жой – районнинг иқтисоди, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-сиёсий таркиби ва кайфияти; метерологик ва иқлимга оид маълумотлар, жанговар вазифа бажарилиши лозим бўлган муддат ва бошқаларни ўз ичига олади.

Жанговар вазият барча турдаги разведка маълумотлари, кичик командирларнинг ҳисоботлари, қўмондон (штаб) ахборотлари; асирларни ва душман томонидан қочиб ўтганларни сўроқ қилиш ва бошқаларга қараб белгиланади.

ЖАНГОВАР ВА МИҚДОРИЙ ТАРКИБ (БОЕВОЙ И ЧИСЛЕННЫЙ СОСТАВ) Бўлинма, қисм, кўшилма, бирлашма, кўшинлар (кучлар) турлари ва ялпи қуролли кучларнинг таркиби.

Уларда мавжуд бўлинмалар (қисм, кўшилма ва бирлашмалар) сонини, шахсий таркиб, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар миқдорини акс эттиради. Тинчлик ва уруш даврларининг муайян санасига белгиланади. Штат ва рўйхат бўйича ва ҳақиқатда мавжуд (сафдаги) таркибларга бўлинади.

Қўшилмалар, қўшин ва қуролли кучлар турининг жанговар ва миқдорий таркиби мунтазам эмас. Ушбу таркиб давлатнинг сиёсий мақсади, иқтисодий ва ҳарбий қудрати, эҳтимолий душман қўшинларининг жанговар ва миқдорий таркиби каби ўзга омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариб боради.

ЖАНГОВАР ВАРАҚА (БОЕВОЙ ЛИСТОК) Шахсий таркибни қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиш ва унга тезкор ахборот бериш учун мўлжалланган нашрий ташвиқот шаклларида бири.

Уруш даврида жанговар варақадан жангчилар билан сиёсий ишлар олиб бориш учун фаол фойдаланилади. Жанговар ҳаракат шароитида жанговар варақалар фронтда ва қуролли кучлар фронт ортида рўй бераётган ҳодисаларга ҳозиржавоблик билан ҳаракат қилишга, шахсий таркибни жанговар вазифаларни бажариш учун сафарбар этишга имкон яратади.

Тинчлик даврида жанговар варақаларни нашр этиш фаолияти тактик машғулот ва машқлар давомида, жанговар ўт очиш машғулотлари жараёнида, жанговар навбатчилик ва қоровул хизматини ўташ мобайнида ҳамда ўзга вазифалар бажарилаётганида қўлланилади.

Жанговар варақа гуруҳ, взвод, батарея ва кемаларда нашр этилади. Жанговар варақа муҳаррири бўлинманинг умумий мажлисида очиқ овоз билан сайланади. Жанговар варақа баъзан деворий газетанинг таҳрир ҳайъати томонидан ҳам чоп этилади.

ЖАНГОВАР ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР (БОЕВЫЕ ОТРАВЛЯЮЩИЕ ВЕЩЕСТВА) Заҳарли кимёвий бирикмалар бўлиб, жанговар жихатдан қўлланилганида, душманнинг жонли кучига оммавий қирғин келтиради. Кимёвий қуролнинг асосини ташкил этади.

ЖАНГОВАР ИМКОНИАТЛАР (БОЕВЫЕ ВОЗМОЖНОСТИ) Бўлинма ва қисмларнинг ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга (уруш даврида – жанговар ҳаракатларни юритишга) тайёрлигининг умумий савиясини тавсифлаб берувчи миқдорий ва сифат кўрсаткичлари. Жанговар имкониятлар шахсий таркиб, техника ва қурол-аслаҳанинг штатдаги сони, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлиги, ҳаёти ва таълимоти (жанг юритиши) учун зарур бўлган барча воситалар билан узлуксиз таъминланиши, уддабуронлик ва қатъий бошқарув билан белгиланади. Қуролли куч ва қўшин турларининг жанговар имкониятларини белгиловчи ўзига хос талаб ва шартлари мавжуд.

Авиациянинг жанговар имкониятлари – душманга, об-ҳавонинг турли шароити ва сутканинг ҳар қандай вақтида, ерда, ҳавода, денгизда етказадиган талафот миқёси билан ўлчанади.

Ҳаво десант қўшинларининг жанговар имкониятлари – ҳаво десант қўшинлари қўшилмаси ва қисмларининг десантланиш сарҳадлари, душман ортидаги объектларни эгаллаш, яксон этиш ёки қўлда тутиб туриш қобилиятига кўра тавсифланади.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг жанговар имкониятлари – зенит-ракета қўшинлари, зенит-ракета артиллерияси, қирувчи авиация ва радиотехника қўшинларининг ҳамкор қўлланилган жанговар имкониятлари йиғиндисидан келиб чиқиб, таъминланганлик даражасига боғлиқдир.

Ракета қўшинларининг жанговар имкониятлари – шикаст етказилиши лозим бўлган объектлар сони ва етказиладиган талафот даражаси, душманга шикаст етказиш учун сарфланадиган ўқ-дорилар сони ва сарҳадлари билан тавсифланади.

Флот кучларининг жанговар имкониятлари – жанговар вазифани бажара олиш даражаси ва ишончилиги ҳамда миналарни топиш ва зарарсизлантириш, разведка юритиш, радиоэлектрон кураш ва шу каби имкониятларни тавсифловчи ўзга кўрсаткичлар билан ўлчанади.

Қуруқликдаги қўшинларнинг жанговар имкониятлари – тор-мор этилиши лозим бўлган душман гуруҳларининг катталиги, ҳужум жараёнида ета оладиган сарҳадлар ва илгарилаш суръати каби омиллар билан тавсифланади.

ЖАНГОВАР КЕМАЛАР (БОЕВЫЕ КОРАБЛИ) Жанговар вазифаларни бажариш учун мўлжалланган ҳарбий кемалар.

Улар жумласига сув ости кемалари, авиаташувчилар, ракета-артиллерияли, сув ости кемаларига қарши курашувчи, миналарга қарши курашувчи, десант ташувчи ва шу каби сув усти кемалар киради.

ЖАНГОВАР КОМПЛЕКТ (БОЕВОЙ КОМПЛЕКТ) Ўқ-дориларнинг битта қуролга (автомат, пистолет, пулемёт, миномёт, тўп ва шу кабиларга) ёки жанговар машинага (ўт очиш қурилмаси, зирхли транспортёр, танк, самолёт ва шу кабиларга) берилган миқдори.

Жанговар вазифани бажариш учун қўшинларнинг ўқ-дорига бўлган эҳтиёжини белгилаш мобайнида ҳисоб-таъминот бирлиги сифатида хизмат қилади. Бўлинма, қисм, кема ва қўшилманинг жанговар комплекти, ўз ичига ўқ-дориларнинг барча мавжуд қуроллар учун умумлашган миқдорини қамраб олади.

ЖАНГОВАР КУРС (БОЕВОЙ КУРС) Самолёт, вертолёт, сув усти ва сув ости кемаларининг зарба бериш мақсадида нишонга қараб чиқиш курси.

Жанговар курс нишон мудофаасининг ҳолати, об-ҳаво шароити, жой рельефи ва шу кабилар ҳисобга олинган тарзда, жанговар вазифани бажаришга тайёргарлик кўриш мобайнида, олдиндан ҳисоблаб чиқилади ва нишонга олиш жараёнида унга қатъий риоя қилинади. Жанговар курс масофаси самолётларнинг турли русумлари учун турличадир.

ЖАНГОВАР МАРРА (БОЕВАЯ ПОЗИЦИЯ) Окоп, блиндаж ва шу каби иншоотлар билан жиҳозланган, ҳарбий қисм ва бўлинмалар томонидан жанговар вазифани бажариш учун мўлжалланган – жой ҳудуди.

ЖАНГОВАР МАШИНАЛАР (БОЕВЫЕ МАШИНЫ) Қурол-яроғ, алоқа ва разведка воситалари ўрнатилган занжирли (ғилдиракли) машиналар. Жанг юритиш, жанговар ҳаракатларни таъминлаш ва қўшинларни бошқариш учун мўлжалланган. Зирхли танк техникаларига мансуб жанговар машиналарга – танк, пиёдалар жанговар машинаси, зирхли транспортёр, зирхланган разведка машиналари киради.

Артиллериянинг жанговар машиналари туркумига – ўзи юрар тўп ва миномётлар, танкка қарши ўзи юрар ва кўп стволли реактив қурилмалар

киради.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг жанговар машиналарига зенит-ракета комплексларининг учиршиш қурилмалари, зенит-артиллерия қурилмалари, зенит-пулемёт қурилмалари киради.

Ракета қўшинларининг жанговар машиналарига “ердан-ерга” синфига мансуб ракеталарни ташувчи, занжирли ёки ғилдиракли шассисига ўрнатилган учиршиш қурилмалари киради.

ЖАНГОВАР МАЪЛУМОТ (БОЕВОЕ ДОНЕСЕНИЕ) Жанговар вазифа бажарилаётган жараён ҳақидаги ҳисобот-маълумотли ҳужжат. Жанговар маълумотда, одатда қуйидагилар баён этилади:

жанговар ҳаракат натижалари, қўшинларимизнинг муайян вақтдаги жойлашуви ва ҳолати;

душман кучининг таркиби, жойлашуви ва олиб бораётган ҳаракатлари;

жангни келгусида қай тарзда юритиш борасидаги қарор.

Жанговар маълумотлар шошилини, оддий ва якуний бўлади. Жанговар маълумот олдида қўйиладиган муҳим талаблар – объективлик, аниқлик ва лўндаликдир. Уларни тақдим этиш муддати ва тартиби жанговар низомларда белгиланади.

ЖАНГОВАР МУСТАҚИЛЛИК (БОЕВАЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОСТЬ)

Командирнинг жанг давомидаги, штабнинг қўшинларни бошқариш жараёнидаги ташаббускор ва зукко ҳаракатлари. Жанговар мустақиллик – суствлик ва саросимага тушиб қолишга йўл қўймайди.

ЖАНГОВАР НАВБАТЧИЛИК (БОЕВОЕ ДЕЖУРСТВО)

Махсус ажратилган куч ва воситаларнинг дафъатан юзага келадиган масалаларни (ерда ёки ҳавода чегаранинг бузилиши, қўпоровчилар ҳужуми ва ҳ. к.) зудлик билан ҳал этиш ёки жанговар ҳаракатлар юритиш учун жанговар шайликни юқори даражада тутиб турилиши.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳамда ҳарбий-ҳаво кучлари бўлинмаларида уруш ва тинчлик даврларида ташкил этилади. Жанговар навбатчиликни ўташ, жанговар қуролни қўллаш тартиблари тегишли йўриқномаларда (кўрсатмаларда) белгилаб берилади.

ЖАНГОВАР НИЗОМ (БОЕВОЙ УСТАВ)

Қўшин, авиация ва флот кучларининг жанговар ҳаракатларни тайёрлаш ва юритиш борасидаги асосий қоидаларни белгилаб берувчи, амал қилинадиган расмий ҳужжат.

Жанговар низом муайян қўшин ёки қуролли кучларнинг аниқ бир турига мансуб бўлиши мумкин. Аксарият давлатларнинг замонавий жанговар низомларида жанговар ҳаракатларни, оддий ҳамда оммавий қирғин қуролларни қўллаш назарда тутилган ҳолда тайёрлаш, юритиш тамойил ва усуллари белгилаб берилган.

ЖАНГОВАР ПАРВОЗ (БОЕВОЙ ВЫЛЕТ)

Жанговар вазифани бажариш учун битта самолётнинг (вертолётнинг) ёки улар гуруҳининг учиб кетиши.

“Жанговар парвоз” тушунчаси бўлинма (қисм, қўшилма) жанговар фаолиятининг умумий ҳажми ҳисобини юритиш учун, шунингдек учувчилар таркибига мансуб ҳар бир шахснинг муайян даврда (ойда, йилда), операцияда

ва бутун уруш давомида жанговар фаолияти ҳажми ҳисобини юритиш учун қўлланилади.

ЖАНГОВАР ПОСТ (БОЕВОЙ ПОСТ) Кеманинг жанговар тузилмасидаги бошланғич (бирламчи) ташкилий қисм.

Жанговар пост кеманинг муайян жойида (палуба ёки хона майдони ёхуд қисмида) шахсий таркиб ва ушбу таркиб хизмат кўрсатадиган қурол-аслаҳа ва техник воситалардан ташкил топган. Жанговар пост бир ёки бир неча ҳарбий хизматчилардан (старшина ва матрослардан) иборат бўлиши мумкин. Жанговар пост жанговар қисмда (хизматда) ўз номи ва тартиб рақамига эга бўлиб, пост командири томонидан бошқарилади ва жанговар қисм командири жойлашган тегишли қўмондонлик пунктига бўйсунди.

ЖАНГОВАР РАҚАМ (БОЕВОЙ НОМЕР) Матрос ва старшиналарга кема шахсий таркибининг жанговар постлар бўйича жанговар жадвалига мувофиқ бериладиган рақам. Жанговар рақам 3 қисмдан иборат, яъни: 1- рақам ёки ҳарф – қайси жанговар қисмга (хизматга) тегишли эканлигини кўрсатади; 2- рақам – жанговар пост рақами; 3- рақам – қайси жанговар алмашувга тегишли эканлиги ва навбат таркибидаги тартиб рақамини белгилайди.

Шунингдек жанговар рақам деб, матроснинг (старшинанинг) кемада белгиланган ва кундалик жадвалга кўра эгалладиган жойлари ва бажарадиган мажбуриятлари каби ўзга маълумотлар ёзилиб бориладиган чўнтакда олиб юриладиган китобчага айтилади.

ЖАНГОВАР САМАРАДОРЛИК (БОЕВАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ) Қурол-аслаҳа ва техниканинг жанговар вазифани бажаришга мувофиқлаштирилганлик даражаси.

Жанговар самарадорлик муайян вақт давомида ўқ-дори ва ўзга воситаларнинг муайян сарфи билан душман объектларига етказиладиган талафот билан белгиланади.

Жанговар самарадорлик савияси ўқ-дориларнинг душманга шикаст етказувчи хусусиятлари, яқсон этилиши лозим бўлган объектнинг ҳимояланганлик даражаси, шахсий таркибининг жанговар таълимоти, руҳий тайёргарлиги ва шу каби ўзга омилларга боғлиқ.

ЖАНГОВАР САМОЛЁТЛАР (БОЕВЫЕ САМОЛЁТЫ) Ҳаво ва ер устидаги (денгиздаги) нишонларни йўқ қилиш ҳамда ўзга вазифаларни бажариш учун мўлжалланган ҳарбий самолётлар. Улар жумласига:

- қирувчи;
- қирувчи-бомбардимончи;
- қирувчи-тутувчи;
- бомбардимончи;
- сув ости кемаларига қарши курашувчи;
- ҳужум қилувчи;
- разведкачи самолётлар киради.

ЖАНГОВАР ТАЖРИБА (БОЕВОЙ ОПЫТ) Ҳарбий хизматчи, бўлинма, қисм ва ялпи қўшинларнинг жанговар ҳаракат мобайнида олдин эгаллаган кўникмалар ва ўзлаштирилган ҳаракат усулларини қўллай олиш

махорати.

Жанговар тажриба тушунчаси ҳарбий хизматчининг шахсий тайёргарлик савиясини аниқлаш учун ҳам қўлланилади.

ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК (БОЕВАЯ ПОДГОТОВКА) Қуролли кучлар шахсий таркибини белгиланган вазифасига мувофиқ, жанговар ҳаракат ёки ўзга вазифаларни бажара олиши учун ўқитиш ва ҳарбийча тарбиялаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар тизими.

Жанговар тайёргарлик тинчлик даврида ҳам, уруш даврида ҳам ўтказилади. Жанговар тайёргарлик шахсий таркибга дала, денгиз, ҳаво (парвоз қилиш) таълимотини бериш ва машқларини ўтказишга йўналтирилган бўлиб, юксак малака жанговар вазиятларга максимал яқинлаштирилган шароитда эгалланади.

Жанговар тайёргарликнинг асосий тамойилларидан бири – уруш жараёнида талаб этиладиган зарурий маҳоратларни шакллантиришдир.

Жанговар ҳаракатлар, қуролли кучлар тури ва қўшин тури орасидаги ҳамкорлик ҳамда жанговар таъминот масалалари – умумқўшин машқлар (манёврлар) жараёнида кўриб, ўрганилиб чиқилади.

ЖАНГОВАР ТАЛАФОТЛАР (БОЕВЫЕ ПОТЕРИ) Душман қуролларининг қўлланилган барча турлари ва оқибатда юзага келадиган омиллар таъсиридан шахсий таркиб, қурол-аслаҳа, техника ва моддий воситалар бўйича йўқотишлар.

Жанговар талафотлар қайта тикланмас ва тикланувчан турларга бўлинади. *Қайта тикланмас* турга – ҳалок бўлган, бедарак йўқолган, асирга тушган, яраланиши оқибатида ўлган ва ногирон бўлиб захирага бўшатирилган ҳарбий хизматчилар, қайта тиклаб бўлмайдиган қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва ўзга моддий воситалар киради. *Қайта тикланувчан* талафотлар турига – соғайганларидан сўнг сафга қайтиши мумкин бўлган шахсий таркиб, таъмирланганидан сўнг фойдаланишга яроқли бўладиган қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва ўзга моддий воситалар киради.

ЖАНГОВАР ТАРКИБ (БОЕВОЙ СОСТАВ) Ҳарбий қисм таркибига кирувчи жанговар, таъминот ва хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг белгиланган сони.

Қисм ва қўшилманинг жанговар таркиби штат жадвали билан белгиланади, лекин у қўйилган вазифанинг бажарилишини таъминлаш мақсадида катта бошлиқ қарорига биноан бошқа қўшин турлари бўлинма ва қисмлари билан кучайтирилиб, ўзгартирилиши мумкин.

Қўшинлар жанговар таркибининг ҳисоби тактик, оператив ва стратегик миқёсларда чиқарилади. Тактик ҳисоб бирлиги сифатида, одатда батальон (дивизион), махсус қўшинлар взводи, эскадрилья, кема қабул қилинади. Оператив (стратегик) ҳисоб бирлиги сифатида – округ, алоҳида бригада ёки қўшин турига мансуб қисм қабул қилинади. Бундан ташқари барча поғоналарда шахсий таркиб, ракеталарнинг учуриш қурилмалари, ядровий ўқ-дори, танк, самолёт, кема ва қуролнинг ўзга турлари ҳисоби юритилади.

ЖАНГОВАР ТАРТИБ (БОЕВОЙ ПОРЯДОК) Қўшинларнинг жанг

килиш учун жойланиш тартиби. Бўлинма, қисм ва қўшилмалар жанговар вазифани бажариш учун тактик ҳамда техник имкониятлар ва куролланиш даражасига кўра жойлаштирилади.

Муайян доирада жанговар вазифани ҳамкорликда адо этадиган қўшинлар, куч ва воситалар, одатда, ҳамкорликда ҳаракат қилувчи барча бўлинма, қисм, қўшилмаларни ўз ичига оладиган ягона жанговар тартибга уюшади.

Жанговар ҳаракатнинг ҳар бир тури ўзига мос жанговар тартиб қўллашни талаб этади. Қўшинларнинг жанговар тартиби бўлажак жанг талабларини, куч ва воситаларнинг ҳолати ҳамда жанговар имкониятларини, душман қўшинларининг жойланиши ва ҳаракатини, жойнинг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Жангнинг ҳар бир кўринишида қўшинларнинг ҳар бир тури учун ўзига хос жанговар тартиб қўлланилади. Қўшилма ва қисмлардаги жанговар тартибнинг асосий элементлари – эшелонлар (одатда биринчи, иккинчи эшелонлар), артиллерия гуруҳлари ҳамда куч ва воситалар саналади.

ЖАНГОВАР ТЕХНИКА (ТЕХНИКА БОЕВАЯ) Қурол-яроғ комплекслари (намуналари) ва ушбу қурол-яроғни ташувчилардан (мисол учун, самолёт, танк, кема, артиллерия тўпи, ўқ-дори, ракетали комплекси кабилардан) ташкил топган ҳарбий техниканинг асосий қисми. Душманнинг жонли кучи, ҳарбий техникаси ва ўзга объектларини яқсон этиш учун мўлжалланган.

ЖАНГОВАР ТРЕВОГА (БОЕВАЯ ТРЕВОГА) 1) қисмни (кемани) жанговар вазифани бажаришга тайёрлаш мақсадида зудлик билан жанговар шайликка келтириш. Жанговар тревога бўйича кўтариш тадбирлари командирлар (бошлиқлар) томонидан ўтказилади; 2) қўшинларни жанговар тревога бўйича кўтариш учун, алоқа ва хабарлашнинг техник воситалари орқали (бўлинмада – овоз билан) узатиладиган (бериладиган) сигнал (команда).

ЖАНГОВАР ФАОЛИЯТ (БОЕВАЯ РАБОТА) Штаблар ва қуролли кучлар фронт орти муассасалари томонидан уруш давридаги жанговар ҳаракатлар ва тинчлик давридаги машқлар давомида юритилладиган уюшган фаолият.

ЖАНГОВАР ФАОЛЛИК (БОЕВАЯ АКТИВНОСТЬ) Жанг ва машқлар давомида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар вазифаларни бажаришга йўналтирилган, муайян даражадаги фаоллиги, қўшинлар манёврчанлиги ва ҳаракатчанлиги.

Юқори даражадаги жанговар фаоллик – душманга узил-кесил зарба бериш мақсадида ҳал этувчи жанговар ҳаракатлар зўр ғайрат билан юритилганда намоён бўлади.

ЖАНГОВАР ШАЙЛИК (БОЕВАЯ ГОТОВНОСТЬ) Қўшинларнинг жанговар ҳаракатларни белгиланган муддатда бошлай олиш қобилиятини ва қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминловчи ҳолати.

Талафот етказувчи замонавий воситаларнинг қўлланилиш тезкорлиги ва

усулларининг турли-туманлиги кўшинларимизнинг тинчлик ва уруш даврларида максимал даражадаги жанговар шайлигини тақозо этади.

ЖАНГОВАР ЎТ ОЧИШ (БОЕВАЯ СТРЕЛЬБА) Сунъий нишонларга (душманга) қарата штатли қуролдан штатли ўқ-дорилар билан ўт очиш. Жанговар тайёргарликнинг таркибий қисми бўлиб, қуролли кучлар шахсий таркибини, жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган вазиятда, қуролларнинг турли русумларини қўллашга ўргатишнинг энг олий шакли.

Отиш тайёргарлиги бўйича машғулотлар давомида аксарият ўт очиш машқлари ўқув ва пахтавон снарядларни қўллаган тарзда ўтказилади.

Жанговар ўт очиш амаллари эса жанговар тайёргарликнинг якуний босқичида, шунингдек кўшинлар тайёргарлигини текшириш мобайнида жанговар патрон ва снарядлар қўлланилган тарзда ўтказилади.

Одатда тактик машқларда, бўлинмалар (экипажлар) ҳаракатларининг ҳамкорлигини машқ этишнинг якуний босқичида ўтказилади.

Жанговар ўт очиш учун жанговар зарядланган ўқ-дорилар қўлланилади.

ЖАНГОВАР ЎТ ОЧИШ БОСҚИЧИ БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН МАШҚ (УЧЕНИЕ С БОЕВОЙ СТРЕЛЬБОЙ) Муайян босқичда штатли, кўшимча берилган ва мадад берувчи ўт очиш воситаларидан ростмана ўт очиш билан ўтадиган тактик машқ.

Кўшинлар дала кўникмасининг олий шакли.

ЖАНГОВАР ҚИСМ (кемада) (БОЕВАЯ ЧАСТЬ (на корабле)) Кема экипажининг асосий ташкилий бўлинмаси ҳисобланиб, жангда ва кундалик ҳаётда умумий вазифаларни бажариш учун мўлжалланган.

Жанговар қисм тасарруфига шахсий таркиб ва бириктирилган қурол-аслаҳа, техник восита ва механизмлар киради.

Кемада олтигагача: штурманлар (ЖҚ-1), ракета-артиллерия, ракета ва артиллерия (ЖҚ-2), мина-торпеда (ЖҚ-3), алоқа (ЖҚ-4), электромеханик (ЖҚ-5) ва авиация (ЖҚ-6) қисмлари бўлиши мумкин.

ЖАНГОВАР ҚОБИЛИЯТ (БОЕСПОСОБНОСТЬ) кўшинларнинг жанговар ҳаракатларни юрита олиш қобилияти.

Жанговар қобилият қисм ва қўшилмаларнинг бутланганлиги, жанговар ҳаракатларнинг хусусиятлари ва шиддат даражаси, кўрилган талафотлар ва улар ўрнини тез қоплаш имконияти мавжудлиги, шахсий таркибнинг тайёргарлик савияси, моддий воситалар билан таъминланганлик даражаси ва шу каби ўзга шарт-шароитга боғлиқ.

ЖАНГОВАР ҚУДРАТ (БОЕВАЯ МОЦЬ) Қуролли кучларнинг ҳолати ва жанговар вазифаларни бажара олиш қобилиятини белгилаб берувчи, моддий ва ахлоқий-жанговар омиллар мажмуи. Давлат ҳарбий қудратининг муҳим қисми. Жамоат ва давлат тузуми, иқтисодиёт, давлатнинг ҳарбий доктринаси ва қуролли кучларнинг таъминот савиясига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудрати мамлакат хавфсизлиги ва минтақадаги барқарорлик кафолатидир.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР (БОЕВЫЕ ДЕЙСТВИЯ) 1) қуролли кучлар турларига мансуб барча ҳарбий қисмлар, қўшилма ва бирлашмаларнинг белгиланган жанговар вазифаларни ҳал этиш мобайнидаги

уюшқоқлик билан амалга оширадиган ҳаракатлари. Жанговар ҳаракатларнинг асосий турлари – ҳужум ва мудофаа ҳисобланади. Замонавий жанговар ҳаракатлар мақсадларнинг қатъиятлиги, катта майдонларни эгаллаши, юқори манёврчанлиги ва шиддати билан тавсифланади. Стратегик миқёсда ўтказиладиган жанговар ҳаракатларга нисбатан кўпроқ “Ҳарбий ҳаракатлар” атамаси қўлланилади; 2) қуролли кучлар турларига мансуб кўшилма ва бирлашмаларнинг операция доирасида (ёки операциялар орасида) йирикроқ бирлашма таркибида қўлланилиш шакли. Жанговар ҳаракатлар туркумидан бири сифатида муайян тизимда ўтказиладиган жанговар ҳаракатлар ҳисобланиб, ХХМ кўшинлари, ХХК ва ХДФ бирлашмаларини оператив жиҳатдан қўллашнинг алоҳида шакли кўринишида ўтказилади.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР ЖУРНАЛИ (ЖУРНАЛ БОЕВЫХ ДЕЙСТВИЙ) Жанговар ҳаракатларга тайёргарлик ва ушбу ҳаракатлар жараёни ҳар куни ёзиб бориладиган, ҳисобот-ахборот мазмунидаги ҳужжат.

Ҳарбий қисм (кўшилма), ҳаракатдаги армия таркибида деб саналган ялпи муддат давомида қисм штаби офицери томонидан юритилади.

Жанговар тажрибаларни ўрганиб чиқиш ва умумлаштириш, кўшинлар ҳаракатлари борасида ҳисобот ва маълумотлар тузиш учун, тарихий формулярларни тўлдириш мобайнида, шунингдек келажакдаги ҳарбий-илмий ишларда фойдаланилади.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР ТАЪМИНОТИ (ОБЕСПЕЧЕНИЕ БОЕВЫХ ДЕЙСТВИЙ) Кўшинларни (кучларни) жанговар шайликнинг юқори савиясида тутиб туриш, жангга уюшган тарзда ўз вақтида киришиш, кўйилган вазифани бажариш учун самарали шароит яратиш, душманнинг кўшинларимиз устига дафъатан ҳужум уюштиришига йўл қўймаслик ёки бундай ҳужумнинг олдини олиш ва зарбалари самарасини пасайтиришга йўналтирилган тадбирлар тизими. Жанговар ҳаракатлар таъминоти:

оператив (жанговар);

маҳсус;

техник;

қуролли кучлар фронт орти таъминоти турларига бўлинади.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР ҲУДУДИ (ЗОНА БОЕВЫХ ДЕЙСТВИЙ) Уруш давомида қуруқлик, денгиз ва ҳаво бўшлиғининг жанговар ҳаракатлар камраб олган ва юритилаётган қисми.

Жанговар ҳаракатлар ҳудудининг сарҳадлари урушаётган томонларнинг мақсади, кўшинларининг миқдори ва жойлашишига боғлиқ.

ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ УСУЛЛАРИ (СПОСОБЫ БОЕВЫХ ДЕЙСТВИЙ) Жанговар вазифани ҳал этиш учун куч ва воситаларни қўллаш тартиби ва изчиллиги. Жанговар ҳаракат усуллари қўлланиладиган кўшин тури ва бажариладиган ҳаракат турига кўра (ҳужум, мудофаа) бўлинади. Жанговар ҳаракатларнинг ҳар бир усули ўз ичига:

душман кўшинига шикаст етказиш (тор-мор қилиш) изчиллигини;

асосий ва ўзга зарбалар йўналишини;

кўшинларнинг асосий кучи жамланган тарзда қўлда тутиб туриладиган

марраларни;

қўлланиладиган манёвр хусусиятини қамрайди.

Жанговар ҳаракатлар усули тегишли қўмондон томонидан белгилаб берилади ва унинг тўғри танланишига:

қўлланиладиган мавжуд душманга шикаст етказувчи воситалар;

жанговар вазифанинг ўзига хос хусусиятлари;

қўшинимиз ва душман қўшинининг таркиби ва жанговар имконияти;

жой ва вазият шароити таъсир ўтказди.

ЖАНГОВАР ҲИСОБ (БОЕВОЙ РАСЧЁТ) Душман томонидан дафъатан ҳужум уюштирилган, табиий офат рўй берган ёки ўзга кутилмаган вазифаларни бажариш лозим бўлган ҳоллар учун бўлинма ҳарбий хизматчилари орасидаги қўшимча мажбуриятлар тақсимооти.

Жанговар вазият ва тактик машқлар давомида жанговар ҳисобга кўра дозорчи (пойлоқчи), чопар, ўқчи, ўқ-дори келтирувчи кабилар тайинланиши мумкин. Жанговар ҳисобга кўра тревога эълон қилинганда объектдаги ёруғликни никоблаш, моддий воситалар захирасини белгиланган транспорт воситаларига юклаш ва ўзга тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшимча мажбуриятлар белгиланади.

Қоровулда, қўриқланаётган объектга уюштирилиши мумкин бўлган эҳтимолий ҳужумни бартараф этиш ҳамда қоровулхона ёки постда чиққан ёнғинни ўчириш учун жанговар ҳисоб тайинланади.

ЖАНГОВАР ҲУЖЖАТЛАР (БОЕВЫЕ ДОКУМЕНТЫ) Қўшинларнинг жанговар ҳаракатларини тайёрлаш, юритиш, таъминлаш ва таҳлил этишга доир ҳужжатлар (харита, чизма, буйруқ, маълумот, телеграмма, радиogramма, фотосурат ва шу кабилар).

ЖАНГ ОЛДИ ТАРТИБИ (ПРЕДБОЕВОЙ ПОРЯДОК) Бўлинма ва қисмларнинг олд ва бўй бўйлаб парчаланиб торган сафи. Жанг майдонига яқинлашиш ва душман сарҳадларида юритиладиган ҳужум мобайнида қўлланилади. Душманнинг ядровий зарбаси ва ўзга турдаги оловига бардошликни ошириш, душман мудофааси ишончли янчилиши учун атака қилиш мақсадида ҳам қўлланилиши мумкин. Юриш тартиби ёки жанговар тартибда бораётган қўшин жанг олди тартибига саф тортади.

ЖАНГЧИ (ВОИН) 1) ўз юртининг қуроли ҳимоячиси, аскар; 2) айрим давлатлар қуроли кучлари аскарларининг унвони.

ЖАНГЧИ КЎНИКМАЛАРИ (НАВЫКИ ВОИНА) Ҳарбий хизматчининг тез, тежамкор сарф ва аъло натижалар билан ҳаракатлана олиши. Жангчи кўникмалари:

ҳаракатчан (моторли);

сенсорлик (ўзига сингдириб олиш);

интеллектуал (ақлий);

аралаш кўникмаларга бўлинади.

Кўникмаларни шакллантириш ва такомиллаштириш – жанговар тайёргарликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Жангчи кўникмалари мустақил тарзда ёки таълим бераётган шахс назорати остида, муайян изчиллик билан мураккаблаштириб бориладиган

вазиятда, мунтазам машқ қилиб бориш билан мустаҳкамланади.

ЖАНГЧИЛАРНИНГ ШИЖОАТЛИ СИФАТЛАРИ (ВОЛЕВЫЕ КАЧЕСТВА ВОИНОВ) Ҳарбий хизматчиларнинг ўз хулқ-атворини бошқара олиш, қўйилган мақсадга эришиш мобайнидаги қийинчиликларни енгиш учун куч-ғайратларини сафарбар этиш ва ҳаракатларини йўналтира олиш қобилиятларини ифода этувчи сифатлар. Жангчиларнинг ахлоқий-жанговар сифатлари таркибига киради.

Жангчиларнинг асосий шижоатли сифатлари жумласига: собитқадамлик, дадиллик, мардлик, матонат, жасурлик, қатъийлик, ташаббускорлик ва фидойилик киради.

Тинчлик даврида жангчиларнинг шижоатли сифатларига жанговар тайёргарлик вазифаларининг муваффақиятли бажарилиши, жанговар навбатчилик ва қоровул хизматининг сергак ўталиши боғлиқ бўлса, уруш даврида эса – жанговар вазифанинг муваффақиятли бажарилиши боғлиқдир.

Жангчиларнинг шижоатли сифатлари яхлит ҳарбий хизмат давомида шаклланади ва ривожланиб боради. Ўспирин ва йигитларнинг юқорида санаб ўтилган шижоатли сифатлари ҳарбий хизматга чақирилишига қадар меҳнат ва таълим жараёнида шаклланиб боради.

ЖАНГЧИНИНГ АХЛОҚИЙ-ЖАНГОВАР СИФАТЛАРИ (МОРАЛЬНО-БОЕВЫЕ КАЧЕСТВА ВОИНА) Ҳарбий хизматчи томонидан уруш ва тинчлик даврида ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ўзаро узвий боғлиқ ёки бири иккинчисини тўлатиб турадиган шахс фазилатлари.

Мазкур фазилатлар ичида қуйидагилар асосий ҳисобланади: бурч ва қасамёдга содиқлик, жанговар фаоллик, интизомлилик, мардлик, фидойилик, жасурлик, бардошлилик кабилар.

Ахлоқий жанговар сифатларнинг шаклланиши мамлакатдаги жамоат тузилишининг ижтимоий хусусиятлари, давлатда ҳукм сураётган мафкура ва қуролли кучлар олдига қўйилган вазифаларга боғлиқ.

ЖАНУБ (жанубий нуқта), (ЮГ (южная точка)) Горизонт билан осмон меридианининг кесишган нуқтаси, дунёнинг жанубий қутбига энг яқин нуқта Ж ёки S билан белгиланади.

ЖАНУБИЙ ҚУТБ (ЮЖНЫЙ ПОЛЮС) Ер айланишининг фаразий ўқи билан унинг юзаси ўзаро кесишадиган нуқта. Жанубий ярим шарда, Антарктиданинг Қутб платоси марказида (2800 м баландликда).

Биринчи бўлиб 1911 йилда Р. Амундсен бошчилигидаги норвег экспедицияси етиб борган.

ЖАРОҲАТ (РАНЕНИЕ) 1) тана тўқималарининг механик шикастланган жойи, бунда тери ёки шиллик пардалар бутунлиги бузилади. Жароҳат ўк яраси (ўк тегиб ҳосил бўлган), кесилган, санчилган, йиртилган каби жароҳатларга бўлинади. Тоза (инфекция тушиб оғирлашмаган) жароҳатлар тез тузалади, уларнинг четлари тўғридан-тўғри ўсиб битади (бирламчи тортишиб битиш). Тўқима кемтиги катта бўлган жароҳатлар ҳамда инфекция тушган (йиринглаган) жароҳатлар гранулоцитли тўқима ҳосил бўлгач, чандиқланиш йўли билан битади (иккиламчи тортишиб битиш); 2) тана

тўқималарида ҳосил бўлган йирингли бўшлиқ (абсцесс).

ЖАСОРАТ (ПОДВИГ) Мардонавор ҳаракат бўлиб, ушбу ҳаракат инсондан ирода ва кучининг ҳаддан ташқари зўр беришини талаб этади. Ҳаракат натижасининг миқёси оддий ҳаракатлар натижасидан устун келиб, турфа қийинчиликларни енгиш билан боғлиқдир.

Жасорат фақат атоқли шахслар қисмати бўлиб қолмай, балки инсонлар гуруҳи, бутун бошли халқ томонидан ҳам намоён этилиши ва фавқулодда ҳодисалар оддий ҳолатдек бўлиб қоладиган – оммавий ҳаракат турткисига айланиб кетиши мумкин.

Жасорат ҳарбий (жанговар), илмий, меҳнат жасоратларига бўлинади.

ЖАСОРАТ (ОТВАГА) Жангчининг жанговар ва ўзга мураккаб вазиятларда қийинчиликларни тежамли сарфлар ва моҳирлик билан енгиб ўтиши, ўз ҳукмини душманга мардонавор ўтказишида намоён бўладиган ахлоқий-руҳий ва жанговар сифатлари. Мазкур сифатлар замиридаги асослар – ғоявий эътиқод, қилаётган ишининг тўғри эканлиги, қуролининг куч ва қудрати, душмандан устун келиши ва қуролдошларига бўлган қатъий ишончдан иборатдир.

ЖГУТ (ЖГУТ) Эластик резина найча (тасма). Яраланганда ва операция вақтида қонни тўхтатиш, венани пункция қилишдан олдин унда қонни димлаш учун қўл ёки оёққа боғланади.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК (УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ) жиноят содир этган шахс ўз қилмиши учун жиноий кодексда белгиланган тартибда жавоб бериши шарт эканлигини билдиради. Жазо чораси суд ҳукми билан белгиланади.

Жиноят учун жавобгарлик - жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноят Кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари учунгина жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят содир этилгунга қадар ўн тўрт ва ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жиноят Кодексининг тегишли моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар.

ЖИНОЙ ЖАЗО (УГОЛОВНОЕ НАКАЗАНИЕ) Давлатнинг суд ҳукми билан қўлланиладиган мажбурлаш чораси. Жиноий жазо жиноят содир этганлиги эътироф этилган шахсга нисбатан, жиноят кодексда белгиланган шаклда қўлланилади.

Жиноий жазо ижтимоий адолатни тиклаш, шунингдек судланган шахс

ахлоқини тузатиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖИНОЙИЙ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ (УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО) Жиноий ишларни қўзғатиш, дастлабки тергов ва судда кўриш тартибини белгиловчи ҳуқуқ соҳаси.

ЖИНОЙИЙ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКС (УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ КОДЕКС) Жиноий ишлар бўйича тергов ва судлов жараёнининг мазмуни ва тартибини, жиноят процессининг айрим босқичларини, судлов ишларини юритувчи органларнинг ва жараён иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қоидалаштирувчи қонун ҳужжати.

ЖИНОЯТ (ПРЕСТУПЛЕНИЕ) Жиноий жавобгарлик ёшига етган, эс-хушли шахс томонидан содир этилган, Жиноят Кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш, деб топилади. Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

ЖИНОЯТ КОДЕКСИ (УГОЛОВНЫЙ КОДЕКС) Тизимга солинган қонун ҳужжати. Қандай ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят ҳисобланишини, улар учун бериладиган жазонинг тури ва миқдорини белгилаб беради.

ЖИНОЯТНИ ЯШИРИШ (СОКРЫТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ) Жиноят содир этишга ёрдамлашиш (жиноятчини жиноят қилишда қўлланилган қурол ва воситаларни, жиноят изларини, жиноят орқали топилган буюмларни яшириш). Давлат ҳуқуқига кўра, олдиндан ваъда қилиб жиноятни яширган шахс жиноятнинг иштирокчиси сифатида жазоланади.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ (УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС) Жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш тартиби. Жиноят процессуал қонунлари билан тартибга солинади.

ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК (НЕ СООБЩЕНИЕ О ПРЕСТУПЛЕНИИ) Тайёрланган ёки содир этилган жиноят тўғрисида ваколатли органларга хабар қилмаслик.

Давлат жиноят ҳуқуқи айрим ижтимоий хавфли жиноятлар ҳақида хабар бермаслик учун жавобгарликка тортишни назарда тутади.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ (УГОЛОВНОЕ ПРАВО) Ҳуқуқ соҳаси (ҳуқуқ меъёрлари мажмуи) бўлиб, ҳуқуқ меъёрлари, жиноий жавобгарлик, жиноятлар учун жазо қўлланиш тамойиллари, жиноятларнинг муайян таркиблари ва улар учун жазо чораларини белгилайди. Жиноят ҳақидаги ҳуқуқ илми.

ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК (ФИЗИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА) Ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ва ҳарбий амалий кўникмасини шакллантириш мақсадида ўтказиладиган тадбирлар мажмуи. Шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлик тизимидаги фанлардан

бири. Жисмоний тайёргарлик нафақат куч, чидамлилиқ, чакқонлик, тезлик каби сифатларни ривожлантиради, балки ҳарбий хизматчиларнинг турли шароитга тез кўникишини таъминлаб жанговар вазифани бажариш мобайнидаги ишчанлиги ва малака савиясига ҳам таъсир кўрсатади.

Жисмоний тайёргарлик қуролли кучлар тури бажарадиган вазифалар ва олдига қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади ва ўтказилади. Жисмоний тайёргарликнинг *асосий вазифалари* ҳарбий хизматчиларда:

ҳарбий амалий кўникмалар ҳосил қилиш;

жисмоний савиясини муттасил такомиллаштириб бориш;

рухий барқарорлик, ўз кучига бўлган ишонч, жасурлик ва қатъиятлилик, сабот, чидам, матонат ва ҳар қандай вазиятда ўзини тута олиш каби сифатларини тарбиялаш, соғлиғини сақлаш ва организмни чиниқтиришдан иборатдир. Жисмоний тайёргарлик *шакллари*:

эрталабки бадан тарбия;

ўқув машғулоти;

ўқув-жанговар фаолият жараёнидаги жисмоний машқлар;

оммавий-спорт тадбирлари. Асосий машқлардан ташқари жисмоний тайёргарлик тизимига:

спорт ўйинлари;

гимнастика аслаҳаларидаги машқлар;

сувда чўқаётган шахсга ёрдам бериш усуллари;

чанғилардаги жанговар услублар каби амаллар киради.

Жангчилар одатда йил давомида спортга оид разряд меъёрларини бажаради, хизматдан бўш вақтда дам олиш ва байрам кунлари спорт тури бўйича мусобақалар ўтказилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ (ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ) Умумий тарбиянинг узвий қисми, одам соғлиғини мустаҳкамлаш, организмнинг шакл ва функцияларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган ижтимоий-педагогик жараён. Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари: жисмоний машғулоти, организмни чиниқтириш, меҳнат ва турмуш тарзи гигиенаси.

ЖИСМОНИЙ ШАХС (гражданлик ҳуқуқида) (ФИЗИЧЕСКОЕ ЛИЦО) Ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган одамни (фуқарони) ифодалаш учун ишлатиладиган атама.

ЖОЙДА МЎЛЖАЛЛАНИШ (ОРИЕНТИРОВАНИЕ НА МЕСТНОСТИ) Жойда горизонт томонлари, рельеф ва жойлик жисмларга нисбатан ўз ҳолатини аниқлаш. Харита, аэрофотосурат, компас, навигация аппаратлари, радио, ёруғлик ва товуш сигналлари ёрдамида, шунингдек Қуёш ва Қутб юлдузининг ҳолатига кўра амалга оширилади.

ЖОЙНИ КЎРИБ ЧИҚИШ (РЕКОГНОСЦИРОВКА) Жанговар ҳаракатларни ташкил этиш, кўшиннинг олға илгарилаш, кўшин ва штабларни жойлаш учун жой танлаш мобайнида душманни ва жойни кўз билан кўриб ўрганиб чиқиш амаллари. Жой, кўмондон (командир) томонидан қарор қабул қилиш ёки қабул қилинган қарорга аниқлик киритиш мақсадида шахсан кўриб чиқилади.

ЖОЙ РАЗВЕДКАСИ (РАЗВЕДКА МЕСТНОСТИ) Жойнинг келгуси ҳаракатлар ҳудудида (доирасида) куч ва воситалар қўлланилишига таъсир кўрсатувчи элементлари ҳақида ишончли маълумотларни қўлга киритиш, йиғиш, умумлаштириш ва командирни (қўмондонликни) ушбу маълумотлар билан таъминлаш.

Жойнинг *ҳужумдаги* асосий разведка объектлари сифатида йўллар тармоғи ва ҳолати, қўшин ҳаракати йўналишлари, келгуси манёвр йўллари, уларда мавжуд тўсиқлар ва уларни енгиб ўтиш имкониятлари қабул қилинади. *Мудофаа* учун жойни разведка қилиш амаллари мобайнида мудофаа манфаатларида жиҳозланадиган чегаралар (марралар), ҳудуд, таянч пунктлари, қарши зарба бериш (қарши атакага кўтарилиш) учун марралар каби объектлар аниқланади.

Жойни разведка қилиш амаллари кузатиш, ердан, ҳаводан ва космосдан фотосуратга олиш, жойни кўздан кечириб чиқиш каби усуллар қўлланилган тарзда ўтказилади.

ЖОСУСЛИК (ШПИОНАЖ) Давлат сирини ёки ҳарбий сир бўлган маълумотларни чет давлатларга ёки уларнинг айғоқчиларига топшириш ёки уларга бериш мақсадида ўғирлаш ёхуд тўплаш.

ЗАЛП (ЗАЛП) 1) ўт очиш тартиби. Бунда бир неча тўп ва миномётлар (реактив учириш қурилмалари) каби қурол-яроғлардан ўт очиш (учириш) амаллари бир вақтда, ягона командага кўра бажарилади. Бараварига ўт очиш усули нишонларни даф этиш ҳамда байрам салютларини отиш учун қўлланилади; 2) қўшилма, қисм ёки кеманинг бир вақтда ўт очиш мобайнидаги имкониятларини аниқлаш ёхуд артиллерия, ракета, ўқотар каби барча қурол-яроғларга мансуб ўқ-дориларнинг суммар массасини ўлчаш учун – шартли бирлик; 3) реактив артиллерияда “залп” атамаси остида нишонни яқсон этиш учун ўқ-дорилар сарфи ҳам тушунилади. Ушбу сарф бўлинма ёки қисм залпидаги снарядлар сонига кўра залп бирлиги ёки залп улушларида ифодаланади.

ЗАМБАРАК (ПУШКА) Ердаги (сув юзасидаги) нишонга қарата – ер бағирлаб, ҳаводаги нишонларга қарата эса юқорига қаратиб ўт очиш учун мўлжалланган артиллерия қуроли. Замбарак – узун ствол ва снаряднинг катта бошланғич тезлигига эга бўлганлиги боис ўт очиш масофаси узоқлиги билан артиллерия қуролларининг ўзга русумларидан устун туради. Тузилиши ва ҳаракатланиш усулига кўра – шатакка олинадиган, ўзиюрар, ўзи ҳаракатланувчи ва ташувчига (танк, самолёт, кемага) ўрнатиладиган турларга бўлинади. Замбарак калибри 20 дан 210 мм гача, ўт очиш масофаси 35 км гача, снарядининг вазни 0,1 кг дан 130 кг гача бўлади.

ЗАНЖИР (ЦЕПЬ) Айрим қаттиқ бўғинлардан тайёрланиб, ўзаро ошиқ-мошиқ тарзида бириктирилган эгилувчан буюм.

Занжирнинг ҳаракатлантирувчи (ҳаракат узатувчи), тортувчи (юкларни бир жойдан иккинчи жойга элтувчи), юк кўтарувчи (юк осувчи ва кўтарувчи) турлари бор.

ЗАНЖИРЛИ РЕАКЦИЯЛАР (ЦЕПНЫЕ РЕАКЦИИ) Кимёвий реакциялар. Бу реакцияларнинг ҳар бир элементар жараёнида оралиқ актив

зарралар юзага келиб, улар бош модданинг кетма-кет (занжир каби) ўзгаришига сабаб бўлади. Кимёвий занжир реакцияларда (ёниш, полимерланиш) эркин радикаллар, қўзғалган атомлар ва молекулалар, ядро занжир реакцияларида нейтронлар актив зарралардир.

ЗАНЖИР ТАСМА (ГУСЕНИЦА) ошиқ-мошиқ тарзида бириккан қисмлардан иборат туташ тасма ёки занжир.

Ўрмаловчи транспорт машиналарида (танк, трактор кабиларда) ишлатилади.

ЗАПАЛ (ЗАПАЛ) 1) муҳандислик миналари ва қўл гранаталарининг ёриб юборувчи зарядлари портлашини қўзғатиш учун мўлжалланган восита. Металл ёки пластмассадан тайёрланган гильза ичига жойлаштирилган ёндирувчи капсуль ва капсуль-детонатордан таркиб топган. Парчаланувчи қўл гранатанинг запали, бундан ташқари, порохли кечиктиргич ва ёндирувчи капсулни ўт олдириш учун мўлжалланган зарб берувчи механизмдан иборат; 2) электр токи ёрдамида портлатиш учун мўлжалланган қурилма.

Бугунги кунда бундай запал электродетонатор деб аталади.

ЗАРАРЛАНГАН МАЙДОН (УЧАСТОК ЗАРАЖЕНИЯ) Захарли ва радиоактив моддалар ҳамда биологик воситаларнинг зарарли таъсири намоён бўлаётган жой. Зарарланган ҳудуд ўлчами захар тури ва зичлиги билан тавсифланади.

ЗАРБА (УДАР) Душманни тор-мор қилиш мақсадида унга ҳарбий куч билан бевосита таъсир этиш.

Зарба қуруқликдаги қўшин (флот кучлари), ракета, авиа (бомбардимон қилиш, бомба ташлаб штурм қилиш), артиллерия, торпеда зарбаларига бўлинади, ядро қуроли қўлланган тақдирда эса ядро (ракета-ядро) зарбаси берилиши мумкин.

ЗАРБАГА ҚАРШИ ЗАРБАНИ БАРТАРАФ ЭТИШ (ОТРАЖЕНИЕ КОНТРУДАРА) Зарбамизга қарши зарба бераётган (қарши атакага ўтган) душман гуруҳларини тор-мор этиш, қўшинларимизнинг жанговар тартиби ичкарасига ёриб кириш имкониятидан маҳрум қилиш ва ҳужум ҳаракатларини давом эттириш учун самарали шароит яратиш мақсадида юритиладиган – ҳужумдаги қўшинларимиз ҳаракати. Зарбага қарши зарбани бартараф этиш мобайнида душманга оловли шикаст етказилиб, 1- ва 2- эшелонлар ва захирада турган қўшиндан фойдаланган ҳолда тўқнаш зарбалар берилади. Душман кучлари сезиларли даражада устун келса, зарбага қарши зарбани бартараф этиш амали кучларимизнинг бир қисмини мудофаага ўтказиш, қолган қисмини эса – зарбага қарши зарба бераётган душман гуруҳининг қанотига зарба беришга ташлаш йўлларини уйғунлаштириш билан бажарилади.

Душман зарбамизга қарши бир неча томонлардан зарба бераётганида асосий кучларимиз ёвнинг йирик ва энг хавфли гуруҳини даф этишга йўналтирилади.

ЗАРБАЛИ ТЎЛҚИН (УДАРНАЯ ВОЛНА) Товуш тезлигидан тез тарқалувчи тўлқин. Зарбали тўлқинда моддаларнинг зичлиги, босими ва ҳарорати кескин ошиб кетади. Портлаш пайтида, жисмлар товушдан тез

учганида, лазер нури фокусида ва шу кабиларида ҳосил бўладиган зарбали тўлқинлар ўзига хос мисоллардир.

Портлаш пайтида ҳосил бўладиган зарбали тўлқин одам ва ҳайвонларни шикастлаши, иншоотларни вайрон этиши, жанговар техникани йўқ қилиши ёки ишдан чиқариши мумкин.

ЗАРУРИЙ МУДОФАА (ҳуқуқда) (НЕОБХОДИМАЯ ОБОРОНА) Тажовуздан қонун йўл қўйган даражада ҳимояланиш.

ЗАРЯД (ЗАРЯД) 1) портловчи модда заряди – махсус бўлмага жойлаштирилган, вазни ва ўрнатиладиган жойи олдиндан ҳисобланган ҳамда портлатишга тайёрланган портловчи модда. Зарядлар – улоқтирувчи, туртиб чиқарувчи, ёриб ташловчи, қўпориб юборувчи, қаттиқ ёқилғили ва ядровий турларига бўлинади; 2) улоқтириладиган порох заряди – ствол каналида снарядни (мина ёки ўқни) ҳаракатга келтириш ва керакли тезликда отишга зарур бўлган, гильза ёки алоҳида қопчиқларга (картузларга) жойлаштирилган маълум миқдордаги порох; 3) ракетанинг қаттиқ ёқилғиси заряди – двигатель камерасига жойлаштирилган ва ёниш махсулотлари реактив двигатель соплосидан чиқаётганда ракетани ҳаракатлантирувчи реактив куч ҳосил қиладиган бир ёки бир неча қаттиқ ёқилғи блоки (шашкаси).

ЗАРЯДЛАШ ҚУРИЛМАСИ (ЗАРЯДНАЯ УСТАНОВКА) Аккумуляторлар ва конденсаторлар батареяларига электр заряд берувчи қурилма. Энг оддий зарядлаш қурилмаси ярим ўтказгичли тўғрилагич ва генератор-двигатель.

ЗАСТАВА (ЗАСТАВА) 1) давлат чегарасинининг муайян қисмида давлат чегарасини муҳофаза этаётган чегара қўшинлари бўлинмаси; 2) урушда (тинчлик даврида) маршда бораётган ёки ҳордиқ чиқараётган қўшинларни (машғулотлар ва машқлар давомида) қўриқлаш учун тайинланган бўлинма.

ЗАТВОР (ЗАТВОР) Патронни (артиллерия снарядини) патрондонга (каморага) юбориш, ствол каналини ёпиш, ўт очиш, канални очиш ва каналдаги гильзани (патронни) стволнинг ортки учи орқали чиқариб улоқтириш учун мўлжалланган қуролдаги мослама. Затворлар:

тузилишига кўра артиллерияда – поршенли, понали; ўқотар қуролларда эса – сирпанувчан, чайқалувчан, кўндаланг ҳаракатланувчан турларга;

ишлаш тамойилларига кўра – автоматик, ярим автоматик, автоматлаштирилмаган турларга бўлинади.

ЗАХИРА ҚЎМОНДОНЛИК ПУНКТИ (ЗҚП) (ЗАПАСНЫЙ КОМАНДНЫЙ ПУНКТ (ЗКП)) Асосий қўмондонлик пункти ишдан чиққан ёки ушбу пунктдан қўшинларни бошқаришнинг иложи бўлмай қолган ҳолларда фойдаланиш учун тайёрлаб қўйилган бошқарув пункти. Бирлашма ва қўшилма миқёсида ташкил этилади. Қўмондон (командир) тайинлаган офицер томонидан бошқарилади.

Захира қўмондонлик пункти асосий қўмондонлик пункти, бўйсунувчи бошқарув пунктлари, ҳамкор қўшинлар (кучлар) бошқарув пунктлари билан узлуксиз алоқа тутиб туради.

Асосий қўмондонлик пункти кўчириб ўтказилаётганида қўшинларни

бошқариш амаллари захира қўмондонлик пунктида бажарилади, шунингдек унда қўшинларни бошқариш борасида қўйилган алоҳида вазифалар бажарилади.

Захира қўмондонлик пункти фаолияти манфаатларида штаб, бошқарув органи, алоқа ва хизмат кўрсатувчи бўлинмалар таркибидан тегишли куч ва воситалар ажратилади.

Захира қўмондонлик пунктининг мавжудлиги қўшинлар бошқарувининг турғунлиги ва узлуксизлигини оширади.

ЗАХИРА ҲУДУД (ЗАПАСНЫЙ РАЙОН) Бўлинма (қисм, қўшилма), ҳарбий объект томонидан жойлашган жойини ўзгартириш зарурати туғилган ҳолларда эгаллаш учун тайёрлаб қўйилган ёки эгаллаш кўзда тутилаётган жой ҳудуди.

Захира ҳудуд қўшинни (объектни) душман зарбаси остидан чиқариш мақсадида эгалланади.

ЗАҲАР (ЯД) Ўсимлик ва ҳайвонда ҳосил бўладиган модда, минерал модда ёки кимёвий синтез маҳсулоти (саноат заҳари, пестицидлар).

Заҳар тирик организмга таъсир қилганда, ўткир ёки сурункали заҳарланиш юз беради.

ЗАҲАРЛАНИШ (ОТРАВЛЕНИЕ) Турли хил заҳарларнинг организмга таъсир этиши натижасида вужудга келадиган касалликлар мажмуи. Ўткир, сурункали, шунингдек ишлаб чиқаришга алоқадор, озик-овқат маҳсулотлари ва дори-дармондан заҳарланиш мумкин.

ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР (ЯДОВИТЫЕ ВЕЩЕСТВА) Ҳарбий ҳаракатлар вақтида душманнинг жонли кучларини шикастлашга мўлжалланган ғоят заҳарли бирикмалар.

Биринчи марта Германия томонидан I жаҳон урушида қўлланилган. Шартли равишда асабни фалажловчи, умумий заҳарловчи, терини яллиғлантирувчи, бўғувчи ва қичиштирувчи ҳамда психотомиметик моддаларга бўлинади. Барқарор, беқарор, заҳарли тутун пурковчи, заҳарли моддаларга фарқ қилинади. Заҳарловчи моддадан сақланишда газниқоб, химоя кийими, химояловчи иншоотлардан фойдаланилади. Аксарият заҳарли моддаларга қарши антидот деган дорилар бор. Заҳарловчи модда оммавий кирғин қуроли ҳисобланади.

1925 йилги Женева протоколи заҳарли модда қўлланишни тақиқлайди.

ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР (ЗМ) (ОТРАВЛЯЮЩИЕ ВЕЩЕСТВА (ОВ)) Кимёвий қурол асосини ташкил этиб, жанговар жиҳатдан қўлланилганда душманнинг жонли кучини оммавий қирилиб кетишига олиб келувчи – ўта заҳарли бирикмалар.

Илк бор I жаҳон уруши йилларида Германия ҳукумати томонидан қўлланилган.

Заҳарловчи модданинг шикаст етказувчи таъсири инсон организмнинг ҳаётгий фаолиятидаги асосий биокимёвий жараёнлар издан чиқишида намоён бўлади. Заҳарловчи модда организмга нафас олиш, ҳазм қилиш органлари, тери қопламалари ва яралар орқали сингиб киради. Заҳарловчи модда самарадорлигининг асосий мезони – тез таъсир ўтказишидир. Заҳарловчи

модда шартли равишда:

асабни фалажловчи – зарин, зоман, V газлар;

умумий заҳарловчи – цианит кислота, хлорциан;

терини яллиғлантирувчи – иприт, азотли ипритлар, люизит;

бўғувчи – фосген, дифосген;

психокимёвий – лизергин кислотасининг диэтиламиди (ДЛК)

VZ (Би - зет);

юқори нафас йўллари ва бурундаги шиллиқ пардаларга таъсир ўтказувчи стернитлар – адамсит, дифенилхлорарсин, дифенилцианарси;

кўз шиллиқ пардаларига таъсир этувчи (ёш оқизувчи ёки лакриматорлар деб аталадиган) – бромбензилцианид, хлорацетофенон, Си – эс (CS) ва Си – ар (CR) моддаларга бўлинади.

Асабни фалажловчи заҳарловчи модда замирида фосфор моддаси мавжуд бўлган ўлдирувчи заҳарли газларнинг асосий гуруҳи. Яширин таъсир ўтказиш даври жуда қисқа.

Умумий заҳарловчи ва *бўғувчи* заҳарловчи модда – нисбатан кам заҳарли моддалар гуруҳи. Чекланган моҳиятли ёки захира заҳарловчи модда сифатида кўрилади.

Терини яллиғлантирувчи заҳарловчи модда – ўлдирувчи заҳарловчи модданинг асосий гуруҳи. Ўқ-дориларнинг барча русумларида қўлланилади.

Ғижинтирувчи заҳарловчи модда – вақтинча сафдан чиқарувчи заҳарловчи модда гуруҳи. Пиротехник граната, шашка, авиация ва артиллерия ўқ-дорилари ёрдамида қўллаш имкони мавжуд.

Рухий-кимёвий заҳарловчи модда – сафдан вақтинча чиқарувчи заҳарловчи модда гуруҳи. Рухий касалликларни (шизофрения, психоз) келтириб чиқаради. Катта дозада қўлланилганда – даволаб бўлмас ёки ўлим билан яқунланадиган оқибатларга олиб келади.

Нейротроп заҳарлар – микроорганизмлар фаолиятининг маҳсулоти ҳисобланадиган заҳарли оксиллар гуруҳи. Жанговар шароитда аэрозоллар, қаттиқ ва суюқ ҳолатларда қўлланиши мумкин. Қўпоровчилик мақсадида қўлланилиш эҳтимоли мавжуд.

Заҳарли моддалардан ҳимоя қилиш бўйича барча турдаги тадбирлар мажмуига – заҳарловчи моддани индикациялаш, дегазация ва ҳимояланиш каби тадбирлар киради.

ЗВЕНО (ЗВЕНО) 1) ҳарбий авиациядаги бирламчи бўлинма (3-4 самолётлар); 2) ҳарбий-денгиз флотдаги катерлар бўлинмаси (2-3 катерлар); 3) айрим хорижий армиялардаги XX асрнинг 20-30 йилларида бўлган кавалерия ва пиёдаларининг тактик ва ўт очувчи кичик бўлинмаси.

ЗЕНИТ АРТИЛЛЕРИЯСИ (ЗЕНИТНАЯ АРТИЛЛЕРИЯ) Ҳаводаги нишонларни (самолёт, вертолёт каби учиш аппаратларини) даф этиш учун мўлжалланган артиллерия тури.

Кўшинлар, аҳоли пунктлари, штаблар, кечувлар каби ҳарбий ҳамда фуқаролик объектларини душман авиацияси зарбаларидан ҳимоя қилиш ва ердаги нишонларга қарата ўт очиш учун қўлланилади. Ташкилий жиҳатдан ХХМ кўшинларининг қуруқликдаги қисмлари таркибига киради.

Зенит артиллериясининг вужудга келиши ҳаво ҳужуми воситаларининг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Реактив авиация парвозининг баландлиги, тезлиги ва манёврчанлик хусусиятларининг ортиши зенит артиллерияси, айниқса ўртача ва кичик калибрли зенит артиллериясининг ўт очиш самараси сезиларли пасайди. Авиациянинг ушбу турига қарши жанговар ҳаракатлар юритиш борасидаги вазифалар – зенит ракетаи комплекслар шахсий таркиби зиммасига юклатила бошланди.

Кичик калибрли зенит артиллерия ўзининг енгил ҳаракатчанлиги, техник хизмат кўрсатиш амалларининг соддаллиги ва жангда ишончли бўлиши билан қурол-аслаҳа таркибида, кичик баландликлардаги ҳаво нишонларига қарши кураш воситаси сифатида қолиб келмоқда.

ЗЕНИТ ПУЛЕМЁТИ (ЗЕНИТНЫЙ ПУЛЕМЁТ) Махсус тиргакка ўрнатилган ва ҳаводаги нишонларга қарата ўт очиш учун мўлжалланган – тез отар автоматик қурол.

Зенит пулемёти илк бор I жаҳон уруши йилларида Германия ва Францияда ишлаб чиқилган.

Кейинчалик тиргакли Максим пулемёти, сўнгра 12,7 мм ли йирик калибрли В. А. Дегтярёв ва Г. С. Шпагин пулемётларидан фойдаланилган. 1944 йилда 14,5 мм ли йирик калибрли С. В. Владимиров пулемёти асосида турли пулемётли қурилмалар яратилди.

ЗЕНИТ ПУЛЕМЁТ ҚУРИЛМАСИ (ЗПК) (ЗЕНИТНАЯ ПУЛЕМЁТНАЯ УСТАНОВКА (ЗПУ)) Бир ёки бир неча зенит пулемётларидан (одатда 2 ёки 4) ташкил топган автоматик қурол.

Ушбу пулемётлар махсус тиргакка ўрнатилган бўлиб, ҳаво нишонларига қарата ўт очиш учун йўналтиришнинг умумий механизмлари ва мўлжалга олиш мосламаларига эга. Зенит пулемёт қурилмалари асосан қуруқликдаги қўшинларнинг зенит бўлинмалари ҳамда баъзи бир танк (ЗТР) ва кичик кемалар аслаҳаси таркибига киради. Илк бор XX асрнинг 20 йилларида ишлаб чиқилган. Бугунги кунда калибри 14,5 мм ли зенит пулемёт қурилмаси кенг тарқалган.

ЗЕНИТ РАКЕТАЛИ КОМПЛЕКС (ЗЕНИТНЫЙ РАКЕТНЫЙ КОМПЛЕКС (ЗРК)) Бир ёки бир неча бошқариладиган зенит ракеталар, учуриш қурилмаси, радиолокацион станция, бошқарув тизими мажмуаси.

Душманнинг ҳаводаги ҳужум воситаларини уриб тушириш учун мўлжалланган. Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва кемаларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа воситаларига мансуб зенит ракетали комплекслар мавжуд. Ҳаракатчанлигига кўра зенит ракетали комплекслар кўчмас, ярим кўчмас ва ҳаракатчан бўлади.

ЗЕНИТ РАКЕТАЛИ ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР (ЗЕНИТНЫЕ РАКЕТНЫЕ ЧАСТИ) Муҳим объектларни ҳаво ҳужумидан мудофаа этиш учун мўлжалланган, зенит ракеталари билан қуролланган ҳарбий қисмлар.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари таркибидаги асосий қўшин турларидан бири. Ташкилий жиҳатдан зенит ракетали қисм таркибига: ўт очиш, техник, бошқарув ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари киради.

Қурол-аслаҳаси таркибига, турли масофа, баландлик ва тезликларда

парвоз этаётган самолёт ва вертолётларни ҳамда яқин масофада парвоз этаётган бошқариладиган ракеталарни уриб туширишга мўлжалланган бир ёки бир неча олис, ўрта ва яқин масофаларга парвоз этувчи бошқариладиган зенит ракеталар, учириш қурилмаси, радиолокацион станция, бошқарув тизимига эга – зенит ракетали комплекслар киради.

Зенит ракетали ҳарбий қисм ер ва сув юзасидаги нишонларни даф этиш учун жалб этилиши мумкин. Кучли олов қудратига эга бўлиб, об-ҳавонинг ҳар қандай шароити ва сутканинг ҳар қандай вақтларида жанговар ҳаракатлар юритиш қобилиятига эга.

Жанговар вазифани бажариш учун, зенит ракетали қисм жанговар таркибга ёйилади. Зенит ракетали комплекснинг жанговар имкониятларидан максимал даражада фойдаланишни назарда тутган ҳолда – зенит ракетали қисмларнинг жанговар тартиб ва гуруҳлари ташкил этилади.

Зенит ракетали қисмлар жанговар ҳаракатлар жараёнида, радиотехник кўшинлардан қабул қилинадиган маълумотлар билан таъминланади.

ЗЕНИТ ТҶПИ (ЗЕНИТНАЯ ПУШКА) Ҳаво нишонларига қарата ўт очиш учун мўлжалланган артиллерия қуроли. Ер ва сув юзасидаги нишонларни ҳам яқсон этиш учун қўлланилади.

Зенит тўпи илк бор I жаҳон урушининг бошида Германия, Италия ва Францияда қўлланила бошланди. Самолётларга қарши кураш учун мўлжалланган 76 мм ли тўплар 1915 йилда ишлаб чиқилган. 50- йилларда зенит-ракета комплекслари ихтиро қилиниши билан ўрта ва йирик калибрли зенит тўпларининг аҳамияти кескин камайди.

Жаҳондаги аксарият армияларда кичик калибрли жуфтлаштирилган, тўрт ва олти стволли ўзиюлар зенит қурилмалари такомиллаштирилиб келинмоқда. Бугунги кунда мавжуд кичик калибрли зенит тўплари – ўт очишнинг юқори суръати ва аниқлиги, катта йўналтириш тезлиги, манёврчанлиги ва мураккаб йўллари босиб ўта олиш сифатлари замон талабига мослаштирилганлиги билан тавсифланади.

ЗИРҲ (БРОНЯ) Одамлар, ҳарбий техника ва мудофаа истехкомларини ўқдан ва снаряд, бомба, мина парчалари ҳамда ядровий портлашнинг талафот етказувчи омилларидан ҳимоя қилиш воситаси. Зирҳга қуйидаги талаб қўйилади: турғунлик (ўқ ёки снарядларнинг сингиб кириш кучига қаршилик кўрсата олиш қобилияти) ва қаттиқликнинг (душманга шикаст етказувчи воситаларнинг кўп қарра таъсирларига бардош бериш сифати) ўзаро уйғунлаштирилиши. Зирҳ қуйидаги турларга бўлинади:

ўққа қарши; бундай зирҳдан зирҳли транспортёрлар, енгил, ўзи юрар артиллерия қурилмалари ва сузувчи танкларнинг асосан ўқ ва снарядлар парчаларидан ҳимоя қилувчи корпусларини тайёрлаш учун фойдаланилади.

снарядларга қарши; бундай зирҳдан ўрта ва оғир танклар, ўзи юрар артиллерия қурилмалари ва кемаларнинг асосан зирҳ ёрувчи, фугасли ва шу каби снарядлардан ҳимоя қилувчи корпусларини тайёрлаш учун фойдаланилади.

Бугунги кунда кўпроқ пўлатли зирҳ қўлланилади. Шунингдек алюминий эритмалари, пластмасса ва керамикадан ёки ушбу ашёлар аралашмасидан

тайёрланган зирҳ қўлланилади.

ЗИРҲЁРАР СНАРЯД (БРОНЕБОЙНЫЙ СНАРЯД) Зирҳли нишонларни (тўп, пиёдалар жанговар машинаси, зирҳли транспортёр, кема ва шу кабиларни) йўқ қилиш учун мўлжалланган артиллерия снаряди.

Тобланган чўяндан тайёрланган ўткир каллакли илк снаряд XIX асрнинг 60 йиллари сўнгида, кема ва қирғоқ артиллерияси аслаҳаси таркибида пайдо бўлган.

Зирҳёраар снаряд тўпларнинг жанговар комплекти таркибига кириб, танк ва танкка қарши артиллериянинг асосий ўқ-дориси ҳисобланади. Снарядлар калибри тўп калибрига тенг ва ундан кичик бўлади.

ЗИРҲЛИ АВТОМОБИЛЬ (БРОНЕАВТОМОБИЛЬ) Зирҳланган, пулемёт, айримлари тўп билан қуролланган, ғилдиракли жанговар машина бўлиб, разведка юритиш, жанговар қўриқлаш ва алоқа юритиш учун мўлжалланган.

Зирҳли автомобиль қуроллари оғирлигига қараб енгил, ўрта, оғир турларга бўлинади. Экипажи 2-6 кишидан иборат.

Зирҳли автомобиллар илк бор XX асрнинг бошида, Англияда қўлланилган. Замоनावий зирҳли автомобилларнинг мураккаб йўлларни босиб ўтиш қобилияти кучайтирилган бўлиб, аслаҳалар билан ускуналанганлиги билан бир вақтда – сузиш қобилиятига ҳам эгадир.

ЗИРҲЛИ КАМЗУЛ (СОВУТ) (БРОНЕЖИЛЕТ) Ҳарбий хизматчиларнинг ҳимоя аслаҳаси; нейлонли (шишали пластикдан тайёрланган), енгил эритмаларнинг алоҳида пластинкаларидан иборат нимча ёки кўкракпеч қалқон.

ЗИРҲЛИ КАТЕР (БРОНЕКАТЕР) Тўплари, рубкаси ва машиналар бўлими зирҳ билан ҳимояланган кам сув сиғимли тезсузар кичик жанговар кема. Денгиз қирғоқлари яқинидаги худуд ва дарёларда соқчилик ва разведка ишларини бажариш учун мўлжалланган. Аслаҳалари 1 – 3 дона 57 – 85 мм ли зирҳли тўп ва пулемётлардан иборат.

ЗИРҲЛИ РАЗВЕДКА-ДОЗОР МАШИНАСИ (ЗРДМ) (БРОНИРОВАННАЯ РАЗВЕДЫВАТЕЛЬНО-ДОЗОРНАЯ МАШИНА (БРДМ)) Мураккаб йўлларни босиб ўтиш қобилиятига эга ғилдиракли сузувчи машина.

Тезлиги: шосседа соатига 65 – 100 км, сувда 6 – 8 км. Йўл босиш захираси 500 – 750 км, экипаж 4 – 5 киши. Қўшинлар разведкасини юритиш учун мўлжалланган. Кузатув (разведка) асбоблари, навигация ва алоқа воситалари билан таъминланган. Қуроли – пулемёт.

ЗИРҲЛИ ТАНК ТЕХНИКАСИ (БРОНЕТАНКОВАЯ ТЕХНИКА) Таркибига зирҳли ҳимояга эга жанговар машиналарнинг турли синфлари кирувчи ҳарбий техниканинг тури.

Зирҳли танк техникасининг асосини – танк, зирҳли транспортёр ва зирҳли автомобиллар, разведка, пиёдалар ва бошқарувнинг жанговар машиналари ташкил этади.

Кўмакчи зирҳли танк техникасига қуйидагилар киради: танк шатаклари, зирҳланган таъмирловчи-эвакуацияловчи машиналар, зирҳланган техник

ёрдам машиналари, зирҳли танк техникалари ва қурол-аслаҳаларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатишнинг ҳаракатчан воситалари, мотоцикллар.

Асосан қуруқликдаги қўшинлар, ҳаво десант қўшинлари ва денгиз пиёдалари аслаҳаларининг таркибига киради.

ЗИРҲЛИ ТРАНСПОРТЁР (ЗТР) (БРОНЕТРАНСПОРТЁР (БТР)) Мураккаб йўлларни босиб ўтиш қобилиятига эга, жанговар, занжирли ёки филдиракли ярим ўрмаловчи, ўрмаловчи (занжирли), очик ва ёпиқ турдаги машина. Зирҳли транспортёрларнинг аксарият қисми сузувчи, авиацияда ташишга ва парашютлардан ташлашга мослаштирилган бўлиб, тунда кўриш мосламалари, ҳавони радиоактив чангдан тозалаш учун мўлжалланган филтрлаш-шамоллатиш қурилмаси билан жиҳозланган. Одатда ўққа қарши зирҳланган. Зирҳли транспортёр деворларида ўқ отиш учун мўлжалланган махсус тешик (шинкалар) мавжуд. Минорали ва минорасиз зирҳли транспортёрлар бўлиши мумкин.

Зирҳли транспортёрлар 20 нафаргача мотоўқчи бўлинмалар шахсий таркибини ташиш, оловли кўмак бериш, оғир қурол-яроғларни тиркаш ва разведка юритиш учун мўлжалланган. Аслаҳаси таркибига пулемётлар, баъзан тўп киради. Филдиракли зирҳли транспортёрлар тезлиги соатига 110 км гача, занжирлиларники эса 65 – 70 км гача бўлиб, йўл босиш захираси 400 – 1000 км га тенг.

Дастлаб 1918 йилда Буюк Британияда пайдо бўлган.

ЗОНА (ЗОНА) Муайян чегаралар орасидаги минтақа, маълум белгилари билан ажралиб турувчи ҳудуд.

ИЖОЗАТ ҲУҚУҚИ (ДОПУСК) Ёзма ҳужжат бўлиб, кўриқланаётган объектни очиш (ёпиш), махфий ҳужжат (маълумотлар) билан ишлаш (фойдаланиш) ҳуқуқини беради. Шунингдек омборхонани очиш ёки қоровул томонидан кўриқланаётган техника турган жойга одамларнинг киришига рухсат бериш тартибини белгилайди.

Ижозат ҳуқуқи доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АҲБОРОТ ХОНАСИ (КОМНАТА ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ИНФОРМАЦИИ) Ётоқхонада (кемада) аскарлар (матрослар) ва сержантлар билан ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ишларни ўтказиш учун мўлжалланган, махсус жиҳозланган хона.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТАЙЁРГАРЛИК (ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА) Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари, ишчи ва хизматчиларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар тизими.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик тадбирлари жумласига, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқиладиган дастурга асосан, хизмат вақтида тезкор ахборот бериш, маъруза ва нутқлар ўқиш киради.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарликнинг асосий шакли, аскар, сержант, офицер, ишчи ва хизматчилар таркиби билан буйруқ ва директиваларда белгиланган, ҳарбий қисм кун тартибида кўзда тутилган вақт давомида,

гуруҳ раҳбарлари томонидан ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотиدير.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ (ВТОРАЯ МИРОВАЯ ВОЙНА) (1939-45 йиллар), халқаро империалистик реакция кучлари томонидан тайёрланиб, тажовузкор давлатлар – фашистлар Германияси, фашистлар Италияси ва милитаристик Япония томонидан чиқарилган уруш. Империалистик давлатларнинг икки коалицияси ўртасидаги уруш сифатида бошланган. Кейинчалик фашистлар блокага қарши курашувчи барча давлатларнинг фашизмга қарши адолатли уруш тусини ола бошлади, бу айниқса собиқ Совет Иттифоқи урушга киргач, батамом ойдинлашди.

ИЛЛЮМИНАТОР (ИЛЛЮМИНАТОР) Чуқур сувда сузувчи кема ёки учиш аппаратидаги думалоқ ёки тўртбурчак шаклга эга, очилмайдиган ёки очиладиган, сув ўтказмайдиган, қопқоқли ёки қопқоқсиз ойнабанд туйнук.

ИЛҒОР ОТРЯД (ПЕРЕДОВОЙ ОТРЯД) Жанговар тартиб элементи бўлиб, жанг мобайнида вазифаларни мустақил тарзда бажариш учун ажратиладиган кучайтирилган танк (мотоўқчи ёки денгиз пиёдалари) бўлинмаси. Илғор отряд:

ҳужумда – душманнинг муҳим объектларини қўлга киритиш, чекинаётган кучларини таъқиб этиш, сув ҳавзасини кечиб ўтиш каби вазифаларни бажариш мақсадида душман мудофаасини ёриб ўтади;

мудофаада – жанговар таъминот чегараларида ҳаракатланиш учун тайинланади.

Илғор отряд ҳаракатлари авиация ва артиллерия олови билан қўллаб – қувватланади.

ИНДИКАТОР (ИНДИКАТОР) Текширилаётган техник жараён ёки объектнинг бирор кўрсаткичи ўзгаришларини инсоннинг бевосита идрок этиши учун энг қулай бўлган шаклда акс эттирувчи асбоб (қурилма). Визуал, акустик, тактиль ва бошқа индикаторлар ишлатилади.

ИНДУКТИВЛИК (ИНДУКТИВНОСТЬ) Электр занжирлари магнит хоссаларини ифодаловчи физик катталиқ. Бу катталиқ ўтказувчи контур билан чекланган сиртни кесиб ўтувчи магнит индукция оқимининг (Ф) уни ҳосил қилаётган шу контурдаги ток кучи нисбатига тенг: СИ тизимида Генри да ўлчанади.

ИНДУКТИВ ҚАРШИЛИК (ИНДУКТИВНОЕ СОПРОТИВЛЕНИЕ) Занжир (ёки унинг бир қисми) индуктивлиги ўзгарувчан токка кўрсатадиган қаршилиқни ифодаловчи катталиқ. СИ тизимида Ом да ўлчанади.

ИНДУКТОР (ИНДУКТОР) 1) ўзгарувчан магнит майдони ёрдамида кўзгатиладиган уярма тоқлар билан жисмларни (симларни) индукцион тарзда қиздирадиган электр магнит қурилма; 2) юқори кучланиш ҳосил қиладиган магнитоэлектр машина (одатда қўл билан айлантирилади). Қўл билан хизмат кўрсатиш станцияларининг телефон аппаратлари кабиларда ишлатилади.

ИНДУСТРИАЛ МОЙЛАР (ИНДУСТРИАЛЬНЫЕ МАСЛА) Асосан турли механизмларнинг ишқаланувчи тармоқларида фойдаланиладиган, шунингдек гидравлик суюқликлар ва технологик сурков маҳсулотлари

тайёрлашда асос сифатида ишлатиладиган нефть мойлари.

ИНЖЕКТОР (ИНЖЕКТОР) Газ ёки суюқликларни резервуарларга (масалан, буғлатиладиган сувни буғ қозонига) ҳайдайдиган оқимли насос.

ИНЕРЦИЯ (ИНЕРЦИЯ) Механикада жисмнинг унга таъсир қилаётган кучлар бўлмаганда ёки улар ўзаро мувозанатлашганда тўғри чизикли текис ҳаракатини ёки тинч ҳолатини сақлаш хоссаси. Мувозанатлашмаган кучлар тизими таъсир қилганда ўз ҳаракатини аста-секин ўзгартиришда намоён бўлади ва бунда жисмнинг инерция ўлчови (массаси) қанча катта бўлса, инерция шунча секин ўзгаради.

ИНИЦИРЛОВЧИ ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР (ИНИЦИРУЮЩИЕ ВЗРЫВЧАТЫЕ ВЕЩЕСТВА) Портлатиш ишларини амалга ошириш ва турли ўқ-дориларни тайёрлаш мобайнида қўлланиладиган портловчи моддаларнинг асосий гуруҳларидан бири. Иницирловчи портловчи моддалар ташқи муҳит таъсирига (зарба, ишқаланиш ва олов таъсирига) юқори таъсирчанлик хусусиятига эга. Нисбатан кам микдордаги мазкур моддаларнинг бризантли портловчи моддалар билан бевосита контакти мобайнидаги портлаши, бризантли портловчи модданинг детонациясига сабаб бўлади. Ушбу хусусиятлари туфайли улар фақат иницирлаш воситаларини (капсюль-детонатор ва ёндирувчи капсюлларни) тайёрлаш учунгина қўлланилади. Иницирловчи портловчи моддалар жумласига: портловчи симоб, кўрғошин азиди, тенерес (ТНРС) кириб, бундан ташқари улар синфига капсюлли таркибларни ҳам киритиш мумкин, чунки мазкур таркиблар портлатиши натижасида иницирловчи портловчи моддаларнинг детонацияси келтириб чиқарилади ёки порохларни ва улардан тайёрланган аралашмаларни ёндириш мумкин.

ИНТИЗОМ (ДИСЦИПЛИНА) Кишиларнинг жамиятда таркиб топган ҳуқуқ ва ахлоқ меъёрларига, шунингдек муайян ташкилот талабларига жавоб берувчи маълум хатти-ҳаракатлари тартиби. Ҳукмрон ижтимоий муносабатлар билан белгиланади ва уларга хизмат қилади.

ИНТИЗОМ ВА ЖАНГОВАР РУҲНИНГ ЙЎҚОТИЛИШИ (ДЕМО-РАЛИЗАЦИЯ) Ахлоқий инқироз, одоб, интизом ва сиёсий-маънавий ҳолатнинг таназзули.

Армия шахсий таркибининг интизоми бузилиб, жанговар руҳи йўқотилган ҳолларда, уруш машаққатларини енгиш қобилияти ва ахлоқий-руҳий сифатлари заифлашади.

Замонавий уруш шароитида, ядро қуроли ва катта талафот етказувчи ўзга воситалар қўлланилиши натижасида – кўшинлар ва мамлакат аҳолиси орасида тушкунлик кайфияти ҳукм суриши мумкин.

ИНТИЗОМИЙ АМАЛИЁТ (ДИСЦИПЛИНАРНАЯ ПРАКТИКА) Ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш мақсадида рағбатлантириш ва маъмурий жавобгарликка тортиш чораларининг армияда вужудга келган тизими.

Қонунлар ва низомларга риоя этишга асосланади, ҳарбий хизматчиларнинг кадр-қимматини хурмат қилиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш билан уйғунлашади.

ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК (ДИСЦИПЛИНАРНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ) Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий интизом ёки жамоат тартибини бузганликлари учун жавобгарликлари.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортиш Интизом низомига мувофиқ, тўғридан тўғри бошлиқлар, шунингдек гарнизонлар бошлиқлари, ҳарбий комендантлари, туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

ИНТИЗОМИЙ ТАЪЗИР (ДИСЦИПЛИНАРНОЕ ВЗЫСКАНИЕ) тартиббузар ҳарбий хизматчи айби ва содир этган ножўя ишининг оғирлигига мувофиқ интизом ва жамоат тартибини бузганлиги учун Қуролли Кучларда бериладиган таъзир.

Интизомий таъзир турлари ва белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низомида белгилаб берилган.

Хусусиятларига кўра интизомий таъзир ахлоқий-маънавий таъсир ўтказувчи ва маҳрум этиш ва чеклашлар билан боғлиқ бўлган муайян чоралар бўлиши мумкин. Масалан:

ахлоқий-маънавий таъсир ўтказувчи интизомий таъзирлар – ҳайфсан, каттик ҳайфсан, лавозимига тўла лойиқ эмаслиги тўғрисида огоҳлантириш;

маҳрум этиш ва чеклашлар билан боғлиқ бўлган муайян чораларга эса – қисм ҳудудидан ташқарига ёки кемадан қирғоққа навбатдаги қисқа таътилга чиқишдан маҳрум этиш, навбатдан ташқари хизмат нарядига тайинлаш (қоровул, вахта хизматлари ва жанговар навбатчилик бундан мустасно), ҳарбий унвонни бир поғонага пасайтириш, лавозимидан олиб ташлаб, паст поғонадаги лавозимга тайинлаш, аскар, сержант ва кичик офицерларни – 5 суткагача гауптвахтада тутган ҳолда ҳибсга олиш каби чоралар киради.

Ҳарбий интизом ва жамоат тартибини бузган тартиббузар ҳарбий хизматчиларга нисбатан жамоа ҳукмини чиқариш мақсадида, командир (бошлиқ) қарори билан ҳарбий хизматчининг ножўя ҳаракатлари тегишли мажлисда муҳокама этилиши ва ўртоқлик ор-номус судида кўриб чиқилиши мумкин.

ИССИҚЛИКНИ НИҚОБЛАШ (ТЕПЛОВАЯ МАСКИРОВКА) Душманнинг объектларимизни иссиқлик (инфрақизил) нурлар разведкаси воситалари орқали фош этишига йўл қўймаслик учун ҳимоя этишга йўналтирилган тадбирлар мажмуи. Иссиқликни ниқоблаш тадбирлари жумласига:

жойлардаги бурмаланишлардан фойдаланиш;

жанговар машиналарнинг қизиб кетувчи юзаларини экранлаш;

сохта нишонларни қўллаш каби амаллар киради.

ИССИҚЛИК НУРЛАРИ РАЗВЕДКАСИ (ТЕПЛОВАЯ РАЗВЕДКА) Душман объектларини таратаётган иссиқлик (инфрақизил) нурларига кўра махсус теплолокаторлар ёрдамида фош этиш.

ИСТЕЪФО (ОТСТАВКА) Офицер ва сержантлар таркибига мансуб шахснинг ёши ва соғлиғига кўра ҳарбий хизмат ўташдан тўла озод этилиши.

Ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш турларидан бири. Истеъфога бўшатишнинг ҳарбий унвонига “Истеъфодаги” сўзи қўшилади (мисол учун, истеъфодаги полковник).

ИТТИФОҚЧИ ДАВЛАТЛАР (тузилмалар) (СОЮЗНИКИ) Давлат билан ҳамкорлик қилувчи, тинчлик даврида ҳарбий хавфсизлик манфаатини амалга ошириш, иттифоқ аъзоларидан бири ёки давлатга (тузилмага) қарши бевосита ҳарбий тажовуз уюштирилган ҳолларда ўзаро ёрдам (мадад) бериш борасида ҳуқуқий мажбуриятлар билан боғланган давлатлар (давлатлар иттифоқи) ва нодавлат ҳарбий тузилмалар.

ИЧКИ ТАРТИБ (ВНУТРЕННИЙ ПОРЯДОК) Ҳарбий хизматчиларнинг меъёрий маиший ҳаёт тарзи, ва таълимоти таъминлаш учун жанговар қисм (бўлинма), кема, парк, хизмат хоналари, шунингдек марказ ва лагерларда умумқўшин низом ва йўриқномалар талабларига мос белгиланган ва мунтазам сақлаб туриладиган армиядаги ҳаёт меъёри.

Қисмнинг (бўлинманинг) ички тартибини сақлаб туриш ва қўшинлар хизмати бўйича ўзга мажбуриятларни бажариш учун суткалик наряд, взводлардаги ички тартибни сақлаб туриш учун взвод бўйича навбатчи ва посбонлар тайинланади.

ИЧКИ ХИЗМАТ (ВНУТРЕННЯЯ СЛУЖБА) Ички тартибни тутиб туриш, шахсий таркибнинг маиший ҳаёт тарзи ва таълимотининг меъёрий шароитини таъминлаш учун ҳарбий қисм, кема, штаб, бошқарма ва муассасалардаги кундалик хизмат фаолияти. Қўшинлар хизматининг таркибий қисми.

Қуролли кучларда ички хизмат низоми, кемаларда эса ҳарбий-денгиз флотининг Кема хизмати низоми билан тартибга солинади. Ички хизматнинг асосий вазифаси – қўшинлар жанговар шайлигини тутиб туриш, ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун вақт ва моддий воситалардан унумли фойдаланиш, ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифалари томонидан хизмат мажбуриятларини аниқ бажаришидир.

Ҳарбий хизматчилардан ахлоқ меъёри ва ўзини тутиш маданиятига мунтазам риоя этиш, жамоат тартибини тутиб туришга ёрдам бериш, зарурат туғилганда фуқароларга кўмаклашишнинг талаб этилиши ички хизматнинг қуролли кучлардаги ўзига хос хусусиятларидан биридир.

ИЧКИ ҚЎШИНЛАР (ВНУТРЕННИЕ ВОЙСКА) Айрим давлатларнинг ички ишлар вазирлигига мансуб қўшинлари.

Вазифасига: фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жинойтчиликка қарши курашиш, объектларни қўриқлаш ва ўзга жанговар-хизмат вазифаларини бажариш, уруш даврида эса фронт ва армиялар ортини муҳофаза этиш, озод этилган шаҳарларда гарнизон хизматини ўташ, душман айғоқчиларини зарарсизлантириш тадбирларида иштирок этиш киради.

Ички қўшинларнинг ташкилланиши, фаолияти, бошқарув тизими, шахсий таркиб таъминоти ва тарбияси ҳарбий қурилиш тамойилларига асосланади. Ички қўшинларнинг ҳарбий хизмати ва жанговар тайёргарлиги тегишли давлат қонунлари ва ички ишлар вазирлиги низом ва қўлланмалари билан тартибга солинади. Қўшинларнинг бутланиши навбатдаги чақирик

мавсумида ва шартнома бўйича хизмат қилиш истагини билдирганлар хисобига амалга оширилади.

ЙИҒИН (СБОР) 1) қўшиннинг тайинланган ҳудудга жамланиш жараёни бўлиб, қисмнинг (бўлинманинг) машқ қилиш, ёнғинни ўчириш, табиий офатлар оқибатини бартараф этиш, жанговар тревога бўйича машқ қилиш каби ўзга масалаларни ҳал этиш мобайнида амалга оширилади; 2) қўшинларнинг жанговар (оператив) тайёргарлик тизимидаги тадбир; 3) сафни бошқариш учун низомда белгиланган сигнал.

ЙЎЛ-КОМЕНДАНТЛИК ХИЗМАТИ (ДОРОЖНО-КОМЕНДАНТСКАЯ СЛУЖБА) 1) махсус хизмат бўлиб, оператив бирлашмаларнинг йўл-комендантлик қисм ва бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Йўл-комендантлик хизмати вазифаларига:

йўллардаги катновларни тартибга солиш ва диспетчерлик назоратини ўтказиш;

катнов ва ниқобланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш; колонналар бошлиқларини радиацион, кимёвий ва биологик вазият ҳақида хабардор қилиш;

йўлларни соз ҳолда тутиш каби тадбирларни амалга ошириш киради.

Йўл комендантлик хизмати оператив бирлашма штаби томонидан ташкил этилади; 2) автомобиль йўлларида қўшин ва транспорт колонналарининг ҳаракати тартибини таъминлаш, йўллар ҳолатига қараб туриш, улардаги муҳим объектларни кўриқлашга мўлжалланган. Йўл қўшинлари томонидан ташкил этилади.

ЙЎЛ КЎПРИК (ПУТЕПРОВОД) Қуруқликдаги йўллар кесишган жойга қурилган кўприк. Транспорт воситаларига турли баландликда бемалол ҳаракатланиш имконини беради.

ЙЎЛ ПУЛИ ТЎЛОВИ (ПУТЕВОЕ ДОВОЛЬСТВИЕ) Сафар, лагерь, машқ каби жойларга етиб бориш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаб бериш учун ҳарбий хизматчига бериладиган пул тўлови турларидан бири. Йўл пули таъминоти:

сутка харажатларини қоплаш;

дала сарфлари;

янги иш жойига кўчиб бориш муносабати билан бериладиган пул;

истиқомат жойи ижарасини қоплаш учун тўловлардан иборат.

ЙЎЛ ХИЗМАТИ (ДОРОЖНАЯ СЛУЖБА) Қуролли кучлар фронт орти хизматларидан бири бўлиб, қўшинларнинг уруш ва тинчлик вақтидаги катновини тартибга солиш ва узлуксизлигини таъминлаш учун мўлжалланган.

Тайёргарликдан ўтган бўлинма ва қисмлар, бошқарув органлари ва турли моддий-техник воситалардан ташкил топган. Йўл хизматининг вазифаларига:

уруш даврида – асосий ҳарбий автомобиль йўлларини разведка қилиш, таъмирлаш, тиклаш, ётқизиш ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

тинчлик даврида – ҳарбий жиҳатдан муҳим саналадиган автйўлларнинг техник ҳолатини назорат қилиб, ҳарбий қисмларга яқинлашиш йўлларини

такомиллаштириш, қайта қуриш, таъмирлаш, соз ҳолда тутиш ва мазкур ишларни молиялаштириш каби тадбирлар киради.

ЙЎЛ ҚЎШИНЛАРИ (ДОРОЖНЫЕ ВОЙСКА) Қуролли кучлар фронт орти таркибидаги махсус қўшинлар. Автомобиль йўллари ва кўприклар қуриш, таъмирлаш ҳамда уларда йўл-комендантлик хизматини ўташ учун мўлжалланган. Йўл қуриш, кўприксозлик, йўл-комендантлик қисмлари ва бошқалардан иборат.

ЙЎНАЛИШ (МАРШРУТ) Қўшин ҳаракатининг йўналиши ёки бориши назарда тутилган йўл. Йўналиш харитада, азимут ёки қўшин ошиб ўтадиган асосий пунктлар кўрсатиб ўтилган ҳолда белгиланади.

Авиацияда йўналиш нишон томон парвоз мобайнида мўлжалларга қараб учуш ҳамда зарбанинг душман учун ногаҳон бўлиши, нишон устига аниқ бостириб бориши ва вазифа бажарилгач чекинишни таъминлаш заруратидан келиб чиққан ҳолда танланади.

ЙЎНАЛТИРИШ НУҚТАСИ (ТОЧКА НАВОДКИ) Ёпиқ ўт очиш маррасидан ўт очиш мобайнида қуролни горизонтал текисликда йўналтириш учун фойдаланиладиган жойдаги муайян нуқта. Йўналтириш нуқтаси сифатида 200 м дан кам бўлмаган масофада жойлашган, муайян ўт очиш маррасида жойлаштирилган барча тўплардан аниқ кўринувчи ва атрофидаги жисмлардан кескин фарқланиб турувчи маҳаллий жисм танланади.

ЙЎРИҚНОМА (ИНСТРУКЦИЯ) 1) қонун ёки бошқа меъёрий актни тушунтириш мақсадида чиқариладиган юридик ҳужжат; 2) муайян ишни бажариш, машиналар, асбоблар кабилардан фойдаланиш тўғрисидаги йўл-йўриқ.

ЙЎРИҚНОМА БЕРИШ (ИНСТРУКТАЖ) Ҳарбий хизматнинг муайян мажбуриятларини бажаришга шахсий таркибни тайёрлаш шакли. Катта бошлиқ ёки унинг топшириғига биноан масъул шахс томонидан суҳбат ўтказиш, намойиш этиш, тушунтириш йўл-йўриқ кўрсатиш шаклида ўтказилади.

КАБЕЛЬ (КАБЕЛЬ) 1) электротехникада ҳимоя қобиғи (одатда герметик қобиқ) ичига олинган изоляцияли бир ёки бир неча (ток ўтказувчи) сим; 2) алоқа ишларида – ахборотни (телеграммалар, радиоэшиттириш ва телевизион кўрсатув дастурларини) электр сигналлари ёрдамида узатишга хизмат қилади. Одатда ток ўтказувчи симлари мисдан, изоляцияси қоғоз, полимерлардан, ҳимоя қобиғи эса кўрғошин, алюмин, пўлат, пластмасса, металлопластикадан ясалади.

КАБЕЛЬТОВ (КАБЕЛЬТОВ) 1) денгиздаги масофани ўлчаш учун қўлланиладиган узунлик ўлчови. 1 кабельтов денгиз милининг 0,1 қисмига ёки 185,2 м га тенг; 2) артиллерия узунлигининг 182,87 м га тенг бирлиги; 3) кемани боғлаб қўйиш ёки шатакка олиш учун мўлжалланган йўғон каноп арқон.

КАЗАРМА (ётоқхона, қароргоҳ) (КАЗАРМА) Ҳарбий қисм шахсий таркибини жойлаштириш учун махсус қурилган ёки қайта жиҳозланган бино.

Ётоқхонада Ички хизмат низомига мувофиқ муддатли хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар жойлашади. Ётоқхонада ҳар бир взвод учун қуйидаги

хоналарнинг бўлиши назарда тутилади:

оммавий-сиёсий ва маданий-маърифий ишларини ўтказиш учун ижтимоий-сиёсий ахборот бериш хонаси;

ухлаш (ҳордиқ чиқариш) хонаси;

взвод девонхонаси;

қурол сақлаш хонаси;

маиший хизмат кўрсатиш, ювениш, қурол тозалаш, ҳарбий хизматчиларнинг шахсий буюмлари ва взвод мулкани сақлаш хонаси учун алоҳида хоналар;

тамаки чекиш ва пойабзал тозалаш жойи;

кийим-кечак ва пойабзал қуритиш хонаси.

Ҳар бир батальонда штаб, батальон командири, ўринбосарлари, машғулотларга тайёргарлик кўриш, мажлислар ўтказиш, офицерларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун хоналар ажратилади.

Ётоқхонанинг барча хоналари, рақами ва вазифаси кўрсатилган тахтачалар билан белгиланади.

КАЛИБРДАН ЙИРИК СНАРЯД (НАДКАЛИБЕРНЫЙ СНАРЯД)
Корпусининг диаметри қурол калибридан йирик снаряд (мина).

Қисқа масофаларга, катта бўлмаган бошланғич тезликлар билан ўт очишда қурол қудратини ошириш учун нисбатан енгил қуролдан (қўл гранатомёти, миномёт, тепиш зарби йўқ тўп кабилардан) қўлланилади. Тўпни ўқлаш амали стволнинг оғиз томонидан бажарилади.

Калибрдан йирик снаряднинг улоқтирилиши ПГ-2, ПГ-7 русумли кумулятив гранаталар ёки РПГ-2 ва РПГ-7 русумли қўл гранатомётларда актив-реактив ва реактив усуллар билан амалга оширилади.

КАЛИБРДАН КИЧИК СНАРЯД (ПОДКАЛИБЕРНЫЙ СНАРЯД)
Фаол қисмининг диаметри тўп калибридан кичик бўлган артиллерия снаряди.

Калибрдан кичик снарядни ствол канали бўйлаб тўғри юритиш учун қурол калибрига мос келадиган етакловчи қурилма қўлланилади. Калибрдан кичик снаряд, парвоз мобайнидаги турғунлигини таъминлаш усулига кўра айланувчан ва қанотли турга бўлинади. Вазни калибрили снаряд вазнига нисбатан енгил бўлгани боис бошланғич тезлиги катта.

КАЛИБРЛИ СНАРЯД (КАЛИБЕРНЫЙ СНАРЯД) Йўғон қисми ёки корпусининг диаметри тўп стволи калибрига тенг снаряд (мина).

КАМБУЗ (КАМБУЗ) Кемадаги ошхона (илгари елканли кемаларда камбуз деб шахсий таркибга таом тайёрлаш учун мўлжалланган чўян плитага айтилар эди). Катта кемаларда бир неча камбузлар бўлиши мумкин.

КАМЕРА (КАМЕРА) 1) муайян мақсадга хизмат қиладиган алоҳида хона, бино (масалан, юк камераси); 2) машина, асбоб ичидаги ёпиқ бўшлиқ (масалан, двигателнинг ёниш камераси, фотоаппаратнинг бир қисми.); 3) ҳаво билан тўлатиладиган резина қобик (шина камераси).

КАМПАНИЯ (КАМПАНИЯ) 1) уруш босқичи, бунда ғалаба томон муайян мақсадга эришилади. Бир қанча стратегик операциялар ва бошқа шаклдаги ҳарбий ҳаракатларни ўз ичига олади; 2) бирор долзарб ижтимоий-сиёсий вазифани бажариш учун амалга ошириладиган тадбирлар тизими

(масалан сайлов кампанияси); 3) ишлаб чиқариш операциялари цикли ёки комплекси (масалан экиш кампанияси).

КАНИСТРА (КАНИСТРА) Суюқликни ташиш ва сақлаш учун мўлжалланган герметик қопқоқли бак.

КАНИФОЛЬ (КАНИФОЛЬ) Оч сарикдан тўқ қизил рангли мўрт шишасимон модда. Игнабаргли дарахтларнинг елимсимон моддалари таркибига кириди. Қарағай дарахти елимидан, майдаланган ёғочни эритувчилар билан экстракциялаб ёки хом талл мойини экстракциялаб ҳосил қилинади.

Синтетик каучук, резиналар, пластмассалар, сунъий чарм, лак ва бошқалар ишлаб чиқаришда, металлларни қалайлаш ва кавшарлашда флюс (яъни руданинг эришини ошириш ва шлак ҳосил қилиш учун қўшилаётган модда) сифатида, шунингдек торли чолғу асбоблар камонига суриб ишлатилади.

КАПИТАН (КАПИТАН) Аксарият давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги офицерлар таркибига мансуб ҳарбий унвон.

Илк бор ўрта асрларда Францияда таъсис этилган. Қуролли Кучларимизда мавжуд капитан унвони 1935 йил 22 сентябрь куни таъсис этилган. Фарқловчи нишонлари – погонга тақилган 4 дона кичик юлдузлар ва битта бўйлама чизиқ.

Ҳарбий-денгиз флотига капитан унвонига – капитан-лейтенант унвони мос келади.

КАПИТУЛЯЦИЯ (таслим бўлиш) (КАПИТУЛЯЦИЯ) 1) жанговар ҳаракатлар (уруш) майдонлари ва унинг алоҳида ҳудудларида ялпи қуролли кучлар ёки бир қисми томонидан кўрсатилаётган қаршиликнинг тўхталиши. Капитуляция одатда, ғолиб томон қўйган шартлар ёки қарши томонларнинг кўмондонликлари ўртасидаги музокаралар натижаларига мувофиқ амалга оширилади; 2) халқаро ҳуқуқда – урушувчи давлатлардан бирининг қуролли курашни тўхтатиб, қуролли кучларини рақибга топшириши. Одатда қуролли кучлар тамомила тор-мор қилинганда сўзсиз таслим бўлиш акти имзоланади.

КАПСЮЛЬ (КАПСЮЛЬ) Улоқтирувчи зарядларни ўт олдириш ёки ёриб юборувчи (портлатувчи) зарядларнинг детонациясини кўзғатувчи инициирловчи восита. Ингичка металл ёки пластмассадан тайёрланган инициирловчи портловчи модда ёки ўт олдирувчи таркибга эга қалпоқча кўринишида бўлади. Капсюллар олов нури ёки детонацияловчи импульс кўринишидаги инициирловчи импульс берувчи:

ёндирувчи-капсюль;

капсюль-детонатор турларига бўлинади.

XIX аср бошида портловчи симобли капсюлнинг ихтиро қилиниши кремнийли қуролдан капсюлли қуролга ўтиш, кейинчалик эса – яхлит (унитар) патронни яратиш имконини берди.

КАПСЮЛЛИ ТАРКИБЛАР (КАПСЮЛЬНЫЕ СОСТАВЫ) Инициирловчи портловчи моддалар синфига мансуб портловчи моддалар

бўлиб, ёндирувчи капсулаларни тайёрлаш мобайнида қўлланилади. Портловчи симоб, калий хлорати (бертолет тузи) ва сурьманинг уч валентлик олтингугурт билан бирикмаси (антимоний) каби бир қатор кенг тарқалган моддаларнинг механик аралашмаси кўринишига эга. Капсюлли таркибнинг ўт олиши, зарба ёки ёндирувчи капсюлнинг тешилиш таъсири остида, порохни ёндириш ёки инициирловчи портловчи модданинг детонациясини кўзғатиш қобилиятига эга олов нурини ҳосил қилган ҳолда рўй беради.

КАРАБИН (КАРАБИН) Узунлиги қисқартирилган, вазни енгиллаштирилган милтиқ.

XV аср бошларида ихтиро қилинган. Намуна тариқасида ствол оғзидан ўқланадиган узун оғир милтиқнинг кичикроқ нусхаси олинган. Карабиннинг силлиқ стволли ва кесма стволли русумлари қўлланилиб келинган. XIX аср сўнгида ўқдонли (кўп маротаба ўқланадиган) карабинлар вужудга келди. Айрим замонавий армияларда автоматик карабинлар қўлланилиб келинмоқда.

КАРАНТИН (КАРАНТИН) 1) юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш учун эпидемияга қарши ва режимли чекланишлар тизими.

Карантин илк бор XIV асрда Италияда ўлат касаллиги тарқалган юртлардан келган кемаларни рейдда қирқ кун (номи ҳам шундан келиб чиққан) давомида ушлаб туриш билан қўлланилган. Кейинчалик карантин ўзга юқумли касалликларга қарши кураш учун ҳам қўлланила бошланди; 2) юқумли касалликларнинг эпидемик ёки эпизоотик манбадан тарқалишининг олдини олиш учун кўриладиган тадбирлар тизими. Эпидемик манбадаги тадбирлар: бу ерда кириш-чиқиш тақиқланади ёки чекланади, беморлар ва улар билан яқин алоқада бўлган кишилар аниқланади, изоляция қилинади ва ҳ. к.; эпизоотик манбадаги тадбирлар: бу ерда касалликка берилувчан ҳайвонларни олиб кириш, у ердан олиб чиқиш ва подалар таркибини ўзгартириш тақиқланади, касал ҳайвонлар изоляцияланади ва шу каби ишлар амалга оширилади.

КАРАНТИН КАСАЛЛИКЛАР (КАРАНТИННЫЕ БОЛЕЗНИ) Одамнинг ўта хавфли юқумли касалликлари. Бу хусусда чегарани (ҳудудни) санитария жиҳатдан муҳофаза қилишга оид халқаро қоидалар жорий этилган. Чин чечак, ўлат, вабо, сариқ иситма шулар жумласидандир.

КАРБЮРАТОР (КАРБЮРАТОР) Карбюраторли ички ёнув двигателларини ёнилғи аралашмаси билан таъминлаш учун енгил суюқ ёнилғи ва ҳаводан иборат ёнилғи аралашмаси тайёрлайдиган асбоб.

Карбюраторда ёнилғи пуркалади, ҳаво билан аралашади, сўнг цилиндрларга узатилади.

КАРБЮРАТОРЛИ ДВИГАТЕЛЬ (КАРБЮРАТОРНЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Ёнилғи аралашмаси ёниш камерасидан ташқарида, карбюраторда тайёрланадиган ва ёниш камерасида ўт олдириш свечаси билан ўт олдириладиган ички ёнув двигатели. Автомобиллар, мотоцикллар, қайиқлар ва бошқаларда ишлатилади.

КАРДАНЛИ МЕХАНИЗМ (КАРДАННЫЙ МЕХАНИЗМ) Ўзгарувчан бурчак остида иккинчи валнинг айланишини таъминлайдиган ошиқ-мошиқли

механизм. Бунга бўғинларини қўзғалувчан қилиб бириктириш йўли билан (бикр карданли механизм) ёки махсус элементларининг эластиклиги туфайли (эластик карданли механизм) эришилади. Иккита кетма-кет уланган карданли механизм карданли узатма дейилади.

КАРТЕР (КАРТЕР) Машина ва механизмларнинг (двигатель, редуктор кабиларнинг) одатда қутисимон кесимли қўзғалмас қисми. Ишчи қисмларига таянч бўлиб ва ифлосланишдан ҳимоялашга хизмат қилади. Картернинг пастки қисми (туби) сурков мойлари учун идишдир.

КАРЦЕР (КАРЦЕР) Айрим давлатларда белгиланган тартибни бузувчилар учун турмаларда, армияда ва ўқув юртларида ажратилган махсус жой. Карцер маҳбуслари учун айниқса қаттиқ режим ўрнатилган.

КАСКА (ПЎЛАТ ШЛЁМ) (КАСКА) Металл, лакланган тери, пластмасса ва ўзга ашёлардан тайёрланган, бошни урилишдан ёки зарбадан сақловчи махсус бош кийим. Металл каска илк бор 1758 йилда Францияда пайдо бўлган. 1939 йилдан эътиборан каска расман – *пўлат шлём* деб аталади.

КАССЕТА (КАССЕТА) Ашёлар, қисмлар кабиларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва ташиш учун энг мақбул шароитни таъминлайдиган ўзаро алмашинувчи қурилма.

Фотография кассетаси ёруғсезгир ашёни унга ёруғ тушишидан сақловчи (ёруғ ўтказмайдиган) ғилоф. Магнитофон кассетаси – магнит тасмаси ўраладиган ясси қути.

КАТАПУЛЬТА (КАТАПУЛЬТА) 1) самолётларни авиаташувчилар ва ўзга кемалардан учишини таъминлаш учун мўлжалланган қурилма. Катапульта ёрдамида йўлнинг қисқа қисмида (50-90 м) старт тезлиги соатига 170 – 250 км га етади; 2) учувчи ва космонавтлар учун катапультланишни яъни катапульта воситасида ирғиб чиқиб, парашют билан ташлашни машқ қилиш учун мўлжалланган машқ ускунаси; 3) қадимги Греция ва Рим замонларида жанговар улоқтирувчи машина. XV асрга қадар фойдаланилган.

КАТАПУЛЬТЛАНИШ (КАТАПУЛЬТИРОВАНИЕ) 1) катапульта воситасида ирғиб чиқиб, парашют билан ташланиш; 2) экипажни авария ҳолатида махсус қурилма ёрдамида учиш аппаратини ташлаб чиқиш усули ва жараёни; 3) самолётнинг авиаташувчи ёки ўзга кемадан катапульта қурилмаси ёрдамида учиб чиқиш жараёни.

КАТЕР (КАТЕР) 1) ҳарбий-денгиз флотига мансуб, сув сифими 10-400 тонна келадиган, алоҳида жанговар вазифаларни бажариш ва флотнинг жанговар ҳаракатларини таъминлаш учун мўлжалланган кичик ўлчамли кемаларнинг умумий номланиши. Катерлар:

вазифасига кўра – ракетали, торпедали, артиллерияли, десант ташловчи, сув ости кемалари ва минага қарши курашувчи, қўриқловчи;

сув ости қисмининг тузилишига кўра – пуштагли ва ясситубли;

ҳаракатланиш тамойилига кўра – сув пурковчи, сув юзасида сирпанувчи, сув ости қанотларига эга ва ҳаво ёстиқли;

двигатель турига кўра – моторли ва газтурбинали туркумларга бўлинади;

2) сув сифими 40 тоннагача келадиган моторли, одамлар ва енгил юкларни

ташиш учун мўлжалланган кичик кема; ҳарбий кемалар моторли катерлар билан таъминланади; 3) эшкак-елканли баркасдан енгил қайиқ; эшкаклар сони 10 дан 16 донагача бўлиши мумкин.

КАТОД (КАТОД) Кенг маънода – турли радио ва электротехник қурилмалари ёки асбобларининг (электрон лампалар, гальваник элементлар, электролитик ванналар кабиларнинг) электроди. Электр токи (ташқи занжирда) катоддан анодга томон оқади. Тор маънода – электрон ва ион асбобларининг электронлар манбаи бўлиб хизмат қилувчи электроди. Электронларнинг қандай усулда чиқарилишига қараб термоэлектрон, фотоэлектрон, совуқ ва шу каби катодлар бўлади.

КАЮТА (КАЮТА) Кемада офицер (командир) ва старшиналар (экипаж аъзолари) яшашлари учун мўлжалланган хона. Бир, икки ва кўп ўринли бўлади.

КАЮТ-КОМПАНИЯ (КАЮТ-КОМПАНИЯ) Кемада офицерлар (командирлар) таркиби учун ошхона вазифасини ўтовчи, машғулот, мажлис каби тадбирлар ўтказиш ва хордиқ чиқариш учун хизмат қиладиган хона.

Айрим йирик кемаларда мичман ва старшиналар учун ҳам кают-компаниялар мавжуд.

КЕМА ХИЗМАТИ (КОРАБЕЛЬНАЯ СЛУЖБА) Шахсий таркибнинг (экипажнинг) кемадаги қурол, техник восита ва қурилмаларга хизмат кўрсатиш борасидаги фаолияти. Кундалик ва жанговар шароитдаги амалиёт.

Кема хизмати асослари Кема низомида белгилаб берилган.

КЕНГЛИК (ШИРОТА) Сферик координаталар тизимининг координаталаридан бири, Ер юзаси, Қуёш, планеталар ва осмон сферасидаги нуқталарнинг экваторга (эклиптикага) нисбатан жойни белгилайди, географик координаталар, нуқтанинг Ер юзасидаги ҳолатини кўрсатади. Географик кенглик ва географик узунликдан иборат.

Географик кенглик W – бирон нуқтада тик чизиқ билан экватор текислиги оралиғидаги бурчак, экватордан икки томонга 0^0 дан 90^0 гача ўлчанади.

Географик узунлик V – шу нуқтадан ўтган меридиан текислиги билан бошланғич меридиан текислиги оралиғидаги бурчак. Бошланғич меридиандан шарқда 0^0 дан 180^0 гача бўлган узунликлар шарқий узунликлар, шу меридиандан ғарбда 0^0 дан 180^0 гача бўлганлари ғарбий узунликлар деб аталади.

КЕРОСИН (КЕРОСИН) Углеводородлар аралашмаси, $150-300^0\text{C}$ ҳарорат оралиғида қайнайди. Зичлиги $0,80-0,85 \text{ г/см}^3$, солиштира ёниш иссиқлиги қарийб 46 МЖ/кг . Нефтни дистиллаб ёки оғир нефть маҳсулотларини крекинглаб олинади. Двигателларда ёнилғи сифатида, иситиш ва ёритиш асбобларида ёқилғи сифатида қўлланилади.

КЕСМАЛИ ҚУРОЛ (ОРУЖИЕ НАРЕЗНОЕ) Стволининг каналида кесмалар (винтли каналлар) мавжуд ўқотар қурол. Мазкур кесмалар снарядга (ўқ ёки минага) траектория бўйича парвози мобайнида айланма ҳаракат бериб, ўт очиш аниқлигини оширади.

КЕЧИКИБ УЗИЛГАН ЎҚ (ЗАТЯЖНОЙ ВЫСТРЕЛ) Артиллерия

тўпидан отиш мобайнида, ўт очиш мосламаси ишга туширилганидан сўнг ўкнинг бир неча дақиқача узилмай (ўт очилмай) туриши.

Порохнинг нам тортиб қолиши, ўт олдирувчи воситалар носозлиги каби сабабларга кўра рўй беради. Ўқ узилиши кечикаётган пайтда затвор белгиланган муддатдан олдин очилгудек бўлса – кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида артиллериянинг аксарият қуролларида махсус сақлагичлар ўрнатилган.

КЕЧКИ ЙЎҚЛАМА (ВЕЧЕРНЯЯ ПОВЕРКА) Ҳар куни взводларда (батареяларда), ҳарбий-денгиз флоти кемаларида эса – жанговар қисмларда (хизматларда) ўтказиладиган, кундалик тартибда кўзда тутилган тадбир.

Кечки йўқламада шахсий таркиб номма-ном рўйхат бўйича текширилади, барча ҳарбий хизматчиларга маълум бўлиши лозим бўлган буйруқ ва буйруқномалар, келгуси кунга тайинланган наряд эълон қилинади ва жанговар ҳисоб чиқарилади (ёки унга аниқлик киритилади).

Кечки йўқлама бошида, кўрсатган жасоратлари учун взвод рўйхатига абадий киритилган ёки фахрий аскар (матрос) сифатида киритилган ҳарбий хизматчилар фамилиялари ўқилади.

Вақти-вақти билан умумий (умумбатальон, умумбригада) кечки йўқламалар ўтказилади.

КЕЧУВ (ПЕРЕПРАВА) Қўшинларнинг сув тўсиғини енгиб ўтиши. Кечиб ўтиш учун сувли ҳавзанинг тайёрланган қисми ва зарурий жиҳозлар.

Душман эгаллаган қирғоқ томон кечув – жанг билан ўтказиладиган кечув деб аталади. Кечув амаллари қўлланилган усулга кўра:

- десант кечуви;
- паром билан ўтиш;
- кўприкдан ўтиш;
- бевосита сув кечиб ўтиш;
- сув остида сузиб ўтиш;
- муз устидан ўтиш турларига бўлинади.

Десант кечуви – штатдаги жанговар ва кечувчи-десант машиналар, шунингдек қайиқ, сол каби маҳаллий кечув воситаларида амалга оширилади.

Паром билан ўтиш усули – кўприк ётқизишнинг имкони бўлмаган, қўшиннинг юкли оқими кам бўлган ҳолларда паром, понтон ва баржалар ёрдамида қўлланилади.

Кўприкдан ўтиш усули – юқори ўтказувчанлик қобилиятига эга понтонлар парки, кўприк ётқизувчи қурилма ва маҳаллий ашёлардан ташкил этилиб, қўшинлар ва ҳарбий техниканинг узлуксиз ҳаракатини таъминлайди.

Бевосита сув кечиб ўтиш усули – сув ҳавзасининг туби қаттиқ ёки сунъий тарзда қотирилган саёз жойлар орқали амалга оширилади.

Сув остида сузиб ўтиш усули – танкни сув остида бошқариш ускуналаридан фойдаланган ҳолда, сув ҳавзаси туби бўйлаб юриб ўтиши кўзда тутилган.

Муз устидан ўтиш – музнинг қалинлиги ва юк кўтара олиш ҳолатига кўра табиий ёки кучайтирилган муз бўйлаб амалга оширилади.

Кечувни муҳандислик воситалари билан жиҳозлаш муҳандислик

қўшинлари бўлинмалари томонидан, жанговар сузувчи машиналарда эса кечиб ўтаётган қўшинлар кучи билан амалга оширилади. Сув ҳавзасида миналар мавжудлигини текшириш, сувга тушиш ва чиқиш жойларини яратиш амаллари - кечувни тайёрлаш ва жиҳозлаш асосини ташкил этади.

КЕЧУВ ВОСИТАЛАРИ (ПЕРЕПРАВОЧНЫЕ СРЕДСТВА) Қўшинларнинг сув тўсиғини енгиб ўтиши учун қўлланиладиган сузувчи восита ва кўприклар ташкил этувчи ускуналар. Штатга киритилган кечув воситалари:

- понтонлар парки;
- кечувчи-десант машиналари;
- кўприк ётқизгичлар;
- механизациялаштирилган кўприклар;
- қисмларга ажралиб йиғиладиган металл кўприклар;
- танкни сув остида бошқариш ускуналари кабиларга бўлинади.

Кечув воситалари сифатида, кема, баржа, катер, қайиқ ва паром каби маҳаллий сузиш воситалари, шунингдек тахта, бочка ва хода каби қўл остидаги воситалардан фойдаланиш мумкин.

КИМЁВИЙ ЗАҲАРЛАНИШ (ХИМИЧЕСКОЕ ЗАРАЖЕНИЕ) Кимёвий қурол қўлланиши натижасида ҳаво, жой, шахсий таркиб, ҳарбий техника, озиқ-овқат маҳсулотлари ва сувнинг заҳарли моддалар билан зарарланиши. Кимёвий заҳарланишнинг услуби, давомийлиги ва эҳтимолий хавфи олдиндан кўра билиш, кимёвий разведка ва кимёвий назорат усуллари билан аниқланади.

КИМЁВИЙ МОДДАГА ҚАРШИ ШАХСИЙ ПАКЕТ (ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ ПРОТИВОХИМИЧЕСКИЙ ПАКЕТ) Терининг очик жойлари ва кийимнинг терига яқин қисмларига, заҳарли моддалар билан бевосита зарарлангандан сўнг, қисман маҳсус ишлов бериш учун мўлжалланган тиббий воситалар тўплами.

Ўз вақтида дегазациялаш бўйича қабул қилинадиган чораларнинг тезкорлиги – тери яллиғланиши ва заҳарли моддаларнинг қонга сингиб ўтишининг олдини олади.

Кечроқ ўтказилган қисман санитар ишлов амаллари жароҳат даражасини пасайтиради, бироқ ривожланиб кетишининг олдини олмайди.

КИМЁВИЙ СНАРЯД (ХИМИЧЕСКИЙ СНАРЯД) Жанговар заҳарловчи моддалар (ЖЗМ) билан инсон ва ҳайвонларни шикастлаш, жойларни заҳарлаш учун мўлжалланган артиллерия снаряди. Кимёвий снаряд таркибига:

- жанговар заҳарловчи моддалар билан тўлатилган корпус;
- портловчи моддани ёриб юборувчи заряд;
- пиротехник таркиб;
- портлаткич киради.

КИМЁВИЙ ҚУРОЛ (ХИМИЧЕСКОЕ ОРУЖИЕ) Жанговар заҳарловчи моддалар, уларни қўллаш воситаларидан таркиб топган ва ушбу кимёвий моддаларнинг заҳарловчи хоссаларига асосланган оммавий қирғин қуроли.

Кимёвий қурол шахсий таркиб ва маҳаллий аҳолига шикаст етказиш, жойлар, ҳарбий техника ва моддий воситаларни заҳарлаш учун қўлланилади.

Барча тараққийпарвар мамлакатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси кимёвий қуролнинг қўлланиши, ихтиро қилиниши, ишлаб чиқиши ва захирасининг тўпланишини ҳар томонлама ва батамом ман этиш учун муайян изчиллик билан кураш олиб бормоқда.

КИМЁВИЙ ҚЎШИНЛАР (ХИМИЧЕСКИЕ ВОЙСКА) Қўшилмалар (қисм ва бўлинмалар), қўшин турлари, махсус қўшинлар ва қуролли кучлар фронт орти таъминоти бўлинмаларининг жанговар ҳаракатларини кимёвий ва кимёвий-технологик жиҳатдан таъминлаш учун, шу билан бирга душманни ёндирувчи қурол билан қириб бориш учун мўлжалланган махсус қўшинлар. Кимёвий қўшинлар таркибига:

- ҳимоя бўлинмалари;
- радиация ва кимёвий разведка бўлинмалари;
- махсус ишлов бериш бўлинмалари;
- дегазациялаш бўлинмалари;
- махсус кийим билан таъминлаш бўлинмалари;
- тутун пурковчи ва огнемётчилар бўлинмалари;
- таъминот хизматлари қиради.

Кимёвий қўшинлар I жаҳон уруши йилларида шакллана бошлаган.

КИНОЛОГИЯ (КИНОЛОГИЯ) Итлар тўғрисидаги фан. Итчиликнинг илмий асосини ташкил этади.

Кинология итларнинг эволюцияси, зотлари, анатомияси, физиологияси, шу жумладан, олий нерв тизими, ҳатти-ҳаракатлари, селекцияси, уларни урчитиш, озиқлантириш, сақлаш, ўргатиш ва ов, қоровул, қидирув, божхона, чегара ва бошқа хизматларда фойдаланиш масалаларини ўрганади.

1992 йилнинг май ойида Ўзбекистон Кинология федерацияси ташкил этилди. Ўзбекистонда республика давлат божхона қўмитасининг миллий Кинология маркази, Миллий хавфсизлик хизматининг наслчилик питомниги ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг наслчилик питомнигида кинология назарий масалалари ўрганилади, итчиликка оид наслчилик ишлари, итларни амалий мақсадларда фойдаланишга тайёрлаш, янги ит зотларини етиштириш, уларни синовдан ўтказиш, шажара ва наслчилик дафтарларини юритиш ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида хизмат итларидан фойдаланиш ва боқиш мақсадида зотдор итларни хизматга ўргатиш, ҳарбий соҳада қўллаш, боқиш ва доимий жанговар шай ҳолатда сақлаб туриш масалаларига раҳбарлик қилиш учун кинология хизмати фаолият юритади.

КИРИБ-ЧИҚИШ РЕЖИМИ (ПРОПУСКНОЙ РЕЖИМ) Қўриқланаётган ҳудуд, ҳарбий қисм, муассаса кабилар ҳудудига кириш ва чиқиб кетиш тартиби, шунингдек шахсий таркиб ва қисмга (объектга) ташриф буюрганларнинг объектга кириб-чиқишини тартибга солувчи қонун-қоидалар тизими. Қуролли Кучларда белгиланган кириб-чиқиш режимининг асосий мақсади – давлат ва ҳарбий аҳамиятга эга сирнинг сақланиши,

кўшинларнинг юқори савиядаги хушёрлиги ва жанговар шайлигини таъминлашдир.

КИЧИК КАЛИБРЛИ АРТИЛЛЕРИЯ (МАЛОКАЛИБЕРНАЯ АРТИЛЛЕРИЯ) Стволли артиллериянинг калибри 20-75 мм келадиган тўплари.

Кичик калибрли артиллерия жумласига, катта тезликда ўт очувчи (ўт очиш суръати битта ствол учун дақиқада 1000 донагача ўк), нишонни кидириш ва кузатиб бориш, координаталарини аниқлаш ва тўпни автоматик тарзда йўллаш қурилма ва жиҳозлари билан таъминланган – автоматик зенит ва авиацияга ўрнатиладиган тўплар киради.

КИЧИК КАЛИБРЛИ ЎҚЛИ ҚУРОЛ (МАЛОКАЛИБЕРНОЕ СТРЕЛКОВОЕ ОРУЖИЕ) Калибри 6,5 мм дан кичик, стволли, ўқотар қурол. Бундай қуроллар нишонни автоматик тарзда аниқ уриш ва вазни енгиллаштириш каби сифатларни ошириш зарурати туғилгани боис, II жаҳон уруши йилларидан сўнг ишлаб чиқарила бошланди.

Мазкур қурол спорт қуроли сифатида ҳам қўлланилади.

КИЧИК СЕРЖАНТ (МЛАДШИЙ СЕРЖАНТ) Сержантлар таркибига тааллуқли илк ҳарбий унвон. 1940 йилда таъсис этилган.

Ҳарбий-денгиз флотига ушбу унвонга 2- даража старшинаси унвони мос келади.

КЛАВИШЛАР МАЖМУИ (КЛАВИАТУРА) Бирор механизм (ёзув машинкаси, ҳисоб машиналари кабилар) ёки клавишли мусиқа асбобларида муайян тартибда жойлаштирилган ричаг-клавишлар комплекти.

КЛАПАН (КЛАПАН) Газ ёки суюқликлар сарфини газнинг (суюқликнинг) ўтиш кесими юзини ўзгартириб бошқарадиган қисм ёки қурилма (ички қопқоқ).

Клапаннинг дросселли, сақлагичли, ростланадиган ва бошқа турлари бор.

КОК (КОК) кема ошпази.

КОКАРДА (КОКАРДА) Ҳарбий бош кийимга қадаладиган белгиланган намунадаги фарқловчи нишон. Илк бор ўрта асрларда Европа мамлакатларининг енгил кавалериясида пайдо бўлган.

КОЛЛЕГИЯ (КОЛЛЕГИЯ) 1) раҳбарлик қилувчи, маслаҳат ёки фармойиш берувчи органни ташкил этадиган шахслар гуруҳи (масалан, вазирлик коллегияси, суд коллегияси); 2) бир касбдаги кишиларнинг ихтиёрий уюшмаси (адвокатлар коллегияси).

КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК (КОЛЛЕКТИВНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ) Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш, зарур бўлиб қолган ҳолларда эса – тажовузкор, шу жумладан ҳарбий актларни (ҳаракатларни) бостириш бўйича давлатлар ҳамкорлиги.

Коллектив хавфсизлик тизими умумий универсал (кенг қамровли) халқаро ташкилот (масалан, БМТ, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (КХШТ)) ёки регионал ташкилотлар ва битимлар доирасида амалга оширилиши мумкин.

КОЛЛЕКТОР (электротехник) (КОЛЛЕКТОР) ротори (якори) билан конструктив жиҳатдан бирлаштирилган электр машина боғламаси. Ротор

чулғамали секцияларни туташадиган мис пластиналар (диск, ҳалқа) мажмуи.

Коллектор пластиналари кўзғалмас ток олувчи чўткалар бўйича сирпанади, натижада занжирда электр контакт вужудга келади. Ротор чулғами таъминлаш манбаи ҳисобланади.

КОЛОННА (КОЛОННА) 1) ҳарбий хизматчиларнинг кетма-кетлиги, бўлинмалар (машиналар) эса низомда ёки командир томонидан белгиланган дистанцияларда бирин-кетин жойлашган сафи. Самолётлар (мисол учун, звенолар) колоннаси – жанговар тартиб шаклларида бири-бири; 2) устун; 3) устун шаклидаги ёдгорлик.

КОМАНДА (КОМАНДА) 1) муайян хизматга оид мажбуриятлар ёки бирон-бир ишларни бажариш учун мўлжалланган, уч ва ундан ортиқ кишидан иборат, доимий (штатда кўзда тутилган) ёки вақтинчали ҳарбий ташкилот.

Доимий командалар жумласига: полигон, ўт ўчирувчи ва айрим командалар, кемаларда эса – жанговар қисм ва хизматлар бўлинмалари (мисол учун руль командаси, радиотелеграфистлар командаси) киради.

Фавқулодда вазиятлар тизимида эса – ҳарбийлаштирилмаган тузилмалар асосини ташкил этади;

2) командирнинг (бошлиқнинг) ҳарбий низомларда белгиланган лўнда ифодаланадиган оғзаки буйруғи.

КОМАНДИР (КОМАНДИР) Зиммасига бўлинма, қисм (кема) ёки кўшилмани бошқариш юклатилган – қуролли кучлардаги мансабдор шахс.

Якка бошлиқ ҳисобланиб, унга тобе бўлинманинг (қисмнинг) жанговар ва сафарбарлик шайлиги ҳамда кўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун жавоб беради.

Командир бўйсунувчиларидан низом, буйруқ ва кўрсатмалар талаблари, мажбуриятларини ўз вақтида аниқ бажаришларини талаб этиши, оқилона ташаббускорлиги, тиришқоқлиги, жасорати ва алоҳида хизмат кўрсатган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириши лозим бўлиб, вазифасига совуққонлик билан ёндашган шахслардан масъулият талаб этишга мажбурдир.

Командирнинг мажбурият ва ҳуқуқлари ҳарбий низомларда белгилаб кўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизом низомига мувофиқ командир буйруғи – бўйсунувчилар учун қонун ҳисобланиб, сўзсиз ва аниқ бажарилиши лозим.

КОМАНДИРНИНГ ИШ ХАРИТАСИ (РАБОЧАЯ КАРТА КОМАНДИРА) Шартли ва қисқартма белгилар ёрдамида вазият ва ушбу вазиятнинг жанг (операция) давомида ўзгариши командир (бошлиқ, штаб офицери) томонидан график шаклда тасвирлаш учун мўлжалланган топографик (махсус) харита. Командирнинг иш харитаси ёрдамида:

олинган вазифа англаб олинади;

вазият ўрганиб чиқилиб, баҳоланади;

қарор қабул қилиниб, бўйсунувчиларга жанговар вазифалар кўйилади;

чегарадош бўлинмалар (қисмлар) билан ҳамкорлик ташкил қилинади;

юзага келган вазият катта бошликқа билдирилади ва ҳ.к.

Командирнинг иш харитасидан жанговар хужжатлар, жанговар кўрсатмалар кабиларни ишлаб чиқиш мобайнида фойдаланилади.

КОМАНДИР ЎРИНБОСАРИ (ЗАМЕСТИТЕЛЬ КОМАНДИРА)

Командирга (бошликқа) бевосита бўйсунувчи, тегишли бўлинма, қисм (кема) кўшилма, хизмат, муассаса ва ҳарбий таълим муассасаси шахсий таркиби учун тўғридан-тўғри бошлиқ ҳисобланадиган мансабдор шахс. Қисм командирининг биринчи ўринбосари-штаб бошлиғидан ташқари, тарбиявий ишлар, фронт орти таъминоти ва қурол-аслаҳа (ўқув-услубий ва илмий ишлар) бўйича ўринбосар лавозимлари мавжуд. Одатда, командир ўринбосарининг ҳарбий унвони командирнинг ҳарбий унвонидан бир поғона паст бўлади.

Командир ўринбосарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари низом, қўлланма, йўриқнома ва командир (бошлиқ) кўрсатмалари билан белгиланади.

КОМЕНДАНТ (КОМЕНДАНТ) Турли давлатлар қуролли кучларидаги мансабдор шахс.

Илк бор XVI асрда таъсис этилган.

Ҳарбий комендант лавозими йирик гарнизонлар, темир йўл станциялари, аэропортлар, штаблар, ҳарбий муассасалар, ҳарбий таълим юртларида мавжуд.

Кўшиннинг юриши, ҳаракат мобайнида жойда жойлашиши каби ҳолларда, офицерлар таркибидан, штатдан ташқари йўналиш, ҳудуд, кечув жойи комендантга тайинланиши мумкин.

Гарнизон комендантга ҳар бир гарнизонда тайинланади ва у гарнизон бошлиғига бўйсуниб, унинг номидан кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга. Гарнизон комендантга жамоат жойларидаги ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий интизомга риоя қилиш, гарнизон хизматини ташкил этиш ва юритилишига жавоб беради.

Гарнизон комендантининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровул хизматлари ҳамда Интизом низомларида белгилаб қўйилган.

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ (КОМЕНДАНТСКИЙ ЧАС) Муайян аҳоли пунктида сутканинг белгиланган вақтида махсус рухсатномасиз аҳолининг кўчага чиқиши ман этилган вақт. Комендантлик соати фақат ҳарбий ҳолат шароитидагина ўрнатилади.

КОМЕНДАНТЛИК ХИЗМАТИ (КОМЕНДАНТСКАЯ СЛУЖБА) Кўшинларнинг кўчиб ўтиш, юриш, тўпланиш, ёйилиш, жойлашиш ва жойлашган жойда (ҳудудда) белгиланган тартибга риоя этиш каби амалларни ўз вақтида ва пинҳона бажарилишини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган чора-тадбирлар тизими.

Комендантлик хизмати юриш йўналишлари, кўшин йиғини, жамланиши ва жанговар ҳаракати ҳудудларида, заҳарланган, зарарланган зоналар, сув тўсиғи ва тоғ довларидан ошиб ўтилаётганда қисмлар штаблари томонидан ташкил этилади.

Комендантлик хизматини ташкил этиш мобайнида комендантлик

хизмати жорий этилган ҳудуд, жой ва комендантлик постлари, ҳаракатларни тартибга солиш ва назоратдан ўтказиш постларининг (пунктларининг) иш тартиби белгилаб берилади. Комендантлик хизматига оид мажбуриятларни бажариш учун тегишли комендантлар тайинланади. Ҳаракатларни тартибга солиш ва комендантлик хизматининг штатда кўрсатилган бўлинмаларига тегишли куч ва воситалардан фойдаланилади. Комендантлик хизматининг асосий вазифалари:

- кўшинлар кўчишини тартибга солиш;
- ниқобланиш чораларига риоя этилишини қатъий назорат қилиб бориш;
- орқада қолиб кетган шахсий таркиб, техника ва транспорт воситаларини йиғиш ва ўз қисмларига юбориш;
- юриш йўналишларини кўриқлаш;
- кўпоровчи гуруҳларга қарши кураш.

КОМЕНДАТУРА (КОМЕНДАТУРА) 1) гарнизон (қалъа, порт) ҳарбий коменданти бошқарувининг идораси ва комендант жойлашган бино. Баъзан комендатура атамаси остида – гарнизонлар, темир йўл станциялари, портлар ва аэропортлар ҳарбий комендантларининг идоралари тушунилади; 2) зиммасига аэродромдаги авиация қисмини моддий, аэродромга оид техник ва тиббий жиҳатдан таъминлаш масъулияти юклатилган, ҲХК га мансуб авиацион техник қисм бўлинмаси; 3) чегара кўшинининг бир неча чегара заставаларида ташкил топган ва давлат чегарасининг муайян қисмини муҳофаза этиш учун мўлжалланган бўлинмаси.

Комендатура ўзга ҳолатларда ҳам жорий этилиши мумкин.

КОММУТАТОР (КОММУТАТОР) Керакли чиқиш электр занжирини танлаш ва унга кириш занжирини улашни таъминлайдиган электромеханизм, электрон ёки электрон-нур қурилмаси (қайта улагичлар, улагичлар, тақсимлагичлар).

Танлаш автоматик ёки қўлда бажарилади. Энг оддий электромеханик коммутаторлар рубильниклар (кучли электр тоқларини улаш ва узиш учун хизмат қиладиган мослама), электр магнит релелар, электромеханизм излагичлардан иборат.

Коммутатор анча мураккаб қурилмалар таркибида, масалан телефон станцияларида бўлади.

КОМПАС (КОМПАС) Географик (ҳақиқий) ёки магнит меридианининг йўналишини (курс ёки мўлжалга йўналган йўналишни) аниқлаш учун мўлжалланган асбоб. Магнитли, механик (гидрокомпас), астрономик, радиокомпас ва шу каби компаслар мавжуд.

Магнитли компас иши – магнитлаштирилган милнинг шимол-жануб йўналишидаги магнит меридиани бўйлаб жойлашиш хоссаларига асосланган.

Механик компас иши – эркин осиб қўйилган тез айланувчан роторнинг айланиш ўқи ўз йўналишини ўзгартирмай сақлаб туриши ва географик меридиан текислигида тутиб турилишига асосланган.

Замонавий *гироскопик компас* – мураккаб электрон ва электрон-механик қурилма бўлиб, географик (ҳақиқий) меридиан йўналишини барқарор тарзда $0,1-0,2^0$ га қадар аниқликда кўрсатади.

Астрономик компас осмон жисмини узлуксиз кузатиш йўли билан меридиан йўналишини аниқлайди.

Радиокомпас объектнинг бўйлама ўқи ва радиомаёқ томон мавжуд йўналиш ораларидаги бурчакни ўлчайди. Компас денгизда сузишда, авиация, геодезия топография кон ва ҳарбий ишларида қўлланилади. Самолёт радио пеленгатори. Ердаги узатувчи радиостанциялар (кенг диапазонли радиостанциялар ва радио маёқлар) томон йўналишни автоматик тарзда аниқлайди.

КОМПРЕССОР (КОМПРЕССОР) Бирор газни камида 115 кПа босим остида сикадиган ва узатадиган қурилма. Компрессорлар ишлаш тамойилига кўра насосга ўхшайди.

КОМУФЛЕТ (КОМУФЛЕТ) Снаряд, мина ва шу кабиларни ер остида портлатиш.

КОМУФЛЯЖ (ола-була тус) (КОМУФЛЯЖ) Объектларнинг (танк, тўп, самолёт, кема, бино кабиларнинг) шаклини бузиб, кўз билан оптика орқали кўрганда ва разведка воситалари билан суратга олинганда таниб олишни қийинлаштирувчи, турли тусдаги доғлар босиш, чизиқлар юритиш йўли билан ҳарбийча ниқоблаш усулларида бири.

Комуфляж I ва II жаҳон урушларида кенг кўламда қўлланилган бўлиб, бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган.

КОНВОЙ (КОНВОЙ)¹⁾ Тергов остидаги ва судланувчи ҳарбий хизматчини, ҳарбий суд томонидан судланган ҳарбий хизматчини, интизомий таъзир бериш борасида ҳибсга олинган аскарни (матросни) кўриқлаш ва кузатиб бориш учун мўлжалланган ҳарбий бўлинма (команда, алоҳида ҳарбий хизматчи); 2) ҳарбий транспорт ва савдо кемаларининг денгиздан хавфсиз ўтишини кўриқлаётган ҳарбий кемалар отряди.

КОНВОЙЛИК ХИЗМАТИ (КОНВОЙНАЯ СЛУЖБА) Ман этилган худуд ва давлат чегараларини бузган шахслар, ҳарбий асирлар, ҳибсга олинган ва судланганларни, шунингдек давлатнинг ҳудудий сувларига рухсатсиз кириб келган хорижий кемаларни кўриқлаш ва кузатиб бориш борасидаги вазифаларни бажарувчи махсус хизмат. Конвойлик хизмати ИИВ ички қўшинлари, уруш даврида айрим давлатларда тузиладиган конвойлик батальонлари, армия ва чегара қўшинларига мансуб ҳарбий қисмлардан тайинланган қоровуллар ва конвойлар томонидан амалга оширилади. Конвойлик хизматини ўташнинг муҳим тамойиллари:

қонунчиликка қатъий риоя этиш;

конвойланилаётган шахс ва қўлга олинган хорижий кемаларни ишончли кўриқлаш;

конвойланилаётганларни тайинланган жойга ўз вақтида етказиш;

конвойланилаётганнинг қочиб кетиши ва ўз-ўзини қасддан жароҳатлаши каби жиноятлар содир этишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик;

конвойланилаётган шахс бегоналар томонидан ҳақоратланиши ва унга нисбатан куч ишлатилишига йўл қўймасликдир.

Конвойлик хизмати амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўталаётганлигини назорат қилиш масъулияти тегишли прокуратуралар зиммасига юклатилган.

Конвойлик хизмати қоидаларини бузган ҳарбий хизматчилар “Ҳарбий жиноятлар тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ интизомий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

КОНСЕРВАЦИЯЛАШ (КОНСЕРВАЦИЯ) 1) машина, двигатель ва дастгоҳ кабиларни ишлатилмайдиган даврида эҳтиёт қилиш ва узоқ вақт сақлашдан олдин қўлланиладиган (коррозиядан ҳимоя қилувчи) техник чоралар; 2) ёғочнинг чиришига қарши чидамлигини ошириш мақсадида антисептик воситалар билан ишлов бериш, сиртини куйдириб кўмир қилиш ёки бўйаш; 3) меъморчилик, тарихий-маданий ва археологик ёдгорлик, бадий асар, китоб, ҳужжат кабиларнинг узоқ сақланишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуи.

КОНСТРУКЦИЯ (КОНСТРУКЦИЯ) Бирор қурилма, механизм ва бошқа қисмларнинг тузилиши, жойлашиш тартиби, таркиби, шундай тузилган қурилма, механизм кабилар (масалан, кўприк конструкцияси, темир-бетон конструкцияси).

КОНТАКТ (электротехникада) (КОНТАКТ) Ўтказгичнинг бир-бирига тегиб туриши. Бир-бирига тегиши туфайли электр токи бир ўтказгичдан иккинчисига ўтиши мумкин. Ток ўтказгичларнинг бир-бирига тегиб туриш сирти ёки шундай тегишни (бирикишни) таъминлайдиган мослама.

КОНТЕЙНЕР (КОНТЕЙНЕР) Юкларни турли транспорт воситаларида қоғоз, қоп, яшиқ каби қадоқларсиз ташишга мўлжалланган стандарт идиш.

Контейнер юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаштиришни енгиллаштиради, транспорт воситаларининг ишини унумли қилади, юкларнинг сақланишини яхшилади, транспортнинг тўхтаб туришини камайтиради.

КОРПУС (КОРПУС) 1) аксарият давлатларнинг қуруқликдаги қўшинлари ва қуролли кучларининг айрим турларига мансуб олий тактик ёки оператив тактик қўшилма (бирлашма). Бир неча тактик қўшилма, қўшин турига мансуб ҳарбий қисм ва махсус қўшинлар, бошқарув ва таъминот органларидан ташкил топган. Корпус, бирлашма таркибида ёки мустақил тарзда тактик ва оператив тактик вазифаларни бажариш учун мўлжалланган; 2) машина қисми бўлиб, одатда барча асосий механизмларни ўз ичига мужассамлаштирувчи асос сифатида хизмат қилади; 3) кеманинг назарий чизмаси проекцияларидан бири.

КОСМИК АППАРАТЛАР ОРБИТАЛАРИ (ОРБИТЫ КОСМИЧЕСКИХ АППАРАТОВ) Космик аппаратлар ҳаракатининг траекторияси.

Ёқилган реактив движителлари билан ҳаракатланадиган аппаратлар учун фаол сарҳадлар мавжудлиги билан осмон жисмлари орбиталаридан бўлинади.

Космик аппаратлар орбиталари – доира, эллипс, парабола ёки гипербола шаклига эга. Космик аппарат орбитасининг ҳар бир ҳолати унинг вазифасига боғлиқ ҳолда танланади.

Космик аппаратлар орбитасини ҳисоблаб чиқариш натижасида ҳар қандай вақтда космик аппаратнинг коинотдаги ҳолатини аниқлаш имконияти туғилади. Космик аппаратлар орбиталарини аниқлаш амаллари бошқарувчи-

ўлчов комплекснинг махсус воситалари билан ўтказиладиган орбитал ўлчовлар маълумотларига кўра бажарилади. Космик аппаратнинг кўриб чиқиладиган тортувчи марказга нисбатан ҳаракатига боғлиқ ҳолда орбиталар:

учиб ўтиш орбиталари;

йўлдошлар орбиталари;

кўндириш (пасайтириш) орбиталарига бўлинади.

КОСМИК ҚУРОЛЛАР (КОСМИЧЕСКОЕ ВООРУЖЕНИЕ) Ҳарбий вазифаларни космосда ёки космосда туриб бажариш учун мўлжалланган воситалар, шу жумладан, осмон жисмларида жойлашган воситалар комплекси. Бугунги кунда ядро қуролига эга бирорта ҳам давлат уни космосга жойлаган эмас. Космосда сунъий йўлдошлар тизими мавжудлиги қарши томоннинг қутилмаган тарзда ядровий зарба бериш имконидан маҳрум этиб, стратегик барқарорлик тутиб турилишига омил бўлмоқда. Космик қурол-аслаҳаларнинг асосий элементлари – ҳарбий жиҳатдан фойдаланишга мўлжалланган космик ёки авиацион космик тизимлардир. Уларнинг тузилиши, бортига жойлаштириладиган аппаратларининг русум ва ускуналари – парвоз мобайнида ҳал этадиган масалаларга мувофиқ белгиланади. Ҳарбий соҳада фойдаланишга мўлжалланган, аксарият космик аппаратлар, космик парвоз шароитида давомли ишлай олиш қобилиятига эгадир. Бундай аппаратлар сифатида Ернинг автоматик сунъий йўлдошлари, бошқарилувчи космик кема, авиацион-космик аппарат, орбитал космик станция каби – космик аппаратлардан фойдаланиш мумкин. Космик қуролнинг ўзига хос хавфи, ушбу хавфнинг оммавийлигида, яъни: қурол билан орбиталарда манёврлар бажариш имкониятининг мавжудлиги ва Ер шарининг ҳар қандай нуқтаси устида пайдо бўлиши; парвозга кам вақт сарфланиши деярли оний ҳаракатга тушишида ифодаланади. Космик қуролларнинг инсон иштирокисиз автоматик тарзда қўлланиши назарда тутилган. Айни шу жиҳати унинг ўта хавфли эканлигидан далолат беради. Негаки энг мукамал ва бенуқсон механизм ва тизимлар ҳам қутилмаган фурсатда ишдан чиқиб, сохта тревога юзага келиши, натижада ядровий ҳалокат рўй беришига олиб келади. Тизимларнинг янги физик-кимёвий асосларда яратилаётганлиги эса олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин.

КРИПТОГРАФИЯ (КРИПТОГРАФИЯ) 1) махфий ёзув. Матннинг ёзув тизимини бегона шахсларнинг тушунмаслиги учун ўзгартиш; 2) Палеографиянинг (қадимги қўл ёзмаларнинг хати ва ташқи кўринишларини ўрганувчи фаннинг) махфий ёзув тизими графикасини ўрганувчи тармоғи.

КУБРИК (КУБРИК) Кеманинг асосий палубаси остида жойлашган, матрос ва старшиналарнинг умумий яшаши учун мўлжалланган хона.

КУЗАТУВ ДОИРАСИ (ПОЛОСА НАБЛЮДЕНИЯ) Сарҳадида душманни кузатиш амаллари юритиладиган, душман кучи, восита ва ҳаракатлари каби маълумотлар олиш учун мўлжалланган – жойнинг ҳаво бўшлиғи билан биргаликдаги чегараси. Кузатув чегарасининг ўнг ва чап томонлари жойлик жисмлар (мўлжаллар) билан, узоклиги эса

фойдаланилаётган кузатув воситаларининг имкониятлари билан чекланади.

КУЗАТУВ ЖУРНАЛИ (ЖУРНАЛ НАБЛЮДЕНИЯ) Душман ҳаракатлари, ҳудудидаги объектлар, ўт очиш воситалари кабиларни кузатиш натижалари ёзиб бориладиган, ҳисобот-ахборот мазмунидаги ҳужжат.

Жангнинг барча турларида, кузатув пункти ва постида юритилади.

КУЗАТУВ ПУНКТИ (НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ ПУНКТ) Командирлар, штаб офицерлари ва кузатувчилар томонидан жанг майдонида душманни ва кўшинларимиз ҳаракатларини кузатиш, бўлинмаларимизни бошқариш учун мўлжалланган (окопдаги ёки жиҳозланган истехкомдаги) жой.

Ҳужум пайтида кузатув пункти ҳаракатчан зирҳли воситаларда (вертолёт ва танк кабиларда) жиҳозланиши мумкин. Кузатув натижалари кузатув журналида акс эттирилиб борилади.

КУЗАТУВЧИ (НАБЛЮДАТЕЛЬ) Душманни, кўшинларимиз ҳолати ва ҳаракатларини кузатиб туриш, шунингдек жой, об-ҳаво кабиларни ўрганиб бориш учун тайинланган ҳарбий хизматчи.

Кўриш ва эшитиш қобилиятлари яхши ривожланган, жойдаги мўлжалларга қараб моҳирона илгарилайдиган, разведка бўлинмалари, шунингдек ўзга кўшин (куч) турига мансуб бўлинмаларнинг аскар ва сержантлар, зарур бўлган ҳолларда – офицерлар таркибидан тайинланади.

КУЛАЧОК (КУЛАЧОК) Машина ва механизмларнинг пластина, диск ёки цилиндр кўринишидаги қисми. Иш бажарувчи механизм тутқичини берилган қонун бўйича ҳаракатлантирадиган шаклдор иш юзасига эга бўлади.

КУЛАЧОКЛИ МЕХАНИЗМ (КУЛАЧКОВЫЙ МЕХАНИЗМ) Қўзғалувчан звеноси (кулачоги) бошқа қўзғалувчан звено (туртқич) билан ўзаро таъсирланадиган механизм. Кулачокли механизм ҳаракатнинг деярли ҳар қандай (аввал берилган) қонунини амалга оширади.

КУН ТАРТИБИ (РАСПОРЯДОК ДНЯ) Шахсий таркибнинг кундалик хизмати, таълим олиши ва маиший ҳаётини тартибга солиш мақсадида сутка вақтининг ҳарбий қисмдаги (кемадаги) тақсимооти. Қисм командири томонидан жорий этилиб, махсус ҳужжат шаклида расмийлаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари кун тартибида:

уйғониш;

эрталабки бадантарбия;

ювиниш;

эрталабки кўрик;

ўқув машқлари;

овқатланиш;

қурол-аслаҳа, жанговар ва ўзга техникага хизмат кўрсатиш;

мустақил тайёргарлик;

оммавий-спорт тадбирлари;

тарбиявий ишлар ўтказиш вақтлари кўзда тутилган.

Кун тартибида, шунингдек шахсий таркибнинг шахсий эҳтиёжлари, кечки сайил, кечки йўқлама ўтказиш ва уйқу учун 8 соат вақт белгиланган. Кун тартибига риоя этилаётганини назорат қилиб бориш, қисм (кема) бўйича

навбатчи ва бўлинмалардаги навбатчилар зиммасига юклатилган.

КУРС (КУРС) 1) кема, самолётнинг ҳаракат йўналиши; 2) бирор фан ёки унинг бирор қисмининг тўлиқ баёни (масалан, физика курси); 3) олий ўқув юрти, техникумда таълим олиш босқичи (масалан, 1- курс, 2- курс); 4) даволаш муолажасининг тугалланган даври (даволаш курси).

КУРСАНТ (КУРСАНТ) Ўқув бўлинмалари, сержантлар тайёрлаш мактаблари ва олий ҳарбий-таълим муассасасида таҳсил кўраётган оддий аскар ва сержантлар таркибига мансуб ҳарбий хизматчи. Курсантнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари умумқўшин ва махсус низомларда, шунингдек ҳарбий ўқув муассаса вакиллигидаги давлат билан тузган шартномасида белгиланади.

КУЧ НАМОЙИШИ (ДЕМОНСТРАЦИЯ СИЛЫ) Бирон-бир давлат (давлатлар гуруҳи) қуролли кучлари томонидан ўзга давлатга (давлатлар гуруҳига) қарши сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий тазйиқ ўтказиш мақсадида намоёйиш этилаётган таҳдид солувчи ҳаракат.

Қуролли кучлар жанговар шайлигини ошириш, давлат чегарасига яқинлаштириб ёйиш, манёвр, машқ, жанговар самолётлар парвози каби тадбирларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

КЎМАКЧИ АСБОБ-УСКУНА (ШАНЦЕВЫЙ ИНСТРУМЕНТ) Белкурак, болта, арра, мисранг, чўкич (метин-сўқа) ва қўшин томонидан қурилиш ишларини бажариш учун фойдаланадиган ўзга асбоб-ускуна. Аслаҳа анжоми таркибига киритилган бўлиб, олиб юрилувчи ва ташилувчи турларга бўлинади.

КЎНГИЛЛИ (ДОБРОВОЛЕЦ) Ҳарбий хизматга муайян муддатга ёки урушнинг бошидан охиригача ўз истаги билан келган шахс – шартнома бўйича ҳарбий хизматчи.

Лавозими ҳарбий хизматга келганида, мавжуд штатга кўра белгиланади. Ҳарбий хизматга белгилаш борасидаги ҳужжатлар мудофаа ишлари бўлимида расмийлаштирилади.

КЎПРИК (МОСТ) Бирор тўсиқ орқали йўл ўтказиш учун қурилган иншоот. Муҳим элементлари – таянчлар (устунлар ва тиргаклар) ва тўсин қурилмалари. Дарё ва бошқа сув йўллари орқали ўтказилган кўприклар, сувсиз тўсиқлардан ўтказилган кўприклар (виадук ва эстакадалар), йўллардан ўтказилган кўприклар (йўлкўприклар) бор. Вазифасига қараб, кўприкнинг автомобиль йўллари, темир йўл, йўловчилар ўтадиган, аралаш ва бошқа хиллари, асосан конструкцияси ва қўлланилган ашёга қараб, тош, темир-бетон, пўлат, ёғоч кўприклар бўлади. Тўсин қурилмаларининг конструктив чизмасига қараб, кўприк балкали, аркали, рамали, осма консолли, аралаш турларга бўлинади. Кўприкнинг алоҳида гуруҳига сузиб юрувчи, ажраладиган ва қисмларга ажратиладиган йиғма кўприклар киради.

КЎРГАЗМАЛИ ТАШВИҚОТ (НАГЛЯДНАЯ АГИТАЦИЯ) Тасвирий воситалар (шиор, плакат, расм, диаграмма, панно, фотомонтаж, фоторўзнома кабилар) орқали оммага сиёсий таъсир ўтказиш шакли. Кўргазмали ташвиқотнинг асосий тамойиллари:

долзарблик;

тезкорлик;
 ҳис-туйғули ифодаланиш;
 тушунарли бўлиш;
 мавзунинг аниқлигидир.

Кўргазмали ташвиқотга ижтимоий-сиёсий ахборот бериш хоналари, клублар, кутубхоналар, ҳарбий шаҳарчалар ҳудудлари, яшаш ва хизмат ўташ хоналарини жиҳозлаш мобайнида катта эътибор қаратилади.

ЛАГЕРЬ (ЛАГЕРЬ) Қўшиннинг аҳоли пунктдан ташқарида жойлашиб ҳаёт кечирishi, жанговар ва ўқув вазифаларни бажариши учун махсус танланган, жиҳозланган жой.

ЛАГЕРЬ ЙИҒИНИ (ЛАГЕРНЫЙ СБОР) Шахсий таркибга дала шароитида таълимот бериш мақсадида қисм ўқув марказида ўтказиладиган йиғин. Қўшинни дала йиғинига чиқариш тартиби ва ўтказилишининг ташкилий томонлари – жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик режаси ёки катта командир (бошлик) кўрсатмаси билан белгиланади. Лагерь йиғини давомида, қўшиннинг жанговар тайёргарлиги мобайнидаги асосий эътибор:

шахсий таркибга қурол ва техникани амалий бошқариш кўникмаларини сингдириш;

тактик вазифалар бажарилишини машқ қилиш;

қисмлар (бўлинмалар) ҳаракатларидаги ўзаро ҳамкорлик, яқдиллик ва уюшқоқликни такомиллаштириш;

бўлинмаларнинг дала шароитида бошқарилишига қаратилади.

ЛАГЕРЬ ХИЗМАТИ (ЛАГЕРНАЯ СЛУЖБА) Қўшиннинг лагерь ва ўқув марказида жойлашиши мобайнида ташкил этиладиган ички хизмат тури. Қўшиннинг дала кўникмаси манфаатлари ва лагерь шароитидан тўла-тўқис фойдаланиш мақсадида ички тартибни ўрнатиш ва тутиб туриш борасида амалга ошириладиган тадбирлар.

ЛАЗАРЕТ (ЛАЗАРЕТ) Ҳарбий қисм (кема) ва ҳарбий таълим муассасасининг даволаш маскани ёки госпиталь туридаги мустақил даволаш муассасаси.

ЛАМПАСЛАР (ЛАМПАСЫ) Шимнинг ён чоклари бўйлаб, туси шим тусидан фарқланиб турувчи, рангли мовутдан тайёрланган кенг мағизлар.

Маршал, генерал ва тарбияланувчиларнинг фарқловчи нишони.

ЛЕЙТЕНАНТ (ЛЕЙТЕНАНТ) Кичик офицерлар таркибига мансуб ҳарбий унвон.

Илк бор XV асрда Францияда таъсис этилган. 1701 йилдан 1917 йилга қадар фақат ҳарбий-денгиз флотида бўлган. Қўшинлар учун 1935 йил 22 сентябрь куни таъсис этилган.

Ушбу унвон ҳарбий билим юртларини яқунлаган ҳарбий хизматчилар ва фуқаролар олий ўқув билим юртида ҳарбий тайёргарликдан ўтган ҳарбий хизматга мажбур шахсларга берилади.

ЛОКАТОР (ЛОКАТОР) Акс этиб келаётган узатилган электр магнит ёки товуш тўлқинлари ёхуд объектнинг ўзидан таралаётган нурланишга кўра объект жойлашган жойни аниқлаш учун мўлжалланган қурилма. Локаторлар:

тўлқинларининг физик табиатида кўра – оптик, гидро ва радиолокация

станцияси локаторига;

ўрнатиладиган жойларига кўра – сунъий йўлдош, самолёт ва кемаларга ҳамда ер юзасига ўрнатиладиган локаторга бўлинади. Замонавий локатор, одатда:

тебранишларни тебранишлар генераторидан нурлаш ва тутиш учун мўлжалланган антенна;

нурланган объектдан акс этиб келаётган тебранишларни қабулқилгич;

фош этилган объект хусусиятларини кўрсатувчи индикатор;

электр манбаи;

локатор ишини бошқариш тизимларидан ташкил топган.

ЛЮФТ (ЛЮФТ) Машина қисмларининг туташувчи юзалари орасидаги тирқиш. Люфт белгиланган меъёрдан катта ёки кичик бўлмаслиги керак. Автомобилнинг руль бошқармаси механизмидаги люфт катталигини аниқлайдиган асбоб люфтомер деб аталади.

МАГНИТЛИ АНТЕННА (МАГНИТНАЯ АНТЕННА) Ўзаги магнит ашёлардан ясалган рамали (одатда кўп ўрамали) антенна. Бунда ашё сифатида, кўпинча магнитодиэлектриклар ёки ферритлардан фойдаланилади. Магнитли антенна радиопеленгация, радионавигация қурилмаларида ва айниқса, ихчам радиоқабулқилгичларда ишлатилади.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР (КУЛЬТУРНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬ-НАЯ РАБОТА) Командир, тарбиявий ишлар органи ва жамоат ташкилотлари томонидан шахсий таркиб, Қуроли Кучлар ишчи ва хизматчиларига онг-билим бериш ва тарбиялаш борасида ўтказиладиган тадбирлар тизими. Қуроли Кучларда ўтказиладиган мафкуравий ишларнинг таркибий қисми. Маданий-маърифий ишларнинг таянч пунктлари сифатида офицерлар уйи, клуб, кутубхона, музей, театр, ансамбль, оркестр кабилар хизмат қилади.

МАЁҚ (МАЯК) Денгизда қирғоқнинг чиқиб турувчи қисмларига, дарёнинг қуйилиш жойлари, қоялар, саёз жойларга қуриладиган минорасимон иншоот. Кемалар қатновида мўлжал бўлиб хизмат қилади. Ёруғлик тизими, шунингдек бошқа сигналловчи воситалар (сирена, диафон кабилар), радиотехник қурилмалар билан жиҳозланади.

МАЙОР (МАЙОР) Аксарият давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг катта офицерлар тоифасига мансуб ҳарбий унвон. Илк бор 1698-1884 йилларда мавжуд бўлган эди. Бугунги кундаги майор унвони 1935 йил 22 сентябрь куни таъсис этилган.

МАЛАКА (КВАЛИФИКАЦИЯ) 1) бирор нарсанинг сифатини белгилаш, бирор нарсани баҳолаш; 2) муайян меҳнат турига тайёргарлик, яроғлик даражаси, маҳорат; 3) касб, ихтисос (масалан, мерганлик малакаси).

МАЛАКА ДАРАЖАСИ (КЛАССНАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ) Ҳарбий мутахассислик қай даражада ўзлаштириб олинганлигини белгилаб берувчи – ҳарбий хизматчининг савия кўрсаткичи.

Малака даражаси белгиланадиган лавозим ва мутахассисликлар рўйхати, ҳарбий хизматчининг малака даражасини белгилаш ва тасдиқлаш тартиби махсус низомларда белгиланган. Юқори малака даражасига эга ҳарбий хизматчилар хизмат поғонаси бўйича кўтарилиш, ҳарбий таълим

муассасаларига кириш мобайнида ўрнатилган имтиёзлардан фойдаланади. Бундан ташқари малака даражаси учун ҳар ойда пул мукофоти берилади.

МАЛАКАЛИ МЕХНАТ (мураккаб меҳнат) (КВАЛИФИЦИРОВАННЫЙ ТРУД) Муайян иш турини бажариш учун махсус тайёргарликни, ходимда кўникма, маҳорат ва билим бўлишини талаб қилувчи меҳнат. Вақт бирлигида малакасиз меҳнатга қараганда кўпроқ қиймат яратади.

МАМЛАКАТНИНГ ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФААСИ (ПРОТИВОВОЗДУШНАЯ ОБОРОНА СТРАНЫ) Давлат тасарруфидаги ишлаб чиқариш худудлари, маъмурий-сиёсий марказлар, аҳоли, қўшин гуруҳлари, ҳарбий аҳамиятга эга ва шу каби объектларни ҳаводан яқсон этилишидан ҳимоялаш мақсадида, умумдавлат миқёсида ўтказиладиган тадбирлар ва қўшинлар томонидан юритиладиган жанговар ҳаракатлар мажмуи. Ҳаво ҳужумидан мудофаа этиш тадбирлари ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари томонидан Қуролли Кучларнинг бошқа турлари билан ҳамкорликда амалга оширилади. Мамлакатнинг ҳаво ҳужумидан мудофааси тадбирлари:

ҳаво душманини разведка қилиш, у ҳақда қўшинлар ва объектларни хабардор этиш;

қирувчи авиацияли ва ракета-артиллерияли ҳимоя тизимлари;

радиоэлектрон курашни ташкил этиш;

стратегик ва тактик жиҳатдан ниқобланиш;

бошқарув тизими кабилардан иборатдир.

Мамлакатнинг ҳаво ҳужумидан мудофааси ҳаводаги душман ҳаракатининг эҳтимолий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Мамлакатни ҳаво ҳужумидан бугунги кундаги мудофаасида товуш тезлигидан тез парвоз этувчи қирувчи-тутувчи самолётлар билан таъминланган ҳаво ҳужумидан мудофаа авиацияси ва жанговар ҳаракатлари радиотехник қўшинлар томонидан таъминланадиган зенит-ракетали қисмлар муҳим ўрин эгаллайди.

МАНГУ ОЛОВ (ВЕЧНЫЙ ОГОНЬ) Ватан мустақиллиги ва озодлиги йўлида ўз ҳаётини фидо этганлар сиймоси ва авлодларнинг мангу миннатдорчилиги рамзи. Ҳайкал, монумент, ёдгорлик ва мемориал комплекслар олдида ёқилади.

МАНЁВР (МАНЕВР) Қўшиннинг жанговар ҳаракатлари жараёнида манёвр қуйидагиларни англатади:

душманга нисбатан самарали ҳолатни эгаллаш ҳамда куч ва воситаларнинг зарурий гуруҳларини ташкил этиш мақсадида – тез ва уюшқоқ ҳаракатланиши;

душманнинг ўта муҳим объектларига қарата ўтказиладиган таъсирни ёпирилган тарзда бажариш ёки янги пайдо бўлган нишонларни йўқ қилиш учун – оловни (авиация ҳаракатлари ва ракета қўшинлари зарбаларини) кўчириб ўтиш.

Манёвр ёрдамида:

ҳужум давомида – бир йўналишда олиб бориладиган ҳаракатларни ўзга

йўналишга олиб ўтиш, душманни қуршаб олиш ва шу каби амаллар;

мудофаа жараёнида – хавфли йўналишларни куч ва воситалар билан кучайтириш, душман зарбасига жавобан зарба бериш учун гуруҳлар ташкил этиш каби амаллар бажарилади.

Манёвр, душман қанотини сиқувга олиш ёки уни айланиб ўтиш, зарурат туғилганда эса, самарали маррага қадар чекиниш йўли билан амалга оширилади. Иштирок этаётган қўшин (куч) миқдори ва бажараётган вазифага мувофиқ:

стратегик;

оператив;

тактик манёврлар бўлиши мумкин.

МАНЖЕТА (МАНЖЕТА) Машинанинг, одатда халқа кўринишидаги зичлаш қисми. Суюқлик ёки газнинг бир бўшлиқдан иккинчисига оқиб ўтишига (оқиб чиқишига), чанг ёки газларнинг иш бўшлиғига киришига йўл қўймайди.

МАНОМЕТР (МАНОМЕТР) Суюқлик ва газлар босимини ўлчайдиган асбоб. Сезгир элементининг конструкциясига қараб манометр суюқликли, поршенли, деформацияли ёки пружинали (кувурчали, мембранали, сильфонли) бўлади. Манометрда баъзи физик миқдорларнинг (масалан, электр токи кучининг) босимга боғлиқлигидан ҳам фойдаланилади. Турлари: мутлақ босим манометрлари (бирор тизим босими билан атмосфера босими орасидаги фарқни ўлчайди), барометрлар, дифманометрлар, вакуумметрлар.

МАРДЛИК (МУЖЕСТВО) Ҳарбий хизматчининг мураккаб, хавфли вазиятларда ўзини тута билиш, матонатини сақлаб қолиш, жасорат, жасурлик ва қаҳрамонлик намоён этиш қобилиятини тавсифловчи ахлоқий-руҳий ва жанговар сифатлари.

Инсоннинг хавфли ва мураккаб вазиятларда қатъий ва самарали ҳаракатланиш қобилияти, олдида турган мақсадга эришиш учун бор кучини сафарбар эта олиши, зарур бўлса ҳаётини фидо қилиш билан ифодаланади.

Мардликнинг юқори чўққиси – қаҳрамонликдир.

Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, дала (хаво, денгиз) таълимоти давомида, ҳарбий хизматчида ахлоқий-жанговар сифатлар мунтазам шаклланиб, мардонавор хулқ-атвор тажрибаси йиғилиб боради.

Жанговар вазиятларга яқинлаштирилган шароитда сабоқ олар экан, ҳарбий хизматчи, тинчлик давридаёқ қийинчиликларни енгиб ўтиш, хавфли, мураккаб ва қизгин вазиятларда муваффақиятли ҳаракатланиш қобилиятларига эга бўлади.

Ҳарбий хизматчининг мардонавор хулқига муҳим омил сифатида, унинг юксак ҳарбий маҳорати, жанговар техникани моҳирона бошқариши ва қурол-яроғни усталик билан қўллаш олиши, яхши умумий илмий, ҳарбий техник ва махсус тайёргарликлари, иш кўзини билган ҳолда қарор қабул қилиши, ишонч ва қатъийлик билан вазмин ҳаракатланишини таъминлайди.

МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ СПОРТ КЛУБИ (ЦЕНТРАЛЬНЫЙ СПОРТИВНЫЙ КЛУБ АРМИИ) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида жисмоний маданият ва спортни ривожлантириш, тарғиб этиш,

спортчилар ва юқори тоифали командалар тайёрлаш, ҳарбий округ, кўшилма ва қисмларга оммавий-спорт ишларини ташкил этишда кўмак бериш учун мўлжалланган ўқув-услубий марказ.

МАРШ (МАРШ) Вазифаларни бажаришга жанговар жиҳатдан тўла шай ҳолатда тайинланган ҳудуд ёки кўрсатилган маррага белгиланган вақтда етиб бориш мақсадида, кўшиннинг транспорт воситалари, жанговар машиналар ёхуд пиёда колонналарида ташкил этилган олға силжиши. Маршнинг асосий кўрсаткичлари:

узоқлик;

давомийлик;

ҳаракат учун ажратилган йўналишлар сони ва кенглиги;

суткада босиб ўтиладиган йўлнинг ўртача катталиги;

кўшинлар ҳаракатининг марш тезлиги. Марш тезлиги, одатда:

автомобиль колоннаси учун – соатига 40 км;

кўшма колонна учун – соатига 30 км;

пиёда ҳаракатланганда – соатига 4-5 км тезликда амалга оширилади.

Марш жанговар вазиятда имкон қадар максимал тезликларда амалга оширилади.

МАРШАЛ (МАРШАЛ) Айрим давлатлар қуролли кучларидаги олий ҳарбий унвон. Илк бор XVI асрда Францияда таъсис этилган.

МАРШ ТЕЗЛИГИ (МАРШЕВАЯ СКОРОСТЬ) Маршдаги кўшинлар ҳаракатининг ўртача тезлиги (бир соат ёки сутка давомида босиб ўтилган километрлар миқдорида ўлчанади). Марш тезлиги муайян шароит, ҳудуд ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

МАСОФАЛИ БОШҚАРУВ (ДИСТАНЦИОННОЕ УПРАВЛЕНИЕ) Объектларни (аппарат, машина ёки техник тизимларни) узоқдан туриб бошқариш. Бунда ҳар қайси объектга алоҳида алоқа линияси (йўллари) орқали сигналлар юбориб турилади.

МАСОФА ЎЛЧАГИЧ (ДАЛЬНОМЕР) масофани, бевосита ўлчов ишларини ўтказмай, жойда аниқлаш учун мўлжалланган асбоб.

Артиллериядан ўт очиш, бомба улоқтириш, топографик ўлчовлар ўтказиш, навигация, муҳандислик геодезияси, астрономик ўлчовлар, суратга олиш амаллари бажарилаётганда фойдаланилади.

Акустик, лазерли, оптик, радио ва ёруғлик ёрдамида масофа ўлчагичлар, ишлаш тамойилига кўра эса – фаол ва пассив масофа ўлчагичлар мавжуд.

МАТОНАТ (СТОЙКОСТЬ) Жангчининг ўта хавфли шароитда жанговар вазифани бажаришни давом этиши учун руҳи ва қобилиятини сақлаб қолиш имконини берувчи ахлоқий-руҳий ва жанговар сифатлари. Матонат бурчни онг билан англаш, кучли ирода, мардлик ва маҳорат каби сифатлар ва жамоатчилик олдидаги масъулиятни сезиш сингари хислатлар билан узвий боғлиқдир.

МАТРОС (МАТРОС) Ҳарбий-денгиз флоти оддий аскарлари таркибига мансуб шахсининг 1946 йилда таъсис этилган ҳарбий унвони. Матрос фуқаролик денгиз (дарё) флотиди (савдо флотиди) – лавозим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги Амударё флотилиясида матрос

унвони мавжуд.

МАУЗЕР (МАУЗЕР) Биринчи кудратли автоматик пистолет намуналаридан бири. Немис ўқотар қурол ихтирочилари – ака-ука Вильгельм ва Пауль Маузерлар шарафига берилган ном. Маузер пистолети қисм ва механизмлари ишининг тамойилда – қурол стволининг қисқа юриши мобайнида затвор билан ствол юзага келтирадиган тепиш кучига асосланган. Маузер 6 ва 10 дона патрон сиғадиган ажралмас ва 20 дона патронга мўлжалланган бириктириладиган ўқдонга эга эди. 1920 йилларга қадар қўлланилган.

МАФКУРАВИЙ ИШ (ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ РАБОТА) Ватан мустақиллигини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси жангчиларининг илмий дунёқараши, ҳуқуқий онги, юксак ахлоқий-сиёсий ва жанговар сифатларини шакллантиришга йўналтирилган қўмондон, командир ва бошлиқлар, ҳарбий кенгаш ва тарбиявий ишлар органлари, шу жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг жамоат ташкилотлари томонидан (худудий ташкилотлар билан ҳамкорликда) амалга ошириладиган фаолият. Ушбу иш мазмунан – назарий, ташвиқий, тарғибот, маданий-маърифий соҳаларни камраб олади. Мафкуравий ишнинг асосий тамойиллари:

илмий асосланган;

душман мафкурасига нисбатан муросасиз;

ҳаққоний;

ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқ;

тушуниш осон;

уйғунлаштирилган ва табақаларбоп;

тезкор ва узлуксиз бўлиши лозим.

Мафкуравий иш замонавий ҳарбий доктрина муаммолари ва ҳарбий курилиш тамойилларини илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш, қуролли кучлар шахсий таркиби тайёргарлигининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий томонларини тадқиқот этишга йўналтирилган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида юритилаётган мафкуравий ишлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан бошқарилади.

МАХСУС ИШЛОВ БЕРИШ ПУНКТИ (ПУНКТ СПЕЦИАЛЬНОЙ ОБРАБОТКИ) Ҳарбий техника, қурол-аслаҳа ва транспорт воситаларини дегазация, дезактивация ва дезинфекциядан ўтказиш, шахсий таркибга санитар ишлов бериш учун мўлжалланган жой.

МАХСУС КИЙИМ (ОДЕЖДА СПЕЦИАЛЬНАЯ) Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий техникага хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш, омборхона, аэродром, парк каби жойларда ишлаш мобайнида, шунингдек душман фош этиши эҳтимоли мавжуд шароитда ҳамда зарарланган жойларда кийиб юриш учун мўлжалланган –ҳарбий кийим буюмлари. Махсус кийимлар:

умумий фойдаланиш учун – комбинезон, камзул, шлём ва этиклар;

ниқобловчи – костюм ва халатлар;

сақловчи – плаш, фартук каби турларга бўлинади.

Ҳарбий хизматчи махсус кийим билан ихтисоси, фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва шароитига қараб таъминланади.

МАХСУС МАШИНАЛАР (СПЕЦИАЛЬНЫЕ МАШИНЫ) Қўшин ва қуроллар ҳамда қўшинларнинг жанговар ҳаракатини таъминловчи аппаратларни бошқарувчи махсус ускуналар ўрнатилган машиналар. Махсус машиналар жумласига:

жанговар ҳаракатларни бошқарувчи машиналар;

жанговар таъминот машиналари;

қуролли кучлар фронт орти таъминоти машиналари;

техник хизмат кўрсатиш машиналари каби машиналар киради.

Сузувчи махсус машиналар сув пурковчи движителлар билан ускуналанган.

МАХСУС ҚЎШИНЛАР (СПЕЦИАЛЬНЫЕ ВОЙСКА) Қуролли кучларнинг жанговар ва кундалик фаолиятини таъминлаш борасида махсус вазифалар бажариш учун мўлжалланган ҳарбий қисм ва бўлинмалар.

Махсус қўшинлар жумласига: муҳандислик қўшинлари; алоқа қўшинлари; кимё қўшинлари; радиотехник қисмлар; топогеодезия бўлинмалари киради.

Қуролли кучлар фронт орти таркибига: йўлсозлик қўшинлари; автомобиль қўшинлари; темир йўл қўшинлари; қувур ётқизувчи қўшинлар каби махсус қўшинлар киради.

МАШИНА (МАШИНА) Энергия, ашёлар ёки ахборотни ўзгартириш мақсадида механик ҳаракат бажарувчи қурилма. Машинанинг турлари:

исталган энергияни механик энергияга ва аксинча, механик энергияни бошқа энергияга айлантирувчи энергетик машина;

ашёнинг (ишлов бериладиган нарсанинг) шакли, хоссаси, ҳолатини ўзгартирадиган (шу жумладан технологик) иш машинаси;

ашёнинг (силжийдиган нарсанинг) вазиятини ўзгартирадиган транспорт машинаси;

ахборот машинаси (шифрлаш машинаси, арифмометрлар, механик интеграторлар);

механик ҳаракатдан фақат ёрдамчи операцияларни бажариш учун фойдаланадиган ҳисоблаш машинаси (электрон ҳисоблаш машинаси).

МАШИНАЛАРНИНГ ЮРГИЗУВЧИ ҚИСМИ (ХОДОВАЯ ЧАСТЬ МАШИНЫ) Транспорт ва жанговар машиналарнинг юриши ва юриш давомида турғунлигини таъминлайдиган, тебранишларини сўндирадиган ва равон ҳаракатлантирадиган движителлар ҳамда бириктирилган, мустаҳкамланган, қотирилган воситалар мажмуи. Масалан, автомобилнинг юргизувчи қисмига ўқ ва ғилдираклар, қотирилган ускуналар киради. Машиналарнинг юргизувчи қисми яратилаётганида:

машинанинг турғунлиги ва мураккаб йўлларда юра олиши;

машина деталларининг емирилишга қарши юксак чидамлилиги;

машина ишининг ишончилиги;

машинага хизмат кўрсатилишининг соддалиги;

жанговар машиналар учун жанговар жиҳатдан бардошлилиги каби

талаблар кўйилади.

МАШҚ (ТРЕНИРОВКА) Аскарый амалларнинг ўзлаштирилишини мустаҳкамлаш, такомиллаштириш ва автоматик даражада бажаришга эришиш мақсадида таҳсил кўрувчиларнинг услуб ва ҳаракатларни қайта-қайта такрорлашлари.

МАЪЛУМОТ (ДОНЕСЕНИЕ) Юқори поғонадаги командир (бошлиқ) ёки штабни муайян маълумот билан хабардор қилиш учун мўлжалланган жанговар ёки хизматга оид ҳисобот-маълумот мазмунидаги ҳужжат.

Уруш ва тинчлик даврларида тақдим этилади. Жанговар вазиятда, одатда жанговар маълумот берилиб, ушбу маълумотда жанговар вазифа бажарилишининг жараёни, душман амалга ошираётган ҳаракатлар, тегишли командир қарори, кўшинлар ҳолати ва таъминланганлик даражаси каби масалалар акс эттирилади.

Бундан ташқари кўшинлар ҳаракатини таъминлаш турига кўра разведка маълумотлари, муҳандислик ва кимёвий таъминот каби маълумотлар ишлаб чиқилади.

Алоқа тизими ва воситаларининг ҳолати – алоқа бўйича маълумотда акс эттирилади.

Тақдим этиш муддатига кўра маълумотлар навбатдаги ва навбатдан ташқари маълумотларга бўлинади. Навбатдаги маълумотлар, одатда маълумотлар навбатининг жадвалида (*маълумотлар навбатининг жадвали атамасига қаранг*) кўрсатилган муддатда, навбатдан ташқари маълумотлар эса вазият кескин ўзгарган ҳолларда бўйсунувчининг ташаббуси билан ёки юқори поғонадаги командир (бошлиқ) талабига мувофиқ тақдим этилади.

МАЪЛУМОТ (ОБРАЗОВАНИЕ) Тизимлаштирилган билим, кўникма ва малакага эга бўлиш. Маълумотли бўлишнинг асосий йўли билим юртларида ўқиш бўлиб, бу ерда таълим ва тарбия кўшиб олиб борилади. Маълумот олишда мустақил ўқиш-ўрганиш, маданий-маърифий ишлар, ижтимоий меҳнат фаолиятида қатнашишнинг ҳам аҳамияти катта.

МАЪЛУМОТЛАР НАВБАТИНИНГ ЖАДВАЛИ (ТАБЕЛЬ СРОЧНЫХ ДОНЕСЕНИЙ) Юқори поғонадаги командирга бериладиган маълумот, хабар, ҳисобот каби ҳужжатлар рўйхати ва ушбу ҳужжатларни тақдим этиш тартибини белгилаб берувчи ҳужжат. Ушбу ҳужжатда ким, қачон, кимга, қайси алоқа воситасидан фойдаланган тарзда, қандай шаклда ва нима ҳақида билдирув бериш лозимлиги кўрсатилади.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК (АДМИНИСТРАТИВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ) Фуқаро ёки мансабдор шахснинг ҳуқуқни бузганлиги учун давлат (маъмурий орган) олдидаги жиноий бўлмаган жавобгарлиги. Бу давлатнинг мажбурлов чораси бўлиб, давлат фаолиятининг турли соҳаларида (шу жумладан ҳарбий соҳада) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади.

МАЪНАВИЙ-РУҲИЙ ИМКОНИАТЛАР (ПОТЕНЦИАЛ МОРАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЙ) Халқнинг сиёсий ва маънавий етуклик савияси билан белгиланадиган – мамлакат аҳолисининг руҳий имкониятлари. Ҳарбий соҳада маънавий-руҳий имкониятлар ўз ифодасини:

халқ ва армиянинг ҳар қандай синовлардан ўтиш қобилияти ва шайлигида;

халқ ва армиянинг маънавий-сиёсий ҳолатида топади.

МЕДАЛЛАР (МЕДАЛИ) Бирор воқеа, арбоб ёки жой шарафига чиқариладиган, одатда икки томонига тасвир туширилган ёки ёзуви бўлган, кўпинча, доира, тухумсимон ёки кўп бурчакли шаклдаги ҳар қил ўлчовли металл нишон.

Медаллар ҳарбий ва бошқа соҳаларда кўрсатилган хизматлари учун бериладиган давлат мукофотидир.

Республикамиз медаллари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилади ва топширилади ёки унинг номидан топширилади.

Асосан тасдиқланган тасвир ёки ёзуви бўлган доира шаклидаги металлдан тайёрланган нишон кўринишига эга. Кўкракнинг чап томонида орденлардан кейин (“Олтин юлдуз” медали бундан истисно) тақиб юрилади.

Тақдирланганлар медаллар ўрнига тегишли ранг ва тасвирлари туширилган тасмали планка тақиб юришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида (2006 йилга қадар) Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 май кунги Қонуни билан тасдиқланган (тақиш тартибига кўра):

“Олтин юлдуз” медали – Ўзбекистон Қаҳрамонининг алоҳида тақдирлаш нишони, орден ва медаллардан юқорироқда тақиб юрилади;

“Жасорат” медали;

“Шуҳрат” медали мавжуд.

МЕРГАН (СНАЙПЕР) Бехато отиш, ниқобланиш ва кузатиш санъатини тўла ўзлаштириб олган махсус тайёрланган ўқчи. Нишонга олиш учун мўлжалланган махсус мосламага эга милтиқ билан қуролланган бўлиб, пайдо бўлувчи, ҳаракатчан, очик ва ниқобланиб олган муҳим яқка нишонларни йўқ қилиш борасидаги вазифаларни бажаради. Ўт очиш учун яширин жой танланиб текширилади.

МЕРГАН МИЛТИҒИ (СНАЙПЕРСКАЯ ВИНТОВКА) Нишонга олиш учун мўлжалланган оптик мосламага эга милтиқ. Яқка нишонларга қарата ўт очиш учун хизмат қилади. Мерган милтиғи ўқдонли ва ўз-ўзидан ўқланувчи (қуролнинг қайта ўқланиш жараёни автоматик, ўқ узиш амали эса фақат яқка тарзда, ўқчи тепкига босганда кечадиган) турларга бўлинади.

1931 йилдан эътиборан қурол-аслаҳа таркибида 7,62 мм ли мерган милтиғи қўлланилиб келинган. 1963 йилда Драгуновнинг ўз-ўзидан ўқланувчи 7,62 мм ли мерган милтиғи (СВД снайперская винтовка Драгунова) қабул қилинди. Тунда ўт очиш учун мерган милтиғига тунда кўришга мўлжалланган нишонга олиш мосламаси ўрнатилади.

МЕТЕОРОЛОГИЯ (МЕТЕОРОЛОГИЯ) Ер атмосфераси ва унда рўй берадиган жараёнларни ўрганувчи фан.

Метеорологиянинг асосий бўлими – атмосфера физикаси. Метеорология атмосферанинг таркиби ва унинг тузилиши, атмосфера ва ер юзасидаги иссиқлик алмашилиши ва иссиқлик режими, атмосферадаги намлик алмашилиши ва сувнинг даврий ўзгаришлари, ҳаво массаларининг ҳаракати,

атмосферада рўй берадиган электр, оптик ва акустик ходисаларни ўрганеди.

Метеорологияга актинометрия, динамик ва синоптик метеорология, атмосфера оптикаси, аэрология, шунингдек бошқа амалий метерологик фанлар кирази.

МЕТРИК ЎЛЧОВЛАР ТИЗИМИ (Ўлчовларнинг ўнли тизими) (МЕТРИЧЕСКАЯ СИСТЕМА МЕР) Ўлчов бирлиги метр (узунлик бирлиги) ва килограмм (оғирлик бирлиги) қабул қилинган ўлчовлар тизими. Мазкур тизим XVIII асрнинг охирида Францияда юзага келди. Дастлаб метрик ўлчовлар тизимига узунлик, майдон, ҳажм ва оғирлик ўлчов бирликларигина кирган эди холос.

Метрик ўлчовлар тизимининг каррали ва улуший бирликлари ўнли қўшимчалар (хусусан: кило, гекто, дека, деци, милли кабилар) ёрдамида ҳосил бўлди. Метрик ўлчовлар тизимининг тараққий топиши жараёнида механик, электр, магнит, иссиқлик, акустик ва ёруғлик қийматларини ўлчаш учун соҳавий метрик ўлчовлар тизими яратилди. Метрик ўлчовлар тизими негизида 1960 йилда фан ва техниканинг барча соҳаларини қамраб олувчи халқаро бирликлар тизими (СИ) қабул қилинди.

МЕТРОЛОГИК ХИЗМАТ (МЕТРОЛОГИЧЕСКАЯ СЛУЖБА) Қўшинларнинг (кучларнинг) метрологик органларини ўлчовлар бирлиги ва аниқлиги масалаларида ташкилий-техник жиҳатдан бошқариш учун ташкил этилган.

Мазкур хизмат қўшинларда қўлланиладиган ўлчов воситаларининг паркини шакллантиради, ушбу воситаларни бир хиллаштириш ва стандартлаштириш тадбирларини амалга оширади, Мудофаа вазирлиги қўшинларидаги ўлчов воситаларининг созлигини кузатиб бориб, ҳарбий қисмларни янги ўлчов воситалари билан таъминлайди. Яратилаётган қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарига метрологик талабларни ишлаб чиқаради ва уларни метрологик экспертизадан ўтказди. Қўшинлар тасарруфидаги ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг метрологик таъминоти устидан назорат юритади.

МЕТРОЛОГИК ТАЪМИНОТ (МЕТРОЛОГИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ) Қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг доимий жанговар шайлигини сақлаб туриш мақсадида уларнинг параметрларини ўлчаш ва ушбу ўлчовлар устидан асбобли назоратнинг зарурий сифати ва талаб этиладиган аниқлигига эришишга йўналтирилган тадбирлар мажмуи; махсус техник таъминот тури. Метрологик таъминот жумласига:

ўлчов воситаларини текшириш, ростлаш ва таъмирлаш амаллари;
қўшинларни ўлчов воситалари (аппаратлари) билан таъминлаш;
ҳарбий метролог кадрларни тайёрлаш тадбирлари кирази.

Метрологик таъминот Қуролли Кучларнинг барча турлари, қўшин турлари ва махсус қўшинларда умумқўшин ва соҳавий ўлчов воситалари, шунингдек автоматлаштирилган ўлчов тизимларидан фойдаланилган тарзда амалга оширилади.

МЕТРОЛОГИЯ (МЕТРОЛОГИЯ) Ўлчовлар, уларнинг бир хиллигини

таъминлаш усуллари ва воситалари ҳамда талаб этилган аниқликка эришиш йўллари ҳақидаги фан; физика бўлими. Асосий муаммолари: а) ўлчашларнинг умумий назарияси; б) катталиқлар бирликларини ва уларнинг тизимларини яратиш; в) ўлчаш усуллари ва воситалари; г) ўлчашлар аниқлигини (ўлчашлар ноаниқлиги назарияси, ўлчашлар хатолиги назариясини) баҳолаш усуллари ва ифодалаш йўллари; д) ўлчашлар бир хиллигини таъминлаш; е) эталонларни яратиш; ж) ўлчаш воситалари ва ўлчаш услубларининг тавсифларини аниқлаш ва бирликлар ўлчамларини эталонлардан қолган барча ўлчаш воситаларига ўтказиш усуллари.

Метрология юқори аниқликдаги физик тажрибаларга таянади, у физика, кимё ва бошқа табиий фанлар ютуқларидан фойдаланади, шу билан бирга, моддий дунё объектлари хоссаларининг миқдорий ифодаланишига имкон берувчи ўзига хос қонун ва қоидаларни белгилайди. Метрологияда ўлчанадиган катталик объектнинг (тизим, жараён) хусусияти сифатида изоҳланади. Ўлчашларнинг бир хиллигига эришиш учун қўлланиладиган барча ўлчаш воситалари тўғри даражаланиши ва уларни даврий қиёслаш ёки калибрлашдан ўтказиш лозим. Бунинг учун барқарорлиги юқори ва аниқ махсус техник воситалар қўлланилади. Давлатларда ўлчашлар бир хиллигини талаб этиладиган даражада таъминлаш ва сақлаб туриш учун метрология бўйича миллий идоралар томонидан бошқариладиган метрологик хизматлар ташкил этилади.

МЕЪЁР (НОРМА) 1) фалсафада – объектнинг сифати билан миқдори ўртасидаги диалектик бирликни ифодаловчи тушунча. Миқдор ўзгаришидан сифат ўзгаришига ўтиш чегарасини кўрсатади ва аксинча; 2) мусиқада ритм, гармония, куйнинг, меъморчиликда ансамблнинг асосини ташкил этувчи мутаносиблик.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК СИФАТИНИ ТАРБИЯЛАШ (ТРУДОВОЕ ВОСПИТАНИЕ) Ҳарбий хизматчи, ишчи ва хизматчиларда меҳнатга, асосан ҳарбий фаолиятга онгли ва фаол муносабатларини шакллантириш. Тарбиявий ишлар, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жараёнида, тинчлик даврида – ҳарбий хизмат ўташ, уруш даврида эса жанговар ҳаракатлар юритиш учун зарур бўлган аскарый кўникмаларга эга бўлиш мақсадида амалга оширилади.

МИЛТИҚ (ВИНТОВКА, РУЖЬЁ) Ствол канали винтли йўнилган ўқли дастаки қурол.

Винтли кесмалар ўққа айланма ҳаракат бериш учун хизмат қилади, бундан ташқари ўқнинг олис масофаларга турғун учиши ва ўт очилишининг мерганлик даражасини таъминлайди. Винтли кесмага эга қуролнинг илк намуналари XVI асрнинг бошида пайдо бўлган. 1856 йилда кесмали қурол – милтиқ деб атала бошланган. 1868 йилда бир зарядли 4,2 чизиқли берданка милтиғи қабул қилинган. Сўнгра мазкур милтиқ такомиллаштирилиб, қуролли кучлар қурол-яроғлари таркибига 1891 йилда С. И. Мосин томонидан ишлаб чиқилган, уч кесмали, ўқдонли милтиқ қабул қилинди; 1963 йилда оптик мўлжалга олиш мосламасига эга, 4,62 мм ли, ўзи ўқланувчи, Е. Ф. Драгуновнинг мерганлик милтиғи (СВД) қабул қилинди.

XIX асргача кўшинларда, асосан, силлиқ стволли милтиқлар қўлланилган. XIX асрнинг ўртасидан эса винтсимон ўйиғи бўлган стволли милтиқлар тарқалади (шунинг учун ўйиқ стволли милтиқлар “Винтовка” дейилади). Ўйиқ стволли милтиқ 2000 м гача бўлган нарсани шикастлай олади, бир дақиқада 10-12 марта ўқ узилади. Милтиқ жанговар мақсадда, шунингдек ёввойи ҳайвонлар ва қушларни ов қилиш қуроли сифатида ишлатилади. Ов милтиғининг бир стволли, кўш стволли, уч стволли, силлиқ стволли (сочма ва махсус кўрғошин ўқ отадиган), ўйиқ стволли ва мураккаб стволли турлари бор.

МИНА (МИНА) Қурукликда ва сув ҳавзасида портловчи тўсиқлар ўрнатиш учун қўлланиладиган ўқ-дори тури. Миналар:

муҳандислик миналари
денгиз миналарига бўлинади.

МИНА ИЗЛАГИЧ (МИНОИСКАТЕЛЬ) Ер, қор ва сув остига ўрнатилган миналарни фош этиш учун мўлжалланган асбоб. Миналанган майдонларни разведка қилиш, улар орасида кўшин учун йўл очиш ва жойни миналардан тўла тозалаш учун қўлланилади. Кўпроқ индукцион мина излагичлар, яъни миналарнинг металл қисмларидан таъсирланувчи ва таркибида металл ишлатилмаган миналарни диэлектрик ўтказувчанликка кўра фош этувчи мина излагичлар қўлланилади.

Қидирувчи элемент, генератор, электр озуқа манбаи ва товуш (айрим ҳолларда кўрсатувчи) индикатордан ташкил топган. Мина излагич мина ўрнатилган жойга яқин келтирилиши билан индикатор ўз товуши оҳангини ўзгартириб, 50 см гача ер остига ўрнатилган минани фош этиш имконини беради.

МИНАЛАНГАН МАЙДОН (МИННОЕ ПОЛЕ) Жойнинг миналар ўрнатилган қисми, мина портловчи тўсиқлар асоси. Миналанган майдонлар:

вазифасига кўра – десантга қарши, пиёдаларга қарши, танкка қарши, қурама;

ҳаракатга келтирилишига кўра – бошқариладиган ва бошқарилмайдиган турларга бўлинади.

Бошқарилувчи миналанган майдоннинг миналари жанговар ҳолатга масофадан бошқарилиб келтирилади.

МИНАЛАШТИРИШ (МИНИРОВАНИЕ) Душманга шикаст етказиш, манёврени қийинлаштириш ва иншоотларни вайрон этиш мақсадида – миналанган майдонлар барпо этиш, якка миналар ёки миналар гуруҳини ўрнатиш.

Дастаки ёки мина қўювчи техника, махсус жихозлар билан ускуналанган автомобиль, зирҳли транспортёр, вертолёт ва самолётлар қўлланилган ҳолда – муҳандислик кўшинлари томонидан амалга оширилади. Сув ҳавзалари ва қирғоқларга яқин жойлар десантга қарши миналар билан миналаштирилади.

МИНА ПОРТЛОВЧИ ТЎСИҚЛАР (МИННОВЗРЫВНЫЕ ЗАГРЯЖ-ДЕНИЯ) Душманга шикаст етказиш ва олға силжишини қийинлаштириш мақсадида жой ва объектларда ўрнатилган мина майдонлари, миналар гуруҳи, якка миналар ва портловчи моддалар тизими. Мина портловчи

тўсиқлар:

вазифасига кўра – танкка қарши, пиёдаларга қарши, транспортга қарши, десантга қарши;

ҳаракатга келтирилишига кўра – бошқариладиган ва бошқарилмайдиган турларга бўлинади.

Бошқарилмайдиган мина портловчи тўсиқлар – жанговар ҳолатга келтирилган ва таъсир ўтказилганда портлаб кетадиган миналарга эга миналанган майдонлар.

Бошқариладиган мина портловчи тўсиқлар – масофада туриб жанговар ёки хавфсиз ҳолатга келтириладиган миналар.

Мина портловчи тўсиқлар тўла жанговар шайликда ёки хавфсиз ҳолатда бўлиши мумкин. Жанговар ҳаракатларнинг барча кўринишларида: хужум ва мудофаа жанглари, чекиниш ва қуршовга олиш давомида қўлланилади. Мина портловчи тўсиқларнинг асосий хусусияти – зичлигидир.

Мина портловчи тўсиқлар муҳандислик кўшинлари томонидан ўрнатилади, бироқ зарур бўлган ҳолларда, ўзга кўшин турига мансуб ҳарбий қисмлар ҳам жалб этилади.

МИНАСИЗЛАНТИРИШ (РАЗМИНИРОВАНИЕ) Мина, заряд, портламай қолган ўқ-дори, портлаш хавфи бўлган қурилма кабиларни разведка қилиш (фош этиш), чиқариб олиш ёки йўқ қилиш, жой, сув ҳавзаси каби объектларни улардан тозалаш. Муҳандис бўлинмалар, траллчилар ва махсус тайёрланган бўлинмалар (командалар) томонидан портлаш хавфи бўлган моддаларни разведка қилиш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Жанговар ҳаракатлар давомида миначизлантириш амаллари даставвал қисман, келгусида агар зарурат бўлса, ёппасига ўтказилади.

МИНА ТРАЛИ (ТРАЛ МИННЫЙ) Миналанган майдонга ўрнатилган миналарни фош этиш ва йўқ қилиш учун мўлжалланган восита. Ташувчисига кўра:

танкка ўрнатилган мина трали;

авиацион мина трали;

кемага ўрнатилган мина тралига бўлинади.

МИНОМЁТ (МИНОМЁТ) Минани тикка отиб, душман (нишон) устига юқоридан ёғдириш учун мўлжалланган, металл тахтага таянадиган артиллерия қуроли.

Душманнинг очик жой, паногоҳ, тепаликнинг ортки томони, жой қатлари ва бурамаларида жойлашиб олган жонли кучи ва ҳарбий техникасини йўқ қилиш, шунингдек ҳар қандай дала истехкомини вайрон этиш учун мўлжалланган қудратли қурол ҳисобланади. Миномётлар:

ўқлаш усулига кўра – ствол оғзидан (калибри 50-120 мм) ва стволнинг ортки томонидан (калибри 120 мм дан ортик) ўқланадиган;

стволининг тузилишига кўра – силлиқ стволли (аксарият миномётлар) ва кесмали;

ташилиш усулига кўра – кўтариб юриладиган, транспортда ташиладиган,

шатакка олинадиган, ўзиюрар, ортиладиган турларига бўлинади.

Миномёт илк бор 1904 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ихтиро қилинган.

МИНОМЁТ ЎҚ-ДОРИСИ (артиллерия миналари) (МИНОМЁТНЫЙ ВЫСТРЕЛ (мины артиллерийские)) Миномётлардан ва ортга тисарилмайдиган тўплардан ўт очиш учун мўлжалланган ўқ-дори (мина). Миномёт ўқ-дориси – минадан, асосий (ёнувчи), қўшимча (улоқтирувчи) порох зарядларидан ва ёнувчи воситалардан таркиб топган.

Миналар қанотли (аксарият қисми) ва айланувчи бўлади. Қўллашга шай этиб, якуний ҳолатга келтирилган қанотли мина: пўлатдан ёки пўлатли чўяндан тайёрланган корпус, зарядлар, портлаткич, ўт очилганида ствол каналидан чиққач ёзиладиган қанотлар ёки стабилизатордан иборат.

Ўт очиш масофасини ошириш учун реактив двигателга эга актив-реактив миналар қўлланилади.

МОДЕРНИЗАЦИЯ (модернизациялаш) (МОДЕРНИЗАЦИЯ) Бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш. Модернизациялашда машина, аппарат, турли технологик қурилмалар, муҳим кашфиётлар техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади.

МОДДИЙ ВОСИТАЛАР (МАТЕРИАЛЬНЫЕ СРЕДСТВА) Қуролли кучларни уруш ва тинчлик даврида таъминлаш учун фойдаланиладиган воситалар. Моддий воситалар жумласига:

қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг барча турлари ва ўқ-дорилар;
ёнилғи ва ёқилғи маҳсулотлари;

озик-овқат, кийим-кечак, муҳандислик, тиббиёт хизматларига мансуб ва ўзга моддий қийматга эга турлари киради.

Қуролли кучлардаги моддий воситалар:

умумқўшин – қуролли кучларнинг барча тури учун;

қуролли кучларнинг алоҳида тури учун мўлжалланган турларга бўлинади.

МОДДИЙ ВОСИТАЛАР ЗАХИРАСИ (ЗАПАСЫ МАТЕРИАЛЬНЫХ СРЕДСТВ) Қуролли кучлар fronti ортининг барча поғоналарига мансуб аслаҳахона, база ва омборхоналарда, шунингдек бевосита бўлинмаларда (кемаларда) сақланадиган қурол-аслаҳа, ҳарбий техника, ўқ-дорилар, ёнилғи, ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари, муҳандислик, кийим-кечак, тиббиёт анжомлари каби ҳарбий мулкнинг муайян миқдори. Қўшинларнинг уруш ва тинчлик даврида моддий эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган. Аксарият давлатлар қуролли кучларининг моддий воситалар захираси, одатда:

қуролли кучлар фронт ортининг у ёки бу поғонасига кўра – стратегик ва оператив мақсадли ҳамда *қўшинларга мансуб моддий воситалар захираси*;

вазифаси ва сарфланиш тартибига кўра – *сарфланадиган (жорий таъминотга оид) захиралар* ва *тегилмас захираларга* бўлинади.

Сарфланадиган моддий воситалар захираси ўз навбатида:

юришдан сўнг сарфланадиган захиралар;

йўлда сарфланадиган захираларга бўлинади.

Кўшинларга мансуб моддий воситалар захираси. Қисм ва кўшилмалар омборхоналари, бўлинмаларнинг транспорт воситалари, жанговар машиналар, старт марралари, тўп, миномёт ва пулемётлар олдида, таъмирлаш ва тиббиёт қисмлари (бўлинмалари) ва шахсий таркиб ёнида сақланади.

Юришдан сўнг сарфланадиган захиралар, темир йўл ва сув транспортида ташиб кетилаётган кўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг кўшинларга мансуб ва йўлда сарфланадиган моддий захираларга кўшимча тарзда олинади. Ташилаётган кўшинлар томонидан, улар транспортдан туширилиб режали таъминотга қўйилгунларига қадар сарф этилиши учун мўлжалланган.

Тегилмас моддий захиралар жумласига:

кўшинларга мансуб моддий воситалар захирасининг алоҳида вазиятда тегишли командир (бошлиқ) рухсатига биноан сарф этиладиган бир қисми;

сафарбарлик эълон қилинганда тузиладиган ҳарбий қисмларни таъминлаш учун мўлжалланган захиралар;

учиш аппаратлари ва сув ости кемаларида, улар аварияга учраган вазиятда экипаж аъзоларини таъминлаш мақсадида сақланадиган захиралар киради.

Оператив захиралар. Қуроли кучларнинг барча турларига мансуб оператив фронт орти база ва омборхоналарида сақланиб, тегишли кўшилма кўмондонлигининг бевосита ихтиёрида бўлади.

Оператив захиралар фронт, округ, флот, армия ва флотилияга мансуб оператив захираларга бўлинади.

Ҳаракатдаги захиралар. Штатдаги транспорт воситалари, жанговар машиналар (кемалар) ва шахсий таркиб ёнида сақланиб, кўшинларнинг қайта гуруҳланиши ва жанговар ҳаракатлари давомида бўлинма, қисм (кема), кўшилма ва бирлашмалар билан биргаликда кўчириб юрилади. Ҳаракатдаги захиралар ўлчамлари кўшинлар (кучлар) ва қуроли кучлар фронт орти органларининг механизациялашганлик ва ҳаракатчанлик савиясига боғлиқ ҳолда юқори поғонадаги бошлиқ буйруғи билан белгиланади.

Йўлда сарфланадиган моддий воситалар захираси. Темир йўл ва сув транспортида ташиб кетилаётган кўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг кўшинларга мансуб моддий захираларга кўшимча тарзда олинади. Ташилаётган кўшинлар томонидан якуний станцияга (манзилга) етиб боргунларига қадар йўлда сарфланиши учун мўлжалланган бўлиб, шу вақт давомида уларнинг барча эҳтиёжларини қондириши лозим.

Сарфланадиган (жорий таъминотга оид) захиралар. Кўшинлар, оператив ва стратегик захиралар таркибида сақланади.

Тинчлик даврида – кўшинларнинг (кучларнинг) жанговар тайёргарлик ва кундалик фаолиятларидаги жорий эҳтиёжларини таъминлаш, уруш даврида эса – жанговар ҳаракатлари, жанговар тайёргарлиги ва кундалик фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган.

Стратегик захиралар қуроли кучларнинг марказий аслаҳахона, база ва

омборхоналарида сақланади. Бундан ташқари мазкур захираларнинг муайян қисми моддий воситаларнинг турларига кўра давлат захираларининг базаларида сақланиши мумкин. Стратегик захиралар Олий ҳарбий кўмондонлик кўрсатмаларига биноан сарф этилади.

МОДИФИКАЦИЯ (МОДИФИКАЦИЯ) Қурол тури, ўзгарган шакли.

МОДИФИКАЦИЯЛАР (МОДИФИКАЦИИ) Ташқи муҳит шароитлари (харорат, намлик кабилар) ўзгариши натижасида организм белгиларининг (аломатларининг) ноирсий ўзгаришлари.

МОНИТОР (МОНИТОР) 1) радиотехникада – телевизион тасвирни узатиш трактининг турли нуқталарида тасвир сифатини назорат қилувчи қурилма. Асосий тармоқлари: кинескоп, видеокучайтиргич, кодни ечувчи қурилма (рангли телевидение мониторида); 2) зирҳли сув усти кемаларининг артиллерия билан қуролланган синфи (XIX аср ўртаси – 1939 йил). Қирғоқ мудофааси артиллериясига қарши қурашиш, қирғоқ бўйи ҳудудлари ва дарёлардаги душман кемаларини яқсон қилиш ва бошқа мақсадда қўлланилган.

МОНИТОРИНГ (МОНИТОРИНГ) Лотин тилидан олинган сўз бўлиб, куйидаги маъноларни англатади: 1) панд-насихат, ўғит, дастур, йўл-йўриқ, қўлланма; тавсия этиш; маслаҳат бериш; таништириш; тавсия, тавсиянома, кафолат; кафолат бермоқ; маслаҳат, тилак; кенгаш; маслаҳатлашиш, кенгашини; 2) кузатмоқ, кузатиб бермоқ. назорат қилмоқ; таъқиб қилмоқ, кузатмоқ, пойлаб бермоқ; из қилмоқ, ифлос қолдирмоқ; 3) билдирмай (сездирмай) қулоқ солиш, яширинча, қулоқ солиб билиб (эшитиб) олиш; 4) дозалаш, дозаларга бўлиш; дозиметрик назорат; дозиметрия.

МОРЗЕ КОДИ (МОРЗЕ КОД) Нотекис телеграф коди. Бунда ҳар бир ҳарф ёки белгига ток импульсларининг қисқа вақтли (нуқта) ва уч қарра давомли (тире) жўнатмаларининг муайян комбинацияси мос келади. Радиоалоқа, гидроакустик, ёруғлик ва товушли сигнализацияларда қўлланилади.

МОТОЎҚЧИ ҚЎШИНЛАР (МОТОСТРЕЛКОВЫЕ ВОЙСКА) Жанговар ҳаракатларни мустақил тарзда ёки бошқа қўшин турлари ва махсус қўшинлар билан биргаликда юритиш учун мўлжалланган қуруқликдаги қўшинлар тури. Ер ва ҳаводаги нишонларга шикаст етказиш мақсадида қудратли қурол-аслаҳа билан таъминланган. Ташкилий жиҳатдан мотоўқчи қўшилма, қисм ва бўлинмалардан иборат. Мотоўқчи қўшинлар номи қўшин сифатида 1963 йилда киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, асосан, мотоўқчи қўшинлардан иборат.

МУДОФАА (ОБОРОНА) 1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 11 майдаги қарори билан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида” ги Қонунига мувофиқ мудофаа деганда – Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот,

ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи тушунилади. Мудофаа тўғрисидаги умумий қоидалардан ташқари мазкур Қонунда: мудофаани ташкил этиш ҳамда Қуролли Қучларга раҳбарлик қилиш; давлат органларининг мудофаа соҳасидаги ваколатлари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг мудофаани таъминлашдаги иштироки; уруш ҳолати, уруш даври, сафарбарлик, ҳудудий мудофаа, қуролли можаролар; яқунловчи қоидалар белгилаб берилган;

2) ҳарбий ҳаракат тури бўлиб:

душманнинг сон жиҳатдан устун бўлган кучларининг ҳужумини (зарбаларини) барбод этиш ёки бартараф қилиш;

ёвга талафот етказиш;

эгалланган ҳудудни муҳофаза этиш;

муҳим бўлмаган йўналишлардаги куч ва воситаларни тежаш, бош йўналишларда душман устидан устун келиш;

қўшинларимизнинг ҳужумга ўтиши учун шароит яратиш мақсадида қўлланилади.

Мудофаа душманга қарши зарба бериш учун зарурий воситалар мажмуи бўлиб, тактик, оператив ва стратегик миқёсларда, мажбуран ва атайин қўлланилади. Мудофаанинг мазмуни:

ҳужумга ўтмоқчи бўлган душман қўшинларига дастлабки ҳолат томон юриши (эгаллаши), мудофаамизнинг олдинги чизиқларини атака қилиши мобайнида ушбу марраларини қўлда тутиб туришимиз учун турли қуролларни қўллаб оловли зарба бериш;

қарши оловли тайёргарлик ўтказиш;

ҳудудимизни ва эгалланган муҳим маррани сабот ва матонат билан қўлда тутиб туриш;

шиддатли қарши атакалар ўтказишдан (қарши зарба беришдан) иборатдир.

Мудофаа ҳужум билан бир вақтда юзага келган бўлиб, усуллари – қуролли кураш воситаларининг ривожини, шахсий таркиб ва қўшинлар тузилишининг сифат жиҳатдан такомиллашиб бориши таъсири остида ўзгариб борган. Мудофаа амаллари ўз ичига:

қўшинларнинг гуруҳларга бўлиниб, оператив жиҳатдан саф тортишини;

ташкил этиладиган мудофаа ҳудуд, марра ва мажмуалари тизимини;

тайёрлаб қўйилган оловли зарбаларни;

душманга оловли шикаст етказиш тизимини;

ҳаво ҳужумидан ва танкка қарши мудофааларни;

муҳандислик тўсиқлари тизимини олади.

Мудофаа мажмуаларининг тизими – таъминот чизиғи, мудофаанинг бош чизиғи, баъзан мудофаанинг 2-чизиғи ва мудофаанинг оператив сарҳадларидаги марралардан иборат.

Оловли ва авиация зарбалари – душманнинг жамланиш ҳудудлари, юриш йўллари ва ёйилиш марраларида мавжуд асосий гуруҳларига қарши ва мудофаа чизиғимизни ёриб ўтиши мобайнида тайёрланади ва берилади.

Алоҳида физик-географик шароитда мудофаани ташкил этиш ва

юритишнинг ўзига хос фарқланиб турувчи хусусиятлари мавжуд.

МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ (МИНИСТЕРСТВО ОБОРОНЫ) Ўз тасарруфидаги кўшинлар бошқарувини амалга оширувчи, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатини юритувчи вазирлик.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларнинг замонавий қурол-яроғ, ҳарбий техника ва моддий-техник воситалар билан жиҳозланиши, ҳарбий ҳамкорлик кенгайтирилиши, ҳарбий хизматга чақирув тадбирлари ва Қуролли Кучлар учун кадрлар тайёрланиши ташкил этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

МУДОФАА ИНШОТЛАРИ (ОБОРОНИТЕЛЬНЫЕ СООРУЖЕНИЯ) Жойда ташкил этилиб, кўшинларнинг мудофаани юритиш, талафотлар ҳажмини қисқартириш ва душман томонидан юритиладиган ҳужумни қийинлаштириш учун мўлжалланган фортификацияли истехкомлар. Мудофаа иншоотлари:

минора, окоп, ўт очиш воситалари учун майдонларда туриб ўт очиш;

тирқиш, блиндаж, пана ва паногоҳлар, траншеяларнинг ёпиқ жойлари кабилар ёрдамида – шахсий таркиб ва ҳарбий техникани оддий ва оммавий қирғин қуролларидан ҳимоялаш;

траншея ва алоқа йўлаклари кабилар орқали яширин манёвр ўтказиш учун мўлжалланган. Мудофаа иншоотлари:

ер юзасида;

чуқур ер ҳавзасида;

ер остида тайёрланиб, жиҳозланган турларга бўлинади.

МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ (БОШҚАРМАСИ) (ОТДЕЛ (УПРАВЛЕНИЕ) ПО ДЕЛАМ ОБОРОНЫ) Ҳарбий, сафарбарлик, чақирув ва ҳисоб юритиш масалаларини идора этувчи – маҳаллий ҳарбий бошқарув органи. Асосий вазифалари:

кўшинлар сафарбарлигини тайёрлаш ва ўтказиш;

одамлар ва халқ хўжалиги ресурсларининг ҳисобини юритиш;

ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирув тадбирларини ўтказиш.

Мудофаа ишлари бўлими мудофаа ишларининг тегишли вилоят бошқармаси томонидан бошқарилиб, мазкур бўлимлар Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ ташкил этилади.

МУДОФАА МАЙДОНИ (УЧАСТОК ОБОРОНЫ) Сарҳадида бригада мудофааси яратилаётган жой. Мудофаа майдонининг ўлчами жанговар вазифа мазмуни, бригаданинг имкониятлари, куч ва воситалар таркиби ва жой шароитига боғлиқ. Мудофаа майдони мудофаа марралари, захира кучлар жойлаштирилган ҳудуд, тўсиқ ўрнатувчи ҳаракатчан отряд, жанговар тартибга ёйилиш чегараси, миналаштириш чегараси каби жойлардан таркиб топади.

МУДОФААНИНГ ОЛДИНГИ ЧИЗИҒИ (ПЕРЕДНИЙ КРАЙ ОБОРОНЫ) Шахсий таркиб ва ўт очиш воситалари, танклар, пиёдалар жанговар машиналари, зирҳли транспортёрлар, 1- эшелон бўлинмалари учун

душманга яқин қазилган окопларни туташтирувчи – шартли чизиқ. Траншеялар мавжудлигида мудофаанинг олдинги чизиғи бўлиб, мудофаанинг бош чегараси ҳудудидаги биринчи марранинг – душманга яқин жойда қазилган траншеяси ҳисобланади.

Мудофаанинг олдинги чизиғи – мудофаанинг иккинчи ва кейинги чегараларидаги олдинги чизиқларга ҳам бўлинади.

МУДОФАА СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК (МЕЖДУНАРОДНОЕ ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В ОБЛАСТИ ОБОРОНЫ) Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг яқка тартибда ва коллектив тарзда мудофааланишдан иборат бўлган ҳуқуқни мустаҳкамловчи умумэтироф этилган меъёрлари ва тамойилларига асосланиб, ҳарбий курилиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш соҳасида бошқа давлатлар билан ҳамкорликни амалга оширади.

МУДОФАА ЧИЗИҒИ (ПОЛОСА ОБОРОНЫ) Бирлашма ёки қўшилма томонидан мудофаа этилаётган жой чегараси. Хужумга ўтган душманни даф этиш ва эгалланган жойни қўлда тутиб туриш мақсадида ташкил этилади. Мудофаа чизиғида куч ва воситалар гуруҳлари жойлаштирилиб, ўт очиш тизими ташкил этилади, фортификацияли истехкомлар ва тўсиқлар ташкил этилади. Мудофаа чизиғи:

олд томондан – мудофаанинг олдинги чизиғи;

қуролли кучлар фронт ортидан – мудофаага ўтган қўшиннинг оператив жиҳатдан тортилган сафи (жанговар тартиби);

қанотлардан – чегарадош бирлашма ёки қўшилма билан туташган чизиқлар билан чегараланади.

Душман билан бевосита тўқнаш келмай олдиндан тайёрланган мудофаанинг биринчи чизиғи олдида, баъзан эса мудофаа сарҳадининг ичидаги чизиқлар олдида – таъминот чегаралари ташкил этилиши мумкин.

МУКОФОТЛАНГАННИНГ ИСМИ ЁЗИЛГАН ҚУРОЛ (ОРУЖИЕ ИМЕННОЕ) Мукофот, совға ёки соврин тариқасида берилган, сиртига қуролга тегишли ёзувдан ташқари мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилган қурол. Мукофотланган шахснинг исми қуролга ёки қинга мустаҳкам бириктириладиган (олтин ёки кумушдан, мис ва рух қоришмасидан тайёрланган) металл пластинкага ёки қуролнинг ўзига ўйиб ёзилади.

Бундай қуроллар жумласига шамшир, қилич, ханжар, револьвер, ов милтиғи кабилар кириши мумкин.

МУКОФОТЛАР (НАГРАДЫ) Уруш ва тинчлик даврида кўрсатилган алоҳида ҳарбий хизматлари учун ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий қисмларга (кемаларга) бериладиган маънавий ёки моддий рағбатлантиришлар.

Мукофотлар жумласига: орден, медаль, фахрий унвон, белги, ёрлиқ, диплом, фахрий ном, мукофотланаётган шахс исми ёзилган қимматбаҳо совға ва қурол кабилар киради.

МУНТАЗАМ АРМИЯ (РЕГУЛЯРНАЯ АРМИЯ) 1) доимий армия бўлиб, штатли қонуний ташкилот, русумли қурол-аслаҳа, бутланиш усули, хизмат ўташ тартиби, ҳарбий кийим шакли, бошқарув ва таъминотнинг

марказлаштирилган тизимига эга. Мунтазам армия илк бор Ғарбий Европанинг аксарият давлатларида XVII - XVIII асрларда вужудга келган; 2) доимий ташкилот, бутланиш, хизмат ўташ ва таълимнинг муттасил тизимига эга бўлмаган номунтазам кўшинлардан фарқ қилувчи, курукликдаги мунтазам кўшинлар номи.

МУСТАҲКАМЛИК ЗАХИРАСИ (ЗАПАС ПРОЧНОСТИ) Қурол ва ҳарбий техника элементларининг ишчи юкламалардан ортиқ юкламаларга қаршилиқ кўрсата олиш қобилияти. Бардош бериладиган энг катта юклама катталигининг ишчи юклама нисбатига тенг – хавфсизлик коэффициенти билан белгиланади.

МУХБИР (КОРРЕСПОНДЕНТ) 1) меҳнат шартномаси ёки бошқа шартномаларга асосан хабар ва материалларни қидириш, йиғиш, қайта ишлаш ва оммавий ахборот воситаларида таҳрир қилиш учун тайёрлаш билан малакали шуғулланувчи жисмоний шахс; 2) таҳририят таркибида журналист сифатида хизмат қилувчи ходим; 3) бевосита таҳририятда ишламайдиган, аммо оммавий ахборот воситалари билан мунтазам ижодий ҳамкорлик қилувчи шахс; 4) бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқиш уюштирувчи газета, журнал, радио, телевидение таҳририяти ходими (жамоатчи мухбир).

МУХОЛИФ (ОППОНЕНТ) 1) баҳсда қарши тараф; 2) диссертация, доклад ва шу кабиларни баҳолайдиган шахс.

МУҲАНДИСЛИК ИНШОТЛАРИ (ИНЖЕНЕРНЫЕ СООРУЖЕНИЯ) Жангнинг турли кўринишларида жойни муҳандислик жиҳатидан жиҳозлаш мобайнида ташкил этилади. Муҳандислик иншоотлари фортификацион истехком, ҳарбий йўл, кўприк, аэродром, сохта объектлар макети кабилардан иборат. Муҳандислик иншоотлари: мудофаа иншоотларига; маиший-хўжалиқ бинолари, йўл ва кўприклар каби мудофаага тааллуқли бўлмаган иншоотларга бўлинади.

Кўлланиладиган ашёларга кўра темир бетонли, ёғоч-тупроқли, зирхли каби иншоотларга бўлинади. Аксарият муҳандислик иншоотлари қисмларга ажратиладиган ва йиғиладиган конструкциялар кўринишига эга. Мазкур иншоотлар душман ҳаракатини қийинлаштириб, шахсий таркиб, ҳарбий техника, транспорт ва моддий воситаларимизни унинг қуроллари таъсиридан ҳимоя этиш учун имконият яратади.

МУҲАНДИСЛИК МИНАЛАРИ (МИНЫ ИНЖЕНЕРНЫЕ) Жонли куч ва техникани йўқ қилиш, йўл ва иншоотларни вайрон этиш мақсадида мина портловчи тўсиқлар қўйиш учун мўлжалланган ўқ-дорилар.

Муҳандислик миналари портловчи модда заряди, портловчи қурилма ва корпусдан таркиб топган. Ҳаракатга келтирилиш усулига кўра муҳандислик миналари бошқариладиган ва бошқарилмайдиган турларга бўлинади.

Бошқариладиган муҳандислик миналарини жанговар ҳаракатга келтирилиши ва ишга туширилиши – масофада туриб амалга оширилади.

Бошқарилмайдиган муҳандислик миналари бевосита таъсир ўтказилиши оқибатида ёки белгиланган вақт ўтгач портлайди. Муҳандислик миналари:

портлаткичларнинг тузилишига кўра – контактли ва контактсиз, оний

ҳаракатга келувчи ва ҳаракати кечиктирилган;

ўрнатилиши усулига кўра – чиқариб олинадиган, қўзғатиб бўлмайдиган, зарарсизлантирилмайдиган;

вазифасига кўра – танкларга қарши, пиёдаларга қарши, десантга қарши, дарё ва объектларга ўрнатиладиган ва махсус турларга бўлинади.

МУҲАНДИСЛИК ҚЎШИНЛАРИ (ИНЖЕНЕРНЫЕ ВОЙСКА)

Жанговар ҳаракатлар юритаётган мотоўқчи ва танк қўшинлари каби қўшинларни муҳандислик жихатидан таъминлаш учун мўлжалланган махсус қўшинлар.

Муҳандис-сапёр, йўл-муҳандислик, понтон каби қисм ва бўлинмалардан ташкил топган. Қуrolли кучлар ва қўшин турларига мансуб қўшилма ва ҳарбий қисмлар таркибига киради. Муҳандислик қўшинлари жангда муҳандислик таъминотининг махсус тайёргарлиги, техникаси ва ўқдориларини қўллаш талаб этиладиган мураккаб вазифаларни бажаради.

Муҳандислик қўшинларининг асосий вазифалари:

қўшинларнинг олға илгарилашлари, ёйилиши ва манёври учун йўллар тайёрлаш ва зарурий ҳолатда тутиб туриш;

сув тўсиғини кечиш ўтишни таъминлаш;

қўшинлар эгаллаган ҳудуд ва марраларни фортификацион жихатдан жиҳозлаш (истехкомлар яратиш);

муҳим иншоотларни ниқоблаш;

ичимлик сувини чиқариш ва тозалаш;

муҳандислик разведкасини юритиш;

тўсиқлар орасидан ўтиш йўлакларини очиш;

жой ва объектларни миналардан тозалашдан иборат.

МЎЛЖАЛ (ОРИЕНТИР) Жойнинг яққол кўриниб турувчи, қўзғалмас жисми ёки рельеф элементи бўлиб:

қуруқликда – жойда мўлжалланиш, қўшинлар ҳаракати йўналишини белгилаш, жанг оловини бошқариш, нишонни излаб топиш каби амалларга;

авиацияда – самолётларни бошқаришга;

ҳарбий-денгиз флотиди – қирғоқ яқинида сузиб юрган кема жойини аниқлашга ёрдам беради.

МЎЛЖАЛГА (НИШОНГА) ОЛИШ (ПРИЦЕЛИВАНИЕ) Ўқ-дорининг нишонга тегишини таъминлаш учун ўт очишдан олдин қуrolни муайян ҳолатга келтириш. Мўлжалга олиш – ўт очиш учун берилган командада кўрсатилган бурчакларни нишонга олиш мосламасида ўрнатиш ва йўллашдир. Мўлжалга олиш амали горизонтал (азимутал) ва вертикал текисликда бажариладиган амалларга бўлинади.

МЎЛЖАЛГА (НИШОНГА) ОЛИШ МОСЛАМАЛАРИ (ПРИЦЕЛЫ) Ўқотар ёки ракетали қуrolни нишонга йўллаш, шу жумладан, жанг майдонини кузатиб бориш ва нишон танлаш учун мўлжалланган жиҳоз ва механизмлар. Мўлжалга (нишонга) олиш мосламалари *қуrol турига мансублиги* билан фарқланиб, қуйидаги синфларга бўлинади:

артиллериянинг нишонга олиш мосламалари;

авиациянинг мўлжалга олиш мосламалари;

ўқли қуролнинг нишонга олиш мосламалари;
 танкда ўрнатилган нишонга олиш мосламалари;
 ракета комплексларида ўрнатиладиган мўлжалга олиш мосламалари.
 Асосий визир қурилмасининг *ишлаш тамойиллари*га кўра:

механик нишонга олиш мосламалари;
 оптик нишонга олиш мосламалари;
 электрон-оптик нишонга олиш мосламалари;
 радиолокацион нишонга олиш мосламалари;
 автоматик нишонга олиш мосламалари;
 автоматлаштирилмаган мўлжалга олиш мосламалари.

МЎЛЖАЛЛОВЧИ (НАВОДЧИК) Артиллерия тўпи, миномёт ва пулемёт расчёти, танк ва ПЖМ экипажи таркибига кирувчи, тўпни (қуролни) нишонга йўналтириш ва ўт очиш амалини бажарувчи – ҳарбий мутахассис.

НАВБАТДАГИ ВАЗИФА (ПОСЛЕДУЮЩАЯ ЗАДАЧА) Юқори поғонадаги қўмондонлик томонидан, ҳужум манфаатларида қўйилган биринчи навбатдаги вазифадан сўнг бажарилиши лозим бўлган вазифа (*биринчи навбатдаги вазифа атамасига қаранг*). Навбатдаги вазифа мазмуни одатда:

душманни тайинланган ҳудудда тор-мор этиш амалини ниҳоясига етказиш;

қўшин ҳужумини олға илгарилаш;
 муайян чегараларни қўлга киритишдан иборатдир.

НАВБАТЧИ (ДЕЖУРНЫЙ) Ҳарбий қисм (кема), бўлинма, гарнизон, муассаса ва ҳарбий ўқув юртининг суткалик наряди таркибида навбатчилик хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчи. Навбатчининг мажбуриятлари тегишли низом, қўлланма ва йўриқномаларда белгиланади.

НАВБАТЧИ БЎЛИНМА (ДЕЖУРНОЕ ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ) Ҳарбий қисмнинг (гарнизоннинг) суткалик наряди таркибига кирувчи бўлинма (гурух, взвод). Қисм командири ёки гарнизон бошлиғи буйруғи билан қоровуллар таркибини кучайтириш ёки ёнғин чиққан, табиий офат рўй берган ёки ўзга бахтсиз ходисалар вужудга келган ҳолларда чақиртириш учун тайинланади. Қисм бўйича навбатчига (гарнизон бошлиғи, гарнизон ҳарбий комендант ва қоровуллар бўйича навбатчига) бўйсунди.

НАВБАТЧИ КУЧ ВА ВОСИТАЛАР (ДЕЖУРНЫЕ СИЛЫ И СРЕДСТВА) Жанговар навбатчилик хизматини ўташ учун махсус тайинландиган бўлинмалар.

Навбатчи куч ва воситалар ракета қўшинларида тинчлик даврида душманнинг кутилмаган атакларини даф этиш учун тайинланади. Навбатчи куч ва воситаларнинг миқдори, таркиби, жанговар шайлик даражаси ва жанговар навбатчилик ўташ тартиби махсус буйруқ ва йўриқномалар билан белгиланади.

НАВБАТЧИЛИК (ДЕЖУРСТВО) 1) ҳарбий қисм суткалик наряди таркибидаги ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар шайликнинг ўрнатилган даражаси ва ички тартибни тутиб туриш, турли воситаларга хизмат кўрсатилишини назорат қилиш борасида муайян мажбуриятларнинг

бажарилиши; 2) штатга биноан навбатчи лавозимидаги шахсларнинг (мисол учун кўмондонлик пунктидаги жанговар ҳисоб таркиби) ўз хизмат мажбуриятларини бажариши; 3) навбатчи бўлинмалар томонидан хизмат мажбуриятларининг бажарилиши.

НАВИГАЦИЯ АСБОБЛАРИ (НАВИГАЦИОННЫЕ ПРИБОРЫ) Кема ва самолёт каби ҳаракатланаётган объектларнинг ҳаракат элементларини ўлчаш, жойлашган жойи ва уларга қарата қурол қўллаш учун бирламчи маълумотларини аниқлаш учун мўлжалланган қурилмалар.

Навигация асбоблари жумласига: компас (трокомпас), автопрокладчик, баландлик ўлчагич, чуқурлик ўлчагич, секстант каби асбоблар қиради. Ишлаш тамойилларига кўра гироскопик, магнитли, гидравлик, радиотехник, гидроакустик, инерциал, оптик, инфрақизил, механик навигация асбобларига бўлинади.

НАГАН (НАГАН) Белгиялик қурол ихтирочиси Л. Наган номидаги тизимга мансуб револьвер. XIX асрнинг сўнгидан қўлланила бошланган. Калибри 7,62 мм, барабан сифими 7 дона патронга мўлжалланган. Кейинчалик автоматик пистолетга алмаштирилган.

НАЗОРАТ ОРГАНИ (ИНСПЕКЦИЯ) Белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан назорат қилувчи орган.

НАЙЗА (ШТЫК) Милтик, автомат ва карабин стволининг учки қисмига бириктириладиган қўл жанги учун мўлжалланган, санчиладиган ва кесадиған совуқ қурол. Илк бор Францияда, XVII асрнинг ўрталарида вужудга келган. Қиррали ва тигли найзалар мавжудлиги маълум.

Қуролга бириктирилишига кўра:

ажратиб олинадиган;

ажралмайдиган – ствол ёнига букиб ётқизишиб, қисқич билан кистириладиган турларга бўлинади. Замонавий қурол-аслаҳа таркибида найза-пичоқ ва ажралмайдиган тигли найза мавжуд.

НАМОЙИШКОРОНА ҲАРАКАТЛАР (ДЕМОНСТРАТИВНЫЕ ДЕЙСТВИЯ) Душманни бўлғуси жанговар ҳаракатлар ва бериладиган асосий зарба йўналиши бўйича чалғитиш, кучларини сохта йўналишга жалб эттириш борасида қўшинларимиз томонидан амалга ошириладиган жанговар ва бошқа ҳаракатлар.

Ниқобланиш усулларида бири ҳисобланади. Сир тутиш, ёлғон хабарлар (маълумотлар) тарқатиш, имитациялаш тадбирлари билан бир вақтда ўтказилади.

НАМУНАЛИ МАШҒУЛОТ (ПОКАЗНОЕ ЗАНЯТИЕ) Қўшинлар таълимотидаги ҳаракатлар намунаси ва услубиятини намойиш этиш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулотларнинг бир тури. Қўшинлар таълимотининг тактик тайёргарлик, отиш тайёргарлиги, саф тайёргарлиги, жисмоний тайёргарлик каби фанлар бўйича ўтказилади.

НАМУНАЛИ ТАКТИК МАШҚ (ПОКАЗНОЕ УЧЕНИЕ) Қўшин иштирокида ўтказиладиган тактик (тактик-саф) машқлар турларидан бири. Офицерларга, командир ва штаблар ишининг мақсадга мувофиқ бўлган услубларини кўрсатиш, қўшин иштирокида ўтказиладиган ўхшаш машқни

ташқил этиш ва ўтказиш услубияти бўйича ягона қараш ва мулоҳазаларни белгилаш мақсадида ўтказилади.

НАПАЛМ (НАПАЛМ) Ёпишқоқлик хусусияти сезиларли, жисм сиртига яхши ёпишадиган ва огнемётнинг ёндирувчи аралашмалари сифатида қўлланиладиган ёнувчи маҳсулот. Асосини бензин, керосин каби нефть маҳсулотлари ташқил этади. Ёнаётган напалм инсон терисига кучли жароҳат етказувчи таъсир ўтказади. Ёпиқ паноғоҳларда ёнаётганида жонли кучнинг кислород етишмаслиги оқибатида бўғилиш ва элтувчи газлардан заҳарланиш ҳолатлари рўй бериши мумкин.

Осма ва танкка ўрнатиладиган огнемётлар, авиациянинг ёндирувчи баклари, бомбалари, оловли фугаслар ва снарядларда қўлланилади.

Напалмга енгил металллар (натрий, магний) эритмаси ёки фосфор қўшилган ҳолларда нишон устига тушиб ўз-ўзидан алангаланиб кетувчи супер напалм ҳосил бўлади.

НАРЯДЛАР ВАРАҚАСИ (ЛИСТ НАРЯДОВ) Хизматга оид ҳужжат бўлиб, ҳарбий хизматчининг ички хизмат (кема наряди хизмати) нарядига тайинланишининг миқдори акс эттирилади.

Муддатли ҳарбий хизмат аскарларига – взвод командирининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси, шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларга қисм штаби бошлиғи (комендант) томонидан ҳар ой учун юритилади.

НЕЙТРОН ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАР (НЕЙТРОННОЕ ВООРУЖЕНИЕ) Ядро қурол-яроғлари тури, асосан одамларни қириб ташлашга мўлжалланган. Оммавий қирғин қуролларига киради. Тинчликсевар давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси нейтрон қурол-яроғларининг яратилишига қарши чиқмоқда.

НЕСТЕРОВ СИРТМОҒИ (НЕСТЕРОВА ПЕТЛЯ) Олий учувчилик санъати билан фазода ҳосил қилинадиган мураккаб шакл. “Ўлик сиртмоқ” деб ҳам аталади.

Илк бор 1913 йил 27 август куни рус учувчиси П. Н. Нестеров томонидан ижро этилган. Мазкур шаклнинг яратилишида учиш аппарати берк эгри чизиқ ва вертикал текислик бўйлаб учиб ўтиб, ушбу сиртмоқдан сиртмоққа қадар парвоз йўналишидан кўндаланг чизиқ бўйича оғмай, йўналишини ўзгартирмай чиқиб кетади.

НИЗОМЛАРГА ЗИД МУНОСАБАТЛАР (НЕУСТАВНЫЕ ОТНОШЕНИЯ) Шахсий таркибнинг турли тоифалари ва алоҳида ҳарбий хизматчилар орасида ҳарбий низомлар, ҳарбий қасамёд, маънавий ва ахлоқий хулқ меъёрлари талабини қўпол равишда бузишига асосланган муносабатлар.

Низомларга зид муносабатларга, одатда умумий маълумоти ва маданий савияси паст, оиласи ва мактабда етарлича тарбия кўрмаган шахсина йўл қўяди. Низомларга зид муносабатларнинг вужудга келишига қуйидаги омилларнинг ҳарбий қисмда мавжудлиги сабаб бўлади:

ташқилий ва тарбиявий ишлар савиясининг пастлиги;

шахсий таркибнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги борасида амалга ошириладиган тадбирларнинг муайян режаси ва ижроси йўқлиги;

сержантлар таркиби тайёргарлигининг суствлиги;
алоҳида офицерларнинг хизмат мажбуриятини бажаришга виждонсизлик билан ёндашиши, ҳарбий педагогика асослари борасида зарурий билими йўқлиги;

ҳарбий жамоат ҳаётида демократия элементларининг йўқлиги.

Низомларга зид муносабатларнинг кенг тарқалган кўринишлари куйидагилардир:

командир ва бошлиқлар томонидан интизомий амалиётнинг қўпол тарзда бузилиши;

бўйсунувчиларнинг бевосита ва тўғридан-тўғри бошлиқларга командирлик поғонаси бўйича бўйсунмаслиги;

шахс ғурури ва кадр-қимматининг онгли равишда таҳқирланиши, камситилиши, ҳақоратланиши ва хўрланиши;

нисбатан кўпроқ хизмат ўтаб қўйган ҳарбий хизматчиларнинг хизматга янги чақирилган ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳақоратомуз, таҳқирловчи ва қўпол муносабатда бўлиши, бўлинмаларда димоғдорлик иллати мавжудлиги;

хизматга янги чақирилган ҳарбий хизматчини, нисбатан кўпроқ хизмат ўтаб қўйган ҳарбий хизматчи томонидан ўз шахсига хизмат кўрсатишига мажбур этиш.

Бундай ҳолатлар, одатда сержантларнинг жамоада содир этилаётган ножўя хатти-ҳаракатларга бепарволиги ёки кўра-била туриб йўл қўйиши, взвод командирининг моддий-техник таъминот бўйича ёрдамчиси, взвод командири, командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ва батальонлар командири томонидан назорат йўқлиги туфайли рўй беради.

Низомларга зид муносабатларнинг ҳарбий жамоада ҳукм суришига мазкур жамоа фаоллари ишининг суств ташкил этилганлиги, сержантлар ва командирнинг фаолиятсизлиги, совуққонлиги ва лоқайдсизлиги, ҳақиқий аскарӣ ўртоқлик ҳиссиётларининг йўқлиги сабаб бўлади. Низомларга зид муносабатлар ўзбек халқига ёт иллатдир. Бундай муносабатлар ҳарбий дўстлик асосларига путур етказиб, Қуролли Кучларимиз жанговар шайлиги ва нуфузини заифлаштиради.

Низомларга зид муносабатларга йўл қўйган ҳарбий хизматчи интизомий тартибда таъзирланади. Ҳарбий жамоада муҳокама этилади. Агар йўл қўйган муносабати оғир оқибатларга олиб келган бўлса, белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилади.

НИЗОМЛАРГА ОИД МУНОСАБАТЛАР (УСТАВНЫЕ ВЗАИМО-ОТНОШЕНИЯ) Шахсий таркибнинг турли тоифалари ва алоҳида ҳарбий хизматчилар орасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ҳарбий қасамёд, умумқўшин низомлари, тегишли қўлланмалар, командирларнинг буйруқ ва кўрсатмалари талабларига аниқ ва сўзсиз амал қилишга асосланган, ахлоқ ва жамоатчилик руҳига мос келадиган муносабатлар.

НИШОН (ЦЕЛЬ) Йўқ қилиниши кўзда тутилаётган душман объекти. Нишон фазода жойлашиши, таркиби, ўлчами, фаолиятининг хусусияти, химояланганлик ва муҳимлик даражаси, уни кузатиш шароити, ўзига хос

фарқланувчи аломатлари, шунингдек ҳаракатининг тезлиги, уни йўқ қилувчи воситалардан узоқлиги каби хусусиятларига кўра фарқ қилади.

Нишон баллистик, мураккаб баллистик, ҳаводаги, ҳавода пастлаб учаётган, гуруҳ таркибида, чизикли, денгизда жойлашган, кенг майдонни эгаллаётган, радиолокацияли, нуқтали бўлиши мумкин.

НИШОНЛАР ЖУРНАЛИ (ЖУРНАЛ ЦЕЛЕЙ) Нишонларни фош этиш ва турган жойни аниқлаб, акс этириш бўйича артиллерия разведкаси бўлинмаларининг жанговар иши ҳақидаги ҳисобот-ахборот мазмунидаги ҳужжат.

Нишонлар журналига фақат фош этилган ва кимга тегишли эканлиги аниқ белгиланган нишонларгина киритилади.

Ҳар бир нишонга навбатдаги рақам берилиб, номи, фош этилган вақти, унга қадар мавжуд масофа, турган жойининг координаталари ва жойнинг ўзига хос белгилари (мўлжаллар) кўрсатиб ўтилади.

НИШОННИ ТУТИШ (ЗАХВАТ ЦЕЛИ) Нишон фош этилганидан сўнг у ҳақдаги маълумотлар қайта ишланаётган жараёнда амалга оширилади.

Нишонни тутиш амали ҳудудни (фазони) радиолокацион (оптик) воситалар билан кўздан кечириш, нишонни фош этиш ва кузатиш, ракетани (ёки ўзга қуролни) нишонга йўналтириш ва ракетанинг (қуролнинг) ўз-ўзини нишонга йўналтириш қурилмалари ёрдамида, ярим автоматик (оператор иштирокида) ёки автоматик тарзда бажарилади.

Нишонни тутиш даврида нишон кимга (душманга ёки қўшинларимизга) мансублиги аниқланиб, ҳаракатларининг кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар қайта ишланади.

Нишон тутилгач, қурол қўлланилишга тўла тайёрланганига қадар кузатиб борилади.

НИҚОБЛАНИШ (МАСКИРОВКА) Қўшин ва объектларни душман разведкаси ва зарбасидан яшириш ҳамда қўшинларимиз мавжудлиги, жойлашуви, ҳаракатлари ва кўзлаётган мақсади борасида рақибни чалғитишга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи. Ниқобланиш тадбирлари қўшинларнинг душман учун қутилмаган тарзда ҳаракатланиши, жанговар шайлиги сақланиб қолиши ва объектларнинг барҳаётлигига имкон яратади. Ниқобланиш хусусан:

душманнинг турли кўринишлардаги разведкасидан сақланиш усулларига кўра – оптик, иссиқлик, радиолокацион, радио, радиотехник, товуш (акустик), ёруғлик, гидроакустик каби;

ниқобланиш тадбирларининг ўтказилиш кўламига кўра – стратегик, оператив ва тактик;

ниқобланиш усулларига кўра – яширин, намоёйишкорона, ёлғон хабарлар (маълумотлар) тарқатиш турларига бўлинади.

НИҚОБЛАШ ВОСИТАЛАРИ (МАСКИРОВОЧНЫЕ СРЕДСТВА) Ҳарбий объектларни ниқоблаш учун фойдаланиладиган анжом, техника, ўқ-дори ва жиҳозлар. Вазифасига кўра:

оптик ниқобланиш воситалари – кийим-кечак, юз ва тана ниқоблари, ранг-баранг бўянишлар;

радиолокацион ниқобланиш воситалари – нур қайтаргичлар, радиосочувчи ва радиосингдирувчи қопламалар;

ёруғликни (шуълани) ниқобловчи воситалар – автомобиль чироқлари, ёритгич ва фонуслар учун қопқоқлар, ёруғликни тўсувчи парда, эшик ва қалқонлар;

иссиқликни ниқобловчи воситалар – қизиган сиртлар ҳароратини пасайтирувчи мосламалар, металлдан тайёрланган иссиқлик экранлари, иссиқлик таратувчи сохта нишонлар;

товушни ниқобловчи воситалар – товуш фильтри, сўндиргич кабилар;

гидроакустик ниқоблаш воситалари – гидролокацияга қарши қоплама кабилар;

тутунли воситалар – тутун пурковчи шашка, снаряд кабилар;

пиротехник воситалар – ўқ ва портлаш овозларини имитацияловчи пиротехник патронлар ва шашкалар, портловчи моддалар, ёнувчи ашёлар, ёритувчи ва сигналловчи ракеталар;

ниқоблаб бўяш воситалари – бўяш станциялари, бўёк пуркагичлар, мўйқалам, чўтка ва ранг танлаш асбоблари.

НОЖЎЯ ХАТТИ-ҲАРАКАТ (ПРОСТУПОК) Ҳарбий хизматчи томонидан қонун, ҳарбий низом ёки тегишли командир (бошлик) буйруғи билан белгиланган тартиб ва қоидаларнинг бузилиши. Ҳарбий хизматчининг ножўя хатти-ҳаракат содир этиш оқибати унга нисбатан интизомий чора ёки жамоа таъсири қўлланилишига олиб келади.

НОТА (НОТА) 1) бир ҳукуматнинг иккинчи ҳукуматга расмий дипломатик мурожаати; дипломатия амалиётида уч турдаги ноталар қўлланилади яъни:

Шахсий нота – ўта муҳим аҳамиятга молик масала бўйича мурожаат;

Вербаль (имзосиз) нота – дипломатик ваколатхона томонидан учинчи шахсда, имзосиз тақдим этилган, оғзаки баёнотга тенглаштирилдиган ёзма мурожаат;

Циркуляр нота – бир вақтнинг ўзида бир неча давлатларга қилинган мурожаат; 2) товуш ва унинг график белгиси, шундай белгилар билан ёзилган мусиқа асари матни ва уларнинг тўплами.

НУРЛАНИШ КАСАЛЛИГИ (ЛУЧЕВАЯ БОЛЕЗНЬ) Организмда ионловчи нурланиш таъсирида пайдо бўладиган касаллик. Нурланиш меъёрий микдордан ортса рўй беради. Ўткир, ўртача ўткир ва сурункали нурланиш касаллигига бўлинади.

НУРЛАНТИРИШ (ОБЛУЧЕНИЕ) Даво мақсадида (масалан, нур терапиясида) моддага ёки биологик объектга инфрақизил, ультрабинафша ва ионловчи нур билан таъсир этиш. Тасодифий равишда (масалан, авария натижасида) ёки радиация нури манбалари билан ишлаганда нурланиш мумкин.

НУРЛИ ҚУРОЛ (ЛУЧЕВОЕ ОРУЖИЕ) Қуролнинг лазер нурланишига асосланган эҳтимолий тури. Нурдаги энергиянинг жуда юқори ҳароратда қизиб кетиш ҳолатини келтириб чиқарувчи тўйинишига асосланган.

Қуролнинг таъсир ўтказиш объектлари – инсон ва техника бўлиши

мумкин. Катта қувватга эга нур тутамлари кўз қобиғи, тери кабиларнинг куйишига олиб келади. Техникага қарата қўлланилганда металлнинг эриши, парчаланиши ёки буғланиб кетишига омил бўлади. Нурли қурол самолёт ва ракеталар ҳамда улар учириладиган марраларга қарата ҳам қўлланилиши мумкин.

Нурли қуролнинг нури кўринмаслиги (алангаси, тутуни ва товуши йўқ), ўта аниқлиги ва деярли оний таъсири билан ўзга қуроллардан фарқланиб туради. Душманга шикаст етказувчи таъсири қор ва ёмғир ёғаётганда, туман, чанг ва тутун мавжудлигида заифлашади.

Матбуотда чоп этилаётган материалларда баён этилишича, нурли қурол сифатида – ўта қувватли (газодинамик, кимёвий, газразрядли) лазерлардан фойдаланиш мумкин экан.

ОБОЙМА (ОБОЙМА) Милтик, карабин, автомат, пистолет, йирик калибрли пулемёт ва кичик калибрли тўпларни ўқлаш (ўқдонни патронлар билан анжомлаш) амалини соддалаштириш ва тезлатиш учун мўлжалланган бир неча патронларни (5 донадан 15 донагача) муайян тартибда жойлаштириш учун мослаштирилган мослама. Қуролнинг айрим намуналарида обойма, патронларни ўқдондан патрондонга юборилиши мобайнида тутиб-йўналтириб турувчи қисм сифатида қўлланилади.

ОБТЮРАТОР (ОБТЮРАТОР) Порох солинган халтачалар қўлланилиб ўт очиш мобайнида порох газларининг ствол канали тубидан ёриб чиқишининг олдини олувчи артиллерия қуроли затворининг қисми. Обтюраторлар муайян шаклли ёки эгилувчан бўлади. Шу билан бирга “Обтюратор” атамаси ўхшаш вазифани бажариш учун мўлжалланган айрим пиротехник воситаларнинг таркибий қисмини номлашда ҳам қўлланилади.

ОБТЮРАЦИЯ (ОБТЮРАЦИЯ) Ўт очилганда порох газларининг ствол канали тубидан ёриб чиқишининг олдини олиш.

ОБЪЕКТИВ (ОБЪЕКТИВ) Оптик асбоб ичидаги линза ёки линзалар тизими. Кўздан кечирилаётган объектнинг кичрайтирилган, ҳақиқий ва тўнтарилган аксини кўрсатиш учун мўлжалланган.

ОБЪЕКТЛАРГА (НИШОНЛАРГА) ШИКАСТ ЕТКАЗИШ (ПОРАЖЕНИЕ ОБЪЕКТОВ (ЦЕЛЕЙ)) Шикаст етказишнинг турли воситалари билан объектларга (нишонларга) таъсир ўтказилиб, жанговар вазифани бажариш қобилятини тўла-тўқис ёки қисман йўқотиш.

ОБ-ҲАВО РАЗВЕДКАСИ (метеорологик разведка) (РАЗВЕДКА ПОГОДЫ) Муайян худуддаги об-ҳавони белгиланган фурсатда (вақт оралиғида) асбоб-ускуна ёрдамида ва кўз билан кузатиш.

Об-ҳаво разведкаси қўшинлар ҳаракатига таъсир кўрсатувчи булут қоплаган, ёғингарчилик бўладиган, момақалдирок юз бериши мумкин бўлган зоналар, атмосфера fronti оқимининг йўналиши ва тезлиги ҳамда шу каби бошқа табиат ҳодисаларини аниқлаш (аниқлик киритиш) мақсадида ўтказилади. Мазкур разведка (алоҳида қўшин тури манфаатларида) радиолокацияли, ҳаво, кема ва махсус разведка турларига бўлинади.

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ (ОТРАВЛЕНИЕ ПИЩЕЙ) Овқат билан бирга заҳарли моддалар (заҳарли ўсимлик ва замбуруғлар, бактерия

захарлари, кимёвий бирикмаларни) истеъмол қилиш натижасида вужудга келадиган касаллик.

ОГНЕМЁТ (ОГНЕМЁТ) ёнаётган ёнилғи аралашмалари билан душманнинг очиқ жойда, шу жумладан, дала истехкомлари, зирҳли машина, бино каби паногоҳларда жойлашиб олган жонли кучини қириб, моддий захира, танк ва автомашиналарини ёқиб ташлаш, шунингдек унинг йўлида ёнғин ҳосил қилиш учун мўлжалланган қурол. Ҳужумда бўлинмаларга мадад бериш ва мудофаада қудратларини кучайтириш учун қўлланилади. Огнемёт тизиллаб пуркаган олов оқими 140-180 м наридаги нишонни йўқ қилади.

Илк бор 1915 йилда Германия қўшинлари томонидан I жаҳон урушида қўлланилган. II жаҳон уруши йилларида томонлар оғир ва енгил огнемётлардан кенг фойдаланган. Осма огнемёт таркибига милтиқ, шланг, баллонлар жойлаштирилган тўрва ва тиргаклар кириб, бир киши томонидан қўлланилади. Огнемётлар:

- осма огнемёт;
- оғир огнемёт;
- механизациялаштирилган огнемёт;
- танкка ўрнатиладиган огнемёт;
- фугасли огнемёт;
- реактив огнемёт турларига бўлинади.

ОГНЕМЁТЛИ ҲАРБИЙ ҚИСМЛАР (ОГНЕМЁТНЫЕ ЧАСТИ)

Душманнинг жонли кучи, жанговар техникаси каби нишонларни олов пуркаб ёндирувчи воситалар билан яқсон қилиш учун мўлжалланган қисмлар (алоҳида бўлинмалар). Асосий қурол-аслаҳаси – огнемёт ва шу каби ёндирувчи қуроллардан иборат.

ОГНЕМЁТ ЎРНАТИЛГАН ТАНК (ОГНЕМЁТНЫЙ ТАНК) Асосий қурол сифатида огнемёт билан қуролланган ва ёнаётган ёндирувчи аралашмани 230 м гача улоқтирадиган жанговар машина. Тўп ва пулемётлар – асосий, огнемёт эса – кўмакчи қурол ҳисобланадиган танклар ҳам кенг тарқалган. Ёнилғи аралашмаси солинган ҳажм танк ичида ёки корпуси устида, ёхуд бир ўқли тиркамада жойлаштирилиши мумкин. Танкка реактив огнемёт ҳам ўрнатилиши мумкин.

ОДДИЙ АСКАР (РЯДОВОЙ) Аксарият давлатлар қуролли кучларида аскарлар таркибига мансуб ҳарбий хизматчилар учун белгиланган ҳарбий унвон.

Бугунги Қуролли Кучларимизда мавжуд мазкур унвон 1946 йилда таъсис этилган. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган шахсга, ҳарбий қисм шахсий таркиби рўйхатига киритилиши билан оддий аскар унвони бир вақтда берилади.

Ҳарбий-денгиз флотида оддий аскар унвонига – матрос унвони тўғри келади.

ОДДИЙ ҚУРОЛ (ОБЫЧНОЕ ОРУЖИЕ) Оммавий қирғин қуроллар жумласига кирмайдиган қурол. Оддий қурол жумласига ўқ-дорилар ва ушбу ўқ-дориларни нишонга (объектга) қадар етказиш учун мўлжалланган воситалар қиради. Ўқ-дорилар бризантли портловчи моддалар ва ёндирувчи

аралашмалар билан анжомланади. Ўқ-дориларни нишонга (объектга) қадар етказиш учун мўлжалланган воситалар жумласига ракета қўшинлари, артиллерия, авиация, танклар, пиёдаларнинг жанговар машиналари, кемалар, ўқли қурол-яроғлар киради.

ОКОП (ОКОП) Шахсий таркиб ва жанговар техника учун ўт очиш марраси ва оддий паноҳ сифатида хизмат қилувчи очиқ турдаги фортификацияли истехком. Окоп:

ўқчи окопи;

артиллерия, миномёт, пулемёт каби қурол окоплари;

танк ва шунга ўхшаш техника окопларига бўлинади.

Ўқчи окопи – якка аскар, ҳарбий хизматчилар жуфти ва гуруҳи учун мўлжалланган окопларга бўлинади. Окоп – ўйилган чуқур, олдига уйилган ясама дўнглик ва қуролни ўрнатиш учун майдончадан таркиб топади. Ҳосил бўлган якка окоп мотоўқчи секция учун окоп ҳосил қилувчи, узунлиги 50-60 м келадиган траншеяга уланади. Олов юритилишининг йўналишларига кўра ўққа тутишининг айланали ёки чекланган соҳага мўлжаллаб қазилади ва теvarак-атрофнинг асосий рангига монанд ниқобланади. Қазиш амали кўмакчи асбоб-ускуна ёрдамида бажарилади. Вазият йўл қўйган жойда портловчи моддаларнинг махсус зарядлари, ер қазиш машиналари, машинага бириктириладиган бульдозерловчи асбоблар каби воситалар қўлланилади.

ОККУПАЦИЯ (ОККУПАЦИЯ) Душман худудининг қуролли кучлар томонидан вақтинча эгалланиши.

Оккупация мобайнида оккупация этилган давлат ҳукумати деярли тугатилади, маъмурий бошқарув, ҳуқуқ меъёрларига риоя этилган ҳолда, оккупация этган қўшин қўмондонлиги томонидан амалга оширилади. Оккупация этилган худудни оккупация этган давлат худудига қўшиб олиш ман этилади. Оккупация этилган худуднинг маъмурий бошқарилуви оккупация этган мамлакат томонидан амалга оширилади.

ОЛДИНГИ МАРРА (ПЕРЕДОВАЯ ПОЗИЦИЯ) Мудофаа чегарасининг олдинги чизиғи олдидаги мудофаа марраси. Мудофаамизнинг олдинги чизиғи борасида душман тасаввурини чалғитиш, разведка юритилишини мураккаблаштириш, 1- эшелондаги қисмларимизни дафъатан атака қилишига йўл қўймаслик мақсадида ташкил этилади. Олдинги маррада таянч пунктлари ташкил этиш ва ушбу пунктларни душман хужумининг эҳтимолий йўналишларида айланасига юритиладиган мудофаага тайёрлаш ва жанг юритиш учун мотоўқчи ёки танк бўлинмалари ажратилади.

ОЛДИНГИ ҚЎМОНДОНЛИК ПУНКТИ (ОҚП) (ПЕРЕДОВОЙ КОМАНДНЫЙ ПУНКТ (ПКП)) Асосий зарба йўналишидаги қўшинларга раҳбарлик қилишнинг оперативлигини ошириш учун, қўшинлар қўшилмаларининг биринчи эшелондаги қўшинлар гуруҳининг бевосита ортида ташкил этиладиган бошқарув пунктларидан бири. Олдинги қўмондонлик пункти таркибига қўшилма командирининг ўринбосари, штаб, қўшинлар тури, махсус қўшин ва хизматлар офицерлари киритилиб, қўмондонлик пункти, қуролли кучлар фронт орти бошқарув пункти ва қўшилма қўшинлари билан ишончли алоқа таъминланади.

Зарурат туғилганида кўшилма командири олдинги кўмондонлик пунктига кўчиб ўтади.

ОЛДИНДАН БЕРИЛАДИГАН КўРСАТМА (ПРЕДВАРИТЕЛЬНОЕ РАСПОРЯЖЕНИЕ) Тахминий вазифа кўрсатилган жанговар хужжат ёки оғзаки команда. Ижросига шай туриш лозим бўлиб, жангни тайёрлаш муддати чекланган вақтда қўлланилади.

ОЛИЙ БОШ ҚўМОНДОН (ВЕРХОВНЫЙ ГЛАВНОКОМАНДУЮЩИЙ) Давлат (давлатлар иттифоқи) қуролли кучларининг, одатда уруш давридаги бош раҳбари.

Аксарият давлатларда Олий Бош Қўмондон тинчлик даврида ҳам тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ (93- модда, 16- банди) – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони ҳисобланади ва у:

Ўзбекистон Республикаси мудофаа сиёсати ва ҳарбий қурилишининг асосий йўналишларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти таъминланиши, унинг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги муҳофаза этилиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

Қуролли Кучларни қуриш, қўллаш ва ривожлантириш режаларини, шунингдек, мудофаани ташкил этиш юзасидан давлатнинг бошқа режа ва дастурларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларининг тинчлик ва уруш даврига мўлжалланган тузилиши, таркиби ва жойлашувини тасдиқлайди;

ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш тўғрисида, шу жумладан халқаро тинчликпарварлик тадбирларида қатнашиш тўғрисида, шунингдек Қуролли Кучларни ўзларига бевосита тааллуқли бўлмаган вазифаларни бажаришга жалб этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва Қуролли Кучларга буйруқ беради;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурати туғилганда уруш ҳолати, умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади;

Қуролли Кучларнинг олий кўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонларни беради;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ОЛИЙ БОШ ҚўМОНДОНЛИК (ВЕРХОВНОЕ ГЛАВНОКОМАНДОВАНИЕ) Одатда уруш даврида яратиладиган ва Олий Бош Қўмондон томонидан бошқариладиган давлат (давлатлар иттифоқи) қуролли кучларининг бош стратегик раҳбарияти.

ОЛИЙ ҲАРБИЙ-ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ (ВЫСШИЕ ВОЕННО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ УЧРЕЖДЕНИЯ) Офицер кадрларни

тайёрлаш учун мўлжалланган олий ҳарбий-таълим муассасалари.

Олий ҳарбий-таълим муассасасида таҳсил кўриш истагини билдирган, белгиланган ҳужжатларни расмийлаштириб топширганидан сўнг (*Олий ҳарбий-таълим муассасаларига қабул қилиш қоидалари атамасига қаранг*), зарурий текширув ва тиббий кўриклардан ўтиб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган:

ўз ҳарбий мутахассислиги ва хизмат муддатидан қатъий назар 25 ёшдан ошмаган, тугалланган ўрта маълумотга эга ҳарбий хизматчи;

17 ёшдан 21 ёшгача бўлган тугалланган ўрта маълумотга эга фуқаро шахс қабул қилинади.

Олий ҳарбий-таълим муассасаси битирувчиларига “лейтенант” ҳарбий унвони, олий маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи диплом билан биргаликда берилади. Офицер кадрларни тайёрлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфида қуйидаги олий ҳарбий билим юртлар фаолият кўрсатмоқда:

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, бу ерда вертолёт авиацияси-тактик, учиш аппаратлари ва двигателларидан фойдаланиш, учиш аппаратларининг авиация ва радиоэлектрон жиҳозларидан фойдаланиш, учиш аппаратларининг авиация қуролларидан фойдаланиш бўйича мутахассис офицерлар тайёрланади;

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, бу ерда автомобиль бўлинмалари командирлари, сапёр-муҳандислик бўлинмалари командирлари, кимёвий бўлинмалар командирлари, артиллерия бўлинмалари командирлари, қуролли кучлар фронт орти таъминоти бўйича офицер муҳандислар, ракета-артиллерия қуроллари ва ўқ-дорилар бўйича офицер муҳандислар тайёрланади;

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети, бу ерда радио ва космос алоқаси; симли, радиореле ва тропосфера алоқаси, электр симли алоқа воситалари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари, радио, радиотехник разведка ва электрон кураш, зенит-ракета қўшинлари бўлинмалари офицери, радиотехник қўшинлар бўлинмалари офицери, ахборот хавфсизлиги офицер мутахассислари тайёрланади;

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, бу ерда мотоўқчи ва чегара қўшинлари бўлинмалари командирлари, разведка бўлинмалари командирлари, мотоўқчи ва чегара қўшинлари бўлинмалари командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари тайёрланади;

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, бу ерда танк қўшинлари қўмондонлик-тактик, танк қўшинлари муҳандислик-тактик, ҳаво десанти қўшинлари қўмондонлик-тактик, қуруқликдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа қўмондонлик-тактик, қуруқликдаги қўшинлар ҳаво ҳужумидан мудофаа муҳандислик-тактик мутахассисликлари бўйича офицерлар тайёрланади.

ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ (ПРАВИЛА ПРИЁМА В ВЫСШЕЕ ВОЕННО-

ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ УЧРЕЖДЕНИЯ) Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий-таълим муассасалари тўғрисидаги махсус низом, буйруқ ва йўриқномалар билан белгиланади.

Олий ҳарбий – таълим муассасаларига – тугалланган ўрта (ўрта махсус) маълумотга эга, ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил кўришга руҳий кўрсаткичлари ва жисмоний тайёргарлиги ҳисобга олинган соғлиғига кўра яроқли ва умумтаълим фанларидан кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган муддатли хизмат аскарлари, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, фуқаро ёшлар, ҳарбий хизматга мажбур шахслар, захирага бўшаган муддатли хизмат аскарлари, ҳарбий лицей битирувчилари қабул қилинади.

Ёши 25 дан ошмаган, тугалланган ўрта маълумотга эга, олий ҳарбий-таълим муассасасида таҳсил кўришни истаган ҳарбий хизматчи, ҳарбий ҳисоб бўйича мутахассислиги ва ўтаган ҳарбий хизмат муддатидан қатъий назар, қисм командири номига, жорий йилнинг 1 апрелига қадар кўмондонлик поғонаси бўйича ёзма билдирув тақдим этиши лозим.

Ёши 17 дан 21 гача, тугалланган ўрта маълумотга эга, олий ҳарбий-таълим муассасасида таҳсил кўришни истаган фуқаро шахс, истиқомат қилаётган туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғи номига, жорий йилнинг 1 майига қадар ариза ёзиб топширади. Мазкур аризага:

таржимаи ҳол;

иш ёки ўқиш жойидан (ишламаётган шахс учун – маҳалла кўмитасидан) тавсифнома;

ўрта маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (ўрта мактаб ўқувчилари учун ўтган уч чоракда олинган баҳолар жадвалининг нусхаси);

бош кийимсиз туширилган ва тасдиқланган 4,5х6 ўлчамли 3 дона ва 3х4 ўлчамли 4 дона фотосурат;

турар жойидан маълумотнома;

оила таркиби ҳақида маълумотнома;

ота-онасининг иш жойларидан (ишламайдиганлар учун – маҳалла кўмитасидан) маълумотнома илова этилади.

Абитуриент номига юритилган шахсий жилд расмийлаштирилаётганида:

номзодни ўрганиб чиқиш варақаси;

касбий саралов варақаси;

режимли объектларда ишлаш ҳуқуқини берувчи маълумотнома;

анкета тўлдирилиб, тикилади.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлар вилоят мудофаа ишлари бошқармасига топширилади. Вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг қарори баённомада расмийлаштирилиб, 10 кун ичида номзодга эълон қилинади. Паспорт, ҳарбий гувоҳнома ёки чақириқ жойида рўйхатдан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, ўрта маълумотга эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжат (шаҳодатнома, диплом), туғилганлик ҳақида гувоҳнома, озиқ-овқат таъминоти шаҳодатномасининг асл нусхалари абитуриент томонидан ҳарбий ўқув муассасасининг қабул комиссиясига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий-таълим

муассасаларига қабули – ўқишга кириш йилининг 10 июнига қадар амалга оширилади.

ОЛИС МАСОФАЛАРДА ҲАРАКАТЛАНУВЧИ АВИАЦИЯ (ДАЛЬНЯЯ АВИАЦИЯ) Ҳарбий-ҳаво кучларининг таркибий қисми бўлиб, душман ортидаги олис сарҳадларда мавжуд ҳарбий объектларни яқсон этиш ва ҳаво разведкасини юритиш учун мўлжалланган. Ракета ташувчи, бомбардимончи ва разведкачи турларга бўлинади. Олис масофаларда ҳаракатланувчи авиациянинг муҳим жанговар хусусиятлари:

олис масофаларда ҳаракатланиши;

объектларга, шу жумладан, ҳаракатчан нишонларга қарата, об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида, кундуз кунини ва тунги вақтда қудратли ва аниқ зарбалар бериш қобилияти;

зарбаларни қисқа муддатда, бир йўналишдан иккинчи йўналишга олиб ўтишга имкон берувчи юқори манёврчанлигидир.

Олис масофаларда ҳаракатланувчи авиацияни жанговар ҳаракатлар шароитида қўллашнинг асосий усули – қисқа муддатда объектларни йўқ қилиш ёки вайрон этиш мақсадида ёпирилма зарбалар беришдир.

Олис масофаларда ҳаракатланувчи авиациянинг қурол-аслаҳаси таркибида об-ҳавонинг барча шароитида олис масофаларга учувчи, стратегик ракеталарни ташувчи, бомбардимончи самолётлар мавжуд.

Босиб ўтадиган масофасини ошириш учун самолётлар парвоз мобайнида ёқилғи билан тўлатилади.

Қўллайдиган ўқ-дорилар жумласига: “Ҳаводан-ерга” синфига мансуб ракеталар, оддий ва ядровий каллакли, кўп мақсадли авиация бомбалари киради.

1942 йилгача узоққа учадиган бомбардимончи авиация, 1942 йил мартдан узоққа борадиган авиация, 1946 йилдан олис масофаларда ҳаракатланувчи авиация деб атала бошлаган. II жаҳон уруши йилларида қуруқлик ва денгиздаги муҳим объектларга зарба берган, душман ортида ҳаво разведкасини олиб борган. Бомбардимончи, разведкачи ва махсус турларга бўлинади.

ОЛИС ЮРИШ (ДАЛЬНИЙ ПОХОД) Кемаларнинг тўла автоном шароитда, экипажларнинг денгиз тактикаси, таълимоти ва касбий маҳоратини такомиллаштириш, руҳий, маънавий ва жисмоний сифатларини чиниқтириш мақсадида давомли юриши.

ОЛОВ (ОГОНЬ) Қуролнинг турли русумларидан қуруқликда, денгиз ва ҳавода ўт очиб (ракеталар учуриб) душманни даф этиш учун мўлжалланган асосий восита.

Замонавий қурол оловининг қудрати: ўта аниқлиги, душман учун дафъатан очилиши, муҳим объектларга қарата ёпирилиб қўлланиши, кенг миқёсда манёврланиши, моҳирона бошқарилишидан иборат. Олов қўйилган вазифага монанд душманни (нишонни):

йўқ қилиш – жанговар қобилиятига батамом барҳам бериш;

вайрон қилиш - келгусида фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келтириш;

янчиш – жанговар қобилиятдан вақтинча маҳрум этиш;

ҳолдан тойдириш – жонли кучига ахлоқий-руҳий таъсир ўтказиш, таҳликага солиб, жонсарак этиш мақсадида очилади. Олов:

артиллерия олови;

танк ва ПЖМ олови;

ўқли қурол олови;

авиация аслаҳалари олови турларига, шунингдек: тез ва равон очиладиган, хавотирга солувчи, яқиндан, қиялаб, бир ерга ғуж ёпириб, режали, бир неча томондан, барча қуроллардан жамланма очиладиган, қанотлардан ва рўпарадан очиладиган олов турларига бўлинади.

ОЛОВЛИ ДЕВОР (ОГНЕВОЙ ВАЛ) 1) артиллерия олови билан битта ёки бир вақтнинг ўзида иккита чизикда ташкил этилган яхлит оловли парда бўлиб, душманнинг олдиндан тайёрлаб қўйилган мудофаасини ёриб ўтиш мақсадида атакага кўтарилган қўшинларимиз fronti олдида, бўлинмалар олға силжиб боргани сари, изчиллик билан оловни олдинга кўчириб ўтиш йўлини қўллаб, душманни йўқ қилиш ва даф этиш усули. Оловли девор бир қатламли ёки икки қатламли бўлиши мумкин.

Бир қаватли оловли девор – душман мудофаасининг бир чегарасига қарата атакага кўтарилган мотоўқчи бўлинмалар ва танклар фронтининг бевосита олдида ташкил этилади.

Икки қаватли оловли девор – иккита артиллерия гуруҳи томонидан бир вақтда душман мудофаасининг барча асосий ва оралик чегараларида ташкил этилади.

Оловли девор узоклиги – душман мудофааси хусусияти, жанг ғояси, мавжуд артиллерия қуроллари ва ўқ-дорилар миқдорига боғлиқ; 2) қўл остида мавжуд ёнувчи ашёлардан душман танклари атакасининг эҳтимолий йўналишларида ташкил этилган оловли тўсиқ. Мазкур ёнувчи ашёлар, душман атакаси бошланиши билан ёнувчи шиша ва фугасли огнемётлар (ёки ўзга усуллар) ёрдамида ўт олдирилади.

ОЛОВЛИ ЁҒИН (ОГНЕВОЙ НАЛЁТ) Артиллерия томонидан ўт очишга оид вазифаларни бажариш усулларида бири.

Бунда олов душман устига дафъатан катта зичлик билан ёғдирилади. Атака оловини тайёрлаш мобайнида бир ёки бир неча батареялар томонидан муайян нишонга қарата режали равон ўқ узиб, ўққа тутиш билан амалга оширилади.

Оловли ёғинлар сони яқсон этилиши лозим бўлган нишонлар хусусияти (паналанган, ёпилган ва зирҳланганлиги) билан белгиланади. Оловли ёғинлар нишонни йўқ қилиш учун мўлжалланган снарядлар миқдори ва қўллаш учун вақтнинг етарли эканлигига боғлиқ тарзда белгиланган ёки белгиланмаган давомийликда ўтказилиши мумкин.

ОЛОВЛИ МАДАД (ОГНЕВАЯ СВЯЗЬ) Жангдаги чегарадош бўлинмаларнинг бир-бирига ўқотар қурол ва тўплар олови билан берадиган мадади.

ОЛОВЛИ САНЧҚИ (артиллерияда қўлланиладиган атама) (ВИЛКА (арт.)) Масофа бўйича отиб кўриш давомида икки снаряднинг нишонга нисбатан устидан учиб ўтиб ва етиб бормаётган портлаши.

Оловли санчқи кенг ёки тор бўлиши, амалга оширилганидан сўнг эса таъминланмаган ва таъминланган ўт очиш амалига ўтиб, нишонни яқсон этиш мумкин.

Таъминланмаган ўт очиш – биттадан нишон узра ўтиб ва унга етиб бормай ҳосил бўлган портлашлар.

Таъминланган ўт очиш – иккитадан кам бўлмаган тарзда нишон узра ўтиб ва унга етиб бормай ҳосил бўлган портлашлар.

ОЛОВНИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН ЖАМЛАШ (ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОЕ СОСРЕДОТОЧЕНИЕ ОГНЯ) Артиллерия оловининг тури. Атакага кўтарилган кўшинга артиллерия билан кўмак бериш усули. Бунда жамланган артиллерия олови, атакадаги кўшин олдида мавжуд нишонларга қарата, ўт очиш чегаралари бўйлаб кетма-кет кўчириб ўтилади.

Хужумда ва мудофаамиз мобайнида, зарбамизга қарши душман зарба берганида қўлланилади. Изчиллик билан жамланадиган олов бир ва икки қатламли бўлиши мумкин.

Олов бир қатламли изчиллик билан жамланганда, ўт очишнинг битта чегарасида, атаканинг бевосита олд томонида жойлашган нишонларга қарата юритилиб, бўлинмаларимиз олға илгариланган ва душман нишонларининг жойи ўзгарган сари навбатдаги чегарага кўчирилиб борилаверади.

Оловни икки қатламда жамлаш амали – артиллериянинг икки гуруҳи томонидан бир вақтда ўтказилади, 1 – артиллерия гуруҳи яқин масофадаги чегарада жойлашган нишонларга қарата, 2 – гуруҳ эса иккинчи чегарадан бошлаб, навбатдаги чегараларда жойлашган нишонларга қарата ўт очади.

ОЛОВНИ КЎЧИРИБ ЎТИШ (ПЕРЕНОС ОГНЯ) 1) ўт очиш марраларини алмаштирмаган тарзда бир нишонга қарата юритилаётган ўт очиш амаллари тўхтатилиб, ўзга нишонга қарата ўт очилиши. Оловни алоҳида пулемёт, тўп, замбарак, миномёт, автоматик гранатомёт, танк кабилар ҳам, ялпи бўлинма (артиллерия гуруҳи) ҳам кўчириб ўтиши мумкин; 2) артиллерияда – нишонни йўқ қилиш учун ўт очиш ўрнатмаларини белгилаш усулларида бири.

Оловни нишонга кўчириб ўтиш амаллари ўт очиш натижаларининг ўта аниқлиги ва оловли ёғиннинг душман учун ногаҳонлигини таъминлаш зарурлигида репер ёки олдиндан отиб кўрилган нишонга нисбатан бажарилади.

ОЛОВ ПУРКАБ ЁНДИРУВЧИ ВОСИТАЛАР (ОГНЕМЁТНО-ЗАЖИГАТЕЛЬНЫЕ СРЕДСТВА) Душманнинг жонли кучи ва ҳарбий техникасини даф этиш йўлида ёнғин ҳосил қилиш учун мўлжалланган жанговар воситалар. Олов пуркаб ёндирувчи воситалар ёндирувчи моддаларнинг ёниш хусусиятларидан фойдаланишга асосланган. Улар жумласига:

ёндирувчи моддалар ёнадиган ёнилғи аралашмалари;

ёнилғи аралашмасини нишонга қадар етказиб берувчи воситалар киради.

Ўқ-дори ва ёнадиган ёнилғи аралашмалари:

авиацияда – ёндирувчи баклар, бомбалар, кассеталар;

артиллерияда – ёндирувчи снаряд ва миналар;

мотоўқчи кўшинларда – ёндирувчи-тутун пурковчи граната, ўқ ва огнемётлар ёрдамида қўлланилади.

ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ (МАССОВАЯ КОММУНИКАЦИЯ)

Муайян жамиятнинг маънавий бойликларини қарор топтиришдан ҳамда кишилар фикри ва хулқ-атвориға мафкуравий, сиёсий, иқтисодий ва ташкилий таъсир кўрсатиш учун матбуот, радио, телевидение, кино воситасида, овоз ва тасвир ёзилган тасмалар орқали тизимлаштирилган тарзда ахборот тарқатиш. Ғоявий-сиёсий кураш, бошқарув, тарғибот, маърифат тарқатиш, реклама қуроли бўлган оммавий коммуникациянинг табиати ва мақсади жамиятнинг ижтимоий табиати билан белгиланади.

ОММАВИЙ-СПОРТ ИШЛАРИ (СПОРТИВНО-МАССОВАЯ РАБОТА)

Ҳарбий хизматчиларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар тизими. Оммавий-спорт ишлари жисмоний маданият ва спортни ташкил этиш ва тарғибот қилиш, машқ ва машғулотлар, турли кўрик ва биринчиликлар ўтказиш каби тадбирлардан иборат. Оммавий-спорт тадбирлари ўқув машғулотлари вақтидан ташқари, кун тартибида белгиланган вақтда ўтказилади.

ОММАВИЙ-ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ (АГИТАЦИОННО-МАССОВАЯ РАБОТА)

Қуролли кучларда мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, тарбиявий ишларнинг муҳим соҳаси бўлиб, шахсий таркибни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш воситасидир. Унинг асосий вазифаси – жангчилар онгига давлат қонунлари талабларини етказиш, шахсий таркибни муайян ҳарбий, ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий қасамёд ва умумқўшин низомлар талабларини бажаришга сафарбар этишдир.

Мазкур ишлар командирлар, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ҳарбий хизматчиларнинг жамоалари, тарғибот-ташвиқот жамоалари ва ташвиқотчилар томонидан юритилади.

Оғзаки (тезкор сиёсий ахборот, суҳбат, маъруза, муайян мавзуга бағишланган кеча ва митинглар, ҳарбий хизматчилар мажлиси каби), нашр (газета, журнал ва варақалар) ва кўргазма (плакат, фотомонтаж, расмлар ва ҳоказо) шаклида олиб борилади.

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАР (ОҚҚ) (ОРУЖИЕ МАССОВОГО ПОРАЖЕНИЯ)

Душманнинг жонли кучлари, қурол-аслаҳалари ва иншоотларига ялпи (оммавий) талафот етказиш хусусиятига эга, қўлланилиши натижасида жонли кучнинг оммавий тарзда қирилиб, улкан вайроналиклар олиб келишга мўлжалланган жанговар воситалар, қирғин қуроллари. Жанговарлик (шикаст етказиш, қирғин қилиш) хусусиятларига кўра, бошқа барча жанговар воситалар, қуроллардан самаралироқ ҳисобланади. Оммавий қирғин қуролларнинг талафот етказувчи омиллари душманга жуда катта зарар етказиб, кучли ахлоқий-руҳий таъсир ўтказади. Оммавий қирғин қуроллар жумласига:

ядро қуроллари;

кимёвий қуроллар;

бактериологик (биологик) қуроллар;

қудратли ёндирувчи қуроллар қиради.

Оммавий қирғин қуролини ишлатиш шароити, ҳудуди, миқёси деярли чекланмаган. Ҳозирча оммавий қирғин қуролларнинг энг катта захираси икки йирик давлат – АҚШ ва Россия Федерациясида жамланган. Покистон, Эрон, Хиндистон, Шимолий Корея ва баъзи давлатлар оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ва захира ҳосил қилиш ҳаракатида.

Фан ва техника тараққиёти – сифат жиҳатидан янги тамойилларга асосланган инфратовушли, радиологик, нурли, лазерли, геофизик каби оммавий қирғин қуролларни ишлаб чиқиш имконини яратади.

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ (ЗАЩИТА ОТ ОРУЖИЯ МАССОВОГО ПОРАЖЕНИЯ) Қўшин, аҳоли ва халқ хўжалиги объектларини душманнинг ядровий, кимёвий ва бактериологик (биологик) қуролларининг хавфли (зарарли) таъсир ўтказувчи омилларидан ҳимоялаш учун кўриладиган чоралар мажмуи.

Бунда шахсий ҳимоя воситалари, траншеялар, махсус жиҳозланган пана жойлардан фойдаланилади, эпидемияга қарши ва бошқа тиббий тадбирлар, дезактивация, дегазация ҳамда умумдавлат мудофаа тадбирлари кўрилади. Ҳимоя воситалари қуйидаги турларга бўлинади:

шахсий – газниқоб, ёпинчиқ, комбинезон;

жамоавий – траншея, ертўла, коммунал техник иншоот ва кўчадаги ер остидан ўтиш йўллари, жиҳозланган паногоҳ, метро кабилар.

ОПЕРАТИВ БИРЛАШМА (ОПЕРАТИВНОЕ ОБЪЕДИНЕНИЕ) Таркибига бир неча қўшилма ёки кичик бирлашмалар, шунингдек алоҳида қисм ва муассасалар киритилган йирик тузилма. Тинчлик ва уруш даврида ташкил этилиб, оператив ва стратегик вазифаларни бажариш учун мўлжалланган. Жаҳон тарихида қуролли кучлар қурилишининг армия, флотилия, эскадра, флот авиацияси, тактик авиация, турли қўмондонликлар каби оператив бирлашмалар ташкил қилингани маълум.

ОПЕРАТИВ БЎЙСУНИШ (ОПЕРАТИВНОЕ ПОДЧИНЕНИЕ) Бирлашма, қўшилма ва қисмларнинг жанговар вазифа бажарилиш даврида зиммасига операцияни (жангни) тайёрлаш ва юритиш юклатилган қўмондон (командир) ихтиёрига вақтинча ўтказилиши.

ОПЕРАТИВ ВАЗИФА (ОПЕРАТИВНАЯ ЗАДАЧА) Ўтказилаётган операциянинг белгиланган муддатида муайян мақсадга эришиш учун юқори поғонадаги бошлиқ томонидан қўшилма олдида қўйилган вазифа.

Оператив вазифанинг тўла бажарилиши ялпи операциянинг муваффақиятли ўтказилишига омил бўла олади.

ОПЕРАТИВ ВАҚТНИНГ ЎЗГАРТИРИЛИШИ (ОПЕРАТИВНЫЙ СКАЧОК) Оператив ёки тактик тайёргарлик бўйича ўтказилаётган ўқув тадбирлар мобайнидаги оператив вақтнинг астрономик вақтга нисбатан кечга сурилиши.

Оператив вақт бир ёки бир неча ўқув саволлари кўриб ўтилганидан сўнг мавзунинг навбатдаги саволи ёки тактик машқнинг кейинги босқичига ўтиш учун ўзгартирилади.

ОПЕРАТИВ ГУРУҲ (ОПЕРАТИВНАЯ ГРУППА) 1) муайян операцион йўналишда ҳаракат қилувчи қўшинларнинг вақтинча бирлашиши. Оператив

гуруҳ таркибига киритилган кўшинларга раҳбарлик қилиш учун кўмондон (командир, бошлиқ) тайинланади, бошқарув органи сифатида эса ушбу гуруҳ таркибига киритилган бирлашмалардан (кўшилмалардан) бирининг штабидан фойдаланилади; 2) асосий кучлардан ажралиб чиқиб, алоҳида вазифа бажараётган кўшин фаолиятини мувофиқлаштириш, ушбу кўшин билан алоқа ўрнатиш ва умумий вазифани бажариш мобайнида ҳамкорликни ташкил этиш учун бирлашма (кўшилма) штаби томонидан юбориладиган, алоқа воситаларига эга офицерлар гуруҳи.

ОПЕРАТИВ (ЖАНГОВАР) ТАЪМИНОТ (ОПЕРАТИВНОЕ (БОЕВОЕ) ОБЕСПЕЧЕНИЕ) Операцияни (жангни) муваффақиятли юритиш, қуролли кураш воситаларини самарали қўллаш, кўшинларнинг (кучларнинг) жанговар қобилиятини юксак савияда тутиб туриш, душманнинг кўшинларимиз устига дафъатан ҳужум уюштиришига йўл қўймаслик ёки олдини олиш ва бундай зарбалари унумини пасайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи. Оператив (жанговар) таъминотнинг асосий турлари:

разведка;

оммавий қирғин қуролидан сақланиш;

радиоэлектрон кураш;

ниқобланиш;

муҳандислик, кимёвий, топогеодезик, гидрометеорологик(метеорологик)

таъминот;

тактик поғонада эса – бундан ташқари қўриқчилик хизмати.

Қуролли кучларнинг қатор турлари ўзига хос оператив (жанговар) таъминотга эга.

ОПЕРАТИВЛИК САНЪАТИ (ОПЕРАТИВНОЕ ИСКУССТВО) Қуролли кучлар тури қўшилмалари томонидан биргаликда ёки мустақил тарзда умумқўшин операцияларни (жанговар ҳаракатларни) тайёрлаш ва юритиш назарияси билан амалиётини қамраб оладиган ҳарбий санъатнинг таркибий қисми бўлиб, стратегия билан тактика ўртасида оралиқ ўрин эгаллайди.

Аксарият давлатларнинг ҳарбий назариясида “Оперативлик санъати” атамаси ўрнига “Катта тактика” ва “Кичик стратегия” атамалари қўлланилади. Оперативлик санъати назариясининг асосий вазифалари:

замонавий операцияларнинг қонунияти, мазмуни ва хусусиятлари ҳамда қўшилмаларни оперативлик жиҳатдан қўлланилишининг ўзга шаклларини тадқиқ этиш;

операцияларни (жанговар ҳаракатларни) тайёрлаш ва юритиш усулларини, ҳамкорликни ташкил этиш ва сақлаб туриш, операцияларда (жанговар ҳаракатларда) иштирок этаётган кўшинларни (кучларни) ҳар томонлама таъминлаш ва бошқариш усулларини ишлаб чиқиш;

уруш майдонини оперативлик жиҳатдан жиҳозлаш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш;

эҳтимолий душманларнинг оператив миқёсда жанговар ҳаракатлар юритиш борасидаги қарашларини ўрганиб чиқишдан иборат.

Оперативлик санъати амалиёти жумласига бирлашма кўмондонлиги, штаблари ва кўшинининг (кучининг) операцияларни тайёрлаш ва юритиш, кўшинларни (кучларни) бошқариш ва операцияларни (жанговар ҳаракатларни) ҳар томонлама таъминлаш борасидаги фаолияти киради. Замоनावий оперативлик санъати жумласига:

- умумқўшин оперативлик санъати;
- стратегик мақсадли ракета кўшинларининг оперативлик санъати;
- ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинларининг оперативлик санъати;
- ҳарбий-ҳаво кучларининг оперативлик санъати;
- ҳарбий-денгиз флотининг оперативлик санъати;
- қуролли кучлар фронт ортининг оперативлик санъати;
- фуқаролар муҳофазасининг оперативлик санъати киради.

Оперативлик санъатининг тараққиёти ядровий ва оддий қуролнинг такомиллашиб бориши билан бир вақтда давом этмоқда. Бугунги кунда оперативлик санъати ўта аниқ ҳаракатланувчи автоматлаштирилган ва бошқариладиган қуролнинг қўлланилиши назарда тутилаётган замоनावий операцияларни тайёрлаш ва юритиш усуллари ишлаб чиқилиши мобайнида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ОПЕРАТИВ МАЪЛУМОТ (ОПЕРАТИВНАЯ СВОДКА) Бирлашманинг (кўшилманинг) одатда ўтган сутка борасидаги маълумотларга эга жанговар, ҳисобот-ахборот мазмунидаги ҳужжати. Оператив маълумотда куйидагилар баён этилади:

- бирлашма (кўшилма) ҳаракатлари, эгаллаган вазияти ва ялпи ҳолати;
- душман кўшинлари қай тарзда гуруҳлашганлиги, ҳолати ва ҳаракатларининг хусусиятлари;
- икки поғона пастдаги ўз кўшилмаларимизнинг (қисмларимизнинг) олиб борган жанговар ҳаракатлари натижалари;
- кўрилган талафотлар ва олинган ўлжалар;
- моддий таъминланганлик ҳолати;
- чегарадош бирлашмалар (кўшилмалар) ҳолати ва ҳаракатлари ҳақида қисқа маълумот ва жанговар ҳаракатлар давомида олинган шу каби маълумотлар.

Оператив маълумот штаб бошлиғи ва оператив бошқарма (бўлим, бўлинма) бошлиғи томонидан имзоланади.

ОПЕРАТИВ МУВАФФАҚИЯТ (ОПЕРАТИВНЫЙ УСПЕХ) Оператив моҳиятга эга ва операция давомига сезиларли таъсир ўтказадиган кўшинлар ҳаракатидаги натижа. Оператив муваффақиятнинг кўрсаткичлари сифатида:

- душман кўшинлари (авиацияси, флот кучлари) гуруҳининг тор-мор этилиши ва ҳужумкор кўшинларнинг оператив сарҳадларга чиқиши;
- зарбага қарши муваффақиятли зарба берилиши;
- сув ҳавзасининг муваффақиятли кечиб ўтилиши;
- ҳаво десанти ёки денгиз десанти операцияси муваффақиятли ўтказилиши кабилар хизмат қилиши мумкин.

ОПЕРАТИВ МУДОФАА (ОПЕРАТИВНАЯ ОБОРОНА) Фронт, армиялар гуруҳи, армия, армия корпуси томонидан юритилаётган оператив

миқёсдаги мудофаа ҳаракатлари.

ОПЕРАТИВ ТАЙЁРГАРЛИК (ОПЕРАТИВНАЯ ПОДГОТОВКА)

Генерал, адмирал ва катта офицерлар ҳамда оператив поғонадаги бошқарув органлари тайёргарлигининг асосий тури. Оператив тайёргарлик жумласига:

стратегия ва оператив санъатнинг назарий асосларини ўзлаштириш;

эхтимолий душманни ва уруш майдонидаги ҳарбий ҳаракатларнинг эҳтимолий хусусиятларини ўрганиш;

бошқарув органига мансуб мансабдор шахсларнинг кўшинларни юксак жанговар шай ҳолатда тутиб туриш, операцияни тайёрлаш ва юритиш мобайнида уларни бошқариш хусусидаги маҳоратларини такомиллаштириш;

бошқарув органи ва ялпи кўшилманинг ҳамкор ҳаракатларини машқ қилиш амаллари киради.

Оператив тайёргарлик олдида кўйилган асосий вазифалар:

генерал (адмирал) ва катта офицерларнинг ҳарбий санъат соҳасидаги билим ва малакаларини такомиллаштириш;

кўйилган вазифага биноан асосланган қарор қабул қилиш, бўйсунувчилар олдида жанговар вазифа кўйиш, ҳамкорлик ва ҳар томонлама таъминотни ташкил эта олиш борасидаги маҳоратларини шакллантириш;

радиоэлектрон кураш, механизация ва янги алоқа воситаларидан кенг фойдаланган тарзда кўшинларни (кучларни) бошқариш борасида кўмондонлик ва штабларнинг ҳаракатини тартибга солиш;

мансабдор шахсларга тактик машқлар ва оператив тайёргарликнинг ўзга тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш услубларини ўргатиш.

Генерал, адмирал ва катта офицерларнинг оператив тайёргарлиги назарий ва амалий машғулотлар ҳамда тактик машқларда ўтказилади. Бошқарув органининг ҳамкор ҳаракатлари оператив тайёргарликнинг энг юқори шакли бўлмиш штаб машғулотлари, ҳарбий ўйинлар, штаб, кўмондонлик-штаб машқлари, оператив машқ ва маневрларда ўтказилади.

Оператив тайёргарлик бўйича машғулот ва машқларда асосий эътибор кўмондонлик ва штаблар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг тезкорлигига қаратилади.

Стратегия ва оператив санъатнинг назарий асосларини ўзлаштириш амаллари ижодий тарзда ўтказилиб, илмий изланишлар, курол-яроғ ва ҳарбий техникани кўллаш, операцияни тайёрлаш ва ўтказиш усуллари борасида энг илғор усулларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш билан боғлиқдир.

ОПЕРАТИВ-ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИК (ОПЕРАТИВНО-ТАКТИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА) Генерал, адмирал ва офицерлар ҳамда кўшилма ва ҳарбий қисмлар бошқарув органлари тайёргарлигининг асосий тури. Оператив-тактик тайёргарлик жумласига тактика ва оперативлик санъатини ўрганиш киради.

ОПЕРАТИВ ТАНАФФУС (ОПЕРАТИВНАЯ ПАУЗА) Изчиллик билан ўтказилаётган ҳужумкор операциялар орасидаги вақт оралиғи.

Навбатдаги операцияни ўтказиш учун кўшинлар гуруҳини ташкил этиш ва моддий воситалар захирасини тўлатиш билан боғлиқ. Тарихий тажрибаларга кўра ҳужумкор ҳаракатлардаги узил-кесил муваффақиятларга

оператив танаффуслар минимал даражада қисқа ёки умуман ўтказилмаган ҳолларда эришилади.

ОПЕРАТИВ ТИЗИЛИШ (ОПЕРАТИВНОЕ ПОСТРОЕНИЕ) Бирлашма куч ва воситаларининг операцияни юритиш учун ташкил этилган гуруҳи. Оператив тизилиш операциянинг ғоясига мос келиши ва муваффақиятли юритилишини таъминлаши лозим.

Умумқўшин бирлашманинг оператив тизилиши бир, икки баъзан эса бундан ҳам ортиқ эшелонлардан иборат бўлиши ва мазкур эшелонлар таркибига умумқўшин бирлашмалар (қўшилмалар), ракета қўшинлари ва артиллерия гуруҳлари, фронт авиацияси, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус қўшинлар, ҳаво ва денгиз десантлари, тўсиқ ўрнатувчи ҳаракатчан отрядлар, турли мақсадли захиралар ва қуролли кучлар фронт орти гуруҳлари киритилиши мумкин.

Қуролли кучларнинг ҳар бир тури ўзига хос оператив тизилади.

ОПЕРАТИВ ТЎСИҚЛАР (ОПЕРАТИВНЫЕ ЗАГРАЖДЕНИЯ) Бирлашма қўмондонлигининг режасига биноан ташкил этиладиган ғов ва вайроналиклар тизими.

ОПЕРАТИВ ҲИМОЯ (ОПЕРАТИВНОЕ ПРИКРЫТИЕ) Чегарага туташ ҳудудларда душманнинг ногаҳон ҳужумини бартараф этиш, муҳим объектларни қўлда тутиб қолиш ва қўшинларни (кучларни) жанговар шайликнинг тўла даражасига келтириш, саф торттириш ва муҳорабага киритишни таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Одатда чегара қўшинлари билан биргаликда қуролли кучлар ва қўшин турлари ёки (ва) махсус қўшинларга мансуб, махсус ажратилган жанговар шай ҳолатдаги қўшилмалар (ҳарбий қисмлар) томонидан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР (ОПЕРАТОР) 1) айрим техник ускуналар – станциялар, йўналтириш станциялари каби қурилмаларда лавозимига кўра мажбуриятини бажараётган мансабдор шахс (офицер, сержант, аскар); 2) оператив бўлинма (бўлим ва бошқарма) офицерлари мутахассислигининг норасмий номи.

ОПЕРАЦИЯ (ОПЕРАЦИЯ) 1) уруш майдони, стратегик ёки операцион йўналишдаги (муайян ҳудуд ёки зонадаги) масалани белгиланган вақт давомида ҳал этиш учун хилма-хил қўшинлар (кучлар) томонидан мақсад, вазифа, жой ва вақтга кўра ўзаро боғланиб, мувофиқлаштирилган тарзда бир вақтда ёки кетма-кет ўтказиладиган муҳобара, жанг, зарба ва манёврлар мажмуи; ҳарбий ҳаракатлар шакли. Операция:

миқёсига кўра – стратегик операция, фронт (флот, ҳаво ҳужумидан мудофаа округи, армиялар гуруҳи) операцияси, армия (флотилия, корпус, эскадра) операциясига;

жалб этилган куч ва воситаларга кўра – умумқўшин (умумфлот), ҳамкорликда ва мустақил тарзда ўтказиладиган операцияга;

жанговар ҳаракатларнинг хусусиятига кўра – ҳужумкор ва мудофаа операцияларига;

ўтказиладиган вақтига кўра – дастлабки ва навбатдаги операцияларга;

жанговар ҳаракатлар юритиладиган соҳага кўра – денгиз операцияси, ҳаво операцияси, ҳаво ҳужумидан мудофаа ва қуруқликдаги қўшинлар

операциясига бўлинади.

Стратегик операцияда бир нечта фронт операциялари, фронт операцияларида эса – бир нечта армия ва корпус операциялари ўтказилиши мумкин. Ҳамкорликда ўтказиладиган операциялар – ўзига хос алоҳида операциялар ҳисобланади. Ҳар бир операция ўзига хос кўрсаткичларга эга. Ушбу кўрсаткичларнинг энг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

операцияда иштирок этаётган қўшинлар (кучлар) миқдори;

операция ўтказиладиган сарҳадлар кенглиги (ҳаракат майдонининг эни ва бўйи);

операция давомийлиги, ривож, кескинлиги;

ҳужумкор операцияларда эса – бундан ташқари ҳужум чуқурлиги ва суръати.

Қатор мамлакатлар қуроли кучларида ядро қуроли ва қуроли курашнинг янги воситалари мавжудлиги – операция таснифи ва усулларига бўлган қарашларни мутлақ ўзгартириб, ҳал этувчи ўрин ядровий зарбаларга ажратилмоқда. Операцияларнинг мазмуни, тайёрлаш ва юритиш усулларига:

урушнинг сиёсий мақсади;

ҳал этиладиган стратегик ва оператив вазифаларнинг хусусиятлари;

давлатнинг ҳарбий-иқтисодий имкониятлари;

қўшинларимиз ва душман қўшинларининг жанговар имкониятлари;

уруш майдонининг табиий ва географик хусусиятлари;

мавжуд бошқарув тизими;

қўшинларнинг (кучларнинг) маънавий-сиёсий ҳолати, уларнинг оператив, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик савияси сезиларли таъсир ўтказади; 2) муайян вазифани бажаришга қаратилган тугал ҳаракат ёки ҳаракатлар мажмуи (масалан, банк операцияси, жарроҳлик операцияси); 3) технологик жараёнларнинг бир қисми. Бир иш ўрнида бажарилади. Технологик операция меҳнат унумдорлигини белгилаш, ускуналардан фойдаланишни режалаштириш ва меҳнатни техник меъёрлаштиришнинг асосий ҳисоб бирлигидир; 4) ҳисоблаш машинасида дастур командаси бўйича биттадан бериладиган дастлабки миқдорлар устида (уларни узатиш билан бирга) бирор амални бажариш. Арифметик, мантиқий, бошқариш ва бошқа операцияларга бўлинади.

ОПЕРАЦИОН ЙЎНАЛИШ (ОПЕРАЦИОННОЕ НАПРАВЛЕНИЕ)

Стратегик йўналишнинг муҳим оператив объектлар жойлашган жой чегараларини сув ва ҳаво сатҳлари билан биргаликда ўзига мужассамлаштирган қисми.

Операцион йўналиш чегараларида қуроли кучлар турларига мансуб бирлашма, қўшилма ва ҳарбий қисмлар жойлашади, ёйилади, уруш даврида эса – операциялар ўтказади (жанговар ҳаракатлар юритади).

ОПЕРАЦИОН ЧИЗИҚ (ОПЕРАЦИОННАЯ ЛИНИЯ) Қўшинлар жанговар ҳаракатига (операцияга) тааллуқли асосий ғоянинг (мақсад ва йўналишларнинг) XVIII – XX асрларда стратегияда қабул қилинган белгиланиши.

Битта йўналишдаги битта объектга қарши ҳаракатлар – оддий операция

чизиғи, бир-биридан бир қанча узоқлашган йўналишлардаги бир неча объектларга қарши ҳаракатлар – мураккаб операция чизиғи деб аталади.

ОПЕРАЦИЯНИ (ЖАНГНИ) РЕЖАЛАШТИРИШ (ПЛАНИРОВАНИЕ ОПЕРАЦИИ (БОЯ)) Қўшинлар (кучлар) олдига қўйилган вазифалар ижросининг мазмуни ва изчиллигини батафсил ишлаб чиқиш, ҳамкорлик, таъминот ва бошқарувнинг ташкил этилишига кўра ушбу қўшинлар кучини келгуси ҳаракатлар йўналишлари бўйича тақсимлаш. Операцияни (жангни) тайёрлаш тадбирларининг таркибий қисми.

Операцияни (жангни) режалаштириш амаллари қўмондон (командир) бошчилигида, унинг операцияга (жангга) қабул қилган қарори, шунингдек юқори поғонадаги қўмондон ва штаб кўрсатмаларига асосан тегишли штаб томонидан амалга оширилади.

Операцияни (жангни) режалаштиришда тарбиявий ишлар органи бошлиқлари, қўшинлар тури, махсус қўшин ва хизмат турлари қўмондонлари (бошлиқлари) иштирок этадилар.

Операцияни (жангни) режалаштириш амалларини сир тутиш мақсадида, ушбу тадбирга тегишли шахсларнинг тор доираси жалб этилади.

Операцияни (жангни) режалаштириш амаллари кетма-кет ёки параллел ёхуд ушбу усуллар уйғунлаштирилган тарзда бажарилади.

Кетма-кет усул қўлланилганида бўйсунувчи штаблар бўлгуси операцияга тайёргарлик ишларига фақат ушбу амаллар юқори штаб томонидан ниҳоясига етказилганидан сўнггина киришадилар.

Параллел усулда – операцияни (жангни) режалаштириш амаллари катта бошлиқ қарор қабул қилиб, бўйсунувчилар олдига вазифа қўйганидан сўнг, жангни тайёрлаш муддати чекланган вақтда эса – катта бошлиқ томонидан операция ғояси ишлаб чиқилгач, олдиндан берилган жанговар кўрсатмаларга асосланган ҳолда ўтказилади.

Операцияни (жангни) режалаштириш муддатининг қисқартирилиши ва сифатининг оширилишига офицерларнинг юксак савиядаги тайёргарлиги, штаблар фаолиятининг ҳамкорлиги, ҳисоблаш техникаси ва механизация воситаларини тегишли жараёнларга жорий этиш билан эришилади.

Операцияни (жангни) режалаштириш натижалари *операция режасида* (жангга қабул қилинган қарорда) акс эттирилади.

ОППОЗИЦИЯ (МУХОЛИФАТ, ИХТИЛОФ) (ОППОЗИЦИЯ)

1) қарши ҳаракат қилиш, бирон сиёсатга, кимнингдир ҳаракатларига, қарашларига қаршилиқ кўрсатиш; 2) кўпчиликнинг фикрига ёки ҳукмрон фикрга қарши чиқувчи, қаршилиқ кўрсатиш сиёсатини олиб борувчи партия ёки гуруҳ (масалан, парламент оппозицияси, партия ичидаги оппозиция).

ОПТИК АЛОҚА (ОПТИЧЕСКАЯ СВЯЗЬ) Лазер ишлатиб, оптик диапазон (10^{13} - 10^{15} Гц) даги электр магнит тебранишлар ёрдамида амалга ошириладиган алоқа оптик квантли генераторларни (лазерларни) қўллаш билан юқори самара берувчи алоқа тури. Оптик алоқа тизими тузилиши жиҳатидан радиоалоқа тизимига ўхшаш. Радиоалоқага нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

нури ўта зич;

частоталар йўлаги йирик;

шовқин ва халақитлардан сақланиш даражаси катта;

маълумотлар узатиш тезлиги юқори.

Космик очиқ ва ердаги ёпиқ оптик алоқа йўллари истиқболли алоқа йўллари ҳисобланади.

ОПТИК ЛОКАЦИЯ (ОПТИЧЕСКАЯ ЛОКАЦИЯ) Оптик диапазондаги электр магнит тўлқинлар ёрдамида узоқдаги объектларни топиш, уларнинг координаталарини ўлчаш, шакллари аниқлаш жараёнлари мажмуи. “Зондловчи” нурлагич манбаи сифатида лазердан фойдаланиладиган оптик локаторларнинг иш сифати радиолокаторларникига қараганда анча юқори.

ОПТИК НУРЛАНИШ (ОПТИЧЕСКОЕ ИЗЛУЧЕНИЕ) Тўлқин узунлиги 1 мм дан 1 мм гача бўлган электр магнит тўлқинлар.

Инсон кўзига кўринадиган ёруғликдан ташқари инфрақизил ва ультрабинафша нурланишлар ҳам оптик нурланишга киради.

ОПТИК РАЗВЕДКА (ОПТИЧЕСКАЯ РАЗВЕДКА) Разведканинг оптик-электрон воситалари ёки оптик асбоблар ёрдамида душман объектлари (нишонлари) ҳақида маълумотлар қидириш. Жанговар ҳаракатларнинг барча турларида:

кўшин, артиллерия, ҳаво ва муҳандислик разведкаси кучи ва воситалари билан;

бошқарув ва кузатув пунктлари (постлари), вертолёт, самолёт, сув ости ва сув усти кемаларидан юритилади.

Замонавий оптик разведканинг техник воситалари жумласига бинокл, перископ, стереотруба ва буссоллар, разведка теодолитлари, кўриш майдонинг барқарорлаштиргичига эга кузатув асбоблари, оптик ва лазерли масофа ўлчагичлар киради. Оптик разведканинг асосий:

афзалликлари – нишон жойини тез ва аниқ белгилаш, давомли ва узлуксиз разведка юритиш имкони мавжудлиги;

камчиликлари – атмосферанинг ҳолати, сутка вақти, объектнинг ёритилган-ёритилмаганлигига боғлиқлигидадир.

ОПТИК ЎҚ (ОПТИЧЕСКАЯ ОСЬ) 1) кристаллда – ёруғлик тезлиги ёруғликнинг кутбланиш текислигига боғлиқ бўлмаган йўналиш. Кристаллнинг оптик ўқи бўйлаб тарқалаётган ёруғликда нурнинг кўшалок синиши содир бўлмайди; 2) оптик тизимнинг оптик ўқи – оптик тизимни ташкил қилган сиртларнинг умумий айланиш ўқи, бундай ўқ мавжуд бўлганда тизим – ўқ симметрияли оптик тизим дейилади.

ОРДЕН (ОРДЕН) Тақдирлаш нишони, кўрсатилган алоҳида хизматлари учун бериладиган давлатнинг фахрий мукофоти.

Орден билан алоҳида шахслар, шу жумладан ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек корхона, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар, ҳарбий қисм ва кўшилмалар, маъмурий-худудий бирликлар мукофотланади. Ҳар бир орден одатда ўз низомига эга бўлиб, унда мазкур орден билан ким ва қандай хизматлари учун мукофотланиши кўрсатиб ўтилади, ушбу орден билан мукофотлаш қоидалари ҳамда мукофотланганларнинг ҳуқуқ ва имтиёзлари

белгиланади. Орденининг тақдирлаш нишони сифатида келиб чиқиши XII асрда Фарбий Европада бўлган рицарлик ордени билан боғлиқ.

Мукофотланган шахсга орден топширилади ва у кўкракда, қадағичда ёки қадағичсиз тўғноғичга тақилиб юрилади.

Ҳарбий қисм мукофотланган тақдирда, орден мазкур қисмнинг Жанговар Байроғига тақиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида (2006 йилга қадар) қуйидаги орденлар таъсис этилган:

“*Мустақиллик*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги “Мустақиллик” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Амир Темури*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги “Амир Темури” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Жалолиддин Мангуберди*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 30 августдаги “Жалолиддин Мангуберди” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Буюк хизматлари учун*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги “Буюк хизматлари учун” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Эл-юрт ҳурмати*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августдаги “Эл-юрт ҳурмати” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Фидокорона хизматлари учун*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августдаги “Фидокорона хизматлари учун” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Соғлом авлод учун*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Соғлом авлод учун” (I ва II даражали) орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Меҳнат шуҳрати*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги “Меҳнат шуҳрати” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Шон-шараф*” ордени (I ва II даражали) – Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги “Шон-шараф” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган;

“*Дўстлик*” ордени – Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги “Дўстлик” орденини таъсис этиш тўғрисидаги Қонуни билан тасдиқланган.

ОРДЕН МАТОСИ (ОРДЕНСКАЯ ЛЕНТА) Орден ва медаллар қадоғичлари, шунингдек орденлар планкасига қопланадиган махсус тасма. Ҳар бир орден ва медаль учун муайян ранглар ва нақшлар берилган тасма. Орден матоси билан қадоғичлар қопланиб, унинг ёрдамида орден ва медаллар кўкракнинг чап томонига, кийимга тақилади. Орден ва медаллар ўрнига фақат уларнинг тасмаларини тақиб юриш учун орден ва медалларнинг тегишли матоси билан қопланган махсус тўғри бурчакли планкалар (шу жумладан кўкракнинг ўнг томонида қадоғичсиз тақиб

юриладиган орденлар учун ҳам) ўрнатилган.

Ўзбекистон Қаҳрамонининг “Олтин юлдуз” медали матоси ушбу медалдан алоҳида ажратилган ҳолда тақиб юрилмайди.

ОРДЕН ПЛАНКАСИ (ОРДЕНСКАЯ ПЛАНКА) Орден ва медаллар ўрнига тақиб юриш учун мўлжалланган тўғри бурчакли пластинка. Кўкракнинг чап томонига тақиб юрилади.

ОРДЕР (ОРДЕР) 1) буйруқ, фармойиш, ижозат берувчи расмий ҳужжат (масалан, уй-жойга кўчиб кириш, тинтув қилиш ва шу қабила учун берилади); 2) бухгалтерияда пул маблағлари ва моддий бойликлар билан боғлиқ операцияларни бажариш учун бериладиган ҳужжат.

ОР-НОМУС СУДИ (СУД ЧЕСТИ) Офицер ва сержантлар таркибининг ор-номуси ва кадр-қимматини сақлаш учун мўлжалланган – армия жамоатчилигининг ўз низомига эга сайлов органи.

ОСЦИЛЛОГРАФ (ОСЦИЛЛОГРАФ) Вақт давомида тез ўзгарадиган икки ёки бир неча катталиқлар (электр катталиқлар ёки электр катталиқларга айлантирилган микдорлар) орасидаги боғланишни кузатиш учун ишлатиладиган ўлчаш асбоби. Электрон-нур осциллографи кенг тарқалган. Унда катталиқлар сигналлари осциллограф қувурининг оғдирувчи пластиналарига тушади ва қувур экранида боғланиш графиги кузатилади ёки унинг тасвири суратга олинади.

ОТИБ КЎРИШ (ПРИСТРЕЛКА) Ўт очиш амаллари орқали нишонни яқсон қилиш учун артиллерия қуролининг мўлжалга олиш мосламаси ва ўқ-дори портлаткичида ўрнатиладиган манфаатли ўрнатмаларни белгилаш.

Отиб кўриш амали бевосита жанг майдонидаги нишонга қарата ёки оловни келгусида нишон устига кўчириб ўтиш учун олдиндан отиб кўрилган реперга қарата юритилади. Ердаги артиллерияда отиб кўриш амали ўлчанган оғишлар ёки портлашларнинг мусбат ёки манфий белгиларини кузатиш натижаларига кўра юритилади.

Отиб кўриш амалини бажариш учун шу мақсадга мўлжалланган (нишон кўрсатувчи) снарядлар қўлланилиши мумкин.

Оловни бошқарувчи замонавий жиҳозлар нишонга қарата ўт очиш амалини отиб кўрмай бирданига йўқ қилишга имкон яратади.

ОТИШ ТАЙЁРГАРЛИГИ (ОГНЕВАЯ ПОДГОТОВКА) Жанговар тайёргарлик тизимига киритилган фан бўлиб, бириктирилган қуролдан нишонни йўқ қилишни ўргатади. Мазкур фан қуйидаги бўлимлардан иборат:

қуролнинг моддий қисмларини ўрганиш;

ўт очиш асослари, қоидалари ва усулларини ўзлаштириш;

нишонларни разведка қилиш ва уларга қадар масофани аниқлаш;

ўт очишни бошқариш;

экипажнинг (расчётнинг) ўт очиш мобайнидаги ҳамкор ҳаракатларини машқ қилиш.

Отиш тайёргарлиги тактик тайёргарлик билан узлуксиз боғлиқ тарзда ўтказилиб, тактик машғулот ва машқлар жараёнида такомиллаштирилади. Отиш тайёргарлиги таълимотининг энг юқори шакли – жанговар ўт очишдир.

ОТИШ ҚОИДАЛАРИ (ПРАВИЛА СТРЕЛЬБЫ) Қурол-яроғнинг турли

русумини ўт очишга ҳозирлаш ва ўт очиш бўйича асосий қоидалар ва тавсиялар. Шахсий таркиб ва бўлинмани турли шароитда турли нишонларга қарата ўт очишга ўргатиш. Ҳарбий хизматчиларни ўт очишга доир вазифани ўқ-дори миқдори ва ўт очишга сарфланадиган вақтни тежаган ҳолда ишончли бажаришга ўргатиш борасидаги қўлланма. Ўт очиш амаллари бажарилаётганида отиш қоидаларига риоя этиш мажбурийдир. Отиш қоидалари қурол-яроғнинг ҳар бир тури учун чоп этилиб, одатда умумий қоидалар ва муайян қурол учун хос бўлган барча туркум ҳолатлар бўйича тавсиялар ва иловалардан иборат. Мазкур иловаларда:

қурол ҳақида хусусий маълумотлар;

ўт очиш учун чиқарилган ҳисоб ва мисоллар каби маълумотлар келтирилади.

Отиш қоидалари ер, қирғоқ ва кемадан, зенит артиллерияси, танк, учиш аппарати, пулемёт, автомат қабилардан ўт отиш учун тавсияларга бўлинади. Отиш қоидаларида тоғ, тун ва радиошовқинлар мавжуд шароитда, қўшинларимиз ораси ва қанотлардан каби алоҳида шароитда ўт очиш бўйича тавсиялар берилади.

ОТРЯД (ОТРЯД) 1) бирор жанговар вазифа ёки махсус вазифани бажариш учун вақтинча ёки доимий тузилган қисм ва бўлимлар қўшилмаси (мисол учун, разведка отряди); 2) айрим давлатлар ҳарбий-ҳаво кучларида эскадрилья таркибидаги штатли бўлинма; 3) чегара қўшинларида – тактик бирлашма.

ОФИЦЕР (ОФИЦЕР) 1) қуролли кучлардаги (милиция ёки полициядаги) командирлар (бошлиқлар) таркибига мансуб, ҳарбий ёки махсус унвонга эга, лавозимига биноан муайян мажбурият бажарувчи шахс. Илк бор офицерлик унвонлари XVI асрнинг 70-йилларида Ғарбий Европа мамлакатларида вужудга келган. Бугунги кунда мавжуд офицерлик унвонлари 1943 йилда таъсис этилган. Лейтенант ва ундан юқори ҳарбий унвонга эга фуқаролар – офицерлар таркиби деб аталади; 2) кичик ва катта офицерлар таркибига мансуб шахслар томонидан эгалланадиган, штаб ва муассасалардаги ҳарбий хизматчиларнинг штатли лавозими (масалан бўлим офицери, бошқарма катта офицери).

ОФИЦЕРЛАР ТАРКИБИ (ОФИЦЕРСКИЙ СОСТАВ) Ҳарбий ёки махсус маълумот ва шахсан ўзига берилган офицерлик унвонига эга – маъмурий ҳуқуқий шахслар тоифаси. Ҳарбий кадрларнинг асосий қисми.

Офицерлар таркибига мансуб шахс ҳақиқий ҳарбий хизматда, захира ёки истеъфода бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги офицерлар таркиби кичик, катта, олий тоифаларга бўлинади.

ОФИЦЕРЛАР УЙИ (ДОМ ОФИЦЕРОВ) Қуролли кучлар маданий-оқартув муассасаси. Гарнизон ва округ офицерлар уйи бўлиши мумкин. Тошкентдаги офицерлар уйи 1924 йилда очилган.

ОШИҚ - МОШИҚ (ШАРНИР) Бир умумий ўқ ёки нукта атрофида бири-бирига нисбатан эркин айлана оладиган қисмлар, конструкциялар бирикмаси.

ПАЛУБА (ПАЛУБА) Кема корпусининг горизонтал ёпиқ қисми; томи.

Юқори палуба зирҳланган бўлиши мумкин бўлиб, кеманинг умумий мустаҳкамлиги ва кўндаланг бўлимлар пишиқлигини таъминлайди. Қуйи палубалар кема корпуси бўйини қаватларга бўлиб чиқиб, энергетика қурилмаси, қурол-аслаҳа механизмлари, ўқ-дорилар, шахсий таркиб кабиларни жойлаш учун хизмат қилади. Авиаташувчи кемалар учиш аппаратларининг учиш қўниши учун мўлжалланган палубага эга.

ПАНАГОҲ (УБЕЖИЩЕ) Қўшинлар шахсий таркиби ва аҳолини шикаст етказувчи барча воситалардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган ёпиқ турдаги махсус иншоот. Панагоҳнинг блиндаж, ертўла кабилардан фарқи шундаки, унда одамларнинг шахсий ҳимоя воситалардан фойдаланмай давомли вақт бўлиши таъминланиб, мебель, иситиш ва ёритиш каби жиҳозлар ўрнатилиши мумкин. Вазифасига кўра: қўшинларга оид панагоҳ; фуқаролар муҳофазасига оид панагоҳга бўлинади.

Қўшинларга оид панагоҳ *енгил* ва *огир* туркумларга бўлинади.

Фуқаролар муҳофазасига оид панагоҳлар, одатда ер остига чуқурлаштирилган саноат, кўмакчи, истиқомат ва жамоат бинолари ва халқ хўжалиги объектларида жиҳозланади.

ПАНА ЖОЙЛАР (УКРЫТИЯ) Шахсий таркиб ва ҳарбий техникани душман кузатуви ва турли захарли моддалар, снаряд, авиация бомбаси, атом қуроллари кабилардан ҳимоя қилиш ва ниқоблаш учун фойдаланиладиган сунъий иншоот, рельеф (дара ва жарликлар) ва ўсимликларнинг (дарахтзорлар) ўзига хос хусусиятлари. Пана жойлар ёғоч, бетон, темир-бетон ёки тошдан қурилади. Қўшинларнинг шахсий таркибини ҳимоя қилиш учун взвод, артиллерия ва миномёт батареялари, кузатиш ва тиббий пунктлар учун котлован ёки ер ости пана жойлар қурилади. Котлован типидagi пана жойларнинг устига тўкилган тупроқнинг қалинлиги 150 см ва ундан қалин, ер ости типидagi пана жой устидаги тупроқнинг қалинлиги 4 м ва ундан қалин бўлиши лозим. Пана жойлар 20 – 30 киши ва ундан кўпроққа мўлжаллаб қурилади.

ПАНЕЛЬ (ПАНЕЛЬ) 1) қурилиш конструкциясининг заводда тайёрланадиган йирик ўлчамли ясси элементи; 2) электр шити, бошқариш пульти, радиотехник қурилма, асбоб кабиларнинг сигнал, назорат, ўлчаш ва бошқа аппаратлари жойлаштирилган қисми; 3) йўлканинг (тротуарнинг) бошқа номи.

ПАНОРАМА (ПАНОРАМА) Артиллерия қуроллари ва бараварига ўт очувчи реактив қурилмаларда мавжуд замонавий мўлжалга олиш мосламаларининг визирли ва бурчак ўлчовчи оптик асбоби. Жойни айланасига кўздан кечириш, қуролни жойда ўрнатиш ва танланган нуқтага нисбатан йўллаш учун мўлжалланган. Вертикал корпус, буралувчи каллак ва оккулярли кувурдан таркиб топган. Оптик тизим элементларининг бири-бирига нисбатан ўрнатилиши, шакл ва ўлчамлари жойни айланасига кўздан кечириш имконини беради.

ПАРАД (НАМОЙИШ, ТАНТАНА) (ПАРАД) Расмий байрам, давлат ва ҳарбий моҳиятга эга тантанали кунларда қўшинларнинг жанговар техника билан биргаликда тантана билан юриб ўтиши. Парадга тайёргарлик ва

ўтказиш тартиби тегишли низом ва буйруқлар билан тартибга солинади.

ПАРАШЮТ (ПАРАШЮТ) Ҳаво муҳитида ҳаракатланаётган объектни тўхтатиш учун мўлжалланган қурилма бўлиб, одам, юк ва космик аппаратларнинг баландликдан ерга хавфсиз қўниши, самолёт қўниши мобайнида ерда юрадиган масофа қисқартирилиши учун мўлжалланган. Вазифасига кўра парашют:

- одам учун мўлжалланган;
- юклар учун мўлжалланган;
- махсус парашютларга бўлинади.

Барча парашютларнинг умумий тузилиши ва ишлаш тамойили деярли бир хил бўлиб, гумбаз, арқонлар ва тахлаб қўйиш учун мўлжалланган тўрвадан ташкил топган.

ПАРАШЮТ БИЛАН ЖАНГОВАР САКРАШ (БОЕВОЙ ПРЫЖОК С ПАРАШЮТОМ) Ҳақиқий жанговар вазиятда ёки машқлар давомида ҳарбий хизматчига бириктирилган шахсий қурол-аслаҳа ва анжомлар билан сакраш.

ПАРВОЗНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ЧЎҚҚИСИ (ПОТОЛОК ПОЛЁТА) Самолёт (вертолёт) парвози мобайнидаги максимал баландлик. Парвознинг юқори чўққиси статик, динамик ва амалий кўринишларга бўлинади.

ПАРК (ПАРК) 1) ҳарбий техника сақланиши (туриши), техник хизмат кўрсатилиши ва таъмирланиши учун жиҳозланган ҳудуд. Парк қуйидаги турларга бўлинади:

доимий парк – ҳарбий қисмнинг доимий жойлашган жойи ва ўқув марказида;

дала парки – қўшинларнинг дала шароитида вақтинча жойлашганларида;

2) ҳарбий техниканинг бир турдаги воситалар мажмуи:

- автомобиллар парки;
- занжирли машиналар парки;
- артиллерия қуроллари парки;
- самолётлар парки ва ҳ.к.

ПАРОЛЬ (ПАРОЛЬ) Бирон-бир шаҳар номи кўринишига эга, ҳар куни ҳар бир қоровул учун алоҳида ўрнатиладиган махфий сўз. Пароль қоровулни алмаштиргани келган янги қоровул таркиби ҳақиқатдан ҳам шу мақсадда тайинланганлиги, буйруқ билан келган шахсга эса ҳақиқатдан ҳам тегишли бошлиқ томонидан ваколат берилганлигини тасдиқлайди.

ПАРОМ (ПАРОМ) Қуруқликда юрадиган транспорт воситаларини (автомобиллар, темир йўл вагонларини) юк ва йўловчиларни сув ҳавзалари, кўллар, дарёлардан мунтазам равишда олиб ўтиш учун мўлжалланган сузувчи иншоот (кема, сол). Ҳарбий мақсаддаги кечув вақтида понтон парклари ва маҳаллий сузиш воситаларидан иборат паромлардан фойдаланилади.

ПАРРАК (ПРОПЕЛЛЕР (ЛОПАСТЬ)) Шамол ёки сув оқими кучи билан ишлайдиган машина ва мосламаларнинг асосий ишчи қисми. Машиналарда паррак сув ёки ҳаво оқимининг кинетик энергиясини машина валининг айланиш энергиясига айлантириб беради.

ПАРЧАЛАНУВЧИ-ЁРИШУВЧИ СНАРЯД (ОСКОЛОЧНО-

ТРАССИРУЮЩИЙ СНАРЯД) Кичик калибрли зенит артиллериянинг снаряди бўлиб, парчалари билан ер ва ҳаводаги нишонлар, шунингдек денгиздаги кичик қайиқ, сузувчи мина кабиларни яқсон этиш учун мўлжалланган. Снаряд парвозининг йўналишини кузатиш имконини берувчи трассер билан анжомланган.

ПАРЧАЛАНУВЧИ СНАРЯД (ОСКОЛОЧНЫЙ СНАРЯД) Асосий артиллерия снаряди бўлиб, нишон, снаряд корпусининг парчалари, қисман портлаш ҳодисасининг маҳсулотлари ва зарбали тўлқин билан йўқ қилинади. Парчаланувчи снаряд корпус, ёрувчи заряд (тротил, ТЭН, гексоген кабилар), етакчи боғич ва портлаткичдан иборат. Баъзи бир парчаланувчи снарядлар ичига, корпуси парчаланиб сочилиши учун турли ашёлар (шарча ва игналар) солинган ёки ўзга конструктив чоралар (тарашланган яқтаклар, йўнилган халқалар, корпусидаги чархлаб кўйилган жойлар) қўлланилган бўлади. Душманнинг очик жой ва енгил паналар ортида жойлашган кучи ва ҳарбий техникаси, шу жумладан учиш аппаратларини йўқ қилиш учун ердаги артиллерияда, зенит ва денгиз артиллериясида ҳамда авиация ўқ-дорилари таркибида қўлланилади.

ПАРЧАЛАНУВЧИ-ФУГАСЛИ СНАРЯД (ОСКОЛОЧНО-ФУГАСНЫЙ СНАРЯД) Душманнинг жонли кучи ва ҳарбий техникасини йўқ қилиш, дала мудофаа истехкомларини вайрон этиш, тўсиқ ва миналанган майдон орқали йўл очиш каби масалаларни ҳал этиш учун мўлжалланган асосий артиллерия снаряди (минаси). Снаряднинг парчалар ёки фугас билан таъсир ўтказиши – вазифанинг мақсади ва хусусиятига ҳамда портлаткич ўрнатмасига боғлиқ. Портлаткич фугасли ҳаракатга ўрнатилганда – снаряд тўсиқ ичига ботиб кирганидан сўнг портлайди. Нишон, портлаш ҳодисасининг маҳсулотлари, зарбали тўлқин ва снаряд зарбасидан вайрон бўлади. Парчаланувчи фугасли снаряд ўрта калибрли ердаги артиллерия, миномётлар, зенит, танк, авиация ва кема тўплари жанговар комплекти таркибига киради.

ПАСТ УЧАЁТГАН НИШОН (НИЗКОЛЕТЯЩАЯ ЦЕЛЬ) 10 м дан 600 м гача баландликда парвоз этаётган учувчи бошқараётган ёки учувчисиз нишон. Паст учиши оқибатида уни ўз вақтида фош этиш ва уриб тушириш чораларини кўриш мураккабдир. Паст учаётган нишонларга қарши курашиш учун махсус воситалар қўлланилади.

ПАТРОН (ПАТРОН) Ўқли қурол ва кичик калибрли (75 мм гача) замбарак ўқ-дориси бўлиб, унда ўқ (снаряд), порох заряди ва ёндирувчи восита, гильза ёрдамида, бир бутун мужассамлаштирилган. Бундай патрон – яхлит (унитар) патрон деб аталади. Вазифасига кўра патронлар:

жанговар – душманнинг жонли кучи ва ҳарбий техникасини йўқ қилиш учун мўлжалланган;

қўмакчи – пахтавон, ўқув ва қуролни синаш учун мўлжалланган патронларга бўлинади.

Дастлаб қоғоз гильзали унитар патрон XIX асрнинг 40- йилларида, металл гильзали унитар патрон эса XIX асрнинг 60- йилларида вужудга келди. II жаҳон уруши йилларида оралик патрон, урушдан сўнгги йилларда

эса кичик импульсли унитар патронлар ишлаб чиқилди. Бугунги кунда гильзасиз патронлар яратиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

ПАТРОНДОН (ПАТРОННИК) Ўқотар қурол стволи каналининг отиш учун узатилган патрон гильзаси жойлашадиган қисми. Артиллерия қуролларида ствол каналининг ушбу қисми *ўқлаш камораси* деб аталади.

Револьверларда ва авиация тўпларининг айримларида айланувчан барабанда жойлашган бир нечта патрондонлар мавжуд.

ПАТРОНЛАР ҚОПЧИҒИ (ПАТРОННАЯ СУМКА) Ўқли шахсий қурол патронларини олиб юриш мўлжалланган, жангчи анжомлари таркибига мансуб ашё. Бугунги кунда фақат бел камарига тақиб юриладиган ўқдонлар қопчиғигина сақланиб қолган. Замонавий ўқли қурол патронларининг олиб юрилувчи захираси ўқдонларга анжомланган ҳолда, махсус ўқдонлар қопчиғида сақланади ва олиб юрилади. Ўқдонлар қопчиғи оддий аскар ва сержантлар анжомларига мансуб. Шу билан биргаликда, сўнгги йилларда кўкракда олиб юриладиган ўқдонлар қопчиғи кенг қўлланилмоқда.

ПАТРУЛЛИК (ПАТРУЛИРОВАНИЕ) 1) патруль ёки дозорчилар (пойлоқчилар) томонидан жой ҳудуди, ҳаво бўшлиғи ва сув ҳавзасини кузатиш, мудофаа этиш ва қўриқлаш усули. Патрулликнинг асосий усули – ҳудудни пиёда ёки транспортда айланиб чиқиш бўлиб, одатда мотоцикл, транспорт ёки жанговар машиналарда амалга оширилади; 2) турли объектлар, жанговар техника ва ҳарбий мулкни қўриқлаш усулларида бири. Бу усулда патруль пиёда (транспортда) йўналиш бўйича айланиб чиқиш йўли билан қоровуллик хизматини ўтайди; 3) муҳофаза этилаётган объект яқинида, душман самолёт, вертолёт ва учувчисиз ҳаво ҳужуми воситаларини қидириш, қўлга олиш ва яқсон этиш мақсадида, қирувчи самолётларнинг тайинланган ҳудудлардаги парвози; 4) гарнизондаги патруллик хизмати – гарнизон патрулининг кўчалар ва жамоат жойларидаги (шу жумладан аэродром, темир йўл вокзали ва станциясидаги) ҳарбий хизматчилар орасида тартиб ва юксак ҳарбий интизомни тутиб туриш борасидаги ҳаракати.

ПАТРУЛЛИК ХИЗМАТИ (ПАТРУЛЬНАЯ СЛУЖБА) Кўчалар, жамоат жойлари ва теваарак атрофдаги аҳоли пунктларида мавжуд ҳарбий хизматчилар орасида тартиб ва ҳарбий интизомни тутиб туришга йўналтирилган, гарнизонларда ўтказиладиган тадбирлар тизими. Мазкур тадбирлар гарнизон патруллик хизмати деб аталади.

ПАТРУЛЬ (ПАТРУЛЬ) 1) душманни кузатиб бориш ва муайян ҳудудни муҳофаза этиш, шунингдек қоровул хизматини ўташ давомида объектларни муҳофаза ва мудофаа этиш учун тайинланган ҳарбий хизматчилар гуруҳи (баъзан эса кичик ҳарбий бўлинма); 2) ҳарбий хизматчилар орасида тартиб ва ҳарбий интизомни тутиб туриш мақсадида гарнизон ёки ҳарбий шаҳарчада патруль хизматини ўташ учун тайинланган ҳарбий хизматчилар гуруҳи. Гарнизонда тайинланадиган ҳар бир патруль хизмати таркибига патруль бошлиғи ва 2-3 нафар патруль киради.

ПАТРУЛЬ (ПАТРУЛЬНЫЙ) Патруль хизмати таркибида ёки мустақил

тарзда патруллик хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчи (аскар, сержант). Патруль, қоровуллик хизматини патруллик усулида ўтаб, объектлар, ҳарбий техника ва мулкни қўриқлаш ва мудофаа этиш учун тайинланади.

Алоҳида жойлашган радиотехник бўлинма каби махсус бўлинмаларда тайинланган патруль, суткалик наряд таркибига кириб, бўлинма командири, командирнинг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси ва бўлинма бўйича навбатчига бўйсунди.

ПАХТАВОН ЎҚ-ДОРИЛАР (ХОЛОСТЫЕ БОЕПРИПАСЫ) Кўмакчи ўқ-дорилар жумласига кириб, машқлар, манёвр ва салют отиш мобайнида ўқотар қуролдан ўт очилишини имитация қилиш ва сигналлар узатиш учун хизмат қилади. Пахтавон ўқ-дорилар гильза ичидаги порох заряди, кигиз бўлаги, аланга олувчи модда каби воситалардан таркиб топган. Пахтавон ўқ-дорилар билан очилган олов баланд товуш ва ёруғлик таралиши билан кузатилади.

ПЕЛЕНГ (ПЕЛЕНГ) 1) ҳақиқий (ҳақиқий пеленг), магнитли (магнитли пеленг) ёки компасли (компасли пеленг) меридианнинг вертикал текислиги билан кузатувчининг жойи (компас ғалтагининг маркази) ва кузатилаётган объект орқали ўтувчи вертикал текислик орасидаги бурчак билан белгиланадиган кузатувчидан муайян объект томон бўлган йўналиш. Пеленг ҳисоби соат мили йўналиши бўйлаб 0^0 дан 360^0 га қадар юритилади. “Пеленг” атамаси асосан флот ва авиацияда қўлланилади. Қуруқликдаги қўшинларда объект томон танланган йўналиш *азимут* деб аталади; 2) самолёт ва кемаларнинг етакловчига нисбатан ортда ўнг томонга (ўнг пеленг) ёки чап томонга (чап пеленг) чиқиб бораётган жанговар тартиби.

ПЕЛЕНГАЦИЯ (ПЕЛЕНГАЦИЯ) Бирор объектга томон йўналишни, яъни объектнинг бурчак координаталарини аниқлаш. Оптик, радиотехник, акустик ва бошқа усуллар билан бажарилади. Навигация, локация, метеорология ва бошқаларда қўлланилади.

ПЕЛЕНГАЦИЯ ҚИЛИШ (ПЕЛЕНГОВАНИЕ) Радиоэлектрон разведкада амалга ошириладиган: пеленглар ўлчови, уларни қайта ишлаш натижалари ҳақида маълумотларни йиғиш, радиоэлектрон воситалар ишлаётган томонларни аниқлашдан иборат тадбирлар мажмуи.

ПЕРИСКОП (ПЕРИСКОП) 1) танк, сув ости кемалари ва турли пана жойлардан (окоп, блиндаж кабилардан) кузатиш учун мўлжалланган оптик асбоб. Перископ ёрдамида жойнинг горизонтал ва вертикал бурчаклари ўлчанади ҳамда кузатилаётган объектгача бўлган масофа аниқланади.

Перископнинг пиёдалар (окоплар), артиллериячилар, танкчилар ва денгиз қўшинларига мўлжалланган турлари мавжуд.

Перископ призмали ва ойнали турларга бўлинади. Призмали перископнинг бир оз (1,2 – 1,5 марта) катталаштирилганда кўриш майдони 40^0 ни ташкил этади, кўпроқ (5 – 6 марта) катталаштирилиб кўрсатишида эса – кўриш майдони кичраяди. Баъзи перископлар айланасига кузатиш имконини беради; 2) фотообъектив, икки линзадан иборат бўлиб, улар ўз ўртасидаги диафрагма текислигига нисбатан симметрик жойлаштирилади.

Перископда дисторсия ходисаси (тасвирнинг қийшайиши) бартараф

этилган.

ПИЁДАЛАР (ПЕХОТА) Курукликдаги кўшинлар тури бўлиб, умумкўшин жангида душманни яқсон этиш, худудини эгаллаш ва эгалланган худудни мудофаа этиш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида пиёдалар – *мотоўқчи кўшинлар* деб аталади.

Илк бор пиёдалар қадимги Грецияда вужудга келган бўлиб, жанговар ҳаракатларни ташкил этиш ва юритиш усуллари ҳамда қурол-аслаҳанинг ривожига хос тарзда тараққий топган.

Танк, авиация, артиллерия, муҳандис, кимёвий ва алоқа кўшинлари каби махсус кўшинларнинг вужудга келиши билан пиёдаларнинг солиштирма моҳияти пасая борди. Пиёдалар ривожининг асосий мезони – оловининг кудратини ошириш, моторлаштириш ва механизациялашни давом эттириш, ташкилий жиҳатдан тузилишини такомиллаштириб боришдир.

ПИЁДАЛАР ЖАНГОВАР МАШИНАСИ (ПЖМ) (БОЕВАЯ МАШИНА ПЕХОТЫ (БМП)) Мотоўқчи кўшинларнинг зирҳли, занжирли, сузувчи машинаси бўлиб, шахсий таркибни десантлаш ва жанг қилиш учун мўлжалланган.

Мураккаб йўлларда юра олиши ва ҳаракатчанлиги билан фарқланиб туради. Авиация транспортида ташилади ва парашютда десантланади. Филтрлаш-шамоллатиш қурилмаси, тунда кўриш асбоблари, алоқа воситалари ва ўзга жиҳозлар билан усқуналган. Ўқ ва ўқ-дори парчаларига қарши зирҳланган. Максимал тезлиги соатига 65 – 75 км, сувда эса 6 – 10 км. Пиёдалар жанговар машинаси аслаҳасининг таркибига 20 – 30 мм ли автоматик тўп, 1 – 2 дона пулемётлар кириб, калибри янада йирикрок қуролларга эга бўлиши мумкин. Экипаждан (2 – 3 кишидан) ташқари пиёдалар жанговар машинасига ўқчилар секцияси (6 – 9 нафар жангчи) жойлашади.

1960 йилда ишлаб чиқарилган.

ПИКРИН КИСЛОТАСИ (тринитрофенол, мелинит) (ПИКРИНОВАЯ КИСЛОТА) Бризантли портловчи моддаларнинг меъёрий кувватга эга турига мансуб сариқ рангли кристалл жисм кўринишига эга, таъми шўр портловчи модда. Унинг чанги нафас йўллари қаттиқ қичитади. Пикрин кислотаси совуқ сувда суств, иссиқ сувда эса – нисбатан фаол эрийди. Эритмалари инсон териси ва газламаларни сариқ тусга бўяб юборади.

Прессланган ва қуйма пикрин кислотасининг зичлиги тахминан 1,6 га тенг. Зарба, ишқаланиш кучи ва иссиқлик таъсирига таъсирчанлиги тротил таъсирчанлигига нисбатан бир оз ортиқ.

Пикрин кислотаси қурум қолдирган ҳолда тротилга нисбатан кўпроқ энергия бериб кучли ёнади. Ёниш жараёни детонацияга ўтиб кетиши мумкин. Детонацияга таъсирчанлиги тротилга нисбатан бир неча баробар ортиқ. Кукунсимон ва прессланган пикрин кислотаси 8- капслюль-детонатордан портлайди. Қуйма пикрин кислотаси эса – ушбу капслюль-детонатордан ҳар доим ҳам детонация олмайди, шу сабабли уни портлатиш учун оралик детонатор талаб этилади.

Пикрин кислотаси кимёвий жиҳатдан чидамли, лекин етарлича фаол модда. У металллар билан (қалайдан ташқари) пикратлар деб аталувчи тузлар ҳосил қилган ҳолда реакцияга киришади. Ушбу пикратлар пикрин кислотасининг соф ҳолидагига нисбатан механик таъсирга кучли таъсирчан портловчи моддалар хусусиятига эга. Айниқса темир ва кўрғошин пикратлари кучли таъсирчандир.

Пикрин кислотасидан соф ҳолда ва денитронафталин билан бўлган турлича қоришмалар кўринишида айрим ўқ-дориларни тайёрлаш мобайнида фойдаланилади.

ПИЛТА МИЛТИҚ (ФИТИЛЬНОЕ РУЖЬЁ) Порох заряди пилта (пилик) билан аланга олдириладиган силлиқ стволли милтиқ. Дастлаб (XII асрда) арабларда пайдо бўлган.

XIX аср 2- ярмигача Ўрта Осиёда жанг ва ов қуроли сифатида ишлатилган.

ПИРОТЕХНИКА (ПИРОТЕХНИКА) Портловчи ва ёнувчи аралашмалар тайёрлаш ҳамда уларни амалда қўллаш билан шуғулланадиган техника тармоғи.

Ҳарбий мақсадларда, саноатда, қишлоқ хўжалигида, байрамларда мушакбозликда қўлланиладиган моддалар билан шуғулланувчи турлари бор.

Ҳарбий мақсадларда ёритувчи пиротехник таркиблар, сигналловчи, ёндирувчи, ёруғ из қолдирувчи, тутун ҳосил қилувчи пиротехник таркиблар қўлланилади. Пиротехник таркибдан жанг майдонида снарядлар, бомбанинг портлаши каби сунъий портлашларни ҳосил қилишда ҳам фойдаланилади.

ПИСТИРМА (ЗАСАДА) 1) кўшинлар (кучлар) ҳаракатининг душманни яқсон этиш, асирга олиш, ҳужжатлар, қурол ва техника намуналарини қўлга киритиш мақсадида яширинча жойлашиб, душман яқинлашишини кутиш ва дафъатан ҳужум уюштириш йўли билан амалга ошириладиган усули; 2) яқинлашган душманга тўсатдан ҳужум қилиш учун шайланган кучларнинг ниқобланиб жойлашиши.

ПИСТОЛЕТ (тўппонча) (ПИСТОЛЕТ) 1) шахсий ўқотар қурол. Душманнинг 50-70 м гача масофадаги жонли кучини шикастлантиришга мўлжалланган; бир қўл билан отиш мумкин. Пистолет билан офицерлар, шунингдек, айрим ихтисосликларга мансуб сержант ва аскарлар қуроллантирилади.

Европа ва Осиёда илк бор XVI асрда вужудга келган. XVII асрдан бошлаб турли армияларда чакмоқ затворли, XIX асрдан эса капсюлли пистолетлардан фойдаланилган. Пистолетларнинг тезотарлигини таъминлаш учун улар 2 ва ундан кўпроқ стволли қилиб ясалган. XIX аср ўрталарига қадар пистолетларнинг аксарияти силлиқ стволли бўлиб, оғиз томонидан ўқланган. XIX аср 50- йилларига келиб, анча такомиллашган бурма стволли (винт кесимли) револьверлар қўлланила бошланган. Патронлар кейинчалик ўт очиш жараёнида даста ичига жойлаштирилган ўқдондан таъминлана бошланди.

Пистолетларнинг жанговар, сигналловчи ва спорт турлари мавжуд. Тузилишига кўра, атоматик, ярим атоматик (ўз-ўзидан ўқланадиган) ва

оддий (ўқлаш, отиш ва бўш гильзани чиқаришни отувчи бажарадиган) турларга бўлинади. Замоनावий пистолетлар калибри 7,62 – 11,43 мм, ўқдонларининг сифими 5-20 дона патрон, вазни 0,6 – 1,2 кг, айримлари қисқа навбатлар билан ўт очиш имконини беради. Ўқнинг бошланғич тезлиги сонияда 250 – 420 м гача. Пистолетдан ўт очиш учун ўқининг учи тўмтоқ, нишонни тўхтатувчи катта таъсирга эга патронлардан фойдаланилади; 2) ярим автоматик кўчма пайвандлаш мосламаси; муқим (кўчмас) қурилмаларда пайвандлаб бўлмайдиган деталларни пайвандлашда ишлатилади.

ПИСТОЛЕТ-ПУЛЕМЁТ (ПИСТОЛЕТ-ПУЛЕМЁТ) Яқин жангда 300 м гача узоқликдаги тирик нишонни шикастлашга мўлжалланган, пистолет патронига мослаштириб лойиҳалаштирилган – шахсий автоматик ўқотар қурол.

Пистолет-пулемётда пистолетнинг ихчамлиги ва пулемёт оловининг узлуксизлиги уйғунлаштирилган. Илк намунаси 1915 йил Италияда ихтиро этилган. Ф. В. Токарев намунаси 1927 йилда вужудга келган. Калибри 7,62 мм дан 11,43 мм гача, қутили (25-35 дона патрон) ёки барабанли (71 дона патрон) ўқдони бор. Бир дақиқада 450-1000 дона ўқ отади.

XX асрнинг 40 – йиллари охиридан 1000 м гача масофадаги нишонни шикастлантира оладиган М. Т. Калашников пистолет-пулемёти қўллана бошланган. Бу пистолет-пулемёт махсус алмаштиргич ёрдамида биттадан ёки автоматик ўт очиш имкониятига эга. Ўқдонига 20 дан 71 тагача патронлар сиғади. Тезотарлиги 1 дақиқада 80 дан 140 та ўққача.

Армияда В. А. Дегтярёв (ППД-40), Г. С. Шпагин (ППШ-41), А. И. Судаев (ППС-43) пистолет-пулемётлари, Германия армиясида 1938-40 йиллар намунасидаги пистолет-пулемётлар (MP-40), АҚШ армиясида МЗ, инглизлар армиясида “Стен”, фин армиясида “Суоми” пистолет-пулемётлар мавжуд бўлган.

II жаҳон урушида қўлланилиб, автомат деб аталган. Урушдан кейинги даврда пистолет-пулемёт оловининг амалий таъсир масофаси етарлича бўлмаганлиги сабабли автоматга алмаштирилган.

ПИСТОЛЕТ ҚИНИ (КОБУРА) 1) пистолет ёки револьвер учун мўлжалланган, теридан тайёрланган қин. Камарга, ўнг томонда тақиб юрилади; 2) ҳарбий чавандознинг эгарга ташлаб юриладиган юк халтаси (кабура).

ПЛАНШЕТ (ПЛАНШЕТ) 1) ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан муҳофаа қўшинлари ва ҳарбий-денгиз флоти қўмондонлик пунктларининг жанговар ахборот постларидаги ҳаво ва денгиз вазиятини акс эттириш учун мўлжалланган махсус мослама. Ушбу планшет механизациялаштирилган ёки автоматлаштирилган бўлиши мумкин; 2) учоёққа маҳкамлаш учун мўлжалланган (томонлари 40 см дан 70 см гача келадиган) мосламага эга ёғоч тахта; 3) далада ўтказилаётган топографик режалаштириш амаллари вақтидаги харита варағининг асл нусхаси. График ясашлар ва ҳисоблар чиқариш учун изо чизикларга (хариталарда Гаусс координатали тўри – ҳарорат, босим, намлик кабилар бир хил бўлган жойларни бирлаштирувчи

чизиқларга) эга географик харита мустаҳкамланган (ёғоч ёки металлдан тайёрланган) тахта.

ПЛАСТИК ПОРТЛОВЧИ МОДДА (пластит-4) (ПЛАСТИЧЕСКОЕ ВЗРЫВЧАТОЕ ВЕЩЕСТВО) Бризантли портловчи моддаларнинг меъёрий қувватга эга турига мансуб бир жинсли, оч сариқ зичлиги 1,4 га тенг хамирга ўхшаш масса кўринишидаги портловчи модда.

Кукунсимон гексоген билан (80%) махсус пластиклаштирувчи модда (20%) яхшилаб аралаштирилганида ҳосил бўлади.

Пластит – 4 ўзига сув сингдирмайди ва сувда эримаydi. Шакли қўл кучи билан енгил ўзгартирилиши мумкин. Ушбу хусусиятининг мавжудлиги ундан турли шаклларга келтирилган зарядларни тайёрлаш мобайнида фойдаланиш имконини беради. Хамирсимонлик хусусияти – 30⁰С дан + 50⁰С гача ҳароратда сақланиб қолади. Бироқ совукда унинг ушбу хусусияти бир оз суслашади, +25⁰С дан ортиқ ҳароратда ўта юмшоқ бўлиб қолиб, ундан тайёрланган заряднинг мустаҳкамлик хоссаси пасаяди.

Зарба, ишқаланиш кучи ва иссиқлик таъсирига кам таъсирчан (тротилга нисбатан бир оз юқори). Пластит-4 га қарата ўқли қуролдан ўқ узилганида одатда ёнмайди ва портламаydi, очиқ олов тутилганида ўт олади.

Вазни 50 килограммгача бўлган пластит-4 портламаyi фаол ёнади. Металлар билан реакцияга киришмайди. Танасининг ичига 10 мм дан кам бўлмаган чуқурликка ўрнатилган 8- сонли капсуль-детонатордан детонация олади.

Пластит-4 ёпишқоқ жисм хоссаларига эга эмас, шунинг учун портлатиш ишлари амалга оширилаётганида ундан тайёрланган зарядлар объектга ишончли бирикиши учун газлама ёхуд пластикат қопламалар ичида қўлланиши зарур. Пластит-4 қўшинларга 70x70x145 бичимли, вазни 1 кг, қоғозга ўралган прессланган ғишт шаклида берилади. Ушбу “Ғиштлар” ёғоч кутиларга 32 донадан солиниб қадоқланади.

ПЛАТФОРМА (ПЛАТФОРМА) 1) баланд майдонча, кўприкча; 2) темир йўл ёнида йўловчиларни тушириш ёки чиқариш учун мўлжаллаб жиҳозланган кичикроқ майдон (перрон); 3) кичик бортли очиқ юк вағони.

ПЛАФОН (ПЛАФОН) 1) бино, купе, каюта, самолёт салони шифтига (баъзан деворига) ўрнатилган электр чироғи арматураси, шипга ёки деворга ўрнатиладиган лампа қопқоғининг бир тури; 2) рассомлик, хайкалтарошлик безаклари билан безатилган шип, бирор бино шифтини безаган монументал безак; рассомлик асари.

ПЛАЦДАРМ (ПЛАЦДАРМ) 1) бирон-бир давлат томонидан ўзга давлат худудига бостириб кириш мақсадида қуролли кучларни жамлаш ва ёйиш, ҳарбий ҳаракатларни кенгайтириш учун база сифатида фойдаланиладиган худуд. Плацдарм оператив ёки стратегик аҳамиятга эга бўлиши мумкин; 2) қўшинлар томонидан ҳужумдаги кечув давомида қарши қирғоқда эгаллаб олган ерлари ёки қарама-қарши қирғоққа чекиниш мобайнида тутиб туриладиган ер майдони. Қулай шароитда, кенг плацдармнинг мавжудлиги, янги ҳужум операциясини ўтказиш учун дарёни жанг билан кечиб ўтиш шарт бўлмай қўшинларнинг қудратли гуруҳларини жамлаш имконини яратади;

3) денгиз десанти асосий кучларининг тушиши ва ёйилишини таъминлаш мақсадида десант операцияси ўтказилиб, сохил бўйида эгалланган ер майдони.

ПНЕВМАТИК МИЛТИҚ (ДУХОВОЕ РУЖЬЁ) Ҳаво кучи билан ишлайдиган милтиқ (*“Пневматик қурол” атамасига қаранг*).

ПНЕВМАТИК ҚУРОЛ (ПНЕВМАТИЧЕСКОЕ ОРУЖИЕ) Ўқ ствол каналидан сиқилган ҳаво босимининг кучи таъсирида улоқтириб чиқариладиган ўқли қурол тури.

Пневматик милтиқнинг илк намунаси 1430 йилда ихтиро этилган. Пневматик милтиқ ва пистолетлар кўринишидаги замонавий пневматик қуроллар асосан отишни машқ қилиш учун ва спорт мусобақаларида кўлланилади. Пневматик қурол поршенли ва баллонли турларга бўлинади. Пневматик қуролдан ўт очиш амали, қўрғошдан тайёрланган тўмтоқ бошли кичик ёки ўткир бошли пўлатдан тайёрланган думли ўқлар билан, одатда 10 м гача (қўшинларда 10-20 м ва ундан ортиқ) масофаларда машқлар ўтказилиши мобайнида амалга оширилади.

ПОГОНЛАР (ПОГОНЫ) Деярли барча давлатларнинг қуролли кучларидаги ҳарбий кийимнинг мажбурий ашёси ҳисобланадиган, елкага тақиладиган фарқловчи нишонлар. Кўриниши, шакли, ранги, сони, сиртига юритилган чизик, қадаладиган юлдузча ёки ўзга рамзлар сони ва катталигига кўра, ҳарбий хизматчининг шахсий ҳарбий унвони ва қуролли кучларнинг у ёки бу турига мансублиги билинади. Погонлар:

вазифасига кўра – парад, кундалик ва дала кийимларига тақиладиган;

тақиш усулига кўра – тикиладиган ва ечиб олинадиган турларга бўлинади.

ПОДПОЛКОВНИК (ПОДПОЛКОВНИК) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва аксарият давлатлар армиялари катта офицерлари таркибига мансуб ҳарбий унвон. Ҳарбий-денгиз флотида 2-ранг капитани унвонига тўғри келади. Фарқловчи нишонлари – погондаги икки чизик устига қадалган иккита катта юлдузчалар. 1939 йил 1 сентябрь куни таъсис этилган.

ПОДШИПНИК (ПОДШИПНИК) Вал ёки ўқ цапфасининг (ўқ ёки валнинг подшипникда айланувчи қисми, бўйни) таянчи. Думалаш подшипниги (ички ва ташқи ҳалқалар орасида шарик ёки роликлар думалайди) ва сирпаниш подшипниги (масалан, машина корпусидаги втулка-вкладиш) бор.

ПОЗИЦИЯ (МАРРА, ҲОЛАТ, ВАЗИЯТ) (ПОЗИЦИЯ) 1) қўшинлар томонидан жанговар ҳаракатлар юритиш учун эгалланган ёки эгалланиши кўзда тутилаётган жой, сув сатҳининг (ҳавзасининг) муайян қисми. Қуруқликдаги қўшинларда:

мудофаа марраси;

пайт пойлаш марраси;

дастлабки марра;

ўт очиш марраси;

ракета учириш марраси;
техник марралар мавжуд.

Мудофаа марраси мотоўқчи ва танк бўлинмаларининг жанговар тартибини жойлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари захира ва сохта марралар бўлиши мумкин; 2) бирор нарсанинг жойлашиши, дастлабки ўрни (масалан шахмат тахтасидаги доналар ҳолати); 3) бирон-бир масала юзасидан билдирилган фикр, нуктаи назар; далил, воқеа, ходисанинг муайян баҳоси; шу баҳога мувофиқ амалга оширилган хатти-ҳаракат

ПОЛИГОН (ПОЛИГОН) Жойнинг (куруклик ёки денгизнинг) қурол-яроғ ва ҳарбий техникани синаш, кўшиннинг жанговар тайёргарлиги бўйича тадбирлар ва ҳарбий санъат борасида тадқиқотлар ўтказиш учун ҳаво бўшлиғи билан биргаликда ажратилган ва жиҳозланган ҳудуди. Полигонлар:

доимий ёки вақтинчалик;

вазифасига кўра – ўқув полигони (умумкўшин), завод тасарруфидаги полигон, илмий-тадқиқот полигони (тажриба ўтказиладиган);

синовдан ўтказиладиган воситалар турларига кўра – ракета, артиллерия, авиация, денгиз полигони каби полигонларга бўлинади.

ПОЛК (ПОЛК) Айрим давлатлар қуролли кучлари ва кўшинлар туридаги асосий тактик ва маъмурий-хўжалик бирлиги, ҳарбий қисм. Полк – мотоўқчилар полки, танкчилар полки, артиллерия полки, зенит полки, авиация полки, алоқачилар полки, парашют-десант полки, темир йўлчилар полки, денгиз пиёдалари полки каби полкларга бўлинади. Полк, одатда бошқарув органи (штаб), бир неча батальон (дивизион ёки эскадрилья), жанговар, моддий ва техник таъминот бўлинмаларидан ташкил топган. Полк кўшилма (дивизия, бригада) таркибига киритилган ва ҳар бири ўз рақами ва Жанговар Байроғига эга бўлади. Ҳозирги аксарият армияларда (АҚШ ва бошқа мамлакатларда) полк ўрнида жанговар гуруҳлар мавжуд.

ПОЛКОВНИК (ПОЛКОВНИК) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва аксарият давлатлар армияларидаги катта офицерлар тоифасига мансуб ҳарбий унвон.

Илк бор “Полковник” ибораси XVI асрда, полкка раҳбарлик қилган шахснинг номи сифатида кириб келган. XVII асрнинг 30 йилларидан бошлаб – ҳарбий унвон сифатида полк командирига бериб келинган. Бугунги кундаги мазкур унвон 1935 йил 22 сентябрь куни таъсис этилган. Фарқловчи нишонлари – погондаги икки чизик устига қадалган учта катта юлдузчалар. Бошқа давлатларда ўзгача кўринишга эга. Ҳарбий-денгиз флотидида 1- ранг капитани унвонига тўғри келади.

ПОНТОН (ПОНТОН) Палубали ёки палубасиз ўзи юрмайдиган ясси тубли кема. Понтон:

металл понтон;

темир бетондан тайёрланадиган понтон;

ҳаво билан шишириладиган понтон турларига бўлинади.

Сузиб келтирилувчи кўприкларнинг сузувчи таянчлари, причал, паром ва понтонли кўприклар таркибига кирувчи элементлар сифатида фойдаланилади. Понтонлардан муҳандислик кўшинларида дарёни кечиб

ўтиш воситаси сифатида, кўприкларни созлашда, чўкиб кетган кемаларни кўтаришда, сувга чуқур ботиб сузувчи кемаларни саёз жойлардан ўтказишда ҳам фойдаланилади.

ПОРТЛАТКИЧЛАР (ВЗРЫВАТЕЛИ) Турли ўқ-дориларнинг зарядларини ҳаракатга келтириш учун мўлжалланган механизмлар.

Ёндирувчи капсуль ўт олдирилганида, капсуль-детонаторнинг портлаши рўй беради, бу эса ўз навбатида детонатор ва заряднинг портлашига олиб келади.

Портлаткичлар:

қўлланилишига кўра, артиллерия снаряд ва миналари, реактив снаряд ва ракеталар, гранаталар, муҳандислик мина ва фугаслари, авиабомбалар, денгиз миналари, чуқурликда портлайдиган бомбалар, торпедалар ва шу кабиларга ўрнатилдиган;

ҳаракатга келишига кўра, контактли (зарбадан), масофада ишга тушувчи ва контактсиз турларга бўлинади.

Портлаткичлар нишон билан бевосита тўқнаш келганида ёки нишон худудида, сув остига берилган чуқурликда ва ўзга шароитда ишга тушади.

Контактли портлаткич снаряд, бомба ва минанинг бирор нарсага урилиши натижасида ҳаракатга келади;

Дистанцион портлаткич ёки *дистанцион найча* снаряд, бомба ва ракеталарнинг учиш траекториясида муайян вақт ўтгач ҳаракатга келади;

Контактсиз портлаткич Радиолокацион, инфрақизил, оптик, акустик портлаткич, яъни снаряд, бомба ва мина нишонга тегмасдан, ундан муайян узоқликда ҳаракатга келади;

Ижрочи портлаткич кодлаштирилган ташқи сигнални қабул қилиб, ҳаракатга келади.

Барча турдаги портлаткич, умуман, детонация занжири, портлатувчи механизмлар (тепки, электр контакт ва бошқалар) ва сақлагич механизмларидан иборат.

Портлаткичда детонация механик (алангалатувчи капсуль, капсуль-детонатор тепки урилиши ёки ишқаланиш натижасида ишлайди), электр токи (электр детонатор электр воситасида ишлайди) ва кимёвий (синган ампуладан куйилган реагент ёнувчи таркибни алангалантиради) усулда ҳосил қилинади.

Нишонга теккандан кейин портлаш вақтига кўра, портлаткич оний ва секин ҳаракатга келадиган турларга бўлинади.

Артиллерия ва авиация портлаткичини оний ҳаракатга келтириш учун снарядни отишдан олдин унинг сақлагич қопқоғи буралади ёки снаряд, бомбага ўрнатилган паррак айланиб, сақлагич қопқоғини бурайди.

Муҳандислик миналаридаги портлаткични оний ҳаракатга келтириш сиқувчи, тортувчи, босувчи ёки юкни енгиллаштирувчи мосламалар ёрдамида амалга оширилади.

Портлаткичнинг ҳаракатга келишини секинлатиш учун детонация занжирига секинлаткич қўйилади ёки соат механизми, кимёвий реагент ўрнатилди.

ПОРТЛАТИШ ВОСИТАЛАРИ (ПОДРЫВНЫЕ СРЕДСТВА)

Портлатиш ишларини амалга ошириш учун қўлланиладиган портловчи модда ва портлатувчи воситалар (капсула, детонатор, запал, ёндирувчи найча ва портлаткичлар), ток манбалари (портлатувчи ускуна ва аккумуляторлар) ва ўлчов асбоблари.

ПОРТЛАТУВЧИ ИШЛАРИ (ПОДРЫВНЫЕ РАБОТЫ) Портлатувчи моддалар ёрдамида амалга ошириладиган ишлар. Ҳарбий муҳандис соҳасидаги ишлардан бири. Қўшинларнинг жанговар ҳаракатларини муҳандислик жиҳатидан таъминлаш бўйича асосий тадбирлар жумласига киради.

ПОРОХ (ПОРОХ) Снарядни улоқтириш, ракетани ҳаракатлантириш каби мақсад учун фойдаланиладиган, ташқаридан кислород кирмаган тарзда параллел қатламлар билан муайян қонуниятга кўра, газсимон маҳсулот ҳосил қилиб ёниш қобилиятига эга кўп компонентли портловчи моддаларнинг зичлаштирилган қаттиқ (конденсирланган) аралашмаси. Порох икки турга бўлинади:

тутунсиз (нитроцеллюлоза асосидаги) пироксилинли порох, карбитлар ва баллиститларга;

аралашмали порох (ёқилғи ва оксидловчидан иборат), шу жумладан *тутунли* порох (қора порох).

Ракета двигателида қўлланиладиган порох – *ракетанинг қаттиқ ёқилғиси* деб аталади.

Илк портловчи модда – калийли селитра, кўмир ва олтингугуртнинг механик аралашмасидан иборат тутунли порох бўлган эди. Тутунли порохнинг улоқтирувчи хоссаси кашф этилганидан сўнг – ўқотар қурол вужудга келди. Порох XIII асрдан бошлаб Европада мавжуд бўлганлиги маълум. Замонавий тутунли порох:

милтиқ порохи;

шнур порохи;

йирик донли порох;

секин ёнувчи порох;

минада қўлланиладиган порох;

ов порохи турларига бўлинади.

ПОРТЛАТУВЧИ ШАШКА (ШАШКА ПОДРЫВНАЯ) Капсюль-детонатор учун запал инига эга, муайян шаклдаги портловчи модда заряди. Портлатиш ишлари ва муҳандислик миналарини бутлаш мобайнида қўлланилади.

ПОРТЛАШ (ВЗРЫВ) Оний вақтда чегараланган ҳажмда катта миқдорда энергия ажралиб чиқиш жараёни.

Маълум ҳажмни эгаллаб турган модда портлаш натижасида энергия ажратиб, атрофдаги муҳитни жуда катта куч билан ҳаракатга келтирувчи юқори босимдаги қизиган газга айланади.

Портлаш қаттиқ жисмда унинг емирилиши ва парчаланиши билан кузатилади. Муҳитнинг ҳарорати, зичлиги, босимининг кескин кўтарилишидан юзага келган ҳаракат *портлаш тўлқини* дейилади. Бу тўлқин

муҳитда жуда катта тезлик билан ҳаракатланади. Портлаш вакуумда юз берса, портлаш энергияси турли томонга катта тезлик билан учиб чиқадиган портловчи моддаларнинг кинетик энергиясига айланади ва атрофдаги турли объектларга нисбатан механик таъсири юзага келтиради. Портлаш жойидан узоклашган сари портлаш тўлқинининг таъсири кучсизлана боради.

Энергия манбаининг табиати ва у қандай йўл билан ажралиб чиқишига қараб портлаш:

кимёвий энергия ажралиши (асосан, портловчи моддаларда);

ядронинг ички энергияси ажралиши (ядро портлашида);

электр магнит энергия ажралиши (учқунли разряд, лазер учқуни ва бошқаларда);

механик энергиянинг ажралиши (Ер сиртига метеоритлар тушганида, вулқон отилганда ва бошқаларда) ҳисобига рўй беради.

Кимёвий портловчи моддалар кимёвий бўлиниш хоссасига эга; бунда молекулалараро боғланиш энергияси иссиқлик энергияси сифатида ажралиб чиқади. Портловчи моддалар учун ҳарорат ошиши кимёвий бўлиниш тезлигини ифодалайди. Нисбатан паст ҳароратда кимёвий бўлиниш жуда секин юз беради, натижада портловчи модда билан атроф муҳит орасида иссиқлик мувозанати юзага келади.

Агар ажралиб чиқувчи иссиқликнинг моддадан ташқарига чиқиб кетмаслигига шароит яратилса, ҳарорат ошиши билан кимёвий бўлиниш жараёни тезлашади, бунга *иссиқлик ажратиб портлаш* дейилади. Яна шундай портлаш жараёни борки, бунда кимёвий ўзгариш портловчи модда бўйлаб бирин-кетин қатламдан қатламга тўлқин кўринишида тарқалади. Модданинг олдинги ҳолатидан жуда юқори босимли ва ҳароратли ҳолатга кескин ўтишини таъминловчи бундай тўлқин *зарба тўлқинидир*.

Моддаларнинг фундаментал ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган *ядро портлашлари* ҳам мавжуд. Бу портлаш атом ядросининг таркибига кирувчи элементар зарраларнинг (*протон, нейтрон*) боғланиш энергияси ажралиб чиқишига асосланган. Модда атоми ядросининг парчаланиши натижасида нисбатан енгил ядроли элементлар ҳосил бўлади. Ядроларнинг парчаланиши натижасида ҳосил бўлган янги нейтронлар бошқа ядроларнинг парчаланишига олиб келади ва ниҳоят, парчаланиш сони жуда тез ўсади. Шундай ўз-ўзини тезлатувчи жараёнга *занжир реакцияси* дейилади.

Бошқариладиган занжирли ядро реакцияси ядро реакторида амалга оширилади.

Катта миқдордаги энергия ажралиб чиқадиган ядро реакциясининг яна бошқа тури — *енгил ядролар синтези реакцияси*. Юқори ҳароратда юз берувчи синтез жараёни *термоядро реакцияси* дейилади.

Фокуслантирилган *лазер* нуруни жисмга таъсир қилдириш йўли билан ҳам портлаш ҳодисасини ҳосил қилиш мумкин.

Битта ядро бомбасининг портлашидаги энергия 10 млн. т кимёвий портловчи модданинг энергиясига муқобилдир.

Олдиндан режалаштирилган портлашлар, асосан саноатда ишлаб чиқариладиган портловчи моддалар ёки ядро қурилмалари ёрдамида амалга

оширилади ва кўплаб технологик жараёнларда қўлланилади.

ПОРТЛАШ МАРКАЗИ (ЭПИЦЕНТР ВЗРЫВА) Ядровий ўқ-дори портлаши марказининг ер юзасига туширилган акси.

ПОРТЛАШ ТЎЛҚИНИ (ВЗРЫВНАЯ ВОЛНА) Портлаш натижасида ҳосил бўлувчи тўлқин. Жуда кучли сиқилган (газсимон, суюқ ёки каттиқ) муҳит кўринишига эга. Портлаш тўлқини фронтининг ҳаракати портлаш марказидан бошлаб, товуш тезлигидан катта тезликда бошланади.

ПОРТЛОВЧИ МОДДАЛАР (ВЗРЫВЧАТЫЕ ВЕЩЕСТВА) 1) муайян ташқи муҳит (зарба, қизиш, электр импульси кабилар) таъсирида реакцияга киришиш натижасида иссиқлик ажратиб, кучли қизиган газ ҳосил қилган ҳолда портлаш хусусиятига эга кимёвий бирикмалар ёки уларнинг аралашмаси. Бу реакциялар портловчи моддаларнинг қизиши, унга берилган зарб, ишқаланиш, шунингдек, бошқа портловчи моддаларнинг портлаши ёки қандайдир ташқи таъсир натижасида содир бўлади ва заряд бўйлаб иссиқлик ташигич (*ёниш*) ёки зарбли тўлқин (*детонация*) ёрдамида энергия узатиш ҳисобига тарқалади.

Портловчи моддалар қўлланилишига кўра:

улоқтирувчи (порох);

бризантли (парчаловчи таъсирга эга);

инициирлатувчи (ўзга портловчи моддаларни ёндириш ва детонациялаштириш учун);

ёритувчи;

сигналловчи;

ёриштирувчи;

ёндирувчи;

тутун пурковчи турларга;

таркибига кўра – портловчи кимёвий бирикма ва аралашмаларга бўлинади.

Ушбу бирикмаларнинг (аралашмалар) кенгайиб бориши жараёнида механик иш пайдо бўлади. Портловчи модданинг бундай кимёвий ўзгаришини – **портлаш** деб аташ қабул қилинган.

Портлаш ҳодисаси портловчи модда бўйлаб, сонияда юзлаб ёки минглаб метрда ўлчанувчи ўзгарувчан катта тезлик билан тарқалиши боис портловчи модда бўйлаб зарбали тўлқин ўтиши ва товушдан ҳам юқори доимий тезликда оқувчи портлаш жараёни – **детонация** деб аталади.

Ёниш – портлаш жараёни бўлиб, портловчи модданинг бир қатламидан иккинчи қатламга иссиқликни ўтказиш йўли билан энергияни узатиш ва газсимон ҳосилалар билан иссиқликни таратишдир.

Портловчи модданинг ёниш жараёни нисбатан секин, сонияга бир неча метр тезликдан ошмаган тарзда ўтади.

Ёниш тезлиги, асосан ташқи шароитга ва биринчи навбатда атроф муҳитда мавжуд босимга боғлиқ. Босим ошган сари ёниш тезлиги ортади, айни пайтда, баъзи ҳолатларда ёниш, портлашга ёки детонацияга айланиб кетиши мумкин. Бризантли портловчи моддаларнинг ёпиқ ҳажм ичида ёниши, одатда детонацияга ўтиб кетади.

Портловчи модданинг портлашини кўзғатиш **инициирлаш** деб аталади.

Портловчи модданинг портлашини кўзғатиш учун унга, қуйида кўрсатилган усулларнинг бирини қўллаган ҳолда узатилиши мумкин бўлган энергиянинг (дастлабки импульснинг) зарурий миқдорини муайян тезликда узатиш талаб этилади:

механик (зарба, санчилиш, ишқаланиш);

иссиқлик билан (учқун, аланга, қиздириш);

электрли (қиздириш, учқунли разряд);

кимёвий (муайян тезликда иссиқлик чиқарувчи реакция);

ўзга портловчи модданинг зарядини портлатиш (капсюль-детонаторни ёки қўшни зарядларнинг портлаши).

Ўз табиати ва ҳолатига қараб, портловчи моддалар муайян портлаш хусусиятларига эга бўлади. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

ташки муҳит таъсирларига таъсирчанлиги;

портлаш энергияси (иссиқлиги);

детонация тезлиги;

бризантлик;

фугаслилик (ишчанлик қобилияти).

Конденсатланган қаттиқ ва суюқ моддалар, газлар, шунингдек, газлардаги қаттиқ ёки суюқ моддаларнинг муаллақ зарядлари портловчи модда бўла олади. Детонацияга реакция шиддатли боради ва газсимон маҳсулотнинг ҳарорати бир неча минг даражагача кўтарилиб, ҳажми заряднинг дастлабки ҳажмигача сиқилади, босими бир неча юз минг кг.куч/см² гача кўтарилади. Сиқилган газ тез кенгайиб, теваракка кучли зарб билан тарқалади — *портлаш* юз беради. Портлай оладиган кўпгина моддалардан 20—30 га яқини портловчи моддалар сифатида ишлатилади. Шулардан асосийлари: тринитротолуол, тетрил, гексоген, октоген, нитроглицерин, ТЭН (тетранитропентаэритрин) кабилардир.

ПОРТЛОВЧИ СИМОБ (симоб фульминати) (ГРЕМУЧАЯ РТУТЬ) Инициирловчи портловчи моддалар жумласига кирувчи оқ ёки кул ранг майин сочиловчан кристалл кўринишига эга портловчи модда.

Совуқ сувда ҳам, иссиқ сувда ҳам яхши эримайди. Заҳарли. Амалда қўлланиладиган ўзга инициирловчи портловчи моддаларга (кўрғошин азиди, ТНРС га) нисбатан, портловчи симоб, зарба, ишқаланиш ва иссиқлик таъсирига жуда таъсирчандир. Намланган ҳолларда портловчи симобнинг портлаш ва дастлабки импульсга таъсирчанлик хусусиятлари пасаяди. Мисол учун 10% намланганида детонациялашмасдан фақат ёнади холос, 30% намланганида эса детонация олмайди ҳам, ёнмайди ҳам. Ундан капсюль-детонатор ва ёндирувчи капсюль тайёрлаш учун фойдаланилади.

Намлик бўлмаган шароитда портловчи симоб, мис ва унинг коришмалари билан кимёвий реакцияга киришмайди. Алюмин билан жадал реакцияга киришиб иссиқлик ажратади ва портламайдиган бирикмалар ҳосил қилади (алюминнинг емирилиши рўй беради). Шу сабабли портловчи симоб капсулалари алюминдан эмас, балки мис ёки мельхиордан тайёрланади.

ПОРТЛАТУВЧИ ҚУРИЛМА (ВЗРЫВНОЕ УСТРОЙСТВО) Ўқ-дорини

муайян ташқи таъсирлардан ёки зарурий фурсатда портлатиш (ишга тушириш) учун мўлжалланган механизм.

Портлаткич ва портлаткичнинг нишон датчигидан таркиб топган. Шикаст етказиладиган объект таъсирини (босими, титраши, магнит, иссиқлик ёки ўзга майдонини) ёхуд бошқарув пунктидан узатилган сигнални ўзига сингдиради ва портлаш жараёнини юзага келтирувчи занжирларга сигнал узатади.

ПОРШЕНЛИ МАШИНА (ПОРШНЕВАЯ МАШИНА) Иш жисми (газ, буғ ёки суюқлик) энергиясини цилиндрда ҳаракатланадиган поршень ёрдамида бошқа тур энергияга айлантирадиган қурилма. Бунда иш жисмининг энергияси пасайиши (двигателда) ёки ошиши (компрессор, насос ва бошқада) мумкин. Поршенли машинанинг иш жараёни – цикли.

ПОСБОН (ДНЕВАЛЬНЫЙ) Взвод, батарея, экипаж ва шу каби бўлинмалардаги оддий аскарлар таркибига мансуб суткалик наряддаги шахс.

Посбон бўлинма бўйича навбатчига бўйсуниб, белгиланган жойда хизмат ўтайди. Одатда қинга солинган найза-пичоқ билан қуролланади ва кўкрагининг чап томонида белгиланган шаклдаги нишонни тақади. Бўлинма қурол-аслаҳаси, ўқ-дорилари, мулки, аскар, сержант ва офицерларнинг шахсий буюмлари бутлиги ва сақланишига жавоб беради, хоналарда тозалик ва тартиб қоидалари, кун тартиби, бўлинма ҳарбий хизматчилари белгиланган ҳарбий кийим кийганликлари ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилаётганликларини кузатиб боради. Сафдошларини уйғониш вақти келганда ва тунги вақтда тревога (йиғин) сигнали берилганида уйғотади. Бегона шахсларни хонага киритмайди ва шу каби мажбуриятларни бажаради.

Посбон мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низомида белгиланган.

ПОСТ (ПОСТ) 1) соқчи томонидан кўриқланадиган ва мудофаа этиладиган ҳарбий объект. Соқчи ўз мажбуриятларини бажарадиган жой ёки жой қисми; 2) махсус вазифани бажараётган аскар ёки ҳарбий хизматчилар гуруҳи, шу жумладан мазкур вазифа бажарилаётган жой; 3) кема наряди хизмат ўтайдиган – кемадаги жой.

ПОСТ ҚАЙДНОМАСИ (ВЕДОМОСТИ) (ПОСТОВАЯ ВЕДОМОСТЬ) Қоровулни тайёрлаш ва қоровул хизматини ўташ давомида расмийлаштириладиган хизматга оид ҳужжат. Пост ведомостида:

- қоровул тури;
- қоровул рақами;
- хизмат ўташ санаси;
- постлар жадвали кўрсатиб ўтилади

Пост ведомостида қоровулхона ва кўриқланаётган объектга йўл қўйилган шахслар, кўриқланаётган объектларни ўраб турувчи тўсиқларда аниқланган носозликлар ва ушбу носозликлар бартараф этилган вақт, қоровул хизмати текширилганлиги, соқчилар алмаштирилганлиги ҳақида ёзувлар киритилади.

Пост ведомостида эски ва янги қоровул бошлиқлари, аниқланган камчиликларни кўрсатиб ўтган ҳолда, қоровул алмашганлигини тасдиқловчи имзо қўяди.

ПУЛЕМЁТ (ПУЛЕМЁТ) Ер, ҳаво ва сув юзасидаги нишонларни яқсон қилиш учун мўлжалланган автоматик қурол. Пулемёт:

қўл пулемёти – айрига тираб қўлланиладиган;

тиргакли пулемёт – уч оёқли тиргакка ўрнатилган;

асосий калибр пулемётлари – 6,5 - 8,0 мм ли;

йирик калибрли пулемётлар – 12,7 - 15 мм ли турларга бўлинади.

Биринчи пулемёт америкалик Х. С. Максим томонидан 1883 йилда ихтиро қилинган. XX асрнинг бошида Мадсен ва Шошнинг қўл пулемётлари ишлаб чиқилди. 1918 йилда Гочкис, Виккерс ва Брауннинг йирик калибрли пулемётлари вужудга келди. II жаҳон урушига қадар қурол-аслаҳа таркибида В. А. Дегтярев пулемёти (ДП 1927), Б. Г. Шпитальный ва И. А. Комарицкийларнинг авиация пулемёти (ШКАС, 1932), В. А. Дегтярев ва Г. С. Шпагиннинг йирик калибрли пулемёти (ДШК, 1938), II жаҳон уруши йилларида эса П. М. Горюновнинг тиргакли пулемёти (СГ-43), С. В. Владимировнинг йирик калибрли пулемёти (КПВ) ва М. Е. Березиннинг универсал авиация пулемёти (УБ) қўлланилган.

Бугунги кунда қурол-аслаҳа таркибида М. Т. Калашниковнинг қўл пулемёти ва В. А. Дегтяревнинг умумий пулемёти мавжуд.

РАДАР (РАДАР) Оммабоп адабиётларда учрайдиган, радиотўлқинлар ёрдамида объектни аниқлаш ва унғача масофани ўлчаш – радиолокацион станцияларни англатадиган атама. Баъзан, радар қурилма деб ҳам аталади.

РАДИАТОР (РАДИАТОР) 1) ички ёнув двигателларидаги каналлар (найчалар) тизимида айланиб юрадиган совитувчи суюқлик ёки мойнинг ҳароратини пасайтирадиган қурилма. Совитиш, асосан, радиаторнинг ташқи деворларидан иссиқликнинг тарқалиши ва атроф муҳит билан иссиқлик алмашилишига асосланган; 2) иситиш тизимидаги қиздириш асбоби. Ички каналларида иссиқлик элтувчи (сув, буғ) айланиб юрадиган секциялардан тузилган; 3) иш пайтида қизиқ кетадиган радиотехник элементларни (резисторлар, ярим ўтказгичли асбоб ва бошқаларни) совитувчи қурилма, кўпинча, қовурғали, ўзакли пластиналар ва бошқалар тарзида ишлаб чиқарилади.

РАДИАЦИЯ (РАДИАЦИЯ) Ядровий ўзгаришлар оқибатида вужудга келадиган электр магнит ва корпускуляр нурланишлар, Қуёш нурлаши, космик нурлар оқимлари. Радиациянинг тирик организмга таъсири радиация дозаси билан белгиланади. Рентген (Р) билан ўлчанади. Радиация миқдори сингувчи радиация ва бошқа нурланишларнинг шикастловчи таъсирига боғлиқ. Бир кунда 20 р гача радиация киши организми учун хавфсиз, бундан ортиқ миқдордаги радиация хавфли ҳисобланади.

РАДИАЦИЯ ДАРАЖАСИ (УРОВЕНЬ РАДИАЦИИ) Ионли нурланиш дозасининг вақт бирлиги ҳисобидаги қуввати. Жой ва турли буюмларнинг, шу жумладан инсоннинг радиоактив зарарланганлик даражасини тавсифлайди. Радиация даражаси доза қувватини ўлчовчи асбоб ёрдамида аниқланади. Ўлчов бирлиги – соатига рентген.

РАДИАЦИЯЛИ ВАЗИЯТ (РАДИАЦИОННАЯ ОБСТАНОВКА) Ядровий ва нейтрон қуроллар қўлланилиши натижасида вужудга келадиган

шароит. Жой, ҳаво бўшлиғи ва объектларнинг қўшинлар ҳаракати ва жанговар қобилияти, аҳолининг ҳаётининг фаолияти ҳамда саноат объектларининг ишига таъсир кўрсатувчи радиоактив захарланиш миқдори ва даражаси билан белгиланади. Радиацияли вазият ядровий портлашлар сони, марказлар ҳолати, қуввати, тури, вақти, метеорологик шароит ва жойнинг химоя этувчи хусусиятларига боғлиқ.

РАДИАЦИЯЛИ (РАДИОАКТИВ) НУРЛАНИШ (РАДИАЦИОННОЕ (РАДИОАКТИВНОЕ) ОБЛУЧЕНИЕ) ионлаштирилган нурланишнинг турли объектларга таъсири. Радиацияли нурланиш манбалари ядровий портлаш, ядровий реактор кабилар бўлиши мумкин. Инсон организми радиацион жихатдан ташқи, ички ва контактли нурланиши мумкин.

Ташқи нурланиш – ядровий портлашнинг сингувчи радиацияси билан ялли организмга таъсир ўтказиши.

Ички радиацияли нурланиш – радиоактив маҳсулотларнинг инсон организми ичига нафас олиш орқали, захарланган озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ва яралар орқали сингиб кириши натижасида вужудга келади.

Контактли радиация нурланиши – тананинг кийим билан химояланмаган қисмлари нурланиши мобайнида вужудга келади.

Радиацияли нурланиш, организмдаги моддаларнинг меъерий алмашинуви ва хужайраларнинг ҳаётининг фаолиятини издан чиқариб, оқибатда нурланиш касаллигини вужудга келтиради.

РАДИАЦИЯЛИ ХАВФСИЗЛИК (РАДИАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ) Ионлаштирувчи нурланишга йўл қўймаслик ёки таъсирини максимал сустлаштиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуи.

Нурланишнинг дозали чегаралари радиацияли хавфсизликнинг амалдаги меъёрлари билан тартибга солинади. Радиацияли хавфсизлик борасидаги тадбирлар радиоактив (очиқ ёки ёпиқ турдаги) ва радиоактив бўлмаган турдаги нурланиш шаклига боғлиқ. Радиацияли хавфсизлик меъёрларга риоя этилаётганлигини назорат қилиш мақсадида радиацияли назорат амали бажарилади. Ионли нурланиш манбаи билан иш олиб борувчи шахслар учун нурланиш дозасининг сўнги йўл қўйиладиган чегаралари бир йилга 5 бэр, иш олиб бормаيدиган шахслар учун 10 карра кам доза белгиланган. Радиацияли хавфсизлик меъёрларининг маълумотларига мунтазам аниқлик киритилиб, такомиллаштирилиб борилади.

РАДИАЦИЯЛИ ХИМОЯ (РАДИАЦИОННАЯ ЗАЩИТА) Нурланишнинг одамлар, моддий воситалар ва жойга таъсирининг олдини олиш ва сустлаштириш учун қўшинлар ва аҳоли орасида ўтказиладиган тадбирлар тизими. Турли восита ва дезактивация машиналаридан фойдаланилади. Радиацияли химоянинг асосий мақсади – биосферанинг радиоактив моддалар билан ифлосланишига йўл қўймаслик, одам ва ҳайвонлар организмни зарарли нурланишлардан асрашдир.

РАДИО (РАДИО) 1) информацияларни радиотўлқинлар ёрдамида узок масофага узатиш усули. И А.С. Попов ихтиро қилган (1895); 2) табиий ҳодисаларни юқоридаги усул билан ўрганиш ва уларнинг амалда

қўлланилишига боғлиқ фан ва техниканинг соҳаси.

РАДИОАКТИВЛИК (РАДИОАКТИВНОСТЬ) Ядровий нурланишнинг уфуриши билан кузатиладиган нотурғун атом ядроларининг беихтиёр ўзга элементлар ядроларига айланиб кетиши. Ҳарбий соҳада “Радиоактивлик” тушунчаси сингувчи радиация ва радиоактив захарланишнинг қўшинлар ҳаракатига ўтказадиган таъсирини ҳисобга олиш зарурати билан боғлиқ.

РАДИОАКТИВЛИК ИНДИКАТОРИ (ИНДИКАТОР РАДИОАКТИВНОСТИ) Жойнинг радиоактив жиҳатидан зарарланганлигини фoш этиш ва ионловчи нурланиш дозасини тахминан аниқлаш учун мўлжалланган дозиметрик асбоб.

Кўчмас ва кўчма турларга бўлинади. Мазкур индикаторлар билан кимё ва радиацион разведка бўлинмалари, разведка дозорлари, кузатув постлари ҳамда барча қўшин турларидаги кузатувчилар, шунингдек Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бўлинмалари таъминланади.

РАДИОАЛОҚА (РАДИОСВЯЗЬ) Икки ёки бир неча пунктлар ёки ҳаракатланаётган объектлар (космик кема, самолёт, жанговар машина, кема кабилар) орасида радиотўлқинлар воситасида амалга ошириладиган электр алоқа. Ахборотлар радиоузаткич (узилаётган информацияни радиосигналга айлантирадиган қурилма) ва узатувчи антенна (радиосигнални фазога тарқатадиган қурилма) ёрдамида узатилади. Радиосигналлар эса қабул қилиш антеннаси (радиосигнални тутувчи) ва радиоқабулқилгич (сигнални кучайтирувчи ва уни дастлабки сигналга мос сигналга айлантириб берувчи қурилма) ёрдамида қабул қилинади.

Илк маротаба А. С. Попов 1895 йил 7 майда ишлатиб кўрсатган. Радиоалоқа мажмуаларидан телефон (нутк) ахборотлари, телеграммалар, факсимиль, рақамли маълумотлар, радиоёшиттириш ва телевидение дастурларини узатишда ҳам фойдаланилади.

РАДИОЛОКАЦИЯ (РАДИОЛОКАЦИЯ) Объектни (нишонни) радиотехник усуллар қўлланилиб, сиртидан акс этиб қайтаётган радиотўлқинлар ёрдамида фoш этиш, кузатиш, координаталари ва кимга тегишлигини аниқлаш билан шуғулланадиган фан ва техника соҳаси. Радиолокация маълумотлар олинишида қўлланиладиган усулларга боғлиқ ҳолда:

фаол (пассив ёки фаол жавоб билан биргаликда) радиолокация;

ярим фаол радиолокация;

пассив радиолокация турларига бўлинади.

Ҳарбий соҳа, денгиз, ҳаво ва космик навигация, астрономия, метеорология каби соҳаларда кенг қўлланилади.

Илк станциялар 1936 – 1938 йилларда вужудга келган.

РАДИОЛОКАЦИЯ СТАНЦИЯСИ (РЛС) (РАДИОЛОКАЦИОННАЯ СТАНЦИЯ (РЛС)) Турли объектларни (нишонларни) радиолокация усуллари билан фoш этиш, кимга тегишли эканлиги ва координаталарини аниқлаш ва ушбу объектлар ҳақида ўзга маълумотларга эга бўлиш учун мўлжалланган радиотехник қурилма.

Радиолокацияли станциянинг асосий элементлари жумласига:

антенналар тизими, радиоузаткич, радиоқабулқилгич, шовқинлардан ҳимоя қилиш аппаратлари, чиқишдаги қурилмалар, радиолокацияли станция ишини бошқариш ва сигналларни қайта ишлаш учун ЭҲМ, электр озуқа манбалари киради.

Радиолокацияли станция ҳаракатининг максимал масофаси, асосан радиоузаткич қуввати, антеннанинг ўлчамлари ва ўрнатилган баландлиги, радиоқабулқилгичнинг сигналга сезгирлиги, ишчи тўлқин узунлиги ва нишоннинг тўлқинни акс эттирувчи самарали юзасига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Бурчакли координаталарнинг аниқлиги – координаталарни белгилаш усули ва антеннанинг йўналтирилган диаграммаси ўлчамларига, нишонгача белгиланаётган масофа аниқлиги эса – импульс давомийлиги, шакли ва индикациялаш усулига боғлиқ. Станциянинг имкониятлари асосан икки кўрсаткичга, жумладан йўналтирилган диаграмманинг эни ва импульснинг давомийлиги билан белгиланади. Радиолокацияли станциялар:

локация усулига кўра – фаол, ярим фаол, пассив;

ўрнатилиш жойига кўра – ер, кема, авиация ва сунъий йўлдошларда ўрнатиладиган;

нурланишига кўра – импульсли ва узлуксиз нур таратувчи;

тўлқин узунлигининг ишчи диапазонига кўра – метрли, дециметрли, сантиметрли каби диапазонлар;

вазифасига кўра – нишонни фош этиш, разведка ўтказиш, қуролни бошқариш, парвозларни таъминлаш, метеорологик ва навигацияли таъминот турларига бўлинади.

Радиолокацияли станциялар, шунингдек ракетанинг ўз-ўзини йўналтириш каллаклари ва портлаткичларда қўлланилади.

РАДИОЛОКАЦИЯЛИ МАЁҚ (РАДИОЛОКАЦИОННЫЙ МАЯК) Маълум жойга ўрнатилган қабул қилувчи-узатувчи радиостанция. Самолёт (кема) бортига ўрнатилган радиолокацияли станция сигналлари таъсирида ишлайди ва радиосигналларни таркатади. Шу радиосигналларга кўра радиолокацияли маёққа томон йўналиш ва унгача бўлган масофа аниқланади.

РАДИОМАЁҚ (РАДИОМАЯК) Ўрнатилган жойи маълум бўлган узатувчи радиостанция, махсус радиосигналларни таркатади. Кема ёки самолёт бортида бу сигналларни қабул қилиб, радиомаёққа бўлган йўналиш пеленгини аниқлаш мумкин. Радионавигация қурилмаси сифатида ишлайди ёки унинг тизимига киради.

Йўналтирилган ва йўналтирилмаган радиомаёқлар бўлади. Йўналтирилган радиомаёқ фақат маълум йўналишда (курс, зона бўйича), йўналтирилмаган радиомаёқ хоҳлаган йўналишда пеленгланади.

РАДИОМЕТР (РАДИОМЕТР) 1) радиоактив манбаларнинг фаоллигига кўра турли юзаларнинг радиоактивлик жихатдан зарарланганлик даражасини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; 2) киздирилган жисмлар уфураётган электр магнит энергияни фош этиш ва ўлчаш учун мўлжалланган асбоб; 3) радиотелескопнинг қабул қилиш қурилмаси, антенна билан биргаликда радиодиапозондаги астрономик объектларнинг нурланишини ўрганишга

имкон беради; 4) оптик диапазондаги электр магнит нурланиш энергиясини унинг иссиқлик таъсирига асосланиб, ўлчайдиган асбоб; 5) товушли нурланиш босимини ўлчаш учун мўлжалланган акустик асбоб.

РАДИОМЕТРИК РАЗВЕДКА (РАДИОМЕТРИЧЕСКАЯ РАЗВЕДКА)

Атмосфера, ер ва сувда мавжуд радиоактив элементларнинг нурланиш жадаллиги борасидаги маълумотларни камера, газразрядли ҳисоблагич каби асбоблар ёрдамида излаб топиш.

РАДИОНАВИГАЦИЯ (РАДИОНАВИГАЦИЯ)

Радиотехника бўлими. Кема, самолёт ва бошқа ҳаракатланувчи объектларни бошқаришда радиотехника усуллари ва воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Асосий вазифаси – объектнинг тўғри курсини (йўналишини) танлаш ва географик координаталарини аниқлаш. Радионавигацияда турли радионавигацияли қурилмалар (радиокомпас, радио масофа ўлчагич, радиомаёк) ҳамда тизимлардан фойдаланилади.

РАДИОПЕЛЕНГАТОР (РАДИОПЕЛЕНГАТОР)

Узатувчи радиостанция йўналишини аниқлашга (пеленглашга) имкон берадиган радиоқабулқилгич қурилмаси. Радиопеленгатор пеленгланаётган объектдан тарқалаётган радиотўлқинларни қабул қилувчи антенна-фидерли тизим ва қабул қилувчи индикатордан иборат. Радиопеленгацияда қўлланилади.

РАДИОПОРТЛАТКИЧ (РАДИОВЗРЫВАТЕЛЬ)

Нишон нурланаётган ёки нишондан акс этиб қайтаётган радиотўлқинлар энергиясининг таъсири остида ишга тушувчи контактсиз портлаткич. Артиллерия снарядлари, бомба, ракета, мина ва фугасларда қўлланилади. Радиопортлаткичларнинг тузилиши турли кўринишларга эга.

РАДИОРЕЛЕ АЛОҚА (РАДИОРЕЛЕЙНАЯ СВЯЗЬ)

Қабул қилиш-узатиш (ретрансляция) радиостанциялари занжиридан тузилган мажмуа орқали амалга ошириладиган автоматик радиоалоқа. Бир пунктдан қабул қилинган сигналлар оралиқ станцияда кучайтирилиб, иккинчисига узатилади. Одатда дециметрли ва сантиметрли (ультрақисқа) тўлқинларда ишлайди. Радиорелели алоқаси йўлларидаги станциялар 70 – 100 м баландликдаги минораларга (ёки махсус машиналарга) ўрнатилади. Қўшни станцияларнинг антенналари бевосита кўринадиган масофада (текисликда ўртача 40-60 км) бўлади. Радиорелели алоқа мажмуалари узунлиги – 10 000 км гача, сифимига кўра: катта сифимли (магистрал); ўртача сифимли (зонали); кам каналли алоқа йўлларига бўлинади.

Бешта телефон каналига мўлжалланган илк радиорелели алоқа йўли 1935 йил АҚШ да Нью-Йорк билан Филадельфия орасида қурилган.

РАДИОСТАНЦИЯ (РАДИОСТАНЦИЯ)

Маълумотларни радиотўлқинлар орқали узатиш ва қабул қилиш учун мўлжалланган қурилмалар ва аппаратлар мажмуи. Радиостанцияда радиоузаткич, радиоқабулқилгич, антенналар, ток манбаи ва совутиш қурилмалари, кабель ёки ҳаво йўллари, бошқариш пультаи каби таркибий қисмлар бўлади. Узатувчи, қабул қилувчи ва қабул қилувчи-узатувчи радиостанциялар бор. Қуролли Кучларнинг барча турида, тинчлик ва уруш даврида қўшин ва қуролни бошқариш учун қўлланилади. Флотда ёки ҳарбий-ҳаво кучлари ва танк

кўшинларида радиостанция алоқа ва бошқарувнинг асосий (кўп ҳолларда ягона) воситаси ҳисобланади. Ҳарбий радиостанциялар:

вазифаси ва қўлланиш шароитига кўра – *олиб юрилувчи, ҳаракатчан, бортга ўрнатиладиган* ва *кўчмас*;

алоқа ўрнатиладиган радиотўлқинларга кўра – *ўта узун тўлқинли, узун тўлқинли, ўрта тўлқинли, қисқа тўлқинли* ва *ультра қисқа тўлқинли*;

узатиладиган сигнал турига кўра – *телефонли, телефон-телеграфли, телеграфли*;

қувватига кўра – *кичик қувватли* (100 ватт гача), *ўрта қувватли* (1 киловаттгача), *қувватли* (1 киловаттдан ортиқ), *ўта қувватли* (1 меговаттдан юқори) турларига бўлинади.

Радиостанция ишининг масофаси асосан частоталар диапазони, узаткич қуввати, қўлланилаётган қабул қилиш ва узатиш антенналари ва қабулқилгичининг сигналга сезгирлиги билан белгиланади. Илк ҳарбий радиостанциялар А. С. Попов томонидан 1898-1904 йилларда ишлаб чиқилган.

РАДИОТЕЛЕГРАФ АЛОҚАСИ (РАДИОТЕЛЕГРАФНАЯ СВЯЗЬ)

Радиотўлқинлар воситасида ҳарфли, рақамли ва белгили дискрет маълумотлар узатиладиган электр алоқаси. Узатадиган станцияда телеграф хабарлари билан модуляцияланган электр тебранишлари радиотелеграф алоқаси йўллари ва ундан қабул қилувчи станцияга тушади. Телеграф хабарлари детектрлангач ва кучайтирилгач эшиттирилади ёки қабул қилувчи, ҳарф босадиган телеграф аппаратига ёзиб олинади. Симли телеграф алоқадан фарқли равишда радиотелеграф алоқа кўшимча оралиқ аппаратлардан фойдаланмаган ҳолда хабарларни узоқ масофаларга узатишга имкон беради. Унинг ёрдамида ҳаракатланиб турган объектлар (самолётлар, космик кемалар кабилар) билан алоқа ўрнатиш мумкин.

РАДИОТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ (РАДИОТЕЛЕФОННАЯ СВЯЗЬ)

Сўзлашувчиларнинг телефон ахборотларини (нутқларини) кабелсиз радиотўлқинлар воситасида узатиладиган электр алоқа. Ахборот микрофон орқали, ундан эса одатдагидек, телефон орқали радиотелефон алоқа йўлларига тушади. Микрофон ва телефон радиостанцияларга бевосита уланади ёки уларга телефон мажмуалари билан боғланади. Бир неча турлари мавжуд:

шахсий радиотелефон – узатиш узоқлиги 150 – 200 м гача;

симсиз радиотелефон – телефон аппаратидан бир неча юз метр масофа нарида ишлаши мумкин;

радиоузайтиргичлар – бири сўзлашувчида, иккинчиси автоматик телефон станциясида бўлган иккита қабул қилувчи – узатувчи қурилмалар;

уяли телефон тармоқлар – бунда сўзлашувчи узатувчи – қабул қилувчи жамоа тармоғи қамраб олган барча ҳудуд бўйича алоқа қила олади.

РАДИОТЕХНИКА (РАДИОТЕХНИКА) 1) радиодиапозондаги ($6 \cdot 10^{12}$ Гц гача) электр магнит тебранишлар ва тўлқинлар ҳамда уларни генерациялаш, кучайтириш, тарқатиш ва қабул қилиш усуллари тўғрисидаги

фан; 2) техниканинг бундай тебранишлар ва тўлқинлардан радиоалоқа, радиоэшиттириш, телевидение, радиолокация, радионавигация ва бошқаларда ахборот узатиш учун фойдаланадиган тармоғи. Радиотехника усуллари ва қурилмалари автоматика, ҳисоблаш техникаси, астрономия, физика, кимё, медицинада, биологияда қўлланилади. Бир неча тармоқларга бўлинади, энг муҳимлари:

электр тебранишларни генерациялаш, кучайтириш, ўзгартириш;
антенна техникаси;

радиотўлқинларнинг турли муҳитларда тарқалиши;

узатилган сигналларни (товуш, тасвир, телеграф белгилари ва бошқаларни) қайта тиклаш;

радиотехника усуллари билан фойдаланиб бошқариш, ростлаш ва назорат техникаси.

РАДИОТЕХНИК ҚЎШИНЛАР (РАДИОТЕХНИЧЕСКИЕ ВОЙСКА)

Ҳаводаги душманни разведка қилиш ва у ҳақдаги маълумотлар билан бошқарув пунктлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшини қисмлари ва қуролли кучларнинг ўзга турларини таъминлаш учун мўлжалланган, радиолокацияли станциянинг турли русумлари билан таъминланган қўшинлар.

Душманни радиотехник разведка қилиш, унинг радиотехник воситаларига халақит бериш ҳамда қурол, жанговар техника ва учувчи аппаратларни бошқариш учун мўлжалланган. Ташкилий жиҳатдан радиотехник бўлинма ва ҳарбий қисмлардан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳам мавжуд. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларида – қўшин тури ҳисобланади. Радиотехник қисм ва бўлинмалар қуролли кучларнинг ўзга турларида ҳам мавжуд бўлиб, радиотехник разведка юритиш, парвозларни радиотехник жиҳатдан таъминлаш, нишон кўрсатиш ва турли жанговар воситаларни бошқариш учун фойдаланилади.

РАДИОТУТИШ (РАДИОПЕРЕХВАТ) Радиоэлектрон воситалар (манбалар) ишини тутиш, душман ҳақида мавжуд бўлган маълумотларни (нурланаётган тўлқинларида) қабул қилиш ва қайд этиш, шунингдек разведка манбаларининг техник хусусиятларини (кимга тегишли эканлигини) аниқлашдан иборат амаллар.

РАДИОТЎЛҚИНЛАР (РАДИОВОЛНЫ) Частотаси 6000 гГц дан паст (тўлқин узунлиги λ 100 мкм дан катта) бўлган электр магнит тўлқинлар. Турли тўлқин узунлигидаги радиотўлқинлар. Ер атрофидаги фазода тарқалиш хусусиятлари, уларни генерациялаш, кучайтириш ва нурланиш усуллари билан фарқ қилади. Радиотўлқинлар:

ўта узун ($\lambda > 10$ км);

ўрта (1000 – 100 м);

қисқа (100 – 10 м);

ультрақисқа ($\lambda < 10$ м) тўлқинларга, ультрақисқа тўлқинлар бўлса, ўз навбатида:

метрли;

дециметрли;

сантиметрли;

миллиметрли;

субмиллиметрли тўлқинларга бўлинади.

РАДИОТЎЛҚИНЛАР ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ (ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ РАДИОВОЛН) Тўғри тўлқинларнинг ер сирти ёки ионосферадан қайтган тўлқинлар, тропосферада турлича йўл босиб ўтган тўлқинлар ёки ионосферанинг турли қисмларидан қайтган тўлқинлар билан ўзаро таъсири натижасида юз бериши мумкин бўлган ҳодиса (интерференция).

РАДИОТЎЛҚИН ЎТКАЗГИЧ (РАДИОВОЛНОВОД) Радиотўлқинларни йўналтириб тарқатувчи канал – ҳавол (ичи ковак, бўш) металл қувур ёки диэлектрик ўзак.

Канал ичида радиотўлқинлар унинг ички деворларига урилиб қайтиши ва қайтган тўлқинлар интерференцияси натижасида узунасига йўналади. Тўлқинлар радиотўлқин ўтказгичда фақат радиотўлқин ўтказгичнинг кўндаланг кесим ўлчамлари тўлқин узунлигига яқин ёки ундан катта бўлгандагина тарқалади, бундан радиотўлқин ўтказгични, асосан ўта юқори частоталар диапазонидагина ишлатиши мумкин деган хулоса келиб чиқади.

Радиотўлқин ўтказгич радиолокацияли ва бошқа станцияларда энергияни узаткичдан антеннага ва антеннадан радиоқабулқилгичга узатишга хизмат қилади. Антенналар ва бошқаларда нурланувчи элементлар сифатида ишлатилади.

РАДИОУЗАТКИЧ (РАДИОПЕРЕДАТЧИК) Антенна билан бирга радиоалоқа, радиоёшиттириш тизимлари ва бошқаларда радиосигналларни узатишга хизмат қилади. Асосий элементлари:

юқори частотали электр тебранишлар генератори;

узатилаётган маълумотга мувофиқ шу тебранишлар параметрларини бошқарадиган (модуляциялайдиган) модулятор.

РАДИОЎЛЧАШЛАР (РАДИОИЗМЕРЕНИЯ) Радиоалоқа, автоматика, ҳисоблаш техникаси элементлари, асбоблари ва қурилмаларининг ишини кўрсатувчи электр, магнит ва электр магнит катталикларни ўлчаш. Радиоэлектроника воситасида, масалан, резисторлар, конденсаторлар, индуктивлик ғалтаклари, электровакуум ва ярим ўтказгич асбобларнинг кўрсаткичлари, радиосигналларнинг тури ва ўзгариш хусусияти, электрон ва радиотехника аппаратларининг иш режимлари ва фойдаланишга оид хусусиятлари, шовқинлар даражаси ва нурланиш жадаллиги аниқланади. Радиоўлчашлар қуйидаги асбоблар:

стандарт сигналлар генераторлари;

ўлчаш кучайтиргичлари;

осциллографлар;

калибрлаган ток манбалари ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади.

Радиоўлчаш асбоблари турли ўзгартиргичлар билан биргаликда ноэлектр катталикларни (масалан, ҳарорат ёки босимни) аниқлашда ҳам ишлатилади.

РАДИОЛОГИК ҚУРОЛ (РАДИОЛОГИЧЕСКОЕ ОРУЖИЕ) Оммавий қирғин қуролининг эҳтимолий турларидан бири бўлиб, инсонни ионловчи нурлар билан жароҳатлаш, теварак-атроф ва жанговар техникани захарлаш учун радиоактив моддалардан фойдаланишга асосланган.

РАДИОЭЛЕКТРОН КУРАШ (РЭК) (РАДИОЭЛЕКТРОННАЯ БОРЬБА (РЭБ)) Душманнинг ўз кўшинлари ва қурол-яроғини бошқариш воситалари ва тизимларини аниқлаш, уларни радиоэлектрон жиҳатдан бостириш, шунингдек кўшинларимиз ва қурол-яроғимизни бошқариш воситалари ва тизимларини радиоэлектрон жиҳатдан ҳимоя этиш, хорижий техник разведка таъсирига қаршилиқ кўрсатиш учун мақсади, бажариладиган вазифалари, ўтказиладиган жойи ва вақти бўйича мувофиқлаштирилган тадбирлар ҳамда кўшинлар ҳаракатининг мажмуи.

РАДИОЭЛЕКТРОН БОСТИРИШ (РЭБ) (РАДИОЭЛЕКТРОННОЕ ПОДАВЛЕНИЕ (РЭП)) Душманнинг кўшинларни ва қурол-аслаҳани бошқариш тизимида тарқокликни вужудга келтириш мақсадида унинг кўшинларни, қурол-аслаҳа ва разведкани бошқариш восита ва тизимларига радиоэлектрон ҳалақит бериш, ўзини йўналтирадиган ва бошқариладиган талофат етказиш воситаларини яширин объектлардан чалғитиш, ёлғон хабарлар тарқатиш, шунингдек электр магнит тўлқинларни тарқалиш шароити ва жойнинг радиолокацияли кўриниш хусусиятини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

РАДИОЭЛЕКТРОН ВАЗИЯТ (РЭВ) (РАДИОЭЛЕКТРОННАЯ ОБСТАНОВКА (РЭО)) Кўшинлар ва қурол-яроғ бошқарилувининг кўшинларимиз ва эҳтимолий душман фаолиятини таъминлаш манфаатларида ишлаб турган радиоэлектрон тизим ва воситалар мажмуи.

Радиоэлектрон вазият радиоэлектрон воситаларнинг жойлаштирилган жойи, сони, қўлланилаётган русуми, ишчи диапазонни ва режимлари, имкониятлари, кимга тегишли эканлиги, электр магнит жиҳатдан тушунилишининг қийин ёки осонлиги ва ушбу воситалар бир-бирининг ишига ҳалақит бериш-бермаслиги билан тавсифланади.

Радиоэлектрон вазият оператив вазиятни келгусида таҳлил этиш ва баҳолаш учун хизмат қилади.

РАДИОЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАРНИНГ ЎРИНДОШЛИГИ (ЭЛЕКТРОМАГНИТНАЯ СОВМЕСТИМОСТЬ РАДИОЭЛЕКТРОННЫХ СРЕДСТВ) Радиоэлектрон воситаларнинг атайин қўйилмаган (ўзаро) ҳалақитлар мавжудлигида қўйилган вазифани талаб этилаётган сифат даражасида ва айни пайтда кўшинлар туркумида мавжуд бошқа радиоэлектрон воситалар ишига йўл қўйиб бўлмайдиган ҳалақитлар яратмаган тарзда бажара олиш хусусиятлари.

РАДИОЭЛЕКТРОНИКА (РАДИОЭЛЕКТРОНИКА) Фан ва техниканинг радиочастотали электр магнит тебранишлар ва тўлқинлардан фойдаланиб, ахборот узатиш, уни ўзгартириш билан боғлиқ соҳаларининг умумий номи, бу соҳалардан асосийси – электроника ва радиотехника. Радиоэлектроника воситалари ва усуллари ҳозирги замон техникасининг турли соҳалари ва кўп фанларда қўлланилади.

РАДИОҚАБУЛҚИЛГИЧ (РАДИОПРИЁМНИК) Антенна билан биргаликда радиосигналларни қабул қилиб беради. Мисоллар: радиоэшиттириш қабулқилгичи, радиолокацияли қабулқилгич, телевизор. Асосий элементлари:

радиоқабулқилгични керакли узатувчи радиостанцияга созлайдиган частота-селектив электр занжирлари (тебраниш контурлари, электр фильтрлари);

электр тебранишлар кучайтиргичлари;

детектор;

ахборотни қайта эшиттириш воситалари (масалан, радиокарнай, кинескоп).

Супергетеродинли радиоқабулқилгичлар кенг тарқалган.

РАДИУС (РАДИУС) айлана ёки сферанинг бирор нуқтасини марказ билан туташтирувчи кесма. Шу кесманинг узунлиги ҳам радиус дейилади.

РАЗВЕДКА АВИАЦИЯСИ (РАЗВЕДЫВАТЕЛЬНАЯ АВИАЦИЯ) Ҳаво разведкасини юритиш учун мўлжалланган жанговар авиация тури. Ташкилий жиҳатдан тактик, стратегик ва ҳарбий-денгиз флоти авиацияси таркибига кирувчи, разведка авиациясининг қисм ва алоҳида бўлинмаларидан иборат.

РАЗВЕДКА ГУРУҲИ (РАЗВЕДЫВАТЕЛЬНАЯ ГРУППА) Душман fronti ортида разведка юритиш учун юбориладиган тактик разведка органи.

Разведка гуруҳи олдида қўйиладиган асосий вазифалар жумласига: душман қўшини жойлашган худуддаги ядро қуроли, аэродром, бошқарув пункти каби муҳим объектлар ва шикаст етказувчи оддий воситалар жойини фош этиш амаллари киради.

Разведка гуруҳининг одатдаги таркиби – разведка секциясидир. Разведка гуруҳи душман fronti ортига вертолёт ёки машиналарда ташланади ёхуд пиёда юборилади.

Артиллерия ва муҳандислик разведкасида мазкур разведкаларнинг тегишли гуруҳлари мавжуд.

РАЗВЕДКА ДОЗОРИ (РАЗВЕДЫВАТЕЛЬНЫЙ ДОЗОР) Душман ва жой ҳақида маълумотлар излаб топиш учун мўлжалланган қўшинлар разведкасининг органи. Разведка дозори:

алоҳида разведка дозори;

жанговар разведка дозори;

офицерлар таркибидан тузилган разведка дозорига бўлинади.

РАЗВЕДКА ОТРЯДИ (РАЗВЕДЫВАТЕЛЬНЫЙ ОТРЯД) Асосан хужумда ва тўқнашма жанг бўлиши кутилаётган марш мобайнида душман ва жой ҳақида маълумотлар излаб топиш учун умумқўшин қўшилмалар (қисмлар) таркибидан тайинланиб, муҳим йўналиш томон юбориладиган тактик разведка органи.

Мудофаа мобайнида разведка отряди, одатда душман билан тўқнаш келмаган пайтда юборилади. Разведка отряди, одатда разведка взводи, мотоўқчи взвод ёки артиллерия ва танклар билан кучайтирилган батальондан иборат.

РАЗВЕДКАНИНГ ОПТИК-ЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАРИ (ОПТИКО-ЭЛЕКТРОННЫЕ СРЕДСТВА РАЗВЕДКИ) Объектларни фош этиш ва кимга тегишли эканлигини аниқлаш, зарур бўлса координатларини белгилаш мақсадида объектнинг ўзидан таралган ёки объектдан акс этиб қайтган оптик ва иссиқлик нурларини қабул қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган

асбоблар. Разведканинг оптик-электрон воситалари жумласига:

разведканинг оптик воситалари – бинокль ва теодолитлар, оптик масофа ўлчагичлар, артиллериянинг стереотрубалари, перископ ва буссоллар;

тунда кўриш асбоблари;

инфрақизил прожектор ва лазер воситаларини разведка қилиш учун масофа ўлчагичлар, теодолитлар учун тунги қопқоқлар, лазерли масофа ўлчагичлар, лазер билан масофа ўлчаб-нишон кўрсаткичлар;

иссиқлик манбаини кўрсатувчи воситалар – тепловизор ва теплопеленгаторлар;

разведканинг телевизион воситалари киради.

РАЗВЕДКА МАЪЛУМОТЛАРИНИ ТЕКШИРИШ (ДОРАЗВЕДКА)

Юзага келган вазият ҳақида мавжуд муҳим, аммо бир-бирига зид келаётган маълумотларни текшириш, шунингдек душман ҳолати, ҳаракатлари ва кўзлаётган мақсади борасида тўла ва ишончли маълумотларни қўлга киритиш.

Разведка маълумотлари асосан илгариги ҳудудларда олдин разведка қилинган объектлар мавжудлигини тасдиқлаш ёки уларга зарба беришдан олдин координаталарига аниқлик киритиш мақсадларида текширилади.

Разведка маълумотларини текшириш учун биринчи навбатда разведканинг техник куч ва воситаларидан фойдаланилади. Мазкур куч ва воситалар душман объектининг унга зарба берилгунга қадар ўз ҳолатини ўзгартиришга улгурмайдиган муддатда, етарлича аниқ маълумотларни излаб топиш ва мавжуд маълумотларга аниқлик киритиш хусусиятига эга.

РАЗВЕДКАЧИ (РАЗВЕДЧИК) Душман ҳақида маълумотларни излаш, ўрганиб чиқиш ва умумлаштириш билан шуғулланувчи шахс. Бажараётган вазифасининг хусусияти ва разведка юритишнинг усулига кўра разведкачи:

кўшин разведкачиси;

разведкачи агентга бўлинади.

РАКЕТАДАГИ ЖАНГОВАР КАЛЛАК (БОЕГОЛОВКА РАКЕТЫ)

Ракетанинг бош қисми бўлиб, унда:

жанговар қисм;

портлаткич (портлатиш тизими);

сақлагич-ижрочи механизм жойлашади.

Корпус ва жанговар ядро зарядидан иборат жанговар қисми, асосан вайрон қилувчи кучга эга.

РАКЕТА ДВИГАТЕЛИ (РАКЕТНЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Ишлаётганда атрофдаги муҳитдан (ҳаво ёки сувдан) фойдаланмайдиган реактив двигатель. Кимёвий ракета двигатели кенг тарқалган (электр, ядро ва бошқа ракета двигателлар ишлаб чиқарилмоқда ва синалмоқда). Энг оддий ракета двигатели сиқилган газда ишлайди. Вазифасига кўра тезланиш берадиган, тормозлайдиган, бошқарадиган кабиларга бўлинади. Ракета, самолёт кабиларга ўрнатилади. Космонавтикада ракета двигатели асосий двигатель ҳисобланади.

РАКЕТА ЁНИЛҒИСИ (РАКЕТНОЕ ТОПЛИВО) Ракета двигателларида ҳаракатлантирувчи кучни вужудга келтирадиган энергия манбаи ва иш

жисми сифатида фойдаланиладиган модда ёки моддалар мажмуи. Асосан суюқ ва қаттиқ ракета ёнилғиси бўлади. Суюқ ракета ёнилғисиди ёнилғи сифатида водород, керосин ёки диметилгидразин, оксидловчи сифатида суюқ кислород ёки азот (IV) – оксид ишлатилади. Қаттиқ ракета ёнилғиси таркибига асосан, нитроцеллюлоза асосидаги порох (ёнилғи) ва аммоний перхлорат (оксидловчи) киради.

РАКЕТА КОМПЛЕКСИ (РАКЕТНЫЙ КОМПЛЕКС) Ракетани учириш, парвозини бошқариш каби вазифаларни бажариш учун мўлжалланган, иши ва ҳаракати ўзаро боғлиқ восита ва тизимлар мажмуи. Таркиби: ракеталар ва ердаги ускуналар, ҳарбий-денгиз флоти ва ҳарбий-ҳаво кучларида эса – кема ва самолётларнинг (вертолётларнинг) махсус ускуналаридан иборат. Ракета комплексининг жанговар имкониятлари:

ракета парвозининг олислиги;
нишонга тегиш аниқлиги;
шикаст етказиш қудрати.

Ракета комплексининг таркиби – вазифаси, қўлланиш шароити ва ракеталар тузилишининг ўзига хослигига боғлиқ бўлиб, вазифасига кўра:

жанговар – стратегик, оператив-тактик каби;
ўқув;

космик, геофизик, метеорологик каби тадқиқотлар ўтказиш учун мўлжалланган – *тадқиқотга оид* турларга;

жойлаштирилишига кўра:

ерда жойлаштирилган;

кемада (сув ости ва сув усти кемаларда) *жойлаштирилган*;

авиацияда (самолёт ва вертолётларда) *жойлаштирилган* турларга бўлинади.

РАКЕТАЛАР (РАКЕТЫ) Реактив двигатель томонидан ишчи жисмни улоқтириш мобайнида ҳосил бўладиган реактив тортиш кучи таъсири остида ҳаракатланадиган учувчисиз учиш аппаратлари. Ракеталар бошқариладиган ва бошқарилмайдиган, бир ёки кўп поғонали, стартдаги вазни бир неча килограммдан бир неча минг тоннагача бўлади. Ҳар қандай ракетанинг асосий қисмлари жумласига корпус, бир ёки бир неча ракета двигателлари, ёкилғили ҳажмлар ва фойдали юк (жанговар каллак, космик аппарат кабилар) киради. Вазифасига кўра:

жанговар – тактик, оператив-тактик ва стратегик;

тадқиқотларга оид;

халқ хўжалигига оид;

ўқув ракеталар турларига бўлинади.

“Ердан-ерга” синфига мансуб ракеталар:

яқин масофаларга парвоз этувчи (500 км гача);

кичик масофаларга парвоз этувчи (1000 км гача);

ўрта масофаларга парвоз этувчи (5000 км гача)

қитъалараро парвоз этувчи (5000 км дан юқори) турларга бўлинади.

РАКЕТАЛАР ЗАРБАСИДАН МУДОФАА (ПРОТИВОРАКЕТНАЯ ОБОРОНА) Баллистик ракета ёки парвоз траекториясидаги жанговар

ядровий каллакларни яксон этиш йўли билан душманнинг ракетали-ядровий зарбасини қайтариш бўйича ўтказиладиган тадбир, жанговар ҳаракат, куч ва воситалар мажмуи. Ракеталар зарбасидан мудофаа таркибига:

узоқ масофалардаги нишонларни фош этиш воситалари;

турли масофаларда парвоз этаётган ракеталарга қарши қўлланиладиган комплекслар;

ҳисоблаш воситаларининг комплекслари;

маълумотларни узатиш воситалари киради. Ракеталар зарбасидан мудофаа:

мамлакатнинг ялпи ҳудудини мудофаа этиш учун – ҳудудий;

йирик майдонларни мудофаа этиш учун – зонал;

ўта муҳим маъмурий, ишлаб чиқариш ва ҳарбий объектларни мудофаа этиш учун – объектли мудофаа турларига бўлиниши мумкин.

РАКЕТАЛАРНИ УЧИРИШ ҚУРИЛМАСИ (ПУСКОВАЯ УСТАНОВКА РАКЕТ) Ракетани жойлаш, нишонга йўллаш, стартдан олдин тайёрлаш ва учириниш учун мўлжалланган махсус қурилма. Ракета комплексининг жанговар воситаси. Ракеталарни учириниш қурилмаси учириниш столи (йўналтирувчилар), йўналтириш механизмлари, горизонтлаштириш воситалари, газқайтаргичлар, текшириш-учириниш аппаратлари, электр озуқа манбалари кабилардан таркиб топган. Ракеталарни учириниш қурилмаси:

ракеталар стартининг турига кўра – вертикал ва қия старт олувчи;

ҳаракатчанлигига кўра – кўчмас (шахтада), ярим кўчмас (қисмларга ажратилиб – йиғиладиган), кўчма ва ҳ.к. қурилмалар бўлади.

Илк бор учириниш дастгоҳлари порохли ракеталар билан биргаликда XVIII аср бошида вужудга келган. Ракеталарни вертикал учириниш учун мослаштирилган биринчи дастгоҳлар 1932-1933 йилларда ишлаб чиқилди.

РАКЕТАЛИ ҚУРОЛ (РАКЕТНОЕ ОРУЖИЕ) Ракеталар ёрдамида шикастлаш воситалари нишон устига етказиладиган қурол.

Ракетали қурол комплекс бўлиб, таркибига ядровий ёки оддий зарядга эга ракеталар учириниш қурилмаси, нишонга йўллаш воситалари, текширувчи-учирувчи мосламалар, ракета паровозини бошқариш воситалари, транспорт воситалари каби қурилмалар киритилган. Бажарадиган вазифаларининг хусусиятларига кўра ракетали қурол:

стратегик;

оператив-тактик;

тактик турларга бўлинади.

Стратегик ракетали қурол – душманнинг муҳим стратегик объектларини яксон этиш учун мўлжалланган.

Оператив-тактик ва **тактик** турларга мансуб ракетали қурол – душманнинг оператив ва тактик сарҳадларидаги нишонларга, яъни йирик қўшинлар тўпланган жойлари, қўмондонлик пунктлари аэродромлари, темир йўл тармоқлари каби объектларига қарата қўллаш учун мўлжалланган.

Ракеталар ердаги кўчмас ва кўчма учириниш қурилмалари, ракета ташувчи, бомбардимончи, қирувчи самолётлар, вертолёт, кема ва атомли сув ости кемалардан учирилиши мумкин.

Учириладиган жой ва нишоннинг жойлашган жойига кўра ракеталар:

“ердан-ерга”;

“ердан-ҳавога”

“ердан-кемага”

“ҳаводан-ерга”

“ҳаводан-ҳавога”;

“ҳаводан-кемага”;

“кемадан-ерга”;

“кемадан-кемага”;

“кемадан-ҳавога” синфларига бўлинади.

Шикастлаш воситасини нишонга етказиш узоқлиги бўйича анча яқин (10 км гача), яқин (10 – 100 км гача), ўртача яқин (100 – 500 км), анча узоқ (китъалараро, 5500 км гача) ракетали қуролга фаркланади.

XX асрнинг 50 – 70 йилларида кенг расм бўлди.

РАКЕТНИ УЧИРИШ (ПУСК РАКЕТЫ) Ракетанинг учириш қурилмасидан бўшаб чиққанига қадар ракета ва учириш қурилмасида ўтадиган жараёнлар мажмуи. Ракетани учириш амали:

бошқарув тизими ва гирожихозларни тайёрлаш;

электр озуқа манбаларини ёқиш;

ракета двигателларини ўт олдиришдан иборат.

РАКЕТА ТАШУВЧИ АВИАЦИЯ (РАКЕТОНОСНАЯ АВИАЦИЯ)

Ракета ташувчи самолётлар билан қуролланган, “ҳаводан-ерга”, “ҳаводан-ҳавога” ва “ҳаводан-кемага” синфига мансуб бошқариладиган ва бошқарилмайдиган ракеталарни қўллаш қобилиятига эга ҳарбий авиация.

РАКЕТА-ЯДРО ҚУРОЛИ (РАКЕТНО-ЯДЕРНОЕ ОРУЖИЕ) Душманга қирғин келтирувчи восита сифатида ядро ва термоядро зарядли ўқ-дори, уни нишонга элтувчи восита сифатида эса – ракета хизмат қилувчи қурол. Ядровий уруш давомида душманга қирғин келтирувчи асосий восита. Вазифаларининг хусусиятларига кўра:

стратегик;

оператив-тактик;

тактик турларга бўлинади.

Ерда (шу жумладан ердаги жанговар транспортларда), ҳаво ва денгиздаги жанговар техникаларда жойлаштирилади. Қўлланилишининг асосий усуллари – ракета-ядро зарбаларини қўллаш. Асосий жанговар хусусиятлари жумласига:

парвоз масофасининг чекланмаганлиги;

шикаст етказиш қудратининг катталиги;

дафъатан қўллаш имконияти;

ўта аниқ шикаст етказиши;

тезлигининг катталиги;

деярли шикастланмаслиги киради.

Ракета-ядро қуролларини оммавий суратда қўллаш жанг майдонида қисқа муддат ичида душманга ҳал қилувчи зарба бериш ва кучлар нисбатини ўз фойдасига тубдан ўзгартириш имконини беради. Ракета-ядро қуролига

АҚШ, Россия, Англия, Франция ва Хитой давлатлари эга. Ракета-ядро қуроли – ядровий ёки оммавий қирғин қуролларнинг асосий таркибий қисмидир.

РАКЕТНИЦА (РАКЕТНИЦА) Сигналловчи патрон отиб хабар бериш, команда ва билдирувларни тезкор узатиш, жойнинг алоҳида қисмларини қисқа муддатга ёритиш, кемаларда бундан ташқари – ҳалокат сигналинини узатиш учун мўлжалланган сигналловчи пистолет.

РАКЕТАТАШУВЧИ (РАКЕТОНОСЕЦ) Стратегик, оператив-тактик ёки тактик ракета ташувчи самолёт, сув усти кемаси (катер) ва сув ости кемаси. “Ракетаташувчи” ХХ асрнинг 50 - йилларида ракета қуролининг таракқий этиши, авиация ва флот қурол-аслаҳаси таркибига киритилиши муносабати билан вужудга келган.

РАКЕТА ҚЎШИНЛАРИ ВА АРТИЛЛЕРИЯ (РАКЕТНЫЕ ВОЙСКА И АРТИЛЛЕРИЯ) Қуролли кучлардаги қўшин тури. 1960 йиллар бошида ташкил этилган. Жангда ва операция жараёнида душманга қарата ядро қуролини қўллаш ва ўт очиш билан зарба беришга мўлжалланган.

РАМКАЛИ АНТЕННА (РАМОЧНАЯ АНТЕННА) Йўналтирилган антенна. Думалок, квадрат ёки тўғри тўртбурчак рамка шаклида симдан битта ўрам ёки бир неча ўрамли қилиб ясалади. Максимал нурланиш (қабул қилиш) жадаллиги рамка текислиги йўналишига тўғри келади. Асосан радиопеленгаторларда қабул қилиш антеннаси сифатида ишлатилади.

РАНГ (ДАРАЖА) (РАНГ) Ҳарбий-денгиз флотига кемалар (*ҳарбий кемалар атамасига қаранг*), шунингдек айрим ҳарбий унвонлар рангларга бўлинади (олий ранг – 1 ранг) 1-, 2- ва 3-даража капитанлари (тегишлича полковник, подполковник ва майор унвонларига тўғри келади).

РАСЧЁТ (РАСЧЁТ) Тўп, пулемёт каби қурол-яроғ ва техниканинг ўзга турларига бевосита хизмат кўрсатувчи ҳарбий хизматчилар гуруҳи. Артиллерия, алоқа қўшинлари кабиларда бўлинманинг бирламчи (паст поғонадаги) ташкилий бирлиги. Расчётни расчёт командири (офицер ёки сержант) бошқаради.

Расчётнинг миқдорий таркиби қурол турига боғлиқ.

РАЦИЯ (радиостанция сўзидан) (РАЦИЯ) Олиб юриладиган қисқа тўлқинли қабул қилиш-узатиш радиостанцияси.

РАҒБАТЛАНТИРИШ (ПООЩРЕНИЕ) Ҳарбий хизматчининг хизмат ўташ ва ҳарбий бурчни адо этиш мобайнида кўрсатган алоҳида хизматларини тан олиш шакли. Интизомий амалиётнинг таркибий қисми.

Интизом низомига мувофиқ рағбатлантириш – ҳарбий хизматчилар тарбияси ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Ҳарбий хизматчи ёки бўлинманинг рағбатлантирилиши саф олдида ёки ҳарбий хизматчиларнинг мажлисида оғзаки ёки ёзма буйруқда эълон қилинади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқнинг эълон қилиниши, шунингдек алоҳида хизмат кўрсатган ҳарбий хизматчига мукофот топширилиши, одатда тантанали вазиятда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлати ва Қуролли Кучлари олдида алоҳида хизмат кўрсатган, ҳарбий бурчни адо этиш мобайнида мардлик ва жасорат

намоён этган, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда аъло кўрсаткичларга эга ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси ордени ва медаллари билан тақдирланиши учун тақдим этилади.

РЕАКТИВ АРТИЛЛЕРИЯ (РЕАКТИВНАЯ АРТИЛЛЕРИЯ) Реактив снарядларни (миналарни) отиш учун мўлжалланган артиллерия тури. Реактив двигателнинг тортиш кучи ҳисобига снарядлар мўлжалга етказилади. Душманнинг жонли кучи, жанговар техникаси, ядро хужуми воситаларини шикастлаш ва муҳофаза иншоотларини бузиш мақсадида снарядларни залп билан (бирданига 6, 8, 10, 12, 16, 32 ва ҳ. к. дона снарядни отиш) учун мўлжалланган.

Реактив артиллерия қуруқликдаги кўшинлар, ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий-денгиз флоти таркибига киради. Реактив артиллерияга мансуб бўлинма ва қисмларнинг қурол-аслаҳаси таркибида асосан бараварига ўт очувчи реактив тизимлар мавжуд. Реактив отувчи қурилмалар танк, зирхли транспортёр ва автомашиналарга ўрнатилади.

Реактив артиллерияда стволли ва стволсиз артиллерия тизимлари ишлатилади. Стволли тизимда стволлар сони 10 – 45 та, снарядларни (миналарни) отиш узоқлиги 15 – 20 км ни ташкил қилади. Стволсиз тизимда тутинсиз порохли снарядлар қўлланилади. Ана шундай дала реактив артиллериясининг стволсиз тизими II жаҳон уруши йилларида норасмий равишда “Катюша” деб ном олди. Илк намунаси XX асрнинг 30-йиллар охирида яратилган. Урушдан кейинги даврларда кенг тарқалган.

Снарядларнинг (миналарнинг) нишонга тўғри боришини стабилизаторлар таъминлайди. Ҳар қайси снарядда реактив двигатель бўлгани учун уни отишда мураккаб ва катта артиллерия тизими талаб қилинмайди. Реактив артиллерияда қўлланиладиган снарядлар калибри 375 мм гача, ўт очиш масофаси 45 км ва ундан олис, ўқ-дорини йўналтирувчи мосламалар сони 45-50 тагача.

РЕАКТИВ АРТИЛЛЕРИЯНИНГ ЖАНГОВАР МАШИНАСИ (РАЖМ) (БОЕВАЯ МАШИНА РЕАКТИВНОЙ АРТИЛЛЕРИИ (БМРА)) Кўп зарядли ўзиюлар ускуна. Ўт очиш амали одатда қисқа вақт оралиғида бараварига бажарилади. Таркибига артиллерияга оид аслаҳа ва мураккаб йўлларда юришга қодир ўзиюлар шасси киради.

Артиллерияга оид аслаҳа таркибига: снарядларни жойлаш ва парвозини йўналтириш учун мўлжалланган – йўналтирувчилар (рельслар ва юпқа деворли қувурлар) йиғмаси, ушбу йиғмани горизонтал текисликда буриш учун мўлжалланган бурилма рама, йўналтирувчи механизмлар, мувозанатда тутиб турувчи механизм, мўлжалга олиш мосламалари ва ўт очувчи жиҳозлар киради.

Артиллерия қурол-аслаҳаси таркибига 1941 йилда қабул қилинган.

РЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЬ (РЕАКТИВНЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Иш жисми (одатда, ёнилғи ёнишдан ҳосил бўладиган газсимон моддалар) оқими ҳисобига реактив куч (тортиш кучи) ҳосил қиладиган двигатель. Реактив двигателда турли хил энергиянинг (иссиқлик, ядро, қуёш ва электр энергияси, кимёвий энергиянинг) механик энергияга айланиши ҳисобига иш

жисми оқимининг кинетик энергиси вужудга келади, бундан ташқари, иш жисми двигателдан отилиб чиққанда акс куч пайдо бўлиб, двигателни итаради. Шунинг учун реактив двигателни мураккаб яхлит тизим дейиш мумкин. Бу тизим бирламчи (дастлабки) энергия манбаи (масалан қуёш энергияси) иш жисми ва энергияни бир турдан иккинчи турга айлантирувчи қурилмадан (яъни реактив двигателнинг ўзидан) иборат бўлади.

РЕАКТИВ СНАРЯД (РЕАКТИВНЫЙ СНАРЯД) Қуруқликдаги қўшинлар, авиация ва флотда қўлланиладиган бараварига ўт очишнинг реактив тизимларига мансуб, парвози бошқарилмайдиган снаряд. Реактив снаряд нишон устига реактив двигателнинг тортиш кучи ҳисобига етказилади. Реактив снаряд:

жанговар вазифасига кўра – парчаланувчи-фугасли, фугасли, кумулятив, кассетали, ҳажмий портловчи, ёндирувчи, тутун пурковчи каби турга мансуб;

парвозининг барқарорлаштирилиши усулига кўра – айланмайдиган (канотли) ва айланиб боровчи (турбореактив) бўлиши мумкин.

Илк бор 30-йилларда яратилган.

РЕАКТИВ-ТОРТИШ КУЧИ (реактив куч) (РЕАКТИВНО - ТЯГОВАЯ СИЛА) Реактив двигатель соплодан чиқаётган иш жисми (масалан, газ) оқимининг реакция кучи. У двигателли қурилмани газ оқими йўналишига қарама-қарши томонга ҳаракатлантиради.

РЕАКТИВ ҚУРОЛ (РЕАКТИВНОЕ ОРУЖИЕ) Шикаст етказиш воситалари, двигателнинг реактив тортиш кучи ҳисобига нишон устига етказиб бориладиган қурол тури.

Реактив қурол жумласига бараварига ўт очувчи, қуруқликдаги қўшинлар, авиация ва флотда қўлланиладиган реактив тизимлар киради. Реактив тизимларнинг кўп зарядлиги – олов самарадорлигининг юксаклиги ва кенг майдондаги нишонларни бир вақтда йўқ қилиш имкониятини белгилайди. Бараварига очилган олов эса – душман учун ногаҳонлик ва ўтказиладиган таъсирнинг юксак унумдорлигини таъминлайди.

РЕАКЦИЯ (РЕАКЦИЯ) 1) бирор таъсирга жавобан вужудга келадиган ҳаракат, ҳолат, жараён; 2) ижтимоий тараққиётга фаол қаршилик кўрсатиш ва инқилобий ҳаракатни бостиришга қаратилган сиёсат; 3) руҳий ва жисмоний ҳолатдаги кескин ўзгариш, масалан, зўр бериб ишлагандан кейин бирдан сусайиб кетиш.

РЕВАНШИЗМ (РЕВАНШИЗМ) Урушда мағлубиятга учраган мамлакатга қарашли тажовузкор доираларнинг урушдан олдинги чегараларни, халқаро муносабатлардаги тизимларни қайта тиклаш баҳонаси билан янги уруш тайёрлашга қаратилган сиёсати (енгилгандан кейин қасос олиш сиёсатини юргизиш).

РЕВОЛЬВЕР (РЕВОЛЬВЕР) 100 м гача масофадаги тирик нишонни уришга мўлжалланган, айланувчи барабанли магазиндан иборат кўп зарядли, кесмали (бурама керткли) ўқ отувчи шахсий қурол. XVI асрда яратилган, XIX асрнинг 30- йилларида кенг тарқалган. XIX аср охирида наган тизимидаги револьверларга ўтилган. XX аср биринчи ярмида автоматик

пистолет яратилгандан кейин ўз аҳамиятини йўқотган.

РЕГЛАМЕНТ (РЕГЛАМЕНТ) 1) давлат органлари, муассасалари, ташкилотларининг иш тартибини белгилайдиган қоидалар мажмуи; 2) мажлис, конференция кабиларни олиб бориш тартиби; 3) халқаро конгресс ва конференциялар айрим актларининг номи (масалан, 1915 Вена регламенти).

РЕЗЕРВ (ЗАХИРА) (РЕЗЕРВ) 1) янги вужудга келган вазифаларни ҳал этиш, ҳаракатдаги армия ва флотни уруш, операция давомида бутлаб, таъминлаб бориш учун мўлжалланган қуроли кучлар турларининг тузилмалари, одам ресурслари ва моддий воситалар; 2) операция (жанг) давомида дафъатан вужудга келган масалаларни ҳал этиш учун мўлжалланган оператив жихатдан тортилган саф (жанговар тартиб) элементи; 3) тинчлик даврида қисқартирилган таркибда сақланиб, уруш даврида таркиби кенгайтирилган кўшинлар тоифаси. XIX аср 2- ярми – XX аср бошида Россия, Франция, Австрия-Венгрияда мавжуд бўлган. АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг ҳозирги қуроли кучларида бор.

РЕЗЕРВУАР (РЕЗЕРВУАР) суюқлик ва газлар сақланадиган (ер устига ёки ер остига жойлаштириладиган) катта идиш. Металл ва темир-бетондан ясалган резервуар кўпроқ тош, ёғоч, полимер каби ашёлардан ясаладиган резервуарлар эса камроқ ишлатилади.

РЕЗИДЕНТ (РЕЗИДЕНТ) 1) мустамлакачи давлатнинг протекторатга ҳокимлик қиладиган вакили; 2) бир мамлакат разведкасининг бошқа давлатда яшаб, айғоқчилик шохобчалари ишини йўлга солиб турувчи махфий вакили; 3) элчидан бир даража куйи дипломатик вакил; 4) чет эл табақаси, бирор давлатнинг чет элда доим яшайдиган фуқароси.

РЕЗИДЕНЦИЯ (РЕЗИДЕНЦИЯ) Давлат, ҳукумат бошлиғи, йирик маъмурий шахс қароргоҳи.

РЕЗОЛЮЦИЯ (РЕЗОЛЮЦИЯ) 1) йиғилиш ва конференцияда қабул қилинадиган қарор; 2) мансабдор шахс томонидан хизмат ҳужжатининг устига битилган ва ушбу шахс қабул қилган қарор мазмунини билдирадиган ёзув.

РЕНЕГАТ (РЕНЕГАТ) Ўз маслагидан қайтиб, душман томонига ўтган одам. Хоин, муртад.

РЕПАТРИАЦИЯ (РЕПАТРИАЦИЯ) Уруш оқибатида ватанидан ташқарига чиқиб қолган ҳарбий асирлар ва фуқаро шахсларни, шунингдек фуқаролик ҳуқуқи тикланган муҳожирларни ўз ватанига қайтариш.

РЕПРЕССИЯ (қатағон) (РЕПРЕССИЯ) Давлат томонидан қўлланиладиган жазо чораси, жазолаш.

РЕПРОДУКТОР (РЕПРОДУКТОР) Симли радиоэшиттириш тармоғида ишлатиладиган радиокарнай.

РЕСПИРАТОР (РЕСПИРАТОР) Инсоннинг нафас олиш органларини радиоактив чанг ва зарарли моддалардан ҳимоя этиш учун мўлжалланган шахсий мослама. Респиратор:

вазифасига кўра – газга қарши, чангга қарши, универсал;

русумига кўра – изоляцияловчи, фильтрловчи турларга бўлинади.

РЕССОР (РЕССОРА) Транспорт машиналари осмасининг эластик элементи.

Машинага тушадиган зарбларни юмшатади ва иш юкламасини қабул қилади. Япроқсимон, буралувчан, винтли, шунингдек гидравлик ва пневматик турлари мавжуд.

РЕСТИТУЦИЯ (РЕСТИТУЦИЯ) 1) халқаро ҳуқуқда – урушувчи давлатнинг душман ҳудудидан ғайриқонуний равишда эгаллаб олган ва олиб чиқиб кетган мулкни қайтариш; 2) гражданлик ҳуқуқида – шартнома бўйича бир томон олган нарсани шартнома ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда иккинчи томонга қайтариши.

РОТОР (РОТОР) Машиналар, масалан, электр двигателлар, турбиналарнинг одатда статор ичида жойлашадиган айланувчан ишчи қисми.

РУЛЬ (РУЛЬ) 1) рельсиз ғилдиракли машиналар рули – руль бошқармаси (ҳаракат йўналишини ўзгартириш механизми) элементи; 2) ҳаво рули – аэродинамик кучни ва фурсатни вужудга келтирадиган қўзғалувчан сирт, учиш аппаратини учиш вақтида бошқаришда фойдаланилади. Учиш аппаратларида газ рули, газ оқимининг тортиш йўналишини ўзгартирадиган пластиналар, мураккаб соплони аппаратлар ва бошқалар ҳам қўлланилади; 3) кема рули – кемани маълум йўналишда тутиб турадиган ва юриб кетаётганда уни бурадиган қурилма, одатда вертикал ўқ атрофида буриладиган платинадан иборат.

РУХСАТНОМА (ПРОПУСК) Кириб-чиқиш режими қатъий белгиланган ҳарбий қисм, кўриқланаётган объект, корхона, муассаса ҳудудига киришга ҳуқуқ берадиган шахсни тасдиқловчи (албатта фотосурати билан) ҳужжат. Рухсатнома:

бир маротаба кириб-чиқишга ҳуқуқ берадиган;

вақтинчалик рухсатнома;

доимий рухсатнома;

ашёвий мулкни олиб киришга (олиб кетишга) ҳуқуқ берадиган рухсатнома;

автотранспортда киришга рухсат берадиган турларга бўлинади.

РУХСАТСИЗ КЕТИБ ҚОЛИШ (САМОВОЛЬНАЯ ОТЛУЧКА) Муддатли ҳарбий хизмат аскарининг ҳарбий қисм ҳудудини ёки хизмат жойини тегишли рухсат олмай ташлаб кетиши, узрли сабабларсиз шаҳар таътили, хизмат сафари, қисқа таътил, даволаниш маскани кабилардан хизматга бир суткадан ортиқ (бирок уч суткадан ошмаган тарзда) ёки бир суткадан кам, аммо 3 ой давомида такрор кечиқиб қайтиши. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ рухсатсиз кетиб қолган ҳарбий хизматчи жиноий жавобгарликка тортилади.

Тинчлик даврида айбдорнинг гуноҳини енгиллатувчи омиллар мавжудлигида интизомий таъзир чоралари кўрилиши мумкин.

РУҲИЙ АТАКА («ПСИХИЧЕСКАЯ» АТАКА) Мудофаадаги душманни даҳшатга солиш, иродасини синдириш ва руҳини тушириш мақсадида – замирида ташқи таъсир элементлари мужассамлаштирган атака.

САЛМОҚДОР ҒИЛДИРАК (маховик, залвар масса) (МАХОВИК) Двигатель (машина) валига ўрнатиладиган залвар гардишли ғилдирак (дўнгалак).

Механик энергиянинг инерцион аккумулятори сифатида компрессор, насос кабиларнинг равон айланишини таъминлаш учун ишлатилади.

Айрим қурол-яроғларнинг тегишли қисмларини айлантириш учун мўлжалланган айлана деталлар ҳам маховик деб аталади.

САЛЮТ (МУШАК) (САЛЮТ) Артиллерия қуроли ёки ўқли қуролдан залп бериб (ҳарбий-денгиз флотидида – байроқлар кўтарилиб) қутлаш ёхуд эҳтиром кўрсатишнинг тантанали шакли. Мушак қуйидаги ҳолларда отилади:

давлат (миллат) аҳамиятига эга байрам куни – *байрам салюти*;

муҳим ҳодисалар шарафига – *тантанали салют*;

давлат ва ҳарбий арбоблар шарафига – *шахсий салют*;

дафн маросимида – *мотам салюти*;

давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари шарафига – *миллат салюти*.

САМОЛЁТ (САМОЛЁТ) Двигатель ва қанотлар ёрдамида атмосферада парвоз этиш учун мўлжалланган ҳаводан оғир учиш аппарати. Самолёт вазифасига кўра фуқаролик ва ҳарбий турларга бўлинади.

Фуқаролик самолётлари жумласига: транспорт – юк ташиш, йўловчи ташиш, юк-йўловчи ташиш самолётлари; спортга оид самолётлар; ўқув-машқ самолётлари; махсус – санитар, халқ-хўжалик, ёнғинга қарши кураш каби самолётлар киради.

Ҳарбий самолётлар жумласига: қирувчи; қирувчи-тутувчи; қирувчи-бомбардимончи; ҳужумчи; разведкачи; сув ости кемаларига қарши; ҳарбий транспорт; алоқачи; санитар каби самолётлар киради.

Самолётнинг асосий қисмлари жумласига қанот, фюзеляж, дум-қанот, учирувчи-қўндирувчи қурилмалар, электр кучланиш қурилмаси, бошқарув тизими ва ускуналари киради. Ҳарбий самолётлар бундан ташқари қурол-аслаҳа ва махсус ускуналарга эга.

САНИТАР АВИАЦИЯ (САНИТАРНАЯ АВИАЦИЯ) Ҳарбий транспорт авиациясига мансуб қисмлар бўлиб, ярадор ва беморларни эвакуация қилиш, шифокорларни ташиш ва дори-дармонлар етказиш учун мўлжалланган.

САПЁРЛАР (САПЁРЫ) Муҳандислик қўшинларининг сапёр (муҳандис сапёр) бўлинма ва қисмлари ҳарбий хизматчилари. Жойларни миналардан тозалаш, кечув жойларини жиҳозлаш, минали-портловчи тўсиқлар ўрнатиш, қўшин ҳаракати учун йўл очиш каби махсус тайёргарликларни талаб этувчи ишлар билан шуғулланади.

САФ (СТРОЙ) Ҳарбий хизматчи, бўлинма ва қисмларнинг биргаликда ҳаракатланишлари учун низомда белгиланган тарзда жойлашуви. Саф қуйидаги элементлардан иборат:

қанот – сафнинг ўнг ва чап томонлари;

олд – ҳарбий хизматчилар юзлари, машиналар эса олд томони билан юзланиб турган томон;

орт – олдга қарама-қарши томон;

эн – қанотлар орасидаги масофа;

бўй – ҳарбий хизматчиларнинг биринчи шеренгасидан охири шеренгасига, машиналарнинг биринчи чизиғидан сўнги чизиғигача бўлган масофа.

Кўринишига кўра: юриш сафи, ёйиқ саф, ораси очик саф, жипс саф, тарқатилган саф турларига фарқ қилади.

САФАРБАРЛИК (МОБИЛИЗАЦИЯ) Уруш ҳолати эълон қилиниши ёки фавқулодда ҳолат жорий этилиши биланоқ умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиниши мумкин. Сафарбарлик тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

САФАРБАРЛИКДАН БЎШАТИШ (УВОЛЬНЕНИЕ ПО ДЕМОБИЛИЗАЦИИ) Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан амалга оширилади.

САФ ТАЙЁРГАРЛИГИ (СТРОЕВАЯ ПОДГОТОВКА) Жанговар тайёргарлик тизимидаги мажбурий фанлардан бири. Саф тайёргарлиги ҳарбий хизматчиларнинг қадростлиги, батартиблиги, чидам-бардоши ҳамда командалар, қурол билан ва қуролсиз бажариладиган усулларни тўғри ва тез бажара олиш қобилиятини шакллантириш, бўлинма ва қисмларни турли сафларда мураккаб ҳаракатлар бажаришга тайёрлаш мақсадида ўтказилади. Саф низомига мувофиқ саф тайёргарлиги:

- ҳарбий хизматчининг яқка тартибдаги тайёргарлиги;
- бўлинма ва қисмларнинг ҳамжиҳатлигини машқ қилиши;
- саф кўриклари ўтказилишидан иборат.

Саф тайёргарлиги машғулотларида ҳарбийча салом бериш, сафдан чиқиш, бошлиқ олдига келиш каби қоидаларни бажариш машқ қилинади. Саф тайёргарлиги машқлари, ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг таълимоти жараёни ва чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик тизимида ўтказилади.

САФ ҚАЙДНОМАСИ (СТРОЕВАЯ ЗАПИСКА) Бўлинманинг (қисмининг) рўйхати бўйича, сафда турган ва маълум сабабларга кўра сафда йўқ бўлган шахсий таркиб, қурол-яроғ, ҳарбий техника сони тўғрисидаги ҳужжат. Саф кўригидаги ҳарбий хизматчилар сони ҳисобини юритиш шакли.

САФ ҚЎШИҒИ (СТРОЕВАЯ ПЕСНЯ) Мусиқий-шеърый ижод турларидан бири бўлиб, куйининг содаллиги, маромининг аниқлиги, адабий асосининг қатъийлиги, банд ва нақоратлардан иборатлиги билан фарқ қилади. Бўлинма одимлаб бораётганида ижро этади.

САҚЛАГИЧЛАР (ПРЕДОХРАНИТЕЛИ) Қурол-яроғ ва ўзга ҳарбий техниканинг иш режимидаги бузилиш ёки нотўғри ҳаракатлар сабабли рўй берувчи беихтиёр ва хавфли ҳаракатларнинг олдини олиш учун мўлжалланган мосламалар. Асосий вазифаси: шахсий таркиб хавфсизлиги ва ҳарбий техника соз ҳолатда сақланишини таъминлаш. Қурол-яроғнинг барча тури ва электротехник қурилмада қўлланилади.

СЕРЖАНТ (СЕРЖАНТ) Кичик командирлар таркибининг, одатда қуйи поғонадаги бўлинма, экипаж, расчёт, секция, гуруҳ командирининг ҳарбий унвони.

Илк бор XV асрда француз, сўнгра немис ва инглиз армияларида пайдо

бўлган. Бугунги кунда мавжуд мазкур унвон 1940 йилда таъсис этилган. Ҳарбий-денгиз флотида 1- даражали старшина унвони тўғри келади.

СЕРЖАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ (ШКОЛА ПОДГОТОВКИ СЕРЖАНТОВ) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлар таркибини уч босқичда тайёрлаш учун мўлжалланган ҳарбий мактаб.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида таҳсил кўриш муддати тегишли жанговар тайёргарлик дастурларида белгилаб берилган. Мазкур мактабга кўнгилли тарзда, маълумоти тугалланган ўрта ёки ўрта-махсус маълумотдан паст бўлмаган, ахлоқий-ишчанлик сифатлари ва соғлиғининг ҳолатига кўра қўшинларнинг тегишли турида хизмат ўташ талабларига жавоб берадиган, Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари қабул қилинади:

ёши 25 дан ошмаган муддатли ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирув резервидаги хизматни муқаддам ўтаган ҳарбий хизматга мажбур шахслар;

махсус тайёргарлигини такомиллаштириш ёки бошқа мутахассисликни эгаллаш учун шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар.

Сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил кўриш учун келган номзодлар касбий-руҳий, ижтимоий-сиёсий, техник, тактик (махсус-тактик) тайёргарликлар бўйича ва умумқўшин низомлар борасидаги билимлари тест синовларидан ўтказилиб, саф ва жисмоний тайёргарликлари текширилади

Сержантлар тайёрлаш мактабларида таҳсил кўргани кириш учун мазкур луғатнинг *олий ҳарбий-таълим муассасаларига қабул қилиш қоидалари* атамасининг изоҳида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг деярли барчаси тайёрланиб топширилади.

Сержантлар тайёрлаш мактабини муваффақиятли битирган ҳарбий хизматчига сертификат, кўкрак нишони ва навбатдаги сержантлик унвони (муқаддам берилмаган бўлса) берилади.

СИГНАЛИЗАЦИЯ (СИГНАЛИЗАЦИЯ) Диққатни жалб қилиш, хабар ёки буйруқ бериш ва икки томонлама гаплашишда сигнал узатиш учун ишлатиладиган шартли белги, қурилма ва мосламалар мажмуи. Вазифасига қараб, авариянинг олдини олиш, чақириш, буйруқ бериш, ўт ўчириш, қидириш, огоҳлантириш учун мўлжалланган сигнализацияларга бўлинади. Сигнал қурилмалари, механик, гидравлик, пневматик, электр ва радио тизимлар билан ишга туширилади. Сигналларни электр орқали узатиш усули кенг тарқалган. У автоматик воситалар билан бажарилади; визуал ёки акустик турлари мавжуд. Визуал сигнализацияга чирокчали таблонинг ёниши, мнемосхемада авария юз бериши мумкин бўлган участка тасвирининг ёритилиши ва бошқалар киради. Авариянинг олдини олиш учун, кўпинча, ёниб-ўчадиган қурилмалардан фойдаланилади. Акустик сигналлар сифатида сирена, кўнғирок, гудок ишлатилади.

СИГНАЛЛАР (СИГНАЛЫ) Команда, кўрсатма, билдирув каби маълумотларни узатиш учун мўлжалланган шартли белгилар. Қўлланиладиган сигналловчи воситаларнинг хусусиятларига кўра сигналлар:

товушли сигналлар;

ёруғли (нурли) сигналлар;

кўз билан кўринувчи сигналлар;

радиосигналларга бўлинади.

СИГНАЛЧИ (СИГНАЛИСТ) Мажбуриятига турли белгиланган сигналларни узатиш кирадиган ҳарбий хизматчи (одатда аскар). Қисм бўйича навбатчи ва унинг ёрдамчисига бўйсунди.

СИЁСИЙ МОНИТОРИНГ (МОНИТОРИНГ ПОЛИТИЧЕСКИЙ) Сиёсий вазият ва жараёнларни муттасил кузатиб, баҳо бериб бориш. Сиёсий мониторинг мақсади: фавқулудда юз берадиган ижтимоий-сиёсий ходиса ва воқеаларни самарали бошқариш учун уларнинг ривожини (суръатини) ўрганиб боришдан иборатдир.

СИЛЛИҚ СТВОЛИ ҚУРОЛ (ГЛАДКОСТВОЛЬНОЕ ОРУЖИЕ) Стволининг канали кесмаларга эга бўлмаган ўқотар қурол. XIX асрнинг ўрталарига қадар ўқотар қурол (пистолет, милтиқ ва тўплар) стволининг канали силлиқ бўлган. XX асрнинг бошларига келиб, кесмаларга эга илк милтиқ ва тўплар вужудга кела бошлади. Ствол каналидаги кесмалар ўққа ёки снарядга айланма ҳаракат бериб, ҳолати ва парвоз траекториясини барқарорлаштиради. Реактив двигатель яратилганидан сўнг силлиқ стволли тўплар қайта тикланди. Айни пайтда снаряд (граната, ракета) парвозининг бошланғич тезлиги кескин ортиб, траекториядаги турғунлиги, снарядга ўрнатилган махсус қурилма – стабилизатор ёрдамида таъминланади. Ушбу стабилизаторнинг қанотлари, снаряд ствол каналини тарк этиб чиққанидан сўнг ёзилади.

СИРЕНА (СИРЕНА) Ҳаво ёки буғ оқимини вақти-вақти билан тўхтатиб бориш йўли билан товуш тебранишини ҳосил қилиш учун мўлжалланган қурилма. Товушли сигнал воситаси маёқ ва кемаларда ўрнатилиб теваарак кўриниши чекланган шароитда ишга солинади. Шунингдек хавф (“Ҳаво хужуми”, “Танклар хужуми”, табиий офат кабилар) ҳақида кўшинларни тревога бўйича хабар бериб йиғиш тизимларида ўрнатилади.

СНАРЯД КАМОРАСИ (КАМОРА) Артиллерия тўпларидаги ўқотар ствол каналининг ўқланадиган қисми.

СНАРЯДНИНГ ЁРИБ ЎТИШ КУЧИ (ПРОБИВНАЯ СИЛА СНАРЯДА) Снаряднинг турли шароитда у ёки бу қалинликдаги зирҳни ёриб ўтиш қобилияти. Зирҳёраар пойнак билан жиҳозланган замонавий зирҳёраар снаряд, қулай шароитда, ўзининг 1 – 1,2 калибрига тенг зирҳни 15 - 18 км дан учиб келиб ёриб ўтиши мумкин.

СНАРЯДНИНГ ТАЪСИР КУЧИ (РАЗРУШИТЕЛЬНОЕ ДЕЙСТВИЕ СНАРЯДА) Снаряднинг тешиб ўтиш ва ёриб юбориш таъсири билан нишонга шикаст етказа олиш қобилияти. Ўқотар қурол кудратининг элементларидан бири ҳисобланади. Ўхшаш маънодаги тушунчалар ракета, мина, торпеда ва авиабомбаларни тавсифлашда ҳам қўлланилади.

СОВУТ (КОЛЬЧУГА) Танани қурол зарбидан сақлайдиган жанг кийими.

Тўр кўйлак шаклида пўлатдан ясалиб, устига турли шакллардаги металл тангачалар қопланган. Дастлаб милоддан аввал биринчи минг йилликда Оссурияда пайдо бўлган. Ўрта Шарқда илк бор ўрта асрларда ишлатила бошланган.

СОВУҚ ҚУРОЛ (ХОЛОДНОЕ ОРУЖИЕ) Портловчи моддаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ бўлмайдиган жанговар жихатдан қўлланиладиган қурол. Совуқ қурол жумласига:

зарб берилувчи;

суқилувчи;

чошиб ташловчи;

санаб ўтилган хусусиятларни бир вақтда ўзига мужассамлаштирган қуроллар кирди.

Совуқ қурол инсоният ривожининг илк босқичларида ов воситаси сифатида вужудга келган бўлиб, XVI асрга қадар асосий қурол саналиб келинган. Ўқотар қурол тараққий топа бошлагач, совуқ қурол ўзининг устувор моҳиятини йўқота бошлади. Замонавий армияда совуқ қуролнинг айрим намуналари жанговар ёки фахрий (мукофот тариқасида тақдим этилувчи) қурол сифатида сақланиб қолган.

СОЯБОНСИЗ БОШ КИЙИМ (БЕСКОЗЫРКА) Муддатли ҳарбий хизмат матрослари ва старшиналари, ҳарбий-денгиз билим юрти курсантларининг (соябонсиз) бош кийими. Соябонсиз бош кийим гардиши тасмага эга бўлиб, унда флотнинг ёки ҳарбий-денгиз билим юртининг номи ёзилган.

СОҚЧИ (ЧАСОВОЙ) Топширилган постни (объектни) қўриқлаш ва мудофаа этиш бўйича жанговар вазифани адо этаётган қуролланган қоровул.

Соқчи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низомига мувофиқ дахлсиз шахс бўлиб, ҳуқуқ ва кадр-қиммати қонун томонидан алоҳида муҳофаза этилади.

Соқчи қоровул бошлиғи, қоровул бошлиғининг ёрдамчиси ва ўз тарқатувчисига бўйсуниб, автомат билан қуролланади.

Ҳар қандай шахс соқчининг хизмати доирасида белгиланган талабларини сўзсиз бажаришга мажбурдир. Соқчига низомда белгиланган ҳолларда қурол қўллаш ҳуқуқи берилган.

Соқчига постда хушёр ҳолда хизмат ўташдан чалғитувчи барча амаллар – ухлаш, ўтириш, бирор-бир нарсага суяниш, ёзиш, мутолаа қилиш, қўшиқ айтиш, суҳбатлашиш, овқатланиш, ичиш, чекиш, бирор-бир ашёни бирон-бир кимсадан унинг ким бўлишидан қатъий назар олиш ва бирон-бир кимсага унинг ким бўлишидан қатъий назар узатиш ман этилади.

Соқчини фақат соқчи бўйсунадиган муайян шахсларгина алмаштириши ёки олиши мумкин.

Соқчининг мажбуриятлари ва соқчилик хизмати ўташ тартиби Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низомида белгиланган бўлиб, ушбу тартиб ва мажбуриятларга “Постлар жадвали”да аниқлик киритилади.

СТАБИЛИЗАТОР (СТАБИЛИЗАТОР) Учиш аппаратининг горизонтал канотидаги қўзғалмас қисм, учиш пайтида унинг бўйлама турғунлигини таъминлайди. Товуш тезлигидан тез учар самолётларга баъзан қўзғалувчан стабилизатор ўрнатилади.

СТАТУС (СТАТУС) фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолати (ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуи).

СТВОЛ (СТВОЛ) Снарядни (ўқни, гранатани, минани) улоқтириш ва унга мақсадли йўналишда барқарор парвоз этиш имконини бериш учун мўлжалланган – ўқотар қуролнинг асосий қисми. Ички қисми *канал* деб аталадиган қувур кўринишига эга.

СТРАТЕГ (СТРАТЕГ) Юнонистонда катта ҳарбий ва сиёсий ваколатларга эга бўлган лашкарбоши. Ҳозирги маъноси – саркарда йирик ҳарбий операциялар раҳбари, стратегияни яхши билган моҳир лашкарбоши, ижтимоий ва сиёсий курашни маҳорат билан бошқарувчи арбоб.

СУВЕРЕН (СУВЕРЕННЫЙ) 1) олий ҳокимиятни амалга оширувчи; 2) суверенитетга эга, эркин, мустақил.

СУВЕРЕНИТЕТ (СУВЕРЕНИТЕТ) Мамлакат ичкарасида давлат ҳокимиятининг устуворлиги, ташқи ва ички ишларда мустақиллиги. Суверенитетни ҳурмат қилиш – халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлардаги асосий тамойилдир. БМТ низоми ва ўзга халқаро актлар билан мустаҳкамланган.

СУВ ОСТИ АППАРАТЛАРИ (ПОДВОДНЫЕ АППАРАТЫ) Қидирув, кутқарув, кема кўтариш ишлари, сув остидаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тадқиқот этиш амалларини бажариш учун мўлжалланган техник воситалар. Сув ости аппаратлари: одам яшайдиган ва яшамайдиган; автоном ва автоном бўлмаган; ўзи юрар ва ўзи юра олмайдиган турларга бўлинади. Сувга кемадан туширилиб ишлатилади.

СУВ ОСТИ КЕМАЛАРИ (ПОДВОДНЫЕ ЛОДКИ) Асосан сув остида сузишга мослаштирилган жанговар кемалар. Стратегик, оператив - тактик ҳамда бошқа жанговар вазифаларни сув ости ёки сув устида туриб бажаришда фойдаланилади. Бу кемаларнинг томчисимон ёки сигарасимон шаклдаги корпуси пўлат ёки титандан ясалади. Сув ости кемаси *сув остида* атом қурилмалари, электр токи аккумуляторлари; *сув устида* атом энергияси ёки дизель қурилмаси, сув *остида унча чуқур тушмаган ҳолатда* эса дизель қурилмалари ёрдамида ҳаракатланади. Сув ости кемалари бажарадиган вазифасига қараб, баллистик ракеталар ва ўз-ўзидан мўлжал оладиган қанотли ракеталар, торпедалар, ракета-торпедалар, миналар билан қуроллантирилади; гидроакустик, радиолокацион аппаратлар билан жиҳозланади.

Асосий қуролига қараб, стратегик ёки оператив-тактик вазифани бажаради. Асосий қуроли – ядро зарядлари ёрдамида узоққа отиладиган баллистик ракеталар. Бундай сув ости кемасида, одатда, кема океанда узоқ вақт туришига имкон берадиган электр қурилмалар бўлади.

Оператив-тактик вазифалар бажарадиган сув ости кемаси ракета ва торпеда отувчи, мина қўювчи, радиолокацион дозорлик ҳамда транспорт-десантлик вазифаларини бажарувчи кемаларга бўлинади.

Душманнинг сув усти кемалари билан курашишга мўлжалланган сув ости кемаси ўз-ўзидан мўлжал оладиган ракета-торпедалар билан қуроллантирилади. Мина қўювчи сув ости кемаси турли мақсадларга мўлжалланган миналар ва мудофааланиш торпедалари билан қуролланади.

Етакчи денгиз мамлакатлари флотидида сув ости кемалари ҳарбий кучлар

турини ташкил қилади. Сув ости кемалари XIX аср охири – XX аср бошларида (даставвал АҚШ да) кўплаб курила бошлади.

Атом сув ости кемалари бир неча ойлаб сув остида бўла олади ва 36 узел (соатига 66,7 км) тезликда ҳаракатланади.

СУВ ТЎСИҒИНИ ЕНГИБ ЎТИШ (ФОРСИРОВАНИЕ ВОДНОЙ ПРЕГРАДЫ) Хужумдаги кўшиннинг қарама-қарши қирғоғини душман мудофаа этаётган сув тўсиғини енгиб ўтиши. Сув тўсиғини енгиб ўтиш амаллари хужум тўхтатилмай ёки режали тарзда бажарилади. Сув тўсиғини жанг билан жадал енгиб ўтиши учун кўшилма, қисм ва бўлинмалар сузувчи зирхли транспортёр, пиёдаларнинг жанговар машиналари ва танклар, шунингдек турли сузувчи-десант воситаларига эга.

СУВ ЎТКАЗМАС ЁПИНЧИҚ-ЧОДИР (ПЛАЦ-ПАЛАТКА) Муддатли ҳарбий хизмат аскарлари ва ҳарбий билим юртли курсантларининг ҳарбий кийимлари таркибига кирувчи буюм. 1938 йилда қабул қилинган. Ёғингарчилик мобайнида ҳарбий кийимни нам тортишдан сақлайди. Ундан сафар чодир сифатида (6 донасидан тикланади) ва ярадорларни ташиш учун замбил сифатида фойдаланиш мумкин.

СУВ ҲАВЗАСИ РАЗВЕДКАСИ (РАЗВЕДКА ВОДНОЙ ПРЕГРАДЫ) Сув ҳавзаси ва тевараги хусусиятлари ҳақида маълумотлар излаш, йиғиш ва умумлаштириш.

Сув ҳавзаси разведкасининг мақсади – сув ҳавзасига пинҳона яқинлашиш, кечув жойларини жиҳозлаш ва кечиб ўтиш учун жой танлашдан иборат. Разведканинг мазкур тури кўшинлар ёки муҳандислик разведкаси зиммасига юклатилади. Сув ҳавзаси разведкаси сув ҳавзасига олиб келувчи йўллар мавжудлиги, ушбу йўлларнинг юришга яроқлилиги, ниқобловчи хусусиятлари, уларда тўсиқлар ва зарарланган зоналар мавжудлиги; сув ҳавзаси қирғоқларининг хусусиятлари, эни, чуқурлиги, оқимининг тезлиги, тўлқинлар шиддати, тубининг қаттиқлиги, туби ва қирғоқларининг шакли, кечувга яроқли жойлар, муз (муз парчалари оқими), қор, тўсиқлар мавжудлиги ва хусусиятлари; кечув жойларини жиҳозлаш ва сақлаб қолиш учун қулай жойлар мавжудлиги, мавжуд кўприклар, кечув жойлари, гидротехник иншоотлар, маҳаллий кечиб ўтиш восита ва ашёларнинг ҳолатини аниқлайди. Сув ҳавзаси разведкаси учун муҳандислик разведка машиналари, сузувчи транспортёрлар, катерлар, қайиқлар, сув ости шатаклар, кузатув ва масофа ўлчаш учун мўлжалланган асбоблар, эхолотлар, нишабликни ўлчаш асбоблари, фотоаппаратлар, минали-портловчи тўсиқлар мавжудлиги ва зарарланган жойларни аниқловчи воситалардан фойдаланилади. Сув ҳавзаси разведкаси кўшилма, ҳарбий қисм (бўлинма) командири ва штаби, шунингдек кўшин тури, махсус кўшин ва хизмат бошлиқлари томонидан ташкил этилади.

СУЗУВЧИ МАШИНАЛАР (ПЛАВАЮЩИЕ МАШИНЫ) Олдиндан тайёргарлик кўрмасдан сув тўсиғини енгиб ўтиш қобилиятига эга ғилдиракли ва занжирли жанговар машиналар ва транспорт воситалари. Сузувчи машиналар сув сингмас корпус, сувда юритувчи (курак парракли, ротор-парракли, сув пурковчи) занжирли ва ғилдиракли движителлар, сувда

бошқариш механизми, сувни ҳайдаб чиқариш тизими кабиларга эга.

Сузувчи машинанинг сувдаги тезлиги соатига 10 – 16 км, сувда сирпаниб юривчи машинанинг тезлиги соатига 50 км ва ундан юқори, сув ости қанотига эга машиналарда – соатига 70 км. Вазифасига кўра сузувчи машиналар:

жанговар машина;

десант ташувчи транспорт машиналари – шахсий таркиб, техника ва курул-аслаҳани ташиш учун сузувчи автомобиль ва транспортёрлар;

юқларни тушириб олувчи машиналар – денгиз причал бўлмаган жойларда кемадаги юқни тушириш учун;

махсус машиналар – паромлар, сузувчи кўприкларнинг ўзиюлар таянчлари, кўприклар қуриш учун сузувчи қурилмалар ва сувда ишлаш учун мўлжалланган ўзга машиналарга бўлинади.

СУЗУВЧИ ТАНК (ТАНК ПЛАВАЮЩИЙ) Зирҳланган, занжирли ва сув тўсиғини қўшимча жиҳозларсиз енгиб ўтиш ва сузиш давомида ўт очиш қобилиятига эга жанговар машина. Сузиш қобилиятини таъминловчи сув сингдирмас корпус ва сувда суздирувчи (сув пурковчи) қўшимча движителга эга.

СУЗУВЧИ ТЎСИҚЛАР (БОНЫ) Гавань, ҳарбий денгиз базаси, портлар ва флот кучлари турадиган жойларга кириш жойларини душманнинг катер, торпедали қайиқ, торпеда ва сузувчи миналаридан тўсиш учун мўлжалланган тўсиқлар. Шунингдек кўприк, тўғон, дамба ва шу кабиларни ҳимоя қилиш учун ҳам ўрнатилади.

Вазифасига кўра сузувчи тўсиқлар – катер, қайиқ ва торпедаларга қарши турларга бўлинади.

СУЛҲ (ПРИМИРЕНИЕ) Урушувчи томонларнинг келишуви билан ҳарбий ҳаракатларни бутун фронт бўйлаб (умумий сулҳ) ёки унинг айрим қисмида (маҳаллий сулҳ) вақтинча тўхтатиш. Умумий сулҳдан сўнг одатда сулҳ шартномаси тузилади.

СУЛҲ ШАРТНОМАСИ (УСЛОВИЯ ПРИМИРЕНИЯ) Халқаро шартнома тури. Сулҳ шартномаси асосида уруш тўхтатилади, ҳудудий ўзгаришлар ва давлат чегаралари қайд этилади, сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий масалалар (қўшинларни олиб чиқиб кетиш, репарация кабилар) ҳал қилинади.

СУНЪИЙ НИШОН (МИШЕНЬ) Ҳақиқий нишоннинг битта, бир неча ёки ўзига хос аломатларини, яъни шакли, ранги, ҳаракатланиш усуллари каби хусусиятларини рамзловчи сунъий нишон. Сунъий нишон сифатида ҳарбий техника макетлари ёки ҳақиқий намуналаридан фойдаланиш мумкин. Сунъий нишон:

вазифасига кўра – ўқув ва синов амалларини бажариш учун мўлжалланган;

шакли ва тасвирининг бўрттирилганлигига кўра – шахсий ўқотар курулдан ўт очишда фойдаланиладиган ясси, шаклдор, юмалоқ;

жойлаштирилган жойи ва рамзланаётган нишон хусусиятига кўра – ер, ҳаво ва сувда ўрнатиладиган, спортга оид, баллистик каби турларга

бўлинади.

Сунъий нишон бир ва кўп маротаба фойдаланиладиган бўлади.

СУНЪИЙ НИШОНЛАР ВАЗИЯТИ (МИШЕННАЯ ОБСТАНОВКА)

Сунъий нишон, макет, ҳақиқий ҳарбий техника каби воситалар билан рамзланаётган душман кўшинлари туркуми ва ҳаракатлари.

Сунъий нишонлар вазияти жанговар ўт очиш босқичи билан ўтказиладиган (жанговар машқлар, имтиҳонлар) машқлар ва тактик машғулотларда ташкил этилади.

СУНЪИЙ НИШОНЛАР МАЙДОНИ (МИШЕННОЕ ПОЛЕ) Жанговар ўт очиш ва ўзга тактик машғулотлар ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилган жой ҳудуди. Ушбу ҳудудда сунъий нишонлар вазияти ташкил этилиб, унда:

сунъий нишонларни намойиш этиш (ҳаракатини кўрсатиш) ва гўё ушбу нишонлар очган ўтни имитациялаш учун қурилмалар;

сунъий нишонларни тунда ёритиш мосламалари;

электр таъминот ва алоқа йўллари;

электр агрегатлари ва операторлар учун паногоҳлар;

декоратив иншоотлар ва мўлжаллар ўрнатилади.

СУРИШТИРУВ (ДОЗНАНИЕ) Тергов органи ёки ҳарбий прокурор қарорига мувофиқ терговчи офицер томонидан ўтказиладиган жиноят ва ноҳўя ҳаракат суриштирилуви.

Тезкор тарзда 10 кун давомида, алоҳида ҳолларда 1 ойдан кам бўлмаган муддат давомида ўтказилади.

СЎЗЛАШУВ ҚУРИЛМАСИ (ПЕРЕГОВОРНОЕ УСТРОЙСТВО)

Маълумотни тезкор узатиш ва қабул қилиш учун мўлжалланган симли ёки радио қурилма.

Сўзлашув қурилмасининг қуйидаги турлари мавжуд:

кўчмас объектнинг сўзлашув қурилмаси – йирик штаблардаги қарнайли тезкор алоқа аппарати;

кўчма объектдаги сўзлашув қурилмаси – танк, самолёт, кема қабиларда ўрнатилган алоқа аппарати.

Аксарият сўзлашув қурилмалар объект ташқарисидаги симли ва радиоалоқага уланиш имконини беради. Сўзлашув қурилмаси таркибига микрофон, телефонлар, товуш частотаси электр сигналининг кучайтиргичи, коммутация ускунаси, боғловчи кабеллар қиради.

СЎРИШ КЛАПАНИ (САПУН) Поршенли ички ёнув двигатели қартеридан газларни чиқариб юборадиган клапан. Мой тутиб қолувчи мосламаси ва чанг фильтри бўлади.

ТАЁҚЧА ШАКЛИДАГИ АСБОБ (ЩУП) Ер остидаги мина, снаряд, авиабомба каби ўқ-дориларни фoш этиш учун мўлжалланган учи ўткир пўлат ўзак.

Мазкур таёқча:

қисқа – ётган ҳолда қўллаш учун;

узун – бир таёқчанинг узунлиги 6 м гача келадиган таёқчалар тўплами;

мина излагичга бириктириладиган махсус таёқча кўринишига эга бўлади.

ТАКТИКА (ТАКТИКА) Ҳарбий санъатнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига қуролли кучлар ва махсус қўшинларнинг қўшилма, ҳарбий қисм (кема) ва бўлинмалари томонидан қуруқлик, ҳаво ва денгизда жангни тайёрлаш, юритиш назарияси ва амалиётини қамраб олади.

Тактика назарияси:

жангнинг қонунияти, хусусиятлари ва мазмунини тадқиқот этади;

жангни тайёрлаш ва юритиш усуллари ишлаб чиқади.

Тактика амалиёти эса командир, штаб ва қўшинларнинг (кучларнинг) жангни тайёрлаш ва юритиш борасидаги фаолиятларини ўз ичига қамрайди ва мазмунан:

вазият ҳақидаги маълумотларга мунтазам аниқликлар киритиб бориш;

қарор қабул қилиш ва бўйсунувчилар олдида вазифалар қўйиш;

жангни режалаштириш ва қўшинларни тайёрлаш;

жанговар ҳаракатлар юритиш, бўлинма ва қисмларни бошқариш;

жанговар ҳаракатларни таъминлаб боришдан иборат.

Тактика оперативлик санъати ва ҳарбий стратегия билан диалектик жиҳатдан боғлиқ бўлиб, уларнинг қонуниятларига бўйсунди. Тактиканинг таракқиёти қуролли кучларнинг ривожланиб бораётганлигини амалда акс эттириб боради. Қуролли кучларнинг (қўшинларнинг) янги турлари вужудга кела бошлаши билан ҳар бир қўшин турининг тактикаси ҳам пайдо бўлиб, бугунги тактика:

умумий тактикага;

қуролли кучлар тури тактикасига;

қўшинлар тури (флот кучлари) тактикасига;

махсус қўшинлар тактикасига бўлинади.

Қуролли кучлар тури тактикасида (ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, ҳарбий-денгиз флоти) таркибига кирувчи қўшинларнинг (кучларнинг) барчаси учун умумий қоидалар алоҳида баён этилади.

ТАКТИК ВАЗИФАГА ЖАВОБ ТАЙЁРЛАШ (ЛЕТУЧКА) Офицерлар таркибининг тактик тайёргарлик ва оперативлик санъати бўйича тайёргарлик шакли.

Офицерларнинг қўшинни бошқариш масалалари бўйича билим ва маҳоратларини текшириш, вазиятни мустақил тарзда тезкор таҳлил этиш, бўйсунувчилари олдида жанговар вазифа қўйишни машқ қилиш, шу жумладан, юксак ахлоқий-руҳий сифатларини шакллантириш мақсадида синфда – хариталарда, жойда – жой макетида ўтказилади.

ТАКТИК МАШҚ (ТАКТИЧЕСКОЕ УЧЕНИЕ) Бўлинма, қисм, қўшилма ва штабларни жанг юритиш усулларига ўргатиш шакли. Тактик машқ муайян жойда тактик вазифаларни бажариш йўли билан ўтказилади. Тактик машқ умумқўшин тактик машқ ва махсус-тактик (муҳандислик, алоқа каби) машқларга бўлинади.

Тактик машқ взвод, батальон, бригада ва бирлашма миқёсида ўтказиладиган тактик машқларга бўлинади. Тактик машқни ташкил этиш ва ўтказиш учун раҳбарият тузилиб, воситачи, тадқиқот этувчи ва зарур бўлса

назорат этувчи гуруҳлар тайинланади.

ТАКТИК МАШҒУЛОТ (ТАКТИЧЕСКОЕ ЗАНЯТИЕ) Шахсий таркиб, бўлинма ва командирларни жангни тайёрлаш ва юритишга ўргатиш шакли. Машғулотлар ҳажми ва мазмуни жанговар тайёргарлик дастурида белгилаб берилади.

ТАКТИК НИҚОБНИНГ БУЗИЛИШИ (ДЕМАСКИРОВАНИЕ) Жойдаги табиий муҳитнинг бузилиши. Мазкур бузилиш аломатларининг таҳлилига кўра, душманга мавжуд кўшин ва ўт очиш тизими, муҳандислик жиҳатидан жиҳозланган жой хусусиятлари каби аломатлар фош бўлиб қолиш эҳтимоли туғилади.

Кўшинлар ва объектларнинг *тактик ниқоби бузилиши* – бўлинма, штаб ва қуролли кучлар фронт орти органларининг бир жойда жамланиши, марралар ва жамланиш ҳудудларида шахсий таркиб ва техниканинг очикдан-очик ҳаракатланиши, объектларнинг душман томонидан юритиладиган визуал ва радиолокацион кузатувлардан етарлича ниқобланмаганлиги, ёруғлик ва товуш ниқоблари бузилганлиги сабабли рўй беради.

ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИК (ТАКТИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА) Бўлинма, қисм (кема) ва кўшилмалар шахсий таркибини жанговар ҳаракатларни тайёрлаш ва юритишга ўқитиш. Жанговар тайёргарлик тизимидаги муҳим фанлардан бири. Тактик тайёргарлик мазмунан:

жанг назариясини ўрганиш;

кўшинларимиз ва эҳтимолий душман кўшинининг қурол-аслаҳаси тузилиши, жанговар имкониятлари ва жангдаги ҳаракатларининг усулларини ўзлаштириш;

жангни (жанговар ҳаракатларни) ташкил этиш маҳоратларини такомиллаштириш;

жойнинг турли шароитидаги мураккаб вазиятда кундуз куни ва тунги вақтда қурол-яроғ ва ҳарбий техникани қўллашни ўрганиш;

жангнинг турли кўринишларида ҳаракатлар бажариш учун алоҳида кўшинларга (кучларга) мансуб бўлинма ва қисмлар ҳаракатларининг ҳамкорлигини шакллантиришдан иборат.

ТАКТИК ЯДРО ҚУРОЛИ (ТАКТИЧЕСКОЕ ЯДЕРНОЕ ОРУЖИЕ) Душманнинг тактик сарҳадларида жойлашган нишонларни яқсон этиш учун мўлжалланган ядро қуролининг шартли номи. Қурукликдаги кўшинлар, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучлари қурол-аслаҳаси таркибига киритилган. 500 км дан кам масофада таъсир этувчи ракетали комплекс кўринишига эга.

ТАМҒА (КЛЕЙМО) 1) мулк белгиси, ўтмишда мўғул чорвадорлари ўртасида кенг тарқалган. Дарахтлар, қурол, ҳайвон терилари ва шу кабиларга босилган; 2) XIII асрда мўғуллар истилоси натижасида Шарқдаги айрим мамлакатларда хунарманд ва савдогарлардан, турли касб-корликдан ундирилган пул солиғи. XVI - XVII асрларгача мавжуд бўлган.

ТАНИБ ОЛИШ (ОПОЗНОВАНИЕ) Фош этилган самолёт, кема каби объект қайси давлат ва муассасасига тегишли эканлигини аниқлаш амали.

Таниб олиш амали бевосита кўз билан ёки махсус радиоэлектрон

тизимлар ёрдамида бажарилади. Кўз билан таниб олиш амаллари бевосита кўз ёки оптик асбоблар ёрдамида объектнинг қайси давлатга мансуб эканлигини ақс эттираётган танитувчи белгиси ёки ўзига хос аломатига (шахсий таркиб кийимининг ранги ва бичими, самолёт, кема кабиларнинг сиртки кўринишига) кўра амалга оширилади. Қўшинларимизнинг бир-бирини таниб олиш амали (сигналловчи ракета, фонус, прожектор, рангли тутун каби) шартлашилган сигналлар ёрдамида амалга оширилади. Мазкур сигналлар битта жанг ўтказиш вақти ёки операциянинг муайян даврига белгиланади.

Объектимизни радиолокацион жиҳатдан таниб олиш мобайнида махсус сўроқловчи ва таниб олувчи қурилмалардан иборат тизимдан фойдаланилади. Таниб олишнинг бундай тизимлари ердаги кузатув пунктлари, самолёт, кема борти каби объектларда ўрнатилади.

ТАНИТУВЧИ БЕЛГИЛАР (ОПОЗНОВАТЕЛЬНЫЕ ЗНАКИ) Ҳарбий техника ва қўшиннинг қайси давлатга (миллатга) мансублиги, шунингдек ҳарбий хизматчи ва техник воситанинг муайян қуролли қучлари, қўшин тури, бирлашма, қўшилма ёки ҳарбий қисмга (бўлинмага) тегишли эканлигини аниқлаш имконини яратувчи белгилар. Танитувчи белгилар жумласига тасвир, рақам, ҳарф ва махсус нишонлар киради. Ҳар бир мамлакат қуролли қучларининг танитувчи белгилари ўзининг муайян тизимига эга.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг танитувчи белгилари – саккиз қиррали юлдуз ва давлат байроғидир. Ҳарбий техниканинг қуролли қучлар турига мансублиги – тегишли тасвирларда ақс эттирилган.

ТАНИТУВЧИ СИГНАЛЛАР (ОПОЗНОВАТЕЛЬНЫЕ СИГНАЛЫ) Бевосита кўз билан кўринадиган, сигналловчи ва радиолоқа воситалари орқали узатиладиган шартли сигналлар. Ҳаводаги самолётлар (денгиздаги кемалар) бир-бирини таниш ва қайси давлатга мансублигини аниқлаш учун хизмат қилади. Учиш аппаратлари ва кемаларда радиолокацион станциядан кодлаштирилиб, нурланган сўроқловчи сигналга кодлаштирилган жавоб сигналинини қайтарувчи автоматлаштирилган радиотехник аппаратлар мавжуд. Уруш даврида бундай сўроқловчи сигналга тегишли жавоб қайтармаган самолёт (кема) душман деб қабул қилинади.

ТАНК (ТАНК) Занжирли, зирҳланган ва мураккаб йўлларда юра оладиган жанговар машина. Танкнинг жанговар хусусиятлари: оловли қудрат; экипажни ишончли ҳимоялаш; зирҳли ҳимоя ва тез ҳаракатчанлик; узоқ масофаларга маршда юра олиш; тўсиқларни енгиб ўта олиш қобилияти.

Танкнинг асосий қисмлари: зирҳли корпус, минора, қурол-яроғ комплекси (асосий ва ёрдамчи қуроллар, ўқ-дори), кузатиш асбоблари, мўлжалга олиш ва бошқа мосламалар, куч (мотор) қурилмаси, куч узаткичи (трансмиссия), юриш қисми, электр жиҳозлар, алоқа тизими, ёнғинга қарши жиҳозлар, оммавий қирғин қуролларнинг шикастловчи омилларига қарши ҳимоя тизимлари ва бошқалар. Корпус ва минора, танкнинг барча таркибий қисмларини бирлаштиради ҳамда экипаж, агрегатлар ва ёнилғини шикастланиш ва зарарланишдан сақлайди. Минора қўлда, электр ёки электр-

гидравлик юритмалар ёрдамида айлантрилади. Танкнинг корпуси ва минораси легирланган зирх пўлати листларини бир-бирига пайвандлаб ясалади, баъзан, яхлит қуйма корпусли танк ҳам учрайди. Минора, одатда, қуйма ҳолда бўлади (баъзи ҳолларда пайвандлаб ясалади).

Танклар снарядга қарши (фақат енгил танк – ўққа қарши) зирхланади. Ҳозирги танклар корпусининг ички қисми бошқарув бўлмаси (унга механик-хайдовчи жойлашади), жанговар бўлма (унга танк командири, тўп отувчи, ўқловчи жойлашади, агар ўқловчи-автомат мавжуд бўлса ўқловчи бўлмайди), шунингдек мотор-трансмиссия бўлмасига ажралади. Ёнилғи одатда, ҳамма бўлмаларга ўрнатилган бакларда, баъзан корпусдан ташқаридаги бакларда сақланади.

Танк енгил, ўрта ва оғир турларга бўлинади. Асосий қуроли – махсус тўп, кўмакчи қуроли – пулемёт ва зенит пулемёти ҳисобланади. Асосан, танкка кесмали ёки силлиқ стволли тўплар ўрнатилади.

Ўқ-дорилар комплектига зирхёра, кумулятив (нишонга йўналтирилган) оддий снарядлар ва пластик портловчи моддали снарядлар (иншоотларни бузиш ва жонли кучларга шикаст етказиш учун) киради. Аниқ ўқ (снаряд) отиш қурол стабилизаторлари, баллистик ҳисоблагичлар, отиш учун маълумотларни автоматик суратда тайёрлайдиган қурилмалар, тунда отиш асбоблари ёрдамида амалга оширилади.

Танкларга тўрт ёки икки тактли, поршенли; суюқлик ёки ҳаво билан совитиладиган махсус двигатель ўрнатилади. Буриш механизмлари сифатида катта тезликда кетаётган танкнинг бурилишини осонлаштирадиган кўп радиусли механизмлардан, трансмиссия аппаратларини бошқариш мосламалари сифатида – сервоюритмалардан (айниқса гидроюритмалардан) фойдаланилади.

Танк юқори тезликда ҳам бир маромда кетиши учун кучли гидравлик демпферлар (амортизаторлар) ўрнатилган. Танк герметикланганлиги учун 2 м гача чуқурликдаги кечувлардан ўта олади (агар танк сув тагида юриш учун мўлжалланган махсус мосламалар билан жиҳозланса, 4-5 м чуқурликдаги сувлардан ўта олади).

Танкда электрон – ҳисоблаш, йўл кўрсатувчи ва автоматик йўл топувчи аппаратлардан иборат навигация тизимидан фойдаланилади.

Танк ракета, тўп қуролларини қўллаш, бошқариладиган снарядлардан (ракеталардан) фойдаланишини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилади: зирх деталлари қалинлаштирилади, снаряд тегиш эҳтимолига қараб корпуснинг тегишли жойларига қалин зирхлар ўрнатилади; ҳаракат тезлиги оширилади, қуввати кучайтирилади ва ёнилғини бир мунча тежаб сарфлашни таъминлайдиган дизель двигателларидан фойдаланилади.

Замонавий танк экипажи 3-4 кишидан иборат, тўпининг калибри 105 мм дан 152 мм гача, юриш тезлиги – соатига 41-70 км, вазни 35-55 т. Бир қанча мамлакатларда самолётда ташиладиган, сувда сузадиган енгил танклар ишлаб чиқарилади.

Илк бор Англия қўшинлари томонидан I жаҳон уруши йилларида (1916) қўлланилган. XX асрнинг 60- йилларидан кўпгина мамлакатларда турли

жанговар вазифаларни бажаришга мўлжалланган, ягона асосий танк ишлаб чиқарила бошланган.

ТАНК (ТАНК) 1) суюқлик ташишга мўлжалланган кеманинг (танкернинг) суюқлик сақланувчи бўлими; 2) кемадаги суюқликни (ёқилғи, мой, сув ва ҳ.к.) сақлаш учун мўлжалланган цистерна.

ТАНКДАН ОТИШНИ МАШҚ ҚИЛИШ (ТАНКОСТРЕЛКОВАЯ ТРЕНИРОВКА) Танкчиларни танкдан ўт очишни ўргатиш машғулотларининг асосий шакли. Мазкур машқ танкчилар взводи таркибида танклар учун жиҳозланган ўт очиш шахарчасида ўтказилади. Ўқув жойлари миноралар, тренажёрлар, мўлжалга олиш мосламалари ўрнатилган дастгоҳлар билан жиҳозланиб, қаршисида сунъий нишонлар майдони ташкил этилади.

ТАНК ДВИГАТЕЛИ (ТАНКОВЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Танк юришини таъминлаш учун мўлжалланган ички ёнув двигатели. Шу билан бирга танк двигатели ўзиюлар артиллерия қурилмалари, пиёдаларнинг жанговар машиналари ва зирҳли транспортёрларда ҳам қўлланилади. Танк двигателларининг аксарияти кўп ёқилғилидир, яъни бензин, керосин, дизель ва махсус авиация ёқилғисидида ишлаш қобилиятига эга бўлиб, танклар таъминотини сезиларли енгиллаштиради.

Замонавий танк двигателининг қуввати 600-1000 от кучига тенг.

ТАНК ДЕСАНТИ (ТАНКОВЫЙ ДЕСАНТ) Танкда ташилиб танк билан биргаликда жанговар ҳаракат юритувчи ўқчилар бўлинмаси. Асосан хужумни авж олдириш учун қўлланилади. Танклар устида одатда 8-10 киши жойлашади. Қўшинларнинг қурол-аслаҳаси таркибида зирҳли транспортёрлар ва пиёдаларнинг жанговар машиналари мавжудлиги боис танкдаги десант ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда.

ТАНКЕР (ТАНКЕР) Махсус цистерналарда (танкларда) суюқ юкларни (нефть, кислота, суюқ олтингугурт, ўсимлик мойи кабиларни) ташийдиган кема. Нефть ташувчи танкер дедвейти (тўлиқ юк кўтарувчанлиги) 500 минг тоннадан ошади (1977 йил).

ТАНККА ҚАРШИ РАКЕТА КОМПЛЕКСИ (ПРОТИВОТАНКОВЫЙ РАКЕТНЫЙ КОМПЛЕКС (ПТРК)) Зирҳланган объектнинг яқсон этилишини таъминловчи жанговар ва техник воситалар мажмуи. Танкка қарши ракетали комплекс таркибига:

учириш қурилмаси;

ракетани йўллаш;

нишонга олиш;

учириш аппарати мужассам этилган. Танкка қарши ракетали комплекс:

ҳаракатланишига кўра – олиб юрилувчи, ўзиюлар ва вертолётга ўрнатиладиган;

ракета парвозининг тезлигига кўра – товуш тезлигидан паст ва товуш тезлигидан юқори турларга бўлинади.

Парвознинг энг олис масофаси – 4 км гача, зирҳни тешиб ўтиш қобилияти – 550 мм гача.

ТАНККА ҚАРШИ ХАНДАҚ (РОВ ПРОТИВОТАНКОВЫЙ) Ерда эни

кенг (5-7 м), чуқурлиги тахминан 2 м қазилган хандақ кўринишидаги танкка қарши сунъий тўсиқ. Мудофаа марраси олдида, танклар ҳужуми таҳдид солган йўналишларда қазилади.

ТАНККА ҚАРШИ ҚУРОЛ-АСЛАҲА (ПРОТИВОТАНКОВОЕ ВООРУЖЕНИЕ) Танк ва шу каби зирҳланган нишонларни яксон этиш учун мўлжалланган қурол ва қўлланишини таъминловчи воситаларнинг турли русуми. Танкка қарши қурол-аслаҳа жумласига:

қўл гранатаси;

танкка қарши қурол;

танкка қарши мина кабилар киради.

ТАНКЛАР ҲУЖУМИДАН МУДОФАА (ПРОТИВОТАНКОВАЯ ОБОРОНА) Душман танклари атакасини қайтариш, яксон этиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва қўшинларнинг жанговар ҳаракатлари. Танклар ҳужумидан мудофаа тизими авиация ва ракеталарнинг олдиндан тайёрлаб қўйилган зарбалари, артиллерия ва танкка қарши воситалар олови, танкка қарши захиралар ва тўсиқ ўрнатувчи отрядлардан ташкил топган.

ТАНКНИ СУВ ОСТИДА БОШҚАРИШ УСКУНАЛАРИ (ОБОРУДОВАНИЕ ПОДВОДНОГО ВОЖДЕНИЯ ТАНКОВ) Танкнинг сув тўсиғи хавзасини 5 м гача чуқурликдаги туби бўйлаб енгиб ўтиши учун мўлжалланган ускуналар комплекти. Таркибига:

ҳаво билан таъминловчи қувур;

зичлагичлар;

чиқарувчи клапанлар;

ҳаво тозалагич қопқоқлари;

гироскомпас кабилар киради.

Бундан ташқари мазкур ускуналар таркибига изоляцияловчи нафас олиш аппаратлари ва кутқарув камзуллари киради.

ТАНКОДРОМ (ТАНКОДРОМ) Жойнинг жанговар машиналарни (якка ва бўлинмалар таркибида) бошқаришга ўргатиш учун махсус жиҳозланган мураккаб рельефли майдони.

ТАНК ҚЎШИНЛАРИ (ТАНКОВЫЕ ВОЙСКА) Қуруқликдаги қўшинлар турининг бири бўлиб, мустақил тарзда ҳамда қўшиннинг ўзга турлари ва махсус қўшинлар билан ҳамкорликда жанговар ҳаракатлар юритиш учун мўлжалланган. Танк қўшинларининг асосини турли русумдаги танклар ташкил этади. Танк, мотоўқчи (механизациялаштирилган, мотопиёда), ракета, артиллерия ва бошқа бўлинма, қисм, қўшилмалардан ташкил топган.

Танк қўшинлари қудратли ўт очиш, кучли зарба бериш ва тез ҳаракат қилиш имкониятига ҳамда ишончли зирҳли ҳимояга эга. Асосан узоқ масофадаги душманга қарата қудратли зарбалар бериш учун қўлланилади.

Душман мудофаасини ёриб ўтиш, юксак манёврли жанговар ҳаракатлар олиб бориш, ҳужумни янада ичкарига давом эттириб бориш, душман мудофааси ортида ҳаракат қилиб, унинг захираларини тор-мор этиш, энг муҳим марраларни эгаллаш ва қўлда тутиб туриш, жанг ва операция

мақсадига тезлик билан эришишни таъминлашга қодир.

1942 йилгача автобронетанк қўшинлари деб аталган. 1960 йилдан бошлаб эса *танк қўшинлари* деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида танк қўшинлари мавжуд.

ТАНТАНАЛИ МАРШ (ТОРЖЕСТВЕННЫЙ МАРШ) 1) Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик пойига ёки мозорига гулчамбар қўйилаётган ҳолларда, қисмга Жанговар Байроқ берилаётганда, ҳарбий қисм тақдирланган орден қисмга топширилганида, парад ва саф кўригида ҳарбий қисмнинг (бўлинманинг) мусиқа садолари остида ўтиши.

Тантанали марш шахдам қадамлар билан, машиналарда эса чекланган тезлик билан амалга оширилади. Тантанали марш ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низомида белгиланган бўлиб, тегишли командирнинг (бошлиқнинг) буйруғида эълон қилинади; 2) тантанавор ва қаҳрамонона руҳдаги оҳангда яратилган мусиқий асар.

ТАРАН (ТАРАН) 1) қадимда қалъа девори, минора ва дарвозаларни бузиш учун ишлатилган учи учли ёғоч қурол; 2) нишонни тўғридан зарба бериб ёки уриб тешиш, ёриқ ҳосил қилиш, ёриш; 3) ҳаво, танк ва денгиз жангида ўз самолёти, танки ёки кемасини душман самолёти, танки, кемаси ёки ўзга объектига уриб зарба бериш услуги. Фавқулодда ҳолатда душман самолётини (танк ва шу каби объектини) йўқ қилишнинг ўзга имкони қолмаганида қўлланилади; 4) кема корпусининг сув остида, олд томонида мавжуд ўткир тумшуғи; 5) душман эгаллаган маррага пона сингари ёриб кириш усули.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ (ОРГАНЫ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ) Қуролли Кучларда мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибини тарбиялаш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий бошқарув органлари таркибига киритилган бўлиб, Қуролли Кучларнинг ташкилий-штат тузилишига мувофиқ тузилган. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Тарбиявий ишлар бош бошқармаси тарбиявий ишларнинг олий органи ҳисобланади. Тарбиявий ишлар органининг ходими буйруқ билан тайинланади. Тарбиявий ишлар органларининг бошлиқлари тегишли қўмондон, командир ва бошлиқларнинг ўринбосарлари ҳисобланадилар.

Тарбиявий ишлар органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси ва Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруқ ва директивалари, мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари кўрсатмалари ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тарбиявий ишлар органлари тўғрисидаги Низомга асосан режалаштиради, ташкил этади ва ўтказди. Тарбиявий ишлар органлари фаолиятида қуйидаги масалалар марказий ўринга қўйилган:

шахсий таркиб тарбияси, ҳарбий интизоми, ахлоқий-сиёсий ҳолати, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ижтимоий-сиёсий ҳимояси;

Қуролли Кучлар нуфузини ошириш ва қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш;

ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоя масалаларини ҳал этиш;

аҳолини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш;

давлатнинг жойлардаги ҳукумати билан узвий алоқада бўлиб, тегишли командирлар билан биргаликда мудофаа масалалари бўйича таклифлар киритиш.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТИЗИМИ (СИСТЕМА ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчиларида мустақил Ватаннинг қуролли ҳимояси учун зарур бўлган дунёқараш, онг, маънавий-сиёсий ва руҳий барқарорлик ва юксак жанговар сифатларни шакллантиришга йўналтирилган, ҳарбий кенгаш ва командирлар, тарбиявий ишлар органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг таркибий қисми. Тарбиявий ишлар авлод-аждодларимизнинг мустақил юртимиз ютуқларини қуролли ҳимояси борасида қолдирган назарий мерослари, уруш ва армия тўғрисидаги таълимот муаммолари, Қуролли Кучларимиз ҳаётида рўй бераётган янги жараён ва ҳодисалар, жаҳоннинг бугунги кунида рўй бераётган ҳарбий-сиёсий вазият ривожини тадқиқотларига таянган ҳолда юритилади.

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчилари, оила аъзолари тарбияси армия ҳаётининг ялпи турмуш тарзи, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жараёни, тарғибот, ташвиқот ва маданий-маърифий ишлари давомида амалга оширилади.

ТАРҚАТУВЧИ (РАЗВОДЯЩИЙ) Зиммасига соқчиларни жойларга қўйиб чиқиш, алмаштириш, хизмат ўташларини текшириш каби масъулиятлар юклатилган қоровул таркибидаги ҳарбий хизматчи. Тарқатувчи сержантлар ёки яхши тайёргарлик кўрган аскарлар таркибидан тайинланади. Қоровул бошлиғи ва унинг ёрдамчисига бўйсунди ва фақат уларнинг буйруқларини бажаради.

Тарқатувчининг мажбурият ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровул хизматлари низомида белгиланган.

ТАРҒИБОТНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ (ТЕХНИЧЕСКИЕ СТЕДСТВА ПРОПАГАНДЫ) Маданий-оқартув воситаларининг таркибий қисми, тарбиявий ишлар самарасини ошириш учун мўлжалланган радиотехник, кинопроекцияли, диапроекцияли аппаратлар (шу жумладан телевизорлар), фотоасбоблар ва шу каби воситалар.

ТАШВИҚОТ СНАРЯДИ (АГИТАЦИОННЫЙ СНАРЯД) Артиллерия снарядларининг махсус тури бўлиб, душманнинг фронт яқинида жойлашган ҳудудига ташвиқот руҳида ёзилган адабиётларни (варақаларни) сочиб ташлаш учун қўлланилади.

Таркибига юпқа деворли контейнер, снаряднинг ажралиб чиқувчи туби, улоқтирувчи заряд, муайян масофада портлайдиган портловчи найча ўрнатилувчи йирмочга эга – адабиёт жойлаштириш учун мўлжалланган контейнерлар киради.

Артиллерия снарядини ташвиқот руҳидаги адабиётлар билан бевосита кўшинларда анжомлаш мумкин.

ТАЪЛИМОТНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ (ТЕХНИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА ОБУЧЕНИЯ) мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги таълимот самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланиладиган қурилма, машина ва комплекслар. Таълимотнинг техник воситалари:

мутахассислик бўйича ялпи таълимот жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган мураккаб ўқув-машқ комплексларига;

муайян ҳарбий фан бўйича таълимот масалаларини ҳал этувчи техник воситаларга бўлинади. Вазифасига кўра:

ахборот берадиган;

назорат (текшириш) учун хизмат қиладиган;

ўқитадиган турларга бўлинади.

ТАЪЛИМОТ УСЛУБЛАРИ (МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ) Таълимот усулларининг мажмуи бўлиб, ушбу услублар ёрдамида шахсий таркибга ҳарбий билим бериш ва бу билимларни ўзлаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг зарурий кўникма ва маҳоратларини шакллантириш амаллари бажарилади. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида таълимотнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

огзаки баён этиш – маъруза ўқиш, тушунтириш, сўзлаб бериш;

кўрсатиш – ўқув материалларини турли шаклларда намоиш этиш;

машғулот ўтиш – машқ қилиш;

амалда бажариш;

ўқув материалларини *мустақил ўрганиш*.

ТАЪМИНОТ ЧЕГАРАЛАРИ (ПОЛОСА ОБЕСПЕЧЕНИЯ) Душманни фронт бўйлаб олдинги ҳақиқий мудофаа чизиғимиз борасидаги тасаввурини чалғитиш, рақиб кучи ва воситаларининг миқдори, ҳаракатининг йўналиши ва хусусиятларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида, биринчи эшелонда мудофаага ўтган кўшинларимиз fronti олдида жиҳозланган жой чегаралари. Таъминот чегаралари жумласига бир неча мудофаа тармоқлари ва тўсиқлар тизими киради. Таъминот чегаралари ҳимоя қилувчи ҳарбий қисм ёки илғор отрядлар томонидан мудофаа этилади.

ТАЪТИЛ (ОТПУСК) Дам олиши, даволаниши, шахсий ёки оилавий муаммоларини ҳал этиши учун ҳарбий хизматчига тақдим этиладиган вақт. Мазкур вақт давомида унинг ойлик маоши ва ўзга таъминоти сақланиб қолиб, хизмат мажбуриятини адо этишдан вақтинча озод этилади. Таътил давомийлиги таътилга чиқишдан мақсад, ҳарбий хизматчи ўтаган хизмат муддати каби шартларга боғлиқ бўлиб:

навбатдаги таътил – 30-45 сутка;

қиска муддатли ва оилавий шароитига кўра тақдим этилган таътил – 10 суткагача;

касаллиги туфайли тақдим этилган таътил каби турларга бўлинади. Бундан ташқари ҳарбий хизматчига:

олий ҳарбий таълим ўқув юртини якунлагани муносабати билан тақдим этиладиган ёки ушбу билим юртида таҳсил кўриш давомида тақдим этиладиган каникуляри таътил;

таҳсил кўриш мақсадида кириш имтиҳонларини топшириш учун тақдим этиладиган таътил;

жанговар ҳаракатларда иштирок этгани ва фавқулодда ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш тадбирларида иштирок этгани учун кўшимча таътил;

ижодий фаолият учун таътил тақдим этилади.

Муддатли ҳарбий хизмат аскарига таътил рағбатлантириш сифатида тақдим этилиши мумкин. Шунингдек ҳарбий хизматчи аёлга ҳомиладорлик ва кўз ёриш муносабати ҳамда бола парвариши учун таътил тақдим этилади. Амалдаги қонунчиликда белгиланган алоҳида ҳолатларда бола парвариши бўйича таътил эркак ҳарбий хизматчига ҳам тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа асосларга мувофиқ ҳам ҳарбий хизматчига таътил тақдим этилиши мумкин.

ТАЪТИЛ ГУВОҲНОМАСИ (ОТПУСКНОЙ БИЛЕТ) Таътилга чиқаётган ҳарбий хизматчига бериладиган, белгиланган шаклдаги ҳужжат. Шахсий гувоҳнома билан биргаликда тақдим этилгандагина ҳақиқий ҳисобланади. Ҳарбий хизматчи таътилдан қайтгач мазкур гувоҳнома штабга (саф, кадрлар бўлинмасига) топширилади.

ТАЪҚИБ ЭТИШ (ПРЕСЛЕДОВАНИЕ) Чекиниб бораётган душманни охиригача тор-мор этиш (асир олиш) мақсадида уюштирилладиган ҳужум. Таъқиб этиш амали фронтал ёки параллел тарзда юритилиши мумкин.

Фронтал таъқиб этиш – душман кўшинининг ҳаракатини чеклаб, мунтазам зўриққан ҳолатга солиб кўяди, эркин манёвр ўтказишдан маҳрум этиб, ноқулай шароитда жанг олиб боришга мажбур қилади ва асосий кучининг чекинишини мураккаблаштиради.

Параллел таъқиб этиш – бўлинмаларимиз юқори суръатларда олға илгарилаб, самарали чегаралар эгалланади.

Фронтал ва параллел таъқиб моҳирона уйғунлаштирилганида ҳал этувчи узил-кесил натижаларга эришилади.

ТАЯНЧ ПУНКТИ (ОПОРНЫЙ ПУНКТ) Гуруҳ ёки взвод томонидан мудофаа этилаётган, ўт очиш воситалари ва тўсиқлар билан тўла-тўқис бутланган, айлана мудофаага ҳозирлаб қўйилган жой майдони.

ТАҚДИРЛАШ НИШОНЛАРИ (ЗНАКИ ОТЛИЧИЯ) Тинчлик ва уруш даврида кўрсатган хизматлари учун ҳарбий хизматчи ва ҳарбий қисмлар (кемалар) тақдирланадиган орден, медаль, кўкрак нишони каби белгилар.

ТАҚИҚЛАНГАН ЗОНА (ЗАПРЕТНАЯ ЗОНА) Жойнинг (минтақа худуди ва ҳаво бўшлиғининг) сарҳадларига тегишли орган рухсатномасига кўра кириш ва истиқомат қилишнинг махсус режими ўрнатилган майдони. Тақиқланган худуд чегаралари жойларда аниқ кўринадиган ёзув ва

кўрсаткичлар билан белгиланади.

ТЕЖАМКОРЛИК ИШЛАРИ (ЭКОНОМИЧЕСКАЯ РАБОТА) Қисмда (кемада) муайян режа асосида амалга ошириладиган, моддий восита ва молия маблағларининг тежаб сарфланишини таъминлашга йўналтирилган, ташкилий, тарбиявий ва хўжалик тадбирларининг мажмуи. Тежамкорлик ишларининг асосий йўналишлари жумласига:

курол-яроғ ва техник таъминот воситаларидан оқилона фойдаланиш;
мулкнинг сақланиш ҳолати устидан назорат юритиш;
шахсий таркибнинг давлат мулкани асраш масалаларидаги ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантириш;
ҳарбий хизматчиларнинг иқтисодий тайёргарлик салоҳиятини ошириш каби тадбирлар қиради.

ТЕЗКОР АХБОРОТ (ОПЕРАТИВНОЕ ИНФОРМИРОВАНИЕ) Оммавий-ташвиқот ишлари шаклларида бири.

Шахсий таркибга мамлакатимиз ва хорижда рўй берган сиёсий, иқтисодий ва жамоат янгиликлари воқеа ва ҳодисаларни тез етказиш усули.

Ўтказилиш вақти қисм командири томонидан, ҳарбий қисмнинг кун тартибига мувофиқ ўрнатилади.

ТЕЗКОР НАВБАТЧИ (ОПЕРАТИВНЫЙ ДЕЖУРНЫЙ) Ҳарбий қисм, кўшилма ва бирлашманинг кўмондонлик пунктидаги навбатчилиги вақтида кўшинлар (кучлар) бошқарувини таъминлаш борасида муайян мажбуриятларни бажараётган офицер. Одатда тайёргарлик кўрган штаб офицерлари ҳамда кўшин тури ва турли хизматларга мансуб офицерлар таркибидан бир суткага тайинланади.

Тегишли командир, штаб бошлиғи ва махсус йўриқномада кўрсатилган шахсларга бўйсунди.

ТЕЛЕГРАФ (ТЕЛЕГРАФ) 1) телеграф алоқанинг умумий қабул қилинган қисқа номи; 2) телеграммаларни узатиш, қабул қилиш ва эгаларига етказишни таъминлайдиган алоқа муассасаси. Мамлакатдаги бошқа телеграфлар билан бевосита алоқада бўлади.

ТЕЛЕГРАФ АЛОҚА (ТЕЛЕГРАФНАЯ СВЯЗЬ) Дискрет (ҳарфли-рақамли) хабарларни (телеграммаларни) олисга узатиш ва уларни қабул пунктида албатта қайд қилиш. Симлар орқали узатиладиган электр сигналлар ва (ёки) радиосигналлар ёрдамида амалга оширилади. Электр алоқанинг бир тури. Телеграф хабарлари телеграф тармоғи каналлари орқали телеграф аппаратлари ёрдамида кодлар комбинацияси тарзида узатилади. Узатиладиган ахборотнинг вазифаси ва хусусиятига кўра умумий алоқа, абонентлараро алоқа, идора ва факсимил алоқа бўлади.

ТЕЛЕГРАФ АППАРАТИ (ТЕЛЕГРАФНЫЙ АППАРАТ) Телеграф алоқа пайтида электр телеграф сигналларини узатадиган ва (ёки) қабул қиладиган қурилма. Одатда телеграф узатувчи ва қабул қилувчи асбоблардан иборат. XX асрнинг иккинчи ярмида стартстоп телеграф аппарати энг кенг тарқалди.

ТЕЛЕГРАФ КОДИ (ТЕЛЕГРАФНЫЙ КОД) телеграфда қабул қилинган шартли белгилар тизими, бунда ҳар бир ҳарфга (ёки белгига) электр токидан

хосил қилинадиган код элементларининг муайян комбинацияси мос келади. Агар вақт бирлигида юбориладиган белгилар сони бир хил бўлмаса, нотекис телеграф коди, агар бир хил бўлса, текис телеграф коди (масалан, Бодо коди) дейилади.

ТЕЛЕГРАФ УЗЕЛИ (ТЕЛЕГРАФНЫЙ УЗЕЛ) Телеграф алоқани ўрнатадиган техник иншоотлар ва жиҳозлар уйғунлиги. Телеграф алоқа каналларини улайдиган телеграф корхоналари (алоқа узеллари) ва шу каналларни коммутациялайдиган телеграф станциялардан иборат.

ТЕЛТАЙП (ТЕЛТАЙП) Ёзув машинкасиникига ўхшаш клавишлар мажмуига эга, қабул қилиш ва узатиш стартстоп телеграф аппарати. Телеграф тармоғининг охириги нуктаси, шунингдек маълумотларни узатиш тизимининг қурилмаси сифатида ишлатилади.

ТЕЛЕФОН (ТЕЛЕФОН) 1) электр тебранишларини товуш тебранишларига айлантирадиган электр акустик асбоб. Телефон электромагнит, электродинамик ва пьезоэлектрик турларга бўлинади.

Электромагнитли телефон энг кенг тарқалган. Унинг асосий элементлари доимий магнит, чулғамли кутблар ва мембранадан иборат. Сўзлашувчи “телефон қилганида” телефон сигналининг ўзгарувчан электр токи таъсирида мембрана тебраниб, товуш хосил қилади. Телефон алоқаси ва радиотелефон алоқаси қурилмаларида кенг ишлатилади; 2) телефон алоқасининг умумий қабул қилинган қисқа номи; 3) телефон аппаратининг қисқа номи.

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ (ТЕЛЕФОННАЯ СВЯЗЬ) Симлар орқали тарқатиладиган электр сигналлар ёки радиосигналлар ёрдамида оғзаки нутқни олисга узатиш. Электр алоқанинг бир тури. Бир-биридан хоҳлаганча олисликдаги абонентларнинг сўзлашишларига имкон беради. Телефон аппарати сўзлашаётган абонент телефон аппарати микрофонида товуш тебранишларини электр сигналларига айлантириш, бу сигналларни телефон алоқа каналлари орқали узатиш ва эшитаётган абонент телефон аппаратида уларни товуш тебранишларига айлантириш йўли билан амалга оширилади.

1876 йилда А. Г. Белл (АҚШ) телефон аппаратини кашф қилиши ва биринчи телефон станциясининг яратилиши (1878, Нью-Хейвен, АҚШ) билан телефон алоқасига асос солинди.

Телефон алоқасининг кейинги ривожланиши А.Б. Строужер (АҚШ), П. М. Голубицкий, М. Ф. Фрейденберг, С. М. Бердичевский Апостолов, В. И. Коваленков, М. В. Шулейкин ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ.

Маҳаллий (шаҳар ва қишлоқ), шаҳарлараро ва халқаро, шунингдек идоралар ичида ишлатиладиган, қўзғалувчи объектлар билан қилинадиган (радиотелефон алоқаси) телефон алоқаси турлари бор. Ўзбекистонда (Тошкентда) телефон алоқа 1887 йилдан ишлай бошлаган, 1914 йил Тошкент шаҳар телефон тармоғи ишга тушган. Республикада дастлабки телефон станциялар 1929 йил қурилган, биринчи АТС 1932 йилда ишга туширилган.

Телефон алоқа мажмуалари мураккаб технологик иншоотлардан (масалан, баъзи шаҳарлараро кабель мажмуаларида оралиқ кучайтиргичлар сони бир неча мингга боради) иборат. Янада олис алоқалар учун ЕСЎ дан

кенг фойдаланилади.

ТЕЛЕФОН АППАРАТИ (ТЕЛЕФОННЫЙ АППАРАТ)

Абонентларнинг сўзлашуви учун мўлжалланган электр-акустик аппарати; *телефон тармоқларининг* якуний абонент қурилмаси. Амалда қўлланилган биринчи узатиш-қабул қилиш қурилмасини 1876 йилда шотланд ихтирочис А.Г. Белл ихтиро қилган. Кейинчалик турли мамлакатларнинг ихтирочи олимлари уни такомиллаштирган. Телефон аппарати сўзлашиладиган қисм (*телефон* ва *микрофон*, булар умумий корпус, яъни гўшакка бирлаштирилади), абонентни чақирувчи қисм (дискли ёки тугмачали рақам тергич, сигнал кўнғироғи) ва коммутация қурилмасидан (аппаратнинг чақирувчи қисмини сўзлашиш қисмига улайди) иборат. Телефон аппаратларининг барчаси механо-автоматик режимда ишлайди (рақам териш механик, абонентларни улаш автоматик тарзда амалга ошади). Абонентларга “ўзи” жавоб берадиган, уларнинг телефон рақамларини магнит хотирага қайд қиладиган авторақам тергичли автомат телефон аппаратлар ҳам мавжуд. Микрофон занжирини ўзгармас ток билан таъминлаш усулига кўра, маҳаллий батареяли ва марказий батареяли (телефон станциясининг марказий батареясига уланган) телефон аппаратига фарқланади. Оддий телефон аппаратларидан ташқари, шахталарда ишлатиладиган (портлаш хавфи йўқ), диспетчерлик, таксафонлар (автомат-телефонлар), *уяли телефон* ва бошқа телефон аппаратлар ҳам бор.

ТЕЛЕФОН КОММУТАТОРИ (ТЕЛЕФОННЫЙ КОММУТАТОР)

Телефон станциясида абонентлар уяларини қўлда улаб-узиш (коммутация) учун мўлжалланган қурилма. Алоқа йўли (абонент) комплектлари, шнур жуфтлари асбоблари ва телефончиларнинг иш ўрнидаги асбоблардан иборат. Телефон коммутаторининг алоқа йўли комплектларига телефон алоқаси йўллари улаш уялари, чақирув клапанлари ёки сигнал чироклари киради. Булар абонент узатаётган чақирув сигналининг қабул қилиш ва абонентга зарур алоқа йўлини ажратиш учун хизмат қиладди. Шнур жуфтлари асбобларига сўров-чақирув калити, шнурли штепселлар, сўзлашувни тугатиш клапани ёки чироғи киради. Булар абонентни бошқа абонентга улаш ва сўзлашув тугаганлиги тўғрисида сигнал олишга имкон беради. Иш ўрни асбобларига микрофонлар, телефонлар, телефон индукторлари ва бошқалар киради. Булар телефончининг абонент билан сўзлашуви ва бошқа абонентга чақирик сигналининг юборишига имкон беради. Телефон коммутаторининг маҳаллий батарея, марказий батарея билан ишлайдиган ва аралаш турлари бор. Телефон коммутатори асосан кичик телефон станцияларда қўлланилади, йирик станцияларда абонентларни ўзаро улаш-узишга доир амаллар автоматлаштирилган.

ТЕЛЕФОНОГРАММА (ТЕЛЕФОНОГРАММА) Телефон орқали узатиладиган расмий хабарлар. Ёзиб олинган телефонограмма хужжат ҳисобланади.

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ (ТЕЛЕФОННЫЕ СЕТИ) Телефон алоқасини ўрнатиш учун мўлжалланган техник иншоотлар ва жиҳозлар мажмуи. Унга алоқа узели, телефон станциялари, алоқа йўллари ва абонент

қурилмалари киради.

Телефон алоқа узеллари (телефон станциялари, подстанциялар, концентраторлар), алоқа йўллари ва телефон аппаратларидан (абонент қурилмалари) иборат.

ТЕЛЬНЯШКА (ТЕЛЬНЯШКА) Оқ ва қора (кўк) йўлларга эга, трикотажли тўқима ички кўйлак. Ҳарбий денгизчиларнинг (ҳаво-десантчиларининг) анъанавий ҳарбий кийими.

ТЕМИР ЙЎЛ ҚЎШИНЛАРИ (ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНЫЕ ВОЙСКА) Айрим давлатларнинг қуролли кучлар фронт орти таъминоти таркибига махсус қўшинлар сифатида киритилган, махсус машина ва механизмлар комплекслари билан таъминланган, ҳарбий ташишлар учун фойдаланадиган, темир йўлларни ётқизиш ва хизмат кўрсатиш билан машғул бўладиган қўшинлар.

ТЕНЭРЕС (ТНРС) (ТЕНЭРЕС (ТНРС)) Инициирловчи портловчи моддалар гуруҳи жумласига кирувчи майда кристаллсимон сочилмайдиган жисм кўринишига эга портловчи модда бўлиб тўқ сариқ рангга эга, сувда кам миқдорда эрийди.

Тенереснинг зарбага таъсирчанлиги портловчи симоб ва кўрғошин азидига нисбатан пастдир, ишқаланишга таъсирчанлиги иккала модданинг ўртасига тўғри келади, ҳароратга эса етарлича таъсирчан, қуёш нурунинг бевосита таъсири остида тенерес қорайиб, парчаланиб кетади. Металлар билан реакцияга киришмайди.

Инициирлаш қобилияти жуда паст бўлганлиги туфайли тенерес мустақил тарзда қўлланилмай кўрғошин азидининг ишончли инициирлашини таъминлаш мақсадида капсуль-детонаторларнинг баъзи бир русумларида қўлланилади.

ТЕОДОЛИТ (ТЕОДОЛИТ) Қурилиш ва гидрографик ишлар ўтказилаётганда олиб юрилувчи, ўт очиш амалини топогеодезик жиҳатдан тайёрлаш мобайнида горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчаш учун мўлжалланган геодезик асбоб.

ТЕПКИ СЎНДИРГИЧ (ДУЛЬНЫЙ ТОРМОЗ) Артиллерия қуролининг тепувчи қисмлари энергиясини 25-70% га сўндириш учун мўлжалланган стволнинг олдинги учига ўрнатилган қурилма.

Тепки сўндиргичнинг қўлланилиши лафетга бериладиган кучни камайтиради. Бу эса қуролнинг умумий вазнини енгиллатиш имконини яратади. Тепки сўндиргичлар бир-биридан камераларининг сони билан бўлинади. Мисол учун, бир ва кўп камерали, камерасиз тепки сўндиргичлар бўлади. Шунингдек ён томонларидаги туйнуклар қаторининг сони (бир ва кўп қаторли) ва ҳар хил шакллари мавжудлигига кўра (тирқишли, тўрли, туйнукли) бўлинади.

ТЕТРИЛ (тринитрофенилметилнитрамин) (ТЕТРИЛ) Бризантли портловчи моддаларнинг юқори қувватли турига мансуб портловчи, ёрқин сариқ тусли, хидсиз, таъми шўрроқ, кристалл кўринишидаги модда.

Тетрилнинг механик таъсирларга таъсирчанлиги ТЭН ва гексогенга нисбатан пастдир, бироқ унга қарата ўқли қуролдан ўқ узилганида осон

портлаб кетиши мумкин.

Тетрил курум қолдирмай мовий рангли аланга билан фаол ёнади. Ёниш жараёни детонацияга ўтиб кетиб қолиши мумкин. Металлар билан кимёвий реакцияга киришмайди.

Ундан турли русумлардаги ўқ-дориларнинг оралиқ детонаторларини ва капсуль-детонаторларнинг айрим русумларини тайёрлаш мобайнида фойдаланилади.

Ўзига сув сингдирмайди, сувда эримади, 1,60/1,65 зичлик даражасига қадар деярли енгил прессланади. Портлаш иссиқлиги 4,6 МЖ/кг.

ТЕХНИК КУЗАТУВ ПУНКТИ (ПУНКТ ТЕХНИЧЕСКОГО НАБЛЮДЕНИЯ) Жанг давомида ташкил этиладиган, қўшинни техник таъминлаш органи. Танк ва мотоўқчи батальонларда, носоз ва ишдан чиқарилган машиналарга ўз вақтида техник ёрдам кўрсатиш мақсадида жанг майдонидаги зирхли объектларни кузатиб туриш учун ташкил этилади.

Мураккаб йўллارни босиб ўтиш қобилиятига эга зирхли машина, алоқа воситалари, кузатиш ва тунда кўриш асбоблари, зарур бўлганда навигация аппаратлари билан таъминланади.

Батальоннинг қўмондонлик-кузатув пункти, таъмирлаш гуруҳи, техник таъминот бўйича катта бошлиқ ва ишдан чиққан машина экипажи билан алоқа тутиб туради. Мазкур пунктда кузатув журнали юритилади.

ТЕХНИК РАЗВЕДКА (ТЕХНИЧЕСКАЯ РАЗВЕДКА) Қўшинларнинг (кучларнинг) техник таъминотини ташкил этиш ва амалга ошириш манфаатларида зарурий маълумотларни излаб топиш. Жанг майдони ва қуролли кучлар фронт ортида ишдан чиққан (ботиб қолган) ҳарбий техника мавжудлиги, жойлашган жойи, ҳолати ва ишдан чиққан машиналар йиғиладиган пунктга қадар уни эвакуация қилиш имкони бор-йўқлиги, маҳаллий жойларда таъмирлаш восита ва ашёлари бор-йўқлиги каби маълумотларни излайди ва аниқлайди.

ТЕХНИК ТАЙЁРГАРЛИК (ТЕХНИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА) Шахсий таркибни ҳарбий техникани бошқаришга ўргатиш, ундан техник жиҳатдан тўғри фойдаланиш ва жангда моҳирона қўллаш учун ҳарбий хизматчиларга зарур бўлган кўникма ва малакаларнинг шакллантирилиши. Техник тайёргарлик мазмунан:

моддий қисмнинг тузилиши ва ишлаш тамойили ҳамда ҳарбий техникадан фойдаланиш қоидаларини ўрганиш;

экипаж кучи билан ҳарбий техникага техник хизмат кўрсатиш, носозликларни бартараф этиш ва кундалик таъмир ишларини бажариш технологияларини ўзлаштириб олишдан иборат. Техник тайёргарлик машғулотлари ўтказиладиган синфлар кесилган ўқув агрегати, ҳаракатланувчан дастгоҳ, модель ва плакатлар билан жиҳозланади.

ТЕХНИК ТАЪМИНОТ (ТЕХНИЧЕСКОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ) Қўшинларни ҳарбий техника, ўқ-дори ва ҳарбий-техник анжомлар билан таъминлаш, ҳарбий техниканинг самарадорлиги ва фойдаланишдаги ишончлилигини ошириш, тез муддатда тиклаб (таъмирлаб) сафга қайтариш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи. Махсус техник

таъминот тури. Техник таъминот ҳарбий техника турига кўра ўтказилиб:

- муҳандис-ракета таъминоти;
- муҳандис-радиоэлектрон таъминоти;
- муҳандис-авиация таъминоти;
- муҳандис-артиллерия таъминоти;
- танк техник таъминоти;
- муҳандис-техник таъминот;
- кимёвий техник таъминот;
- алоқани техник таъминлаш;

қуролли кучлар фронт орти хизматлари бўйича техник таъминот турларига бўлинади.

Техник таъминот манфаатларида техник разведка ташкил этилади.

Алоқани техник таъминлаш – кўшинлар тасарруфидаги алоқа воситалари ва бошқарувнинг автоматик тизимларини доимий шай ҳолатда тутиб туриш, ишининг ишончилиги ва узлуксизлигини таъминлаш, ишдан чиққан ҳолларда таъмирлаш, кўшинларни алоқа техникаси ва анжомлари билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Қуролли кучлар фронт орти хизматлари бўйича техник таъминот – йўллар, темир йўллар ва муҳандислик-аэродром техникаси, ёқилғи ташиш ва қуйиш воситалари, тиббиёт аппаратлари, таом тайёрлашга мўлжалланган техник воситалар каби қуролли кучлар фронт орти таъминоти техникасининг созлиги, доимий шай ҳолати, ишининг ишончилиги, ўз вақтида хизмат кўрсатилиши ва зарурат туғилганида таъмирланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

ТЕХНИК ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ПУНКТИ (ПУНКТ ТЕХНИЧЕСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ И РЕМОНТА (ПТОР))
Ҳарбий қисм паркининг элементи.

Машиналарга навбатдаги (рақамли) техник хизмат кўрсатиш (1-техник хизмат кўрсатиш, 2-техник хизмат кўрсатиш) ва кундалик таъмир бўйича ишларни бажариш учун мўлжалланган. Мазкур пункт техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш постлари, махсус ишларни амалга ошириш жойлари ва маиший хоналардан ташкил топган.

ТЕХНИК ХУЖЖАТЛАР (ТЕХНИЧЕСКАЯ ДОКУМЕНТАЦИЯ)
Ҳарбий техника тўғрисида матн ва график кўринишдаги маълумотлар киритилган ҳужжатлар тизими. Техник ҳужжатлар жумласига:

конструкторлик мазмундаги ҳужжатлар – бунда жиҳознинг кўриниши, тузилиши, таркиби белгилаб берилади, уни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, назоратдан ўтказиш, қабул қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш учун зарур бўлган маълумотлар киритилади;

технологик мазмундаги ҳужжатлар – бунда жиҳозни тайёрлаш ёки таъмирлаш, деталларини бутлаш каби амалларнинг технологик жараёни белгилаб берилади;

фойдаланишга оид ҳужжатлар – бунда жиҳоздан вазифасига мувофиқ фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, транспортда ташиш ва сақлаш қоидалари белгилаб берилади;

меъёрий-техник мазмундаги ҳужжатлар киради.

ТИББИЁТ КИТОБЧАСИ (МЕДИЦИНСКАЯ КНИЖКА) Қуролли Кучларда белгиланган тиббий ҳисоб юритишнинг асосий ҳужжати.

Ҳар бир ҳарбий хизматчининг тиббий кўрикдан ўтганлиги, текшируви ва соғлиғини сақлаш борасида ўтказилган тадбирлар натижалари қайд этиб борилиши учун мўлжалланган бўлиб, барча қисм (кема) ва ҳарбий таълим муассасаларининг тиббиёт хизмати ходимлари томонидан юритилади.

Ҳарбий хизматчи ҳақиқий ҳарбий хизматини ўзга қисмда давом эттириш учун юборилганида унинг тиббиёт китобчаси янги хизмат жойига жўнатилади.

ТИББИЁТ ПУНКТИ (МЕДИЦИНСКИЙ ПУНКТ) Ярадор ва беморларни қабул қилиш, амбулатор ва стационар ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳарбий қисм (кема) тиббиёт хизматининг бўлинмаси.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига мансуб даволаш шифохоналари ва муассасалари бўлмаган жойларда ҳарбий қисм тиббиёт пунктида Қуролли Кучлар ишчи хизматчилари ва оила аъзоларига ҳам тиббий ёрдам кўрсатилади. Штатида тиббиёт хизмати кўзда тутилган барча ҳарбий қисмларда тиббиёт пункти ташкил этилади. Тиббиёт пункти одатда амбулатория, стационар ва дорихонадан ташкил топган.

Тиббиёт пункти ҳолати ва фаолияти учун ҳарбий қисм (кема) тиббиёт хизмати бошлиғи жавоб беради.

ТИББИЙ КЎРИК (МЕДИЦИНСКОЕ ОБСЛЕДОВАНИЕ) Ҳарбий хизматчилар соғлиғининг тиббий назорати тизимидаги асосий тадбирлардан бири. Шахсий таркибнинг соғлиғи ва жисмонан ривожланиш ҳолатларига баҳо бериш, диспансеризация этиш, кузатув остига олиш ва даволаш зарур бўлган шахсларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ташкил этилади ва ўтказилади. Тиббий кўрик қуйидаги даврларда ўтказилади:

бирламчи тиббий кўрик – ҳарбий хизматчи бевосита ҳарбий қисмга илк бор келганида;

навбатдаги – одатда йилда 2 мартаба, ёзги ва қишки ўқув мавсумлари бошланишидан олдин;

назорат тиббий кўриги.

Тиббий кўрик мобайнида ҳарбий хизмат ўташга тўсқинлик қилувчи касаллик ёки жисмонан ривожланишида нуқсон аниқланган ҳарбий хизматчи даволаш муассасаларида батафсил тиббий кўрикдан ўтади ва тиббий (шифокорлик) текширувга (хулоса чиқариш учун) юборилади.

ТИББИЙ ХУЛОСАЛИ ТЕКШИРУВ (МЕДИЦИНСКОЕ ОСВИДЕТЕЛЬСТВОВАНИЕ) Тиббий-юримдик амал бўлиб, шифокорлар комиссияси ёки алоҳида мутахассис шифокор томонидан фуқаронинг соғлиғи ва жисмонан ривожланганлик ҳолатига кўра ҳарбий хизматга белгилаш ёки ҳарбий таълим муассасасида таҳсил кўришга яроқлиги, шу жумладан, турли иқлим шароитида хизмат ўта олиш қобилияти каби имкониятларининг даражасини аниқлаш ва хулоса чиқариш мақсадида ўтказилади.

Ҳарбий хизматчининг соғлиғи ҳақидаги маълумотлар унинг тиббиёт китобчасига ёзилиб борилади.

ТИРГАКЛИ ПУЛЕМЁТ (СТАНКОВЫЙ ПУЛЕМЁТ) Ер ва ҳаводаги нишонларга қарата ўт очишнинг ўта аниқлиги, қуролни нишонга йўллаш қулайлиги ва турғунлигини таъминлаш учун махсус тиргакка ўрнатилган пулемёт. Олиб юриш қулай бўлиши учун бир неча қисмларга бўлинади. Тиргакли пулемётлар уч оёқли ва ғилдиракли кўринишларга эга. Тактик ва техник хусусиятлари:

патронлар билан таъминланиши – тасмали. Тасмага 250-300 дона патрон анжомланади;

отиш тезлиги – дақиқада 250-300 дона патрон;

ўқларнинг таъсирли масофаси – 1000 метргача;

пулемётнинг тиргаги билан биргаликдаги вазни – 40-65 кг.

ТИРКАМА (ПРИЦЕП) Маҳкамланган қурол-аслаҳа ва техникани ёки юк ташиш учун мўлжалланган, автомобиль (шатакловчи транспорт, трактор ва ҳ.к.з.) билан шатакка олинадиган – моторсиз транспорт воситаси. Тиркамалар:

умумтранспорт;

махсус вазифани бажарувчи;

бир, икки, уч ва кўп ўқли. Юк кўтариш қобилиятига кўра:

оз – 1,5 т га қадар;

ўрта – 2-20 т гача;

оғир – 20 т дан ортиқ юк кўтарувчи турларга бўлинади.

ТОВУШНИ НИҚОБЛАШ (ЗВУКОМАСКИРОВКА) Тактик ниқобни очиб ташлайдиган шовқинлар даражасини сусайтириш, шунингдек душман томонидан товуш разведкаси олиб борилишини қийинлаштирувчи шовқинлар яратишга қаратилган тадбирлар мажмуи; тактик ниқобланиш турларидан бири.

Товушни ниқоблаш тадбирлари кўшинларни қайта гуруҳлаш, алмаштириш, манёвр ўтказиши ва жанговар ҳаракатларга тайёргарлик кўриш тадбирларини душмандан яшириш учун ўтказилади.

ТОВУШ РАЗВЕДКАСИ (ЗВУКОВАЯ РАЗВЕДКА) Товуш ўлчовчи асбоблар ёрдамида отишма товуши бўйича душманнинг кузатилмайдиган (кўзга кўринмайдиган) батареялари (артиллерия қуроллари, миномётлари, пулемётлари, ракетаарни учириш қурилмалари) ҳақида маълумотларга эга бўлиш.

Товуш разведкаси вазифасига, шунингдек ўз артиллериясининг отишмасига хизмат кўрсатиш (снарядларнинг, миналарнинг) мўлжалдан оғиб портлашини, товуш реперларининг координаталарини, отишманинг мўлжалга тегаётганлигини назорат қилиш) ҳам киради.

Товуш разведкаси теваарак атрофнинг кўриниш ҳолатига боғлиқ бўлмай, йилнинг ҳар қандай фаслида муваффақиятли фаолият кўрсатади, душман разведкаси томонидан фош этилиши қийин кечади.

ТОВУШ ЧЕГАРАСИ (БАРЬЕР ЗВУКОВОЙ) Самолёт тезлиги товуш тезлигига яқинлашиб борадиган ҳаводаги шартли чегара. Айни пайтда ҳавонинг қаршилиги кескин сакраб ортади. Товуш чегарасини ошиб ўтиш товуш тўлқинларини ҳосил бўлишига олиб келиб, улар кучли момақалдирик

ёки портлаш сингари эшитилади.

ТОЗАЛАШ (АРТИШ) УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН АШЁ (ОБТИРОЧНЫЙ МАТЕРИАЛ) Қурол-аслаҳа ва техника юзаларини мой, чанг, суюқлик, сўхта, ифлослик кабилардан тозалаш (артиш) учун фойдаланиладиган ашёлар. Тозалаш (артиш) учун ишлатиладиган ашё саноат чиқиндиси кўринишига эга (латта, пахта, қоғоз ва ҳ. к.).

ТОКСИНЛАР (ТОКСИНЫ) Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан келиб чиққан ёки бактериал йўл билан вужудга келган, организмга кичик дозада бўлса ҳам сингиб кирганида ундаги физиологик жараёнларнинг бузилиши, оқибатда инсоннинг касалланиши ёки ўлимига олиб келувчи моддалар.

Токсинлар:

оқсилли – энг заҳарли тури бўлиб асосан асаб тизимининг жароҳатланишига олиб келади;

оқсилсиз турларига бўлинади.

Токсинларни зарарсизлантириш мақсадида эмлаш учун мўлжалланган тегишли дори-дармонлар қўлланилади.

ТОКСИНЛИ ДОЗА (ТОКСИЧЕСКАЯ ДОЗА) Заҳарловчи модда ҳамда инсон ва ҳайвон организми учун токсинли ҳисобланадиган бошқа бирикма самарадорлигининг миқдорий кўрсаткичи. Таъсир этиш вақти давомида интегралли тўйинганлик даражасида ўлчанади. Бевосита қонга тушган ва зарарланган ҳаводан нафас олинганда токсинли дозанинг миқдори кам, тери орқали сингиб кирганида эса юқори бўлади.

ТОМИР УРИШИ (ПУЛЬС) Юрак қисқаришига мос ҳолда артериялар деворининг тўлқинсимон кенгайиб торайиши. Пульс томирни босиб туриб (пайпаслаб кўриб) аниқланади. Катта ёшли соғлом кишилар томири минутига 60-80 марта уради.

ТОМОНЛАР ТЕНГЛИГИ (ПАРИТЕТ) Қуролли кучлар ва қурол-яроғ соҳасидаги тенглик, тенг муносабатлар, бараварлик ёки бир хил мақомга эга бўлиш тамойили, манфаатдор томонларнинг тенг миқдоридаги вакиллиги (мисол учун чегарада юз берган низони ҳал қилиш мобайнида).

ТОРМОЗЛОВЧИ ПАРАШЮТ (ТОРМОЗНОЙ ПАРАШЮТ) Самолётнинг ҳавога кўтарилиши учун тезлашиш мобайнида содир бўлган авария ҳолатида (двигателнинг ўчиб қолиши) ва ерга кўниш давомида босиб ўтадиган йўл узоклигини қисқартириш (тезликни сўндириш) учун қўлланиладиган восита. Очилиши мобайнида динамик кучининг кичиклиги билан бошқа парашютлардан фарқланиб турувчи тасмали гумбазга эга тормозловчи парашютлар кенг тарқалган.

ТОРПЕДА (ТОРПЕДА) Сув ости ва сув усти кемалар, самолёт ва вертолётлар қурол-аслаҳаси таркибига киритилган, ўзиюрар, ўзини-ўзи бошқарадиган, нишонга автоматик йўналадиган, жанговар заряд ташийдиган сигарасимон сув ости снаряди. Сув ости ва сув усти кемаларга қарата отиш, қирғоқдаги объектни вайрон этиш учун мўлжалланган.

Биринчи торпеда (ўзиюрар мина) 1865 йилда кашфиётчи И. Ф. Александровский томонидан ихтиро қилинган. Замонавий торпедалар

бир-биридан ўлчами, вазифаси, ташувчиси, энергия кучланиши қурилмаси ва йўналтириш тизими билан фарқланиб туради.

ТОР ТИРҚИШ (ЗАЗОР) Бири иккинчисига ўрнатилган қисмларнинг (масалан, тешик ва валнинг) иш сиртлари орасидаги мусбат тафовут. Тор тирқиш йиғилган қисмларнинг бир-бирига нисбатан силжишини таъминлайди.

ТОҒ АРТИЛЛЕРИЯСИ (ГОРНАЯ АРТИЛЛЕРИЯ) Тоғларда фойдаланиш учун мўлжалланган, ерда қўлланиладиган артиллерия турларидан бири. Қурул-аслаҳаси таркибига тоғ тўплари (енгил тўп, замбарак ва миномётлар) ҳамда реактив артиллерия қурилмалари кириб, улар тиркамада, шатак кузовида ва юк ташувчи ҳайвонлар ёрдамида ташилади. Тоғ артиллериясининг тўплари ёпиқ ўқ очиш маррасидан катта кўтарилиш бурчаклари остида ва тўғридан-тўғри йўналишда ўт очишга қодир.

ТОҒ ҚЎШИНЛАРИ (ГОРНЫЕ ВОЙСКА) Тоғли жойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш учун махсус ўқитилиб, тайёрланадиган қуруқликдаги қўшинларга мансуб (мотоўқчи, артиллерия ва шу каби) қисмлар. Асосий қўшин турлари ва махсус қўшинлардан ташқари таркибига тоғ-чанғили, қояга чиқувчи, от-уловга эга бўлинмалар кириши мумкин. Қурул-аслаҳаси таркибида, тоғда юриш ва ўт очишга мослаштирилган тўп ва миномётлар мавжуд. Ҳарбий Европадаги бир қатор давлатларда тоғ қўшинларини *Альп тоғлари қўшинлари* деб аташ қабул қилинган.

ТРАЕКТОРИЯ (ТРАЕКТОРИЯ) 1) координаталарнинг танланган тизимига нисбатан фазода ҳаракатланаётган жисм (ўқ, снаряд) тасвирлаётган узлуксиз чизик.

Координаталарнинг ҳаракатсиз тизимига нисбатан тасвирланган траектория – мутлақ траектория, ҳаракатчан тизимига нисбатан тасвирланган траектория – нисбий траектория деб аталади; 2) нуқта ўз ҳаракатида чизадиган чизик. Траектория тўғри чизик бўлса, ҳаракат тўғри чизикли, акс ҳолда эгри чизикли ҳаракат дейилади; 3) ташқи баллистикада – снаряд (ракета, ўқ) массаси марказининг ҳаракат чизиғи. Траектория ўт очиш қуроли стволи (йўналтирувчи ёки ишга тушириш стволи) оғзидаги нуқтадан нишон билан учрашиш нуқтасигача (портлаш нуқтасигача) бўлган эгри чизикдан иборат.

ТРАЙЛЕР (ТРАЙЛЕР) 30-40 тонна юк кўтариш қобилиятига эга, махсус вазмин юкларни (танк, занжирли машина, муҳандислик аслаҳаси кабиларни) ташиш учун мўлжалланган ғилдиракли тиркама. Санаб ўтилган техниканинг моторресурси ва ушбу техника сарфлайдиган ёқилғини тежаш мақсадида қўлланилади.

ТРАМБЛЁР (ТРАМБЛЁР) Автомашиналар ўт олдириш тизими узгич-тақсимлагичининг кенг тарқалган номи.

ТРАНЗИСТОР (ТРАНЗИСТОР) Электр тебранишларини кучайтириш, генерациялаш ва ўзгартириш учун мўлжалланган ярим ўтказгич асбоб. Ўтказувчанлиги турлича, яъни электрон (n) ва кавак (p) ўтишли камида уч соҳадан ташкил топган монокристалл ярим ўтказгич (кўпинча Ge ёки Si) асосида ясалади. АҚШ олимлари У. Шокли, У. Браттейн ва Ж. Бардин

1948 йилда ихтиро қилган. Физикавий тузилиши ва токни бошқариш механизмига кўра: биполяр (кўпинча, оддийгина транзистор деб аталади); униполяр (кўпинча, майдон транзистори деб аталади) турларга бўлинади. Биполяр транзисторда 2 ёки бир неча электрон – кавак ўтиши бўлгани туфайли электронлар ҳам, каваклар ҳам заряд ташийди, униполяр транзисторда эса электронлар ёки тешиклардан фақат биттаси заряд ташийди. Баъзан, ярим ўтказгич асбоблардан ясалган ихчам радиоэшиттириш қабулқилгичлар ҳам транзистор деб аталади.

ТРАНСПОРТЁР (ТРАНСПОРТЁР) Шахсий таркиб, ҳарбий техника ва моддий воситаларни ташиш учун мўлжалланган занжирли ёки ғилдиракли машина.

Зирҳланган бўлса зирҳли транспортёр деб аталади. Движителининг русумига кўра ғилдиракли ва занжирли турларга фарқ қилади. Транспортёр сузувчи бўлиши ҳам мумкин. Транспортёрларнинг қуйидаги турлари маълум:

кўп мақсадли транспортёр ва *шатакчи* транспортёр;

муҳандислик транспортёри – сузувчи автомобиль;

десант транспортёри – шахсий таркиб, қурол-аслаҳа кабиларни кемадан қирғоққа олиб ўтиш учун мўлжалланган, оғир юк билан сузувчи машиналар;

ҳар қандай жойда юра оладиган транспортёр – кенг юзали шинага эга ғилдиракли машиналар.

ТРАНШЕЯ (ТРАНШЕЯ) Ўт очиш ва душман назаридан пинҳон юриш учун мўлжалланган, ўқчи ва пулемётчилар жойлашадиган уялар ва брустверга эга хандақ (зовурсимон чуқурлик). Шу билан бирга шахсий таркиб ва қурол-аслаҳани душманнинг шикаст етказувчи воситаларидан ҳимоя қилиш учун ҳам хизмат қилади.

ТРАНШЕЯ ҚАЗУВЧИ МАШИНАЛАР (ТРАНШЕЙНЫЕ МАШИНЫ) Қўшин эгаллаган марра ва жойлашган худудни фортификация жиҳатидан жиҳозлаш мобайнида механизациялаштирилган тарзда траншея (юриш йўлагини) қазилш учун мўлжалланган ер қазувчи машиналар. Иш унумдорлиги соатига 350-400 м га тенг, кўп чўмичли роторли траншея қазувчи машиналар кенг тарқалган.

ТРЕВОГА (ТРЕВОГА) 1) жанговар вазифани бажариш ва фавқулодда вазиятда ҳаракатланиш учун шахсий таркиб ва техникани зудлик билан тайёр ҳолатга келтириш мақсадида Қуролли Кучларда ўтказиладиган тадбирлар мажмуи. Жанговар тревога, ҳаво тревогаси, ўқув тревогаси, ёнғин тревогаси, кимёвий тревога каби тревогалар эълон қилиниши кўзда тутилади; 2) қўшинларни тревога турига боғлиқ ҳолда жанговар шайликнинг у ёки бу даражасига келтириш хусусидаги сигнал (команда). Турли техник воситалар ёрдамида (бўлинмада – овоз билан) узатилади.

ТРЕНАЖЁР (ТРЕНАЖЁР) Объектни (кема, самолёт, танк кабиларни) турли шароитда бошқариш бўйича шахсий таркиб кўникмаси ва маҳоратини шакллантириш учун мўлжалланган ўқув-машқ қурилмаси.

Ҳарбий тренажёр ҳарбий техникани бошқариш ва жанговар қўллаш жараёнида кузатиладиган, машина ва қурилмаларнинг статик ва динамик хусусиятларини, кўзга кўринадиган вазиятни ва ўзга жисмоний омилларни

(шовқин, тебраниш, зўриқиш кабиларни) асл ҳолатидай акс эттиради. Вазифаси ва русумига кўра тренажёрлар:

автомобиль тренажёри;

танк тренажёри;

авиация тренажёри;

космик тренажёр каби тренажёрларга фарқ қилади. Тренажёрлардан фойдаланиш натижасида:

ҳарбий техникани ўзлаштириш муддати қисқаради;

таълимот нарҳини туширишга эришилади;

шахсий таркибнинг жанговар таълимот самараси ошади.

ТРОПОСФЕРА РАДИОАЛОҚАСИ (ТРОПОСФЕРНАЯ РАДИО-СВЯЗЬ) Дециметрли ва сантиметрли радиотўлқинларни электр жихатдан бир жинсли бўлмаган тропосферада акслантиришга асосланган радиоалоқа. Одатда радиореле алоқа мажмуаларининг алоҳида звеноларида, телефон ва телеграф хабарларини узатишда қўлланади. Тропосфера радиоалоқасининг узоқлиги 1000 км гача.

ТРОТИЛ (тринитротолуол, тол, ТНТ) (ТРОТИЛ) Бризантли портловчи моддаларга мансуб меъёрий қувватга эга асосий портловчи модда ҳисобланиб, ундан портлатиш ишлари ва кўплаб ўқ-дорилар тайёрлаш жараёнида фойдаланилади.

Тротил кристалл модда кўринишида бўлиб, ёрқин сариқ рангдан ёрқин жигар ранггача учрайди. Таъми аччиқроқ. Тротил ўзига сув сингдирмайди, сувда умуман эримайди. Саноатда кукунсимон (кукунсимон тротил), майда тангачалар (тангачасимон тротил) ва шарчасимон (гранулалаштирилган тротил) кўринишларда ишлаб чиқарилади.

Тангачасимон тротил 1,6 зичликка қадар прессланади. Тротил 81⁰С ҳароратда парчаланмасдан эрийди, эритилганидан сўнг қотиб қолган (қуйилган) тротил зичлиги 1,55 / 1,660.

Чақмоғининг ҳарорати 310⁰С атрофида. Очiq хавода тротил сариқ тусдаги аланга билан кўп курум қолдириб портламай ёнади. Ёпиқ ҳажм ичида ёнаётган тротил детонацияга учрайди. Зарба, ишқаланиш кучи ва иссиқлик таъсирига тротил кам таъсирчандир.

Прессланган ва қуйилган тротилга қарата ўқли курулнинг оддий ўқи билан ўқ узилганда портламайди ҳам, ёнмайди ҳам.

Металлар билан кимёвий реакцияга киришмайди. Тротилнинг детонацияга таъсирчанлиги унинг ҳолатига боғлиқ. Прессланган ва кукунсимон тротил 8- капсуль-детонатордан инкорсиз портлайди.

Қуйилган, тангачасимон ва гранулалаштирилган тротил эса – фақат прессланган тротилдан ёки ўзга бризантли портловчи моддадан тайёрланган оралиқ детонатордан детонация олади. Тротилнинг кимёвий жихатдан турғунлиги жуда юқори, 130⁰С гача ҳароратда давомли вақт қиздирилганида ҳам унинг портлаш хусусияти деярли ўзгармайди. У мазкур хусусиятини узоқ вақт сувда бўлганидан сўнг ҳам ўзгартирмайди. Қуёш нури таъсири остида ўз рангини ўзгартирадиган ва ташқи таъсирларга таъсирчанлиги бир

оз ошган ҳолда, бир неча кимёвий физикавий ўзгаришларга дуч келади. Толуолга (коксокимё ва нефтни қайта ишлаш саноатининг суяқ маҳсулоти) азот ва олтингугурт кислотаси аралашмаси билан қайта ишлов берилганида тротил ҳосил бўлади. Уни пресслаш ва қуйиш усули билан турли шаклдаги портловчи зарядлар ва шашкалар тайёрланади. Ўқ-дорилар тайёрлаш учун тротил нафақат соф ҳолда, балки ўзга портловчи моддалар (гексоген, тетрил кабилар) билан қоришма кўринишида ҳам қўлланилади. Кукунсимон тротил портлаш қуввати кам бўлган баъзи бир портловчи моддалар (мисол учун аммонитлар) таркибига киритилади. Портлатиш ишларини амалга ошириш учун тротил шашкалари, одатда: йирик (400 г, 50x50x100 мм); кичик (25x50x100 мм, 200 г); цилиндрсимон (75 г, узунлиги 70 мм, диаметри 30 мм) ўлчам ва шаклларда тайёрланади.

ТРОТИЛ ЭКВИВАЛЕНТИ (ТРОТИЛОВЫЙ ЭКВИВАЛЕНТ) Ядровий ўқ-дорининг портлаш қуввати кўрсаткичи. Портлаш энергияси ядровий заряд портлашининг энергиясига тенг бўлган тротил массасига тенг. Тонна, килотонна (ядро заряди қувватининг шартли ўлчов бирлиги, минг тонна тринитротолуол зарядининг портлаш кучига тенг) ва мегатоннада (ядро куроли портлаш кучини ўлчаш учун қабул қилинган шартли бирлик, бир миллион тонна тринитротолуолнинг портлаш кучига тенг) ўлчанади. Замонавий ядровий ўқ-дорининг тротил эквиваленти бир неча ўнлаб тоннадан бир неча ўнлаб мегатоннага етади. “Тротил эквиваленти” атамаси турли кимёвий портловчи тизимларни тротилга нисбатан тавсифлаш учун қўлланилади.

ТУЗИЛМА (СТРУКТУРА) Объектнинг яхлитлиги ва айнан ўзлигини таъминлайдиган, яъни турли ташқи ва ички ўзгаришларда асосий хусусиятларини сақлаб қоладиган барқарор алоқалари мажмуи.

ТУРБИНА (ТУРБИНА) Берилаётган иш жисмининг (буғ, газ ёки сувнинг) кинетик энергиясини механик ишга айлантириб берадиган бирламчи двигатель. Иш органи – ротор. Иш жисми оқими ротор айланасига маҳкамланган парракларга таъсир қилиб, роторни айланма ҳаракатга келтиради. Ишлаш тамойилига кўра турбина актив ва реактив, тузилиши жиҳатдан бир ва кўп поғонали турларга бўлинади. Буғ ва газ турбиналарининг кўчмас (электр токи генераторлари, компрессорлар ва бошқаларни ҳаракатлантириш учун мўлжалланган) ва транспорт турлари бор. Гидравлик турбиналар фақат кўчмас қилиб ясалади ва ГЭС ларда гидрогенераторларни ҳаракатлантириш учун қўлланилади.

ТУРБОВИНТЛИ ДВИГАТЕЛЬ (ТУРБОВИНТОВОЙ ДВИГАТЕЛЬ) Газ-турбинали авиация двигатели. Тортиш кучини, асосан газ турбинасини айланма ҳаракатга келтирувчи ҳаво винти ва қисман реактив соплодан чиқадиган газ оқимининг бевосита реакцияси вужудга келтиради.

ТУРБОГЕНЕРАТОР (ТУРБОГЕНЕРАТОР) Уч фазали ток синхрон генератори. Буғ ёки газ турбинасидан ишлайди. Айланиш частотаси дақиқада 1500 ёки 3000 айлана. Қуввати 500-1200 МВт.

ТУРБОРЕАКТИВ ДВИГАТЕЛЬ (ТУРБОРЕАКТИВНЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Турбокомпрессорли двигатель. Унда тортиш кучини соплодан

чиқаётган сиқилган газ оқимининг тўғри реакцияси вужудга келтиради. Турбореактив двигателнинг бошқа тури – икки контурли турбореактив двигатель.

ТУТУНЛИ ПАРДА (ДЫМОВАЯ ЗАВЕСА) Тутун ёки туманнинг сунъий тарзда яратилган булути.

Душманнинг кўриш имкониятини сустрлаштириш, кўшин ва объектлар харакатларини ниқоблаш ҳамда имитациялаш учун қўлланилади.

Тутунли парда – тутун пурковчи шашка, граната, мина, снаряд ва бомбалар ҳамда тутун пурковчи аппаратлар ёрдамида яратилади. Тутунли парданинг самарадорлиги тутун пурковчи восита русуми ва сарфига, метеорология шароити, жой рельефи ва тутун тараладиган юзага боғлиқ. Тутунли парда қўйилиши мобайнида шамол йўналиши ва кучи ҳисобга олинади.

ТУТУНЛИ ПОРОХ (ДЫМНЫЙ ПОРОХ) Улоқтирувчи портловчи моддалар турига мансуб портловчи модда.

Таркиби калийли селитра (75%), писта кўмир (15%) ва олтингугуртнинг (10%) механик аралашмасидан иборат. Зарраларининг катталигига кўра, майин донли ва йирик донли турларга бўлинади. Парчаланувчи ва сигналловчи миналар, ёниб борувчи шнурлар ва реактив зарядлар кабелларини ишлаб чиқишда фойдаланилади. Тутунли порох ўзига намликни кўп шимиб олиш хусусиятига эга бўлиб, 2% намланганида қўллашга яроқсиз ҳолатга келади. Намланганидан сўнг қуритилган тутунли порох хусусияти сустрлашади.

ТУТУН ПУРКОВЧИ ВОСИТАЛАР (ДЫМОВЫЕ СРЕДСТВА) Тутун парда ҳосил қилувчи ўқ-дори, жиҳоз ва машиналар. Тутун пурковчи воситаларга:

портловчи воситалар – артиллерия ва авиациянинг тутун пурковчи ўқ-дорилари ва тутун пурковчи сигналловчи ракеталар;

суяқ моддаларнинг сепилишига асосланган воситалар – кўчмас ва харакатчан машиналар ва авиациянинг тутун таратувчи жиҳозлари;

иссиқ ҳарорат таъсирида тутун таратувчи воситалар – махсус шашкалар, кўчирилиб юриладиган генераторлар, шунингдек кема, танк каби жанговар машиналар бортларига ўрнатилган тутун пурковчи аппаратлар;

тутун пурковчи воситалар – тутун пурковчи шашка, граната ва авиабомбалар киради.

Тутун пурковчи воситалар қуруқликдаги кўшинлар, ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучларининг қурол-аслаҳаси таркибига киради.

ТУТУНСИЗ ПОРОХ (БЕЗДЫМНЫЙ ПОРОХ) Улоқтирувчи портловчи моддалар турига мансуб портловчи модда.

Турли реактив улоқтирувчи мосламалар, артиллерия снарядлари ва ўқли қуролларга мўлжалланган ўқ-дорилар тайёрлаш мобайнида фойдаланилади. Портлатиш ишлари олиб борилганда, шунингдек бризантли портловчи моддалар ўрнига (улар йўқ бўлса) ички зарядлар сифатида қўлланилади.

ТЭН (тетранитропентаэритрит, пенитрит) (ТЭН) Бризантли портловчи моддаларнинг юқори қувватли турига мансуб портловчи модда.

Оқ майин кристалл жисм кўринишига эга бўлиб, ўзига сув сингдирмайди ва сувда эримайди. 1,6 зичлик даражасига қадар прессланади. Механик таъсирга таъсирчанлиги бўйича амалдаги бризантли портловчи моддалар ичида энг таъсирчан ҳисобланади. Ўқли қурол ўқи зарбасидан (унга қарата ўқ узилганида) ТЭН портлайди. Оқ рангли аланга чиқариб, қурум қолдирмай жуда фаол ёнади. Ўт олган ТЭН портлаб кетиши ҳам мумкин. Металлар билан кимёвий реакцияга киришмайди. ТЭН дан детонациялашувчи шнур, капсюль-детонатор, флегматик ҳолатида эса оралиқ детонаторлар ва баъзи бир ўқ-дорилар тайёрлаш мобайнида фойдаланилади, флегматиклаштирилган ТЭН пушти ёки малла рангга бўялади.

ТЎЛҚИНЛАР (ВОЛНЫ) Фазода чекли тезлик билан тарқалувчи, моддасиз ва фақат энергияни элтувчи ғалаёнланишлар. Тўлқинлар қуйидаги турларга бўлинади:

- гектометрли тўлқинлар (100-1000 м) ёки (300-3000 кГц);
- декаметрли тўлқинлар (10-100 м) ёки (3-30 МГц);
- дециметрли (10-100 см) ёки (300-3000 МГц);
- децомиллиметрли тўлқинлар (0,1-1 мм) ёки (300-3000 ГГц);
- товуш тўлқинлари (16-20 тўлқинлар 000) Гц;
- километрли (10-100 м) ёки (3-300 кГц);
- метрли тўлқинлар (1-10 м) ёки (30-300 ГГц);
- миллиметрли тўлқинлар (1-10 мм) ёки (30-300)ГГц;
- сантиметрли тўлқинлар (1-10 см) ёки (3-30 ГГц);
- электр магнит тўлқинлар.

ТЎЛҚИНЛАР ДИФРАКЦИЯСИ (ДИФРАКЦИЯ ВОЛН)
Тўлқинларнинг ҳар хил тўсиқлар ёнида оғиши.

Тўлқинлар дифракцияси ҳар қандай тўлқин ҳаракатига хос, фақат бунда бир тўсиқ ўлчамлари тўлқин узунлигига тенг ёки ундан катта бўлиши керак. Масалан, ёруғлик дифракцияси ёруғликнинг ношаффоф буюмларни четлаб, тор тешик-тирқишлар ва бошқа жойлардан торайиб ўтишида кузатилади. Дифракцион манзара (ёруғлик максимумлари ва минимумларининг алмашилиши) ёруғлик тўлқинларининг интерференцияси натижасидир.

ТЎП (ГАУБИЦА) Тўсиқ ортидаги нишонлар устига (70^0 гача кўтарилиш бурчаги остида), снарядларни тикка отиб юқоридан ёғдириш учун мўлжалланган артиллерия қуроли. Калибри 105 – 203 мм, ствол узунлиги 15 – 30 калибр, ўт очиш масофаси 24 км гача. Замонавий тўплар шатакка олинувчи ва ўзиюрар бўлиши мумкин. Тўплар биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида кенг қўлланилган.

ТЎПЛАНИШ ПУНКТИ (ПУНКТ СБОРА) Алоҳида ҳарбий хизматчи ёки ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар, ҳарбий бўлинмалар, ҳарбий мулк ва жанговар техника кабиларнинг тўпланиш (тўплаш) жойи. Йиғин пункти:

- жанговар тревога бўйича йиғин пункти;
- ёнғинни ўчириш ва табиий офат оқибатларини бартараф этиш учун йиғин пункти;

жанговар вазифани бажаришга киришишдан олдин, бажариш давомида ёки бажарилганидан сўнг ҳарбий хизматчи-мутахассисларнинг (разведкачи,

сапёр, минёр кабиларнинг) тўпланиш пункти каби турлари мавжуд.

ТЎПНИ ЙЎНАЛТИРИШ (НАВОДКА ОРУДИЯ) Тўп стволини, снаряд парвозининг траекторияси нишон орқали ўтадиган ҳолатга келтириш.

Тўп тўғридан-тўғри ёки тўғри бўлмаган ҳолатга (ёпиқ ўт очиш маррасидан ўт очиш мобайнида) йўналтирилади.

Тўп автоматик, ярим автоматик ва дастаки йўналтирилиши мумкин.

ТЎСИҚДАН ТОЗАЛОВЧИ ОТРЯД (ОТРЯД РАЗГРАЖДЕНИЙ) Тўсиқ ва вайроналиклардаги йўлакларни тозалаш, жойни миналар, портламай қолган снарядлар, авиабомбалар, фугаслар каби портлаш хавфи бор моддалардан тозалаш учун ташкил этиладиган вақтинчалик тузилма. Тўсиқдан тозаловчи отряд асосини, одатда тўсиқларни разведка қилиш ва тозалаш воситаларига эга муҳандислик қўшинларининг бўлинмаси ташкил этади. Таркибига кимёвий ва радиацион разведка бўлинмаси, мотоўқчи ва танкчи бўлинмалар киритилиши мумкин.

ТЎСИҚЛАР (ЗАГРАЖДЕНИЯ) Душман ҳаракатланаётган йўлларда унга шикаст етказиш, кўзлаган манзилига етиб бориш вақтини кечиктириш, ҳаракатларини мураккаблаштириш, манёврини сиқиб қўйиш ёки қўшинларимиз учун манфаатли йўналишда ҳаракатланишга мажбур қилиш мақсадида ташкил этиладиган сунъий тўсиқ, ғов, тўғоноқ ва вайроналиклар.

Тўсиқлар:

таъсирчанлик хусусиятларига кўра – портловчи (мина портловчи ёки ядровий портловчи), портламайдиган ва қурама турларга;

қўйиладиган жойи ва вазифасига кўра – ердаги (шу жумладан сув хавзасидаги), денгиздаги ва ҳаводаги (самолётларга қарши) тўсиқларга;

миқёсига кўра – оператив ва тактик турларга бўлинади.

Тўсиқлар ўт очиш тизими, ядровий зарбалар ва авиация зарбалари билан узвий уйғунлаштирилади.

ТЎСИҚЛАР ДОИРАСИ (ПОЛОСА ЗАГРАЖДЕНИЙ) Душман ҳужумини тўхтатиш мақсадида сарҳадида турли тўсиқлар ўрнатиладиган жой чегараси. Тўсиқлар ҳар томонлардан ўт очиш билан ҳимоя қилиниб, портлатишга тайёрлаб қўйилади.

ТЎСИҚЛАР ЙЎЛАГИ (ПОЛОСА ПРЕПЯТСТВИЙ) Ҳарбий хизматчини жанг майдонида дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтишга ўргатиш учун жиҳозланадиган жой майдони. Тўсиқлар йўлаги:

барчага тааллуқли ягона тўсиқлар йўлаги;

махсус тўсиқлар йўлаги турларига бўлинади.

Тўсиқлар йўлакларига қуролли кучларнинг барча турига мансуб ҳарбий хизматчилар таълимоти ва машқи ўтказилади. Барчага тааллуқли ягона тўсиқлар йўлаги, чуқурлик (хандақ), лабиринт, қия ўрнатилган тахтага эга девор, вайрон зина, дераза туйнукларига эга ғиштли девор, қудуқ ва юриш йўлакларига эга траншеядан иборат. Барчага тааллуқли ягона тўсиқлар йўлагининг узунлиги 100 м. Махсус тўсиқлар йўлаги муайян қўшинларга мансуб жангчиларни машқ қилдириш учун зарур бўлган қўшимча иншоотлар билан жиҳозланади.

ТЎСИҚ ЎРНАТУВЧИ ОТРЯД (ОТРЯД ЗАГРАЖДЕНИЙ) Душман

хужуми йўналишида тўсиқлар ўрнатиш ва вайроналик барпо этиш учун мўлжалланган муҳандислик кўшинлари бўлинмасидан ташкил топган вақтинчалик тузилма. “Тўсиқ ўрнатувчи отряд” 1943 йилдан эътиборан кўшинлар жанговар тартибининг мажбурий элементи сифатида киритилгани боис, ушбу атама бугунги кунда қўлланилмайди.

ТЎХТАБ ДАМ ОЛИШ (ПРИВАЛ) (ПРИВАЛ) Юриш колоннасининг марш давомида шахсий таркибнинг ҳордиқ чиқариши, овқатланиши, техника ҳолатини текшириши ва хизмат кўрсатиш учун тўхташи. Одатда ҳар 3-4 соатли ҳаракатдан сўнг тўхтаб, бир соатгача дам олинади. Суткали юришнинг 2- яримида – икки соатгача дам олинади.

Тўхтаб дам олиш пайтида колоннанинг юриш тартиби бузилмайди.

ТЎҚНАШУВ (БИТВА) Чекланган майдонда узил-кесил ҳал этувчи, оммавий тарзда кўп қон тўкиладиган, нисбатан тез кечадиган, душманни тор-мор этиш мақсадида содир этиладиган – курашаётган томонларга мансуб асосий кучларнинг тўқнашуви.

Урушда стратегик натижаларга эришиш мақсадида муҳим йўналишлар ёки ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонидаги йирик гуруҳлар томонидан бир вақтда ва кетма-кет ўтказиладиган ҳужум ва мудофаа жанглари.

ТЎҒРИ БОРИБ ТЕГИШ (ПРЯМОЕ ПОПАДАНИЕ) Ўқ-дорининг (снаряд, бомба, ракетанинг жанговар қисми кабиларнинг) нишонга бевосита бориб тегиши. Ҳаракатчан нишон (танк, транспортёр, кема) ва ўта муҳим мудофаа истехкомини яқсон этиш учун зарурий шарт. Ўқ-дорининг бирон-бир жисмдан сапчиб, нишонга тегиши тўғри бориб тегиш ҳисобига киритилмайди. Артиллерия қуроли учун тўғри бориб тегишнинг катта эҳтимоллиги:

тўғри отиш масофаларининг сарҳадларида – тўғридан-тўғри йўллаб ўт очиш мобайнида;

ёйилган нишонларга қарата ўт очиш мобайнида эса тўқнаш келиш бурчаклари 90^0 га яқин, сочилиш қийматлари кичик бўлган масофаларда таъминланади.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ НИШОНГА ОЛИШ (ПРЯМАЯ НАВОДКА) Тўпни бевосита нишонга қарата йўллаш. Танкка қарши артиллерия, танклар, пиёдаларнинг жанговар машиналари ўт очиши, вертолёт ва катерлардан ўт очишнинг асосий усули.

Тўғридан-тўғри нишонга олиш усули қурол оловининг ўта аниқлиги ва ўт очиш вазибаларининг тез ижро этилиши билан характерланади.

УЗАТМА (машиналарда) (ПРИВОД) Бир объектнинг механик ҳаракатини иккинчисига узатиш учун мўлжалланган қурилма (механизм). Ҳаракат тезлиги, куч ёки буровчи момент қиймати ва йўналишини, шунингдек ҳаракат турини ўзгартириб (масалан, айланма ҳаракатни илгарилама-қайтма ҳаракатга айлантириб) амалга оширилиши мумкин. Механик (тишли, фрикцион, шарнир-ричагли), электр, гидравлик, пневматик (ҳаракат электр энергияси, суюқлик, газ иштирокида узатиладиган) турлари бор.

УЗАТМАЛАР ҚУТИСИ (КОРОБКА ПЕРЕДАЧ) Кўп поғонали

механизм. Узатиш нисбатини поғонали ўзгартиради. Бунинг учун алоҳида корпусга (кутига) жойлаштирилган тишли узатмалар даста ёрдамида алмаштирилиб уланади.

Транспорт машиналарининг трансмиссияларида қўлланилади.

УЗОҚ МУДДАТЛИ ЎТ ОЧИШ ИСТЕҲКОМИ (ДОС (долговременное огневое сооружение)) Ўт очиш учун мўлжалланган, ўта пишиқ ашёлардан олдиндан қуриладиган муҳандислик иншооти. Тўп, замбарак, миномёт, пулемёт каби ўт очиш воситалари билан таъминланади. Узоқ муддатли ўт очиш истехкомлари тизими мустаҳкамланган ҳудуд ёки мустаҳкамланган мудофаа чизигини ташкил этади. Тинчлик даврида навбатчилик хизматини ўташ учун оз миқдорли бўлинмалар жойлашади.

УЗОҚҚА ОТАДИГАН АРТИЛЛЕРИЯ (ДАЛЬНОБОЙНАЯ АРТИЛЛЕРИЯ) Олови олис масофаларга етадиган артиллерия.

Узоққа отадиган артиллерияга – замбараклар ва айрим реактив тизимлар мансуб. Узоққа отадиган артиллерия тўп ва миномётлар олови етиб бормайдиган масофадаги душман объектларини яксон этиш учун қўлланилади.

УЗОҚҚА ОТИШ ҚОБИЛИЯТИ (ДАЛЬНОБОЙНОСТЬ) Снарядни (мина, ракета ёки ўқни) қурол улоқтира оладиган энг узоқ масофа. Ракеталар энг узоқ масофага учиб бориш қобилиятига эга.

УЗУН ТЎЛҚИНЛАР (ДЛИННЫЕ ВОЛНЫ) 1 км дан 10 км гача узунликдаги радиотўлқинлар.

Радиотўлқинлар дифракцияси ва ионосферадан қайтиши натижасида Ер сирти бўйлаб тарқалади. Барқарор алоқани таъминлайди ва узоқ (2000 км даги) радиоалоқа ва радионавигацияда қўлланилади.

УЙҚУГА (ОТБОЙ) Ҳарбий қисм (кема) шахсий таркиби учун кечки йўқламадан сўнг, кун тартибида белгиланган соатда уйкуга ётиш учун бериладиган команда (сигнал).

УЙҒОНИШ (ПОДЪЁМ) Ҳарбий қисмнинг кун тартибида кўрсатиб ўтилган, ҳарбий хизматчиларнинг тунги (кундуз кунги) хордиғидан сўнг ўтказиладиган тадбир.

УЛЬТИМАТУМ (УЛЬТИМАТУМ) Халқаро ҳуқуқда бирор масала юзасидан кўрсатилган муддатда муайян нуктаи назарни эгаллаш, муайян ҳаракат қилиш ёки бошқа шартларни бажариш ҳақида бир давлатнинг иккинчи давлат олдида дипломатик ҳужжат ёки оғзаки шаклда қўйган қатъий талаби. Ультиматумни бажармаслик давлатга таъсир чораси қўлланилишига (масалан, олиб борилаётган музокараларни тўхтатиб қўйишга, дипломатик муносабатларни узиш, реторсия, репрессалияга) сабаб бўлиши мумкин. Давлатга куч ишлатиш таҳдидини солиб ультиматум бериш БМТ низомига зиддир.

УЛЬТРАҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР (УҚТ) (УЛЬТРАКОРОТКИЕ ВОЛНЫ) 1 см дан 10 м гача тўлқин узунликдаги радиотўлқинлар. Ўзаро “Кўринадиган” нукталар ўртасида радиоалоқа ўрнатишда, радиолокация, телевидение ва бошқаларда қўлланилади.

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ (ВСЕОБЩАЯ ВОИНСКАЯ

ОБЯЗАННОСТЬ) Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки шартнома бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш чора-тадбирларини қамраб олади. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари, хусусан:

ҳарбий хизматга чақириладиган ва туман (шаҳар) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар – *чақирилувчилар*;

ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар – *ҳарбий хизматчилар*;

Қуролли Кучларнинг резерви ёки захирасидаги шахслар – *ҳарбий хизматга мажбур шахслар*;

турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки ҳарбий рўйхатдан чиқарилган, шу жумладан истеъфодаги шахслар – *ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар* деб аталади.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат чақирув ёки шартнома бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига мансуб лавозимларда Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматдир.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди.

Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (шартнома бўйича) кирган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг халқи ва Президентига содиқлик тўғрисида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

Муқаддам Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматга мажбур шахслар ҳарбий йиғинларга жалб этилганларида ёки сафарбарлик бўйича чақирилганларида Ҳарбий қасамёд қабул қиладилар.

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН (ЗАКОН О ВСЕОБЩЕЙ ВОИНСКОЙ ОБЯЗАННОСТИ И ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган меъёрий ҳужжат (акт) бўлиб, унда фуқароларнинг Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни амалга ошириш, Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташ ва мамлакат мудофааси билан боғлиқ ўзга мажбуриятларни бажариш шартлари ва шароити белгилаб берилади. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 12 декабрдаги қарори билан амалга киритилган.

УМУМҚЎШИН КОМАНДИР (ОБЩЕВОЙСКОВОЙ КОМАНДИР) Умумқўшин қўшилма, қисм ва бўлинмаларни бошқарувчи, офицерлар таркибига мансуб мансабдор шахслар мутахассислигининг қатор давлатлар армияларида қабул қилинган номланиши.

Умумқўшин командири турли қўшинлар тури, махсус қўшинлар иштирокида ўтказиладиган умумқўшин жангининг (операциянинг) ташкилотчиси ҳисобланиб, ҳаракатларни мувофиқлаштиради ва жанговар ҳаракатлар давомида бошқаради.

Умумқўшин командирлари олий ҳарбий билим юртларида ва ҳарбий академияларда тайёрланади.

УМУМҚЎШИН ТАЙЁРГАРЛИК (ОБЩЕВОЙСКОВАЯ ПОДГОТОВКА) Қуролли Кучларнинг барча туридаги бўлинма, қўшин тури, махсус қўшин ва хизматларида хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг умумқўшин фанлар бўйича таълимоти. Умумқўшин тайёргарлиги дастурига қуйидаги фанлар киритилган:

- тактик тайёргарлик;
- отиш тайёргарлиги;
- оммавий қирғин қуролларни ўрганиш ва улардан сақланиш;
- умумқўшин низомлари;
- ҳарбий топография;
- саф тайёргарлиги;
- жисмоний тайёргарлик;
- ҳарбий-тиббий тайёргарлик.

Умумқўшин тайёргарлиги – талаба ва ўқувчилар, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик дастурида ҳам кўзда тутилган.

УМУМҚЎШИН ТАКТИК МАШҚ (ОБЩЕВОЙСКОВОЕ ТАКТИЧЕСКОЕ УЧЕНИЕ) Қўшинлар, командир ва штабларнинг дала кўникмаси ва замонавий жанг юритиш тайёргарлигини такомиллаштиришнинг асосий шакли.

Умумқўшин тактик машқи мотоўқчи ва танкчи бўлинма, қисм ва қўшилмалар билан ўзга қўшин тури ва махсус қўшинлар бўлинмаси, қисм ва қўшилмалари иштирокида, жанговар вазиятга максимал яқинлаштирилган шароитда ўтказилади.

УРУШ (ВОЙНА) Давлат, синф ёки миллатлар (халқлар) ўртасидаги ташкилий қуролли кураш. Уруш – сиёсатни зўравонлик воситалари билан давом эттирилишидир. Урушда асосий ва ҳал қилувчи восита сифатида қуролли кучлар, шунингдек курашишнинг иқтисодий, дипломатик, мафкуравий-ғоявий ва бошқа воситаларидан фойдаланилади.

Мамлакат ичкарисидаги синфлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун бўлган урушлар – *фуқаролар уруши* деб аталади.

Урушлар адолатли ва адолатсиз бўлади.

Адолатли урушларга – халқларнинг ижтимоий зулмдан озод бўлиш ва ўз давлатлари мустақиллигини муҳофаза қилиш учун ўзга давлатлар агрессиясига қарши олиб бориладиган урушларга айтилади.

Адолатсиз урушларга – миллатларнинг озодлик учун олиб бораётган курашини бостириш, ўзга мамлакатлар ерларини талон-торож қилиш мақсадида юритиладиган урушларга айтилади.

УРУШ ДАВРИ (ВОЕННОЕ ВРЕМЯ) Уруш ҳолати эълон қилинган вақтдан ёки ҳарбий ҳаракатлар амалда бошланиб кетган пайтдан эътиборан

бошланади ҳамда ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилганлиги эълон қилинган вақтдан эътиборан, лекин бундай ҳаракатлар амалда тўхтатилганидан кейин тугайди.

Уруш даври шароитида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан Қуролли Кучларга ва мамлакат иқтисодиётига раҳбарликни амалга оширадиган ваколатли орган тузилиши мумкин.

УРУШ МАЙДОНИ (ТЕАТР ВОЙНЫ) 1) сарҳадларида стратегик миқёсдаги ҳарбий ҳаракатлар юритилиши мумкин бўлган қуруқлик ҳудуди, океан сатҳининг чекли қисми ва устидаги фазо. Қатъий белгиланган чегараларга эга бўлмайди ва одатда таркибига битта қитъа ва унга яқин сув сатҳининг чекли қисми ёки битта океан ва унга яқин қирғоқлар ўз ороллари ва ороллар гуруҳи билан биргаликда киради. Уруш майдони таркибига ҳарбий ҳаракатларнинг бир неча (уруш) майдонлари кириши мумкин; 2) уруш майдони халқаро ҳуқуқда – қарши урушаётган давлатларнинг қуруқликдаги ҳудуди, денгиз сатҳининг чекли қисми ва фазо, шу билан бирга сарҳадларида қарши курашаётган томонлар жанговар ҳаракат юритиши мумкин бўлган ёки юритаётган очик денгиз ва унинг устидаги фазо тушунилади.

УРУШНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ (ПРОПАГАНДА ВОЙНЫ) Ўзбекистон Республикасида Конституцияга биноан тақиқланган. Урушни тарғиб қилиш тинчликка, тинч-тотув яшашга қарши қаратилган ва мамлакатнинг ташқи хавфсизлигига таҳдид соладиган алоҳида хавфли давлат жинойти деб қаралади.

УРУШ ҲОЛАТИ (ҲАРБИЙ ҲОЛАТ) (СОСТОЯНИЕ ВОЙНЫ) Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда қонунда белгиланган тартибда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қўшинлар тўсатдан ҳужум қилган ёки бостириб кирган тақдирда ҳарбий округлар қўшинларининг қўмондонлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари уруш ҳолати эълон қилинишини кутмай ҳужумни ёки босқинни даф этишнинг барча чоратadbирларини кўришлари шарт.

УЧИШ АППАРАТИ (ЛЕТАТЕЛЬНЫЙ АППАРАТ) Ер атмосфераси ёки коинот бўшлиғида парвоз этиш учун мўлжалланган техник қурилма. Учиш аппаратлари:

ҳаводан энгил – дирижабль;

ҳаводан оғир – авиация, космик, авиацияли-космик аппарат ва ракеталар;

учувчи бошқарадиган;

учувчисиз;

бир ва кўп маротаба фойдаланиладиган аппаратларга бўлинади.

УЧИШ АППАРАТИНИ БОШҚАРИШ (ПИЛОТИРОВАНИЕ) Учиш аппарати ҳаракатини бошқариш жараёни. Инсон ёки бортдаги автоматик қурилмалар комплекси томонидан амалга оширилади. Учиш аппарати дастаки, ярим автоматик ва автоматик тарзда бошқарилади.

УЧУВЧИЛИК САНЪАТИ (ПИЛОТАЖ) Учиш аппаратининг

бошқариладиган ҳаракати. Бажариладиган ҳаракатларнинг (шаклларнинг) мураккаблик даражасига қараб учувчилик санъати оддий, мураккаб ва олий турларга фарқ қилади.

УҚА (ШЕВРОН) Ҳарбий кийимнинг турли қисмлари, асосан енгларидаги ёпиштирма уқа. “Енг уқаси” ёки “Енгдаги фарқловчи нишонлар” атамаси кўпроқ қўлланилади.

ФАВҚУЛОДДА ҚОНУНЛАР (ЧРЕЗВЫЧАЙНЫЕ ЗАКОНЫ) Муайян давлатда алоҳида ҳолат (масалан, уруш) муносабати билан қабул қилинадиган ва одатда, давлат бошлиғига алоҳида ваколатлар берадиган қонунлар.

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ (ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ) Ялпи мамлакат ёки унинг алоҳида ҳудудларида муайян даврга ўрнатиладиган, фақат ички ёхуд халқаро вазиятга боғлиқ алоҳида режим. Одатда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқлари (масалан, ҳаракат эркинлиги) бекор қилиниши ёки чекланиши билан кузатилади.

ФАКСИМИЛЬ АЛОҚА (ФАКСИМИЛЬНАЯ СВЯЗЬ) Ҳаракатсиз тасвирни қабул пунктида қайта тасвирлаш билан узатиладиган электр алоқа тури. Ахборот узатувининг юксак тезкорлиги ва аниқлигини таъминлайди.

ФАКТОР (ОМИЛ) (ФАКТОР) Муайян жараён ёки ҳодиса характери, унинг айрим хусусиятларини белгиловчи сабаб, ҳаракатлантирувчи куч, омил.

ФАРМОЙИШ (РАСПОРЯЖЕНИЕ) 1) хизматга оид ёки оғзаки берилган команда бўлиб, ушбу команда орқали бўйсунувчиларга вазифалар қўйилади; 2) қўшинларни бошқариш борасидаги жанговар ҳужжат. Фармойиш турлари:

бўйсунувчи бирлашма, қўшилма, ҳарбий қисм ва бўлинмаларга бериладиган жанговар фармойишлар – жанговар буйруқ ўрнига, буйруқ мазмуни қисқача такрорланади;

қўшин турини жанговар жиҳатдан қўллаш борасидаги жанговар фармойиш;

қўшин тури, махсус қўшин ва хизмат тасарруфидаги қўшилма, ҳарбий қисм ва бўлинмаларга бевосита бериладиган жанговар фармойиш;

таъминот турлари бўйича;

алоқани ташкил этиш ва тутиб туриш каби фармойишлар.

Бўлинма командирлари барча ҳолларда оғзаки фармойиш беради.

ФАРҚЛОВЧИ НИШОНЛАР (ЗНАКИ РАЗЛИЧИЯ) Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийими ва фарқловчи нишонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий йиғинларга жалб этилган ҳарбий хизматга мажбур шахслар ҳарбий унвон ва қўшин турини фарқловчи нишонлари бўлган ҳарбий кийимда юрадилар. Ҳарбий кийимда юриш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади. Ҳарбий кийимда юриш ҳуқуқига эга бўлмаган фуқароларга ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийимини кийиш ва фарқловчи нишонларини тақиб юриши тақиқланади.

ФАХРИЙ (ВЕТЕРАН) 1) қадимги Рим армиясида белгиланган хизмат

муддатини ўтаб, муайян имтиёзларга эга бўлган аскар; 2) тажрибали жангчи, бўлиб ўтган уруш қатнашчиси; 3) қуролли кучларда ёки бирон-бир соҳада узоқ вақт хизмат ўтаган (фаолият кўрсатган) инсон (меҳнат фахрийси).

ФАХРИЙ ЁРЛИҚ (ПОЧЁТНАЯ ГРАМОТА) Мукофот тури, меҳнат, жамоатчилик фаолияти, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш каби фаолиятдаги муваффақиятлар учун фуқарони ҳамда корхона, муассаса, ҳарбий қисм жамоасини маънан рағбатлантириш шаклларида бири. Қуролли Кучларда барча тоифалардаги ҳарбий хизматчиларни ва ҳарбий қисмнинг фахрий китобига киритилган шахсни тақдирлаш учун фахрий ёрлиқ таъсис этилган. Шунингдек ҳақиқий ҳарбий хизматдан захирага бўшаб кетаётган ҳарбий хизматчини тақдирлаш учун миннатдорчилик ёрлиғи ҳамда захира ва истеъфодаги офицерни жамоат ишларида фаол иштироки учун фахрий ёрлиқ таъсис этилган.

ФАХРИЙ КИТОБ (КНИГА ПОЧЁТА) Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда ҳарбий хизмат ўташда аъло натижаларга эришган, юксак интизомли, шунингдек Ватан олдида ўз бурчини адо этишда алоҳида хизмат кўрсатган аскар ва сержантларнинг фамилияларини киритиш учун мўлжалланган қуролли кучлар қисмларида мавжуд китоб.

Аскар ва сержантлар фамилиялари фахрий китобга қисм (кема) командирининг буйруғига асосан киритилади.

Фахрий китоб одатда ҳарбий қисм клубида (кеманинг кают-компаниясида) сақланади.

ФАХРИЙ ҚОРОВУЛ (ПОЧЁТНЫЙ КАРАУЛ) Ҳарбий эҳтиром кўрсатиш учун гарнизон бошлиғи буйруғи билан тайинланган бўлинма (команда). Фахрий қоровул таркибига гуруҳдан взводга қадар бўлинма ва ҳарбий оркестр киради. Фахрий қоровул таркибининг мажбурияти, ҳарбий кийим ва қурол-яроғининг русуми ҳар бир ҳолат учун гарнизон бошлиғи (қўшилма ёки ҳарбий қисм командири) томонидан алоҳида ўрнатилади.

ФИДОКОРЛИК (САМООТВЕРЖЕННОСТЬ) Жангчининг жанговар вазифани бажариш мақсадида ўз манфаатларидан воз кеча олиш, керак бўлса жонини қурбон қилиш қобилиятларида ифодаланувчи – ахлоқий-руҳий ва жанговар сифатлари. Фидокорлик – Ватан ҳимояси учун шахсий масъулиятни ҳис этиш, юксак сиёсий онг, ватанпарварлик ва байналмилаллик туйғуларига асосланган. Фидокорлик:

жанговар вазиятда – ҳарбий хизматчининг саботли, ишончли ва фаол ҳаракатлари, кўрқув ҳиссиётини енгиб ўтиб, душман устидан ғалаба қозониш учун онгли равишда ўлимга бориш қобилиятида;

тинчлик даврида – армия хизмати ва жанговар тайёргарлик машаққатларини енгиш ва ҳарбий бурчни виждонан бажаришда намоён бўлади.

ФИЛЬТР (ФИЛЬТР) Филтрлаш тўсиқлари ёрдамида қаттиқ ва суюқ (газсимон) фазали, бир жинсли бўлмаган тизимларни ажратадиган қурилма, иншоот, асбоб. Кимё саноати, лаборатория ишлари, сув тозалаш ва бошқаларда фойдаланилади. “Филтр” атамаси радиотехника, электротехника, оптика ва бошқа соҳаларда ҳам қўлланилади.

ФЛОТ (ФЛОТ) 1) турли кема, қайиқ ва сузиш воситаларининг умумий номи. Флот:

маҳкама ва идораларга тегишлилигига кўра – ҳарбий-денгиз, денгиз ва дарё флотларига;

энергетик қурилмалари ва техник жиҳатдан таъминланишига кўра – атомли, буғли, эшкакли ва елканли флотларга бўлинади. Шу билан биргаликда “Флот” атамаси авиацияга нисбатан ҳам қўлланади; 2) жанговар ҳаракатларнинг (урушнинг) муайян майдонида (денгизда) оператив ва стратегик вазифаларни бажариш учун мўлжалланган оператив стратегик бирлашма. Денгиз операциялари ва жанговар ҳаракатларни мустақил тарзда ва бошқа флотлар, шунингдек қуролли кучлар турига мансуб бирлашмалар ва қўшилмалар билан ҳамкорликда ўтказлади. Ташкилий жиҳатдан сув усти, сув ости кемалари, авиация, денгиз пиёдалари бирлашмалари ва қўшилмаларидан, шунингдек қирғоқдаги ракета-артиллерия қисмларидан ташкил топган. Баъзи бир флотлар флотилия, эскадра каби тузилмалардан таркиб топган. Флот ўз қўмондони томонидан бошқарилиб, штаб ва ўзга бошқарув органлари, қирғоқдаги муассасалар ва хизматларга эга. Флот кучларининг жанговар ва кундалик фаолиятини ҳар томонлама таъминлаш учун муайян тизим ташкил этилиб, таркибига ҳарбий-денгиз базалари, кемаларни жойлаштириш пунктлари, таъминот қайиқлари аэродромлар каби мажмуалар киритилади.

ФЛОТ АДМИРАЛИ (АДМИРАЛ ФЛОТА) Ҳарбий-денгиз флотининг олий тоифали офицерлари таркибига мансуб ҳарбий унвон бўлиб, армия генерали, қўшинлар тури ва махсус қўшинлар маршали ҳарбий унвонига тўғри келади.

Флот адмиралли унвони берилиши билан биргаликда қўшинлар турлари маршаллари учун таъсис этилган “Маршал юлдузи” – тақдирлаш нишони ва тегишли давлат ҳукуматининг фахрий ёрлиғи топширилади.

ФЛОТИЛИЯ (ФЛОТИЛИЯ) Ҳарбий-денгиз флоти кемаларининг оператив бирлашмаси ёки йирик қўшилмаси. Денгиз, кўл, дарё флотилиялари мавжудлиги маълум. Ташкилий жиҳатдан флотилия алоҳида тузилиши ёки флотлар таркибига киритилган бўлиши мумкин.

ФОРМУЛЯР (ФОРМУЛЯР) Қурол ёки ҳарбий техникани тайёрлаган корхона томонидан ушбу намунанинг қафолатланган тактик ва техник хусусиятларини тасдиқловчи ҳужжат.

ФОРТИФИКАЦИЯ (ФОРТИФИКАЦИЯ) Фортификацияли иншоотларини қуриш ва ҳарбий мақсадда фойдаланишни ўз ичига олган ҳарбий-муҳандислик санъатининг соҳаси.

ФОРТИФИКАЦИЯЛИ ИНШООТЛАР (ФОРТИФИКАЦИОННЫЕ СООРУЖЕНИЯ) Жангда қурол ва ҳарбий техникани кўздан яшириш, улардан янада унумлироқ фойдаланиш, бошқарув пунктларини жойлаштириш, шунингдек қўшинларни, аҳоли ҳамда қуролли кучлар фронт ортидаги объектларни душман қуроллари зарбасидан ҳимоя қилиш учун қурилган иншоотлар. Фортификацияли иншоотлар дала иншоотлари (вақтинчалик) ва узок муддатга мўлжалланган (усту очик ёки ёпиқ)

иншоотларга бўлинади.

ФОТОН (КВАНТ) РАКЕТА ДВИГАТЕЛИ (ФОТОННЫЙ (КВАНТОВЫЙ) РАКЕТНЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Тортиш кучини бир йўналишда оқиб чиқадиган фотонлар ҳосил қилувчи фараз қилинаётган ракета двигатели. Фотонларнинг манбалари юқори ҳароратли плазма (қаттиқ қиздириш ёки урилиш натижасида ионланган модда), материяни аннигиляцияловчи қурилма кабилар бўлиши мумкин.

ФОТОРАЗВЕДКА (ФОТОРАЗВЕДКА) Фотосуратга олиш йўли билан разведка маълумотларига эга бўлиш. Фотосуратга олиш амаллари ер, кема, ернинг сунъий йўлдоши ва учиш аппаратларидан юритилади. Фоторазведка душман ҳақида турлича разведка маълумотларига масалан, душманнинг ядровий ёки оловли шикаст етказиш воситалари жойлашган жойлар, ушбу жойлар тизими, авиация ва флот базалари жойлашган жойлар, уларда мавжуд самолёт ва кемалар русуми каби маълумотларга эга бўлиш имконини яратади.

ФОТОТЕЛЕГРАФ (ФАКСИМИЛЬ) АЛОҚА (ФОТОТЕЛЕГРАФНАЯ (ФАКСИМИЛЬНАЯ) СВЯЗЬ) График шаклдаги ахборотлар – матн ёки жадваллар, чизма, тарх, фотосурат каби қўзғалмас тасвирларни электр усулда узатиш. Факсимиль аппаратлар ёрдамида бажарилади.

ФОШ ЭТИШ (ОБНАРУЖЕНИЕ) Кузатувчи томонидан у ёки бу объектнинг фош этилиши ёки мазкур объектнинг индикатор экранда акс этиши, жой, фазо (коинот), сув ости ёки сув юзасидаги объект ҳолати аниқланишига айтилади. Фош этиш амали бевосита қўз билан ёки оптик, локацион, гидроакустик каби асбоблар ёрдамида амалга оширилади.

ФРИКЦИЯЛИ (ИШҚАЛАНМА) МЕХАНИЗМ (ФРИКЦИОННЫЙ МЕХАНИЗМ) Механизм қисмлари орасидаги ишқаланиш кучлари ҳисобига ҳаракат узатади ёки ўзгартиради. Тормоз, муфта, поғонасиз узатма кабиларда ишлатилади.

ФРИКЦИЯЛИ УЗАТМА (ФРИКЦИОННЫЙ ПРИВОД) Валларга ўтказилган цилиндр, диск ёки конуслар орасида ҳосил бўладиган ишқаланиш кучлари ҳисобига бир валдан иккинчисига айланма ҳаракат узатадиган қурилма.

ФРОНТ (ФРОНТ) 1) ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонининг битта стратегик ёки бир неча оператив йўналишларидаги масалаларни ҳал этиш учун мўлжалланган, қуролли кучларнинг уруш бошланиши билан ташкил этиладиган оператив стратегик бирлашмаси.

Фронтнинг жанговар таркиби фронт олдида қўйилган вазифалари, ҳаракатланаётган йўналишининг муҳимлиги, оперативлик ҳажми каби шартларига боғлиқ. Ўтган урушлар тажрибасига кўра фронт таркибига бир неча армия ва бирлашмалар, авиация, алоҳида умумқўшин қўшилмалар, қўшинлар тури ва махсус қўшинларга мансуб қисм ва қўшилмалар, шунингдек қуролли кучлар фронт орти таъминотининг ҳарбий қисми, қўшилма ва муассасалари киритилган; 2) Қуролли кучларнинг ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонида ёйиладиган ва мазкур кучлар тўқнаш келадиган чизиги; 3) ҳудуднинг (“Фронт” ва “Фронт орти” тушунчалар

остида) жанговар ҳаракатлар юритилаётган қисми (чегараси, зонаси); 4) кўшинлар жанговар тартибининг (оператив жиҳатдан тортган сафининг) душман томон юзланиб турган томони. Жанговар ҳаракатлар юритилаётган фронт – ҳужум fronti, атака fronti, ёриб ўтиш fronti, мудофаа fronti каби турларга бўлинади; 5) сафнинг ҳарбий хизматчилар юзланиб турган (машиналар – олд томони билан турган) томони.

ФРОНТ АВИАЦИЯСИ (ФРОНТОВАЯ АВИАЦИЯ) Қурукликдаги кўшинлар ва ҳарбий-ҳаво кучлари томонидан ўтказиладиган жанговар ҳаракатда жанговар вазифалар бажариш учун мўлжалланган авиация турларидан бири.

Фронт авиацияси бомбардимончи, қирувчи-бомбардимончи, қирувчи, разведкачи, транспорт ва махсус авиация турларидан ташкил топган.

Ташкилий жиҳатдан фронт авиацияси таркибига авиация турларининг ҳарбий қисмлари, вертолётли ҳарбий қисмлар, таъминот ва хизмат кўрсатиш бўлинмалари киради.

Фронт авиацияси таркибига киритилган ҳарбий қисмлар товуш тезлигидан тез учадиган, ракета, замбарак ва бомбардимончи қурол-аслаҳа билан қуролланган, радио ва радиолокацияли асбоб, ускуна ва тизимларга эга самолётлар (вертолётлар) билан таъминланган.

Фронт авиацияси об-ҳаво ва сутканинг ҳар қандай шароитида парвоз этиб, жанговар ҳаракатлар бажариш қобилиятига эга.

ФРОНТ ОРТИ (ТЫЛ) 1) урушаётган мамлакатнинг, ҳарбий ҳаракатлар юритаётган ҳудудидан ташқари, аҳоли ва иқтисодий ресурслари билан биргаликдаги барча сарҳадлари; 2) уруш ва тинчлик даврида армиянинг фронт орти ва техник таъминотини амалга оширувчи куч ва воситалар; 3) жанговар тартиб ва оперативлик жиҳатдан саф тортган кўшиннинг олд томонига қарама-қарши томон ёки саф қисми.

ФРОНТ ОРТИНИ ҚЎРИҚЛАШ ВА МУДОФАА ЭТИШ (ОХРАНА И ОБОРОНА ТЫЛА) Ер ва ҳаводаги душман ҳужумини бартараф этиш, қуролли кучлар фронт ортидаги объектлар ҳудудига душман разведкаси сингиб бориши ва бегона шахсларнинг киришига йўл қўймаслик мақсадида ўтказиладиган тадбирлар. Қуролли кучлар фронт ортини қўриқлаш ва мудофаа этиш тадбирларига:

қўриқлаш бўлинмаси ва қоровуллик хизматини ташкил этиш;

транспортни кузатиб бориш;

махаллий аҳоли ҳаракатини (кўчиб юришларини) чеклаш амаллари киради. Қуролли кучлар фронт ортини қўриқлаш ва мудофаа этиш учун:

кузатиш ва хабар бериш тизими яратилади;

қуролли кучлар фронт орти ҳудуди ва марраларини мудофаа этиш бўйича масъул шахслар тайинланади;

шахсий таркибнинг тревога бўйича йиғилиш ва ҳаракатланиш тартиби белгиланади;

душманнинг қўпоровчи гуруҳи ва десантига қарши кураш учун навбатчи бўлинма ва махсус командалар тайинланади;

мудофаа чегаралари белгиланиб, муҳандислик жиҳатидан жиҳозланади.

Куролли кучлар фронт ортини қўриқлаш ва мудофаа этиш масъулияти – куролли кучлар фронт ортидаги қисм ва муассасалар зиммасига, оператив звенода эса фронт ортини қўриқловчи қўшин зиммасига юклатилади. Ҳаво хужумидан – ХХМ қўшинларининг умумий тизими томонидан мудофаа этилади.

ФУГАСЛАР (ФУГАСЫ) Душманнинг олға илгарилашини кечиктириш, унга зарар етказиш ёки душман йўлида вайроналик ва уюмлар ҳосил қилиш мақсадида ер бағри, бирор объект ичи ёки сув остида душман учун кутилмаган тарзда портлатиладиган портловчи моддалар зарядлари. Фугаслар – мина портловчи воситалар туркумига мансуб бўлиб, ҳарбий тўсиклар учун фойдаланилади.

XX асрнинг 70 йилларидан бошлаб “Фугас” атамаси ўрнига кўпинча “Портловчи модда заряди”, “Объект минаси” атамалари ишлатилмоқда.

ФУГАСЛИ ЗИРХЁРАР СНАРЯД (ФУГАСНО-БРОНЕБОЙНЫЙ СНАРЯД) Портлаткич модда ва мустаҳкам пўлат корпусга эга артиллерия снаряди.

Фугасли зирхёраар снаряд танк ва машиналар ҳамда пўлатдан тайёрланган иншоотларни йўқ қилиш учун – зирхёраар снаряд сифатида, дала мудофаа истехкомларини вайрон этиш учун эса фугасли снаряд сифатида қўлланилади. Фугасли зирхёраар снаряд таркибига: – юпка деворли пўлат корпус, ёриб ташловчи заряд, етакчи ҳалқа, снаряд тубига ўрнатилувчи портлаткич, ёришиб борувчи таркиб киради.

Фугасли зирхёраар снаряд таъсири зирх билан тўқнаш келиш тезлиги ва зарба фурсатидаги кинетик энергия кучига боғлиқ эмас.

Фугасли зирхёраар снаряднинг *афзаллиги* жумласига:

тузилишининг нисбатан соддалиги;

снаряднинг зирх билан тўқнаш келиш бурчагига кам боғлиқлиги киради.

Мазкур снаряднинг *камчиликлари* жумласига:

олов самараси нишондаги зирхнинг юқори қатламига боғлиқлиги;

снаряднинг бошланғич тезлиги пастлиги сабабли тез ҳаракатланаётган нишонни йўқ қилиш имконияти деярли йўқлиги киради.

ФУГАСЛИ СНАРЯД (ФУГАСНЫЙ СНАРЯД) Фугасли таъсир ўтказувчи артиллерия снаряди.

Душманнинг мустаҳкам мудофаа истехкомлари, минали, симли ва шу каби турлича тўсиклари, қўмондонлик пунктлари, алоқа узеллари, бино ва иншоотларини вайрон этиш, жонли кучи, ўт очиш воситалари ва ҳарбий техникаси жамланган жойларда йўқ қилиш учун артиллерия куроллари қўлланилади. Фугасли снаряднинг нишонни вайрон этадиган таъсири снаряднинг тўсикқа зарба бериши, портлаш натижасида пайдо бўладиган омиллар, зарбали тўлқин, снаряд корпусининг портлаш оқибатида вужудга келадиган парчалари нишонга ўтказадиган таъсирларнинг йиғиндисидан ҳосил бўлади. Фугасли снаряд: пўлат корпус; тротил, гексоген каби портловчи модда; етакчи ҳалқа ва портлаткичдан ташкил топган. Фугасли снаряд оний, инерцияли ва ҳаракатга келишини кечиктирувчи ўрнатмалар ўрнатиладиган, снаряд боши ёки тубига жойлаштириладиган

портлаткичлар билан бутланади.

ФУРАЖКА (ФУРАЖКА) Кунда ва парадга кийиладиган ҳарбий бош кийим.

Келиб чиқиши узоқ тарихга бориб тақалади, кавалериячилар кийиб юрган жиға тақилган баланд бош кийим отлар учун ем-хашак захирасини (фуражни) тайёрлаш мобайнида жуда ноқулай бўлган. Шунинг учун фураж йиғим-теримида аскарларга бўйи қисқа, енгил бош кийим берилган ва ушбу кийим “Фуражка” деб аталиб келинган.

Фуражка гардиши ва жиягининг ранги аскар ёки офицернинг қайси кўшин турида хизмат ўтаётганлигини билдириб туради.

ФУҚАРОЛАР МУҲОФАЗАСИ (ГРАЖДАНСКАЯ ОБОРОНА) Аҳолини душманнинг эҳтимол тутилган ҳаво ҳужумидан ҳимоя қилиш ва халқ хўжалигининг барқарор ишлаб туришини таъминлаш учун ўтказиладиган умумдавлат тадбирлар тизими.

XX асрнинг 50-60 йилларида аксарият йирик давлатларда ташкил этилган. Фуқаролар муҳофазасининг махсус бошқарув органи, кўшин, ҳарбийлаштирилган ва ҳарбийлаштирилмаган (меҳнатга яроқли аҳоли хисобидан тузилган) қисмлари бор.

ФУҚАРОЛАР МУҲОФАЗАСИ МАНФААТИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН РАЗВЕДКА (РАЗВЕДКА В ИНТЕРЕСАХ ГРАЖДАНСКОЙ ОБОРОНЫ) Фуқаролар муҳофазаси кўшинлари (кучлари) томонидан техноген, экологик ва табиий хусусиятларга эга бўлган фавқулодда вазиятлар, ҳалокатлар, авария, табиий офатлар, шунингдек душман томонидан замонавий қирғин воситалари қўлланилиши оқибатлари ҳақида ҳаққоний маълумотларни йиғиш ва бошқарув органлари ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этувчи кучларга узатиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этишнинг ягона давлат тизими тасарруфидаги куч ва воситалар ҳаракатларининг таъминот турларидан бири.

Мазкур разведканинг ер, ҳаво, денгизда ўтказиладиган ва космик турлари мавжуд. Бажариладиган вазифаларнинг хусусиятига кўра фуқаролар муҳофазаси манфаатида ўтказиладиган разведка умумий ва махсус разведкаларга бўлинади.

Умумий разведка – юзага келган вазиятга баҳо бериш, унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қандай ривожланишини олдиндан тахмин қилиш ва тегишли чоралар кўриш учун биринчи галдаги маълумотларни излаб топади.

Махсус разведка – вазият борасидаги аниқ маълумотларни йиғади. У қуйидаги турларга бўлинади: радиацияли, кимёвий, биологик, муҳандислик, ўт ўчириш, тиббиёт, ветеринар ва фитопатологик (ўсимлик касалликларини ўрганувчи) разведкалар.

ФУҚАРОЛАР УРУШИ (ГРАЖДАНСКАЯ ВОЙНА) Синфлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида давлат ҳокимияти учун олиб бориладиган ташкилий қуролли кураш – синфий курашнинг энг кескин шакли. Фуқаролар уруши ҳукмрон синфларнинг гуруҳлари ўртасида ҳам, реакцион синфлар

зўрлик ишлатган тақдирда ҳам бўлиши мумкин. Фуқаролар урушининг турлари ва шакллари сифатида куллар кўзғолони, деҳқонлар уруши, партизанлар уруши, халқнинг эксплуататорлар ҳукуматига қарши қуролли курашини келтириш мумкин.

ФЮЗЕЛЯЖ (ФЮЗЕЛЯЖ) Учиш аппаратининг корпуси. Олд қанотлар ва (баъзан) шассини ўзаро боғлайди. Одатда фюзеляжда экипаж аъзолари, йўловчилар, юк ва жиҳозлар жойлашади.

ХАБАР ҚИЛИШ (ОПОВЕЩЕНИЕ) Қўмондонликнинг қўшинларимиз ҳаракати ва душман тўғрисидаги маълумот, кўрсатма ва буйруқлари, шу жумладан, белгиланган сигналларни қўшинлар бошқаруви органлари ва шахсий таркибга қисқа муддатда етказиш амали. Хабар қилиш, одатда қуйидаги алоҳида вазиятларда амалга оширилади:

қўшинларни жанговар шайликнинг турли даражаларига келтириш (ўтказиш), шу жумладан жанговар тревога бўйича кўтариш;

ҳаво ҳужуми таҳдиди мавжудлигида ёки бошланганида;

ёнғинни ўчириш учун шахсий таркибни йиғиш зарурлигида.

Давлат бошқарувининг олий органи томонидан уруш эълон қилиш қарори қабул қилинган, сафарбарлик бошланган ва табиий офатлар содир бўлганлигида мамалакат аҳолиси хабар қилинади. Хабар қилиш амаллари радио, телефон, автоматлаштирилган сигналли алоқа ва сигналловчи воситалар орқали амалга оширилади.

ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ (ТЕХНИКА БЕЗОПАСНОСТИ) Соғлом ва хавфсиз хизмат (меҳнат) шароитларини таъминлайдиган техник тадбирлар тизими. Хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар бутун ҳарбий қисм, муассаса, корхона, ишлаб-чиқариш хоналари, асбоб-ускуна ва технологик жараёнларнинг барча турларини хизмат (меҳнат) хавфсизлиги нуқтаи назаридан таъминлайдиган мажбурий талаблардан иборат.

ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК (МЕЖДУНАРОДНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ) Халқаро муносабатлар тизими, барча давлатлар томонидан риоя қилинадиган халқаро ҳуқуқларнинг тамойил ва меъёрлари, давлатлар ўртасидаги жанжалли масалаларни ва келишмовчиликларни куч ёки куч ишлатиш хавфи билан бартараф этишни истисно қилишга асосланган.

Халқаро хавфсизликнинг тақлиф этган тамойиллари давлатлар ўртасидаги муносабатларда универсал тамойил сифатида тинч-тотув яшашни қарор топтириш, ҳамма давлатлар учун баб-баравар хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда амалий қафолатлар юзага келтиришни назарда тутди.

Халқаро хавфсизликнинг ажралмас қисми БМТ низоми билан мустаҳкамланган амалдаги коллектив хавфсизлик механизмидир.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА (МЕЖДУНАРОДНЫЙ ДОГОВОР) Давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа масалаларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб берувчи битим. Халқаро шартномалар:

икки томонлама ва кўп томонлама;

қисқа муддатли, узоқ муддатли ва муддатсиз;

бошқа давлатларнинг ушбу шартномага аъзо бўлиши учун очик ва ёпиқ; махфий ва очик шартномаларга фарқ қилади.

Халқаро (шу жумладан ҳарбий) шартномалар хусусан шартнома, битим, конвенция, протокол, пакт, қўшма декларация каби шаклларда расмийлаштирилиши мумкин.

ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ НАЗОРАТ (МЕЖДУНАРОДНАЯ ВОЕННАЯ ИНСПЕКЦИЯ) Ўзаро ишонч, қурол-аслаҳа ва қуролли кучлар сонини қисқартириш, ушбу кучлар фаолиятини маълум маънода чеклаш борасида шартлашилган тўхтамлар ижросини халқаро битимларда белгиланган тарзда назорат қилиш тартиби.

Халқаро ҳарбий назорат техник воситалар ёрдамида фазо ва космосдан, шунингдек назорат гуруҳлари томонидан тегишли битимга аъзо давлатларнинг бевосита ҳудудларида амалга оширилади.

Мазкур назорат тартибига ХХ аср сўнгидан, НАТО давлатлари ва Шарқий Европа давлатлари ўртасида кенг амал қилиниб келинмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИК (МЕЖДУНАРОДНОЕ ВОЕННОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО) Дўстона давлатларнинг муҳофаа масалаларини биргаликда ҳал этишга қаратилган муносабатлари.

Мазкур ҳамкорлик хусусиятлари халқаро ва миллий хавфсизлик таъминланишида давлатлар манфаатларининг мос келиши, танлаган сиёсий йўлларининг уйғунлиги, ўзаро манфаатдорликлари билан белгиланади.

Ҳарбий ҳамкорликнинг учта шакли мавжуд: ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-техник.

Ягона муҳофаа иттифоқига (блокига) бирлашган дўстона давлатлар орасидаги ҳарбий ҳамкорлик юксак, бетараф давлатлар билан эса нисбатан паст савияда кечади.

Ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик давлатларнинг ҳарбий доктриналари, ҳарбий сиёсатларининг мақсад ва йўналишларини мос келтириш, халқаро барқарорликни сақлаб туриш бўйича ўтказиладиган қўшма тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини назарда тутди.

Ҳарбий-стратегик ҳамкорлик – ҳарбий режалар ва қуролли кучлар қурилишининг йўналишларини мувофиқлаштириш, ҳарбий ҳаракатларнинг барча турлари, разведка усуллари ва воситалари юзасидан келишиб олиш, ракеталарга қарши муҳофаа ва ҳаво ҳужумидан муҳофаа тизимларининг ўзаро ҳамкорлиги борасида бир битимга келишни назарда тутди. Ҳарбий можароларнинг кескин тус олиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан ҳамкор ҳаракатлар ташкил этилиб, амалга оширилади. Ўзаро ёрдам кўрсатиш, коллектив муҳофаани такомиллаштириш, қуролли кучларни қуриш ва ривожлантириш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, қуролли кучларни бошқариш ва таъминлашнинг қатор тизимларини бирлаштириш бўйича тадбирлар ўтказилади.

Ҳарбий-техник ҳамкорлик – томонларнинг ҳарбий-техник сиёсатини мувофиқлаштириш, қурол-аслаҳа айирбошлаш, қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарини ҳамкорликда ишлаб чиқариш ёки ишлаб чиқариладиган қурол русумлари борасида келишиб олиш, стратегик ва экологик жиҳатдан хавфли

технологиялар тараққий этиб кетишининг олдини олувчи чораларни биргаликда кўриш, ҳарбий соҳадаги янгиликларни жорий этишда ўзаро ёрдам кўрсатилишини назарда тутади.

Халқаро ҳарбий ҳамкорликнинг барча шаклларида ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-техник маълумотлар билан ўртоқлашиш, жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ҳарбий-сиёсий ва стратегик вазиятга бериладиган баҳо ва ушбу вазиятнинг тараққиётини олдиндан кўра билиш амалиётларини мувофиқлаштириш кўзда тутилган.

ХАНДАҚ (ЩЕЛЬ) Шахсий таркибни ўқ, снаряд, мина ва авиабомбалар парчалари, шунингдек ядро қуролининг қирғин келтирувчи омилларидан сақлаш учун мўлжалланган, узунлиги 3-6 м, чуқурлиги 1,5-1,8 м келадиган тор хандақ. Хандақ усти очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Усти ёпиқ хандақнинг кириш қисми ходалардан тайёрланган қўшимча қалқон билан ёпилади.

ХАНЖАР (КОРТИК) Денгиз ва ҳаво флоти офицерларининг парад кийими таркибига кирувчи қисқа ханжар. Санчиладиган совуқ қурол. Икки қирраси ўткир тикқа эга ингичка тўғри ханжар. Илк бор XVI асрнинг сўнгида пайдо бўлган бўлиб, қурол сифатида абордаж жангида қўлланилган.

ХАРИТАЛАР (КАРТЫ) 1) ер юзаси, юлдузлар осмони ёки улардан бир қисмининг кичрайтирилган, математик муайянликка эга ва умумлаштирилган тасвири. Харитадаги маълумотлар унинг мазмуни ва вазифасига қараб турлича бўлади (масалан, географик хариталар); 2) ҳарбий ва географик хариталар бўлиб, қуроли кучларда қуруқлик, денгиз ва ҳавода ўтказиладиган жанговар ҳаракатларни режалаштириш ва юритиш учун қўлланилади. Хариталар:

миқёси ва қамраб олинган ҳудудга кўра – умумий ва алоҳида;

тасвирига кўра – топографик, дарё ва денгиз хариталари туркумига бўлинади; 3) муайян маълумотлар берилган бланк.

ХИЗМАТ ИТЛАРИ (СОБАКИ СЛУЖЕБНЫЕ) Қўриқчилик хизматини ўташ, портловчи ва гиёҳванд моддаларни излаб топиш каби амалларни бажаришга махсус ўргатилган итлар. Хизмат тури ва тайёргарлик хусусиятига кўра: исковуч, қўриқчи, алоқачи, чана тортувчи, санитар, кўпорувчи каби итлар мавжуд.

Хизмат итларини ҳарбий мақсадда қўлланилиши ибтидоий замонлардан маълум. II жаҳон уруши йилларида хизмат итлари 300 дан ортиқ танк портлатишгани, 200 дан ортиқ жанговар маълумотлар етказгани, 680 мингдан ортиқ оғир ярадорларни жанг майдонидан олиб чиқганлари қайд этилган.

Хизмат итлари ҳарбий қисм, махсус мактаб ва марказларда ўргатилади. Ушбу тадбирда МК “Ватанпарвар” ташкилотларининг тегишли клублари ҳам фаол иштирок этади.

ХУФИЯ НАРЯД (СЕКРЕТ) Уч ва ундан ортиқ кишидан иборат, ички қўшинлар, чегара қўшинлари ва қуроли кучлар фронт ортини муҳофаза этиш қисмларида тайинланадиган – қўшин нарядининг тури. Муайян вақтга давлат чегараси бузғунчиси, кўпорувчи ва адоват руҳидаги шахсларни фош этиш ва қўлга олиш мақсадида қўйилади.

ЦАПФА (ЦАПФА) Ўқ ёки валнинг подшипникка таянадиган қисми. Вал учидаги цапфа тиш, ўртасидаги цапфа бўйин деб аталади.

ЧАҚИРИЛУВЧИ (ПРИЗЫВНИК) “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган шахс.

Туман (шаҳар) чақирув жойида рўйхатдан ўтказилган фуқаро чақирилувчи деб аталади.

Рўйхатдан ўтиш йилида 17 ёшга тўладиган фуқаронинг рўйхатдан ўтказилиши, чақириққа қадар ёшдаги шахснинг доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган жойидаги мудофаа ишлари бўйича бўлим томонидан амалга оширилади.

Чақириқ жойида рўйхатдан ўтиши лозим бўлган фуқаро мудофаа ишлари бўлимига, бўлим бошлиғи томонидан белгиланган муддатда ҳозир бўлиши ва зарурий ҳарбий ҳужжатларни тақдим этиши лозим.

Чақирилувчи ҳарбий ҳисобнинг қуйидаги қоидаларига қатъий амал қилиши лозим:

ҳарбий ҳисоб рўйхатидан ўчирилиш учун туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига шахсан келиш, истиқомат қиладиган янги манзилга етиб келгач эса – уч кун муддат ичида мудофаа ишларининг тегишли бўлимида рўйхатдан ўтишга мажбур;

оилавий шароити, яшаш манзили, маълумоти, иш жойи ва лавозими ўзгарганида, етти кун ичида бу ҳақда ҳарбий ҳисобда турган туман мудофаа ишларининг тегишли бўлимига хабар бериши лозим.

Ҳарбий хизматга қадар чақирилувчилар чақирувга қадар бошланғич тайёргарликдан ўтадилар. 17 ёшга тўлган фуқаролар мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти ва касбий-техник таълим тизимидаги ўқув муассасаларида мутахассислар тайёрлаш учун белгиланган тартибда жалб этилади.

Корхона, муассаса, ташкилот, ширкат ва ўқув муассасалари раҳбарлари чақирилувчини чақириқ учун зарурий вақтга ишдан (ўқишдан) озод этиш, сафардан чақириш, чақириқ жойида ўз вақтида ҳозир бўлишини таъминлашга мажбурдир.

ЧАҚИРУВГА ТАЙЁРЛАНУВЧИ ЎСПИРИН (ДОПРИЗЫВНИК) Номи чақириқ жойида қайд этилмаган чақириққача ёшдаги ўспирин.

Ўзбекистон Республикасида 15-17 ёшдаги ўспирин – чақирувга қадар ёшдаги ўспирин ҳисобланади. Амалдаги қонунчиликка биноан чақириққача ёшдаги ўспиринлар билан барча жойларда чақириққача тайёргарлик ўтказилади.

Жорий йилда 17 ёшга тўладиган ўспиринларнинг номлари ҳар йили февраль-март ойларида рўйхатга киритиш амаллари ўтказиладиган чақирув жойларида қайд этилиши лозим. Номлари чақирув жойларида қайд этилган фуқаролар ҳарбий хизматга чақирилувчилар деб аталадилар.

ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК (НАЧАЛЬНАЯ ДОПРИЗЫВНАЯ ПОДГОТОВКА) Фуқаро муҳофазаси бўйича тайёргарлик ўқув дастуридаги мажбурий фан бўлиб, умумтаълим

мактабларида, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасаларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчилари томонидан битириш йили арафасидаги курсларда ёки синфларда ўтказилади.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик даражаси паст бўлган чақирилувчилар бундай тайёргарликдан ҳарбий хизматга чақирилишдан олдин кўшимча равишда мудофаа-спорт соғломлаштириш лагерларида ўтишлари мумкин.

ЧАҚИРУВ КОМИССИЯЛАРИ (ПРИЗЫВНЫЕ КОМИССИИ) Ҳарбий хизматга чақирув амалларини бажарувчи органлар.

Туман ва шаҳар чақирув комиссиялари тузилиб, бошқариш учун вилоят ва республика чақирув комиссиялари ташкил этилади.

Комиссия раиси этиб тегишли маъмурий ҳудуд ҳокимининг ўринбосари тайинланади. Комиссия таркибига, одатда туман, шаҳар (вилоят) мудофаа ишлари бўлими (бошқармаси) бошлиғи ёки унинг ўринбосари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамғармаси вакиллари, милиция бўлинмаси бошлиғи ёки унинг ўринбосари ва шифокор киради.

Туман (шаҳар) чақирув комиссиялари, чақирувчиларни:

тиббий текширувдан ўтишини ташкил этиш;

ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш ва Қуролли Кучлар турига кўра тайинлаш борасида қарор қабул қилиш;

мавжуд қонунчиликка асосан ҳарбий хизматга чақирилувини кечиктириш;

касаллик ва жисмоний нуқсонларнинг тасдиқланган рўйхатида кўзда тутилган касаллик ва жисмоний нуқсонлари бор чақирилувчини ҳарбий мажбуриятдан озод этиш каби амалларни бажаради.

Туман (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарори, барча аъзоларининг мажбурий иштирокида кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

ЧАҚИРУВНИНГ КЕЧИКТИРИЛИШИ (ОТСРОЧКА ОТ ПРИЗЫВА) Ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилиш вақтини қонунга мувофиқ кечиктириш.

Амалдаги қонунчиликка асосан туман (шаҳар) чақириқ комиссияси қарорига мувофиқ кечиктирилади.

ЧЕГАРА БАЗАСИ (ПОГРАНИЧНАЯ БАЗА) Чегара кўшинларига мансуб ҳарбий қисм, асосий жанговар-хизмат ва маъмурий-хўжалик бирлиги, тактик қўшилма. Чегара базаси давлат чегарасининг муайян қисмини муҳофаза этиш учун мўлжалланган бўлиб, чегара округи таркибига киради. Одатда чегара базаси – чегара постларига мужассамлаштирилган бир неча чегара заставалари, шу жумладан жанговар таъминот ва хизмат кўрсатувчи бўлинмалардан ташкил топган.

Чегара базаси ўз рақамига эга.

ЧЕГАРА БЕЛГИЛАРИ (ПОГРАНИЧНЫЕ ЗНАКИ) Давлат чегараси ўтаётган чизиқни ишоралаш учун мўлжалланган, чегарадош давлат ҳудудида туриб аниқ кўринадиган тарзда ўрнатиладиган белгилар. Чегара белгилари устун, пирамида, тупроқ кўрғон каби кўринишларга эга бўлиб, якка, жуфт, гуруҳ ҳолида ёки ораликларда ўрнатиладиган бўлиши мумкин. Сув чегараси сузувчи қалқович белгилар, ишора қозиклари кабилар билан белгиланади.

Чегара белгиларининг ўлчамлари ва ўрнатиладиган жойлари чегарадош давлатларнинг ўзаро битимлари билан белгиланади.

ЧЕГАРАГА ТУТАШ ҲУДУД (ЗОНА) (ПРИГРАНИЧНАЯ ПОЛОСА (ЗОНА)) Мамлакат ҳудудининг давлат чегарасига туташган қисми. Сарҳадлари бир неча ўнлаб, юзлаб километргача чўзилиши мумкин бўлиб, тинчлик даврида жанговар шай қисмлар жойлашади ва муҳандислик тўсиқлари билан жиҳозланади.

ЧЕГАРА ДЕЛИМИТАЦИЯСИ (ДЕЛИМИТАЦИЯ ГРАНИЦ) Шартномада қайд этилган ва унга илова қилинган хариталарда график тасвири туширилган давлат чегаралари ҳолати ва йўналишини муайян давлатларaro келишувга биноан аниқлаш.

Чегара делимитациясини келишувчи томонларнинг тенг ҳуқуқли асосда тузилган кўшма комиссияси белгилайди.

ЧЕГАРА ДЕМАРКАЦИЯСИ (ДЕМАРКАЦИЯ ГРАНИЦ) Чегара делимитацияси ҳақидаги ҳужжатлар асосида чегара белгилари ўрнатиш йўли билан жойларда давлат чегараси чизикларини аниқлаш.

Чегара демаркациясини келишувчи томонларнинг тенг ҳуқуқли асосда тузилган кўшма комиссияси белгилайди.

ЧЕГАРА ЗАСТАВАСИ (ПОГРАНИЧНАЯ ЗАСТАВА) Давлат чегарасининг муайян қисмини муҳофаза этаётган чегара кўшинларининг асосий бўлинмаси. Одатда чегарачиларнинг бир неча гуруҳларидан (секцияларидан) ташкил топган. Чегара заставаси – чегара базаси ва чегара пости кабилар таркибига киради. Чегара заставаси застава бошлиғи томонидан бошқарилади.

ЧЕГАРА ЗОНАСИ (ПОГРАНИЧНАЯ ЗОНА) Бир мамлакат ҳудудининг давлат чегараларига тутшиб турган ва махсус режим ўрнатилган муайян қисми. Чегара зонаси таркибига ҳудудий ва ички сув ҳавзалари, чегарадаги дарё ва кўлларнинг тегишли қисми киритилади. Чегара зонасида истиқомат қилиш, кириб келиш, кўчиб юриш, ер усти, ер ости бойликлари, сув, ўрмон каби бойлик ва мулклардан фойдаланиш, шу жумладан, турли ишлар бажариш тартиби белгилаб берилган.

Чегара зонасининг таърифи ва ундаги режим “Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун ва амалдаги бошқа қонунларда белгилаб қўйилган.

ЧЕГАРА НАРЯДИ (ПОГРАНИЧНЫЙ НАРЯД) Давлат чегарасининг муайян қисмини муҳофаза этиш учун тайинланган чегарачилар гуруҳи. Чегара наряди куйидаги турларга бўлинади:

- дозорлар наряди;
- соқчилик наряди;
- хуфия нарядлар;
- кузатув постлари ва ҳ.к.

ЧЕГАРА ОКРУГИ (ПОГРАНИЧНЫЙ ОКРУГ) Аксарият давлатлар чегара кўшинларининг ҳарбий-маъмурий ва оператив бирлашмаси. Давлат чегарасининг муайян қисмини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган. Бир неча чегара базалари, чегара постлари, алоҳида қисмлар ва назоратдан ўтказиш

пунктларидан иборат. Денгиз ва дарё чегаралари мавжуд чегара округи таркибига кўриқловчи кемалар қисмлари киритилади. Ҳар бир чегара округида минтақавий штаб, ҳарбий кенгаш, тарбиявий ишлар бошқармаси каби бошқарув органлари мавжуд.

ЧЕГАРАЧИ (ПОГРАНИЧНИК) Чегара кўшинларига мансуб ҳарбий хизматчи.

Ўзбекистон Республикасида чегарачининг ҳуқуқий мақоми, вазифаси, ҳуқуқи ва мажбуриятлари “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги Қонун (1999 й. 20 август), “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонун (2002 й. 12 декабрь), Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумқўшин низомлари, махсус йўриқнома ва қўлланмаларда белгилаб қўйилган. Чегарачининг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, тарбияси ва маданий-маиший ҳаёти чегара кўшинларининг давлат чегараларини муҳофаза этиш бўйича ўтайдиган хизматларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади ва амалга оширилади. Чегарачилар бугунги кунда замонавий қурол-яроғ, жанговар техника, алоқа ва сигналловчи воситалар билан таъминланган. Бирок, чегарачининг асосий қуроли – ҳушёрликдир.

ЧЕГАРА КЎШИНЛАРИ (ПОГРАНИЧНЫЕ ВОЙСКА) Давлатнинг қуруқлик, денгиз ва дарёлардаги (кўллардаги) чегараларини муҳофаза этиш учун мўлжалланган кўшинлар.

Ўзбекистон Республикасининг чегара кўшинларига Миллий хавфсизлик хизмати ва ушбу хизмат тасарруфидаги Давлат чегараларини муҳофаза этиш кўмитаси (чегара кўшинларининг бевосита бошқарув органи) раҳбарлик қилади. Чегара кўшинлари минтақавий штаблар, махсус кўшин ва ўқув муассасаларидан ташкил топган. Дарё чегараларида фаолият юритиш учун чегара кўшинлари таркибида кўриқловчи кемалар билан таъминланган ҳарбий қисмлар мавжуд. Чегара кўшинларининг асосий вазифаларига:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қуролланган тўдалар ва кўшинлар гуруҳининг тажовузини бартараф этиш;

чегара зонасидаги аҳоли ва хусусий мулкни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш;

чегарани махсус белгиланмаган жойлардан ноқонуний усулда кесиб ўтишга йўл қўймаслик;

одамларни чегарадан махсус пунктлар орқали ўтишини таъминлаш;

барча кемаларнинг ҳудудий ва ички сувларда сузиш режимига риоя этилаётганлигини кузатиб бориш киради.

ЧЕКИНИШ (ОТСТУПЛЕНИЕ (ОТХОД)) Кўшиннинг эгаллаб турган чегараларни (худудни) мажбуран ёки атайин ташлаб кетиш, мудофаа сарҳадларининг ичкарасидаги янги чегараларга ўтиш амаллари. Кўшинни душманнинг сон ва куч жиҳатдан устун келаётган зарбалари остидан олиб чиқиш, келгусидаги жанговар ҳаракатлар учун самарали ҳолатни эгаллаш, вақтдан ютиш, фронт чизигини қисқартириш ва ўзга йўналишлар учун куч ажратиш мақсадида амалга оширилади.

Чекиниш амали фақат катта бошлиқнинг буйруғига биноан ўтказилади.

ЧОДИР (ПАЛАТКА) Шахсий таркиб, жанговар техника тури, тиббиёт муассасаси ва омборхоналарни дала шароитида жойлаштириш учун мўлжалланган йиғма иншоот. Чодирлар асосан қуйидаги турларга бўлинади:

сафар чодири (ёзги ва қишки);

лагерь чодири;

курама чодир.

Оддий чодир аскар ва сержантлар анжомлари таркибига кирувчи бир неча сув ўтмас ёпинчиқлардан тикланади.

ЧУҚУРЛИК БОМБАСИ (ГЛУБИННАЯ БОМБА) Ҳарбий-денгиз флоти ўқ-дорилари турларидан бири бўлиб, сув остидаги сув ости кемасини, жанговар сузувчи, лангарли ва кема тубига тегиб портлайдиган мина каби объектларни йўқ қилиш учун мўлжалланган. Чуқурлик бомбаси авиация ва кемаларда қўлланиладиган турларга бўлинади. Самолётдан ёки кемадан ташланади (отилади). Чуқурлик бомбалари оддий ёки ядровий зарядларга, контактли, контакtsiz ёки белгиланган масофада ишга тушувчи портлаткичларга эга бўлиши мумкин.

Илк бор 1915 йилда қўлланилган.

ШАЙЛАНИШ ЯРОҒЛАРИ (ЭКИПИРОВКА) (ЭКИПИРОВКА) Ҳарбий хизматчилар учун тайёрланган анжом, кийим-кечак ва ўзга мулк.

Шахсий таркибни белгиланган моддий воситалар билан шай этиш.

ШАКЛНИНГ ЎЗГАРИШИ (ДЕФОРМАЦИЯ) Ташқи таъсир натижасида қаттиқ жисм нуқталари ўрнининг (нуқталар орасидаги масофанинг) ўзгариши. Шаклнинг ўзгариши таъсир жараёни тугагач – эластик шакл ўзгариш, тўла тугамаганида – пластик шакл ўзгариш дейилади. Шакл ўзгаришининг энг оддий турлари – чўзилиш, сиқилиш, эгилиш, буралишдир.

ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР (УСЛОВНЫЕ ЗНАКИ) Жойлардаги объектлар, жанговар ва метеорологик вазиятни график ҳужжат, топографик ва географик хариталарда тавсифий, рамзий ва штрихли тасвирланишида қўлланиладиган белгилар. Шартли белгилар: топографик белгилар, тактик белгилар ва метеорологик белгиларга бўлинади.

Топографик шартли белгилар жойлардаги объектларнинг шакли, ўлчами, жойлашган жойи, бир-бирига боғлиқлигини ҳамда айрим сифат ва миқдорий хусусиятларини кўрсатади.

Тактик шартли белгилар харита ва график ҳужжатларда қўшинлар, бошқарув пунктлари, қуроли кучлар фронт ортидаги бўлинма, қисм ва муассасаларни, фортификацияли иншоот ва тўсиқлар ҳолатини, қўшинлар ҳаракатининг хусусияти ва вазиятнинг ўзга элементларини тасвирлаш учун қўлланилади.

Метеорологик шартли белгилар атмосферанинг табиий ҳолати ва унда кечаётган жараёни тавсифловчи метеорологик элементларни белгилаш учун хизмат қилади.

ШАРТЛИ НОМ (ПОЗЫВНОЙ) Алоқанинг техник воситалари орқали чақириш мобайнида ҳақиқий номни душмандан сир тутиш мақсадида бирлашма, қўшилма, қисм (кема, самолёт) ва бўлинмаларнинг алоқа узеллари

ва алоқа станциялари, шунингдек командирлар ва мансабдор шахсларга бериладиган – сўз ёки ҳарф ва рақамлар бирикмаси кўринишидаги ном. Шартли номни белгилаш, териш ва алмаштириш тартиби махсус йўриқномаларда белгиланади.

ШАРТЛИ ЯШИРИН ЖАВОБ (ОТЗЫВ) Шартли яширин савол билан биргаликда ҳарбий хизматчилар бир-бирларини танишлари учун восита бўлиб хизмат қиладиган махфий сўз, одатда аҳоли пунктининг номи.

Қисм штаби томонидан ҳар суткага ўрнатилиб, кўриқлов ва разведка бўлинмалари командирларига, оғзаки буйруқларни етказиш учун юборилаётган шахсга ва шу каби ўхшаш ҳолларда маълум қилинади.

Шартли яширин жавоб, биринчи бўлиб шартли яширин савол берган шахсдан ёки гуруҳдан сўралади.

Шартли яширин жавобни билмаган шахс қўлга олинади.

ШАРТЛИ ЯШИРИН САВОЛ (ПРОПУСК) Ҳарбий хизматчилар бир-бирларини таниш учун восита ҳисобланадиган, қисм штаби томонидан ҳар бир суткага шартли яширин жавоб билан биргаликда белгиланадиган махфий сўз. Шартли яширин савол сифатида, одатда қурол-аслаҳа ёки ҳарбий анжом номи хизмат қилади. Шартли яширин савол кўриқлов чизиғи орқали ўтаётган ва тунги вақтда бўлинма сарҳадида юрган шахслардан сўралади.

Шартли яширин саволни билмаган шахс қўлга олинади.

ШАРҚ (шарқ нуқтаси) (ВОСТОК (восточная точка)) горизонтнинг (дунё томонларининг) 4 асосий нуқтасидан бири, материк горизонтнинг осмон экватори билан кесишган нуқтаси. Шимолий ярим шарларда шимолга қараб турган кузатувчининг ўнг томонида (шимол ва жануб нуқталарининг ўртасида) бўлади. Шарқ (нем.Ost) ёки Е (инг. East) билан ифодаланади.

ШАССИ (ШАССИ) 1) транспорт, машина кабиларнинг қисмлари мажмуи, уларни ҳаракатлантириш ва бошқариш учун кучни двигателдан етакчи ғилдиракларга узатишга хизмат қилади; 2) самолётнинг учиш-қўниш қурилмаси. Гидросамолётларда шасси сифатида корпус ёки қалқович хизмат қилади; 3) металл япроқдан (масалан, гетинакс) ясалган панель, унга аппарат (радиоқабулқилгич, тўғрилагич кабилар) қисмлари маҳкамланади.

ШАТУН (ШАТУН) Эгри учли-сирғалгичли механизмнинг бўғини; поршень ёки сирғалгичнинг илгарилама-қайтма ҳаракатини эгри учли ёки тирсақли валнинг айланма ҳаракатига айлантириб беради.

ШАХДАМ ҚАДАМ (СТРОЕВОЙ ШАГ) Қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

бўлинма ва қисмлар тантанали марш билан ўтаётганида;

юриш давомида ҳарбийча салом берилганида;

ҳарбий хизматчининг бошлиқ олдига яқинлашиши ва унинг олдидан нари кетиши мобайнида;

сафдан чиқаётганда ва сафга қайтаётганда;

саф тайёргарлиги машғулотларида.

Шахдам қадам билан юриш тартиби Саф низомида белгилаб берилган.

ШАХС (ЛИЧНОСТЬ) 1) муносабатлар ва онгли фаолиятнинг субъекти – одам. 2) ижтимоий жихатдан аҳамиятли бўлган хислатларнинг барқарор

тизими. Бу хислатлар индивидни жамият аъзоси ёки муштараклик улуши белгилаб беради. Шахс тушунчасини “Индивид” (одамзоднинг битта вакили) ва “Индивидуаллик” (муайян шахсни бошқа барча шахслардан ажратиб турувчи хислатлар мажмуи) тушунчаларидан фарқлаш керак.

ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ (НЕПРИКОСНОВЕННОСТЬ ЛИЧНОСТИ) Фуқароларнинг конституцион ҳуқуқи.

Қонунда назарда тутилганидан бошқа тартибда ва ҳолларда ҳеч ким ҳибсга олиниши мумкин эмаслигини билдиради.

ШАХСИЙ БОҒЛАШ ПАКЕТИ (ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ ПЕРЕВЯЗОЧНЫЙ ПАКЕТ) Сув ўтказмайдиган резиналаштирилган қобик ичига кадоқланган пахта-докали стерилланган боғлам.

Яраланган ёки куйган ҳарбий хизматчи ўз-ўзига ва бир-бирига ёрдам кўрсатиш учун қўллаиди. Жанговар вазиятда ҳар бир ҳарбий хизматчига топширилади.

ШАХСИЙ БУЮМЛАР (ЛИЧНЫЕ ВЕЩИ) Кундалик турмуш тарзида қўлланиш учун зарур бўлган ашёлар, шу жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг взвод буюм сақлаш хонасида сақланаётган шахсий мулклари.

ШАХСИЙ ГУВОҲНОМА (УДОСТОВЕРЕНИЕ ЛИЧНОСТИ) Офицер ва сержантлар таркибига мансуб ҳарбий хизматчининг шахси, ҳарбий унвони ва лавозимини тасдиқловчи ҳужжат. Паспорт ўрнида ишлатилади. Унда ҳарбий хизматчининг унвони, лавозими каби асосий маълумотлар акс эттирилади.

Муддатли ҳарбий хизмат аскарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат – ҳарбий гувоҳнома ҳисобланади.

ШАХСИЙ ТАРКИБ (ЛИЧНЫЙ СОСТАВ) Ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифалари ҳамда ҳарбий қисм, муассаса каби ҳарбий ташкилотларда ёлланиб ишлаётган фуқаро шахслар. Шахсий таркиб – давлат қуроли кучлари жанговар кудратининг асоси, ҳарбий ташкилотининг асосий қисмидир.

ШАХСИЙ ТАРКИБ КЎРИГИ (ОСМОТР ЛИЧНОГО СОСТАВА) Ҳарбий қисм (кема) кун тартибида кўзда тутилган тадбир. Шахсий таркибни кўриқдан ўтказишнинг доимий шакли – ҳар куни ўтказиладиган эрталабки кўрик бўлиб, ҳарбий хизматчилар мавжудлиги, ташқи кўриниши, ҳарбий кийимнинг белгиланган русуми кийилганлиги ва шахсий гигиена қоидаларига риоя этилаётганлигини текшириш мақсадида ўтказилади. Бундан ташқари, шахсий таркиб кўриги, машғулот ва шахар таътилига чиқишдан олдин ва шу каби ўзга ҳолатда ўтказилади.

Шахсий таркиб кўригини ўтказиш тартиби Ички хизмат низомида белгиланган.

ШАХСИЙ ТАРКИБНИНГ РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ (ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПОДГОТОВКА ЛИЧНОГО СОСТАВА) Жангчи ва ҳарбий жамоанинг жанговар вазифани бажариши учун зарур бўлган рухий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган тадбирлар тизими. Мардлик, жасурлик, ўзини идора этиш, қатъийлик, бардошлилик, ташаббускорлик, иродалилик каби хусусиятларини шакллантиришга омил бўлади.

Рухий тайёргарлик давомида жангчи руҳиятининг жўшқинлик, хотира, таъсирчанлик, тасаввур этиш, сезиш, фараз қилиш, эътиборли бўлиш, хиссиёт, фикрлаш сифатлари, шунингдек замонавий жангда зарур бўлган нутқ, билим, кўникма ва одатлари такомиллашади.

ШАХСИЙ ҚУРОЛ (ЛИЧНОЕ ОРУЖИЕ) Қисқа масофаларда ўзини-ўзи химоя қилиш ва душманга ҳамла қилиш учун мўлжалланган шахсий қурол. Унга пистолет, револьвер, ханжар, қилич қабилар киради.

ШАХСИЙ ХИМОЯ ВОСИТАЛАРИ (ИНДИВИДУАЛЬНЫЕ СРЕДСТВА ЗАЩИТЫ) Шахсий таркиб организми, тери қопламалари ва кийим-кечагига захарловчи ва радиоактив модда ҳамда биологик воситалар тушишининг олдини олиш, ядро қуроли портлаши натижасида ҳосил бўладиган ёруғлик нурланишидан жароҳатланиш даражасини пасайтириш учун мўлжалланган – воситалар мажмуи.

Шахсий химоя воситаларига газниқоб, химояловчи ёпинчиқ ва пайпоқлар, шунингдек махсус кийимлар киради.

ШАХСИЙ ХУЖЖАТЛАРНИНГ ЙИҒМА ЖИЛДИ (ЛИЧНОЕ ДЕЛО) ҳарбий хизматчилар ҳисоби юритиладиган асосий ҳужжат.

Хизмат варақаси, таржимаи ҳол, белгиланган ўлчамли фотосуратлар, аттестация комиссияси томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар каби материаллардан иборат.

ШАҲОДАТНОМА (АТТЕСТАТ) Қуролли кучларда жорий этилган ҳужжат шакли бўлиб, мазкур ҳужжатни тақдим этаётган даъвогар моддий ёки молиявий воситалар билан қанча миқдорда ва қандай муддатга таъминланиши лозимлиги кўрсатилади. Шаҳодатнома қурол-аслаҳа, кийим-кечак, пул таъминоти ва шу қабиларга расмийлаштирилиб, ҳарбий хизматчи ҳамда оила аъзоларидан бирига (унга бериладиган таъминотнинг бир қисмини олиш ҳуқуқини берувчи шаҳодатнома) топширилади. Шаҳодатнома, шунингдек бошқа бирлашма тасарруфига ўтиб кетаётган ҳарбий қисмга (кемага) ҳам берилади.

ШИДДАТЛИ МАРШ (МАРШ-БРОСОК) Жанговар вазифани бажариш мақсадида қуруқликдаги кўшинлар бўлинмасининг кичик масофага тез кўчиб ўтиши.

Пиёда юриш ва югуриш амалларининг алмашинуви билан бажарилади. Шиддатли марш, жангчиларни машқ қилдириш усуллари билан бири ҳисобланиб, 4, 6, 10 км масофага, сафар анжомларининг тўла яроғлари ёки енгиллаштирилган юк билан ўтказилади.

ШИДДАТЛИ ХУЖУМ (ШТУРМ) (ШТУРМ) Душманнинг қалъа, шаҳар, таянч пунктлари каби ўта мустаҳкам муҳофаа марраларига (иншоотларига) қилинган шиддатли ҳужум. Душманнинг жонли кучи ва объектларини янчиб ташлаш мақсадида – артиллерия ва авиациядан, таянч пунктлари ва муҳофаа истехкомларини ўраб олиш, йўқ қилиш учун ҳужумкор гуруҳ ва отрядлардан фойдаланилади. Қалъаларни эгаллашда қадимдан қўлланилиб келинган. II жаҳон уруши даврида кучли мустаҳкамланган Кёнигсберг (бугунги Калининград), Берлин ва бошқа шаҳарлар ҳам штурм йўли билан олинган.

ШИМОЛ (шимол нуқтаси) (СЕВЕР (северная точка)) Материк уfqқнинг осмон меридиани билан кесишган нуқтаси. Дунёнинг шимолий кутбига яқин жойлашган.

ШИНА (ШИНА) 1) резина ғилдираклар; 2) махсус электр ўтказгичлар; 3) суяк, бўғим, юмшоқ тўқималар шикастланганда ва касалланганда уларни иммобилизациялаш учун ишлатиладиган мослама. Шиналар транспорт шиналари (шикастланган кишини даволаш муассасасига элтишда ишлатилади) ва даво шиналарига (зарарланган органни даволаш вақтида кимирлатмаслик учун) фарқ қилинади.

ШИНЕЛЬ (ШИНЕЛЬ) Аксарият давлатлар ҳарбий хизматчиларининг ҳарбий кийим русуми ашёларидан бири. Шинель турли газламалардан тайёрланиб, белгиланган ранг ва бичимга эга. Ҳарбий хизматчига тегишли фарқловчи нишонлар қадалган тарзда кийиб юрилади.

ШИФР (ШИФР) 1) қуролли кучларда техник алоқа воситалари орқали жанговар ҳужжатларни юборишда, шунингдек дипломатик вакилларнинг ўз ҳукуматлари билан олиб борадиган махфий ёзишмаларида қўлланиладиган шартли белгилар мажмуи (рақам ёки ҳарфлардан иборат шартли алифбе); 2) кутубхона шифрлари – китоблар сақланадиган бино тоқчаларидаги матбуот нашрлари (китоб ва журнал) ўрнининг шартли белгиси. Бевосита матбуот нашрларида ва каталог карточкаларида кўрсатилади.

ШИФРНИ ОЧИШ (ДЕШИФРОВКА) шифр, махфий ёзув ёки илгари ўқиб бўлмаган ёзувда битилган матнни ўқиш, маъносини тиклаш, тушуниш.

ШКАЛА (ШКАЛА) Ўлчаш асбобларининг ўлчанаётган катталик кийматларини кўрсатадиган белгилари ва рақамлари мажмуи.

ШКИВ (ШКИВ) Тасмали ёки арқонли узатма қисми, гардиши цилиндр, бочкасимон, шаклдор (понасимон тасмалар учун) кўринишга эга ғилдирак.

ШЛАГБАУМ (ШЛАГБАУМ) Автомобиль йўллари темир йўл изларини кесиб ўтадиган жойларда поезд ўтаётган пайтда ён томондаги транспорт қатновини тўхтатиб туришга хизмат қиладиган тўсиқ. Темир йўл изидан камида 10 м нарида ўрнатилади. Дастаки ёки механик усулда кўтариладиган, суриладиган, ёғоч ёки металлдан тайёрланган турлари бор. Поездлар кўп қатнайидиган жойларда автомат шлагбаум ўрнатилади. Автомат шлагбаум поезд яқинлаша бошлаганда автоматик тарзда тушиб, ён томондаги йўлни тўсади. Шлагбаумлар қоронғида аниқ кўриниб турадиган ёритгич сигналларга эга бўлади.

Назорат қилиб туриладиган автомобиль йўлларида ҳам шлагбаум ўрнатилади.

ШЛЁМ (ШЛЕМ) Ҳарбий хизматчи бошини зарба, шовқин, паст ва юқори ҳароратдан сақловчи химоя бош кийими. Учувчи, танкчи, сув ости денгизчиси каби мутахассислик эгаларининг махсус анжомлари таркибига киради.

ШЛЁМОФОН (ШЛЕМОФОН) Микрофон, иккита телефонли қулоқчин ва ларингофонларга эга махсус шлём. Кучли шовқинлар мавжудлигида учувчи, танкчи, сув ости денгизчиси каби мутахассислик эгалари икки томонлама алоқа боғлаб боришлари учун қўлланилади.

ШЛИЦЛИ (ЙИРМОЧЛИ) БИРИКМА (ШЛИЦЕВОЕ СОЕДИНЕНИЕ)

Машина деталларининг бирикмаси, бир қисмдаги (валдаги) тишлар бошқа қисмдаги ариқчаларга (йирмочларга) кириб туради. Йирмочли бирикма деталлари бир-бирига нисбатан қўзғалувчан ва қўзғалмас бўлиши мумкин.

ШЛЮПКА (ШЛЮПКА) Эшкакли, елканли, моторли ва палубасиз кичик қайиқларнинг умумий номи. Шлюпка:

хизматга оид – кемадаги;

қутқарувчилар шлюпкаси;

спорт шлюпкаси турларига;

эшкаклар сонига кўра – баркас (22 донагача эшкак), катер (10-16 донагача эшкак), вельбот (4-8 донагача эшкак), ял (2-6 донагача эшкак) ва тузикларга (2 донагача эшкак) бўлинади.

Ёғоч, металл, пластмассадан, шишириладигани эса – резина матолардан тайёрланади. Ҳар бир шлюпка ўз тартиб рақамига эга, яъни кеманинг ўнг бортига ўрнатилган шлюпкалар – тоқ рақамлар, чап бортига ўрнатилган шлюпкалар эса – жуфт рақамлар билан белгиланади.

ШОМПОЛ (ШОМПОЛ) Ўқли қурол стволининг канали ва бошқа қисмларини тозалаш ва мойлаш учун мўлжалланган, металл, ёғоч ёки қурама ашёлардан тайёрланган ўзак. Шомпол, одатда ствол остида (милтиқ, автоматда), тиргак оёғига (пулемётда) ёки қинга (пистолет, револьверда) маҳкамланади (бириктирилади).

ШРАПНЕЛЬ (ШРАПНЕЛЬ) Шарсимон ўқ, найзача каби шикаст етказувчи элементлар билан тўлатилган артиллерия снаряди. Вужудга келиши картеч снарядидан (1803 й.) бошланган. XX асрнинг 40- йилларида пайдо бўлган парчаланувчан ва фугасли-парчаланувчан снаряд 60- йилларга келиб шрапнель русумидаги артиллерия снарядининг ўрнини эгаллади.

ШТАБ (ШТАБ) Қўшинни (кучларни) жанговар вазиятда бошқарадиган ва кундалик фаолиятидаги таълим-тарбия жараёнини идора қиладиган асосий орган. Штаб:

умумқўшин штаби;

қуролли кучлар тури штаби;

қўшин тури штаби;

махсус қўшин штабига бўлинади.

Батальон, бригада ва ундан юқори поғоналарда мавжуд. Бажарадиган вазифалари:

қўшинлар (кучлар) ва бошқарув органларининг доимий жанговар ва сафарбарлик шайлигини тутиб туриш;

вазият тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, ўрганиб чиқиш ва қайта ишлаш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш.

Аксарият давлатларнинг қуролли кучларида штабларнинг қуйидаги тизими ташкил қилинган:

штаб бошлиқларининг бирлашган қўмитаси;

қуролли кучлар бирлашган штаби;

қуролли кучлар тури штаби;

қуролли кучлар фронт орти штаби;
 бош штаб;
 қўшин тури ва махсус қўшин штаби;
 бирлашма, қўшилма, қисм ва бўлинма штаблари ва ҳ.к.

Ҳарбий-денгиз флотида:

кемалар дивизиони, бригадаси, дивизияси, эскадраси, флотилияси штаблари;

ҳарбий-денгиз флоти тури штаби;

ҳарбий-денгиз флоти бош штаби мавжуд.

ШТАМП (ШТАМП) 1) муассасанинг ҳужжатлари ва хизматга доир расмий қоғозларида акс этадиган, одатда, уларнинг бурчакларига босиладиган, шу муассасанинг номи туширилган муҳр (расмий қоғозларга босиладиган тўртбурчак муҳр); 2) қолиплаб (штамповка қиладиган, қолиплайдиган металл мослама билан) буюмлар олишда ишлатиладиган қурол. Қолипнинг иш органи буюм сиртининг шаклида бўлади; 3) сийқаси чиққан (чайналган, шаблон бўлиб қолган, бир қолипдаги) сўз, ибора, фикр ва ҳ. к.

ШТАТ (ШТАТ) Ҳарбий қисм, муассаса, ташкилот, корхона ходимлари шахсий таркибининг рўйхати. Штат юқори орган томонидан тасдиқланади. Ҳар бир ҳарбий қисм, муассаса ва корхонада ўзининг штат рўйхати бўлиб, унда бошқарув тузилиши, штат лавозимларининг номлари, ҳар бир лавозимдаги ҳарбий хизматчи, ишчи ва хизматчилар маошининг миқдори белгиланади.

ШТИФТ (ШТИФТ) Цилиндрик ёки конуссимон ўзак; деталларни кўзгалмас қилиб бириктиришда ёки йиғилган жойида қимирламайдиган қилиб қўйишда ишлатилади.

ШТУРВАЛ (ШТУРВАЛ) Ғилдирак кўринишидаги бошқариш органи. Самолётда (электронлар ва баландлик руллари билан бошқаришда), кемада (буриш рулини бошқаришда), автомобилда (қувурли ўтказгичлардаги тўсма қопқоқларни бошқаришда) ва бошқаларда ишлатилади.

ШТУРМАН (ШТУРМАН) Махсус тайёргарликдан ўтган, кеманинг аниқ ва ҳавфсиз сузиши ёки бошқариладиган учиш аппаратининг бошқарилуви ва жанговар манёврени таъминлайдиган – флот ва авиациядаги мансабдор шахс. Шу билан бирга штурман, навигация асбобларининг техник созлиги, улардан тўғри фойдаланишга масъул бўлиб, қуролни қўллаш учун зарур бўладиган маълумотларни тайёрлаб беради. Ҳарбий-ҳаво кучларида кўп ўринли учиш аппаратидаги асосий қуролни штурман бошқаради.

Кема ва учиш аппаратининг штурманидан ташқари қисм, қўшилма, бирлашманинг катта штурман ва флагман штурмани, ҳарбий-денгиз флоти ва ҳарбий-ҳаво кучларидаги штурманлик хизматини тегишли поғонада идора этувчи – бош штурманлар мавжуд.

ШТУЦЕР (ШТУЦЕР) 1) ичи бурама кертикли ёки кесмали милтиқ; 2) сирти бурама кертикли бириктирувчи қисқа қувур парчаси. Штуцер ёрдамида қувурларни резервуарлар, аппаратлар, қувурлар кабиларга бириктириш мумкин.

ЭВАКУАЦИЯ (ЭВАКУАЦИЯ) Жанговар ҳаракатлар ва оммавий қирғин қурол таъсири остида қолган ҳудуддан ярадор, бемор ва асирлар, аҳоли, моддий бойликлар, таъмирлаш керак бўлган ҳарбий мулк қабиларни қуролли кучлар фронт ортига жўнатиш.

ЭЖЕКТОР (ЭЖЕКТОР) 1) буғ кучи билан ишлайдиган механизм; 2) газ ёки суюқликларни сўриш учун бошқа газ ёки суюқликнинг кинетик энергиясидан фойдаланадиган аппарат. Газ ва суюқликларни ҳайдаб берадиган кўп машиналарда (оқимли насосларда) ишлатилади.

ЭКВИВАЛЕНТ (МУҚОБИЛ) (ЭКВИВАЛЕНТ) Бирор нарсанинг ўрнини боса оладиган ёки унинг ифодаси бўлиб хизмат қиладиган тенг баҳоли, тенг қимматли нарса ёки миқдор (масалан, радиореле алоқасида антенна ўрнига қўлланилади).

ЭКИПАЖ (ЭКИПАЖ) 1) аксарият давлатлар қуролли кучларининг танк, пиёдалар жанговар машинаси, самолёт қабиларга бевосита хизмат кўрсатадиган бирламчи (энг қуйи) бўлинмаси; 2) кема шахсий таркиби.

ЭКСТРЕМИЗМ (ЭКСТРЕМИЗМ) Асосан сиёсатда ашаддий, фавқулодда тадбир ва қарашларга тарафдорлик.

ЭЛЕКТР (ЭЛЕКТР) Зарядланган зарраларнинг мавжудлиги, ҳаракати ва электр магнит майдон ёрдамида ўзаро таъсири сезиладиган ҳодисалар мажмуи. Электр ҳақидаги фан физиканинг асосий бўлимларидан бири ҳисобланади. “Электр” атамасининг маъноси физика ва техниканинг ривожланиши жараёнида ўзгара борди.

ЭЛЕКТР АЛОҚА (ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ СВЯЗЬ) Сим (симли алоқа) ёки (ва) радиосигналлар (радиоалоқа) орқали электр сигналлари ёрдамида ахборотлар узатиш. Электр алоқага оптик тизимлар ёрдамида маълумотлар узатиш ҳам қиради. Электр алоқанинг асосий турлари: телефон; телеграф; факсимиль алоқа; маълумотлар узатиш (телевизион кодли алоқа); видеотелеграф алоқаси.

ЭЛЕКТР АЛОҚА КАНАЛИ (узатиш канали) (КАНАЛ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ СВЯЗИ) 1) ҳар қандай ахборотни жўнатувчидан қабул қилувчига узатишни таъминлайдиган техник қурилмалар мажмуи, сим бўйича тарқаладиган электр сигналлари ёки радиосигналлар ёрдамида амалга оширилади. Алоқа тизимларининг вазифасига қараб, электр алоқа канали:

телеграф;

телефон;

факсимиль;

телевизион;

симли;

радиоэшиттириш;

маълумотлар узатиш турларига бўлинади.

Одатда электр алоқа каналлари гуруҳлатиб, кўп каналли алоқа тизимлари ҳосил қилинади; 2) муайян маълумотни узатиш учун маълум алоқа тизимида ажратиладиган частоталар йўлаги, узатиш вақти ёки бошқа физикавий ресурслар.

ЭЛЕКТР ВАКУУМ АСБОБЛАРИ (ЭЛЕКТРОВАКУУМНЫЕ

ПРИБОРЫ) Электр магнит энергияни турлича ўзгартириш (генерациялаш, кучайтириш) учун хизмат қиладиган асбоблар. Электр вакуум асбоблари жумласига вакуум электрон асбоблар (электрон лампалар, магнетронлар, клистронлар, электрон-нур асбоблари, рентген қувурчалар), газ-разряд асбоблари (ион асбоблари) киради.

ЭЛЕКТР ГЕНЕРАТОРИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ ГЕНЕРАТОР) Турли (механик, кимёвий, иссиқлик) энергияни электр энергияга айлантириб берадиган қурилма. Халқ хўжалигида фойдаланиладиган деярли барча электр энергияни электромашини генераторлари ишлаб чиқаради.

ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ ДВИГАТЕЛЬ) Электр энергияни механик энергияга айлантириб берадиган электр машина. Саноатда, транспортда, турмушда ишлатиладиган асосий двигатель. Ўзгармас ва ўзгарувчан ток электр двигатели ёрдамида ҳосил бўлади. Синхрон ва асинхрон двигателларга бўлинади. Электр двигатели қуввати Вт нинг ўнларча улушидан то ўнларча МВт гача.

ЭЛЕКТР ЁЙИ (Вольта ёйи) (ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ ДУГА) Газда ёрқин нурланадиган плазма “олови” тарзида пайдо бўладиган электр разряди. В.В. Петров 1802 йилда биринчи бўлиб кузатган. Металларни эритиш ва пайвандлашда, ёритиш каби мақсадда ишлатилади. Юқори кучланиш занжири узилганда пайдо бўладиган электр ёйи зарарли ҳодиса ҳисобланади.

ЭЛЕКТР ЗАРЯДИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ ЗАРЯД) Зарядланган зарраларнинг электр магнит ўзаро таъсири жадаллигини аниқлайдиган катталиқ, электр магнит майдон манбаи. Ҳар қандай зарядли жисмлар электр зарядга бутун қаррали бўлади. Берк тизимнинг тўлиқ электр заряди ҳар қандай ўзаро таъсирларда ҳам сақланади.

ЭЛЕКТР КУЧЛАНИШИНИ УЗАТИШ ЙЎЛЛАРИ (ЛИНИЯ ЭЛЕКТРИЧЕСКИХ ПЕРЕДАЧ) Электр станцияларидан истеъмолчиларга электр энергия узатиш учун мўлжалланган йўллар. Қурилмалар, симлар (кабеллар) ва қўшимча воситалардан (тиргаклар, изоляторлардан) иборат.

ЭЛЕКТР ЛАМПА (ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ ЛАМПА) Электр энергияни оптик нурланиш энергиясига айлантирадиган сунъий ёруғлик манбаи. Электр лампада нурланиш манбаи сифатида юқори ҳароратгача қизиган ўтказгич, газдаги ёки металл буғидаги электр разряди ёхуд люминафор хизмат қилиши мумкин.

ЭЛЕКТР МАГНИТ (ЭЛЕКТРОМАГНИТ) Электр занжирига уланганда ўзаги магнитланадиган электротехник қурилма, ток ўтказувчи чулғамли ферромагнит ўзакдан иборат. Электр магнит электр машина ва аппаратлар, автоматика қурилмалари кабиларда магнит оқими ҳосил қилиш учун, шунингдек турли тадқиқотларда магнит майдонлари ҳосил қилиш учун ишлатилади.

ЭЛЕКТР МАГНИТ МАЙДОН (ЭЛЕКТРОМАГНИТНОЕ ПОЛЕ) Материянинг алоҳида шакли.

Зарядланган зарралар орасидаги ўзаро таъсир электр магнит майдон орқали амалга ошади. Электр ва магнит майдонларининг кучланганлиги

(ёки индукцияси) билан белгиланади.

ЭЛЕКТР МАГНИТ РАКЕТА ДВИГАТЕЛИ (ЭЛЕКТРОМАГНИТНЫЙ РАКЕТНЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Иш жисми плазма ҳолатида бўладиган ва электр магнит майдон таъсирида тарқаладиган электр ракета двигателли. Солиштирма импульси 15-100 км/сония.

ЭЛЕКТР МАГНИТ ТЎЛҚИНЛАР (ЭЛЕКТРОМАГНИТНЫЕ ВОЛНЫ) Муҳитнинг хоссаларига боғлиқ ўлароқ фазода чекли тезлик билан тарқалувчи электр магнит майдон. Электр магнит тўлқинларнинг вакуумда тарқалиш тезлиги $c \approx 300000$ км/сония. Бир жинсли изотроп муҳитларда электр магнит тўлқинларнинг электр (E) ва магнит (H) майдонлари кучланганлиги бир-бирига ва тўлқинларнинг тарқалиш йўналишига перпендикуляр яъни электр магнит тўлқинлар кўндаланг тўлқинлардир. Тўлқин узунлиги λ га қараб электр магнит тўлқинлар:

радиотўлқинлар ($\lambda > 10^{-2}$ см);

ёруғлик тўлқинлари [инфрақизил нурлар ($\lambda \approx 5 \cdot 10^{-2} - 7,4 \cdot 10^{-5}$ см), кўринадиган ёруғлик ($\lambda \approx 7,4 \cdot 10^{-5} - 4 \cdot 10^{-5}$ см);

ультрабинафша нурланиш ($\lambda \approx 4 \cdot 10^{-5} - 4 \cdot 10^{-6}$ см)];

рентген нурланиш ($\lambda \approx 10^{-5} - 10^{-12}$ см);

гамма нурланишга ($\lambda < 10^{-8}$ см) бўлинади.

Электр магнит тўлқинлар муҳитдан ўтганда қайтиши, синиши, улар билан дифракция ва интерференция, дисперсия ва бошқа жараёнлар содир бўлиши мумкин.

ЭЛЕКТР МАЙДОНИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКОЕ ПОЛЕ) Электр магнит майдон ҳосил бўлишининг хусусий шакли, уни электр зарядлари ёки ўзгарувчан магнит майдони вужудга келтиради.

ЭЛЕКТР МАШИНАСИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ МАШИНА) Электр магнит индукция ҳодисасига асосланиб ишлайдиган машина. Механик энергияни электр энергияга (генератор), электр энергияни механик энергияга (двигатель), ёки бўлмаса бир кўрсаткичли (кучланишли, частотали) электр энергияни бошқа кўрсаткичли электр энергияга (масалан, частота ўзгартиргич) айлантириб беради. Ҳар қандай электр машинасининг иши – қайтар жараёнли, бироқ одатда улар муайян иш режимига мўлжаллаб ишлаб чиқарилади.

ЭЛЕКТРОД (ЭЛЕКТРОД) Электрон асбоб ёки электротехника асбобининг (ускунаси, қурилмасининг) конструктив элементи, асбобнинг иш муҳитига (вакуум, газ, ярим ўтказгич ёки суюқликка) келадиган электр занжири қисмини ташқи занжир билан гальваник боғлайди. Электрод турлари: катод, фотокатод, анод, тўр, диод, пайвандлаш электроди, печь электроди (ёй печларида) ва бошқалар.

ЭЛЕКТРОЛИТЛАР (ЭЛЕКТРОЛИТЫ) Электр токини ўтказма оладиган даражада муайян ионлари бўлган суюқ ёки қаттиқ модда ва тизимлар. Тор маънода – эритмалари электролитик диссоциация натижасида ҳосил бўладиган ионлар ёрдамида электр токи ўтказувчан тузлар.

Тирик организмларнинг барча суюқ тизимларида мавжуд бўлиб, кўпчилик кимёвий синтезлар ўтувчи муҳит вазифасини бажаради.

Электродитларнинг муҳим синфи – полиэлектродитлар.

ЭЛЕКТРОН ЛАМПА (ЭЛЕКТРОННАЯ ЛАМПА) Бир неча электродли (диод, триод, тетрод, пентодли) электр вакуум асбоби, унда вакуумда харакатланадиган электронлар оқими ҳосил қилинади ва шу оқим бошқарилади. Чиқиш кучланишига қараб электрон лампа қабул қилувчи-кўпайтирувчи (10 вт дан ортиқ эмас) ва генерацияловчи (10 вт дан ортиқ) турларга бўлинади. XX асрнинг 70- йилларида қабул қилувчи-кучайтирувчи электрон лампаларни ярим ўтказгич асбоблар сиқиб чиқарди.

Генератор электрон лампаси эса – радиоузаткич, ўлчаш асбоб, экспериментал физикавий қурилма кабиларда ишлатилади.

ЭЛЕКТРОН-НУР ТРУБКАСИ (ЭЛЕКТРОННО - ЛУЧЕВАЯ ТРУБКА) Электр сигналларини, масалан кўринадиган тасвирларга (осциллографик, индикаторли электрон-нур трубкаси, кинескоплар) ёруғлик тасвирларини телевизион сигналларга (узатувчи телевизион трубкалар) айлантириб бевуви электрон-нур асбобларининг техникадаги эски номи.

ЭЛЕКТР РАЗРЯДИ (газларда) (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ РАЗРЯД) Электр майдони таъсирида газдан электр токининг ўтиши. Газларнинг ток ўтказувчанлик хусусияти шундан иборатки, газларда электр разрядининг ўзи ток ташувчилар – эркин электронлар ва ионларни ҳосил қилади ҳамда уларнинг концентрацияси (тўпланиши) ва газ ҳажми бўйича тақсимланишини таъминлайди. Газ босими, тури, электродлардаги жараёнлар, разряд токининг зичлиги ва бошқаларга кўра сокин, тутовчи, ёй, учкун, попук, тож разряд турлари, энергиянинг қандай берилиши усулларига кўра ўзгармас токдаги разряд, паст частотали ўзгарувчан токдаги разряд, юқори частотали разряд ва импульс разряд турлари бор.

ЭЛЕКТР РАКЕТА ДВИГАТЕЛИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ РАКЕТНЫЙ ДВИГАТЕЛЬ) Тортиш кучини ҳосил қилиш учун энергия манбаи сифатида космик учиш апаратининг борт электр қурилмаси электр энергиясидан фойдаланилади.

Электр ракета двигателининг электротермик, электростатик ва электр магнит турлари бор.

ЭЛЕКТР РЕАКТОРИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ РЕАКТОР) қисқа туташув токини чеклаш ва тармоқда қисқа туташув юз берганда тақсимлаш қурилмалари шиналарида етарли кучланишни тутиб турувчи юқори вольтли электр апарати. Индуктивлик ғалтаги каби ясалади.

ЭЛЕКТР ТЎҒРИЛАГИЧ (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЙ ВЫПРЯМИТЕЛЬ) Ўзгарувчан электр токини ўзгармас токка айлантирувчи қурилма. Токни тўғрилаш одатда электр вентиль билан амалга оширилади, унинг турига кўра: вакуумли; газ-разрядли; ярим ўтказгичли; симобли; электр контактли бўлади. Автоматика, телемеханика, радиотехника қурилмаларида (бир фазали электр тўғрилагич) ва кучли саноат қурилмаларида (уч фазали электр тўғрилагич) қўлланилади.

ЭЛЕКТР ЧИЗМАСИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ СХЕМА) Электротехник ёки радиотехник қурилма, тармоқ чизмаси, уларнинг тузилишини ва элементлараро электр боғланишни акс эттиради.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ (ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ ЭНЕРГИЯ) Электр станциясидан электр тармоғига узатиладиган ёки тармоқдан истеъмолчи оладиган энергия микдорини англатувчи атама. Ўлчов бирлиги – соатига киловатт (кВт/с).

ЭЛЕКТР ЎТКАЗГИЧЛАР (ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ ПРОВОДНИКИ) Ўзида жуда кўп ҳаракатчан зарядли зарралари бўлганлиги сабабли электр токини яхши ўтказадиган моддалар. Электр ўтказгичлар: электрон (металлар, ярим ўтказгичлар); ион (электролитлар); аралаш (ҳам электронлар, ҳам ионлар ҳаракатланадиган плазма каби) ўтказгичларга бўлинади.

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ (ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ МОЩНОСТЬ) Электр токнинг вақт бирлиги ичида бажарган иши. Ўзгармас ток занжирида электр қуввати кучланиш ва ток кўпайтмасига тенг. Электр қуввати куйидагича турланади:

Ўзгарувчан кучланиш ва токнинг оний қийматлари кўпайтмаси – оний қувват;

қувватнинг маълум вақт ичидаги ўртача қиймати – актив қувват;

оқиб турган ток ва кучланиш қийматлари кўпайтмаси – тўлиқ қувват;

синусоидал ток учун ток ва кучланиш орасидаги фазалар силжишининг синус бурчагига тўлиқ қувватнинг кўпайтмаси – реактив қувват деб аталади.

ЭЛЕКТР ҚАРШИЛИК (ЭЛЕКТРИЧЕСКОЕ СОПРОТИВЛЕНИЕ) Электр занжирининг (ёки унинг бир қисмининг) электр токига кўрсатадиган акс таъсирини ифодалайдиган катталиқ. Электр қаршилиқ электр энергиянинг бошқа тур энергияга айланишига боғлиқ: қайтмас ўзгаришларда (кўпинча иссиқликка айланганда) электр қаршилиқ *актив қаршилиқ*, энергиянинг электр ёки магнит майдонига узатилиши (ва аксинча) билан боғлиқ бўлган электр қаршилиқ *реактив қаршилиқ* дейилади.

ЭЛТУВЧИ РАКЕТА (РАКЕТА – НОСИТЕЛЬ) Кўп босқичли бошқариладиган баллистик ракета, космосга фойдали юкни (ЕСЙ, космик кема, сайёралараро автоматик станцияларни) чиқаришда фойдаланилади.

Элтувчи ракета фойдали юкка 1 ёки 2 космик тезликка яқин ёки уларга тенг тезлик беради. Траекториянинг фаол қисмида ҳозирги элтувчи ракеталарнинг учиш давомийлиги 17 дақиқага яқин, старт массаси 3000 т (90% гача вазнини ёнилғи ташкил қилади), Ер атрофидаги орбитага олиб чиқа оладиган фойдали юкнинг массаси 140 т гача.

ЭМБЛЕМА (ЭМБЛЕМА) Муайян тушунчани акс эттирадиган, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мулкнинг тегишли қуролли кучлар тури, қўшин (куч), махсус қўшин ва хизмат турларига мансублигини билдирадиган шартли рамзий тасвир. Айрим ҳолларда эмблема қуролли кучларнинг қайси давлатга мансублигини ҳам билдиради. Масалан, ўзбек жангчилари бош кийимига тақиладиган саккиз қиррали юлдуз ичига тасвирланган ярим ой билан юлдуз, қанотларини ёзиб турган хумо қуши, икки дарё ўртасидаги мамлакат узра барқ уриб турган қуёш – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг белгисидир. Эмблема ҳарбий хизматчиларнинг фарқловчи нишонлари таркибига киритилган элементларнинг бири сифатида ҳарбий кийимда белгиланган жойларга тақилади (тикилади). Шунингдек эмблема байроқ,

ҳарбий техника, ҳарбий ҳужжат кабиларда тасвирланиши мумкин.

Қадимда кўлланилган эмблемалар кўшинларни аниқроқ таниш ва жангни бошқаришни енгиллаштириш учун хизмат қилган.

ЭРТАЛАБКИ КЎРИК (УТРЕННИЙ ОСМОТР) Ҳарбий қисмда жорий этилган кун тартибининг кундалик тадбири бўлиб бевосита командир томонидан одатда взвод (батарея) таркибида ўтказиладиган тадбир. Эрталабки кўрик давомида барча ҳарбий хизматчиларнинг мавжудлиги, ташқи кўриниши ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилаётганликлари текширилади.

ЭСКАДРА (ЭСКАДРА) 1) денгиздаги (океандаги) ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонининг муайян қисмида жанговар ҳаракатлар юритиш учун мўлжалланган ҳарбий-денгиз флотининг (ҳарбий-ҳаво кучларининг) оператив-тактик кўшилмаси (бирлашмаси).

Эскадра таркибига турли синфларга мансуб жанговар ва таъминот кемалари кириши мумкин; 2) олис юриш ёки экспедициядаги кемалар гуруҳи (кўшилмаси).

ЭСКАДРИЛЬЯ (ЭСКАДРИЛЬЯ) Таркибига одатда бир русумга мансуб самолёт ёки вертолётлар (10 дан 24 гача) киритилган, авиациянинг бир неча звеноларидан (отрядларидан) иборат асосий тактик авиация бўлинмаси.

ЭСКОРТ (ЭСКОРТ) 1) кузатиш ва кўриқлаб бориш учун тайинланган ҳарбий бўлинма (самолёт ёки кемалар гуруҳи); 2) денгиздаги транспорт кемаларини кўриқлаб бориш учун тайинланган ҳарбий-денгиз флотига мансуб кемалар гуруҳи; 3) юқори мартабали давлат арбоби ва нуфузли ҳарбий саркардани кузатиб бориш, ҳарбий хизматчини дафн этиш мобайнида ҳарбий эҳтиром кўрсатиш учун тайинланган фахрий эскорт.

ЭСТАКАДА (ЭСТАКАДА) Кўприксимон ер (сув) усти иншооти. Транспортни (пиёдаларни) ўтказиш, муҳандислик коммуникациялари ётқизиш кабиларга мўлжалланади. Темир-бетон, пўлат, ёғочдан қурилади.

ЭСТЕТИКА (ЭСТЕТИКА) Инсон билан дунё ўртасидаги қадрият муносабатининг ўзига хос томонларини ва кишиларнинг бадиий фаолияти соҳасини ўрганувчи фалсафий фан.

ЭСТЕТИК ТАРБИЯ (ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ) Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари жангчиларининг воқеликда ҳам, санъатда ҳам гўзалликка мойиллик сифатларини мақсадли тарзда шакллантириб бориш жараёни. Тарбиявий ишларнинг таркибий қисми.

Эстетик тарбиянинг илмий-услубий замири инсоннинг амалий фаолиятига асосланади. Жангчиларнинг эстетик тарбиясида гўзал, юксак, олижаноб, қаҳрамонона ва фожиали тушунчалар, ҳис-туйғулар таърифи кўлланилади. Нафосат фожиа орқали ҳам очиб берилади. Бунда гўзалликнинг қарши кучлар билан фаол курашида мағлуб (ёки ҳалок) бўлиши билан бадиийликни таърифлаш мумкин.

Қурулли Кучлар шахсий тартибининг эстетик тарбияси шахснинг ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишдаги умумий қонуниятлардан фойдаланган ҳолда ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг фаолияти юксак маънавий ва эстетик мазмунга эга, чунки уларнинг ҳарбий хизмати ўзбек халқининг юксак ғояларни ҳаётга татбиқ этиш учун кураши ва мустақиллик ютуқларини қуролли ҳимоя этиш билан боғлиқдир. Жангчиларнинг кундалик ҳаётидаги гўзаллик манбалари бўлиб, аскарий ҳаёт тарзи, ҳарбий анъаналар, қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг эстетик элементлари хизмат қилади.

Жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тарбиявий иш соатлари ва армиядаги оммавий-спорт тадбирлари жангчиларнинг эстетик тарбияси манфаатларига хизмат қилади.

ЭТАЛОН (ЭТАЛОН) Бирор катталик бирлигини ифодалаш, сақлаш ва узатишга хизмат қиладиган ўлчов ёки ўлчаш асбоби (андаза, намуна). Мамлакат миқёсида намуна сифатида қабул қилинадиган эталон давлат эталони деб аталади.

ЭТИКА (ЭТИКА) Ахлоқни ўрганувчи фалсафий фан. Тадқиқотнинг алоҳида бир соҳасини ифодаловчи атама қилиб дастлаб Аристотель ишлатган. Этика кўпинча инсон табиати ҳақидаги фан деб тушунилган, антропологияга (одамнинг келиб чиқиши ва эволюцияси, жисмоний тузилиши ва ирқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фанга) тўғри келади.

ЭТИКЕТ (ЭТИКЕТ) Бирор жойда (дастлаб муайян ижтимоий доиралар, масалан подшо саройи, кейинча дипломатик доиралар кабиларда) қабул қилинган ўзаро муомала тартиби.

ЭШЕЛОН (ЭШЕЛОН) 1) қўшинлар жанговар тартибининг (оперативлик жиҳатдан тортган сафининг) элементи. Жанговар тартибда битта ёки бирин-кетин жойлаштирилган бир неча эшелонлар бўлиши мумкин; 2) давлат қуролли кучларининг урушдаги стратегик масалаларни ҳал этиш учун мўлжалланган муайян қисми; 3) битта темир йўл поездиде ёки кемада ташиб кетилаётган ҳарбий қисм ёки бир неча бўлинмалар; 4) авиация қисми бир базадан ўзга базага кўчириб ўтказилаётганида янги аэродромга:

учиб бораётган самолёт ва вертолётлар – *парвоздаги эшелонни*;

темир йўл транспорти ёки автомобилларда ташиб кетилаётган бўлинмалар эса – *ердаги эшелонни* ташкил этади; 5) парвозлар хавфсизлиги манфаатларида хаво трассаларида белгиланадиган – самолётлар парвозининг баландлиги.

Юришдаги қўриқлов бўлинмаси томонидан ҳимоя этилади.

ЮК ТУШИРИШ ВА ОРТИШ БАЗАСИ (ПЕРЕВАЛОЧНАЯ БАЗА) Транспортнинг бир туридан иккинчи турига ёки темир йўлнинг бир изидаги транспортдан иккинчи изидаги транспортга ҳарбий юкларни тушириб ортиш амалларини ташкил қилувчи ва бажарувчи қуролли кучлар фронт орти муассасаси. Ушбу база юкларни қайта юклаш ҳудудида ташкил этилиб, таркибига юк кўтарувчи ва кўтариб ташувчи техника билан таъминланган алоҳида қисмлар киради.

ЮРИШДАГИ ҚЎРИҚЛОВ (ПОХОДНОЕ ОХРАНЕНИЕ) Қўриқланаётган қўшин (куч) яқинига душман разведкасининг сингиб киришига йўл қўймаслик, душманнинг дафъатан ҳужум уюштиришидан

химоя этиш ва бўлинмаларимиз ёйилиб, жангга киришиш учун қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этиладиган – маршдаги кўшинни муҳофаза этишнинг бир тури. Юришдаги кўриқлов органлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- авангард;
- олдинги застава;
- ён томонлардаги заставалар;
- ортда келадиган застава;

ЮРИШ ЙЎЛАГИ (ХОД СООБЩЕНИЯ) Жангчиларнинг траншеялар ва бошқарув пунктлари орасида пинхона юриши, қуролли кучлар фронт орти билан алоқа боғлаши учун мўлжалланган брустверга эга тор хандак кўринишидаги очиқ иншоот.

Юриш йўлаги тубининг эни 40-70 см, юқори қисми эса – 90-110 см ўлчамларида траншея қазииш машинаси билан ёки қўлда:

- эмаклаб юриш учун 60 см;
- эгилиб юриш учун 110 см;
- тик юриш учун 150 см чуқурликларда қазилади.

ЮРИШ КОЛОННАСИ (ПОХОДНАЯ КОЛОННА) Қисм ва бўлинмаларнинг бир йўналишдаги маршда юришлари учун саф тортиши.

ЮРИШ САФИ (ПОХОДНЫЙ СТРОЙ) Бўлинмаларнинг низом ёки командир томонидан белгиланган дистанцияда колоннага бирин-кетин саф тортиши. Юриш сафи:

секцияда – бир ёки икки колонналик;

гурухда – уч колонналик (тўртта секцияга эга гурухнинг сафи – тўрт колонналик);

взводда – уч (тўрт) ёки икки колонналик;

батальонда – взводлар, артиллерия, махсус ва қуролли кучлар фронт орти таъминоти бўлинмаларининг уч (тўрт) колоннасидан иборат, олдинда бораётган бўлинманинг сўнги шеренгасидан ортда келаётган взводнинг командирига қадар икки қадамлик дистанцияда бирин-кетин саф тортган юриш сафидан ташкил топган.

ЮРИШ ТАРТИБИ (ПОХОДНЫЙ ПОРЯДОК) Бўлинма, қисм ва кўшилмаларнинг кучайтириш воситалари билан биргаликда, маршда юриш учун тортган сафи. Юриш тартиби:

- кўшинлар ҳаракатининг катта тезлиги;
- жанг олди ва жанговар тартибга зудлик билан ёйилиши;
- оммавий қирғин қурол ва авиация зарбасига бардошли бўлиш;
- шахсий таркиб ва ҳарбий техника асралиши;
- кўшинларнинг ишончли бошқарилуви ва барқарорлигини таъминлайди.

Юриш тартиби, авиация ҳарбий қисм ва кўшилмаларидан ташқари, қуролли кучларнинг барча турида қўлланилади. Юриш тартибининг таркибига:

- илғор отряд;
- юришдаги кўриқлов бўлинмаси;
- асосий кучлар колонналари;

қуrolли кучлар фронт орти қисмлари ва техник таъминот бўлинмалари колонналари киради.

ЯГОНА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АЛОҚА ТИЗИМИ (ЕДИНАЯ АВТОМАТИЗИРОВАННАЯ СИСТЕМА СВЯЗИ) Барча турдаги ахборотларни (телефон, телеграф ва фототелеграф хабарлари, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар, рақамли, белгили ва узлуксиз маълумотларни) узатишга мўлжалланган алоқа йўллари, тармоқлари ва станцияларининг бирлашган тармоғи.

ЯДРО ҚУРОЛИ (ЯДЕРНОЕ ОРУЖИЕ) Шикастлаш воситаси ядро зарядидан иборат бўлган оммавий қирғин қуроли.

Ядро реакцияси натижасида вужудга келадиган портлаш (атом ядросининг заррачаларга бўлиниши), заррачалар синтези ёки иккала жараённинг бир вақтда содир бўлиши вақтида ажралиб чиқадиган ички энергиядан фойдаланишга асосланган ядровий бомба, уни нишонга етказиш воситаси (ракета, торпеда, самолёт, артиллерия тўпи) ва бомбанинг нишонга аниқ бориб тушишини таъминлайдиган бошқариш қурилмаларидан иборат. Ядро қуроли ядро энергиясининг олинисх усулига қараб, ядро ва термоядро (водород) қуrolларига бўлинади.

Ядровий ўқ-дорилар қўлланилганида ядровий портлаш рўй бериб, ғоят катта миқдордаги (тритил портлашига нисбатан 20-80 карра кўп) энергия ажралиб чиқади. Ядровий портлашнинг асосий талафот етказувчи омиллари жумласига:

зарбали тўлқин;

ёруғлик нурланиши;

сингувчи радиация;

жойларнинг радиоактив моддалар билан зарарланиши;

электромагнитли импульс киради.

Ядро қуроли жумласига:

ядровий ўқ-дорилар – ядровий зарядга эга ракета ва торпедаларнинг жанговар қисмлари, авиация ва чуқурлик бомбалари, артиллерия снарядлари ва фугаслар;

ядровий ўқ-дориларни нишон устига етказиш воситалари – ядро қуrolини ташувчилар ва бошқарув воситалари киради.

Ядро қуrolининг, шу жумладан уни нишон устига етказувчи янги воситаларнинг яратилиши замонавий ҳарбий санъатга жуда муҳим таъсир ўтказди. Россия ва АҚШ дан ташқари, Буюк Британия, Франция ва Хитой Халқ Республикаси ҳам ядро қуrolига эга.

Ядро қуrolининг қўлланиши борлиқ башарият учун фожиали ҳалокат оқибатларига олиб келади. Ўзбекистон Республикаси ҳам тараққийпарвар давлатлар қаторида ядро қуrolининг буткул ман этилиши ва мавжуд захиралари тамомила йўқ қилиниши учун сабот билан узлуксиз кураш олиб бормоқда.

ЯДРО ҚУРОЛИНИНГ ТАЛОФАТ ЕТКАЗУВЧИ ОМИЛЛАРИ (ПОРАЖАЮЩИЕ ФАКТОРЫ ЯДЕРНОГО ОРУЖИЯ) Ядровий портлаш мобайнида рўй бериб, талофат етказувчи таъсирини белгилаб берадиган

жисмоний жараён ва ҳодисалар.

Ядро куролининг талофат етказувчи омиллари жумласига: зарбали тўлқин, ёруғлик нурланиши, сингувчи радиация, жойларнинг радиоактив моддалар билан зарарланиши ва электромагнитли импульс киради.

Зарбали тўлқин – ҳаво, сув ости ёки ер остида рўй бериши мумкин. Душманга шикаст етказувчи таъсирини белгиловчи асосий кўрсаткичлар – сиқилиш фазасининг (даврининг) ҳаддан ташқари ортиқча юқори босими ушбу босим оқимининг тезлиги ва давомийлигидир. Портлаш бевосита рўй бергандан сўнг мазкур сиқилиш фазаси товуш тезлигидан юқори тезликда ҳаракатланиб, портлаш марказидан узоқлашган сари пасаяди ва таъсири заифлашиб боради. Ҳарбий техника, муҳандислик иншоотлари ва жой рельефининг ҳимояловчи хусусиятларидан фойдаланганда талафот зонасининг радиуси қисқаради. Портлаш коинотда рўй берганида зарбали тўлқин ҳосил бўлмайди.

Ёруғлик нурланиши – нур энергиясининг оқимидан иборат. Ядро куроли ер ва сув устида ҳамда ҳавода портлатилганида ҳосил бўлади. Ҳавода содир бўлган ядровий портлашнинг ёруғлик нурланиши таъсири ер ва сув устидаги портлашга нисбатан 1,5 – 2 баробар кучлидир. Ёруғлик нурланиши манбаи бўлиб – юқори ҳароратда қизиган ҳаво, ядровий ўқ-дори моддаси, тупроқ ёки сув буғларидан иборат – ёришиб турувчи соҳа ҳисобланади.

Сингувчи радиация – ядровий портлаш рўй берган зонадан 10-25 сония давомида уфуриладиган гамма нурланиш ва нейтронлар оқимидан иборат. Кичик ва ўта кичик калибрли ядровий ва нейтронли ўқ-дори портлатилганида, сингувчи радиация, шахсий таркиб, ҳарбий техника элементлари ва айниқса электрон қурилмалар учун асосий талофат етказувчи омилдир.

Жойларнинг радиоактив моддалар билан зарарланиши – ядровий портлаш мобайнида ҳосил бўлган булутдан радиоактив моддаларнинг ёғилиши ёки йўналтирилган радиоактивлик оқибатида ушбу моддалар ҳосил бўлиши натижасида рўй беради. Йўналтирилган радиоактивлик портлаш жойидан узоқ масофаларга тарқалиши ва кўп вақтдан сўнг ҳам душманга шикаст етказувчи таъсирга эга бўлиши мумкин. Жойларнинг радиоактив моддалар билан зарарланиши ер ости ва ер усти ядровий портлашлар содир этилганда кучли таъсирга эга бўлади.

Электромагнитли импульс – ядровий портлаш мобайнида уфуриб чиқадиган гамма нур ва нейтронларнинг теварак-атроф атомлари билан ўзаро таъсири натижасида қисқа муддат рўй берадиган кучли электромагнит майдон. Мазкур импульс радиоэлектрон восита, электр таъминот тизими ва оптик-электрон асбоб кабиларни сафдан чиқаради ёки иш қобилиятини заифлаштиради. Ядро куролининг талафот етказувчи омиллар хусусияти:

- қуролнинг таъсир ўтказиш даражаси ва давомийлиги;
- ядровий ўқ-дорининг қудрати (тротил эквиваленти);
- портлатилиш тури;
- портлаш марказигача масофа;
- қўшиннинг оммавий қирғин қуролдан сақланиш даражаси;

метеорология шароити
жой хусусиятига боғлиқ.

Ядро қуролининг иккиламчи талафот етказувчи омиллари бирламчи омиллар таъсири оқибатида яъни:

ёнғин;

вайрон бўлган объектлар парчаларининг шиддат ва зарб билан учиши;
радиоактив булут изидаги ионли нурланишнинг таъсири кабилар оқибатида рўй беради.

ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ЗОНА (БЕЗЯДЕРНАЯ ЗОНА) Халқаро ҳуқуқда демилитаризация зонаси, ядро қуролидан холи зонада ядро қуроллари қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, уларни жойлаштириш ман қилинади.

ЯДРОВИЙ БОМБА (ЯДЕРНАЯ БОМБА) Ядровий зарядга эга авиация бомбаси. Ядровий ўқ-дори турларидан бири.

Илк бор 1945 йил Америка қўшма штатлари ҳарбий авиацияси томонидан тротилли эквиваленти тахминан 20 минг тоннага тенг бўлган ядровий бомбалар Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари устига ташланган.

Замонавий ядровий бомбаларнинг тротилли эквиваленти 1 млн. тоннага етади. Ядровий бомба қирувчи-бомбардимончи ва бомбардимончи самолётларда ташилади. Ядровий бомбалар кичик баландликда улоқтирилиши мобайнида ташувчи самолёт хавфсизлигини таъминлаш мақсадида парашютлар (тормозловчи ускуналар) билан ускуналанади.

ЯДРОВИЙ ЗАРАРЛАНИШ МАРКАЗИ (ОЧАГ ЯДЕРНОГО ПОРАЖЕНИЯ) Ядровий зарба натижасида муайян сарҳадда мавжуд инсон, ҳайвон ва ўсимликларнинг оммавий қирилиши, қурол-яроғ, жанговар техника ва турли иншоотларнинг яксон бўлиши (ишдан чиқиши) рўй берган, радиоактив захарланиб, вайроналик ва уюмлар ҳосил бўлган ҳудуд.

Ушбу ҳудуд ўлчамлари ядровий портлашнинг тури ва қўлланилган қурол қуввати, ҳарбий техника ва инсонларнинг ҳимояланганлик даражаси, иншоотларнинг мустаҳкамлиги, жой рельефи, метеорология шароити каби мезонларга боғлиқ.

ЯДРОВИЙ ЗАРЯД (ЯДЕРНЫЙ ЗАРЯД) Ядровий энергиянинг портлаш кўринишида халос бўлиш жараёни ичида рўй берадиган қуролма. Ядровий заряд ядровий ўқ-дорилар жумласига кириб, атомли ва термоядерли турларга бўлинади.

Атомли ядровий заряднинг портлаш энергияси парчаланишнинг занжирли ядровий реакцияларига боғлиқ бўлса, термоядроли ядровий заряднинг портлаш энергияси синтезли термоядроли ва парчаланиш реакцияларига боғлиқдир.

ЯДРОВИЙ ПОРТЛАШ (ЯДЕРНЫЙ ВЗРЫВ) Занжирли ядро реакцияси ёки *термоядро реакциялари* натижасида жуда катта энергиянинг ниҳоятда тез ажралиб чиқиши туфайли содир бўладиган портлаш. Унга оғир ядроларнинг бўлиниш занжир реакцияси ёки енгил ядроларнинг (масалан, гелий ядроси) синтез бўлиниши термоядро реакциясига олиб келади. Унинг

шикастлантирувчи ва вайрон қилувчи таъсири бир вақтда зарб тўлкини, ёруғлик нурланиши, сингувчи радиация, радиоактив заҳарланиш ва электр магнит импульс орқали содир бўлади. Зарб тўлкини йўлида учраган барча объектларга таъсир қилади. Ёруғлик нурланиши турли моддаларни эритиб, куйдириб, ёндириб юборади. Сингувчи радиация (гамма-нурлар ва нейтрон оқими) нурланиш касаллигини келтириб чиқаради. Радиоактив заҳарланиш ядро портлашда пайдо бўладиган булутдан радиоактив моддаларнинг тушиши натижасида ҳосил бўлади ва у ҳам нурланиш касаллигига олиб келади. Электр магнит импульс антенналар, симлар, кабель линиялари, алоқа воситаларига таъсир қилиб, уларни ишдан чиқаради. Ядровий портлаш ўзга ҳар қандай портлашлардан:

ажралиб чиқаётган энергиянинг ҳаддан ортиқ зичлиги;

ушбу энергиянинг ажралиб чиқилишига сарфланадиган вақтнинг ниҳоятда озлиги;

шикаст етказувчи омилларнинг турли-туманлиги билан фарқ қилади.

Ички ядровий энергиянинг аксарият қисми ядровий реакция ҳамда нейтрон ва гамма нурланишлар маҳсулотларининг кинетик энергияси кўринишида ажралиб чиқади.

Ядровий портлаш зонасидаги ҳарорат 10 миллион градус, босим эса 100 миллион мегапаскалга бориб етади. Ядровий портлаш турлари: ҳавода, баландда, сув устида, ер юзасида, ер остида ва сув остида портлашларга бўлинади.

ЯДРОВИЙ РАКЕТА (ЯДЕРНАЯ РАКЕТА) Космик парвозлар учун мўлжалланган ядровий ракета двигателига эга ракета.

Ядровий ракетанинг жанговар қисми ядровий ўқ-дори билан таъминланган.

ЯДРОВИЙ УРУШ (ЯДЕРНАЯ ВОЙНА) Қирғин келтирувчи асосий восита – ядро қуроли ҳисобланадиган уруш.

Америка Қўшма Штатларининг Қуролли Кучлари ядро қуроли билан аслаҳаланганлиги боис ядровий уруш доктринаси II жаҳон уруши тугалланиши билан қабул қилинди.

Ядровий урушда асосий таваккалчилик душманни қуролсизлантириш ва жавобан берадиган янчиб ташловчи қақшатқич зарбасининг олдини олиш мақсадида стратегик воситаларга қарата, биринчи (қуролсизлантириб юборадиган) ядровий зарба беришга асосланади. Шунингдек, алоҳида минтақада муайян натижага эришиш мақсадида кичик кудратли ўқ-дориларни қўллаган тарзда чекланган ядровий уруш олиб бориш тактикаси ҳам кўзда тутилмоқда.

Аксарият тараққийпарвар давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий назарияси чекланган ядровий уруш концепцияси асосиз ва пуч эканлигини идрок этади. Негаки ядровий урушни олдиндан белгиланган сарҳадлар доирасида тўхтатиб қолишнинг амалий имкони йўқдир.

Ўзбекистон Республикаси ядровий урушнинг ҳар қандай кўринишига катъий қарши чиқади.

ЯДРОВИЙ ЎҚ-ДОРИЛАР (ЯДЕРНЫЕ БОЕПРИПАСЫ) Қирғин келтириш таъсири ядровий портлаш энергиясидан фойдаланишга асосланган ўқ-дорилар. Ядровий ўқ-дорилар жумласига ядровий зарядга эга ракета ва торпедаларнинг жанговар қисмлари, авиация ва чуқурлик бомбалари, артиллерия снарядлари ва фугаслар киради. Ядровий ўқ-дориларнинг асосий элементлари жумласига:

- корпус;
- ядровий заряд;
- автоматика тизими;
- электр таъминот манбалари киради.

Ядровий ўқ-дориларнинг куввати тротилли эквивалент билан тавсифланади. Ядровий ўқ-дорилар нишон устига ракета, торпеда, самолёт ёки артиллерия қуроллари ёрдамида етказилиши ёхуд ер ёки сув остига ўрнатилиши мумкин.

ЯККАБОШЧИЛИК (ЕДИНОНАЧАЛИЕ) Ҳарбий қурилиш ва раҳбарликнинг муҳим тамойили бўлиб, ушбу тамойилга биноан, командир (бошлик) идора қилишнинг тўла ҳукмронлик ваколатига эга бўлиб, тасарруфидаги қўшиннинг жанговар ва сафарбарлик даражаси мунтазам тутиб турилишига шахсан ва тўла жавоб беради.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАЙЁРГАРЛИК (ОДИНОЧНАЯ ПОДГОТОВКА) Хизматга янги чақирилган, Қуролли Кучларнинг барча турига мансуб ҳарбий хизматчиларга, қурол ва техника билан муомала қилиш, кундалик хизмат ўташ ва жангда зарур бўладиган билим бериш, уларнинг маҳорат ва кўникмаларини шакллантириш мақсадида, белгиланган бўлинмага етиб келишгандан сўнг ўтказиладиган таълим бериш жараёни.

Якка тартибдаги тайёргарлик: ижтимоий-сиёсий, тактик, отиш, саф, жисмоний тайёргарликлар, умумқўшин низомларининг талаблари, қурол ва ҳарбий техникани ўрганиб чиқиш кабилардан иборат.

Ҳарбий хизматчиларнинг ихтисосларига кўра якка тартибдаги тайёргарлик 3 – 8 ҳафта давом этиши мумкин.

ЯКОРЬ (ЛАНГАР) (ЯКОРЬ) 1) чулғамида электр юритувчи куч индукцияланадиган (чулғам билан асосан магнит майдони ўзаро айланганда) электр машинаси қисми. “Якорь” тушунчаси, одатда ўзгармас ток машиналарида (ротордан фарқ қилиш учун) ишлатилади; 2) кема ва бошқа сувда сузиш воситаларини очиқ сувда силжитмай тўхтатиб турувчи мослама. Лангар кемага занжир ёрдамида бириктирилади. Кема тисарилганда лангар қафтлари билан қирғоқ тупроғига ботиб киради. Қафтлари қўзғалмас ва айланувчи бўлиши мумкин. Массаси 17 т гача ва ундан ортиқ (тутиб туриш кучи ўзининг ўртача оғирлигидан 10 марта катта) бўлади.

ЯНГИДАН ҚУРОЛЛАНТИРИШ (ПЕРЕВООРУЖЕНИЕ) Қўшинларни тако-миллаштирилган, янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш. Техникани тўлалигича алмаштириш даври тахминан 10 йил. Янгидан қуроллантириш жараёни тажриба-лойиҳалаштириш ва илмий-тадқиқот ишлари, ҳарбий техникани ишлаб чиқиш ва фойдаланишни мужассамлаштирган дастурлар бўйича режалаштирилади ва амалга татбиқ

этилади.

Янгидан куrolлантириш жараёни техниканинг туркум ишлаб чиқарилиши ва ҳарбий қисмларга етиб келишидан бошланади.

Техниканинг қўшинларда алмаштирилиши ва ўзлаштирилиши ҳарбий қисмларнинг жанговар шайлик даражаси пасайтирилмаган тарзда амалга оширилади.

ЯРАДОРЛИК БЕЛГИЛАРИ (ЗНАКИ РАНЕНИЯ) Ҳарбий хизматчининг жангларда яраланганлик даражасини кўрсатиб турувчи кўкрак нишонлари.

Ўлчамлари 43 x 5 – 6 мм келадиган укадан тайёрланган тўғри бурчак кўринишига эга. Енгил яраланганлик уқаси қизил, оғир яраланганлик уқаси – тилла ранг бўлади. Кўкракнинг ўнг томонига тикилади.

ЯРИМ ЎҚ (ПОЛУОСЬ) Транспорт, қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқаларнинг етакчи кўприк вали, дифференциалдан етакчи ғилдиракка айланма ҳаракат узатади.

ЯХЛИТ ПАТРОН, ЎҚ, СНАРЯД (УНИТАРНЫЙ ПАТРОН) Порох заряди ва гильза бир бутун қилиб тайёрланган, ўқли қурол учун мўлжалланган патрон.

ЎЗАРО АЛМАШИНУВЧАНЛИК (ВЗАИМОЗАМЕНЯЕМОСТЬ)
1) бир мутахассисликка эга ҳарбий хизматчининг турдош ихтисослик бўйича жанговар ҳисобдаги (экипаждаги) ўзга ҳарбий хизматчининг ўрнини боса олиш қобилияти; 2) қурол тури (русуми) ва ҳарбий техниканинг тузилиш ва ишлаш тамойилини ўзгартирмай, бир турдаги механизм, тармоқ ва қисмларнинг ўзаро алмашинувчанлик хусусияти.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ (ГЕРОЙ УЗБЕКИСТАНА) Фахрий унвон, Ўзбекистон Республикаси давлати олдида қаҳрамонлик намоён этиш билан боғлиқ бўлган хизматлари учун бериладиган энг олий мукофот.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 1994 йил 5 май куни таъсис этилган. Мазкур унвон берилиши билан бирга “Олтин юлдуз” медали ҳам топширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси томонидан топширилади.

ЎЗГАРМАС ТОК (ПОСТОЯННЫЙ ТОК) Вақт давомида кучи ва йўналиши ўзгармайдиган электр токи.

ЎЗГАРУВЧАН ТОК (ПЕРЕМЕННЫЙ ТОК) Кенг маънода – вақт давомида ўзгарадиган ток, тор маънода – ўртача қиймати маълум даврда нолга тенг бўлган даврий ток. Кўпинча синусоидал ўзгарувчан токдан фойдаланилади.

ЎЗИЮРАР ЗЕНИТ ҚУРИЛМА (ЎЗҚ) (ЗЕНИТНАЯ САМОХОДНАЯ УСТАНОВКА (ЗСУ)) Зенит артиллерия қурилмаси. Ўт очишни бошқариш жиҳозлари ва умумий йўналтириш механизмларига эга, бир ёки бир неча тўплар билан қуролланган – артиллерияга мансуб жанговар машина.

Асосан кичик баландликларда, товуш тезлигига қадар ва ундан ҳам юқори тезликда парвоз этаётган ҳаводаги нишонларни даф этиш, шу жумладан, ердаги нишонларни йўқ қилиш учун мўлжалланган.

Зенит тўплари I жаҳон уруши йилларида зирҳли автомобилларга ўрнатила бошланди, бироқ кенг тарқалмай қолиб кетди. II жаҳон уруши йилларида асосан шатакка олинувчи зенит артиллерия қўлланилган. Ўзиюрар зенит қурилмалари 50- йиллардан эътиборан ривожлана бошлади.

Мазкур қурилмаларнинг замонавий намуналари – автоном зенит артиллерия комплекслари бўлиб, барча элементлари битта, зирҳли занжирли негизга мужассамлаштирилган. Юқори манёврчанлик ва мураккаб йўлларни босиб ўта олиш сифатларига эга бўлиш билан бир қаторда, 20 км гача наридаги ҳаво нишонларини фош эта олиш, ўз тўпларини автоматик тарзда йўналтириш ва об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида, ҳар қандай фаслда, кундуз куни ва тунда, жойда ва ҳаракат давомида 4 км гача баландликда парвоз этаётган нишонларга қарата самарали ўт оча олиши мумкин.

ЎЗИЮРАР ҚУРОЛ (САМОХОДНОЕ ОРУДИЕ) Ўзиюрар шассига ўрнатилган, замбарак, миномёт, тисарилмайдиган тўп каби артиллерия қуроли. Душман артиллерияси, танклари ва жонли кучини йўқ қилиш, бошқарув пунктлари, радиоэлектрон воситалари ва мудофаа истехкомларини вайрон қилишга мўлжалланган.

Ўзиюрар қурол артиллерия қисмларининг қурол-аслаҳаси таркибига киритилган.

ЎЛЖАЛАР (ТРОФЕИ) 1) ғолиб томон қўлга киритган ёки душман капитуляция қилиши мобайнида топширган қурол-аслаҳа ва мулклари (байроқлар, қурол-яроғ, ўқ-дори, транспорт воситалари, ёкилғи, дори-дармон, озиқ-овқат захиралари ва ҳ.к.); 2) спорт совринларининг (медалъ, кубок кабиларнинг) умумий номи.

ЎРТОҚЛИК СУДИ (ТОВАРИЩЕСКИЙ СУД) Ҳарбий қисм жамоатчилигининг сайлов органи бўлиб ҳарбий унвон, ор-номус ва кадр-қимматни муҳофаза этиш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва шахсий таркибни тарбиялашга яқиндан кўмак бериш учун мўлжалланган. Офицер ва сержантлар таркибининг ўртоқлик судлари мавжуд.

ЎТ ОЛДИРИШ (карбюраторли ички ёнув двигателларида) (ЗАПУСК) Двигатель цилиндрида иш аралашмасининг свечалар электр учқунлари билан ёндирилиши.

ЎТ ОЧИБ АТАКАНИ ТАЙЁРЛАШ (ОГНЕВАЯ ПОДГОТОВКА АТАКИ) Ракета қўшинлари, артиллерия ва авиациянинг олдиндан ташкил этилган ва мувофиқлаштирилган, бир вақтда ёки муайян изчиллик билан кудратли зарбалар берувчи атаки. Қўшинларнинг душман мудофаасини ёриб ўтиш мақсадида атакага кўтарилишидан олдин, кучларимизнинг олға илгариллаши тўхтатилган бўлиб, душман уюшқоқлик билан қаршилик кўрсатаётган пайтда, шунингдек захира кучларимизни жангга киритиш, душман атакасига қарши атакага кўтариш, зарбасига қарши зарба бериш мобайнида ўтказилади.

Ўт очиб атакани тайёрлаш тадбирлари жумласига атакани артиллерия ва авиация томонидан бериладиган зарбалар билан тайёрлаш амаллари киради.

ЎТ ОЧИШ (ЎҚ УЗИШ) (ВЫСТРЕЛ, СТРЕЛЬБА) 1) Улоқтирувчи заряд

портлаб ёниши мобайнида ҳосил бўладиган газлар энергиясининг таъсири остида ствол каналидаги снаряднинг (мина, ўқ ёки гранатанинг) улоқтирилиши; 2) отилган ўқ овози. 3) қуролнинг турли русумларидан очилаётган оловнинг юритилиши; 4) ўт очиш назариясини ишлаб чиқарувчи илмий фан; 5) таълимот фани.

Ўт очиш:

жанговар ўт очиш;

ўқув мақсадида ўт очиш;

спортга оид ўт очиш турларига бўлинади.

Ҳар бир қурол русумидан ўт очишнинг ўзига хос хусусиятлари ўт очиш назарияси, очиш қоидалари ва қўлланмаларида акс этирилади. “Ўт очиш” тушунчаси ўз ичига ўт очишни тайёрлаш тадбирлари, отиб кўриш амаллари (ўқли қурол, бошқарилувчи зенит ракеталари ва зенит артиллериясидан ташқари) ва яксон этиш учун нишонга қарата ўт очишни мужассам этади.

ЎТ ОЧИШ АМАЛИНИ ТАЙЁРЛАШ (ПОДГОТОВКА СТРЕЛЬБЫ)

Ўт очиш воситалари, бўлинма ва ҳарбий қисмлар томонидан ўт очишга оид вазифани самарали бажариш шайлигини таъминлаш борасида ўтказиладиган тадбирлар. Ўт очишнинг ўзига хос хусусиятлари ва қўлланиладиган қурол-яроғлар турига кўра:

нишонлар разведкасини ўтказиш ва координатларини аниқлаш;

топогеодезик, баллистик, метеорологик, техник тайёргарлик тадбирларини ўтказиш;

ўт очиш учун ўрнатмаларни белгилаш каби амалларни бажаришдан иборат.

Зенит ракета қўшинлари ва зенит артиллериясида ўт очиш амалини тайёрлаш:

ўт очишга оид вазифа олинганига қадар – олдиндан ўтказиладиган тадбирлар;

ўт очишга оид вазифа олинганидан сўнг ўтказиладиган – бевосита тайёргарлик амалларига бўлинади.

Қирғоқ ва кема артиллериясида:

олдиндан ўтказиладиган тадбирлар;

ўт очиш учун дастлабки маълумотлар белгиланадиган – якуний амалга бўлинади.

ЎТ ОЧИШДАГИ ҲАМКОРЛИК (ОГНЕВОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ)

Турли ўт очиш воситалари ёки бўлинмаларнинг (қисмларнинг) душманга қарата мувофиқлаштирилган тарзда ўт очиши.

Ўт очишдаги ҳамкорликнинг самарали натижаларига нишонларнинг ўт очиш воситалари (бўлинмалари) орасида тақсимланиб, муҳим нишонларни йўқ қилиш вақти ва юритиладиган олов изчиллиги аниқлаб олиниши билан эришилади.

ЎТ ОЧИШ ЖАДВАЛИ (ТАБЛИЦА СТРЕЛЬБЫ) Нишонга қарата ўт очиш (ракета учириш) учун муайян қурол тизимининг ҳар қандай ўқдорисига мувофиқ, нишонгача мавжуд масофа ва шу каби ўзга шароитга боғлиқ тарзда қурол русумидаги мўлжалга олиш мосламасининг

ўрнатмаларини белгилаш учун зарур бўлган ҳисоблаб чиқарилган маълумотлар тўплами.

ЎТ ОЧИШ МАЙДОНИ (СТРЕЛЬБИЩЕ) Муайян жойнинг махсус жиҳозланган, ўқли қурол ва гранатомётлардан ўт очишга мўлжалланган қисми. Ўт очиш майдонида отиш тайёргарлиги бўйича: ўқув мақсадида (якка) ўт очиш; бўлинмалар таркибидаги жанговар (гуруҳли) ўт очиш; спортга оид ўт очиш; жанговар қўл гранаталарини улоқтириш каби машқ ва машғулотлар ўтказилади.

Ўт очиш майдони: қўшинларнинг ўт очиш майдони; спортчилар ўт очиш майдони турларига бўлади.

ЎТ ОЧИШ МАЙДОНИ, ПОЗИЦИЯСИ (ОГНЕВАЯ ПОЗИЦИЯ) Ўт очиш воситалари (пулемёт, тўп, танк кабилар) томонидан ўт очиш учун эгалланган ёки эгаллашга тайёрлаб қўйилган майдон. Ўт очиш майдони:

асосий;

вақтинчалик;

сохта;

ёпик;

очиқ турларга бўлинади.

ЎТ ОЧИШ МАРРАСИ, ЧЕГАРАСИ (ГРАНИЦА ВЕДЕНИЯ ОГНЯ) Жой, сув ҳавзаси ва ҳаво бўшлиғидаги кесиб ўтилиши билан турли русумларга мансуб қуролдан ўт очиш амали бошланадиган ёки яқунланадиган чизиқ.

Ўт очиш марраси полигонларда, одатда байроқ, ёришиб турадиган кўрсаткич, устун кабилар билан белгиланади.

ЎТ ОЧИШ МАРРАСИ (ОГНЕВОЙ РУБЕЖ) Тўғридан-тўғри йўналтирилган олов билан душман танклари ва пиёдалар атакасини бартираф этиш мақсадида бўлинма ва қисмлар ёйилиши учун мўлжалланган ҳудуд қисми.

Душман атакасининг эҳтимолий йўналишларида, бўлинмаларнинг тез, пинҳона илгарилашлари ва жанговар тартибга ёйилишларига имкон берувчи жойлар танланади.

Ўт очиш марраси умумқўшин қўшилма командирининг командасига кўра эгалланади.

ЎТ ОЧИШНИ БОШҚАРИШ (УПРАВЛЕНИЕ ОГНЁМ) Бўйсунувчи бўлинма ва қисмлар оловини ўз вақтида ва самарали қўллаш ҳамда ўт очиш билан боғлиқ вазифани бажариш мақсадида командир ва штаб томонидан амалга ошириладиган тадбир ва ҳаракатлар. Ўт очишни бошқариш хусусидаги ҳаракатлар мазмунан:

нишонлар хусусияти ва координаталарини аниқлаш;

бажарилаётган ўт очиш амалларига тузатишлар киритиш;

юритилаётган оловнинг шикаст етказиш (кор қилиш) кучи таъсирининг натижаларини назорат қилиб бориш;

олов билан манёвр қилиш каби амаллардан иборат. Ҳар бир қўшин туридаги ўт очишни бошқариш тадбирлари қўшинда мавжуд қурол ва ушбу қуролни қўллаш усулига мувофиқ ўзига хос хусусиятларга эга.

ЎТ ОЧИШ НУҚТАСИ (ОГНЕВАЯ ТОЧКА) Таянч пунктлари сарҳадлари ёки ушбу пунктлар оралиғидаги ўт очиш маррасида жойлашган ўт очиш воситасининг (пулемёт, тўп, миномёт кабиларнинг) шартли номланиши. Панада (окоп ёки зирхли қалпоқ остида) ёхуд очик жойда жойлашади.

ЎТ ОЧИШ СУРЪАТИ (ТЕМП СТРЕЛЬБЫ) 1) берилган командага мувофиқ артиллерия олови, батареялар томонидан қаторасига узилган ўқ ёки залплар орасидаги вақт оралиғи; 2) автоматик қурол оловининг техник жиҳатдан тезлиги, муайян қурол намунасида узлуксиз ўт очиш мобайнида, муайян вақтда отиб чиқариладиган ўқ-дорининг энг катта миқдори.

ЎТ ОЧИШ ТОПШИРИҒИ (ОГНЕВАЯ ЗАДАЧА) Душманни йўқ қилиш борасида ўт очиш (ракета учирини) билан ҳал этиладиган вазифа. Ўт очиш топшириғи қўйилаётганида:

нишон (объект);

нишонни йўқ қилиш, янчиб ташлаш учун очиладиган оловга оид вазифа;

ўт очиш (бас қилиш) вақти;

жалб этиладиган воситалар (бўлинмалар) сони;

қўлланиладиган ўқ-дорилар русуми ва сарфи;

ўт очиш тартиби (бир текис, навбатлар билан ва ҳ. к.);

нишонни ўққа тутиш усули кўрсатиб ўтилади.

ЎТ ОЧИШ ЧИЗИҒИ (ПОЛОСА ОГНЯ) Сарҳадида душманни мудофаадаги бўлинмамиз (секция, гуруҳ, взвод) олови билан яксон этиш кўзда тутилаётган жой чегаралари. Ўт очиш чизиғи тегишли командир томонидан бўлинманинг ўт очиш тизими ташкил этилаётган вақтда тайинланади. Ўт очиш чизиғида кузатув юритиш амали ташкил этилади ва барча ўт очиш воситаларига аниқ вазифалар белгилаб берилади.

ЎТ ЎЧИРИШ ТЕХНИКАСИ (ПОЖАРНАЯ ТЕХНИКА) Кишилар, моддий ва табиий бойликларни ёнғиндан қутқаришнинг техник воситалари. Асосий жиҳозлари: ўт ўчириш автомобиллари, поездлари, кемалари, самолёт ва вертолётлари, ўт ўчирувчи ва сигналловчи қурилмалар, гидрантлар ҳамда ўт тушган жойга ўт ўчириш воситаларини етказиб берувчи бошқа воситалар.

ЎҚ (ПУЛЯ) Ўқли қуролга мўлжалланган жанговар патроннинг бош қисми. Оддий ва махсус турларга бўлинади.

Оддий ўқлар очик жойда ёки енгил тўсиқ ортида, шунингдек зирхланган техникалар ичида жойлашиб олган жонли кучни йўқ қилиш учун қўлланилади.

Махсус ўқлар ёришадиган из қолдириб ўчиш, зирхни тешиб ўтиш, нишонни ёндириш каби вазифалар учун мўлжалланган.

ЎҚДОН (МАГАЗИН) Муайян русумга мансуб патронларни жойлаштириш ва қурол патрондонига юборишдан аввал, патронларни

узатиш чизиғига кетма-кет силжитиш учун мўлжалланган мослама, хажм. Ўқдонлар:

қурол билан бирикиш жойига кўра – ствол ости, қурол ўртаси ва кўндоғидаги;

шаклига кўра – кутисимон, дисксимон, барабанли;

қурол билан бирикиб туришига кўра – алмашувчи, алмашмайдиган, мажмуий);

патронларнинг жойлашишига кўра – бир қаторли ва кўп қаторли турларга бўлинади. Ўқдонлар автоматик ва автоматлаштирилмаган ўқотар қурол ҳамда кичик калибрли зенит автоматик тўпларда кенг қўлланилади.

ЎҚДОНЛИ ҚУРОЛ (МАГАЗИННОЕ ОРУЖИЕ) Патронлар патрондонга ўқдондан юбориладиган ўқотар қурол. Патронларнинг қабулқилгич томон силжиши ўқдон пружинасининг энергияси ҳисобига амалга ошади. Ўқдонли қуролнинг илк намуналари XIX асрнинг 80-йилларида ихтиро қилинди. Ўқдонли қурол жумласига автоматлаштирилмаган ўқдонли милтиқ, карабин ва замонавий автоматик ўқотар қуроллар (пистолет, автомат, дастаки ва тиргакка ўрнатиладиган пулемёт кабилар) киради.

ЎҚ-ДОРИ БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ (ОБРАЩЕНИЕ С БОЕПРИПАСАМИ) Ўқ-дориларни транспортнинг турли русумларида ташиш қоидалари, кўриқдан ўтказиш тартиби ва мазмуни, ўт очишга тайёрлаш тартиби, ўт очиш фурсатида ва ўт очилганидан сўнг ўқ-дори билан муомала қилиш қоидаларини ўз ичига мужассамлаштирган тушунча.

ЎҚ-ДОРИ ВА АСЛАҲА ТАЪМИНОТИ ПУНКТИ (ПУНКТ БОЕВОГО ПИТАНИЯ) Ўқ-дори ва аслаҳа захирасини сақлаб туриш ва бўлинмаларни таъминлаш учун мўлжалланган, жанговар ҳаракатлар даврида батальонда (взводда) ташкил этиладиган пункт. Мазкур пункт таркиби, ташкил этиш вақти, жойи ва кўчиб ўтиш тартиби батальон (взвод) командири томонидан белгиланади.

Ўқ-дори ва аслаҳа таъминоти пункти, умумқўшин полигони ва ўт очиш майдонида, жанговар ҳамда ўқув-жанговар ўт очиш машқи ўтказилганда ҳам ташкил этилади.

ЎҚ-ДОРИЛАР (БОЕПРИПАСЫ) Қурол-аслаҳанинг таркибий қисми бўлиб, жонли куч ва техникаларни йўқ қилиш, иншоотларни вайрон этиш ва махсус вазифаларни бажариш мобайнида қўллаш учун мўлжалланган.

Ўқ-дорилар туркумига қуйидагилар мансуб: артиллерия снарядлари, реактив снарядлар, ракеталар ва торпедаларнинг жанговар қисмлари, авиация ва чуқурлик бомбалари, ўқотар қуролларнинг патронлари, қўл ва қурол гранаталари, ер усти ва денгиз миналари, фугаслар, ядровий ва бошқа ўқ-дорилар. Улар оддий, ядровий, кимёвий ва бактериологик турларга бўлинади.

ЎҚ-ДОРИЛАРДАГИ ТАМҒАЛАР (МАРКИРОВКА БОЕПРИПАСОВ) Ўқ-дори элементлари ва қадокларида мавжуд шартли белги ва ёзувлар тизими.

Ўқ-дорилардаги белги ва фарқловчи туслари билан бирга ўқ-дорининг вазифаси ва хусусиятини аниқлаш имконини бериб, мулоқот ва қўлланилиш

мобайнида албатта ушбу тамғаларга эътибор қаратилади.

Ўқ-дорилардаги тамғалар маъноси тегишли техник ҳужжатларда кўрсатилган.

ЎҚ-ДОРИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ (ДЕЙСТВИЕ БОЕПРИПАСА)

Ўқ-дори жанговар жиҳатдан қўлланилганидан сўнг ҳосил бўладиган натижа самараси.

Ўқ-дорининг ёндирувчи, кумулятив, парчалар ва зарба билан қуйидагича намоён бўлувчи таъсирчанлиги мавжуд:

ёндирувчи таъсирчанликда – нишоннинг ёниб кетиши кузатилади;

кумулятив таъсирчанликда – нишон, портлаган заряд ва нишонни химояловчи қобик маҳсулотларининг жам бўлиб, йўналган оқими билан йўқ қилинади;

парчалар билан таъсир ўтказилганида – нишон, ҳаракатдаги снаряднинг (ўқ ва парчанинг) кинетик энергияси ҳисобига йўқ қилинади.

Санаб ўтилган таъсирлар зирх ва бетон ёрар ўқ-дорилар учун – асосий, фугасли ва парчаланувчи-фугасли ўқ-дорилар учун эса – кўмакчи таъсирчанлик ҳисобланади;

фугасли таъсирчанликда – нишон, портлаган портловчи заряд маҳсулотлари ва ҳосил бўладиган зарбали тўлқин билан даф этилади. Ўқ-дорининг ушбу хусусияти портлаш натижасида ҳосил бўладиган хандак ҳажми (1 кг портловчи моддага ўртача 1 м³ ўйилиб улоқтириладиган тупрок тўғри келади) ҳамда зарбали тўлқиннинг фронт бўйлаб сиқилган босими билан тавсифланади.

Бундан ташқари ўқ-дорининг ёритувчи, сигналловчи, радиохалақитлар ҳосил қилувчи (маҳсус ўқ-дориларда) каби таъсирчанликлари мавжуд.

ЎҚ ЁҒДИРИШ ҚУВВАТИ (ОГНЕВАЯ МОЦЬ) Норасмий атама бўлиб, унинг остида қурол-яроғ намуналари (комплекслари) ва ҳарбий бўлинмаларнинг душманни ўққа тута олиш имконияти тушунилади.

Муайян қуролнинг (комплекснинг) ўқ ёғдириш қуввати ушбу қурол оловининг (учирилишининг) узоқлиги ва аниқлиги, жанговар тез отиш даражаси, ўқ-дорисининг қудрати кабилар билан белгиланади.

Ҳарбий қисм, қўшилма ва бирлашманинг ўқ ёғдириш қуввати кўрсаткичлари сифатида эса – мавжуд қуролларнинг жанговар имкониятлари ва барча қуроллар учун мавжуд залпнинг миқдори хизмат қилади.

ЎҚЛИ ҚУРОЛ (СТРЕЛКОВОЕ ОРУЖИЕ) Ўқ ва жароҳат етказувчи ўзга элементлар билан ўт очиш учун мўлжалланган стволли қурол. Дунёда мавжуд қуролнинг барча турлари ичида энг кўп тарқалган ўқли қурол – оммавий қурол ҳисобланади. Ўқли қурол кичик (6,5 мм), меъёрий (6,5 – 9 мм) ва йирик (9 мм дан 14,5 мм гача) калибрли турларга бўлинади деб ҳисоблаш қабул қилинган. Ўқли қурол:

вазифасига кўра – жанговар, машқ қилинувчи, ўқув, спорт ва ов қуролларига;

бошқарилиши ва қўлда тутиб туриши усулига кўра – револьвер, пистолет, пистолет-пулемёт, автомат, милтиқ, мерган милтиғи, карабин, пулемёт, қўл пулемёти, тиргакка ўрнатиладиган пулемёт каби русумларга;

жароҳат етказувчи элементни улоқтириши учун фойдаланиладиган энергия манбаига кўра – оловли, пневматик, механик ва электрли турларга;

қўлланилиши усулига кўра – дастаки, ўт очиш мобайнида ўқчи томонидан бевосита тутиб турилувчи, махсус тиргакка ёки дастгоҳга ўрнатиладиган тиргакли кўринишларга;

жангда қўлланилишига мувофиқ – шахсий ва гуруҳ қуроли турларига;

автоматлаштирилганлик даражасига кўра – автоматлаштирилмаган (барча амаллар ўқчи томонидан дастаки бажарилади), ўз-ўзини ўқловчи ва автоматик (қайта ўқлаш амаллари порох газлари энергиясидан фойдаланиш эвазига автоматлаштирилган) турларга;

ўт очиш хусусиятига кўра – якка тарзда, қисқа навбатлар бериб ва мажмуий ўт очувчи турларга;

стволининг сонига кўра – бир стволли, икки стволли ва кўп стволли;

ствол каналининг тузилишига кўра – кесма ва силлиқ стволли кўринишларга бўлинади.

Ўқли қуролнинг асосий сифатлари: оловнинг унумдорлиги, ҳаракатининг ишончилиги, манёврчанлиги, самарадорлиги ва фойдаланишда осонлигидир.

ЎҚЛОВЧИ (ЗАРЯЖАЮЩИЙ) Расчёт (экипаж) таркибига кирувчи ва тегишли қуролни ўқлаш борасидаги мажбуриятларни бажарувчи ҳарбий хизматчи.

ЎҚНИНГ ШИКАСТ ЕТКАЗИШ КУЧИ (УБОЙНОЕ ДЕЙСТВИЕ ПУЛИ) Ўқнинг жонли организмга таъсир кўрсатиб, инсон ўлимига олиб келувчи ёки жанговар қобилятини вақтинча йўқотишига сабаб бўлувчи кучи. Ушбу куч ўқнинг вазни, шакли ва тезлигига боғлиқдир.

ЎҚОТАР ҚУРОЛ (ОГНЕСТРЕЛЬНОЕ ОРУЖИЕ) Механизмлари иши снаряд, мина ёки ўқни ствол каналидан портловчи модданинг (мисол учун порохнинг) кимёвий парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланиб улоқтириш тамойилига асосланган қурол. Ўқотар қурол **артиллерия қуроли** ва **ўқли қуролга** бўлинади.

Артиллерия қуроли узоқ масофалардаги турли нишонларни яксон этиш учун мўлжалланган бўлиб, қуруқликдаги қўшинлар, авиация ва флот қурол-аслаҳаси таркибига киради. Артиллерия қуроли жумласига:

ўзи юрар ва ўзи ҳаракатланувчи кесмали тўплар;

кесмали ва силлиқ стволли артиллерия қуроллари;

кесмали ва силлиқ стволли миномётлар;

зенит тўпи;

кесмали ва силлиқ стволли танк тўплари;

бараварига ўт очувчи реактив тизимлар киради.

Ўқли қуроллар – ялпи қуролли кучлар қурол-аслаҳаси таркибида мавжуд бўлиб, яқин масофада юритилаётган жанг мобайнида очик жойлашган нишонларни яксон этиш учун мўлжалланган.

ЎҚОТАР ҚУРОЛ ТЕПИШИ (ОТДАЧА В ОГНЕСТРЕЛЬНОМ ОРУЖИИ) Пистолет, милтиқ, автомат, пулемёт, артиллерия қуроли каби ўқотар қурол стволининг тубига ўт очилган фурсатда ҳосил бўлган порох

газлари босими кучининг ўтказадиган таъсири. Ўқотар қурол тегиши қурол русумига кўра қуйидагича рўй беради:

яхлит қурол ёки қурол қисмларининг ўт очилган йўналишга қарши томон ғилдираши ёки тисарилиши;

қурол сапчиши;

ўт очган шахс елкаси ёки қўлига туртки бериши.

Тегиш оқибатларини (қуролнинг ғилдираб кетиши, расчётнинг толиқиши, қуролни йўналтирувчи ўрнатмаларнинг ўзгариб кетиши, ўқларнинг нишонга ғуж тушмаслиги ва отиш тезлигининг пасайиши каби оқибатларни) турли воситалар (ғилдиратмайдиган пона, тепки сўндиргич, амортизатор, тегишга қарши мосламалар) билан нисбатан камайтиришга эришилади. Автоматик қуролда тепки кучидан қуролни қайта ўқлаш учун фойдаланади, бу эса ўз навбатида ўт очиш суратини оширади.

ЎҚУВ-ЖАНГОВАР МАШИНАЛАР (УЧЕБНО - БОЕВЫЕ МАШИНЫ)

Ҳарбий техниканинг (танк, транспортёр, ҳарбий автомобиль, ўзиюрар тўп ва пиёдалар жанговар машиналарининг) алоҳида гуруҳ сифатида ажратилиб, мутахассислар тайёрлаш, расчёт ва экипаж ҳаракатидаги ҳамкорликни такомиллаштириш, бўлинмалар билан тактик машқлар ўтказиш учун кундалик жанговар таълимотда фойдаланиладиган штатдаги намуналари.

Ҳарбий-ҳаво кучларида ўқув-жанговар машиналар жумласига – жанговар самолётга ўхшаш ўқув-жанговар самолётлар киради. Бундай самолётларда йўриқчи-учувчи учун иккинчи кабина бўлиб, ушбу кабина самолёт ва самолётдаги қурол-аслаҳани бошқариш органлари билан жиҳозланган. Учувчини илк парвозга, самолётни бошқариш ва жанговар жиҳатдан қўллашга ўргатиш учун мўлжалланган.

ЎҚУВ ЙИҒИНИ (УЧЕБНЫЙ СБОР) Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлик тизимидаги тадбир бўлиб қўшинларда хизмат ўтаётган ва захирадаги генерал, офицер, сержант ва аскарларнинг назарий билим ва услубий маҳоратларини ошириш мақсадида ўтказилади. Ўқув йиғинининг ўқув-услубий, ўқув-машқ (спортчилар учун), ўқув, командирлик ва назорат-синов турлари мавжуд.

ЎҚУВ МАЙДОНИ (УЧЕБНОЕ ПОЛЕ) Ўқув марказининг бўлинмалар таркибида тактик ва махсус-тактик машғулотлар ўтказиш учун мўлжалланган ва тегишлича жиҳозланган қисми.

ЎҚУВ МАРКАЗИ (УЧЕБНЫЙ ЦЕНТР) Жанговар тайёргарлик хусусидаги масалаларни амалий ҳал этиш, бўлинма ва қисмларнинг тактик таълимотини ошириш учун мўлжалланган, ўқув объектлар билан биргаликдаги ҳарбий қисм. Ўқув маркази тасарруфида ўқув майдони ва шаҳарчалар, қўшиннинг ўт очиш майдони, полигон, танкодром, автодром, маъмурий хизмат ва ўқув бинолари, таҳсил кўрадиган бўлинма ва қисмларни жойлаштириш, уларни маиший таъминлаш бинолари, устахона, парк, омборхона каби объектлар мавжуд. Бажарадиган вазифасининг хусусиятларига кўра ўқув марказлари:

Қуролли Кучлар турига мансуб;

ҳарбий округга мансуб;

бирлашма, қўшилма ва ҳарбий қисмларга мансуб ўқув марказларига бўлинади.

Ўқув марказига машқ қилиш учун келган ҳарбий қисмдаги (бўлинмадаги) ички хизмат Қуролли Кучлар низомлари ва махсус қўлланмалар талабларига асосан ташкил этилади.

ЎҚУВ МАШҚ ОТИШМАСИ (УЧЕБНАЯ СТРЕЛЬБА) Шахсий таркибни турли вазиятда бириктирилган қурол-яроғдан нишонга олиб аниқ отишга ўргатиш мақсадида ўтказиладиган ўт очиш амаллари. Ўқув машқ отишмасининг вазифаси, мазмуни ва тартиби тегишли отиш курсларида баён этилган.

ЎҚУВ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗА (УЧЕБНАЯ МАТЕРИАЛЬНО - ТЕХНИЧЕСКАЯ БАЗА) Шахсий таркиб таълимоти ва тарбияси, бўлинма, қисм ва қўшилмаларнинг бошқарув органлари ва қуролли кучлар фронт орти органларининг ҳамкор ҳаракатларини шакллантириш манфаатларида фойдаланиладиган моддий ва техник воситалар мажмуи. Қуролли Кучлар (қўшин ва кучлар) турининг жанговар тайёргарлигидаги эҳтиёжларга кўра яратилади ва такомиллаштирилади.

ЎҚУВ РЕЖА ВА ДАСТУРЛАР (УЧЕБНЫЕ ПЛАНЫ И ПРОГРАММЫ) Тингловчилар (курсантлар) ва ҳарбий таълим муассасаларини тайёрлаш жараёнини, таълим муассасаларида ўқитиладиган ҳар бир фан мазмуни ва услубий жиҳатдан тузилишини, муайян муддат давомида таҳсил кўрувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши лозим бўлган билим, кўникма ва маҳоратлар ҳажмини тартибга солувчи хизматга оид асосий ҳужжатлар.

ЎҚУВ СНАРЯДЛАРИ (УЧЕБНЫЕ СНАРЯДЫ) Ташқи юзасига жез қобиғи юритилган, пўлатдан тайёрланган, таркибига портлатувчи модда киритилмаган снарядлар. Артиллерия қуроли расчётини қуролни ўқлаш, ўқ-дори келтириш ва ўқ-дори билан муомала қилиш қоидаларини ўргатиш учун мўлжалланган.

ЎҚУВ ШАҲАРЧАСИ (УЧЕБНЫЙ ГОРОДОК) Ўқув марказининг шахсий таркибни жанговар тайёргарликнинг алоҳида турлари бўйича ўқитиш учун махсус жиҳозланган қисми. Муҳандислик ускуналарининг тўлиқ йиғиндиси, қурол-аслаҳа ва техника макетлари, мослама ва қўлланмалар билан жиҳозланади.

ЎҚУВ ЎҚ-ДОРИСИ (УЧЕБНЫЙ ВЫСТРЕЛ) Артиллерия қуролини ўқлаш ва ўт очиш усулини, ўқ-дори билан муомала қилиш қоидаси ва ўқ-дори тузилишини ўрганиб чиқишга ўргатиш учун мўлжалланган артиллериянинг кўмакчи снаряди. Ўқув ўқ-дори артиллерия ва миномётга оид ўқув ўқ-дорилари турига бўлинади.

ЎҚУВ ҚУРОЛИ (УЧЕБНОЕ ОРУЖИЕ) Махсус тайёрланган ёки жанговар жиҳатдан қўллашга яроқсиз бўлган қурол намунаси бўлиб, тузилиши ва қурол билан муомала қилиш усулларини ўрганиш учун мўлжалланган. Ўқув қуроли бутун ёки кесма кўринишга эга бўлади. Жанговар қуролдан фарқланиб туриши учун, ўқув қуролнинг асосий қисми юзасига “Уч.” (яъни *ўқув қуроли*) тамғаси босилган. Ўқув қуролининг айрим русумларидаги ёғоч ва пластмасса деталлар эса қора тусга бўялган бўлади.

Ўқ узилишининг олдини олиш мақсадида ўқли ўқув қуролнинг стволида, патрондоида кўндаланг туйнуклар кесиб қўйилган, затворнинг урувчиси эса арраланган бўлади.

ЎҚҚА ТУТИШ (ОБСТРЕЛ) Артиллерия қуроллари олови (ракета учуриш) билан нишонга таъсир этиш жараёни.

ЎҚҚА ТУТИШ ЗОНАСИ (ЗОНА ОБСТРЕЛА) 1) зенит тўпидан очилаётган оловнинг талаб этилаётган аниқлиги таъминланадиган ва снаряд ёки унинг элементлари ҳаводаги нишонни уриб тушириш имконини сақлаб қоладиган – тўп теварагидаги бўшлиқ; 2) ҳаво нишонининг барча йўналишлари учун нишонга шикаст етказилувчи зоналар мажмуини ифодаловчи – зенит ракетали комплекс теварагидаги бўшлиқ.

ЎҚҚА ТУТИШ СЕКТОРИ (СЕКТОР ОБСТРЕЛА) 1) жойнинг пулемёт, тўп, танк каби қуролга ажратиб берилган қисми бўлиб, душманни тўғридан-тўғри йўлланган олов билан йўқ қилиш учун мўлжалланган; 2) мудофаа истеҳкомида ўрнатилган тўпдан (пулемётдан) жойнинг тўғридан-тўғри ўққа тутиладиган қисми. Бундай ҳолда ўт очиш секторининг катталиги амбразура ўлчамига боғлиқ. Муайян ўт очиш воситаси учун асосий (бош йўналишда) ва қўшимча ўт очиш секторлари тайинланади.

ҚАЙИҚ (ЛОДКА) 1) енгил эшакли дарё кемаларининг умумий номи (баъзан елкан ва моторга эга); 2) баъзи синфларга мансуб жанговар кемаларнинг номи (сув ости кемаси, канонерлик кемаси); 3) авиацияда учар қайиқ деб, қайиқсимон корпусга эга гидросамолётга айтилади.

ҚАЙТАРМА ҚАЛПОҚЛИ СУВ ЎТКАЗМАС ЕНГСИЗ ЁПИНЧИҚ (ПЛАЦ-НАКИДКА) Генерал, адмирал, офицер ва сержантларнинг ҳарбий кийимлари таркибига кирувчи буюм. 1954 йилда қабул қилинган. Ёғингарчилик мобайнида ҳарбий кийимни нам тортишдан сақлайди.

ҚАЙТА ТАЙЁРГАРЛИК (ПЕРЕПОДГОТОВКА) Қўшинлар ҳарбий техниканинг янги намунаси билан таъминланган, қўшимча ҳарбий қисм ва қўшилмалар тузилган, жанговар ҳаракатлар юритиш борасида қарашлар ўзгарганда – қуролли кучлар шахсий таркиби ва ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг махсус тайёргарлигини такомиллаштириш ёки аввалги ҳарбий мутахассислигига ёндош мутахассисликка қайта ўқитиш жараёни. Қайта тайёргарлик жараёни:

офицерлар учун – ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий округ ва бирлашмалар штаблари тасарруфидаги қисқа муддатли курсларда;

аскарлар учун – ҳарбий ўқув қисми (бўлинма) ёки қисмнинг жанговар тайёргарлиги мобайнида;

сержантлар учун – мутахассислигига кўра тегишли сержантлар тайёрлаш мактабларида амалга оширилади.

ҚАЙТУВЧИ АЛАНГА (артиллерия қуролида) (ОБРАТНОЕ ПЛАМЯ (в артиллерийском оружии)) Ўт очилганидан сўнг затвор очилиб, отилган гильза улоқтирилиши мобайнида порох газларининг ёнувчи таркиби ва ёнилғи қолдиқларининг ҳаво кислородида ўт олиши натижасида стволнинг ортки томонида ҳосил бўладиган аланга.

Қайтувчи аланга – зарарли ҳодисадир. Уни истисно қилиш учун

улоқтирувчи зарядларга олов сўндирувчи таркиб қўшилади, ўзиюлар қуролларда эса – ўт очилганидан сўнг ствол каналини ҳаво оқими билан тозалаш амаллари қўлланилади.

ҚАЛҚОН (ЩИТ) 1) жангчини асосан совуқ қуролдан асраш учун мўлжалланган сақловчи аслаҳа элементи; 2) айрим пулемётларда пулемётчини ва қурол механизмларини ўқ ва снарядлардан сақловчи, мўлжалга олиш мосламаси учун тирқишга эга, зирхли пўлат тахтадан тайёрланган мослама; 3) артиллерия қалқони – денгиздаги амалий ўт очиш машқида қўллаш учун мўлжалланган сузувчи сунъий нишон.

ҚАМАЛ (БЛОКАДА) 1) *ҳарбий қамал* – ҳарбий ҳаракатлар усули бўлиб, мазмунан қуршаб олинаётган объектни, мавжуд ташқи алоқаларни издан чиқариб изоляция қилишдан, яъни яккалатиб ажратиб қўйишдан иборатдир.

Ҳарбий қамал – душман қаршилигини синдириш, таслим бўлишга мажбур этиш, рақиб давлатнинг ҳарбий-иқтисодий қудратига путур етказиш мақсадида ўтказилади. Ҳарбий қамал тўла ёки қисман бўлиши, қуршаб олинаётган объектнинг географик ҳолати, қамал уюштиришга жалб этилаётган кучлар ва воситаларга кўра – қуруқлик, денгиз ва ҳаводаги ёки қўшма кучлар билан ўтказиладиган қамал бўлиши мумкин. Замонавий шароитда ҳарбий қамал, агар уруш оддий воситалар билан, шунингдек ядро қуролининг чекланган миқдори қўлланилиб юритилган ҳоллардагина уюштирилиши мумкин; 2) *сиёсий қамал* – бирор давлатни муайян талабни бажаришга мажбур этиш мақсадида унинг ташқи алоқаларига путур етказишга қаратилган сиёсий ёки иқтисодий (иқтисодий қамал) тадбирлар тизими.

ҚАМАЛДАН (ҚУРШОВДАН) ҚУТҚАРИШ (ДЕБЛОКАДА) Душман қамал этган (қуршаб олган) қўшинлар гуруҳи, флот кучлари, муҳим иқтисодий ҳудуд, оператив ёки стратегик аҳамиятга эга ҳарбий база, шаҳар, порт ёки ўзга объектларни қуршовдан ва яккалатиб қўйилган ҳолатдан озод этиш мақсадида ўтказиладиган жанговар ҳаракатлар.

ҚАМАЛ ҲОЛАТИ (ОСАДНОЕ ПОЛОЖЕНИЕ) Ҳарбий ҳолатнинг бир тури, алоҳида ҳуқуқий режим. Қамал ҳолатида ҳарбий ҳолатнинг барча чоралари сақланиб қолади, бироқ муҳофаа учун куч ва воситаларнинг максимал сафарбар этилиши, қамалда қолганлар белгиланган тартибга амал қилишлари ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида баъзи чоралар кучайтирилади.

Қамал ҳолати эълон қилинган тарихий мисоллар: 1918 йил Петроград, Киев, Царицин, 1919 йил Астрахан, 1941 йил Москва, Тула, Қрим ва 1942 йил Сталинград.

ҚАМОҚ ЖАЗОСИ (ТЮРЕМНОЕ НАКАЗАНИЕ) Озодликдан маҳрум этиш йўли билан жазони ўташ шакли. Суд томонидан (жазо белгиланган бутун муддатга ёки унинг бир қисмига) белгиланади.

ҚАНОТ (ФЛАНГ) Сафнинг ўнг ва чап томонлари. Саф бурилганида қанотлар номи ўзгармайди. Қанот одатда жанговар тартибнинг энг заиф қисми ҳисобланиши боис жанговар ҳаракатлар давомида душман қанотини ўраб олиш ва унга қарата зарба беришга ҳаракат қилинади.

Темур армиясида ўнг қанот *баронгар*, чап қанот *жаронгар* деб аталган.

ҚАНОТЛИ РАКЕТА (КРЫЛАТАЯ РАКЕТА) Учувчисиз учиш аппарати. Парвоз этиш траекторияси – қанотнинг аэродинамик кўтариш кучи, реактив двигателнинг тортиш қуввати ва оғирлик кучи билан белгиланади. Асосий элементлари: учиш аппаратлари, старт ва марш двигателлари, бошқарув тизими ва ракетанинг жанговар қисми. Жанговар қисм ўрнига разведка юритиш ёки электрон жиҳатдан қарши таъсир ўтказиш учун мўлжалланган аппаратлар жойлаштирилиши ҳам мумкин. Қанотли ракеталар қўлланишига кўра: “юзадан-юзага”, “юзадан-ҳавога”, “ҳаводан-ҳавога”, “ҳаводан-юзага” синфларига бўлинади.

ҚАРДОШЛАР МОЗОРИ (БРАТСКИЕ МОГИЛЫ) Жангларда ҳалок бўлган, яраланиб нобуд бўлган, табиий офатларни бартараф этишда хизмат бурчини адо этиш мобайнида ҳалок бўлган жангчилар (фуқаролар) дафн этилган жойлар. Қардошлар мозори учун, одатда зиёрат этиш қулай бўлган жойлар ажратилади. Ҳар бир қардошлар мозори ўз рақами ва одамлар дафн этилган санага эга бўлиб, топографик хариталарда белгиланиб борилади.

Қардошлар мозори ёнидан ўтаётган ҳарбий бўлинмалар ва алоҳида бораётган ҳарбий хизматчилар унга ҳарбийча салом бериб ўтишга мажбурдир.

ҚАРШИ АТАКА (КОНТРАТАКА) Мудофаадаги қўшинлар томонидан хужум қилаётган қўшинга қарши, мудофаани ёриб кирган душманни тор-мор қилиш ва вазиятни тўла-тўқис ёки қисман тиклаш мақсадида ўтказиладиган атака.

Мазмунан душман қўшинларининг ёриб кирган туркумини авиация ва ракеталар зарбаси, артиллерия ва миномётлар олови, кейин эса – иккинчи эшелондаги захирадаги қисмларнинг муайян шароитларда биринчи эшелондаги қисмлар билан биргаликда йўқ қилишдан иборат. Қарши атака одатда, мудофаамизни ёриб кирган душман тўхтатилган, эгаллаб олган марраларида ҳали ўрнашиб олишга улгурмаган ёки ҳаракати сустлаштирилган пайтда, захира кучларимиз қўлланилган ёхуд зудлик билан жангга киритишнинг иложи бўлмаган фурсатда ўтказилади. Қарши атака белгиланган маррани эгаллаш ва қўлда тутиб қолиш билан яқунланади.

ҚАРШИ ХУЖУМ (КОНТРАНАСТУПЛЕНИЕ) Мудофаадаги қўшинларнинг бостириб келаётган душманни тор-мор келтириш мақсадида хужумга ўтиши.

Қарши хужум мудофаа давомида тайёрланади ва оператив ёки стратегик миқёсда ўтказилади.

Тарихда қарши хужум ялпи хужумга айланиб кетган ҳоллар кўп бўлган.

ҚАҲРАМОНЛИК (ГЕРОИЗМ) Жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, илғор ва юксак мақсадга эришиш учун жасорат, мардлик, жонбозлик, фидокорлик кўрсатган, керак бўлса ҳаётини ҳам аямаган, айни вақтда маънан оқланган воситаларни қўллаган инсонлар хатти-ҳаракати ва фаолиятининг алоҳида шаклидир.

Аскарый қаҳрамонлик жуда мураккаб ва хавфли вазиятлар билан боғлиқ бўлиб, турли шаклларда намоён бўлади ва кучли ирода, рухий ва жисмоний

кучларнинг мужассамланиши ҳамда юқори савиядаги ҳарбий маҳоратни талаб этади.

Ҳақиқий қаҳрамонлик сохта қаҳрамонликдан ўзининг ижтимоий жихатдан йўналтирилганлиги билан фарқланиб, Ватанга содиқлик, сиёсий онг ва ўзга юксак маънавий-сиёсий сифатларга асосланади. Қаҳрамонликни фарқлаб турувчи хислат, шахсий ботирлик, алоҳида гуруҳларнинг мардонавор ташаббус билан оммавий қаҳрамонликни инсонлар томонидан уруш даврида, ғалабага бўлган букилмас иродани намойиш этган ҳолда жонбозларча хатти-ҳаракатлар билан намоён этилади, тинчлик даврида эса инсонларнинг фидокорона меҳнатларида, жангчиларнинг машаққатли ҳарбий фаолиятида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси давлати олдида кўрсатган қаҳрамонлик намоён этиш билан боғлиқ бўлган хизматлари учун – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони таъсис этилган.

ҚИДИРИБ ТОПИШ, АНИҚЛАШ (ОБНАРУЖЕНИЕ) Радиоқабул қурилмаси операторининг зарурий частотани (радиотўлқинни) қидириб топиши.

ҚИДИРУВ (ПОИСК) 1) қурол-аслаҳа намунаси, асир ва ҳужжатларни қўлга киритиб, қўшинларимиз ҳудудига тез қайтиш мақсадида, бўлинманинг кўзланган объектга пинҳона яқинлашиш ва дафъатан ҳамла қилишидан иборат – қўшинлар разведкаси усулларида бири. Қидирув одатда тунги вақтда ёки кўриниш чекланган шароитда (чанг-тўзонли шамол эсан, кучли ёмғир ва туманда) ўтказилади; 2) қидирув, ҳарбий-ҳаво кучларида, яқка самолёт ёки самолётлар гуруҳининг душман самолётлари ёки ердаги объектларини фош этиш ва дафъ этиш борасидаги мустақил ҳаракатлари (ов) тушунилади; 3) ҳарбий-денгиз флоти ва ҳарбий-ҳаво кучларида – душман томонидан уриб туширилган (шикастланган) ёки ҳалокатга учраган кема ва самолётларни, ёрдам кўрсатиш ва экипажни қутқариш учун, қидирув ишлари олиб борилади; 4) ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларида – ҳаво нишонларини фош этиш ва кимга тегишли эканлигини аниқлаш борасидаги амаллар тушунилади; 5) радиотехник қўшинларда – душман радио воситасини фош этиш ва турган жойини аниқлаш амаллари тушунилади; 6) чегара қўшинларида – давлат чегараси бузғунчисини фош этиш ва қўлга олиш борасидаги ҳаракатлар тушунилади.

ҚИРУВЧИ АВИАЦИЯ (ИСТРЕБИТЕЛЬНАЯ АВИАЦИЯ) Ҳарбий авиациянинг бир тури бўлиб, душман учувчиси бошқарадиган ва учувчисиз ҳаво воситаларини дафъ этиш учун мўлжалланган. Шунингдек ердаги (сувдаги) нишонларни яқсон қилиш ва ҳаво разведкасини юритиш учун қўлланилиши мумкин. I жаҳон уруши йилларида вужудга келган бўлиб, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-денгиз флоти таркибига киради. Замонавий қирувчи авиация асосини, ҳаво душманини ракеталар ва тўп олови билан, парвозининг барча баландлик ва тезликлар диапазонларида йўқ қилиш каби жанговар қобилиятларга эга, учувчи бошқарадиган, об-ҳавонинг барча шароитида реактив товуш тезлигидан тез парвоз этадиган қирувчи самолётлар ташкил этади.

ҚИРУВЧИ-БОМБАРДИМОНЧИ АВИАЦИЯ (ИСТРЕБИТЕЛЬНО-БОМБАРДИРОВОЧНАЯ АВИАЦИЯ) Жанговар авиация тури бўлиб, тактик ва оператив сарҳадларда, ер (денгиз) юзасидаги, шу жумладан, кичик бичимли ҳаракатчан объектларни, душман самолёти, вертолёти ва учувчисиз учиш воситаларини йўқ қилиш учун мўлжалланган.

ҚИРУВЧИ-БОМБАРДИМОНЧИ САМОЛЁТ (ИСТРЕБИТЕЛЬ-БОМБАРДИРОВЩИК) Ердаги (денгиздаги) кичик ўлчамли ва ҳаракатчан объектлар, шунингдек ҳаво нишонларини яқсон қилиш учун мўлжалланган товуш тезлигидан тез учувчи жанговар самолёт.

ҚИРУВЧИ САМОЛЁТ (ИСТРЕБИТЕЛЬ) Душман учувчиси бошқарадиган ва учувчисиз ҳаво воситаларини даф этиш, шу жумладан, унинг ердаги (сувдаги) нишонларини яқсон қилиш ва ҳаво разведкасини юритиш учун мўлжалланган жанговар самолёт. Замонавий қирувчи самолётлар реактив, товуш тезлигидан тез (соатига 2650 км гача, парвоз баландлиги 18-21 минг м, ҳаракат радиуси 1500-2000 км), об-ҳавонинг барча шароитида парвоз этадиган, ракета ташувчи самолётлардир. Замонавий қирувчининг асосий элементлари жумласига: учиш аппарати, бир ёки иккита реактив двигателлар, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган ракеталар, авиация бомбалари ва ўзга махсус жиҳозлар киради. Қудратли ўқотар ва тўп куролларига эга.

ҚИРҒОҚДАГИ РАКЕТА-АРТИЛЛЕРИЯ ҚИСМЛАРИ (БЕРЕГОВЫЕ РАКЕТНО-АРТИЛЛЕРИЙСКИЕ ЧАСТИ) Ҳарбий-денгиз флоти тасарруфидаги кўшинлар бўлиб, қирғоқ ва оролларни мудофаа этиш учун мўлжалланган. Ҳарбий-денгиз базалари, денгиз қирғоқларининг муҳим худудлари ва оролларни душман кемалари ҳужумидан мустақил тарзда ва ўзга кучлар билан биргаликда мудофаа этиш, шунингдек қурукликдаги кучларга кўмак бериш борасидаги жанговар вазифаларни бажариш учун мўлжалланган. Қурол-аслаҳаси таркибига бошқарилувчи ракеталар ва йирик калибрли артиллерия киради.

ҚИРҒОҚ МУДОФААСИ (БЕРЕГОВАЯ ОБОРОНА) Флотнинг ҳарбий денгиз (дарё) базалари, порт, қирғоқ ва оролларни мудофаа қилиш учун мўлжалланган куч ва воситалари ҳамда қирғоқ истехкомлари.

Қирғоқ мудофаасини қуруклик кўшинлари, ҳарбий-денгиз флоти (ҳарбий денгиз кучлари), ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари биргаликда амалга оширади.

ҚИСМ ҲУДУДИДАН ҚИСҚА ТАЪТИЛГА ЧИҚИШ (УВОЛЬНЕНИЕ ИЗ РАСПОЛОЖЕНИЯ ЧАСТИ) Муддатли ҳарбий хизмат аскарининг катта бошлиқ рухсати билан қисм (кема) худудидан қисқа муддатга (бир суткадан кам вақтга) чиқиб кетиши.

Қисқа таътилга чиқиб кетаётган аскарга унинг номига расмийлаштирилган “Қисқа таътил варақаси” берилади. Ушбу варақа аскар ёнида ҳарбий гувоҳномаси билан биргаликда бўлиши лозим.

Аскар қисқа таътилдан қайтгач бу ҳақда бўлинма бўйича навбатчи ва бевосита бошлиғига шахсан билдирув бериши керак.

ҚИСҚА ТАЪТИЛ ВАРАҚАСИ (УВОЛЬНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА)

Муддатли ҳарбий хизмат аскарининг ҳарбий қисм ҳудудидан ташқарига чиқиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. Бўлинма командири томонидан аскар номига расмийлаштирилиб, топширилади.

ҚИСҚА ТУТАШУВ (КОРОТКОЕ ЗАМЫКАНИЕ) Турли потенциалларга эга бўлган электр занжири нуқталарининг бир-бири билан ёки бошқа нарсага зарарли туташиб қолиши. Электр қурилмалар ўтказгичларининг яхши изоляцияланмаганлиги ва бошқа сабаблар туфайли қисқа туташув содир бўлади.

ҚИСҚА ТЎЛҚИНЛАР (КОРОТКИЕ ВОЛНЫ) Тўлқин узунлиги 10 м дан 100 м гача бўлган радиотўлқинлар. Ионосфера ва Ер сиртидан қайтади, бу эса радиоалоқани узоқ масофага (бир неча минг км га) узатишга имкон беради. Қисқа тўлқинлар радиоалоқа ва радиоэшиттиришларда кенг ишлатилади.

ҚИТЪАЛАРАРО БАЛЛИСТИК РАКЕТА (МЕЖКОНТИНЕНТАЛЬНАЯ БАЛЛИСТИЧЕСКАЯ РАКЕТА) Стратегик бошқариладиган баллистик ракета. 10 минг км дан ортиқ масофага уча олади. Космонавтикада элтувчи ракета сифатида ҳам фойдаланилади.

ҚОБИЛИЯТ (СПОСОБНОСТЬ) Шахснинг индивидуал хусусиятлари, муайян фаолият турини муваффақиятли амалга оширишда субъектив шарт ҳисобланади. Қобилият билим, малака, кўникма эмас, фаолият усулларини эгаллаш тезлиги, теранлиги ва мустаҳкамлигида намоён бўлади. Қобилиятнинг баъзи жиҳатлари диагностикаси тестлар ёрдамида амалга оширилади. Зўр тараққий этган қобилият истеъдод ва даҳо тушунчалари билан ифодаланади.

ҚОНУНЧИЛИК (ЗАКОНОДАТЕЛЬНОСТЬ) Ваколатли давлат органларининг қонун чиқариш фаолияти.

ҚОРОВУЛ (КАРАУЛ) 1) Жанговар Байроқни, ҳарбий ва давлат аҳамиятига молик объектларни кўриқлаш ва мудофаа этиш, гауптвахта ва алоҳида интизомий взводда тутиб турилган шахсларни кўриқлаш, шунингдек ҳарбий эҳтиром кўрсатиш учун тайёрланган, қуролланган бўлинма. Қоровуллар:

гарнизон,

лагерь;

ички (кема);

фахрий қоровуллар турларига бўлинади.

Қоровулга ҳарбий қасамёдга келтирилган, хизматга янги чақирилган аскарни тайёрлаш дастурини тўла ўзлаштирган ва ноҳўя хатти-ҳаракат содир этмаган ҳарбий хизматчилар тайинланади.

Қоровул таркиби: қоровул бошлиғи, постлар ва навбатчилар сонига кўра қоровул ва тарқатувчилар, зарурат бўлса – қоровул бошлиғининг ёрдамчиси, муҳофазанинг техник воситалари бўйича қоровул бошлиғининг ёрдамчиси (оператор) ёки операторларнинг алмашинувчи навбати (уч-тўрт киши) қоровул бошлиғининг кўриқчи итлар хизмати бўйича ёрдамчиси, гауптвахтадаги қоровул таркибида эса – асирларни ташқарига чиқарувчилар ва транспорт воситаларининг ҳайдовчиларидан иборат.

Объектларни бевосита кўриқлаш ва мудофаа этиш учун қоровул таркибидан соқчилар кўйилади.

Фахрий қоровуллар ҳарбий эҳтиром кўрсатиш учун алоҳида ҳолларда тайинланади.

Қоровул хизматини ўташ даврида қоровул таркиби алоҳида ҳуқуқ ва ваколатларга эгадир; 2) объектни (постни) кўриқлаш ва мудофаа этиш бўйича жанговар вазифани бажараётган қоровул таркибидаги ҳарбий хизматчи. Қоровул аскар (матрос) ёки сержантлар таркибидан тайинланади.

Қоровул таркибидаги ҳарбий хизматчилар сони мазкур қоровул учун ўрнатилган постлар ва ҳар бир постдаги соқчиларнинг алмашинувчи навбати миқдорига мувофиқ белгиланади.

Қоровулнинг соқчи мақоми ва акс ҳолга ўтиши ушбу қоровулнинг ўз тарқатувчисига (қоровул бошлиғи ёки унинг ёрдамчисига) постни қабул қилиб олганлиги (топширганлиги) ҳақида билдируви билан белгиланади.

ҚОРОВУЛЛАР ТАРҚАТУВИ (РАЗВОД КАРАУЛОВ) Қоровулларнинг қоровул хизматини ўташга киришишидан олдин ўтказиладиган кундалик кўриги.

Тарқатув давомида қоровул таркибининг қоровуллик хизматини ўташга шайлиги текширилиб, тегишли бошлиқлар ихтиёрига ўтказилади.

Қоровуллар тарқатувини ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг гарнизон ва қоровул хизматлари низомида белгиланган.

ҚОРОВУЛ ХИЗМАТИ (КАРАУЛЬНАЯ СЛУЖБА) Ҳарбий ва давлат объектлари, шунингдек гауптвахта ва алоҳида интизомий взводда тутиб турилган шахсларни ишончли кўриқлаш ва мудофаа этиш учун мўлжалланган ҳарбий хизмат тури – кўшинлар хизматининг таркибий қисми.

Қоровул хизматини ташкил этиш ва ўташ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровул хизмати низомида белгилаб кўйилган.

Қоровул хизматини ўташ – жанговар вазифани бажаришга тенглаштирилган бўлиб, шахсий таркибдан низом талабларига аниқ риоя этиш, юксак сергаклик, ўзаро ёрдам бериш, мустаҳкам ҳарбий интизом, қурол ва техникадан тўғри фойдалана олишни талаб этади.

ҚОРОВУЛХОНА (КАРАУЛЬНОЕ ПОМЕЩЕНИЕ) Қоровул шахсий таркибини жойлаштириш учун мўлжалланган, махсус жиҳозланган бино (хона).

Қоровул бошлиғининг рухсатисиз қоровул таркибидаги шахсларнинг бирортаси ҳам қоровулхонани ташлаб кетиш ҳуқуқига эга эмас.

Қоровулхонада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Гарнизон ва қоровул хизматлари низомида белгилаб кўйилган тартиб ва осойишталикка риоя этилиши шарт. Қоровулхона қуйидагилардан иборат:

қоровул шахсий таркиби учун умумий хона;

қоровул бошлиғи ва унинг ёрдамчиси учун, қоровул шахсий таркибининг умумий хонасига ойнали эшик билан боғланган хона;

дам оладиган навбат учун дам олиш хонаси.

Булардан ташқари: овқат иситадиган жиҳозларга эга ошхона, ювиниш, тамаки чекиш, қурол ва пойабзал тозалаш жойлари (хоналари), кийим қуритиш хонаси, маиший хизмат бурчаги, ҳожатхона, ёқилғи қуйиладиган омборча бўлиши керак. Кам сонли қоровулларнинг қоровулхонасида ошхона бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолда қозон-товоқ ва озиқ-овқатларни сақлайдиган, овқат иситадиган жой ҳозирланади.

Объектларни қўриқлашнинг техник воситалари билан жиҳозланган қоровулнинг қоровулхонасида, оператор учун – сигналловчи пулт хонаси бўлиши керак.

Қоровулхона олдида қоровул таркиби саф тортиши учун майдон, тунги вақтда ёритиш воситаларига эга – қуролни ўқлаш ва ўқсизлантириш учун махсус жой бўлиши лозим.

Қоровулхонани қўриқлаш учун кириш эшиги ташқарисида, қоровулнинг сергак навбати таркибидан соқчи қўйилади.

Ҳарбий қисм ҳудуди ташқарисида жойлашган қоровулхонада кичик туйнукка эга, ичкаридан ёпиладиган деразалар бўлиши лозим.

ҚУРОЛ (ОРУЖИЕ) Қуролли курашда душманга шикаст етказиш учун мўлжалланган қурилма ва воситалар. Одатда душманга шикаст етказувчи воситалар ва ушбу воситаларни нишонга етказувчи воситалардан иборат. Нисбатан мураккаб қурол таркибига, бундан ташқари, бошқарувчи ва йўналтирувчи жиҳоз ва қурилмалар киради. Замонавий қурол қуйидаги турларга бўлинади:

ўқотар қурол;

мина, торпеда ва ракетали қурол;

реактив қурол;

ядро қуроли;

кимёвий қурол;

бактериологик (биологик) қурол;

совуқ қурол.

Талафот етказиш хусусиятларига кўра:

оммавий қирғин қуроли;

шикаст етказувчи оддий қурол.

Бажарадиган жанговар вазифаларнинг миқёсига кўра:

стратегик;

оператив-тактик;

тактик қурол.

Қўллаш мақсадига кўра:

бир мақсадли – самолётга қарши, танкка қарши, сув ости кемасига қарши;

кўп мақсадли;

мажмуий қурол.

Хизмат кўрсатадиган одамлар сонига кўра:

шахсий;

гуруҳ қуроли.

Ўт очиш жараёнининг автоматлаштирилганлик даражасига кўра:
автоматик;
ярим автоматик;
автоматлаштирилмаган.

Бевосита шикаст етказувчи воситаларнинг нишон томон ҳаракати мобайнидаги траекторияни ўзгартириш имконияти мавжудлигига кўра:

бошқариладиган;
бошқарилмайдиган турларга бўлинади.

Илк қуроллар жумласига – гурзи чўқмоқ, ёғоч найза, тошлар кириб, кейинроқ эса – металлдан тайёрланган найза, улоқтириладиган ўқ, палақмон, сопқон, найза улоқтиргич кабилар қўлланила бошланди. Қурол тараққий этишига ҳимоя аслаҳасининг вужудга келиши сабаб бўлди. Бронза асрида бронза қилич, шамшир, тиғ, ханжар, найза каби махсус ҳарбий қуроллар, (совуқ қуроллар) вужудга келди. Ҳимоя иншоотларининг пайдо бўлиши улоқтирувчи машина ва қамал қилувчи техниканинг ихтиро этилишига туртки бўлди.

Ўқотар қуролнинг илк намунаси XII асрдаги молдфа, яъни ўз тубига эга металлдан тайёрланган қисқа қувурча эди. Илк артиллерия қуроли эса XIV асрда Ғарбий Европада – ёғоч тиргакка ўрнатилган, металлдан тайёрланган силлиқ деворли қувур кўринишида тайёрланган. Унинг снарядлари сифатида камон ўқи, дарахт танаси, тошлар, кейинчалик тошдан тайёрланган ўқлар хизмат қилган. Ўқотар қуролларнинг илк намуналари қурилиши жиҳатидан артиллерия қуролидан кам фарқ қилар эди.

Совуқ қурол ҳам тараққий этиб борди. XIV аср охирида шамшир ўз ўрнини қилич ва қиличсимон найзага бўшатиб берди.

XV асрда пилик чакмоқли милтиқлар, стволининг оғзидан ўқланадиган силлиқ стволли пистолетлар пайдо бўлди. Зарб билан ҳаракатга келувчи кремнийли чакмоқ ва милтиқ найзаси ихтиро қилинган (XVII асрда) стволининг оғзидан ўқланадиган силлиқ стволли пиёдалар милтиғининг русуми шакллана бошланди. Винтли кесмага эга ўқли қуролнинг дастлабки намуналари (ичи бурама керткли милтиқ) XVI асрда ихтиро қилинган бўлиб, фақат XIX асрдагина кенг тарқалди. XVI – XVII асрларда қурол-аслаҳа таркибида оғзидан ўқланадиган милтиқ, қисқа стволли тўп, замбарак, сочма ўқ отадиган милтиқ кабилар бор эди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида – тутунсиз порох, ўқдонли қурол, автоматик қурол, миномётлар, авиация ва чуқурлик бомбалари вужудга келди.

I жаҳон уруши йилларида огнемётлар ва кимёвий қурол, II жаҳон урушида эса реактив қуроллар (“Катюшалар”) қўлланила бошланди. 1944 йилда фашистлар томонидан илк бор бошқариладиган самолёт-снаряд Фау-1 ва баллистик ракета Фау-2 қўлланилди. 1945 йилнинг август ойида эса АҚШ ҳукумати томонидан ядро қуроли амалда қўлланилди. Кейинчалик ядровий ўқ-дори билан ядровий ракета қуролининг бирлиги яратила бошланди.

Энг қудратли стратегик қурол – яхлит блокли ва ажралувчи каллакли китъалараро баллистик ракеталар ҳисобланади. Бундан ташқари оператив-

тактик ва тактик ядровий ракеталар ҳам мавжуд. Қитъалараро баллистик ракеталарнинг жанговар каллакларини тутиб олиш учун ракеталарга қарши мудофаанинг ракетага қарши ўт очувчи комплекслари хизмат қилади.

Қуролнинг замонавий тараққиёти – қурол авлоди тез-тез алмаштирилиб турилиши билан характерланади. Бир намунага мансуб қуролнинг навбатдаги намунасига алмаштирилиш вақти XX асрнинг бошига нисбатан 2 – 3 мартабага қисқарди.

ҚУРОЛ-АСЛАҲА (ВООРУЖЕНИЕ) 1) турли қуроллар ва уларнинг қўлланилишини таъминловчи воситалар мажмуи. Улар жумласига қуролли куч турига мансуб бўлинма, ҳарбий қисм ва қўшилмалар таъминладиган қурол, уни йўналтириш, қўллаш, учириш, ишга солиш, бошқариш тизимлари ва ўзга техник воситалар киради; 2) танк, жанговар машина, самолёт ва кемада ўрнатиладиган қурол ва асбоблар; 3) давлат ҳарбий техникаларининг миқдорий жиҳатдан ўсиш, сифат жиҳатидан ривожланиш, қуролли кучларнинг улар билан таъминланиш жараёни. Қурол-аслаҳа:

ҳал этадиган вазифаларнинг турига кўра – стратегик, оператив-тактик ва тактик турларга;

қуролли кучлар ёки қўшинлар турида қўлланилишига кўра – қуруқликдаги қўшинлар, ракета қўшинлари, ҳаво-ҳужумидан мудофаа қўшинлари, ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳарбий-денгиз флоти, артиллерия, кимё қўшинлари қурол-аслаҳаларига;

ташувчи воситалар турига кўра – авиация, кема ва танк қурол-аслаҳаларига бўлинади.

ҚУРОЛ-АСЛАҲА ТИЗИМИ (СИСТЕМА ВООРУЖЕНИЯ) Муайян жанговар вазифани бажариш учун мўлжалланган қурол-аслаҳа ва бошқа ҳарбий техника намуналарининг мажмуи. Қурол-аслаҳанинг бир ёки ҳар хил турларидан ташкил топган бўлиши мумкин (мисол учун артиллерия қурол-аслаҳаси тизими). “Қурол-аслаҳа тизими” атамаси, шунингдек муайян масалани ҳал этиш учун мўлжалланган воситалар мажмуининг мазмунини таърифлашда ҳам қўлланилади (мисол учун, сув ости кемаси, ракетали комплекс ҳамда бошқарув ва таъминот воситаларидан ташкил топган сув ости ракета-ядровий тизим).

ҚУРОЛ КАЛИБРИ (КАЛИБР ОРУЖИЯ) 1) ўқотар қурол стволи каналининг диаметри. Қурол калибри қурол турига кўра:

силлиқ стволли қуролда – стволнинг ички диаметри бўйича;

кесма стволда – кесмаларнинг қарама-қарши майдонлари орасидаги масофа бўйича;

снарядларда (миналарда) – энг йирик кўндаланг кесим бўйича белгиланади. Қурол калибри дюймлар (25,4 мм) ёки миллиметрларда ифодаланади; 2) снаряд, торпеда, мина кабиларнинг энг йирик кўндаланг кесими диаметри бўйича ўлчами; 3) авиация бомбасининг килограммда ўлчанадиган вазни.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР (ВООРУЖЁННЫЕ СИЛЫ) Ҳужум ёки мудофаа урушларини олиб бориш мақсадида давлат томонидан таъминланувчи қуролланган кишиларнинг уюшган қўшилмаси, сиёсий ҳокимиятнинг энг

муҳим қуролларидан бири.

Қуролли кучларнинг ташкил қилиниши кишилиқ жамиятининг синфларга ажралиши ва давлатнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Қуролли кучларнинг вазифаси, уларнинг қурилиш тамойиллари, шахсий таркибни ўқитиш ижтимоий ва давлат тузуми ҳамда давлат сиёсати билан белгиланади.

XX асрга қадар қуролли кучлар таркибига қуруқликдаги армия ва ҳарбий-денгиз флоти киритилган.

Замонавий қуролли кучлар:

қуруқликдаги қўшинлар;

ҳарбий-ҳаво кучлари;

ҳарбий-денгиз флоти ва бошқа турдаги қуролли кучлар;

бош ҳарбий бошқарув органлари;

фронт орти органлари;

давлатнинг айрим ҳарбий ташкилотларидан (масалан, ички ва чегара қўшинлари, миллий гвардия) таркиб топган.

Қуролли кучлар ташкилий жиҳатдан бўлинма, қисм, қўшилма, бирлашмалардан иборат бўлган қўшин турлари (куч турлари) ва махсус қўшинларни ўз ичига олади.

Қуролли кучларни бутлаш умумий ҳарбий хизмат бурчи асосида ёки умумий ҳарбий хизмат мажбурияти асосида амалга оширилади, аксарият мамлакатларда кўнгиллиларни ёллаш усулидан ҳам фойдаланилади.

Ривожланган давлатлар қуролли кучларининг ўзига хос хусусиятлари жумласига:

оммавийлик;

қудратли кураш воситаларига эгалик;

йирик мамлакатларда ядро қуролининг мавжудлиги;

юксак ҳарбий тайёргарлик киради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари – мамлакат миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш, урушлар ва қуролли можароларни қайтариш ва олдини олиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмлардир.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасида Мудофаа вазирлиги тизимидаги қисм ва бўлинмалар, Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбийлаштирилган қисмлари, Чегара қўшинларидан ташкил топган.

Қўшинлар қўлланишининг стратегик ва тактик жиҳатидан келиб чиқиб, Қуролли Кучлар тузилиши асоси Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қила оладиган қўшинлар ва махсус қўшинларни тузишга қаратилган. Булар қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, махсус ва муҳандислик-қурувчилик қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбийлаштирилган қисмлари ва чегара қўшинлари.

Қуруқликдаги қўшинлар таркибига мотоўқчи, танкчи ва артиллерия қўшилмалар ва қисмларидан, ҳаво-десанти, хужумчи-десант, ҳаво хужумидан мудофаа бўлинмалари, тез ҳаракат қилувчи кучлар қисмлари, таъминот қисмлари ва бўлинмалари киради

Ҳарбий-ҳаво кучлари Қуролли Кучларнинг энг юқори манёврланган қўшин турларидан бири ҳисобланади.

Махсус қўшинлар жанговар ҳаракатларни оператив таъминлаш масалаларини ҳал этиш учун мўлжалланган.

Қўшинларнинг ҳаракати ва манёври учун йўлларни тайёрлашда *муҳандислик бўлинмаларининг* тутган ўрни алоҳида. Бу бўлинмалар гилдиракли ва занжирли асослардаги йўлётқизгич, миналардан тозаловчи муҳандислик машиналари, кўприк қурувчилар ҳамда ўзиюрар механизациялашган кўприклар каби махсус техника турлари билан таъминланган.

Қўшинларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳарбий *алоқа қўшинларига* боғлиқ. Улар қўшинлар ва қуролларни бошқариш тизимида ахборотларни алмаштириш хизматини бажарадилар. Алоқа қўшинлари симли алоқа, радиоалоқа, махфийлаштирилган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳарбий ҳаракатларнинг боришига таъсир ўтказадилар.

Муҳандислик-қурувчилик қўшинлари Қуролли Кучлар инфратузилмаси тараққиётини таъминлаш ва давлат стратегик иқтисодий дастурини бажаришга ҳисса қўшиб келмоқда. Уруш шароитида мазкур қўшинларга мудофаа биноларини, коммуникация қурилишлари ва кутқарув-авария ишларини бажариш юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 24 мартдаги фармонида кўра тузилди. Чегара қўшинларига Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини, унинг суверенитетини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилган.

Ички ишлар қўшинларининг махсус бўлинмалари муҳим давлат объектларини кўриқлаш, махсус ҳарбий операцияларда қатнашиш, террорчиларга қарши кураш каби вазифаларни бажаради.

Уруш ҳолатида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўз вазифаларини Ўзбекистон Республикаси *Миллий хавфсизлик хизмати қўмитаси* ва *Ички ишлар вазирлиги* билан биргаликда амалга оширади. Уларнинг биргаликдаги ҳаракатини мувофиқлаштириш учун 2000 йилда Мудофаа Вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бирлашган Штаби тузилди.

Қуролли Кучлар ўз фаолиятини қонун устунлиги, марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик, жанговар ва сафарбарлик жиҳатидан доимий шайлик ҳамда ҳарбий интизомга риоя этиш асосида қуради ва амалга оширади.

Ҳарбий объектлар, бинолар ва иншоотлар, қурол-яроғ, ҳарбий техниканинг барча турлари, бошқа ҳарбий мол-мулклар давлат мулки ҳисобланади ва Қуролли Кучлар тасарруфида бўлади.

Қуролли Кучларнинг бутланиши қонун ҳужжатларида белгиланган

тартибда амалга оширилади.

Қуrolли Кучларга Олий бошқарувни Президент амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ, Президент Республика Қуrolли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ҳисобланади (*Олий Бош Қўмондон атамасига қаранг*).

Уруш даврида Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири бир пайтнинг ўзида Қуrolли Кучлар Олий Бош Қўмондони ўринбосари ҳисобланади.

Қуrolли Кучларнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни ўз бўйсунувида Қуrolли Кучларнинг таркибига кирадиган ҳарбий тузилмалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари амалга оширадилар.

Қуrolли Кучлар олдига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан уларга оператив раҳбарликни Қуrolли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуrolли кучларга эга.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР БИРЛАШГАН ШТАБИ (ОБЪЕДИНЁННЫЙ ШТАБ ВООРУЖЁННЫХ СИЛ) 1) АҚШ Қуrolли Кучларида штаб бошлиқлари қўмитасининг асосий ишчи органи бўлиб, ўз ичига оператив бошқарма, бошқарув ва алоқа тизимлари бошқармаси, фронт орти бошқармаси, режалаштириш ва маъмурий бошқармаларни мужассам этади. Штаб бошлиқлари қўмитасининг раиси тайинлаган, генерал-лейтенант (вице-адмирал) унвонига эга бўлган штаб бошлиғи томонидан идора этилади; 2) уруш даврида уруш майдони, ҳарбий ҳаракатлар майдони ёки муайян минтақадаги иттифоқдош қуrolли кучларнинг бошқарув органи. 2- жаҳон уруши йилларида Вашингтонда Англия ва Америка Қуrolли Кучларининг Бирлашган штаби жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларининг Бирлашган штаби Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қуrolли ҳимоя қилиш соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқарувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органи ҳисобланади. Қуrolли Кучлар Бирлашган штаби:

миллий ҳарбий стратегия, Қуrolли Кучлар қурилиши ва ривожлантирилишининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш учун масъул бўлади;

Қуrolли Кучларни, ҳарбий округларни, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларини оператив-стратегик бошқаришнинг бош органи вазифасини бажаради;

қўшинларнинг жанговар ҳаракатлари стратегик ва оператив жиҳатдан режалаштирилишини ҳамда уларга раҳбарликни амалга оширади;

қўшинларнинг оператив ва жанговар тайёргарлиги, ташкилий-штат тузилиши ҳамда қўшинларни қўллаш шакллари ва усулларига доир чоратадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

ваколати доирасида барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар

рахбарлари, ҳарбий бўлинмалар, қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар қўмондонлари (командирлари) томонидан ижро этиши мажбурий бўлган директивалар ва буйруқлар чиқаради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ЗАХИРАСИ (ЗАПАС ВООРУЖЕННЫХ СИЛ)

Ҳақиқий ҳарбий хизмат ёки сафарбарлик чақирув резервидаги хизматини ўтаган ёки ҳарбий хизматдан озод этилиб, уруш даврида ҳақиқий ҳарбий хизматга яроқли деб топилган, номлари ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг ҳарбий ҳисобида қайд этилган фуқаролар. Қуролли Кучлар захираси рўйхатида ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ёки оилавий шароити, касаллиги каби сабабларга кўра муддатидан олдин бўшатилаётган, шу жумладан, сафарбарлик чақирув резерви хизматини ўтаган фуқаролар ва тиббиёт соҳасидаги ёхуд ўзга махсус мутахассисликни эгаллаган аёллар киритилади. Қуролли Кучлар захираси рўйхатидаги фуқаролар турар жойларида ҳарбий ҳисобга олинадилар.

Қуролли кучлар захирасидаги фуқаролар вақти-вақти билан ўқув йиғинларига жалб этиладилар.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ТУРИ (ВИД ВООРУЖЕННЫХ СИЛ) Муайян соҳада (қуруқлик, денгиз ва ҳаво бўшлиғида) ҳарбий ҳаракатлар юритиш учун мўлжалланган давлат қуролли кучларининг таркибий қисми.

Қуролли кучлар тури жумласига қуруқликдаги қўшинлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий-денгиз флоти киради.

Қуролли кучлар тури тегишли қўмондонларга бўйсунди. Қуролли кучларнинг ҳар бир тури қўшинлар (кучлар) тури, махсус қўшинлар ва фақат ўзига хос қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникадан иборат.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФРОНТ ОРТИ (ТЫЛ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ)

Қўшиннинг фронт орти эҳтиёжларини таъминлаш учун мўлжалланган куч ва воситалар. Қуролли кучларнинг давлат иқтисодиёти билан боғлаб турувчи поғонаси ҳисобланадиган қисми. Асосий вазифалари: қуролли кучлардаги моддий воситалар захирасини бутлаб қўшинларни узлуксиз таъминлаб бориш; ташишларнинг барча турлари амалга оширилишини таъминлаш; қўшинлар учун юриш йўллари тайёрлаш ва соз ҳолда тутиб туриш; тиббий, молиявий, маиший, ҳарбий савдо, уй-жой каби таъминотларни амалга тадбиқ этишдан иборат. Жаҳон мамлакатлари қуролли кучларининг бугунги кундаги фронт орти муайян давлатдаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда ривожланади. Унинг тасарруфида турли мақсадда йиғилган моддий захира базалари ва омборхоналар, автомобиль, йўл ва қувурлар ётқизувчи каби махсус қўшинлар, кўмакчи флот, муҳандислик аэродроми, авиация техникаси, авария қутқарувчи, таъмирловчи, қурувчи, тиббиёт, ветеринария каби бўлинма, қисм, хизмат ва муассасалар мавжуд. Бажарадиган вазифаларининг миқёси ва хусусиятига кўра қуролли кучлар фронт орти: қуролли кучларнинг стратегик фронт орти; қуролли кучларнинг оператив фронт орти; қўшин тасарруфига мансуб фронт орти турларига бўлинади. Қуролли кучларнинг ҳар бир тури ўз фронт орти органларига эга. Уларга мудофаа вазирининг фронт орти бўйича ўринбосари

рахбарлик қилади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ШАХСИЙ ТАРКИБИНИНГ АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ҲОЛАТИ (МОРАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ЛИЧНОГО СОСТАВА ВООРУЖЕННЫХ СИЛ) Халқ ва армиянинг ахлоқий-руҳий кучлари намоён бўлиши, руҳий имкониятларининг амалга ошиш даражаси, муайян тарихий шароитда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий масалаларни ҳал эта олиш қобилияти.

Ахлоқий-руҳий ҳолат давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми, олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатига боғлиқ. Мамлакат аҳолиси, алоҳида гуруҳлари, қуроли кучлар шахсий таркиби ва айрим қисмларига тааллуқли ахлоқий-руҳий ҳолатга бўлинади. Ахлоқий-руҳий ҳолат:

уруш даврида – қуроли кучларнинг ахлоқий-руҳий ҳолати, урушнинг сиёсий мақсади ва ўзига хос хусусиятлари, фронтлардаги аҳвол, кўшинларнинг таъминот даражаси, сиёсий ва ҳарбий раҳбарларнинг урушда сиёсий ва ҳарбий мақсадга эришишни таъминлай олиш қобилиятлари, фронт ортидаги аҳолининг турмуш тарзи, шунингдек душман томонидан ўтказилаётган мафкуравий ишларнинг ўтказаетган таъсирига боғлиқ бўлиб, кўшинларнинг жанговар қобилиятлари ва жанговар ҳаракатларининг натижаларида намоён бўлади;

тинчлик даврида – шахсий таркибнинг ахлоқий-руҳий ҳолати ўқув-жанговар вазифаларни бажариш, жанговар навбатчиликни сифатли ўташ, кундалик жанговар шайлик, уюшқоқлик ва ҳарбий интизом, ҳарбий жамоадаги соғлом муҳит, командирларнинг нуфузи, кўшинларни бошқаришдаги мустаҳкам ирода ва қатъийликларида намоён бўлади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҲАРБИЙ СПОРТ МАЖМУАСИ (ВОЕННО-СПОРТИВНЫЙ КОМПЛЕКС ВООРУЖЁННЫХ СИЛ) Армия ва флотда жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғибот қилиш, ҳарбий қисмларга оммавий-спорт ишларини ташкиллаштириш ва ўтказишда амалий-услубий ёрдам бериш, шунингдек юқори малакали спортчиларни тайёрлаш учун мўлжалланган муассаса.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг ҳарбий спорт мажмуаси ҳарбий хизматчилар учун жорий этилган республика жисмоний тарбия мажмуасининг таркибий қисмидир. Мақсади – ҳарбий хизматчиларни Ватан ҳимоясига жисмонан тайёрлаш саналади. Белгиланган меъёрларни топширган шахсга белгиланган кўкрак нишони топширилади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ГАРНИЗОН ВА ҚОРОВУЛЛИК ХИЗМАТЛАРИ НИЗОМИ (УСТАВ ГАРНИЗОННОЙ И КАРАУЛЬНОЙ СЛУЖБ ВС) Гарнизон ва қоровул хизматларини ташкил этиш ва ўташ тартиби, гарнизондаги мансабдор шахслар ва гарнизон хизматини ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек кўшинлар иштироки билан ўтказиладиган гарнизон тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилаб берувчи расмий меъёрий ҳуқуқий ҳужжат.

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг амалдаги Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги фармони билан тасдиқланган.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ИНТИЗОМ НИЗОМИ (ДИСЦИПЛИНАРНЫЙ УСТАВ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ) Расмий меъерий-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, ҳарбий интизом мазмуни ва асосларини, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий интизомни тутиб туриш ва мустаҳкамлаш борасидаги мажбуриятлари, рағбатлантириш ва интизомий таъзир турлари ҳамда уларни қўллаш тартибини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ ИЧКИ ХИЗМАТ НИЗОМИ (УСТАВ ВНУТРЕННЕЙ СЛУЖБЫ ВС) Ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари ва улар орасидаги муносабатларни, бригададаги асосий мансабдор шахсларнинг мажбуриятларини, қисм ва бўлинмадаги ички тартиб қоидалари, вақт тақсимоли, кундалик тартиб каби масалаларни белгилаб берувчи расмий ҳужжат. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг амалдаги Ички хизмат низоми Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги фармони билан тасдиқланган.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИНГ САФ НИЗОМИ (СТРОЕВОЙ УСТАВ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ) Расмий ҳужжат бўлиб, унда:

саф услублари бажарилиши;

ҳарбий бўлинма ва қисмларнинг саф тортишлари, уларнинг турли шароитда юриш ва ҳаракатланиш тартиблари;

ҳарбийча салом бериш тартиби;

саф кўригини ўтказиш тартиби;

Жанговар Байроқнинг сафдаги ҳолати, уни олиб чиқиш ва олиб кетиш тартиби;

ҳарбий хизматчининг сафга туришдан олдин ва сафдаги мажбуриятлари каби қоидалар белгилаб берилади.

Саф низоми асосида саф тайёргарлиги ташкил этилади ва ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Саф низоми Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 1996 йил 14 октябрдаги 238- буйруғига биноан жорий этилган. Мазкур низом кўшин тузилиши ва мавжуд қурол-аслаҳасини ҳисобга олган ҳолда кўшинлар таълимотининг илғор тажрибаларини умумлаштиради.

ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАР (ВООРУЖЁННЫЕ КОНФЛИКТЫ) Чекланган доирадаги ҳарбий низолар (ҳаракатлар ва қуролли тўқнашувлар) қуролли можаролар деб ҳисобланади, бунда уруш ҳолати эълон қилинмайди.

Қуролли можаролар келиб чиққан ва Ўзбекистон Республикаси бу можароларга тортилган тақдирда Қуролли Кучлар дарҳол уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрадилар.

ҚУРОЛЛИ МОЖАРОНИНГ КЕСКИН ТУС ОЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК (ЛОКАЛИЗАЦИЯ ВООРУЖЕННОГО КОНФЛИКТА) Қуролли тўқнашувларни улар юзага келган жой сарҳадлари билан чеклаб қўйиш, жанговар ҳаракатлар шиддатини заифлаштириш ва можаронинг тезроқ якун топиши учун қуролли тузилмаларнинг можаро зонасига яқин келиши, қуруқлик, сув ва ҳаво йўллари орқали ушбу зонага моддий захиралар келтирилишини тақиқловчи (йўл қўймайдиган) шароит яратиш.

Қуролли можаронинг ёйилишига йўл қўймаслик учун қўшинларнинг (кучларнинг) махсус ҳаракатлари, тўсиқлар ўрнатиш, алоқа йўллари, йўл тармоқлари, кўприклар ва тоғ сўқмоқларини вайрон этиш (издан чиқариш) ҳамда можаро зонасига яқинлашиб келаётган куч ва воситаларга қарата зарба бериш амаллари ўтказилади. Юз берган қуролли можаро хусусиятига кўра, унинг ёйилишига йўл қўймаслик амаллари урушаётган томонлардан бири ёки бетараф давлат (тинчликсевар кучлар) томонидан ўтказилади.

ҚУРОЛЛИ ҚЎЗҒОЛОН (ВООРУЖЁННОЕ ВОССТАНИЕ) Бирор ижтимоий гуруҳ ёки синфларнинг сиёсий ҳокимиятга қарши қаратилган қуролли ҳаракати. Қуролли қўзғолон турлари:

сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш мақсадида кўтариладиган оммавий инқилобий қуролли қўзғолон;

ғалаён – омманинг бошқариб ҳам, ташкил қилиб ҳам бўлмайдиган, кўр-кўрона ҳаракат қиладиган ижтимоий муҳитда уюшмаган ҳолда чиқиши;

фитна – ҳарбий диктатура ўрнатиш учун, асосан офицерлар гуруҳининг чиқиши.

Реакцион мақсадни амалга оширишга қаратилган қуролли қўзғолон – исён деб аталади. Қуролли қўзғолон – ҳокимиятни қўлга киритиш тинч йўл билан ҳал қилинмаганда ва реакцион синфлар куч ишлатишга ўтган ҳолларда амалга оширилади.

ҚУРОЛНИ ҚАЙТА ЎҚЛАШ (ПЕРЕЗАРЯЖАНИЕ ОРУЖИЯ) Қуролни навбатдаги ўт очиш амалига тайёрлаш жараёни. Қайта ўқлаш мобайнида бажариладиган амаллар сони ва изчиллиги қурол русуми, ўқлаш усули, автоматлаштирилганлик даражаси, қурол автоматикаси ишининг тамойили ва ўқлаш механизмларининг тузилишига боғлиқ.

Ярим автоматик қуролда – амалларнинг бир қисми дастаки, қолганлари автоматик тарзда бажарилади

Автоматлаштирилмаган қуролда – қайта ўқлаш амалларининг барчаси дастаки бажарилади.

ҚУРОЛ РАСЧЁТИНИНГ РАҚАМИ (ОРУДИЙНЫЙ НОМЕР) Артиллерия қуроли расчёти таркибига кирувчи, қуролга хизмат кўрсатиш, ўт очишга тайёрлаш ва оловни юритиш борасида муайян мажбуриятни адо этувчи ҳарбий хизматчи (аскар, матрос). Замонавий артиллерияда тўп расчётининг куйидаги рақамлари мавжуд:

биринчи – мўлжалловчи;

иккинчи – затворни очиб-ёпувчи (қулфчи);

учинчи – ўқловчи;

тўртинчи – ўрнатмалар ўрнатувчи;

бешинчи ва олтинчи – снаряд тайёрловчилар;

еттинчи – ўқловчи ёрдамчиси;

саккизинчи – снаряд келтирувчи.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ (РАЗОРУЖЕНИЕ) Уруш воситаларини йўқ қилиш ёки қисқартиришга йўналтирилган тадбирлар тизими, уруш хавфининг олдини олувчи муҳим шарт-шароит.

Умумий ва батамом қуролсизланиш тадбирлари қуролли кучларни

тарқатиб юбориш, ҳарбий муассасаларни тугатиш, давлатлар ихтиёрида фақат жамоат тартибини сақлаб туриш учун етарли куч сақлаб қолган тарзда барча турдаги қурол-яроғ, ҳарбий техника, шу жумладан оммавий қирғин қуролларининг ишлаб чиқарилишини тўхтатиш, мавжуд захираларини йўқ қилишни тақозо этади.

Қисман қуролсизланиш тадбирлари – қурол-яроғнинг айрим русумларини йўқ қилиш ёки қисқартириш, қуролли кучлар миқдорини камайтириш, қурол-яроғ ишлаб чиқарилишини сифат жиҳатидан чеклаш каби тадбирларни талаб этади.

Бугунги кунга қадар ядро қуролининг тарқатилмаслиги, биологик қуролни ман этувчи 1972 йилги Конвенция каби қуролланиш пойгасини чекловчи халқаро битимлар имзоланган.

Қуролсизланиш учун кураш аксарият тараққийпарвар давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош мақсадидир. Ушбу мақсад бутун жаҳон халқларининг асосий ҳаётий манфаатларига жавоб беради.

ҚУРОЛ ТИСАРИЛИШИГА (СИЛЖИШИГА) ҚАРШИ ҚУРИЛМА (ПРОТИВООТКАТНЫЕ УСТРОЙСТВА) Ўт очилган пайтда силжувчи қисмлар ҳаракатининг энергиясини сўндириш, ўт очилганидан сўнг ушбу қисмларни дастлабки ҳолатга қайтариш ва кўтарилиш бурчакларининг ўрнатилган ўрнатмаларидан қатъий назар шу ҳолатда тутиб туриш учун мўлжалланган артиллерия қуролидаги махсус қурилма.

Қурол тисарилишига (силжишига) қарши қурилма тормоз, силжиткич ва қайтаргичдан таркиб топган. Замонавий артиллерия қуроли стволи учида, одатда тепки сўндиргич бўлиб, у ҳам тисарилувчи (тепувчи) қисмларни тормозлашда иштирок этади.

ҚУРОЛ ЧАҚМОҒИ (ЗАМОК) Ўт очиш мобайнида улоқтирувчи зарядни ёндириш учун мўлжалланган ўқотар қуролдаги мослама. Пиликли, ғилдираксимон, урувчи-кремнийли (чақмоқ тошли) ва урувчи капсулли қурол чақмоқлари мавжуд.

ҚУРОЛ-ЯРОҒНИ ТОЗАЛАШ (ЧИСТКА ОРУЖИЯ) Қурол-яроғнинг барча қисмларини порох сўхтаси, коррозия ҳосиласи, чанг, ифлослик ва эски мойдан тозалаш жараёни. Қурол-яроғни тозалаш амаллари:

ўт очишга тайёргарлик кўриш мобайнида;

ўт очиш амаллари ва дала машғулотларидан сўнг;

жанг давомидаги танаффуслар мобайнида;

бўлинма ёхуд омборхонада сақланганида;

техник хизмат кўрсатишнинг барча турлари ўтказилаётганида бажарилади.

ҚУРУҚЛИҚДАГИ ҚЎШИНЛАР (СУХОПУТНЫЕ ВОЙСКА) Жанговар ҳаракатларни асосан қуруқликда бажариш учун мўлжалланган қуролли кучлар тури. Сон жиҳатдан энг кўп, қурол-аслаҳаси ва ҳаракат усуллари хилма-хил бўлган қуролли кучлар тури. Ташкилий жиҳатдан бўлинма, қисм, қўшилма ва бирлашмалардан иборат. Қуруқликдаги

кўшинлар таркибига:

ракета кўшинлари;

артиллерия;

мотоўқчи кўшинлар;

танк кўшинлари;

курукликдаги кўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари;

махсус кўшинлар;

куролли кучлар фронт орти таъминотининг турли хизмат, қисм ва муассасалари киради.

ҚУРШОВ (ОКРУЖЕНИЕ) Душман гуруҳини келгусида қириб ташлаш ёки асирга олиш учун қолган кўшинларидан ажратиб яққалатиш. Қуршовга олинаётган кўшин таркиби, қуршовга олаётган армиянинг куч ва воситаларига кўра қуршов:

оператив ёки тактик миқёсда;

бир ёки бир неча армиялар ёхуд фронтлар кучи билан амалга оширилади.

Ички ва фаол ҳаракатланаётган ташқи фронтларнинг, душманни ҳавода сиқувга олиниши билан бир вақтдаги узвий ҳамкорлиги – қуршовга олиш тадбирларининг муваффақиятли ўтказилишига шубҳасиз омил бўлади.

Ядро қуроли қўлланилганида душман гуруҳини қуршовга олиш амали ҳужум давомида бажарилиб, қуршов мақсадига – душман чекинадиган асосий йўллар қўлга киритилиши билан эришилади. Қуршовга олиш амали ўтказилаётган операциянинг якуний мақсадига эришиш йўлида – оралик звено сифатида хизмат қилади.

1942 – 1945 йиллар давомида ўтказилган бундай операцияларнинг яққол тарихий мисоллари: Сталинград бўсағаларидаги жанг, Корсунь-Шевченко операцияси, Ясск-Кишенёв операцияси, Минск операцияси, Шарқий Пруссия операцияси, Берлин операцияси.

ҚУРШОВ ГУРУҲИ (ОЦЕПЛЕНИЕ) Қўриқланаётган ҳудудга (объектга) бегона шахсларнинг қириб келиши ёки у ердаги шахсларнинг чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун тайинланадиган ҳарбий хизматчилар гуруҳи (команда ёки бўлинмаси). Қуршов гуруҳи:

куролнинг ҳар қандай русумидан амалий ўт очиш машғулотини ўтказилаётганида;

жанговар ўт очиш, бомба улоқтириш ва ракеталар учириш босқичи билан ўтказиладиган тактик машқлар давомида;

портлатиш ишлари амалга ошириладиганида;

дала аэродромида авиация парвози ташкил этилганида тайинланади.

Шунингдек қуршов гуруҳи ўта хавфли жиноятчи ва давлат чегараси бузғунчисини қўлга олиш мобайнида тайинланиши мумкин

Қуршов гуруҳи объектга олиб борадиган йўллар ёки қуршаб олинган объектга (ҳудудга) келтирувчи йўллар яққол кўриниб турадиган жойларда постлар ўрнатиб, ушбу постларнинг ҳар бирига икки нафардан кам бўлмаган ҳарбий хизматчилар тайинланган тарзда хизмат ўтайди.

ҚУРУҚ ПАЁК (СУХОЙ ПАЁК) Ҳарбий хизматчиларни иссиқ таом

билан таъминлаш имкони бўлмаган ҳолларда, истеъмол қилиш учун шахсий таркибга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тўплами. Қуруқ паёқ таркибига қўшимча иссиқ ишлов бермай истеъмол қилишга яроқли ва узоқ вақт сақласа бўладиган (мисол учун, консерва, қотган нон ва концентрантлар, муайян миқдорда шакар, ёғ каби) маҳсулотлар киритилади.

ҚЎЛЛАНМА (НАСТАВЛЕНИЕ) Шахсий таркиб таълимоти ва жанговар ҳаракатларини ташкил этиш, тайёрлаш, юритиш ва таъминлаш, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани жанговар қўллаш тартибларини белгилаб берувчи низомли ҳужжат. Қўлланма талабларининг ижроси – мажбурийдир.

ҚЎЛ ПУЛЕМЁТИ (РУЧНОЙ ПУЛЕМЁТ) Автоматик ўқли қурол. Қўндоғини елкага, айрисини ерга тираб ўт очиш учун мўлжалланган. Қўл пулемёти расчёти икки кишидан – мўлжалловчи ва мўлжалловчининг ёрдамчисидан иборат.

Порох газларининг ствол деворида мавжуд ён тешиқлар орқали чиқариш тамойилига эга қўл пулемётлари кенг тарқалган.

ҚЎМОНДОН (КОМАНДУЮЩИЙ) Давлат қуролли кучларидаги мансабдор шахс бўлиб, округ қўшинлари, бирлашма, қуролли кучлар ёки қўшин турини бошқаради. Қўмондон зиммасига бўйсунувчи қўшиннинг (кучнинг) жанговар шайлиги, шахсий таркиб тарбияси ва ҳарбий интизоми, қўшин ва штабларнинг оператив, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ташкилланиши учун масъулият юклатилган.

Қўмондон ҳуқуқи ва мажбуриятлари махсус қарор, низом ва қўлланмаларда белгилаб берилади.

ҚЎМОНДОНЛИК ПУНКТИ (ҚП) (КОМАНДНЫЙ ПУНКТ (КП)) Бошқарувнинг зарурий воситалари билан жиҳозланган жой.

Командир мазкур жойда туриб, бўйсунувчи бўлинмалар ҳаракатлари ва қурол қўлланишини бошқаради, шу жумладан, юқори поғонадаги командир, биргаликда ҳаракатланаётган ўзга қисм ва бўлинмалар билан алоқа тутиб туради.

Замонавий армияларнинг барча қисм, қўшилма ва бирлашмаларида ташкил этилади. Қўмондонлик пунктлари кўчма ва кўчмас бўлиши мумкин.

кўчма қўмондонлик пунктлари – самолёт ва вертолётларда, қўмондонлик-штаб машинасида ва темир йўл вагонларида;

кўчмас қўмондонлик пунктлари – махсус жиҳозланган, таъминланган, одатда ишончли ҳимояланган ва ниқобланган ер остидаги иншоотларда жойлаштирилади.

Қўмондонлик пунктида командир (қўмондон) билан биргаликда ўринбосарлари, штабнинг асосий таркиби, бошқармалари билан биргаликдаги қўшин ва хизмат бошлиқлари бўлади. Улар бошқарувнинг асосий элементи яъни қўмондонлик пункти-бошқарув гуруҳи ёки бошқарув гуруҳини ташкил этади. Қўшинни қайта гуруҳлаш, ёйиш ёки жанговар ҳаракати мобайнида бошқариш учун қўмондонлик пункти таркибидан қўмондонлик пунктнинг элементи ҳисобланадиган – олдинги марранинг бошқарув пункти ёки ҳаводаги бошқарув пункти ажратилади.

ҚЎПОРУВЧИЛИК (ДИВЕРСИЯ) 1) душман ортидаги ҳарбий, саноат

ва шу каби объектларга зарар етказиш, қўшинлар бошқарувини издан чиқариш, алоқа йўллари, тармоқлари ва мажмуаларини вайрон қилиш, жонли куч ва ҳарбий техникани йўқ қилиш, душманнинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатиш борасида айрим гуруҳ (бўлинма) ёки алоҳида шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар; 2) бир давлат разведкасининг иккинчи давлат ҳудудида тинчлик даврида юритадиган бузғунчилик фаолияти усулларида бири; 3) “Мафкуравий кўпорувчилик” атамаси ҳам бугунги кун ҳаётида ўрин эгаллаган бўлиб, ушбу тушунча остида муайян жаҳолатпараст сиёсий мақсадга эришиш учун душман кучлари, разведка ва махсус хизматлари томонидан амалга ошириладиган бузғунчилик, ифвогарлик ва шу руҳдаги бошқа ғаламис ҳаракатлар назарда тутилади.

ҚЎРИҚЛОВ ПОСТИ (СТОРОЖЕВОЙ ПОСТ) Қўриқлов заставаси ёки жойда жойлашган бўлинмалардан ажратилиб қўйиладиган, одатда секция (экипаж) таркибидан ташкил топган қўриқлов бўлинмасининг органи.

ҚЎРИҚЧИЛИК ХИЗМАТИ (ОХРАНЕНИЕ) Қўшинларнинг жанговар ҳаракатларини таъминлаш учун ташкил этиладиган тадбирлар мажмуи.

Жангнинг барча турлари, олға илгарилаш ва жойда туриш мобайнида душманнинг дафъатан ҳужум уюштириши ва разведка бўлинмаларининг асосий кучларимиз томон сингиб боришига йўл қўймаслик, жангга уюшган тарзда киришиш учун қўшинларимизга қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этилади. Қўриқчилик хизмати қуйидагиларга бўлинади:

жанговар қўриқчилик;

юриш мобайнидаги қўриқчилик;

қўриқловчи қўриқчилик.

ҚЎРҚОҚЛИК (ТРУСОСТЬ) Айрим одамлар руҳиятига мансуб хислат. Қўрқоқ одамда ҳаёт учун ҳаққоний таҳдид ёки ҳаёлий хавф мавжудлигида, шахсий хавфсизлик ҳиссиёти ҳар қандай ўзга ҳиссиётларни енгиб, бажараётган хатти-ҳаракатига салбий таъсир кўрсатади. Одатда бундай одам қўрқувни енгиш учун етарлича руҳий куч ва иродага эга бўлмай, шахсий хавфсизлик ҳиссиётидан келиб чиққан ҳолда ахлоққа зид пасткашликларга йўл қўйиши, жамоаси ва синфига мансуб ғоялардан тез тониб юбориши мумкин. Қўрқоқлик хислати хавфли дақиқада ўз постини ташлаши, жанг майдонидан чиқиб кетиши, мажбуриятини писанд қилмаслиги ва вужудга келган вазиятга курашмай бўйин эгиши мумкин бўлган одамда устувор бўлиб хоин, сотқин ва дезертир табиатига мосдир. Қўрқоқлик хислати одам хатти-ҳаракатига оддий шароитда ҳам, ғайриоддий шароитда ҳам таъсир кўрсатади. Қўрқоқликни махсус машғулотлар ўтказиш, машқ қилиш, ирода кучини чиниқтириш йўли билан енгиш мумкин.

ҚЎРҒОШИН АЗИДИ (АЗОТИСТО-ВОДОРОДНОКИСЛЬНЫЙ СВИНЕЦ) Инициирловчи портловчи моддалар жумласига кирувчи оқ майин кристалл жисм кўринишига эга бўлиб, сувда яхши эримайди.

Портловчи симобга нисбатан зарба, ишқаланиш ва олов таъсирига кам таъсирчандир. Детонацияси ишончли кўзғалишини таъминлаш мақсадида қўрғошин азиди тенерес қатлами билан қопланади. Қўрғошин азидида санчиш орқали детонация кўзғатиш учун у махсус санчилиш таркиби

катлами билан қопланади. Қўрғошин азиди намланганида ҳам, паст хароратда ҳам детонацияланиш хусусиятини йўқотмайди. Инициирлаш қобилияти портловчи симобга нисбатан анча юқоридир. Капсюл-детонаторлар тайёрланишида қўлланилади. Қўрғошин азиди алюминий ва унинг қоришмалари билан кимёвий жиҳатдан реакцияга киришмайди. Мис билан эса жадал реакцияга киришади. Шу сабабли қўрғошин азиди қўлланилиб тайёрланган капсулаларнинг гильзалари мисдан эмас, балки алюминийдан тайёрланади.

ҚЎШ ҚУРИЛМА (СПАРЕННАЯ УСТАНОВКА) Битта асосга бириктирилган, умумий нишонга олиш мосламаси ва ўқ-дорини йўналтириш механизмига эга икки пулемёт ёки икки стволли автоматик замбаракни мужассамлаштирган пулемёт-замбаракли автоматик қурол турларидан бири. Қўш қурилмалар ҳавода тез учувчи нишонларга қарата ўт очиш унумдорлигини ошириш учун отиш тезлигини ошириш ҳисобига яратилади.

Қўш қурилмаларнинг биринчи намуналари XX асрнинг 30-йилларида ишлаб чиқилган. Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари учун замбаракли қўш қурилмалар эса 40- йилларда вужудга келди.

Замбаракли қўш қурилмалар, шунингдек стволларининг сони кўпайтирилган қурилмалар ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларининг пастлаб учадиган ва дафъатан пайдо бўлувчи нишонларга қарши курашидаги истиқболли қурол ҳисобланади.

ҚЎШИЛМА (СОЕДИНЕНИЕ) Бир неча қисм ёки сон жиҳатдан кичик бўлган қўшилмалардан ташкил топган ҳарбий тузилма. Қўшилмалар:

умумқўшин қўшилма;

танк қўшилмаси;

артиллерия қўшилмаси;

авиация қўшилмаси каби қўшилмаларга бўлинади. Вазифаси ва жанговар имкониятларига кўра:

тактик;

оператив-тактик турларга бўлиниши мумкин.

ҚЎШИН ТУРИ (РОД ВОЙСК) Таркибида ҳарбий қисмлар, фақат ўзига хос қурол-яроғ, жанговар техника ва уларни жанговар жиҳатдан қўллаш усулларига эга – қуролли кучлар турининг таркибий қисми.

XX асрга қадар қўшинларнинг фақат 3 тури: пиёдалар, отликлар ва артиллерия бўлган. XX асрда янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника русумлари яратилгач қўшинларнинг янги турлари вужудга кела бошлади, отлик қўшинлар эса ўз аҳамиятини йўқота борди. Бугунги кунда аксарият давлатлар қуролли кучларида қуйидаги қўшин турлари мавжуд:

қуруқликдаги қўшинларда – мотоўқчи, танк, ракета, артиллерия ва ҳаво-десант қўшинлари;

ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларида – зенит-ракета қисмлари, авиация, радиотехник қисмлар.

ҳарбий-ҳаво кучларида – бомбардимончи, қирувчи, разведкачи ва транспорт авиациялари;

ҳарбий-денгиз флоти таркибида – сув усти кемалари, сув ости кемалари,

кирғоқ қисмлари ва денгиз пидедалари.

Қўшин турига, одатда қўмондон (бошлиқ) раҳбарлик қилади. Қўшин турининг жанговар фаолиятини таъминлаш учун қуролли кучларнинг махсус қисмлари мавжуд. Жанг ва операцияда қўшин турлари узвий ҳамкорликда ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида ҳар бир қўшин туридан самарали

ҚЎШИНЛАР (ВОЙСКА) Қуролли кучларнинг бир қатор турларига мансуб ҳарбий қисм, қўшилма ва оператив бирлашмаларнинг умумлашган номи (ҳарбий-ҳаво кучлари ва ҳарбий-денгиз флоти бундан мустасно). Расмий ҳужжатлар ва адабиётда қўлланилади. “Қўшинлар” атамаси қуролли кучлар тури, қўшинлар тури ва махсус қўшинларни, шунингдек оператив ва минтақавий бирлашмалар кучи ва воситаларини умумий номлашда қўлланилади.

ҚЎШИНЛАР АРТИЛЛЕРИЯСИ (хорижий армияларда “Дала артиллерияси” деб аталади) (ВОЙСКОВАЯ АРТИЛЛЕРИЯ) Умумқўшин бўлинма, қисм ва қўшилмалар таркибига кирган артиллерия, мотоўқчи ва танк қўшинларининг жанговар ҳаракатларига мунтазам мадад бериш учун мўлжалланган.

Қўшинлар артиллерияси батальон, полк, дивизион, корпус, армия артиллериясига бўлинади. Аслаҳалари таркибига тўп (гаубица), замбарак, замбарак-тўп, тўп-замбарак ва миномётлар, шунингдек реактив артиллериянинг жанговар машиналари ҳамда танкка қарши бошқарилувчи ракеталар қурилмалари киради.

ҚЎШИНЛАР ГУРУҲИ (ГРУППА ВОЙСК) Қуролли кучларнинг вақтинчалик оператив-стратегик, оператив ёки оператив-тактик бирлашмаси.

Ҳарбий ҳаракатлар жараёнида жанговар вазифаларни стратегик муҳофаза юритиш шароитида бажариш учун ташкил этилади. Шунингдек қўшинлар гуруҳи, урушда енгилган давлатлар ҳудудларида истило қилиш режимини амалга татиқ этиш учун ҳам тузилиши мумкин. Тинчлик даврида қўшинлар гуруҳи иттифоқдош давлатлар ҳудудларида иттифоқчилик мажбуриятларини бажариш учун ташкил этилиши мумкин. Қўшинлар гуруҳини бош қўмондонлар уларга бўйсунувчи штаблар билан биргаликда бошқарадилар.

Тинчлик даврида мавжуд қўшинлар гуруҳи уруш бошланиши билан тегишли оператив ва оператив-стратегик бирлашмаларга айлантиришлари мумкин.

ҚЎШИНЛАР ЖАМЛАНИШИ (СОСРЕДОТОЧЕНИЕ ВОЙСК) Ҳарбий қисм ва қўшилмаларнинг тайинланган ҳудудда навбатдаги ҳаракатларни бажариш учун жойлашиши. Қўшиннинг қўзғалиши, авиация ва флот кучлари ўз базасини алмаштириши, қўшинларни қайта гуруҳлаш ва белгиланган ҳудудга жойлаштириш йўллари билан амалга оширилади. Қўшинлар жамланиши миқёсига кўра:

стратегик;

оператив;

тактик кўринишларга эга.

ҚЎШИНЛАР ЖОЙЛАШУВИ (ДИСЛОКАЦИЯ ВОЙСК) Тинчлик даврида қуруқликдаги қўшинларни махсус ҳарбий шаҳарча, лагерь ва шу

каби жойларга жойлаштириш, авиацияни аэродромларда, ҳарбий-денгиз флоти кемаларини порт ва ҳарбий денгиз базаларига тақсимлаш.

Уруш даврида қўшинлар жойлашуви атамаси, одатда мамлакат ичкарасида жойлашган ва ҳаракатдаги армиялар таркибига кирмайдиган ҳарбий қисмларга нисбатан қўлланилади.

Қўшинлар жойлашувини белгилаш мобайнида мамлакатни мудофаа этиш борасидаги вазифалар, уларни жанговар шайликнинг юқори даражаларига тез келтириш нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда иш кўрилади.

ҚЎШИНЛАР КЎРИГИ (СМОТР ВОЙСК) Ҳарбий қисм ва ушбу қисмдаги ишлар ҳолатини ўрганиб чиқиш, жанговар шайлик даражасини ошириш мақсадида катта бошлиқ томонидан ўтказиладиган назорат (текширув) шакли. Қўшинларни текшириш жараёнида ва қўшинлар машқи (манёври) якунланганидан сўнг саф кўриклари ўтказилиши назарда тутилади.

ҚЎШИНЛАР КЎЧИШИ (ПЕРЕДВИЖЕНИЕ ВОЙСК) Қўшинларнинг бир ҳудуддан ўзга ҳудудга пиёда (маршда), темир йўл, ҳаво, денгиз, дарё транспортида ёки қурама усулда кўчиб ўтиши. Қўшинлар кўчишининг усули қўшинлар сони, мавжуд транспорт, кўчиб ўтиш масофаси каби шарт-шароитга боғлиқ ҳолда танланади.

Қўшинлар кўчиши олдида янги ҳудудга пинҳона етиб бориш ва жанговар вазифани бажариш учун қўшинларнинг доимий шайлигини таъминлаш талаби қўйилади.

ҚЎШИНЛАР МАШҚИ (УЧЕНИЕ) Қўшинлар дала (денгиз, ҳаво) таълимотининг энг олий ва самарали шакли. Қўшинларнинг дала (денгиз, ҳаво) машқлари:

миқёсига кўра – стратегик, оператив ва тактик;

мақсадли вазифасига кўра – оддий, назорат-синов, намунали, махсус, тадқиқот ва тажрибага оид;

қуролли кучлар, қўшин ва хизматлар турига оид;

таҳсил кўраётганлар таркиби, томонлар сонига кўра – бир томонлама, икки томонлама ўтказиладиган машқларга бўлинади.

Қуролли кучларнинг барча турлари, қўшин турлари ва махсус қўшинлар билан ўтказиладиган дала (денгиз, ҳаво) машқлари мудофаа вазирининг буйруқлари, амалдаги низом ва қўлланмалар талаблари асосида ташкил этилиб, қўшинлар жанговар шайлигини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

ҚЎШИНЛАР РАЗВЕДКАСИ (ВОЙСКОВАЯ РАЗВЕДКА) Тактик разведка тури.

Асосий усуллари – кузатув, қидирув, ёпирилиш, пистирма ва жанг билан юритиладиган разведка.

Қўшинлар разведкасини юритиш учун кузатув постлари, қидирув, ёпирилиш, жанг билан юритиладиган разведка ва пистирма уюштириш учун бўлинмалар (гуруҳлар) ёки дозор бўлинмалар ёхуд душман ортида ҳаракатланиш учун мўлжалланган отряд ва гуруҳлар ташкил этилади.

ҚЎШИНЛАР ТАЪМИНОТИ (ДОВОЛЬСТВИЕ ВОЙСК)

қўшинларнинг моддий воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва маиший хизмат кўрсатиш борасидаги тадбирлар тизими.

ҚЎШИНЛАР ТУРКУМИ (ГРУППИРОВКА ВОЙСК) Операцияда (жангда) жанговар вазифа бажариш учун мўлжалланган, муайян тизимга мувофиқ тизилган ва тегишлича ёйилган (жойлаштирилган) қуролли кучлар, махсус қўшинлар ва қуролли кучлар фронт ортига мансуб бирлашма, қўшилма, қисм ва бўлинмалар. Қўшинлар туркуми жанговар ҳаракатлар (уруш) майдонида (стратегик, операцион йўналишда ёки бирон-бир ҳудудда) ташкил этилиб:

қуролли кучлар ва қўшинлар турига кўра – авиация кучлари туркуми, ҲҲМ қўшинлари туркуми, артиллерия қўшинлари туркуми ва ҳ. к.;

миқёсига кўра – стратегик, оператив, тактик қўшинлар туркуми;

вазифасига кўра – асосий, зарб берувчи ва ҳ. к. қўшинлар туркуми турларига бўлинади.

ҚЎШИНЛАР ХИЗМАТИ (СЛУЖБА ВОЙСК) Қўшинлар ҳаёти, турмуши ва таълимотининг зарурий шароити, низомларда белгиланган тартибларга амал қилиниши ва юксак ҳарбий интизом тутиб турилишини таъминловчи кундалик ҳарбий фаолият. Қўшинлар хизмати низомлар, тегишли қўлланма, йўриқнома ва кўрсатмаларда белгиланган талаблар асосида ташкил этилади.

ҚЎШИНЛАРНИ ЖАНГОВАР ТОПШИРИҚНИ БАЖАРИШГА ТАЙЁРЛАШ (ПОДГОТОВКА ВОЙСК К ВЫПОЛНЕНИЮ БОЕВОЙ ЗАДАЧИ) Қўшинларнинг жанговар ҳаракатларни кечикмай бажаришга шайлигини таъминловчи тадбирлар мажмуи. Операцияни (жангни) тайёрлаш тадбирининг бир қисми. Мазмунан:

шахсий таркиб, қурол-яроғ ва техника билан бутлаш;

моддий воситалар захирасини белгиланган меъёрларга қадар тўлатиш;

қурол-яроғ ва техникани жанговар ҳаракатларга тайёрлаш;

жанговар вазифаларни шахсий таркибга етказиш каби тадбирлар ўтказишдан иборат.

ҚЎШИНЛАРНИ (КУЧЛАРНИ) ОПЕРАТИВ ЖИҲАТДАН ЁЙИШ (ОПЕРАТИВНОЕ РАЗВЕРТЫВАНИЕ ВОЙСК (СИЛ)) Уруш майдони, стратегик ва оператив йўналишларда оператив қўшинлар (кучлар) туркумини ташкил этиш. Қўшинларни (кучларни) оператив жиҳатдан ёйиш мобайнида амалга ошириладиган тадбирлар:

қўшинларнинг гуруҳларга қайта бўлиниб, ҳужум учун дастлабки ҳудудларни ёки мудофаа чегаралари, старт ва ўт очиш марраларини эгаллаши;

авиация базаларини ўзгартириш;

бошқарув ва алоқа тизимларини ташкил этиш;

таъминотнинг барча турларини ташкил этиш ва ҳ. к. з.

Қўшинларни (кучларни) оператив жиҳатдан ёйиш амаллари вазиятга боғлиқ ҳолда бир вақтда ёки кетма-кет бажарилиши мумкин.

ҚЎШИНЛАРНИНГ ГУРУҲЛАРГА ҚАЙТА БЎЛИНИШИ (ПЕРЕГРУППИРОВКА ВОЙСК) Ҳарбий ҳаракатларнинг бирон-бир (уруш)

майдони, йўналиши ва фронт қисмида кучлар нисбатини ўзгартириш мақсадида кўшинлар, авиация ва флот кучларининг бир ҳудуддан ўзга ҳудудга уюшқоқлик билан кўчиб ўтиши.

Моҳияти ва миқёсига кўра стратегик, оператив ёки тактик турларга фарқланиб, марш юриши, темир йўл, денгиз, ҳаво транспортида ҳарбийча ташиш ва қурама усулда амалга оширилади.

ҚЎШИНЛАРНИНГ МАХСУС ҲАРАКАТЛАРИ (СПЕЦИАЛЬНЫЕ ВОЙСКОВЫЕ ДЕЙСТВИЯ) Суверен давлатнинг чегарага яқин туманларида ёки ички ҳудудида умумий сиёсий вазиятни беқарорлаштириш ёки ички қуролли низони келтириб чиқариш мақсадида ҳаракат қилаётган террорчи ташкилотларнинг қуролли тузилмаларини тор-мор қилиш мақсадида амалга оширилади. Ушбу ҳаракатлар қуролли тузилмаларнинг террорчи, кўпорувчи ва жанговар гуруҳларини бартараф этиш (қўлга олиш, йўқ қилиш) ҳамда мазкур тузилмаларнинг яширин жойлашган таянч базалари, омборлари (сақлаш жойлари) ва бошқарув пунктларини аниқлаш ва яқсон қилишдан иборат.

ҚЎШИНЛАРНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ (ОРГАНИЗАЦИЯ ВОЙСК) Ҳарбий қисмларнинг самарали таркиби, жанговар шайлигининг юқори даражаси, жанговар фаолиятни муваффақиятли юритиш қобилияти ҳамда кўшин тури ва қурол русуми мақсадга мувофиқ тарзда уйғунлашиши ва нисбатини таъминловчи ташкилий тузилиши. Жаҳон мамлакатларининг ўз қуролли кучларини қуриш амалиётида кўшинларнинг ташкилий тузилиши куйидаги шаклларга эга бўлиб келмоқда:

қуруқликдаги кўшинларда – секция (бўлинма), гуруҳ, взвод, рота, батарея, батальон, дивизион, полк, бригада, дивизия, корпус, армия;

ҳарбий-ҳаво кучларида – авиация звеноси, эскадрилья, полк, дивизия, корпус, ҳаво армияси;

ҳарбий-денгиз флотиди – кема, кемалар дивизиони, кемалар бригадаси, эскадра, флотилия, флот.

Батальон, батальонга тенглаштирилган ва ундан юқори поғоналарга мансуб замонавий ҳарбий тузилмалар, одатда штаб, жанговар бўлинмалар (қисм ва кўшилмалар), таъминот ва хизмат кўрсатувчи қисмлардан (бўлинмалардан) ташкил топган.

Тузилаётган ҳар бир кўшилма, ҳарбий қисм ва бўлинмага рақамлардан иборат шартли ном ва тегишли кўшин турига мувофиқ ҳақиқий (махфий) ном берилади.

ҚЎШИНЛАРНИ ҚАЙТА ЖОЙЛАШТИРИШ (ПЕРЕДИСЛОКАЦИЯ)
Мазкур атама:

тинчлик даврида – ҳарбий қисм ва муассасалар ёки ҳарбий таълим муассасалари жойлашган жойларни ўзгартириш, кўчириб ўтиш маъносини англатади;

уруш даврида - ҳаракатдаги кўшинлар таркибига кирмаган кўшин ва муассасаларга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси кўшинларини қайта жойлаштириш тартиби –

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бирлашган штаби томонидан белгиланади.

ҚЎШИННИ ЖАНГОВАР ШАЙ ҲОЛАТГА КЕЛТИРИШ (ПРИВЕДЕНИЕ ВОЙСК В БОЕВУЮ ГОТОВНОСТЬ) Қўшиннинг ҳарбий ҳаракатларни белгиланган муддатда бошлай олиш қобилиятини таъминловчи, шахсий таркиб ва ҳарбий техника тайёргарлигига йўналтирилган тадбирлар мажмуи.

ҚЎШИННИНГ ЖОЙДА ЖОЙЛАШУВИ (РАСПОЛОЖЕНИЕ ВОЙСК НА МЕСТЕ) Бўлинма, қисм ва қўшилмаларнинг дастлабки маррада, жамланиш, тўхтаб дам олиш каби муайян ҳудудда жойлашиши.

ҚЎШИННИНГ ОПЕРАЦИЯДА БАЖАРАДИГАН ҲАРАКАТ УСУЛЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ (ПЛАНИРОВАНИЕ СПОСОБОВ ДЕЙСТВИЙ ВОЙСК В ОПЕРАЦИИ) Операцияни режалаштириш амалларининг таркибий қисми бўлиб, бажариладиган вазифалар мазмуни, қўшинлар (кучлар) тури, қўшилмалар, ҳарбий қисмлар, қўшимча ва мадад учун берилган куч ва воситаларни операцияда уйғунлаштириб қўллаш усуллари, ушбу куч ва воситаларни ҳаракат йўналишлари (ҳудудлари) бўйича тақсимлаш, ҳамкорликни ташкил этиш, ҳар томонлама таъминот ва бошқарув амалларини барча тафсилотлари билан ишлаб чиқишдан иборат.

ҚЎШИННИ ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ЭТИШ (ПРОТИВОВОЗДУШНАЯ ОБОРОНА ВОЙСК) Ҳаводаги душман ҳужумини қайтариш, қўшинимиз гуруҳлари ва қуролли кучлар фронт ортидаги объектларимизни ҳаводан берилладиган зарбалардан ҳимоя қилиш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи ва жанговар ҳаракатлар. Қўшинни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш амаллари жангнинг барча турларида, кўчиб ўтиш ва жойда туриш мобайнида ташкил этилиб, қуруқликдаги қўшинларнинг ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва фронт авиацияси томонидан мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари билан ҳамкорликда амалга оширилади ва ҳаводаги ҳукмронликни қўлга киритиш ва тутиб туришга кўмак беради. Қўшинларни ҳаво ҳужумидан мудофаа этувчи куч ва воситалар:

душманнинг ҳаводан ҳужум қилиш воситаларини даф этади;

душманнинг ҳаво десанти ва аэромобиль қўшинларига қарши кураш олиб боради;

душманга ҳаво разведкасини юритишга тўсқинлик қилади.

Қўшинларни ҳаво ҳужумидан мудофаа этиш тадбирлари қуйидагилардан иборатдир:

ҳаводаги душманни разведка қилиш, у ҳақда қўшинларимизга хабар бериш;

зенит-ракета қисмлари, зенит артиллерия ва қирувчи авиациянинг жанговар фаолияти;

мотоўқчи (танкчи) бўлинманинг зенит воситалари ва ўқли қурол оловини ташкил этилган тарзда юритиш.

ҚЎШҚАРОҚЛИ УЗАТМА (ЧЕРВЯЧНЫЙ ПРИВОД) Винт (червяк) ва у билан илашадиган қўшқароқли ғилдирак воситасида айкаш валларга

айланма ҳаракат узатадиган механизм. Куч узатиш курилмаларида ишлатилади. Унда 300 ва ундан ортиқ узатиш нисбатига эришилади.

ҒАЛАБА (ПОБЕДА) Жанговар муваффақият, душман кўшинларининг тор-мор этилиши (мағлубиятга учраши), операция, жанг, умуман уруш олдига қўйилган ялпи мақсадга эришиш.

ҒАРБ (ғарбий нуқта) (ЗАПАД (западная точка)) Горизонтнинг (дунё томонларининг) тўрт асосий нуқтасидан бири, материк уфқнинг осмон экватори билан кесишган нуқтаси. Бу нуқта Шимолий ярим шарларда шимолга қараб турган кузатувчининг чап томонида (жануб ва шимол нуқталари ўртасида) бўлади. F ёки W (West) ҳарфи билан белгиланади.

ҒИЛДИРАК (КОЛЕСО) ўқ атрофида айланадиган кегайлари (спицалари) бўлган диск ёки гардиш.

Милоддан аввалги 4 минг йилликда Қадимий Шарқда (ёғоч диск шаклида) ихтиро қилинган. Кегайли ва эгилган гардишли ғилдирак милоддан аввалги икки мингинчи йилликда пайдо бўлган.

Замонавий машиналарда айланма ҳаракатни узатиш ёки ўзгартириш, шунингдек ҳаракатлантиргич сифатида фойдаланилади.

ҒИЛДИРАКЛИ МАШИНАЛАР (КОЛЁСНЫЕ МАШИНЫ) Ғилдиракларда юрадиган машиналар.

Ғилдиракли машиналар жумласига: барча тур ва русумларга мансуб автомобиль, ғилдиракли транспортёр, шатак ва тракторлар киради.

Ётақловчи ғилдираклар сонига қараб ғилдиракли машиналарнинг йўлдаги тўсиқларни енгиб ўтиш қобилияти оддий, юқори ва ўта юқори бўлади. Ғилдираклар формуласи 4x4; 6x4; 6x6 каби бўлиши мумкин.

Йўлдаги тўсиқларни енгиб ўтиш қобилиятига эга ғилдиракли машиналар сузувчи ва оғир шароитда, мисол учун чўл зоналарида ишлай олиши мумкин.

ҒОЯВИЙ КУРАШ (ИДЕОЛОГИЧЕСКАЯ БОРЬБА) Қарши курашаётган томонлар аҳолиси ва қуролли кучлар шахсий таркибининг ахлоқий-руҳий ҳолатини заифлаштириш мақсадида, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий-руҳий жиҳатдан ўтказиладиган таъсир.

Ғоявий курашнинг мазмун ва хусусияти қарши курашаётган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми, ҳукм сураётган мафкура ва урушнинг ижтимоий-сиёсий мақсадига кўра белгиланади.

ҲАВО-ДЕСАНТ ТАЙЁРГАРЛИГИ (ВОЗДУШНО-ДЕСАНТНАЯ ПОДГОТОВКА) Ҳаво-десант кўшинларини душман ортига десантлаш ва жанговар вазифани бажаришга тайёрлаш.

Ҳаво-десант тайёргарлиги парашютдан сакраш асосларининг назарияси, ҳаво-десант техникаси, самолётларнинг моддий қисмлари, парашютларни тахлаш, жанговар техника ва моддий воситаларни юклаш, ерга тушгач жанговар шайликка келтириш, шахсий таркибни самолётга ўтказиш тартибини ўргатиш ва парашют билан амалий сакрашдан иборат.

Ҳаво-десант тайёргарлигининг энг муҳим қисми – парашютлардан амалий сакраш машқларидир.

ҲАВО-ДЕСАНТ ҚЎШИНЛАРИ (ҲДҚ) (ВОЗДУШНО-ДЕСАНТНЫЕ

ВОЙСКА (ВДВ)) Душман ортида жанговар ҳаракатлар бажариш учун мўлжалланган кўшин тури.

Парашютчи-десант, танк, артиллерия, ўзиюрар артиллерия ҳамда ўзга қисм ва бўлинмалардан ташкил топган. Ҳаво-десант кўшинларининг асосий жанговар вазифалари:

олис масофалардаги ҳудудларга тез етиб бориш;

душманга дафъатан зарба бериш;

умумкўшин жангни муваффақиятли юритиш;

душман ортининг чуқур сарҳадидаги муҳим ҳудудларга тез етиб эгаллаш ва кўлда тутиб туриш, рақибнинг давлат ҳокимияти ва ҳарбий бошқарувини издан чиқариш;

орол ва қирғоқлар, ҳарбий-денгиз ва авиация базаларини эгаллаш;

ҳужумни юритаётган кўшинларга, юриш жараёнида дуч келадиган катта сув ҳавзаларини кечиб ўтиш ва тоғли ҳудудларни тез ошиб ўтишга кўмаклашиш;

душманнинг муҳим объектларини даф этишдир.

ҲАВО ЁСТИҒИДАГИ АППАРАТЛАР (АППАРАТЫ НА ВОЗДУШНОЙ ПОДУШКЕ) Корпуси остига ҳаво ўтказувчи қувур ва соплони конуссимон қурилма орқали вентиляторлар дамлаб берадиган сиқилган ҳаво қатламига таяниб, нисбатан текис юза (сув, муз, қуруқлик) узра ҳаракатланиш қобилиятига эга қурилмалар. Аппаратнинг илгариланма ҳаракати ҳаво винти томонидан ташкил этилади. Ҳарбий соҳада мазкур аппаратлар асосан десант тушириш учун мўлжалланган.

ҲАВО ЖАНГИ (ВОЗДУШНЫЙ БОЙ) Қирувчи авиация ҳаракатларининг асосий шакли.

Ҳаво жанги, душманни яқсон этиш ва атакаларини бартараф этиш мақсадида яқка самолёт (вертолёт) ёки самолётлар гуруҳи (кўшилмаси) томонидан юритилади. Қирувчи самолётларнинг ҳаво жанги душманга яқинлашиш, атака қилиш, атака давомида манёврлар бажариш ва жангдан чиқишдан иборат. Бомбардимончиларнинг (разведкачи ва ўзга самолётларнинг) қирувчилар билан биргаликда ўтказиладиган ҳаво жангининг асосини – олов билан уйғунлаштирилган мудофаа манёври ташкил этади.

ҲАВО ТРЕВОГАСИ (ВОЗДУШНАЯ ТРЕВОГА) Ҳаводан уюштириладиган ҳужум таҳдиди юзага келганида бажариладиган ҳаракат ва тадбирларнинг мажмуи.

Ҳаво тревогаси сигнали овоз билан (“ҳаво” командаси), радиотехник ва ўзга воситалар орқали узатилади. Ҳаво тревогаси сигналига кўра шахсий таркиб паногоҳларни эгаллайди, навбатчи расчёт ва бўлинмалар эса ҳаво ҳужумини бартараф этишга шайланади.

ҲАВО ҲУЖУМИ (ВОЗДУШНЫЙ НАЛЁТ) Душманнинг кўшини, кема ва бошқарув пунктлари, маъмурий–сиёсий, ҳарбий–иқтисодий марказ ва объектларига қарата авиациянинг бомбали, бомба-ракетали зарбалари.

ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА АВИАЦИЯСИ (АВИАЦИЯ

ПРОТИВОВОЗДУШНОЙ ОБОРОНЫ) Мухим йўналиш, ҳудуд ва объектларни ҳаводаги душмандан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган авиация кўшинлари. Таркибига қирувчи қисмлар (қирувчи-тутувчи самолётлар) ва кўмакчи авиация бўлинмалари киради.

ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА (ҲҲМ) ҚЎШИНЛАРИ (ВОЙСКА ПРОТИВОВОЗДУШНОЙ ОБОРОНЫ (ПВО)) Давлат қуроли кучларининг тури бўлиб, душманнинг ҳаводан берадиган зарбасидан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Вазифаларини мустақил тарзда ва қуроли кучларнинг бошқа турлари билан биргаликда бажаради.

Илк бор ҳаво ҳужумидан мудофаа кўшинлари I жаҳон урушида, самолётлар жанговар жиҳатдан қўлланила бошланганидан сўнг вужудга келган.

ҲАМКОРЛИК (ЎЗАРО ҲАРАКАТЛАР) (ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ) Жанг (операция) мақсадига эришиш учун топшириқ мазмуни, бажариладиган вазифалар, ўтказиладиган тадбир жойи, вақти ва усуллари бўйича турли кўшинларнинг (кучларнинг) мувофиқлаштирилган, ўзаро уйғун ҳаракатлари. Ҳарбий санъат тамойилларидан бири.

Ўзаро ҳаракатлар қуроли кучлар турлари, турли кўшинлар (кучлар) ва махсус кўшинлар турларига мансуб бўлинма, ҳарбий қисм, кўшилма ва бирлашмалар орасида ўтказилади.

Кўшинлар (кучлар) ҳамкорлигининг тартиби командир (қўмондон) томонидан, жангга (операцияга) қарор қабул қилиш мобайнида белгиланади ва бу борадаги кўрсатмалар бўйсунувчилар олдида жанговар вазифа қўйиш билан бир вақтда бериб ўтилади. Ҳарбий ҳаракатларни ташкил этиш ва юритиш амалларининг кейинги боришида бажарилаётган ҳамкор тадбирларга аниқликлар киритилади.

Ҳамкорлик: *ҳужумда* – бажариладиган жанговар вазифалар (биринчи навбатда бажариладиган вазифа учун батафсил), марралар, йўналишлар ва мавжуд вақтга кўра ташкил этилса, *мудофаада* – душман ҳаракатининг эҳтимолий йўналишлари, кўшинларнинг қарши атакиси (қарши ҳужуми) йўналиши ва мудофаага қўйилган вазифаларга кўра ташкил этилади.

Айни пайтда ҳамкорлик жангда (операцияда) асосий вазифани бажараётган бўлинма, ҳарбий қисм, кўшилма ва бирлашмалар манфаатида, ядро қуролига эга давлатлар томонидан ушбу қурол қўлланилиши кўзда тутилаётган шароитда эса, биринчи навбатда, мазкур давлатлар кўшинлари (кучлари) ҳаракатининг душманга қарата бериладиган ядровий зарбалар билан мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади. Ҳамкорлик, одатда:

тактик поғонада – ҳаракат жойида;

оператив поғонада – харита ёки жой макетида, вақт тақозо этган ҳолларда эса – ҳаракат жойида ҳам ташкил этилади.

Ҳамкорликни ташкил этиш борасидаги айрим масалалар тактик ва қўмондонлик-штаб машқларида кўриб чиқилади.

Ҳамкорлик *ҳарбий қисм ва кўшилмаларда*, одатда командир қарори акс эттирилган **харитада**, *оператив поғонада* эса, операция режасининг бир қисми ҳисобланадиган – **ҳамкорлик режасида** (режали жадвалда)

расмийлаштирилиб, қўшинларга унинг кўчирмалари юборилади. Ҳамкорликни ташкил этиш тартиби борасидаги кўрсатмалар ёзма жанговар буйруқларда (фармойишларда) акс эттирилиши мумкин.

Жанговар ҳаракатлар кўлами ва ушбу ҳаракатларда иштирок этадиган қўшинлар (кучлар) таркибига кўра ҳамкорлик тактик, оператив ва стратегик ҳамкорликларга бўлиниб:

тактик ҳамкорлик умумқўшин, денгиз, ҳаво жангида иштирок этаётган қўшилма, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг олови, зарбаси ва манёврени ўзаро уйғунлаштиришдан;

оператив ҳамкорлик бир ёки бир неча чегарадош операцион йўналишларда ўтказилаётган операция мақсадларига эришиш манфаатларида қуролли кучлар турлари ва турли қўшинлар (кучлар) турларининг оператив (оператив-тактик) бирлашма ва қўшилмалари ҳаракатларини ўзаро уйғунлаштиришдан;

стратегик ҳамкорлик стратегик операция, муҳорабалар мажмуи ёки урушнинг мақсадига эришиш манфаатларида қуролли кучларнинг бир ёки бир неча ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонида (стратегик йўналишларда) операциялар ўтказаетган йирик қўшинлар туркуми ҳаракатларини ўзаро уйғунлаштиришдан иборатдир.

ҲАРАКАТДАГИ АРМИЯ ВА ФЛОТ (ДЕЙСТВУЮЩАЯ АРМИЯ И ФЛОТ) Давлатнинг уруш даврида ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган қуролли кучлари ёки унинг бир қисми.

Ҳаракатдаги армия ва флот учун резервлар тайёрлаш, шахсий таркиб билан бутлаш ва таъминот ишлари билан машғул фронт ортидаги қуролли кучлар – ҳаракатдаги армия ва флот таркибига кирмайди.

ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ПОСТИ (ПОСТ РЕГУЛИРОВАНИЯ ДВИЖЕНИЯ) Колонна ва машиналар ҳаракатини мувофиқлаштириш учун комендантлик хизмати тизимида тайинланадиган ҳарбий хизматчилар гуруҳи. Мазкур пост таркибига пост бошлиғи, алоқа ва ҳаракат воситалари билан таъминланган 2-3 нафар аскарлар киради.

ҲАРБИЙ АВТОМОБИЛЛАР (АВТОМОБИЛИ ВОЕННЫЕ) Қуролли кучларда қўлланилаётган автомобиллар. Ҳарбий автомобиллар транспорт (юк ташувчи) ва махсус (бортига зарурий жиҳозлар жойлаштирилган) автомобилларга бўлинади. Ҳарбий автомобиллар ўта қийин йўллارни босиб ўтиш ва оғир юк билан юра олиш қобилиятларига эга. Шахсий таркиб ва ҳарбий юкларни ташиш, бортига ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар маҳкамланган ҳолда юриш, тиркама ва ярим тиркамаларни шатаклаб бориш учун мўлжалланган.

Замонавий ҳарбий автомобилларнинг барча ғилдираклари, одатда етакловчи бўлиб, шиналардаги ҳаво босимини мослаш тизими, гидравлик ёки пневматик тормоз узатмаси билан жиҳозланган. Ҳарбий автомобилларда двигателни паст ҳароратларда ишга туширишдан олдин ёкиладиган иситкичлар мавжуд.

ҲАРБИЙ АВТОМОБИЛЬ НАЗОРАТИ (ҲАН) (ВОЕННАЯ АВТОМОБИЛЬНАЯ ИНСПЕКЦИЯ (ВАИ)) Зиммасига ҳарбий автомобиль

транспорти томонидан йўл транспорт ҳалокатлари содир этилишини олдини олувчи тадбирлар ўтказиш, ҳарбий ҳайдовчилар томонидан гарнизон ва гарнизон атрофидаги йўлларда машиналардан фойдаланиш ҳамда ҳаракат интизоми ва қоидаларига риоя этилаётганлигини назорат қилиш масъулияти юклатилган. Ҳарбий автомобиль назорати (ҲАН) Мудофаа вазирлигининг органи ҳисобланади.

ҲАРБИЙ АКАДЕМИЯ (ВОЕННАЯ АКАДЕМИЯ) Афина яқинидаги Платон мактаби бўлган жой номи. Олий ҳарбий ва махсус-ҳарбий маълумотли офицер кадрларни тайёрлаш учун мўлжалланган олий ҳарбий таълим муассасаси; ҳарбий муаммоларни тадқиқ этиш илмий маркази. XVIII аср охири ва XIX аср ўртасида вужудга келган. Ҳарбий академиянинг дастлабки фаолияти бош штаблар учун офицерлар контингентини, кейинроқ – кўшинлар учун офицерларни ва ҳарбий назария ишлаб чиқувчи офицерларни тайёрлашдан иборат бўлган. Ҳарбий академия ёки унга тенг бўлган ҳарбий ўқув муассасалари кўплаб мамлакатларда мавжуддир. Шу жумладан ҳарбий академия мамлакатимизда ҳам 1995 йил 2 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирла Маҳкамасининг 1994 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Академия олий қўмондонлик таркибига, оператив-тактик ихтисосига эга олий малакали ҳарбий, илмий-педагогик ва илмий кадрлар тайёрлашга, тадқиқотлар ўтказишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун катта ва олий офицерларни оператив-стратегик тайёрлаш, катта ва олий офицерларнинг касбий тайёргарлик малакасини ошириш учун ҳарбий фан муаммоларини ўрганишда фундаментал, изланма ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, ҳарбий сиёсат, қуролли кучлар қурилиши ва тайёргарлиги бўйича амалий масалаларни тадқиқ этишга мўлжалланган. Академияда тингловчилар икки йил давомида сабоқ олишади.

ҲАРБИЙ АМАЛИЙ КЎПКУРАШ (ВОЕННО-ПРИКЛАДНОЕ МНОГОБОРЬЕ) Амалий спорт турлари жумласига киради. Турли мусобақаларни ўз ичига олади, мисол учун: ҳарбийлаштирилган кросс (қурол билан югуриш, гранаталарни узоққа ва аниқ улоқтириш, кичик калибрли милтиқдан ўт очиш), 100 метрга сузиш, автомобилни (ўспиринлар учун – мотоциклни) эгри йўлларда бошқариш, биатлон ва ҳ.к. Ҳарбий амалий кўпкураш стартига чиқиш учун жисмоний тайёргарликда белгиланган меъёрлар топширилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномага эга бўлиш лозим.

ҲАРБИЙ АСИРЛАР (халқаро ҳуқуқда) (ВОЕННОПЛЕННЫЕ) Урушаётган томон қуролли кучларига (шу жумладан, кўнгилли партизан отрядлари, қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари кабиларга) мансуб бўлиб, душман қўлига тушиб қолган кишилар.

Ҳарбий мухбирлар, савдо флоти ва фуқаро авиациясининг экипаж аъзолари ва бошқалар ҳам ҳарбий асирлар бўлиши мумкин. Ҳарбий асирлик тартиби қуруқликда уруш олиб бориш қонун-қоидалари ҳақидаги Низом (1907 йил 4- Гаага конвенциясига илова) ва ҳарбий асирлар билан муомала

қилиш ҳақидаги Женева конвенциясига (1949) биноан тартибга солиб турилади.

ҲАРБИЙ АСЛАҲА ВА АНЖОМЛАР (СНАРЯЖЕНИЕ ВОЕННОЕ) Ҳарбий хизматчилар таъминоти таркибига кирадиган, шахсий қурол ва нарсаларини олиб юришлари учун мўлжалланган буюмлар комплекти. Илгари мазкур комплект “Аммуниция” деб аталган.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари аскар ва сержантларининг ҳарбий аслаҳа ва анжомлари жумласига камар, автомат ўқдонлари ва гранаталар учун мўлжалланган тўрвалар, фляга ва курак учун мўлжалланган қопчиқлар, ҳимояловчи қўлқоп ва пайпоқлар, буюмлар қопчаси киради. Офицерлар анжомлари жумласига камар, пистолет қини ва дала сумкаси киради.

ҲАРБИЙ АТАМАШУНОСЛИК (ТЕРМИНОЛОГИЯ ВОЕННАЯ) Муайян ҳарбий тушунчаларнинг қатъий маъноларини англатувчи ҳарбий атамалар (сўз ва сўз бирикмалари) мажмуи. Ҳарбий атамашунослик ҳарбий маърифат ривожининг эришилган савиясига мос келиб, амалдаги низом ва қўлланма каби расмий ҳарбий ҳужжатларда белгиланган, ўзига хос тушунчаларнинг хилма-хиллигини акс этади, ҳарбий ишнинг барча соҳаларини қамрайди.

Ҳарбий атамашунослик ҳарбий энциклопедия ва луғатларда кенгрок ва тўлақонли тақдим этилади.

ҲАРБИЙ БАЗА (БАЗА ВОЕННАЯ) Махсус жиҳозланган ҳудуд (ер майдони) бўлиб, унда қўшинлар ва ҳарбий техниканинг зарурий ўқ-дори, ёкилғи, озик-овқат ва ўзга моддий воситалар захираси билан биргаликда ҳарбий жиҳатдан афзал ва самарали жойлаштирилиши.

Ҳарбий авиация, ҳарбий-денгиз, қуруқликдаги қўшинлар базаси, ракетали база ва умуммақсадли ҳарбий база турлари мавжуд.

ҲАРБИЙ БЛОК (БЛОК ВОЕННЫЙ) Давлатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқи бўлиб, унда тегишли давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштирилиши назарда тутилади. Одатда, тинчлик даврида ташкил этилади.

Мамлакатларнинг умумий сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий масалаларини ҳал этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида тузилган ҳарбий-сиёсий иттифоқи ёки шартномаси.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК МАЪРУЗАЛАРИ (ВОЕННО-ПАТРИОТИЧЕСКИЙ ЛЕКТОРИЙ) Чақириққача ва чақириқ ёшидаги йигитлар учун мўлжалланган, ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги мавзулар бўйича ўқиладиган маърузалар мажмуи. Ўқув муассасалари ва корхоналарнинг жамоат ташкилотлари, “Қамолот” ижтимоий ҳаракати, мактаб таълими жамғармаси, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари томонидан ташкил этилади.

Маърузалар ўқишга ҳарбий қисм командирлари, уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ҳокимият вакиллари, олимлар, уруш ва армия фахрийлари жалб этилади.

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДАГИ ТАРБИЯ (ВОЕННО-

ПАТРИОТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ) Ўзбекистон Республикаси халқида, айниқса ёшларида ўз Республикаси билан фахрланиш туйғуси ва мустақил Ватанини ҳимоя қилиш қобилиятини шакллантиришдир. Сиёсий ва ахлоқий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, ғоявий-назарий асоси – Ватан хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб етишдир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг вазифаси – Ватанга муҳаббат, байналмилаллик, Қуролли Кучларнинг жанговар ва ўзбек халқининг миллий анъаналарига содиқлик сифатларини тарбиялаш, ҳарбий ва ҳарбий-техник билимларнинг пухта эгалланишига омил бўлишдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Ватан ҳимоясига тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, мамлакатимиздаги муассаса ва корхоналарнинг жамоат ташкилотлари, “Камолот” ижтимоий ҳаракати, мактаб таълими жамғармаси, “Соғлом авлод учун”, “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари, МК “Ватанпарвар” ташкилоти, Мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимлари, уруш фахрийлари ташкилотлари, спорт кўмиталари ва шу каби ташкилотларнинг ўрни муҳимдир.

Командирлар ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек ҳарбий жамоа ташкилотлари, жангчилар, ёшлар ва ўқувчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга улкан ҳисса қўшадилар.

ҲАРБИЙ ГЕОГРАФИЯ (ВОЕННАЯ ГЕОГРАФИЯ) Эҳтимол тutilган ҳаракатлар майдонларининг ҳозирги ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-иқтисодий, табиий-географик шароитларини ва бу майдонларни оператив жиҳозлаш масалаларини ўрганади.

ҲАРБИЙ ГУВОҲНОМА (ВОЕННЫЙ БИЛЕТ) Муддатсиз ҳужжат бўлиб, фуқароларга мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилаётганларида топширилади. Оддий аскар ва сержантлар таркибига мансуб ҳарбий хизматчилар шахси, унвони, лавозими ва қайси ҳарбий қисмга мансублигини тасдиқлайди.

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ (ХДК) (ВОЕННО-МОРСКИЕ СИЛЫ (ВМС)) Ҳарбий-денгиз флотининг бир қатор давлатлардаги номи.

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ (ХДФ) (ВОЕННО-МОРСКОЙ ФЛОТ (ВМФ)) Қуролли кучлар тури бўлиб, океан ва денгизлардаги ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонларида жанговар вазифаларни бажариш учун мўлжалланган.

Душманнинг ердаги объектларига қарата стратегик ядровий кучлар билан зарба бериш, денгиз ва базаларидаги кучларини йўқ қилиш, дунёнинг ҳар қандай минтақасида, океан ва денгиздаги душманга тегишли алоқа йўллари ва вайрон этишга қодир.

Ҳарбий-денгиз флоти сув усти ва сув ости кемалари (дизелли ва атомли двигателлари билан), авиация, қирғоқдаги ракета-артиллерия қисмлари ва денгиз пиёдаларидан ташкил топган. Ҳарбий-денгиз флоти таркибига, шунингдек кўмакчи флот кема ва қайиқлари, махсус қисм ва қуролли кучлар фронт орти муассасалари киради.

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ АВИАЦИЯСИ (АВИАЦИЯ ВОЕННО-МОРСКОГО ФЛОТА) Душман флотининг жанговар кучлари ва денгиздаги

транспорт воситаларини яқсон қилиш, ўз кемалари гуруҳини ҳимоя қилиш, денгиз узра ҳаво разведкасини юритиш учун мўлжалланган авиация қисмлари.

ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ ФЛОТИ БАЙРОҒИ (ВОЕННО-МОРСКОЙ ФЛАГ)

Кеманинг муайян давлатга мансуб эканлигини билдириб турувчи белги. Шакли ва туси расман белгиланган мато кўринишига эга. XVI – XVIII асрларда қабул қилинган.

ҲАРБИЙ ДОКТРИНА (ДОКТРИНА ВОЕННАЯ) Давлатда эҳтимолий уруш мақсади ва хусусиятларига, ушбу урушга қуроли кучлар ва ялпи мамлакатни тайёрлашга қарашларнинг жорий вақтдаги тизими. Ҳарбий доктрина эҳтимолий урушда қандай душманга қарши кураш олиб бориш, давлат иштирок этиши лозим бўлган ёки кутилаётган уруш мақсади ва хусусиятлари, қуроли кучлар қурилиши, уларни жанговар ҳаракатларга тайёргарлиги, қуроли кучлар қўлланиши ва юритиладиган жанговар ҳаракатлар усулларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси (кейинчалик Мудофаа доктринаси) 1995 йил август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида қабул қилинган.

ҲАРБИЙ ЖАСОРАТ (ДОБЛЕСТЬ ВОИНСКАЯ) Уруш ва тинчлик даврида ҳарбий хизматчилар томонидан Ватан олдидаги бурчни бениқсон адо этишлари билан ифодаланувчи, юксак ахлоқий-жанговар сифатларнинг фидокорона ва жонбозларча намоён бўлиши. Ҳарбий хизматчиларнинг жасоратлари негизида юксак комиллик, интизомлилик, огоҳлик ва уюшқоқлик ётади.

Ҳарбий жасорат юксак давлат мукофотлари билан тақдирланади.

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТ (ПРЕСТУПЛЕНИЕ ВОИНСКОЕ) Ҳарбий хизматчи, шунингдек ўқув йиғинида иштирок этаётган ҳарбий хизматга мажбур фуқаро томонидан ҳарбий хизмат ўташнинг ўрнатилган тартибига таҳдид солиб содир этилган жиноий ҳаракат. Ҳарбий-жиноий қонунчиликда кўрсатилмаган ҳарбий жиноятлар интизомий жиҳатдан ноҳўя хатти-ҳаракатлар туркумига киради.

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЧИЛАР (ВОЕННЫЕ ПРЕСТУПНИКИ) Халқаро ҳуқуқда ҳарбий ҳамда тинчлик ва инсониятга қарши қаратилган жиноятларнинг ташкилотчилари, воситачилари, раҳбарлари, ижрочилари ва иштирокчилари.

Бу жиноятларнинг турлари ва таркиби ҳамда жазо чоралари халқаро ҳарбий трибуналларнинг низомларида белгилаб берилган. Ҳарбий жиноятчилар учун алоҳида жиноий жавобгарлик бир қанча халқаро шартномалар ва битимлар билан, ҳарбий жиноятларнинг айрим турлари учун эса – айрим мамлакатларнинг жиноят қонунлари билан белгиланади.

Ҳарбий жиноятчилар учун ҳеч қандай жиноий жавобгарликка тортиш муҳлатлари қўлланилмайди, бошпана ҳуқуқи ҳам берилмайди. Ҳарбий жиноятчилар қаерда ва қандай ҳолатда бўлишларидан қатъий назар тутиб берилишлари шарт.

ҲАРБИЙ ИМКОНИЯТЛАР (ПОТЕНЦИАЛ ВОЕННЫЙ) Давлатнинг

уруш ва тинчлик даврида қуролли кучларга эга бўлиш, қўшинларнинг жанговар қобилиятини ошириб бориш, ҳарбий кадрлар билан бутлаш, қурол-аслаҳа ва техника, шу жумладан, таъминотнинг барча турлари билан таъминлай олиш имкониятлари. Ҳарбий имкониятлар мазмунан:

қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника миқдори ва сифати;

қўшинларнинг моддий-техник воситалар билан таъминланганлик даражаси;

шахсий таркиб сони, умумтаълим ва ҳарбий-техник жиҳатдан тайёргарлик савияси;

тайёргарликдан ўтган захира ресурсларнинг мавжудлиги;

қуролли кучларнинг жанговар шайлик даражаси;

давлатнинг сафарбарлик имкониятларидан иборат.

ҲАРБИЙ ИНТИЗОМ (ДИСЦИПЛИНА ВОИНСКАЯ) Барча ҳарбий хизматчиларнинг давлат қонунчилиги, низом ва буйруқларда белгиланган тартиб ва қоидаларга қатъий ва аниқ риоя этишлари. Уларда белгиланган қоида, меъёр ва талаблар барча ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизмат ёшидаги фуқароларга, шунингдек ҳарбий кийим кийган захирадаги (истеъфодаги) сержант, офицер ва генералларга тааллуқлидир. Ҳарбий интизомга уруш ва тинчлик шароитида ҳам, сафда ва сафдан ташқарида ҳам, ҳарбий қисм ва унинг ташқарисида ҳам риоя этиш шартдир. Ҳарбий интизом ҳарбий хизматчиларнинг сиёсий онги, ҳарбий, ватанпарварлик ва байналмилаллик бурчларини чуқур англаб етишлари, Ватан мустақиллигини ҳимоя қилиш учун шахсий масъулиятларини ҳис этишларига асосланади.

ҲАРБИЙ ИШ (ВОЕННОЕ ДЕЛО) Умумлашган тушунча бўлиб, кенг маънода мамлакат қуролли кучларини ташкил этиш ва тайёрлаш масалалари, ҳарбий назария ва амалиётининг ривожини, аҳоли ичида ҳарбий билим ва кўникмалар шакллантирилишини англатади. Тор маънода эса – ҳарбий иш атамаси, қўшинлар жанговар тайёргарлигининг мақсади, дастури ва услубиятини, шунингдек ёшларни чақириққача тайёрлаш ишларини билдиради.

ҲАРБИЙ ИҚТИСОДИЁТ (ЭКОНОМИКА ВОЕННАЯ) Давлатнинг ҳарбий эҳтиёжини қондирадиган халқ хўжалигининг ихтисослаштирилган қисми. Давлатнинг ҳарбий эҳтиёжларини иқтисодий жиҳатдан қондирилиш қонунияти ҳақидаги фан. Ҳарбий иқтисодиёт тинчлик ва уруш даврида халқ хўжалигининг бир қисми сифатида ўз ўрнига эгадир. Ҳарбий иқтисодиёт жумласига:

моддий-техник негиз;

меҳнат ресурслари;

ҳарбий молиялаштириш амаллари киради.

Ташкилий жиҳатдан ўз ичига саноатнинг қуйидаги мудофаа соҳаларини қамраб олади:

ракетасозлик;

авиасозлик;

кемасозлик;

ҳарбий радиоэлектроника, артиллерия ўқ-дориси, зирҳли танк техникаси, ракета ёқилғиси, ёнилғи кабиларни ишлаб чиқариш.

Ҳарбий иқтисодиётнинг давлат эҳтиёжларини қондириш имкониятлари ва қобилияти: давлатнинг ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг салоҳияти, ижтимоий-иқтисодий тузуми ва сиёсатига ҳамда ҳарбий-сиёсий раҳбариятнинг мамлакат иқтисодий ресурсларини сафарбар этиш ва улардан унумли фойдалана олиш санъатига боғлиқ. Ҳарбий иқтисодиётнинг халқ хўжалигидаги салмоғи давлат томонидан юритилаётган ҳарбий-иқтисодий сиёсат ва қуролли курашнинг кўламига боғлиқ.

Ҳарбий иқтисодиёт синфий қарама-қарши жамият муҳитида вужудга келиб, урушнинг халқ хўжалиги олдида қўйган талаблари ортиши натижасида ривожланиб бори. Ҳарбий иқтисодиётнинг ижтимоий мазмуни муайян давлатда қарор топган ижтимоий-иқтисодий тузум ва юритаётган сиёсати билан белгиланади.

Давлатнинг ҳарбий эҳтиёжларини иқтисодий жиҳатдан қондирилиш қонунияти ҳақидаги фан сифатида – назарий билимлар тизими бўлиб, объектларнинг ўзига хос хусусияти ва тадқиқот мавзусига оид умумий иқтисодиёт қонунларига асосланади, муайян услублар мажмуига таянади. Ҳарбий иқтисодиёт фани:

уруш ва иқтисодиёт орасидаги ўзаро боғлиқлик;
мазкур боғлиқликнинг тинчлик даврида бажаражак иши;
сафарбарлик тайёргарлиги ва иқтисодиётни тинчлик давидан уруш ҳолатига ўтказиш;

иқтисодиётнинг уруш вақтидаги барқарорлигини таъминлаш усуллари;
қуролли кучларни иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ва уруш олиб боришнинг эҳтимолий шароитини белгилаш;

ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонида ҳарбий-иқтисодий негизни ташкил этиш масалаларини ўрганиб боради.

ҲАРБИЙ КЕМАЛАР (КОРАБЛИ ВОЕННЫЕ) Ҳарбий-денгиз флоти таркибига кирувчи, жанговар ва махсус вазифаларни бажариш учун мўлжалланган кемалар. Сув ости ва сув усти, стратегик ва оператив вазифалар бажариш учун мўлжалланган, атомли ва оддий энергетик қурилмаларга эга ҳарбий кемалар мавжуд. Ҳарбий кемалар қуйидаги синфларга бўлинади:

ракетали сув ости кемалари;
торпедали сув ости кемалари;
ракетали кемалар;
крейсерлар;
эскадра минонослари;
сув ости кемалари ва миналарга қарши кемалар;
десант кемалари.

Сув сифими ва қурол-аслаҳа таркибига кўра I , II , III ва IV рангларга бўлинади.

ҲАРБИЙ КЕНГАШ (ВОЕННЫЙ СОВЕТ) Ҳарбий раҳбариятнинг коллегиял органи бўлиб, қўшинларга тааллуқли саволлар, жанговар

ҳаракатларни ташкил этиш, кўшинлар тайёргарлиги, таъминоти масалаларини муҳокама қилиш, ҳал этиш ва булар борасида тавсиялар тайёрлаб, ушбу тавсияларни кўшинларга (кучларга) қўмондоннинг буйруқ ва директиваларида етказиш учун мўлжалланган. Ҳарбий кенгаш зиммасига юкланадиган энг долзарб вазифалар жумласига – кўшинларнинг жанговар ва сафарбарлик шайлиги, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлигининг юксак сифати ва мустаҳкам ҳарбий интизомни таъминлаш киради.

ҲАРБИЙ КИЙИМ (ОБМУНДИРОВАНИЕ ВОЕННОЕ) Ҳарбий кийим-кечак буюмларининг ҳарбий хизматчиларни алоҳида фарқловчи нишонларига эга умумий номи (масалан, белгиланган ранг, бичим, рамзлар, фарқловчи нишонлар ва ҳ. к.). Ҳарбий кийимнинг асосий элементларига қуйидагилар киради:

устки кийим – қайтарма қалпоқли енгсиз ёпинчиқ ёки сув ўтказмас ёпинчиқ-чодир, камзул, тужурка, бушлат, шим;

бош кийимлар – телпак, қулоқчин телпак, фуражка, соябонсиз бош кийим, берет, пилотка;

устки кўйлақлар;

бўйинбоғ ва кўлқоплар;

пойафзал;

камарлар;

аслаҳа анжомлари. Шунингдек ҳарбий кийимнинг айрим давлатларда бир қатор махсус турлари мавжуд, масалан:

иқлими совуқ ва ўта совуқ ҳудудлар учун – иссиқ тутадиган;

иқлими жазирама иссиқ бўладиган ҳудудлар учун – енгиллаштирилган;

фахрий қоровуллар учун – парадга кийиладиган алоҳида кийимлар;

денгиз пиёдалари учун – қора рангдаги қишки дала кийимлари.

Вазифасига кўра парад, байрам, кундалик, дала ва ишчи ҳарбий кийимларга бўлинади. Ҳарбий кийимнинг ҳар бир тури жумласига ёзги ва қишки кийим-кечак буюмлари киради. Ҳарбий кийимни кийиб юриш тартиби ҳарбий кийим кийиш қоидалари билан белгилаб берилади.

ҲАРБИЙ КИЙИМ РУСУМИ (ФОРМА ОДЕЖДЫ ВОЕННАЯ) Ҳарбий хизматчиларнинг кийим-кечак, аслаҳа-анжом ва фарқловчи нишонларига оид барча буюмлар тўплами.

Ҳарбий кийим русуми ҳарбий хизмат мажбуриятини бажариш ва уюшқоқликни оширишга омил бўлиб, ҳарбий хизматчиларни тартиб-интизомга солади. Шу билан бирга ҳарбий хизматчининг қайси давлат қуроли кучлари, қуроли кучлар ва кўшинларнинг қайси турига мансублиги ва ҳарбий унвонига кўра фарқлаб олиш имконини беради.

Ҳарбий кийимнинг ранги, газламасининг сифати, бичилиши ҳарбий хизматчиларнинг турли иқлим шароитидаги ҳаракатлари учун муайян қулайлик яратиб куч ва соғлиғини сақлашга омил бўлади. Ҳарбий кийим русуми ҳукуматнинг олий органлари томонидан тасдиқланади. Ҳарбий кийим русумини кийиб юриш ҳуқуқи ҳақиқий ҳарбий хизмат ўтаётган барча ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий лицей тарбияланувчиларига, шунингдек ҳарбий кийим кийиб юриш ҳуқуқи билан захира ва истеъфога бўшатишган

генерал, офицер ва сержантларга берилган.

Ҳарбий кийим русумининг вужудга келиши узоқ тарихга бориб тақалиб, ўз жангчиларини душман жангчиларидан фарқлаш зарурлиги билан боғлиқдир. Мисол учун, Спартада илк бор жангчиларга бир хилдаги – қизил рангли ёпинчиклар кийдирилган. Ярадорлардан сизиб чиқаётган қон иродасиз жангчиларни эсанкиратиб қўймаслиги учун ҳам айна шу ранг танланган. Кейинчалик ҳарбий кийим русумлари кўплаб маротаба ўзгартирилиб келинди. Улар содалаштирилиб, қулайлаштирилди ва амалий жиҳатдан такомиллаштирилди. Замонавий ҳарбий кийим:

- парадга кийиладиган;
- парад-байрам кийими;
- кундалик кийим;
- дала машғулотларига кийиладиган кийим;
- иш кийими русумларига бўлинади.

Ҳарбий кийимнинг барча русумлари ёзги ва қишки турларга бўлинади. Ҳарбий кийимнинг у ёки бу русумига (фаслга монанд) ўтиш (кийиб юриш) вақти ҳарбий округ қўшинлари қўмондони ёки гарнизон бошлиғи томонидан белгиланади. Ҳарбий кийимнинг ҳар бир русуми муайян белгиланган вақт ва ҳолатларда кийилади. Ҳарбий кийимнинг барча ашёлари ҳарбий хизматчи эғнига лойиқ мослаштирилган ва бенуқсон тугилиши лозим.

ҲАРБИЙ КОМЕНДАНТ БОШҚАРМАСИ (УПРАВЛЕНИЕ ВОЕННОГО КОМЕНДАНТА) Гарнизон ва қоровул хизматларини ташкил этиш ва гарнизон бошлиғининг кўрсатмаларига биноан бажариладиган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун мўлжалланган гарнизондаги муассаса. Ҳарбий комендант бошқармаси гарнизонга вақтинча келган ҳарбий хизматчиларнинг ҳисобини юритиб боради.

кундалик ҳаётда қулай ва спортбоп, қўшин ва кучлар турлари томонидан қўйиладиган барча талабларга жавоб берадиган тарзда яратилган.

ҲАРБИЙ ЛАВОЗИМЛАР (ВОЕННЫЕ ДОЛЖНОСТИ) Ҳарбий хизматчилар эгаллаши лозим бўлган штат лавозимлари ва уларга мувофиқ келадиган ҳарбий унвонлар ҳарбий қисмларнинг, ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқарув органларининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар муассасаларининг штатларида назарда тутилади. Ҳарбий лавозимлар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларига бўлинади.

Қуролли Кучларда олий қўмондонлик лавозимларига тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчиларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг хизмат жойини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартибидаги низом билан белгиланади.

Ҳарбий хизматчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳарбий хизматда қолдирилган ҳамда ҳарбий хизматчилар учун белгиланган кафолат ва имтиёзлари сақланган ҳолда давлат-ҳуқуқ ҳамда муҳофаа йўналишидаги

ишларни бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилиши мумкин.

ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ (ВОИНСКАЯ ПОВИННОСТЬ) Фуқароларнинг ўз мамлакати Қуролли Кучлари сафида қонунда белгиланган ҳарбий хизмат ўташ мажбурияти.

Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматни ҳарбий мажбурият асосида амалга оширилади.

ҲАРБИЙ-МАИШИЙ ҲАЁТ (БЫТ ВОИНСКИЙ) Ҳарбий ҳаёт тарзи. Ҳарбий хизматчилар фаолиятининг ҳарбий низом, буйруқ ва йўриқномалар билан белгиланувчи кундалик тартиби.

Мазмунан ҳарбий хизматчиларни жойлаштириш, ҳаётини эҳтиёжларини қондириш, яшаш ва хизмат хоналарининг тутилиши, хизмат мажбуриятларининг бажарилиши, ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатлари каби масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий маиший ҳаёт, кўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, уюшқоқлик, жанговар шайликни юқори савияда тутиб туриш ва ҳарбий хизматчилар томонидан ўз ҳарбий бурчларини фидокорона адо этишларига ижобий таъсир кўрсатишга қаратилган.

ҲАРБИЙ МАТБУОТ (ПЕЧАТЬ ВОЕННАЯ) Ҳарбий соҳанинг турли масалаларига бағишланган матбуот маҳсулоти. Асосан ҳарбийлар доираси учун мўлжалланган оммавий ахборот ва тарғиботнинг муҳим воситаси. Ҳарбий матбуот жумласига: ҳарбий рўзнома, журнал, китоб, рисола, плакат кабилар киради.

Ҳарбий матбуотнинг муҳим вазифаси – ўзбек халқида ватанпарварлик ва байналмилаллик сифатларини тарбиялаш, республика жамоатчилигининг ҳаётини ҳар томонлама ривожлантиришга фаол кўмак беришдир. Ҳарбий рўзнома ва журналлар мустақиллик ютуқлари ва тажрибаларини очиб кенг тарғибот этади, кўшинлар огоҳлиги, жанговар шайлиги ва қудратини ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш борасидаги долзарб муаммолар ва ушбу муаммоларни ҳал этиш йўллари бўйича масалаларни ўртага ташлайди.

Ҳарбий матбуотга умумий раҳбарлик, Қуролли Кучлар ва ҳарбий округларнинг ҳарбий кенгашлари ва тарбиявий ишлар бошқармалари орқали Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг тарбиявий ишлар бош бошқармаси томонидан амалга оширилади.

ҲАРБИЙ МАҲОРАТ (МАСТЕРСТВО ВОИНСКОЕ) Ҳар бир жангчи ва ялпи ҳарбий жамоанинг, кучли ва техник жиҳатдан яхши таъминланган душман устидан ғалаба қозониш мақсадида, қурол-яроғ ва техникадан унумли фойдалана олиш ва энг мураккаб вазифаларни бажара олиш қобилияти.

Ҳарбий маҳорат жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик жараёнида шаклланади.

ҲАРБИЙ МЕТРОЛОГИЯ (МЕТРОЛОГИЯ ВОЕННАЯ) Умумий метрологиянинг ҳарбий соҳаси бўлиб, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг жанговар шайлиги, ишончилиги, ҳарбий қисмларнинг (кўшилмаларнинг)

жанговар қобилиятини ошириш мақсадида ўтказиладиган ўлчашлар бирлиги ва аниқлиги муаммоларини ўрганади.

Қуролли Кучларда метрологик хизмат жорий этилган бўлиб, мазкур хизмат шахсий таркибнинг фаолияти ва кўшинларнинг жанговар тайёргарлиги метрологик таъминланишини ташкилий-техник жиҳатдан бошқаради, уларни замонавий ўлчов асбоблари билан таъминлайди, тегишли меъёрий-техник хужжатларни ишлаб чиқаради, қиёслаш органларининг фаолиятини бошқаради.

ҲАРБИЙ МОЖАРОНИ БАРТАРАФ ЭТИШ (НЕЙТРАЛИЗАЦИЯ ВОЕННОГО КОНФЛИКТА) Рақибни (душманни) янчиб ташлаш, унинг ҳарбий кучини батамом йўқ қилиб, қуролсизлантириш йўли билан зиддиятларга (можарога) чек қўйишга мажбур этиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар мажмуи, махсус ёки ҳамкор операция.

ҲАРБИЙ МУЛК (ИМУЩЕСТВО ВОЕННОЕ) Давлат мулкининг қуролли кучлар ихтиёрида вақтинча ёки доимо бўлган қисми. Ҳарбий мулкка қўйидагилар мансуб:

қурол-аслаҳа ва ҳарбий техниканинг барча турлари;

ёқилғи-мой ва озиқ-овқат маҳсулотлари;

авария-қутқариш, аэродром, палуба, кийим-кечак, тиббий ва ветеринария хизмати анжомлари;

қуролли кучларнинг ишлаб чиқариш корхоналарига мансуб барча моддий воситалар;

қуролли кучлар ҳарбий хизматчиларининг яшаш ва хизмат ўташ фондлари. Ҳарбий мулк:

озиқ-овқат, ёқилғи-мой, ўқ-дори каби – *истеъмол молларига*;

қурол-аслаҳа, техника, кийим-кечак, ашёвий мулк каби – *узоқ вақт фойдаланиладиган мулкларга* бўлинади.

Ҳарбий мулкнинг аксарият турлари давлат мулки ҳисобланиб, сотилиши, гаровга қўйилиши, алмаштирилиши ва тортиқ қилиниши мумкин эмас.

ҲАРБИЙ МУСИҚА (МУЗЫКА ВОЕННАЯ) Қуролли кучлар шахсий таркибининг саф таълимоти ва ҳарбий тарбияси манфаатларига хизмат қилади.

Тантанали маросимлар (парад ва митинг кабилар), саф машғулоти ва кўшинлар саф тортиб бораётганда ижро этилади.

Ҳарбий мусиқа воситалари орқали кўшинларни хабардор этиш ва бошқариш (сигнал хизмати) амаллари бажарилади. Одатда ҳарбий оркестр ёки алоҳида мусиқачилар (горнчи ва барабанчилар) томонидан ижро этилади.

Ҳарбий мусиқанинг асосий жанри – маршдир (саф, юриш, кутиб олиш, тантанали маршлар, фанфара кабилар).

“Ҳарбий мусиқа тушунчаси” ҳарбий ватанпарварлик мазмунидаги мусиқий асарлар, шунингдек саф (юриш) кўшиқларига ҳам тааллуқлидир.

Ҳарбий оркестрлар учун яратилган янги асарлар танловлари мунтазам ўтказиб борилиб, саф ва концерт репертуарларининг тўпламлари чоп этилиб турилади.

ҲАРБИЙ НАЗОРАТЧИ (ИНСПЕКТОР ВОЕННЫЙ) Қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик савияси, қуро-л-яроғ ва ҳарбий техника ҳолати, моддий воситалар тутилиши ва сарфи, ҳарбий қисмлар (кемалар) шахсий таркиби томонидан низом ва буйруқлар талаблари бажарилаётганлигини текширувчи мансабдор шахс.

ҲАРБИЙ НИЗОМЛАР (УСТАВЫ ВОИНСКИЕ) Ҳарбий хизматчиларнинг кундалик фаолияти, ҳаёт тарзи, хизмат ўташлари ва шахсий таркиб тайёргарлигини тартибга солувчи бўлинма, ҳарбий қисм ва қўшилмаларнинг жанговар ҳаракати асосларини белгилаб берувчи расмий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар. Низомлар жанговар ва умумқўшин низомларга бўлинади.

Жанговар низомлар Қуроли Кучларнинг муайян турига мансуб қўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг жанг ва операциядаги жанговар ҳаракатларининг асосларини белгилаб беради.

Умумқўшин низомлар Қуроли Кучлар шахсий таркибининг ҳаёт тарзи ва фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжатлардир. Улар ҳарбий хизматчилар орасидаги муносабатлар, умумий ва лавозимларига оид мажбурият ва ҳуқуқларини, ички, гарнизон ва қоровул хизматларини ўташ тартибини белгилаб беради. Мазкур низомлар қоидалари ялпи Қуроли Кучларга тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий низомларининг бош ғояси – ҳар бир ҳарбий хизматчининг Ватан ҳимояси учун масъуллиги, ҳарбий бурч ва қасамёдга бузилмас садоқати, ўз халқига фидойиларча хизмат қилиши, қўшин ва кучларнинг ҳушёрлиги, уларнинг юксак жанговар шайлигини узлуксиз тутиб туришидир.

ҲАРБИЙ ОБЪЕКТЛАР (ОБЪЕКТЫ ВОЕННЫЕ) Қўлга киритилиши (йўқ қилиниши, вайрон этилиши) жанговар ҳаракатлар давомига таъсир ўтказадиган объектлар.

Ҳарбий объектлар жумласига: доимий жойлашув пункти ва жамланиш ҳудудлари, марш, дастлабки марра, старт марраси ва ўт очиш маррасидаги – қўшин, аэродром, ҳарбий кема ва транспортлар, ҳарбий денгиз ва ҳаво базалари, бошқарув пунктлари, алоқа узеллари, радиотехник тизимлар, қуроли кучлар фронт орти таъминоти органлари, йўллар тармоғи, йирик кўприклар ва гидротехник иншоотлар, қувурли ўтказгичлар, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар киради. Моҳиятига кўра ҳарбий объектлар – стратегик, оператив ва тактик турларга бўлинади.

ҲАРБИЙ ОКРУГ (ВОЕННЫЙ ОКРУГ) Қўшилма, ҳарбий қисм ва ҳарбий таълим муассасалари ҳамда турли ҳарбий идораларнинг (ҳарбий савдо, уй-жойдан фойдаланиш қисмлари, таъмирлаш заводи ва устахоналари, ҳарбий шифохона, омборхона ва шу қабилар) умумқўшин бирлашмаси.

Давлат ҳудудини ҳарбий округларга бўлиб чиқиш амалиёти аксарият давлатларда қўлланилади. Давлат ҳудудини ҳарбий округларга бўлишдан мақсад, мамлакат ва унинг қуроли кучларини урушга тайёрлаш борасидаги тадбирлар ўтказилишини таъминлаш ва қўшинлар бошқарувини енгиллаштиришдир.

Ҳарбий округни округ қўшинлари қўмондони бошқаради. Ҳарбий округ худудига тааллуқли муҳим масалалар округ Ҳарбий Кенгаши томонидан ҳал этилади. Қўшинларни бошқарувчи орган – округ штабидир.

Округ қўшинларида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ташкил этилади ва ўтказилади, шахсий таркиб орасида тарбиявий, маданий-маърифий ишлар олиб борилади. Аҳоли орасида сафарбарлик, давлатнинг маҳаллий ҳокимият ташкилотлари иштирокида ҳарбий ватанпарварлик ишлари юритилади.

Ўзбекистон Республикаси тасарруфидаги ҳарбий округ операция йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини таъминловчи асосий ҳарбий-маъмурий бирлик ҳамда умумқўшин оператив-стратегик худудий бирлашмасидир.

Ҳарбий округлар зиммаларига юклатилган вазифаларни бажарадилар ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қиладилар.

ҲАРБИЙ ОРКЕСТР (ОРКЕСТР ВОЕННЫЙ) Шахсий таркибнинг саф таълимоти, шунингдек ҳарбий маросим, таомил ва тантанали удумлар ўтказилаётганида мусиқавий асарларни ижро этиш билан бир вақтда концертга оид фаолият юритиш учун мўлжалланган штатга кўра тузилган махсус ҳарбий бўлинма. Ҳарбий оркестрлардан:

уруш даврида – жангдаги жангчиларнинг жанговар руҳини кўтариш;

тинчлик даврида – қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги, шахсий таркибни ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ва маданий соҳаларда тарбиялаш учун фойдаланилади. Ҳарбий оркестрлар икки турга бўлинади:

мисдан тайёрланган ва уриб чалинадиган бир турдаги ўхшаш мусиқа асбобларидан иборат оркестр;

айтиб ўтилган мусиқа асбобларидан ташқари таркибига *ёғочдан тайёрланган, пуфлаб чалинадиган* мусиқа асбоблари кирувчи аралаш турдаги оркестр.

Ҳарбий оркестрлар ҳарбий ва эстетик тарбия манфаатларига хизмат қилиб, маданий-оқартув ишлари соҳасининг моҳиятига эга. Маршдаги ва машқ қилаётган қўшинларнинг ахлоқий руҳини кўтариш, армияда бадий хаваскорлик жамоаларини шакллантириш ва оммавий-спорт тадбирларини ташкил этишга ёрдам беради. Ҳарбий оркестрга ҳарбий дирижер раҳбарлик қилади.

ҲАРБИЙ ОР-НОМУС (ЧЕСТЬ ВОИНСКАЯ) Жангчининг (ҳарбий жамоанинг) ҳарбий бурчни адо этишга бўлган муносабати ва хулқини тавсифловчи ички ахлоқий сифат ва тамойиллар. Ҳарбий этика таърифларидан бири.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчиларининг ҳарбий ор-номуси уларнинг Ватан мустақиллигини ҳимоялаш учун маънан жавобгарликларидан иборат.

Ҳарбий ор-номус тушунчаси, ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифалари учун ҳарбий жамоа ор-номуси тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳарбий ор-номуснинг ҳарбий бурчни адо этишга тааллуқли талаблари ҳарбий қасамд матни ва Қуролли Кучлар низомларида белгиланган бўлиб,

маънавий замиридан ташқари ҳуқуқий асосларга ҳам эгадир.

Ҳарбий ор-номус тимсоли – Жанговар Байроқ ҳисобланади. Унинг энг олий кўриниши – жангда намоён этилган жасоратдир.

Ҳарбий ор-номус оммавий-маданий ишлар, маънавий-руҳий тайёргарлик жараёнида тарбияланади.

Мазкур тарбия омили сифатида – ҳарбий хизматчини мукофотлаш, рағбатлантириш тизими ва ўтказиладиган ҳарбий анъаналар хизмат қилади.

ҲАРБИЙ РАЗВЕДКА (РАЗВЕДКА ВОЕННАЯ) Эҳтимолий ёки ҳақиқий душман деб тан олинган айрим мамлакат ва давлатлар иттифоқидаги ҳарбий-сиёсий вазият, уларнинг қуролли кучлари ва ҳарбий-иқтисодий имкониятлари, фуқаролар кўшинлари таркиби, жойлашуви, ҳолати, ҳаракатларининг хусусиятлари ва кўзлаётган мақсадлари, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони ҳақида маълумотларга эга бўлиш учун кўмондонлик ва барча поғоналардаги штаблар томонидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳамда кўшинлар ҳаракатининг мажмуи. Оператив (жанговар) таъминот турларидан бири. Бажариладиган вазифалар миқёсига кўра ҳарбий разведка стратегик, оператив ва тактик разведкаларга бўлинади. Ҳарбий разведка:

фаолият юритиш соҳасига кўра – ер, ҳаво, денгиз ва космик разведкаларга;

ҳал этадиган масалалар хусусияти ва вазифасига кўра – айғоқчилик, махсус, радио- ва радиотехник, кўшинлар, артиллерия, муҳандислик, радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик), топографик, гидрографик, гидрометеорологик, техник ва қуролли кучлар фронт орти ҳарбий разведкаларига;

разведканинг қўлланиладиган техник воситаларига кўра – радиоэлектрон, оптик-электрон, оптик, товуш, гидроакустик, сейсмоакустик, магнитометрик ҳарбий разведкаларга бўлинади.

Ҳарбий разведканинг олиб борилиши разведкага тегишли куч ва воситалар билан амалга оширилади. Мазкур куч ва воситалар жумласига кўшинлар штатида мавжуд разведка қўшилмалари ва ҳарбий қисмлари (бўлинмалари), шунингдек кўшинлар таркибидан ажратиладиган разведка органлари киради. Разведка юритиш учун кўшинлар тури ва махсус кўшинлар тасарруфидаги бошқа ҳарбий қисмлар (кемалар) ва бўлинмалар ҳам жалб этилиши мумкин.

Ҳарбий разведка кўшинлар жанговар ҳаракатларининг ялпи чегаралари (операцияли зоналар), қанотлар ва жанговар вазифанинг ялпи сарҳадларида юритилади.

Разведка қилинадиган объектлар жумласига душманнинг барча объектлари (қуролли курашга тегишли барча куч ва воситалари, муҳандислик иншоотлари, маҳаллий жисмлар), шунингдек ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонининг физик-географик шарт-шароитлари киради. Мазкур объектлар ўз моҳиятига кўра *стратегик, оператив* ва *тактик* разведка объектларига бўлинади. Операция (жанг) жараёни ва натижасига таъсир этиш даражасига кўра разведка объектлари *муҳим* ва *оддий* объектларга бўлинади.

Разведка куч ва воситаларининг ва қўшинлар фаолияти натижасида душман ва уруш майдонининг физик-географик шарт-шароитлари ҳақида олинган маълумотлар – *разведка маълумотлари* деб аталади. Разведка маълумотларини қўлга киритишда: кузатиш (таъқиб қилиш), пинҳона кулоқ тутиш, фотосуратга олиш (ерда, ҳаводан, сув остида, космосдан), радиоэлектрон воситалар тўлқинларини тутиб, техник таҳлилдан ўтказиш, пеленгация қилиш, қидирув амаллари, ёпирилиш амаллари, пистирма, жанг билан разведка юритиш, жойлик аҳолидан сўраб-суриштириш, ҳарбий асирлар ва душман томондан қочиб ўтганларни сўроққа тутиш, душмандан тортиб олинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш каби асосий усуллар қўлланилади. Разведка маълумотлари кўмондонлик (командир) томонидан қўшинлар ҳаракати бўйича қарор қабул қилиш учун зарурий даражадаги тафсилотлар билан қўлга киритилади, қайта ишланади ва билдирилади (етказилади).

ҲАРБИЙ САНЪАТ (ВОЕННОЕ ИСКУССТВО) Қуруқлик, денгиз ва ҳавода ҳарбий ҳаракатларни тайёрлаш ҳамда амалга ошириш назарияси ва амалиёти.

Ҳарбий санъат назарияси – ҳарбий фаннинг бир қисмидир. Ҳарбий санъат ўзаро узвий боғлиқ бўлган стратегия, оперативлик санъати ва тактикадан иборат. Бу санъат ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражаси ва ижтимоий тузум хусусияти билан белгиланиб, мамлакатнинг ривожланиш тарихи хусусиятлари, миллий хусусиятлари, географик шароити ва бошқа омилларга боғлиқ.

Аксарият хорижий давлатлар ҳарбий назариясида ҳарбий санъат стратегия ва тактикадан иборат “Оперативлик санъати” атамаси қўлланилмайди.

ҲАРБИЙ СИР (ТАЙНА ВОЕННАЯ) Қуроли кучлар сони, тузилиши, жойлашуви, жанговар қобилияти, ҳарбий объектлар, ҳарбий соҳадаги ихтиролар, ҳарбий иқтисод каби ҳарбий мазмунга эга ва овоза бўлиб кетмаслиги учун махсус муҳофаза этиладиган муҳим маълумотлар. Ҳарбий сирни овоза қилган ҳарбий хизматчи жиноий кодексга асосан жавобгарликка тортилади.

ҲАРБИЙ СПОРТ КЎП КУРАШЛАРИ (МНОГОБОРЬЯ ВОЕННО-СПОРТИВНЫЕ) Ҳарбий амалий хусусиятга эга спортнинг бир неча тури ёки алоҳида спорт машқлари бўйича мусобақалар. Ҳарбий спорт кўп курашлари куйидагича синфланади:

1- *сонли кўпкураш* – ўқ узиш, тўсиқли йўлакни енгиб ўтиш, граната улоқтириш;

2- *сонли ҳарбий уч кураш* – турникда кўтарилиб айланиш, 100 м га югуриш, 3 км кросс югуриш;

офицерлар кўпкураши – ўқ узиш, гимнастика, 100 м га сузиш, 3 км кросс ва автомобилни эгри йўлда бошқариш.

Бундан ташқари ҳарбий спорт кўп курашлари – ҳарбий мутахассисликлар бўйича ҳам ўтказилиш амалиёти мавжуд (мисол учун, танкчи, тўпчи ва разведкачилар).

ҲАРБИЙ СТРАТЕГИЯ (СТРАТЕГИЯ ВОЕННАЯ) Ҳарбий санъатнинг таркибий қисми ва унинг юқори соҳаси бўлиб, қуроли кучларни урушга тайёрлаш назарияси ва амалиёти, урушни режалаштириш ва юритиш масалаларини ўз ичига қамрайди, уруш қонуниятлари ва хусусиятларини тадқиқ этади, стратегик операцияларни тайёрлаш ва юритиш усуллари ва шакллари ишлаб чиқади, фронт, флот ва армиялар мақсадини белгилаб, улар олдига вазифалар қўяди, кучларни ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонлари ва стратегик йўналишлар бўйича тақсимлаб чиқади.

Ҳарбий стратегия оперативлик санъати ва тактикага нисбатан устувор ўринни эгаллайди. Шу билан биргаликда ҳарбий стратегия оперативлик санъати ва тактиканинг имкониятини ҳисобга олиб, стратегик вазифани ҳал этиш манфаатида эришилган оперативлик ва тактик муваффақиятлардан фойдаланади. Ҳарбий стратегия қуроли кучлар учун ягона бўлиб, унинг тавсияларини амалга татбиқ этиш қуроли кучларнинг барча турлари учун мажбурийдир. Ҳарбий стратегия – ялпи дунё ва муайян минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият, Ўзбекистон Республикаси ва иттифоқчиларининг иқтисодий ҳамда маънавий-сиёсий имкониятлари ўзгариб бориши билан бирга тараққий этиб боради.

ҲАРБИЙ СУДЛАР (ВОЕННЫЕ СУДЫ) Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси суд тизимига киради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди, округ ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат бўлади.

Ҳарбий судлар чиқарадиган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлар Ўзбекистон Республикаси номидан эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати лавозимига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ҳисобланадиган ҳарбий ҳайъат раиси, ҳарбий ҳайъат раиси ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса суд раисининг ўринбосаридан иборат бўлади.

Ҳарбий судларнинг судьялари “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда сайланади ва тайинланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитанинг, Миллий хавфсизлик хизматининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги кўшинларининг ва Қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

б) ҳарбий қисмлар, кўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув

органларининг кўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;

в) алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;

г) давлат сирларига тааллуқли ишларни;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

Ушбу банднинг “а” кичик бандида кўрсатиб ўтилган шахслар ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматни ўташ даврида содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, агар улар иш судда кўрилиш пайтига келиб хизматдан бўшаб кетган бўлсалар ҳам ҳарбий судлар томонидан кўрилади.

Ушбу банднинг “а” кичик бандида кўрсатиб ўтилган шахслар ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматга чақирилгунга ёки киргунга қадар содир этган жиноятлар тўғрисида ишлар умумий юрисдикция судлари томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати судловига:

олий офицерлар таркибидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг судловига:

содир этилганлиги учун ўлим жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

полковник, 1 – даражадаги капитан унвонига эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёхуд бригада командири лавозимидаги шахслар ҳамда хизмат мавқеи бўйича уларга тенг шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Округ ва ҳудудий ҳарбий судлар судловига:

подполковник, 2 – даражадаги капитандан юқори бўлмаган унвондаги шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Бир гуруҳ шахсларни айблашга оид иш бўйича, гарчи айбланувчилардан лоақал бири хусусидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса ва уни қонунга кўра алоҳида иш юритишга ажратиш мумкин бўлмаса, фуқаро шахсларига оид иш ҳарбий суд томонидан кўрилишига йўл қўйилади.

Якка шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айбланиб, гарчи жиноятлардан лоақал бири тўғрисидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса, ҳамма жиноятлар тўғрисидаги ва барча шахсларга оид иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

Ҳарбий судлар жиноят ишлари билан бирга ҳарбий қисмлар, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг содир этилган жиноятлар натижасида уларга етказилган моддий зарарни ундириб бериш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини ҳам кўриб чиқади.

Ушланган, камоққа олинган, гауптвахтада сақланаётганларни ҳарбий судларга кўриқлаб олиб бориш ва уларни суд мажлисида кўриқлаш, ҳарбий қисмлар ёки гарнизонларнинг ҳарбий комендатуралари томонидан амалга оширилади.

Бошқа сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳбусларни ишини кўриш жойига кўриқлаб олиб бориш ва кўриқлаш белгиланган тартибда – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг соқчилик кўшинлари қисмлари, органлари томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

ҲАРБИЙ ТАЛАФОТЛАР (ПОТЕРИ ВОЕННЫЕ) Курашаётган давлатларнинг уруш давоми ва натижасида ўз одамларини фронтда ва қуролли кучлар fronti ортида йўқотиши, моддий зарар кўриши.

ҲАРБИЙ ТАОМИЛЛАР (РИТУАЛЫ ВОИНСКИЕ) Низом, қўлланма ва йўриқномаларда белгилаб берилган, кундалик шароит, байрам тантанаси каби ҳолларда амалга ошириладиган ҳарбий удум ва анъаналар. Ҳарбий таомиллар жангчилар онгида ҳарбий қасамёднинг муқаддаслиги ва унга содиқ бўлиш лозимлигини шакллантиради, Ватанига, халқига чексиз садоқат, дўстона армияларга нисбатан жанговар ўртоқлик, хизматга нисбатан ҳалол ва тиришқоқлик сифатларини, юртининг душманларига қарши жонбозларча курашишга шайлигини тарбиялайди. Ҳарбий таомиллар жумласига:

ҳарбийча салом бериш;

бўйсунувчи шахснинг командирга (бошлиққа) билдирув бериши;

қоровуллар тарқатуви;

Жанговар Байроқни олиб кириш;

мушак отиш;

ҳарбий оркестр ижроси остида кузатиб бориш;

байроқни энгаштириш, унга садоқатни билдириш мақсадида тиз чўкиш;

ҳарбий хизматчиларга тантанали тарзда қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника топширилиши каби амаллар киради. Бундан ташқари низомга оид ҳужжатларда кўрсатилмаган баъзи бир ҳарбий таомилларга ҳам риоя этилади, мисол учун:

уруш қатнашчилари ва Ўзбекистон Қаҳрамонларини қутлаш;

ҳарбий хизматга янги чақирилган аскарларни кутиб олиш;

хизмат муддатини муносиб ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни кузатиш

ва ҳ.к.

ҲАРБИЙ ТАРБИЯ (ВОИНСКОЕ ВОСПИТАНИЕ) Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий жамоаларда сиёсий онг, ҳарбий бурчга содиқлик, интизомли бўлиш, жасурлик, руҳий барқарорлик, уюшқоқлик ва юксак жанговар шайликни ташкил этилган тарзда муайян тизим бўйича шакллантириш.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, давлат ҳукумати қарорлари, ҳарбий қасамёд ва низомлар талаблари асосида, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, ғоявий тарбия ва маданий-маърифий ишлари жараёнида амалга оширилади.

ҲАРБИЙ ТАРИХ (ВОЕННАЯ ИСТОРИЯ) Ўтмишдаги урушлар ва қуролли кучлар тарихини, ҳарбий санъат, ҳарбий тафаккур тараққиётини ўрганади, бўлиб ўтган урушлардан олинган тажрибаларни умумлаштиради.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ (ОБУЧЕНИЕ ВОИНСКОЕ) Ҳарбий хизматчиларга ҳарбий фаолияти учун зарур бўлган ҳарбий билим, кўникма ва маҳоратлар бериш, мазкур билимларни ўзлаштириб олиш, шунингдек ҳамжиҳат жанговар ҳаракатлар юритиш учун ҳарбий жамоа (бўлинма), қисм ва кўшилмалар тайёргарлиги ва ҳамкорлигини шакллантиришнинг ташкил этилган ва маълум мақсадга йўналтирилган жараёни. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ҳарбий таълимнинг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- илмийлик;
- кўшинларни урушда зарур бўладиган билимларга ўргатиш;
- ҳарбий хизматчиларнинг онгли ва фаол таҳсил кўришлари;
- кўрғазмали, тушунарли, муайян тизимга солинган ва аниқ изчилликка эга бўлиши;
- ҳарбий таълимга жамоа таркибида ва шахсий ёндашувнинг уйғунлаштирилиши.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКА (ТЕХНИКА ВОЕННАЯ) Қуролли кучларнинг жанговар ва кундалик фаолиятини таъминлаш учун мўлжалланган қурол-яроғ, машина, жиҳоз, аппарат ва шу каби ўзга техник воситалар. Вазифасига кўра:

- қурол-аслаҳага;
- қурол-яроғ ташувчисига;
- кўшинлар ва жанговар воситалар бошқарувининг техник воситасига;
- жанговар ҳаракатни таъминлаш воситасига;
- тарғиботнинг техник воситасига;
- полигон анжомларига бўлинади.

Ҳужжатларда, матбуот ва оғзаки чиқишларда кўпроқ “Жанговар техника” атамаси қўлланилади. Мазкур атама ҳарбий техникани норасмий тарзда жанговар ва кўмакчи турларга бўлиниши натижасида вужудга келган. Бундай бўлинишга мувофиқ жанговар техникага шартли равишда:

- ташувчиси билан биргаликдаги (мисол учун танк, самолёт) қурол-яроғ;
- айрим қурол комплекслари;
- қурол-аслаҳа намуналари киради.

ҲАРБИЙ ТЕХНИКАНИ САҚЛАШ (ХРАНЕНИЕ ВОЕННОЙ ТЕХНИКИ) Ҳарбий техникани белгиланган муддатда жанговар шай ҳолатга келтирилишини таъминловчи сақланиш ҳолатида тутиб турилиши. Ҳарбий техникани сақлаш тадбирлари жумласига:

- муҳитнинг техникага ўтказадиган салбий таъсиридан (намгарчилик, хароратнинг кескин ўзгариб туриши каби омиллардан) асраш;
- техникани махсус сақлаш жойларига жойлаш;
- ҳарбий техникага техник хизмат кўрсатиш ва кўриқдан ўтказиш амалларини бажариш;
- ёнғин хавфсизлигига риоя этиш;

тегишли хужжатларни юритиб бориш амаллари киради.

Ҳарбий техникани қисқа муддатда сақлашга (бир йилга қадар) ва давомли сақлашга (бир йилдан ортиқ вақтга) қўйиш мумкин.

ҲАРБИЙ-ТЕХНИК ҲАМКОРЛИК (СОТРУДНИЧЕСТВО ВОЕННО-ТЕХНИЧЕСКОЕ) Халқаро муносабатларнинг ҳарбий маҳсулот, фаолият ва кўрсатиладиган хизмат турларини тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш, уларни экспорт ва импорт қилиш билан боғлиқ соҳаси.

ҲАРБИЙ ТИББИЁТ (ВОЕННАЯ МЕДИЦИНА) Қуролли кучлар шахсий таркиби соғлиғини сақлаш назарияси ва амалиётини ҳамда улар билан жанг чоғида юз берадиган шикастланиш ва касалликларнинг вужудга келиши, ушбу касалликлар қандай кечиши хусусиятларини ўрганади. Ҳарбий ҳаракат вақтида қўшинлар шахсий таркибига тиббий ёрдам кўрсатади, тинчлик даврида эса даволаш-профилактик ишларини олиб боради.

ҲАРБИЙ ТРАНСПОРТ АВИАЦИЯСИ (ВОЕННО-ТРАНСПОРТНАЯ АВИАЦИЯ) Ҳарбий авиация турларидан бири бўлиб, ҳаво десантини бир ердан иккинчи ерга олиб ўтиш, қўшинлар манёврларини ҳавода ўтказиш, қурол-аслаҳа, ўқ-дори, ёқилғи, озиқ-овқат ва бошқа моддий воситаларни етказиб бериш, ярадор ва беморларни эвакуация қилишга мўлжалланган.

Замонавий ҳарбий транспорт авиацияси, қурилиш ва жиҳозланиш жиҳатидан ўзга русумдаги ҳарбий самолётлардан фарқланиб турувчи ҳарбий транспорт самолётлари билан таъминланган. Вазифаси ва юк кўтариш қобилияти бўйича ҳарбий транспорт авиацияси оғир (АН-22), ўрта (АН-12) ва енгил (АН-24) самолётларга бўлинади. Қўшин ва юкларни ташиш учун десантловчи транспорт вертолётлари ҳам кенг қўлланилади.

ҲАРБИЙ ТУЗИЛМА (ФОРМИРОВАНИЕ) Янги ташкил этилган ёки мавжуд ҳарбий қисм, қўшилма ёки бирлашма. Ҳарбий тузилма вақтли, маршдаги бўлинма, терма отряд каби ҳарбий жамоа бўлиши мумкин.

ҲАРБИЙ УНВОНЛАР (ЗВАНИЯ ВОИНСКИЕ) Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга мажбур шахсга тегишли ҳарбий унвон берилади. Қуролли Кучлардаги ҳарбий унвонлар қўшин унвонлари ва кема таркибидаги унвонларга бўлинади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қуйидаги ҳарбий унвонлар таъсис этилган:

Қўшин унвонлари	Кема таркибидаги унвонлар
<i>И. Оддий аскарлар таркиби</i>	
оддий аскар	матрос
<i>II. Сержантлар таркиби</i>	
кичик сержант	2 – даражадаги старшина
сержант	1 – даражадаги старшина
катта сержант	бош старшина
<i>III. Офицерлар таркиби</i>	
<i>Кичик офицерлар таркиби</i>	
лейтенант	лейтенант
катта лейтенант	катта лейтенант
капитан	капитан-лейтенант

Катта офицерлар таркиби	
майор	3 – даражадаги капитан
подполковник	2 – даражадаги капитан
полковник	1 – даражадаги капитан
<i>Генераллар таркиби</i>	
генерал-майор	
генерал-лейтенант	
генерал-полковник	
армия генерали	

Қуролли Кучлардаги олий ҳарбий унвон *армия генерали* бўлиб, бу унвон Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони ва Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирига (уруш даврида) берилади.

Юридик ёки тиббий йўналишдаги ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликка эга бўлган ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга мажбур шахснинг ҳарбий унвонига тегишинча “адлия” ёки “тиббий хизмат” сўзлари қўшилади.

Резервдаги, захирадаги ёки истеъфодаги фуқароларнинг ҳарбий унвонига тегишинча “резервдаги”, “захирадаги” ёки “истеъфодаги” деган сўзлар қўшилади.

Ҳарбий унвон бериш ва ҳарбий унвондан маҳрум қилиш, шунингдек ҳарбий унвонини пасайтириш ҳамда ҳарбий унвонини тиклаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Офицерлар таркибига кирувчиларни ҳарбий унвондан улар оғир ва ўта оғир жиноят учун ҳукм этилганларида фақат суднинг қарори билан маҳрум қилиш мумкин. Ҳарбий унвонлар:

а) ҳарбий хизматчининг ҳуқуқий-хизмат мавқеи ва хизмат юзасидан унга юклатилган мажбуриятлар даражасини белгилайди, касбий тайёргарлиги, ҳарбий мажбуриятни адо этиш даражасининг кўрсаткичи бўлиб, шахсий таркибнинг ҳарбий хизмат ўташи, кадрларни тайинлаш амаллари самарали ташкил этилишининг муҳим шарти ҳисобланади;

б) Қуролли Кучларнинг ҳар бир ҳарбий хизматчисига алоҳида, унинг ҳарбий тайёргарлиги ёки мутахассислиги, ўтаган хизмат муддати, қўшинлар турига тегишлилиги, шунингдек ҳарбий хизмат борасидаги тажрибасига мувофиқ берилади;

в) ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатларда катта-кичиклик даражасини белгилайди. Ҳарбий унвон ҳисобга олинган ҳолда ҳарбий хизматчиларнинг интизомий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади.

Ҳарбий унвонлар илк бор XV асрда, турли давлатларда мунтазам армиялар тузилиши муносабати билан вужудга келган. 1935 йилга қадар ҳарбий хизматчилар лавозимларига кўра фарқланар эдилар. Мисол учун: взвод, рота, батальон командирлари. Шахсий ҳарбий унвонлар илк бор 1935 йил 22 сентябрь куни таъсис этилди. 1940 йил 7 май куни генераллик унвонлари, 1940 йилда сержантлик унвонлари таъсис этилди.

ҲАРБИЙ ФАКУЛЬТЕТЛАР (ФАКУЛЬТЕТЫ ВОЕННЫЕ) Қуролли кучлар учун тегишли олий махсус маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш

мақсадида айрим фуқаролик олий ўқув муассасалари қошида ташкил этилган олий ҳарбий таълим муассасалари. Мазкур факультетларнинг битирувчиларига илк офицерлик унвони берилади.

ҲАРБИЙ ФАН (ВОЕННАЯ НАУКА) Давлат, давлатлар иттифоқи ва синфлар томонидан урушга тайёрланиш ва уруш олиб бориш ҳақидаги билимлар тизими.

Ҳарбий фаннинг энг муҳим таркибий қисмлари: ҳарбий санъат назарияси, қуролли кучлар қурилиши назарияси, қуролли кучлар ҳарбий иқтисоди ва фронт орти назарияси, ҳарбий таълим-тарбия назарияси каби ҳарбий фанлар ижтимоий, табиий ва техник фанларнинг махсус соҳалари билан боғлиқ.

ҲАРБИЙ ФИДОКОРЛИК НИШОНЛАРИ (ЗНАКИ ВОИНСКОЙ ДОБЛЕСТИ) Ҳарбий бурчни адо этишда алоҳида хизмат кўрсатган, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда “аъло” ва “яхши” кўрсаткичларга эришган ҳарбий хизматчиларни тақдирлаш учун бериладиган кўкрак нишонлари.

ҲАРБИЙ ФЛОТИЛИЯЛАР (ВОЕННЫЕ ФЛОТИЛИИ) Россиянинг жанубий чегараларини мустаҳкамлаш мақсадида 1853 йилда Орол денгизи ҳамда Сирдарё ва Амударё дарёларида ҳарбий флотилия барпо этилди.

Амударё ҳарбий флотилияси Каспий орти темир йўлини қуриш билан боғлиқ бўлган юкларни ташиш ва мавжуд сув йўлини кўриқлаш учун кўмакчи кемалардан тузилган эди.

Флотилия кемалари 1888 йилдан сузишни бошлаб, Чоржўда базалаштирилган эди. Флотилия таркибида йўловчи ташувчи – шатакловчи пароходлар (2-6 дона), буғда юривчи катерлар ва сузувчи воситалар бўлган. 1917 йилнинг ноябрь ойидан флотилия денгизчилари Ўрта Осиёда Совет ҳукуматини ўрнатиш учун курашларда иштирок этишди. 1918 йилнинг июль ойида флотилия тугатилди. 1920 йилнинг феввалида Совет ҳарбий Амударё флотилияси тузилди. Апрель ойидан декабрь ойига қадар ушбу флотилия Орол ҳарбий флотилияси таркибида, кемаларнинг алоҳида бўлими сифатида кирган бўлиб (10 дона кичик калибрли тўплар билан қуролланган кичик ҳарбий кемалар, 2 дона катер, 19 дона кўмакчи кемалар), Туркистон fronti қўшинларига оқ гвардиячилар ва миллий истиқлол курашчилари кучларини тор-мор этишга кўмак берди. Ҳарбий ҳаракатлар якунлангач 1921 йилнинг ноябрь ойида тугатилди. Флотилияга қўмондонлик қилганлар: Г. Г. Пинский (1920 йилнинг апрель ойидан 1921 йилнинг январь ойига қадар), М. Н. Калинин (1921 йилнинг январь – ноябрь ойлари).

Орол денгизи ҳарбий флотилияси. Флотилияни яратиш тадбирларининг ташкилотчиси капитан-лейтенант А. И. Бутаков бўлиб, 1848 йилда “Константин” шхунасида гидрографик тадқиқотлар олиб бориб, Орол денгизининг биринчи аниқ харитасини тузди. Ушбу экспедиция таркибига рассом сифатида подшо ҳукумати томонидан аскарликка берилган, Украинанинг атоқли адиби Т. Г. Шевченко киритилган эди. (*Алексей Иванович Бутаков (1816 -1869) Орол денгизининг тадқиқотчиси, контр-адмирал. 1840-1842 йилларда “Або” ҳарбий транспортда дунё бўйлаб*

сузиш иштирокчиси). Флотилияни яратиш учун 1852 йилда Аралска “Перовский” ва “Обручев” деб аталувчи кичик пароходлар қисмларга бўлинган тарзда келтирилиб йиғилди ва 1853 йилнинг баҳорида сувга туширилди. Мазкур пароходлар Қўқоннинг Оқ мачит қалъасига (Қизил Ўрдага) қарши уюштирилган жанговар ҳаракатларда иштирок этишди. Яна иккита пароход билан бутланган флотилия кемалари ҳаракатдаги кемачиликни қўриқлаш хизматини ўташиб, қўшинлар ва юкларни ташишган. Бош база аввал Аральск, сўнгра Казалинск бўлган. 1855 – 1863 йилларда флотилия бошлиғи А. И. Бутаков Амударё ва Сирдарё дарёларининг кема юривчи қисмларида гидрографик тадқиқотларни давом эттирди. Кейинчалик Орол ҳарбий флотилияси Бухорони (1868 йил) ва Хивани (1873 йил) забт этиш учун уюштирилган юришларда иштирок этди. 1880 йилга келиб флотилия таркибида 6 дона қуролланган пароходлар, 9 дона баржа ва бошқа русумларга мансуб кемалар бўлган. Шахсий таркиб сони 570 кишига етган. Орол ҳарбий флотилияси 1883 йилда тугатилди.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА МАЖБУР БЎЛМАГАН ШАХС (НЕВОЕННООБЯЗАННЫЙ) Турли сабабларга кўра ҳарбий мажбуриятни бажаришдан озод этилган шахс.

Ҳарбий хизмат ўташга тўсқинлик қилувчи хасталик ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган чақирилувчи ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахс сифатида тан олинishi мумкин.

Бундан ташқари Қуролли Кучлар сафида муқаддам хизмат ўтаб, айна пайтда резервчилар хизматини ўтаётган фуқаро ҳарбий мажбуриятни адо этишдан озод этишга асос бўладиган касаллик билан касалланса, шунингдек захирадаги ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг рўйхатида бўлиш муддати якунига етиб, тегишли ҳисобдан ўчирилган бўлса, бундай шахс – ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахс деб ҳисобланади.

Ҳарбий хизматни ўташга яроқсиз деб топилган фуқарога тегишли гувоҳнома берилади (ёки ҳарбий гувоҳномасига тегишли ёзув киритилади).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА МАЖБУР ШАХС (ВОЕННООБЯЗАННЫЙ)

1) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захираси рўйхатидаги фуқаро. Ҳарбий хизматга мажбур шахс ўқув йиғинларига чақирилади, ҳарбий хизматчилар каби ҳарбий қасамёд қабул қилади ва унга тегишли ҳарбий унвон берилади. Йиғин давомида меҳнат жойида эгаллаган лавозим ва ўртача ойлик маошлари сақланиб қолади. Сафарбарлик эълон қилинганида ҳарбий хизматга мажбур шахслар топширилган кўрсатма варақаси, чақирув қоғози ёки туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими бошлиғи буйруғида кўрсатилган муддатда йиғин пунктларига етиб келади. Мазкур талабни бажармаган шахслар уруш даври қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортилади; 2) кенг маънода ҳарбий хизматга мажбур шахс – қонун бўйича ҳарбий мажбурият юкланадиган ҳар қандай фуқаро, шу жумладан чақириққача ва чақириқ ёшидаги ҳарбий ҳисобда турган йигитлар ҳамда тиббий ва махсус тайёргарликка эга ҳарбий ҳисобга қўйилган аёллардир.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРУВ (ПРИЗЫВ НА ВОЕННУЮ СЛУЖБУ) Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари

сафида ҳарбий мажбуриятни адо этиш учун қонунга мувофиқ мажбурий жалб этилиши.

Ҳарбий хизматга чақирув ҳар бир шаҳар ва туманда йилда икки маротаба – баҳор ва куз фаслларида ўтказилади. Қуролли Кучларга навбатдаги ва сафарбарлик бўйича чақирув ўтказилиши мумкин.

Навбатдаги чақирув, 18 ёшдан 23 ёшгача (24 ёшга тўлмаган) фуқаролар, шу жумладан ҳақиқий ҳарбий хизматни муқаддам ўтамаган офицерларни Қуролли Кучлар сафида ҳақиқий ҳарбий хизмат ўташга жалб этиш учун ўтказилади.

Ҳарбий хизматдан озод этилиш ва чақирувини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган, эркак жинсига мансуб фуқароларнинг оддий аскарлар таркибига мансуб лавозимларда муддатли ҳарбий хизмат ўташга чақирув – Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига биноан ўтказилади. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизмат ўташлари учун йиғиш ва жўнатиш, ҳарбий қисмларда уларни қабул қилиш тартиби амалдаги қонунларда белгиланган.

Сафарбарлик бўйича ва келгуси чақирувлар Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва мудофаа вазирининг буйруғига асосан ўтказилади.

Сафарбарлик эълон қилинганида Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаётган барча шахслар алоҳида кўрсатмага қадар ҳарбий хизматда ушланиб қолинади, ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар эса топширилган ёзма кўрсатма, чақирув қоғози ёки туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлим бошлиғининг буйруғида кўрсатилган пунктга белгиланган муддатда етиб келадилар.

Белгиланган вақт ва муддатда сафарбарлик чақируви бўйича ҳозир бўлмаган ҳарбий хизматга мажбур шахслар – уруш даври қонунларига кўра жавобгарликка тортиладилар.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ДАВРИ (ПЕРИОД СЛУЖБЫ) Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг 6 ойга тенг қисми. Муддатли ҳарбий хизмат аскарларининг ҳақиқий ҳарбий хизмати 1 йил давом этиб, икки даврдан иборатдир. Ҳарбий хизматни даврларга бу тариха бўлиш асосига – жорий йил давомида чақирилувчиларни ҳақиқий ҳарбий хизматга икки бор чақирилуви қўйилган.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ (УВОЛЬНЕНИЕ С ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ) Ҳарбий хизматчини ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатиш қўйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

у ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлиши учун белгиланган ёш чегарасига етганида;

муддатли ҳарбий хизмат муддати тугаганда;

шартнома муддати тугаганда;

штатлар қисқарганда ёки бошқа ташкилий-штат чора-тадбирлари ўтказилиб, ҳарбий хизматчи хизматидан фойдаланиш имконияти бўлмайдиган ҳолда;

саломатлигига кўра – уни ҳарбий-тиббий комиссия ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиши муносабати билан;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, томонлардан бирининг ташаббусига кўра тузилган шартнома кучи муддатидан олдин бекор қилинганлиги муносабати

билан;

ҳарбий-таълим муассасасидаги ўқишдан четлаштирилганлиги муносабати билан;

хизмат вазифасига нолайиқ деб топилганида;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум бўлиши муносабати билан;

ҳарбий унвонидан маҳрум этилиши муносабати билан;

суд ҳукми қонуний кучга кирганда.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш уларни тегишли лавозимларга тайинлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан резервга бўшатилади, ҳарбий хизматдан бўшатилиш пайтида резервда бўлиш ёшининг чегарасига етган ёки ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган ҳарбий хизматчилар эса истеъфога чиқарилиб, ҳарбий рўйхатдан чиқарилади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатишган ҳарбий хизматчи, рўйхатга киритилиши учун турар жойдаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимга шахсан келишга мажбур.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ (ПОЛОЖЕНИЕ О ПОРЯДКЕ ПРОХОЖДЕНИЯ ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ) Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервида хизмат тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизмат ўташ тартибини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ҳарбий масалаларни ҳал этиб берувчи бошқа қонунларига асосан чиқарилган. Мазкур Низом ўз ичига:

ҳарбий хизмат тўғрисида умумий тушунча;

ҳарбий хизмат турлари;

ҳарбий хизматчилар олдига қўйилган талаблар;

ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатининг бошланиши, давомийлиги ва якунланиши;

муддатли ҳарбий хизматга чақириш тартиби;

сафарбарлик чақирув резервидаги ҳарбий хизматга қабул қилиш тартиби;

шартнома бўйича ҳарбий хизматга чақириш тартиби;

шартнома тузиш ва уни ҳаракатдан тўхтатиш тартиби;

шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ўташ тартиби;

ҳарбий хизматдан бўшаш тартиби;

Қуролли Кучлар резервида хизмат ўташ тартиби каби асосий масалаларни олади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН САВОЛ-ЖАВОБЛАР (ОПРОС ВОЕННОСЛУЖАЩИХ) Бўлинма, қисм ҳарбий хизматчиларидан таклиф, ариза ва шикоятлар қабул қилиб олиш шакли. Ҳарбий хизматчилар билан

савол-жавоблар ҳарбий қисм (кема) фаолияти назорат қилинаётганида, янги тайинланган взвод командиридан бригада командиригача лавозимини қабул қилиб олаётганида ўтказилади.

Савол-жавоблар ўтказиш қоидалари Ички хизмат ва Интизом низомлари билан тартибга солинган. Савол-жавоблар ўтказилиш вақти ва жойи олдиндан белгиланади. Ҳарбий хизматчиларнинг турли тоифаси билан алоҳида ўтказилади. Таклиф, ариза ва шикоятлар, оғзаки ва ёзма равишда баён этилиб, савол-жавоб ўтказаетган шахсга тақдим этилади, у эса ўз навбатида баён этилган масалаларни ижобий ҳал этиш чораларини кўради.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА МАЖБУР ШАХСЛАР ТАРКИБИ (СОСТАВ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ И ВОЕННООБЯЗАННЫХ) Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбур шахслар оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига бўлинади. Офицерлар таркиби кичик офицерлар, катта офицерлар ва генераллар таркибига бўлинади. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга мажбур шахсга тегишли ҳарбий унвон берилади. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари олдига қуйидаги талаблар қўйилади:

муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар эгаллаган лавозимига мос ҳарбий мутахассисликни пухта ўрганиши, бириктирилган қурол, ҳарбий техникадан моҳирона фойдаланиши, ҳаётий қарашлари шаклланиши, ватанпарварлик нуқтаи назаридан қатъий дунёқарашга эга бўлиши, руҳан ва маънан вояга етиб, ҳарбий бурчни адо этишга ва мустақил ҳаёт кечиришга жисмонан тайёр бўлиши лозим.

шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар – авваламбор ўз ҳаётини ихтиёрий ва онгли равишда армия ва Ватан ҳимоячиси касби билан боғлаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидир. Шартнома бўйича ҳарбий хизмат оддий аскарлари, муддатли ҳарбий хизмат аскарларига хос сифатларга эга бўлиш билан бирга ҳарбий касбни пухта ўзлаштиришлари, турдош ихтисосликни ўрганиб чиқишлари, жанговар вазифаларни вазиятнинг ҳар қандай шароитида бажариш учун ўзларига бириктирилган қурол ва ҳарбий техникани моҳирона қўллай олиш кўникмаларига ишончли эга бўлишлари лозим.

Қуролли Кучлар сержантлари Ватанга содиқ, маънан барқарор, ҳарбий бурчни адо этишга руҳан тайёр, ҳарбий касбни мукамал эгаллаган, қурол-яроғ, ҳарбий техникани онгли қўллай оладиган, уни сақлаш қоидаларини пухта тасарруф этган ва ушбу қоидаларга қатъий амал қиладиган бўлишлари лозим. Сержантлар таркиби зиммасига гуруҳ, взводда юксак жанговар руҳ ва соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни барпо этиш, бўйсунувчиларда Ватанга садоқат ва ватанпарварлик сифатларини мунтазам тарбиялаб бориш, ҳарбий ихтисослик сирларини ўргатиш ва зарурий кўникмаларини шакллантириш вазифалари юклатилади.

Қуролли Кучлар офицерлари сержантлар учун белгиланган сифатларга эга бўлиш билан бирга саботли, ўзини идора эта оладиган, қатъиятли, доно бўлишлари лозим. Интеллектуал тайёргарлик, хусусан соғлом ақл ва ҳарбий тажриба, вазиятни тез идрок этиб, чуқур фахмлаб олган тарзда қарор қабул

қилиш – офицер учун устувор тайёргарлик бўлиши лозим. Қарор қабул қилиш маҳорати бўлинма командирлари учун энг муҳим фан соҳаси бўлиб қолиши керак. Жанговар ҳаракатларда жанговар тайёргарлик, қурол-аслаҳа билан таъминланганлик, жанг юритиш кўникмаси ва маҳорати билан бирга, жанг хотимаси ҳал бўлажак жойларда масъулиятни тўла-тўқис ўз зиммасига ола биладиган ишончли командирларнинг мавжудлиги – муваффақиятнинг асосий омили ҳисобланади. Ишончли командир – авваламбор бурч ва қасамёдга содиқ шахсдир.

Санаб ўтилган сифатлар ўзини ҳарбий иш ва Ватан хизматига бағишлаган ҳар бир инсон учун ҳаётий мақсад бўлиб қолиши, тиришқоқлик ва сабот билан шаклланиши, нафақат мураккаб вазиятларда, балки тинчлик давридаги кундалик хизматда ҳам сингдирилиб, намоён этиб борилиши лозим. Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматга Ўзбекистон Республикасининг ватанпарвар дунёқараш, юксак маънавий-ахлоқий сифатлар, зарурий интеллектуал салоҳият, кенг билим доирасига эга, жисмонан тайёр фуқароларигина қабул қилинади. Қуролли Кучлар сафини муддатли ҳарбий хизмат ўтайдиган ҳарбий хизматчилар ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар билан бутлаш амаллари танлов асосида, номзодларни ҳарбий-касбий жиҳатдан саралаш (тиббий хулосали текширув, интеллектуал салоҳиятини тест синовидан ўтказиш ва жисмоний қобилиятларини баҳолаш) йўли билан, одатда экстерриториаллик тамойилларига амал қилиниб ўтказилади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ДАФН ЭТИШ (ЗАХОРОНЕНИЕ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ) Жангларда ҳалок бўлган, яраланиш, касалланиш оқибатида вафот этган ҳарбий хизматчилар белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда, ҳарбий эҳтиром билан одатда ҳарбий қабристонларга, қардошлар мазорларига, шунингдек фуқаролар қабристонларида ажратилган майдонларга дафн этиладилар.

Жанговар вазиятда ҳалок бўлганларни жанг майдонида дафн этилишига йўл қўйилади. Бундай ҳолларда дафн этилган жой харитада аниқ тасвирланади. Дафн этилган ҳарбий хизматчилар номлари, дафн этилган жой ва сана билан биргаликда махсус китобларда қайд этилади.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий эҳтиром билан дафн этиш учун кўшинлардан фахрий эскорт, оркестр, тобут олдига фахрий қоровул ва қабр олдига бир гуруҳ аскарлар тайинланади. Дафн этишдан олдин митинг ўтказилади.

Ҳарбий эҳтиром қуйидаги ҳолларда кўрсатилади:

уруш даврида – ҳалок бўлган (вафот этган) ҳарбий хизматчиларнинг барча тоифалари дафн этилаётганда;

тинчлик даврида – ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётиб вафот этган барча унвонлардаги ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, йиғинларда иштирок этаётиб ҳалок бўлган офицерлар, ҳарбий кийим кийиб юриш ҳуқуқи берилган ҳақиқий ҳарбий хизматдан захирага (истеъфога) бўшатишган генерал (адмирал) ва катта офицерлар, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган ҳарбий хизматчи ва фуқаролар, шунингдек Ўзбекистон

давлати олдида алоҳида хизмат кўрсатган шахслар дафн этилаётганда.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ПУЛ ТАЪМИНОТИ (ДЕНЕЖНОЕ ДОВОЛЬСТВИЕ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ) Ҳарбий хизматчиларнинг моддий, маиший ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун давлат томонидан белгиланган моддий таъминот тури.

Пул таъминоти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан турли тоифаларга мансуб ҳарбий хизматчиларнинг эгаллаган лавозимлари, ҳарбий унвонлари, белгили хизмат муддатини ўтаётганликлари ва касбий малака даражасига мувофиқ, шунингдек ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари ва ўташ тартиби ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти ойлик маош оклади ва пул таъминотининг қўшимча турларидан иборат.

Пул таъминотининг қўшимча турлари маълум миқдорда ёки ойлик маош окладига қўшиладиган фоизларда белгиланади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГИ (МОНИТОРИНГ СЛУЖЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ) Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолиятига уларнинг ялпи хизмат ўташ муддати давомида баҳо берилиб, таҳлил этилиши. Ҳарбий хизматчиларнинг таълим-тарбияси борасида олиб бориладиган ишлар тизимининг таркибий қисми. Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолияти мониторинги:

Қуролли Кучларнинг жанговар қобилияти ва шайлигини ошириш, ҳарбий санъатда эришилган ютуқларни ҳисобга олган тарзда ушбу кучлар қурилишини таъминлаш, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш;

Ватанга содиқ, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя этиш борасидаги вазифаларни ҳал этишга қодир ёш, малакали мутахассисларни аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолияти мониторингининг асосий вазифалари:

ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва касбий тайёргарлик савиясини аниқлаш;

ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш ишларини такомиллаштириш, шахсий таркибнинг жамиятимизда ўтказилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ислохотларининг мақсад ва вазифаларини тўла англаб етиш қобилиятини шакллантириш;

ҳарбий маълумотини ҳисобга олган ҳолда эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги, шахсий ва ишчанлик сифатлари, ишониб топширилган бўлинмадаги ҳарбий интизом ва жанговар шайлик ҳолати, ташкилотчилик қобилияти, хизмат соҳасидаги натижаларини аниқлаш;

ҳарбий хизматчининг қизиқишларини ҳисобга олган тарзда малакасини ошириш ёки қайта тайёргарликдан ўтиш учун ўқишга юборилганлиги ва унинг ҳарбий хизмати истиқболини ўрганиб чиқиш асосида касбий маҳоратининг ошаётганлиги, хизмат поғоналари бўйича ўсиб бораётганлиги ва ўтаётган ҳарбий хизмати сифатига баҳо бериш;

ҳарбий хизматчиларнинг касбий ва ижодий фаоллиги, ташаббускорлиги ва бажараётган ишининг якуний натижаларига масъулиятлилиги каби фазилатларини ривожлантириш учун зарурий шароитлар барпо этиш, уларга мураббийлик қилиш ва тарбиявий таъсир ўтказишдан иборат.

Ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолиятига уларнинг ҳақиқий хизмат ўташ муддати давомида узлуксиз баҳо бериб борилади ва “Ҳарбий хизматчининг касбий тайёргарлиги далолатномаси” тузилиб, ушбу далолатнома асосида “Ҳарбий хизматчиларнинг хизмати мониторинги китоби” юритилади. Ҳарбий хизматчининг касбий тайёргарлиги далолатномаси, хизмат фаолияти баҳоланилаётган ҳарбий хизматчиларнинг бевосита командири (бошлиғи) томонидан, уларнинг ўтаётган ҳарбий хизматини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш асосида тузилиб, ҳарбий қисм (муассаса) командири (бошлиғи) томонидан тасдиқланади. Далолатноманинг тавсиялар қисмида ҳарбий хизматчининг эгаллаб турган лавозимидаги малака олдига қўйилган талабларга жавоб бераётганлиги ёки ушбу лавозимга нолайқлиги акс эттирилади. Ҳарбий хизматчининг касбий тайёргарлигига бериладиган баҳолар:

касбий тайёргарлиги – таълимотнинг асосий фанлари, махсус тайёргарлик, қурол-аслаҳа ва жанговар техника борасидаги билимлари учун ишониб топширилган бўлинманинг ўқув мавсуми якунидаги кўрсаткичлари, ушбу бўлинманинг ҳарбий интизоми, ҳарбий хизматчининг бошқарма ҳужжатлари талабларини ўзлаштириб олганлик даражаси, хизмати ва жанговар фаолиятида эришган натижалари ҳамда амалий тажрибаси учун белгиланган баҳолардан;

ишчанлик сифатлари – қўйилган вазифалар ижросининг вақти ва сифати, қарор қабул қилишининг тезкорлиги, шахсий ташаббускорлиги, қатъияти, ғайрати, ўз фикрини оғзаки ва ёзма (аниқ, тушунарли ва ишончли) баён эта олиши, ҳарбий хизматга муносабати, чидамлилиги, ишга лаёқати, масъулиятни ҳис этишидан;

етақчилик сифатлари ва одамлар билан ишлай олиши – ўз фикрини асослай олиш ва бўйсунувчиларга таълим бериш қобилияти, ўзаро муносабатлардаги очиқлиги (бўйсунувчиларни тўғриси ўзлик ва ошқораликка даъват эта олиши), қўл остидаги шахсий таркибга ғамхўрлиги, бошқалар фикрига муносабати, ўзига ва бўйсунувчиларга нисбатан талабчанлиги, жамоадаги фаолияти ва нуфузидан;

маънавий-ахлоқий сифатлари ва жамоа ҳаётидаги фаоллиги – ахлоқий сифатлари, оиласи билан муносабати, хушмуомалалиги, тарбияси, спиртли ичимликларга ружу қилмаганлиги, жамоа ҳаётидаги сиёсий-тарбиявий тадбирлардаги иштирокидан;

шахсий сифатлари – мунтазам руҳий ҳаёжонлар ҳукм сурган, олдиндан кўрилмаган, тасодифий вазиятлардаги ҳаракати, билим олиш ва ўз-ўзини ўстиришга (камолотга етишга) лаёқати, жисмоний тайёргарлиги, шахсий интизоми, қадростлиги, хотираси, жамоатчилик ва аскарӣ ўртоқликка ҳурмати ҳамда соғлиғининг аҳволидан келиб чиққан тарзда белгиланади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯСИ (ПРАВОВОЕ ВОСПИТАНИЕ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ) Шахсий таркиб ижтимоий-сиёсий тайёргарлигининг таркибий қисми. Мақсади – ҳарбий хизматчиларда ҳуқуқий тизим ва ҳарбий ҳуқуқий тартиботга нисбатан ҳурматда бўлиш, давлат қонунлари, ҳарбий қасамёд ва низомлар талабларини виждонан ва аниқ ижро этишга интилиш сифатларини тарбиялашдир. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий тарбияси – шахсий таркибнинг ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга омил бўлади. Мазкур тарбия жараёни самарали ўтиши учун командир, бошлик, тарбиячи томонидан қонун ва низом талаблари ҳамда умумистикомат қилиш қоидаларига риоя этишдаги шахсий намунаси муҳим аҳамият касб этади. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий тарбиясида тарбиявий ишлар органлари ва армия жамоат ташкилотларининг роли каттадир.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ РУҲИЙ ЖИҲАТДАН САРАЛАШ (ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ОТБОР ВОЕННОСЛУЖАЩИХ) Ҳарбий хизматчиларнинг тегишли ҳарбий фаолият учун зарур бўлган қобилият ва истеъдодларини аниқлаш.

Сараланаётган ҳарбий хизматчилар шахсини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш давомида олинган маълумотларни профиограмма ва психограммалар билан таққослаш йўли орқали амалга оширилади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ ТАЪМИНОТИ (ДОВОЛЬСТВИЕ ВОЕННОСЛУЖАЩЕГО) Ҳарбий хизматчини кийим-кечак, пул, озиқ овқат каби таъминотлар билан таъминлаш.

ҲАРБИЙ ЦЕНЗУРА (ЦЕНЗУРА ВОЕННАЯ) Ҳарбий ва давлат аҳамиятига эга сирларнинг овоза бўлишига йўл қўймаслик мақсадида очик турдаги маълумотларни (матбуот, радио, телекўрсатув, кино, тасвирий санъат асарлари, музейлардаги экспозициялар кабиларни), айрим ҳолатларда шахсий ёзишмаларни ҳарбий органлар ва давлатнинг бошқа органлари томонидан ўтказиладиган назорат шаклларида бири. Ҳарбий цензура:

дастлабки цензура – муаллиф томонидан розилик берилган;

навбатдаги цензура – назорат этадиган ва жазо чоралари қўлланиладиган турларга бўлинади.

ҲАРБИЙ ЭТИКА (ЭТИКА ВОЕННАЯ) Ҳарбий унвон билан ғурурланиш, ватанпарварлик, байналмилаллик, мардлик ва қаҳрамонликда ўз ифодасини топадиган, ҳарбий хизматчиларнинг тинчлик ва уруш давридаги ахлоқий-хулқий меъёрларининг тизими.

ҲАРБИЙ ЭШЕЛОН (ЭШЕЛОН ВОИНСКИЙ) Битта поездда ташиб кетилаётган ҳарбий қисм ёки бир неча бўлинмалар, шу жумладан ҳарбий юклар.

Ҳар бир ҳарбий эшелонга, манзилга етиб боришнинг ялпи йўлига алоҳида рақам берилиб, маъмурият тайинланади.

Ҳарбий эшелонда ўталадиган ички хизмат Ички хизмат низоми, қоровуллик хизмати Гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми билан тартибга солинади.

ҲАРБИЙ ЭҲТИРОМ (ПОЧЕСТИ ВОИНСКИЕ) Қуролли кучларда

кўрсатиладиган иззат-икромнинг белгиланган шакли, ҳарбий маросимнинг таркибий қисми. Одатда ҳарбий эҳтиром кўрсатилаётган вақтда фахрий қоровул (фахрий эскорт) саф тортади, мадҳия ижро этилади, мушак отилади ва ҳ.к.

ҲАРБИЙ (АСКАРИЙ) ЎРТОҚЛИК (ВОЙСКОВОЕ ТОВАРИЩЕСТВО) Ҳарбий хизматчилар жамоасидаги уюшқоқлик ва жанговар кудратга сезиларли таъсир ўтказувчи ўзаро муносабатларнинг ахлоқий-ҳуқуқий меъёри. Аскарӣй ўртоқликнинг кенг тарқалган шакллари:

жангда бир-бирига кўрсатадиган ёрдам (мадад);

ўқиш ва хизматда бир-бирига кўрсатадиган ёрдам;

ҳалок бўлган қуролдошлар хотирасини эъзозлаш.

Ҳарбий ўртоқлик қуролли кучлар жангчилари манфаатларининг умумийлиги ва мақсадларнинг бирлиги, бўйсунувчи ва командир (бошлиқ) ўртасидаги узлуксиз муносабат ҳамда бир-бири ва Ватан олдидаги бурч ҳиссиётини ифодалайди. Аскарӣй ўртоқликнинг асосий тамойилда “Ўзинг ҳалок бўлсанг ҳам ўртоғингни қутқар” мақолида аниқ акс этган.

ҲАРБИЙ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ (ВОЕННО-УЧЕБНЫЕ ЗАВЕДЕНИЯ) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун командирлар, тарбиявий ишлар офицерлари, муҳандис-техник ва мутахассис кадрлар, шунингдек мутахассис сержантлар таркибини тайёрлаш учун мўлжалланган ҳарбий ўқув муассасалари.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий ўқув муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси (*Ҳарбий Академия атамасига қаранг*), олий ҳарбий билим юртлари (*Олий ҳарбий-таълим муассасаси атамасига қаранг*), фуқаролик билим юртлари қошидаги ҳарбий кафедралар, офицер кадрларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи малака ошириш курслари, сержантлар тайёрлаш мактаблари (*Сержантлар тайёрлаш мактаби атамасига қаранг*) киради.

Ҳарбий ўқув муассасаларида таҳсил кўриш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси кириш имтиҳонларини топширади, жисмоний тайёргарлиги текширилади, тиббий кўрик ва касбий-руҳий синовдан ўтади (*Олий ҳарбий-таълим муассасаларига қабул қилиш қоидалари атамасига қаранг*).

ҲАРБИЙ ЎҚУВ ҚИСМИ (УЧЕБНАЯ ЧАСТЬ) Сержант ва аскарлар тоифасидан мутахассислар тайёрлаш учун мўлжалланган ҳарбий қисми. Ҳарбий ўқув қисм (мисол учун сержантлар тайёрлаш мактаби) деярли барча ҳарбий округларда мавжуд. Ҳарбий ўқув қисми курсантлари билан жанговар, ижтимоий-сиёсий ва махсус тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказилади. Таълимот сўнгида дастурни тўла ўзлаштириб олган ва синовлардан муваффақиятли ўтган битирувчига ҳарбий ўқув муассасасини тугатганлиги ҳақида гувоҳнома (сертификат) берилади.

Ҳарбий ўқув муассасасини битирганлар, одатда секция, расчёт, экипаж командири, гуруҳ командирининг ўринбосари каби лавозимларга тайинланадилар.

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД (ВОЕННАЯ ПРИСЯГА) Онт. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Қуролли Кучлар сафига кириш мобайнидаги Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас мажбуриятни бажаришга берган тантанали ваъдаси. Ҳарбий қасамёд матни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 10 декабрдаги иккинчи чақириқ, учинчи сессиясида қабул қилинди.

ҲАРБИЙ ҚИСМ (ВОИНСКАЯ ЧАСТЬ (войсковая часть, отдельная часть)) 1) Қуролли Кучларнинг барча турларидаги, ташкилий жиҳатдан мустақил, тактик ва маъмурий-хўжалик бирлиги. Ҳар бир ҳарбий қисм ўз штатига, яъни шахсий таркиб, қурол-аслаҳа, техника ва турли моддий воситаларнинг зарурий миқдорига, шунингдек ўз рақами ва шартли белгисига эга. Ҳарбий қисм ҳақиқий ва шартли номланишлари акс эттирилган иккита муҳр ва штампга эга. Олий Мажлис қарорига биноан ҳарбий қисмга Жанговар Байроқ топширилади; 2) армия, Ички ишлар вазирлиги қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ва ҳарбий-денгиз флоти ҳарбий қисм (кема), қўшилма ва муассасаларининг рақамли шартли номи. Шунингдек уларнинг расмий номи ҳисобланиб, хизмат ҳужжатларини расмийлаштириш мобайнида юридик кучга эга. 1932 йилдан бошлаб берилиб келинади.

ҲАРБИЙ ҚИСМ КЛУБИ (КЛУБ ВОИНСКОЙ ЧАСТИ) Ҳарбий қисмнинг маданий-оқартув муассасаси бўлиб, ҳарбий хизматчиларга маданий хизмат кўрсатилиш ва хизматдан бўш вақтларини таъминлашни ташкиллаштиради, соғлом турмуш ўтказилиши, жисмоний тайёргарлик ва спортнинг ривожига ҳисса кўшади.

Ҳарбий қисм клуби фаолиятида: маъруза ва нутқлар ўқилиши, консультация, назарий конференция, мавзувли кеча, баҳс ва оғзаки журналлар, савол-жавоб ва дам олиш кечалари, концерт, кинофестивал ва кинокечалар, китобхонлик конференциялари ва адабий кечалар, Ўзбекистон Қаҳрамонлари ва мамлакатимизнинг машҳур шахслари билан учрашувлар, жангчиларни музей ва театрларга уюштирилган экскурсиялари каби – ишнинг турли шакллари қўлланилади.

Ҳарбий қисм клуби бевосита командир ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарга бўйсунди. Бошқарув бевосита тарбиявий ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий қисм жамоасини маданий-маърифий ишларга жалб этиш учун – клуб кенгаши 1 йил муддатга қисм командирининг буйруғи билан (шахсий таркибнинг умумий мажлисида сайланиб) тайинланади. Ушбу кенгаш раиси – клуб бошлиғи ҳисобланади.

ҲАРБИЙ ҚИСМ ТАРИХИ (ИСТОРИЯ ВОИНСКОЙ ЧАСТИ) Ҳарбий қисмнинг тузилганлиги, ҳаёти ва фаолияти, жанговар йўли, кўрсатган жасорат ва хизматлари ҳақида маълумотлар ёзилган ҳужжат. Ҳарбий қисм тарихига асос этиб: ҳукумат қарорлари, буйруқ, директива ва ёзма кўрсатмалар, мажлислар баённомалари, тарихий маълумотномалар, назорат-текширув далолатномалари, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик борасидаги ҳисоботлар, халқ хўжалигида бажарилган ишлардаги иштироки

ҳақидаги билдирувлар, матбуотда чоп этилган материаллар, уруш вақтида эса – жанговар ҳужжатлар каби расмий ҳужжат ва ишончли материаллар олинади. Ҳарбий қисм тарихидан олинган асосий ҳодиса ва воқеалар ҳарбий қисм музейи ва жанговар шараф хонасида экспонат кўринишида ёки таъриф ва тасвирлар шаклида ифодаланиб, шахсий таркиб билан ўтказиладиган тарбиявий ишлар жараёнида кенг кўламда фойдаланилади.

ҲАРБИЙ ҚОНУНЧИЛИК (ВОЕННОЕ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО)

Муайян давлат қуроли кучларининг қурилиши ва фаолияти борасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида давлатнинг олий органлари томонидан қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва меъёрлар мажмуи.

ҲАРБИЙ ҚУДРАТ (ВОЕННАЯ МОЦЬ) Давлат ёки давлатлар иттифоқининг иқтисодий, ҳарбий, илмий-техник ва маънавий-сиёсий имкониятлари мажмуи. Ҳарбий қудрат асоси – давлат иқтисодиётидир. Ҳарбий қудрат қуроли кучларда ва кўшинларнинг қўйилган вазифаларни бажара олиш қобилиятида бевосита мужассамлашади. Ҳарбий қудрат жамоат ва давлат тузуми ҳамда давлатда ҳукм сурган мафкурага боғлиқ.

ҲАРБИЙ ҚУРИЛИШ (ВОЕННОЕ СТРОИТЕЛЬСТВО) Мамлакат муҳофаази ва хавфсизлигини таъминлаш манфаатида амалга ошириладиган, давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий тадбирлар тизими.

Ҳарбий қурилишнинг асосий мақсади ва уларга эришиш усуллари давлат сиёсати билан белгиланади.

ҲАРБИЙ ҚУРУВЧИЛАР (СТРОИТЕЛИ ВОЕННЫЕ) Ҳарбий қурилиш қисмларида хизмат ўтаётган шахслар. Ҳарбий қурувчиларнинг хизмат даври ҳақиқий ҳарбий хизмат муддати ва умумий меҳнат стажи ҳисобига киритилади. Қурувчиларнинг хизматга оид ҳуқуқий мақоми муддатли ҳарбий хизмат аскарлари мақомидан фарқ қилмайди, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳарбий низомлар билан белгиланади.

ҲАРБИЙ-ҲАВО КУЧЛАРИ (ХҲК) (ВОЕННО-ВОЗДУШНЫЕ СИЛЫ)

Давлат қуроли кучларининг тури бўлиб, қуроли кучларнинг ўзга турлари билан биргаликда, шунингдек мустақил тарзда, оператив ва стратегик масалаларни ҳал этиш учун мўлжалланган. Вазифаси ва жанговар жиҳатдан қўлланилишига кўра:

олис масофаларда ҳаракатланувчи;

фронт;

ҳарбий-транспорт авиацияларига бўлинади.

Тактик ва техник тавсифларига кўра:

бомбардимончи;

қирувчи;

ҳужумчи;

разведкачи;

транспорт;

мадаккор авиацияларга бўлинади.

Жанговар имкониятларига кўра – ҳавода ҳукмронлик суриш учун кураш олиб бориш, кўшинлар ва флот кучларига авиацияли мадак бериш, ҳавода

туриб химоя қилиш, қўшинлар ва моддий воситаларни десантлаш, ҳавода ташиш, ҳаво разведкасини юритиш ва шунга ўхшаш тадбирларни амалга оширишга қодир.

Ҳарбий-ҳаво кучлари душман ортининг олис сарҳадларига кириб бориш ва объектларига таъсир ўтказишга имкон яратади, турли жанговар ҳаракатлар бажариб, ҳарбий операциялар давоми ва якунига катта таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлади.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР (ВОЕННЫЕ ДЕЙСТВИЯ) Қуролли кучларнинг қуруқлик, ҳаво ва денгизда душманни тор-мор қилиш борасидаги ҳаракатлари. Жанговар ҳаракатлардан фарқлироқ, ҳарбий ҳаракатлар стратегик миқёсда ўтказиладиган ҳаракатлар тушунчасига мансуб.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР, ЙЎЛЛАР (ВОЕННЫЕ СООБЩЕНИЯ) Тинчлик ва уруш даврида қўшинни ҳамда барча турдаги ҳарбий юкларни ташиш амаллари учун фойдаланиладиган қуруқлик, сув ва ҳаводаги йўллар.

Фуқаролик (давлат) транспорт муассасалари билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари манфаатида алоқа йўлларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш учун ҳарбий ҳаракатлар (йўллар) органи ташкил қилинади.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ (ПРЕКРАЩЕНИЕ ВОЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ) Ялпи фронтда ёки бир қисмида жанговар операциянинг, ўт очиш бас қилиниши билан кузатиладиган вақтинча тўхтатилиши. Одатда умумий ярашувнинг муайян қисми ёки капитуляция хисобланади, бироқ қарши томонларни уруш ҳолатидан чиқармайди.

Замонавий халқаро ҳуқуқда, ҳарбий ҳаракатлар, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик кенгаши ташаббуси билан тўхтатилиши назарда тутилади. Мазкур Кенгаш, қуролли можаронинг тараққий этиб кетишининг олдини олиш мақсадида, қурашаётган томонлардан ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши ва можарони узил-кесил ҳал этиш учун музокаралар бошлашни талаб этиш ҳуқуқига эга.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ (КООРДИНАЦИЯ ВОЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ) Қуролли кучлар ҳаракатларини уйғунлаштириш:

а) давлат қуролли кучлари туркуми ҳаракатининг стратегик операция олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун ўзаро мос келтирилиши.

Бундай мувофиқлаштириш амаллари, одатда олий бош қўмондонлик ва мазкур қўмондонликнинг бирлашмалардаги вакиллари томонидан амалга оширилади;

б) иттифоқдош давлатларнинг биргаликда юритаётган урушдаги умумий ҳарбий-сиёсий ва стратегик мақсадларга эришиш учун ушбу давлатлар қуролли кучлари ҳаракатларининг ўзаро мослаштирилиши.

Мазкур мувофиқлаштириш амалларининг *асослари* давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилиб, амалга ошириладиган *аниқ тадбирлар* эса – тегишли бош (бирлашган) штаблар томонидан ишлаб чиқилади.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР (ЙЎЛ) ОРГАНЛАРИ (ОРГАНЫ ВОЕННЫХ СООБЩЕНИЙ) Транспортдан Қуролли Кучлар манфаатида фойдаланиш

борасида кўмондонликнинг транспорт ташкилотлари билан ҳамкорлигини таъминловчи, темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспортида мудофаа вазирлигининг вакили ҳисобланадиган, Қуролли Кучлардаги – махсус, фронт орти оператив бошқарув органлари.

Ҳарбий ҳаракатлар (йўл) органлари ҳарбий ташиш тадбирларини ташкил этади ва бошқаради. Мудофаа вазирлиги эҳтиёжлари учун темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспортини тайёрлаш, фойдаланиш борасидаги талабларни ишлаб чиқади ва ижросини назорат қилади. Ҳарбий ташиш ҳужжатлари тўғри ишлатилаётганлиги ва ташиш учун ажратилган молия воситалари тўғри сарф этилаётганлигини назорат қилиб боради.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР (УРУШ) МАЙДОНИ (ТЕАТР ВОЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ) Сарҳадларида ҳарбий кучларнинг (авиация, ҳарбий-денгиз флоти ва курукликдаги кўшинларнинг) стратегик гуруҳлари ташкил этилаётган ва стратегик миқёсдаги ҳаракатлар юритилиши мумкин бўлган, денгиз ёки океан сувлари қирғоқларини ювиб турган қитъа қисмининг ҳудуди ва устидаги фазо. Ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонининг таркиби ва чегаралари муайян давлатларнинг (давлатлар иттифоқининг) ҳарбий-сиёсий раҳбарияти томонидан белгиланади.

Ҳар бир ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони ҳарбий ҳаракатларнинг тайёрланиши ва юритилишига таъсир ўтказувчи муайян ҳарбий-сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, табиий географик ва этнографик шароит ва муҳандислик жиҳатдан жиҳозланишига эга. НАТО нинг (Шимолий Атлантика ташкилотининг) ҳарбий-сиёсий раҳбарияти *Ҳарбий Европа ҳудудини* шартли равишда ҳарбий ҳаракатларнинг курукликдаги учта (уруш) майдонларига:

Шимолий Европа ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони;

Марказий Европа ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони;

Жанубий Европа ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонига бўлади.

Океанлардаги ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдонлари улар учун тўртта океаннинг ҳар бири ҳисобланади, яъни:

Атлантика океани ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони;

Тинч океани ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони;

Ҳинд океани ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони;

Шимолий Муз океани ҳарбий ҳаракатлар (уруш) майдони.

ҲАРБИЙ ҲИСОБ (ВОИНСКИЙ УЧЁТ) Барча қақирилувчилар ва ҳарбий хизмат ёшидаги фуқароларнинг истиқомат жойларидаги махсус ҳисоби. Ўзбекистон Республикасида мазкур ҳисоб туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари томонидан “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ юритилади.

ҲАРБИЙ ҲИСОБДАГИ ИХТИСОСЛИК (ВОЕННО-УЧЕТНАЯ СПЕЦИАЛЬНОСТЬ) Ҳарбий хизматчининг (ҳарбий хизматга мажбур шахсининг) эгаллаган ҳарбий мутахассислигига оид қуролли кучлар ва кўшинлар турига мансублигини белгиловчи тоифа.

Ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик армия ва флот сафида хизмат даврида штатли лавозимлар ёки халқ хўжалигидаги фаолият тажрибасига кўра белгиланади.

ҲАРБИЙ ҲУЖЖАТЛАР (ДОКУМЕНТЫ ВОЕННЫЕ) Ҳарбий бошқарма органларининг фаолият юритиш учун мўлжалланган, кенг доиралардаги масалалар борасида маълумотларга эга – матн ва график кўринишдаги тасвирлар. Қоғоз, харита, фотосурат, магнитли тасма, перфокарта, дискет, компакт диск ва шу кабиларда ишлаб чиқарилади. Ҳарбий ҳужжатлар жанговар, хизматга оид ва низомга оид ҳужжатлар туркумига бўлинади. Масалан:

жанговар ҳужжатларга – оператив директива, буйруқ, режалар, иш хариталари, чизмалар;

хизматга оид ҳужжатлар жумласига – буйруқ, фармойиш, директива, кўрсатма, билдирув, ҳисобот, маълумот;

низомга оид ҳужжатлар туркумига – низом, қўлланма, йўриқнома каби ҳужжатлар киради.

Ҳарбий ҳужжатлар мазмуни, уларни ишлаб чиқиш, чоп этиш, ҳисобини юритиш, сақлаш, юбориш ва тарқатиш қоидалари тегишли буйруқ, қўлланма ва йўриқномалар билан белгилаб берилади ёки тартибга солинади.

ҲАРБИЙ ҲУҚУҚ (ПРАВО ВОЕННОЕ) Ҳарбий қонунчилик. Давлатдаги ҳуқуқий тизимнинг муайян қисми бўлиб:

жамоатчиликнинг Қуролли Кучлар қурилиши ва фаолияти, қўшинларни жойлаш ва бошқариш, фуқароларнинг ҳарбий хизмат ўташ соҳасидаги муносабатларини белгилайди;

ҳарбий бошқарув органи, ҳарбий хизматчи ва ҳарбий мансабдор шахс орасидаги муносабатларни тартибга солади;

ҳарбий хизматчилар мажбурияти, ҳуқуқи ва масъулиятларини белгилаб беради.

Ҳарбий ҳуқуқнинг асосий негизи – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Меъёрий-ҳуқуқий актлар сифатида:

ҳарбий қасамёд;

ҳарбий қурилишнинг турли соҳаларини тартибга солувчи қонунлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳисобланади.

Ҳарбий ҳуқуқда ҳарбий низомлар муҳим аҳамиятга эга. Ҳарбий ҳуқуқ меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг жанговар қудратини мустаҳкамлаш, жанговар шайлик даражасини ошириш, мустаҳкам ҳарбий интизомни тутиб туриш, ҳарбий бошқарувда қонунчиликка риоя этишни таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари риоя этилишига йўналтирилган бўлиб, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ва сиёсий жиҳатлардан тарбиялашга омил бўлади.

ҲАРБИЙЧА САЛОМ (ОТДАНИЕ ВОИНСКОЙ ЧЕСТИ (воинское приветствие)) Ҳарбийча ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, ҳарбийча удум.

Вужудга келиши XIII асрга бориб тақалади. Ўша вақтлардаги рицарларда жангга киришиш мақсади бўлмаган “Тоза майдонда” учрашганларида металл дубулғаларининг юзидаги пардани очиш одат эди. Кейинчалик пардали дубулғалар темир каскаларга алмаштирилганида,

дўстона муносабатни ифодаловчи – қўлни бошга яқинлаштириш одати сақланиб қолди. Кейинроқ эса бу одат ҳарбий хизматчилар учрашганда ҳарбий одобнинг мажбурий ҳаракати сифатида – ҳарбий низомларда белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбийча салом бериш тартиби Ички хизмат ва Саф низомларида белгиланган. Барча ҳарбий хизматчилар бир-бирига ҳарбийча салом беришга мажбур бўлиб, бунда бўйсунувчи ва унвони кичиклар биринчи бўлиб салом беради.

ҲАРБИЙЧА ТАШИШ (ПЕРЕВОЗКИ ВОИНСКИЕ) Қўшин, команда, алоҳида ҳарбий хизматчи ва ҳарбий юкларнинг бир ҳудуддан (пунктдан) иккинчисига, транспортнинг турли русумидан фойдаланган ҳолда кўчиб ўтиши. Ҳарбийча ташиш:

мазмун, мақсади ва миқёсига кўра – стратегик, оператив ёки тактик турларга;

вазифасига кўра – одамлар ва сафарбарлик ресурсларини ташиш, оператив ташиш, таъминот ва эвакуация мақсадида ташиш турларига;

фойдаланиладиган транспорт воситаларининг русумларига кўра – темир йўл, сув (дарё, денгиз ва океан), ҳаво, автомобиль ва курама турларга бўлинади.

ҲАРБИЙЧА ҚАДРОСТЛИК (ВЫПРАВКА СТРОЕВАЯ) Аскарга (матросга) саф усул ва услубларини аниқ бажариш кўникмаларини сингдириш, қурол билан амалга ошириладиган ва машиналардаги ҳаракатларни бажаришга ўргатиш мақсадига эга – яқка тартибдаги саф таълимотининг бўлими.

Ҳарбийча қадростликка саф ва жисмоний тайёргарлик машғулотлари билан мунтазам шуғулланиш, машқ қилиш ва кундалик ҳаётда ҳарбий хизматчилардан ҳарбийча қадростли бўлиш талаб этилиши билан эришилади.

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ (ДЕЙСТВИТЕЛЬНАЯ ВОЕННАЯ СЛУЖБА И ВИДЫ ВОЕННОЙ СЛУЖБЫ) Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ҳарбий хизмат, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматининг алоҳида тури ҳисобланиб, унинг қуйидаги турлари белгиланган:

муддатли ҳарбий хизмат;

сафарбарлик чақирилуви резервидаги ҳарбий хизмат;

шартнома бўйича ҳарбий хизмат;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизмат – бу, ҳарбий хизматчиларнинг Ватан хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун бўлинмалар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг доимий жанговар шайлигини таъминлашга қаратилган мураккаб кундалик фаолияти бўлиб, фақат ҳарбий хизматга содиқ, ишончли инсонгина ҳарбий хизматчилар олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажара олади. Ҳақиқий ҳарбий

хизмат ўз ичига:

муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш ёки шартнома бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишни;

сафарбарлик чақирилуви резервидаги ҳарбий хизматга олинишни;

ҳарбий лавозимга тайинланиш ва ушбу лавозимга доир мажбуриятларни адо этишни;

ҳарбий унвон берилишни;

ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшатилишни;

резервидаги хизматга олинишни;

ҳарбий хизматга мажбур шахсларнинг истеъфога бўшатилишини;

амалдаги қонунчиликка биноан ҳарбий хизматчиларнинг хизмат ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳолати белгиланадиган бошқа вазиятларни (ходисаларни) камрайди

Ҳақиқий ҳарбий хизмат – бу ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ва муассасаларнинг оддий аскарлар, сержантлар, офицерлар ва генераллар таркибига мансуб ҳарбий лавозимлардаги чақирув ёки шартнома бўйича ҳарбий хизматдир.

Чақириқ бўйича (муддатли) ҳарбий хизмат – чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг, оддий аскарлар таркибига мансуб лавозимларда, шунингдек муқаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

Муддатли ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобида:

а) муддатли ҳарбий хизматни оддий аскарлар таркибига мансуб лавозимларда ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун – ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун – тўққиз ой);

б) муддатли ҳарбий хизматни чақирув бўйича офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ўтаётган офицерлар учун – тўққиз ой.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Сафарбарлик чақирилуви резервидаги ҳарбий хизмат. Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақирилуви резерви сафига олинадилар.

Сафарбарлик чақирилуви резервидаги хизмат ҳудудий тамойил асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилади ҳамда чақирилувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб варағига пул бадаллари киритилишини назарда тутади.

Сафарбарлик чақирилуви резервидаги хизмат сафига шахслар йигирма етти ёшга тўлгунга қадар олинадилар ва ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилишлари мумкин, фавқулодда вазиятлар ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз рўй берган тақдирда эса, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладилар.

Сафарбарлик чақирилуви резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар

йигирма етти ёшга тўлганларидан кейин Қуролли Кучлар резерви таркибига ўтказиладилар.

Сафарбарлик чақирилуви резервидаги хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Шартнома бўйича ҳарбий хизмат – Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат билан тузиладиган шартномага биноан кирган фуқаролар ўтадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тариқасида танлаган фуқаролар шартнома бўйича ҳарбий хизматни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари шартномада белгиланади. Айти пайтда дастлабки шартнома хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб лавозимларда ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари билан ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шарти билан шартнома тузилади.

Ҳарбий хизматнинг шартномада назарда тутилган муддати туганидан кейин томонларнинг келишуви билан бу муддат янги шартнома тузиш орқали узайтирилиши мумкин. Шартнома бўйича ҳарбий хизматни ўташ тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати – ҳақиқий ҳарбий хизматни, шунингдек сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаган оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар жумласидан бўлган ҳарбий хизматга мажбур шахслар учун Қуролли Кучларнинг қўшилмалари, қисмлари ва бўлинмалари сафини уруш даврида тақозо этиладиган штатлар даражасига қадар тўлдириш, шунингдек уруш даври тақозо этадиган тузилмаларни кучайтириш мақсадида умумий ҳарбий мажбурият асосида жорий этиладиган ҳарбий хизмат туридир.

Резервчилар сифатида хизматни ўтаётган ҳарбий хизматга мажбур шахслар тинчлик даврида, қоида тариқасида, қўшинларнинг жанговар шайлигини сақлаб туриш, резервчиларнинг ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик бўйича мажбуриятларини тинчлик ва уруш даврида бажариш учун зарур бўлган кўникмаларини сақлаб қолиш ва такомиллаштириш мақсадида ҳарбий қисмлар базасида ҳудудий тамойил асосида ташкил этиладиган ҳарбий тайёргарлик бўйича ҳарбий йиғинларни ўташга жалб этилишлари мумкин.

Ҳарбий йиғинларни ўташ муддатлари Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни билан (32-моддасида) белгиланган.

Резервчилар уруш даврида ҳам, тинчлик даврида ҳам Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди ва мамлакат хавфсизлигига таҳдид туғилганида, табиий офатлар ҳамда фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан кўшилмалар ва қисмлар таркибида жанговар мақсадлар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Қуролли Кучлар резервчиларининг хизматни ўташ тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

ҲИБСГА ОЛИШ (АРЕСТ) Қўлга олиб мажбурий равишда қамокда (гауптвахтада) сақлаб туриш. Қатъий эҳтиёт чора сифатида қўлланилади. Маъмурий ҳуқуқнинг айрим турларини бузганлиги учун суд қарори билан қисқа муддатга озодликдан маҳрум этилган ва жиноят қилишда гумон қилинган шахсларни вақтинча ушлаб туриш.

ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ (СРЕДСТВА ЗАЩИТЫ) Жангчилар жангда фойдаланадиган химоя воситалари. Қадимда синар, дубулға, қалқон, совут ва бошқалар химоя воситалари ҳисобланган. Отлар устига махсус ёпинчиқ – баргуствон ёпилган, I жаҳон урушидан бошлаб пўлат каска ва шлёмлар, коллектив химоя воситаси сифатида тўп қалқони, танк зирхлари ва бошқалар қўлланиладиган бўлди. Баъзи замонавий армияларда пўлат, нейлон ва бошқа кўкракпечлар мавжуд.

ҲИМОЯ КИЙИМИ (ЗАЩИТНАЯ ОДЕЖДА) Шахсий таркибнинг шахсий химоя воситаси бўлиб, заҳарловчи ва радиоактив модда, зарарли биологик восита, ракета ёнилғисининг компонентлари тери қопламаси ва кийим-кечакка тушишидан химоя қилиш учун мўлжалланган. Шу билан бирга химоя кийими, ядровий портлаш мобайнида ҳосил бўладиган ёруғлик нурланиши билан жароҳатланиш даражасини ҳам заифлаштиради.

ҲИСОБДА ТУРГАН ТАРКИБ (ПРИПИСНОЙ СОСТАВ) Ҳарбий қисм ҳисобига олинган ва сафарбарлик эълон қилинганида бутлаш учун ушбу қисмга юбориладиган ҳарбий хизматга мажбур фуқаролар.

ҲИСОБОТ ХАРИТАСИ (ОТЧЕТНАЯ КАРТА) Ҳисобот-маълумот мазмунидаги жанговар ҳужжат. Ҳисобот харитасида вақтнинг муайян даври учун душман ва қўшинларимизнинг жанговар ҳаракати график кўринишида, саналар изчиллигида акс эттирилади. Қўшинларимизнинг жанговар тажрибасини ўрганиб чиқиш, умумлаштириш, жанговар ҳаракатлар ҳақида маълумотнома ва ҳисоботлар тузиш учун мўлжалланган бўлиб, тарихий материал ишлаб чиқиш мобайнида ҳам фойдаланилади.

Узоқ сақлаш учун, ҳисобот харитасининг варақларига махсус эритмалар билан ишлов бериш ёки сув қоғоз билан қоплаш мумкин.

ҲУДУДИЙ МУДОФАА (ТЕРРИТОРИАЛЬНАЯ ОБОРОНА) Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини химоялаш ва мудофаа қилиш, аҳолини, объектлар ва коммуникацияларни душман хуружларидан, кўпоровчилик ва террорчилик ҳаракатларидан химоя қилиш мақсадларида, шунингдек фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ҳудудий мудофаани таъминлашга жалб этиладиган кучларнинг

вазифалари, ҳамкорликдаги ҳаракатларининг ташкил этилиши ва тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади.

ҲУЖУМ (НАСТУПЛЕНИЕ) Душманни тор-мор этиш ва жойнинг муҳим ҳудудларини эгаллаш мақсадида қўлланиладиган ҳарбий ҳаракатларнинг асосий тури. Ҳужум мазмунан:

душманни ўт очиш билан яқсон этиш;

қўшинларимизнинг кескин атакага кўтарилиб, душман жойлашган сарҳадлар ичкарасига шиддат билан олға силжиши;

душманнинг жонли кучларини йўқ қилиш (асирга олиш);

рақиб қуроли, ҳарбий техникаси ва эгаллаб олган жойининг кўзланган ҳудудларини (марраларини) қўлга киритишдан иборат.

Алоҳида физик-географик шароитда ҳужумни ташкил этиш ва юритишнинг ўзига хос фарқланувчи хусусиятлари мавжуд.

ҲУЖУМКОР ГУРУҲ (ШТУРМ ГУРУҲИ) (ШТУРМОВАЯ ГРУППА)

Алоҳида шароитда, айниқса аҳоли пунктида жанговар ҳаракат юритиш учун мўлжалланган вақтинчалик ҳарбий тузилма.

ҲУЖУМ ЧЕГАРАЛАРИ (ПОЛОСА НАСТУПЛЕНИЯ) ҳарбий қисм (қўшилма) томонидан сарҳадларида ҳужум, манёвр ва жанговар вазифалар бажариш билан боғлиқ ҳаракат юритилаётган жой чегаралари. Икки томони жойда кўриниб турувчи (жой бурмалари каби) объектлар орқали ўтувчи чекловчи чизиқлар билан чегараланади. Юқори поғонадаги командир томонидан белгилаб берилади.

ҲУЖУМЧИ АВИАЦИЯ (ШТУРМОВАЯ АВИАЦИЯ) Душман қўшини сафининг оператив сарҳадида жойлашган ер ва денгиздаги кичик ўлчамли, ҳаракатчан нишонларни кичик ва жуда кичик баландликларда парвоз этиб йўқ қилиш учун мўлжалланган жанговар авиация тури. Ҳужумчи авиациянинг асосий вазифаси – қуруқликдаги қўшинлар ва флот кучларига авиация мададини беришдир.

ҲУЖУМЧИ САМОЛЁТ (ВЕРТОЛЁТ) (ШТУРМОВИК) Ракета, артиллерия ва бомба улоқтирувчи қуруқликдаги қўллаб ер ва денгиздаги нишонни кичик баландликда атака қилиш учун мўлжалланган зирҳли ҳимояга эга самолёт (вертолёт). Қуруқлик ва денгиздаги кучларга бевосита мадад бериш учун одатда жанг майдонининг тактик зонасида қўлланилади.

ҲУКМ (ПРИГОВОР) Жиноят жараёнида судланувчининг айбдорлиги ёки айбдор эмаслиги ҳақида суднинг чиқарган қарори. Судланувчи айбдор бўлган тақдирда жазо чораси белгиланади.

ҲУШЁРЛИК (БДИТЕЛЬНОСТЬ) Эътиборни душманга сусайтирмай қаратиш. Мазмунан сиёсий вазиятни англаб етиш, душманнинг ниятларини ўз вақтида фаҳмлаб олиш, унинг қўпоровчилик фаолиятига қарши фаол чоралар кўриш, давлат ва ҳарбий аҳамиятга эга маълумотларни қаттиқ сир тутишдан иборат.

Юқори савиядаги ҳушёрликка риоя этиш ўз муҳитимиздаги заиф томонлар ва салбий ҳолатларни бартараф этилишини талаб қилади. Негаки ҳушёрликнинг сусайтирилиши, албатта қўшинларнинг жанговар шайлик

даражасини пасайишига олиб келиб, жанговар ҳаракатлар жараёнига салбий таъсир ўтказди ва енгилишига сабаб бўлади.

Хушёрлик жанговар навбатчилик, суткалик наряд ва қоровул хизматини ўташ мобайнида алоҳида аҳамиятга эгадир. Қуролли Кучлар жангчиларининг юқори савияда хушёр бўлишлари – Ватан хавфсизлигининг муҳим кафолатидир.

ХУҚУҚ (ПРАВО) Давлат томонидан белгиланган ёки тасдиқланган умумий мажбурий хулқ-атвор қоидалари (меъёрлари) мажмуи.

ХУҚУҚБУЗАРЛИК (ПРАВОНАРУШЕНИЕ) Ақли расо, қонунда белгиланган ёшга кирган киши томонидан қилинган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш. Ҳуқуқбузарлик жиноий ва айбли (фуқаролик, маъмурий, интизомий) қилмишларга бўлинади.

ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ (ПРАВОВОЕ ГОСУДАРСТВО) Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун ҳукмронлик қиладиган, давлат ва унинг органлари қонун билан боғланган, фуқаролар ҳуқуқини суд ҳимоя этадиган ва давлат билан шахс бир-бирига нисбатан масъулиятли бўлган давлат.

Ҳуқуқий давлат демократиянинг ажралмас қисмидир.

Изоҳланган атамаларнинг
РУСЧА-ЎЗБЕКЧАЛУҒАТИ

1.	авангард	авангард
2.	авария	авария
3.	авианосец	авиаташувчи
4.	авианосная авиация	авиаташувчи авиация
5.	авиационная бомба	авиация бомбаси
6.	авиационная медицина	авиация тиббиёти
7.	авиационная поддержка	авиация мадади
8.	авиационная техника	авиация техникаси
9.	авиационное вооружение	авиация қуроллари
10.	авиационное прикрытие	авиация ҳимояси
11.	авиационные учения	авиация машқлари
12.	авиационный полк	авиация полки
13.	авиация	авиация
14.	авиация военно-морского флота	ҳарбий-денгиз флоти авиацияси
15.	авиация противовоздушной обороны	ҳаво ҳужумидан мудофаа авиацияси
16.	аврал	аврал
17.	автомат	автомат
18.	автоматическое оружие	автоматик қурол
19.	автомобили военные	ҳарбий автомобиллар
20.	автомобильная служба	автомобиль хизмати
21.	автомобильные войска	автомобиль кўшинлари
22.	автомобильный парк	автомобиль парки
23.	автопилот	автопилот
24.	авторитаризм	авторитаризм
25.	агитационно-массовая работа	оммавий - тарғибот ишлари
26.	агитационный снаряд	ташвиқот снаряди
27.	агрессия	агрессия (тажовуз)
28.	административная ответственность	маъмурий жавобгарлик
29.	адмирал	адмирал
30.	адмирал флота	флот адмирали
31.	адъютант	адъютант
32.	азимут	азимут
33.	азотисто-водородноокислый свинец	кўрғошин азиди
34.	академия	академия
35.	акваланг	акваланг (ғаввос)
36.	аккредитация	аккредитлаш
37.	аккредитующий орган	аккредитлаш органи
38.	аккумулятор	аккумулятор
39.	акселератор	акселератор
40.	аксельбант	аксельбант
41.	активно-реактивный снаряд	актив-реактив снаряд
42.	акустик	акустик
43.	акустика	акустика
44.	альтиметр	альтиметр
45.	аммиачная селитра	аммиакли селитра

46.	амортизатор	амортизатор
47.	амфибия	амфибия
48.	ангар	ангар
49.	анкер	анкер
50.	ансамбль песни и пляски	ашула ва ракс ансамбли
51.	антенна	антенна
52.	антидоты	антидотлар(зидди-заҳарлар)
53.	антифризы	антифризлар
54.	аппараты на воздушной подушке	хаво ёстиғидаги аппаратлар
55.	арест	ҳибсга олиш
56.	армия	армия
57.	арсенал	аслаҳахона
58.	артиллерийская дивизия	артиллерия дивизияси
59.	артиллерийская подготовка	артиллерия тайёргарлиги
60.	артиллерийский полк	артиллерия полки
61.	артиллерийское вооружение	артиллерия куроллари
62.	артиллерия морская	денгиз артиллерияси
63.	атака	атака
64.	атомная бомба	атом бомбаси
65.	атташе	атташе
66.	аттестат	шаҳодатнома
67.	аэродром	аэродром
68.	аэрофотосъёмка	аэрофото суратга олиш
69.	база	база
70.	база военная	ҳарбий база
71.	бактериологическое оружие	бактериологик (биологик) курол
72.	баллистика	баллистика
73.	баллистическая ракета	баллистик ракета
74.	банник	банник
75.	барабанщик	барабанчи
76.	баржа	баржа
77.	баррикада	баррикада (кўчабанд)
78.	барьер звуковой	товуш чегараси
79.	батальон	батальон
80.	батарея	батарея
81.	батискаф	батискаф
82.	бдительность	хушёрлик
83.	бездымный порох	тутунсиз порох
84.	безядерная зона	ядро куролидан холи зона
85.	береговая оборона	қирғоқ мудофааси
86.	береговые ракетно-артиллерийские части	қирғоқдаги ракета-артиллерия қисмлари
87.	бескозырка	соябонсиз бош кийим
88.	бинокль	бинокль (дурбин)
89.	биологическое оружие	биологик курол
90.	битва	тўқнашув
91.	ближайшая задача	биринчи навбатдаги вазифа
92.	блиндаж	блиндаж
93.	блок военный	ҳарбий блок
94.	блокада	қамал
95.	боевая авиация	жанговар авиация

96.	боевая активность	жанговар фаоллик
97.	боевая готовность	жанговар шайлик
98.	боевая задача	жанговар вазифа
99.	боевая машина десантная (БМД)	десантчилар жанговар машинаси (ДЖМ)
100.	боевая машина пехоты (БМП)	пиёдалар жанговар машинаси (ПЖМ)
101.	боевая машина реактивной артиллерии (бмра)	реактив артиллериянинг жанговар машинаси (ражм)
102.	боевая мощь	жанговар кудрат
103.	боевая обстановка	жанговар вазият
104.	боевая подготовка	жанговар тайёргарлик
105.	боевая позиция	жанговар марра
106.	боевая работа	жанговар фаолият
107.	боевая самостоятельность	жанговар мустақиллик
108.	боевая смена	жанговар алмашинув (смена)
109.	боевая стрельба	жанговар ўт очиш
110.	боевая тревога	жанговар тревога
111.	боевая часть (на корабле)	жанговар қисм (кемада)
112.	боевая эффективность	жанговар самарадорлик
113.	боевое дежурство	жанговар навбатчилик
114.	боевое донесение	жанговар маълумот
115.	боевое знамя	жанговар байроқ
116.	боевой вылет	жанговар парвоз
117.	боевой и численный состав	жанговар ва микдорий таркиб
118.	боевой информационный пост	жанговар ахборот пости
119.	боевой комплект	жанговар комплект
120.	боевой курс	жанговар курс
121.	боевой листок	жанговар варақа
122.	боевой номер	жанговар рақам
123.	боевой опыт	жанговар тажриба
124.	боевой порядок	жанговар тартиб
125.	боевой пост	жанговар пост
126.	боевой приказ	жанговар буйруқ
127.	боевой прыжок с парашютом	парашют билан жанговар сакраш
128.	боевой расчёт	жанговар ҳисоб
129.	боевой состав	жанговар таркиб
130.	боевой устав	жанговар низом
131.	боевые возможности	жанговар имкониятлар
132.	боевые действия	жанговар ҳаракатлар
133.	боевые документы	жанговар ҳужжатлар
134.	боевые корабли	жанговар кемалар
135.	боевые машины	жанговар машиналар
136.	боевые отравляющие вещества	жанговар заҳарловчи моддалар
137.	боевые потери	жанговар талафотлар
138.	боевые самолёты	жанговар самолётлар
139.	боєголовка ракеты	ракетадаги жанговар каллак
140.	боепитание	жанговар аслаҳа таъминоти
141.	боеприпасы	ўқ-дорилар
142.	боеспособность	жанговар қобилият
143.	бой, сражение	жанг

144.	бомба	бомба
145.	бомбардировочная авиация	бомбардимончи авиация
146.	бомбардировочное вооружение	бомбардимончи курол-аслаха
147.	бомбардировщик	бомбардимончи самолёт
148.	бомбометание	бомба ташлаш (отиш)
149.	бомбоубежище	бомбапана
150.	боны	сузувчи тўсиклар
151.	бортовой журнал	борт журналы
152.	боцман	боцман
153.	братские могилы	қардошлар мозори
154.	бригада	бригада
155.	бризантные взрывчатые вещества	бризантли портловчи моддалар
156.	броневедомость	зирҳли автомобиль
157.	броневой снаряд	зирҳерар снаряд
158.	бронепоезд	зирҳли камзул (совут)
159.	бронекатер	зирҳли катер
160.	бронетанковая техника	зирҳли танк техникаси
161.	бронетранспортёр (БТР)	зирҳли транспортёр (ЗТР)
162.	бронированная разведывательно-дозорная машина (БРДМ)	зирҳли разведка-дозор машинаси (ЗРДМ)
163.	броня	зирҳ
164.	быт воинский	ҳарбий-маиший ҳаёт
165.	вахта	вахта
166.	вахтенная служба	вахта хизмати
167.	вахтенный журнал	вахта журналы
168.	вахтенный офицер	вахтадаги офицер
169.	верификация	верификация
170.	вертолёт	вертолёт
171.	верховное главнокомандование	олий бош қўмондонлик
172.	верховный главнокомандующий	олий бош қўмондон
173.	ветеран	фаҳрий
174.	ветеринарная служба	ветеринария хизмати
175.	ветеринарное обеспечение	ветеринария таъминоти
176.	вечерняя поверка	кечки йўқлама
177.	вечный огонь	мангу олов
178.	вещевое имущество	ашёвий мулк
179.	взаимодействие	ҳамкорлик (ўзаро ҳаракатлар)
180.	взаимозаменяемость	ўзаро алмашувчанлик
181.	взвод	взвод
182.	взрыв	портлаш
183.	взрыватели	портлаткичлар
184.	взрывная волна	портлаш тўлкини
185.	взрывное устройство	портлатувчи қурилма
186.	взрывчатые вещества	портловчи моддалар
187.	вид вооружённых сил	қуролли қучлар тури
188.	видеозапись	видеоёзув
189.	виза	виза

190.	визуально	визуал
191.	вилка (арт.)	оловли санчки (артиллерияда кўлланиладиган атама)
192.	винт	винт
193.	винтовка, ружьё	милтиқ
194.	вице адмирал	вице адмирал
195.	внутренние войска	ички кўшинлар
196.	внутренний порядок	ички тартиб
197.	внутренняя служба	ички хизмат
198.	водородная бомба	водород бомбаси
199.	военная автомобильная инспекция (ВАИ)	ҳарбий автомобиль назорати (ҲАН)
200.	военная академия	ҳарбий академия
201.	военная география	ҳарбий география
202.	военная история	ҳарбий тарих
203.	военная медицина	ҳарбий тиббиёт
204.	военная мощь	ҳарбий кудрат
205.	военная наука	ҳарбий фан
206.	военная присяга	ҳарбий қасамёд
207.	военно-воздушные силы	ҳарбий-ҳаво кучлари (ҲҲК)
208.	военное время	уруш даври
209.	военное дело	ҳарбий иш
210.	военное законодательство	ҳарбий қонунчилик
211.	военное искусство	ҳарбий санъат
212.	военное строительство	ҳарбий курилиш
213.	военно-морские силы (ВМС)	ҳарбий-денгиз кучлари (ҲДК)
214.	военно-морской флаг	ҳарбий-денгиз флоти байроғи
215.	военно-морской флот (ВМФ)	ҳарбий-денгиз флоти (ҲДФ)
216.	военнообязанный	ҳарбий хизматга мажбур шахс
217.	военно-патриотический лекторий	ҳарбий ватанпарварлик маърузалари
218.	военно-патриотическое воспитание	ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги тарбия
219.	военнопленные	ҳарбий асирлар (халқаро ҳуқуқда)
220.	военно-прикладное многоборье	ҳарбий амалий кўпкураш
221.	военно-спортивный комплекс вооружённых сил	куролли кучлар ҳарбий спорт мажмуаси
222.	военно-транспортная авиация	ҳарбий транспорт авиацияси
223.	военно-учебные заведения	ҳарбий ўқув муассасалари
224.	военно-учетная специальность	ҳарбий ҳисобдаги ихтисослик
225.	военные действия	ҳарбий ҳаракатлар
226.	военные должности	ҳарбий лавозимлар
227.	военные преступники	ҳарбий жиноятчилар
228.	военные сообщения	ҳарбий ҳаракатлар, йўллар
229.	военные суды	ҳарбий судлар
230.	военные флотилии	ҳарбий флотилиялар
231.	военный билет	ҳарбий гувоҳнома
232.	военный округ	ҳарбий округ
233.	военный совет	ҳарбий кенгаш
234.	воздушная тревога	ҳаво тревогаси

235.	воздушно-десантная подготовка	ҳаво-десант тайёргарлиги
236.	воздушно-десантные войска (ВДВ)	ҳаво-десант кўшинлари (хдж)
237.	воздушный бой	ҳаво жанги
238.	воздушный налёт	ҳаво хужуми
239.	воин	жангчи
240.	воин – интернационалист	байналмилал жангчи
241.	воинская повинность	ҳарбий мажбурият
242.	воинская часть (войсковая часть, отдельная часть)	ҳарбий қисм
243.	воинский учёт	ҳарбий ҳисоб
244.	воинское воспитание	ҳарбий тарбия
245.	война	уруш
246.	войска	кўшинлар
247.	войска противовоздушной обороны (ПВО)	ҳаво хужумидан мудофаа (ҲҲМ) кўшинлари
248.	войска связи	алоқа кўшинлари
249.	войсковая артиллерия	кўшинлар артиллерияси
250.	войсковая разведка	кўшинлар разведкаси
251.	войсковое товарищество	ҳарбий ўртоқлик
252.	волевые качества воинов	жангчиларнинг шижоатли сифатлари
253.	волны	тўлқинлар
254.	вольтметр	вольтметр
255.	вооружение	қурол-аслаҳа
256.	вооружённое восстание	қуролли кўзғолон
257.	вооружённые конфликты	қуролли можаролар
258.	вооружённые силы	қуролли кучлар
259.	Восток (восточная точка)	Шарқ (шарқ нуқтаси)
260.	всеобщая воинская обязанность	умумий ҳарбий мажбурият
261.	вторая мировая война	иккинчи жаҳон уруши
262.	выправка строевая	ҳарбийча қадростлик
263.	выстрел, стрельба	ўт очиш (ўқ узиш)
264.	высшие военно-образовательные учреждения	олий ҳарбий-таълим муассасалари
265.	выход из боя	жангдан чиқиш
266.	газовый двигатель	газ двигатели
267.	газоубежище	газпана
268.	гарнизон	гарнизон
269.	гарнизонная служба	гарнизон хизмати
270.	гаубица	тўп
271.	гауптвахта	гауптвахта
272.	гвардия	гвардия
273.	гексоген	гексоген
274.	генерал	генерал
275.	генерал армии	армия генерали
276.	генералиссимус	генералиссимус
277.	генерал-лейтенант	генерал-лейтенант
278.	генерал-майор	генерал-майор
279.	генерал-полковник	генерал-полковник

280.	генератор	генератор
281.	геноцид	геноцид
282.	героизм	қахрамонлик
283.	герой Узбекистана	Ўзбекистон қахрамони
284.	гидроакустическая станция	гидроакустик станция
285.	гидрометеорологическая служба	гидрометеорология хизмати
286.	гидросамолет	гидросамолёт
287.	гильза	гильза
288.	гимн государственный	давлат мадҳияси
289.	главная передача	бош узатма
290.	главное направление	асосий йўналиш
291.	главные силы	асосий кучлар
292.	главный старшина	бош старшина
293.	главный удар	асосий зарба
294.	гладкоствольное оружие	силлик стволли қурол
295.	глубинная бомба	чуқурлик бомбаси
296.	горизонтальная наводка	горизонтал йўналтириш
297.	горная артиллерия	тоғ артиллерияси
298.	горнист	горнчи
299.	горные войска	тоғ кўшинлари
300.	горючие смеси	ёндирувчи аралашмалар
301.	госпиталь	госпиталь
302.	государственный герб	давлат герби
303.	гражданская война	фуқаролар уруши
304.	гражданская оборона	фуқаролар муҳофазаси
305.	грамота (ярлык)	ёрлик
306.	граната	граната
307.	гранатомёт	гранатомёт
308.	граница ведения огня	ўт очиш марраси, чегараси
309.	граница государственная	давлат чегараси
310.	гремучая ртуть	портловчи симоб
311.	группа войск	кўшинлар гуруҳи
312.	группировка войск	кўшинлар туркуми
313.	групповое оружие	гуруҳ қуроли
314.	групповое упражнение	гуруҳ машғулоти
315.	гусеница	занжир тасма
316.	дальний поход	олис юриш
317.	дальнобойная артиллерия	узокқа отадиган артиллерия
318.	дальнобойность	узокқа отиш қобилияти
319.	дальномер	масофа ўлчагич
320.	дальняя авиация	олис масофаларда ҳаракатланувчи авиация
321.	двигатель	двигатель
322.	движитель	движитель (ҳаракатлантиргич)
323.	деблокада	камалдан (қуршовдан) қутқариш
324.	дегазационные машины	дегазация машиналари
325.	дегазация	дегазация
326.	дегазирующие вещества	дегазацияловчи моддалар
327.	дежурное подразделение	навбатчи бўлинма
328.	дежурные силы и средства	навбатчи куч ва воситалар
329.	дежурный	навбатчи

330.	дежурство	навбатчилик
331.	дезактивация	дезактивация
332.	дезертирство	дезертирлик (қочоқлик)
333.	дезинсекция	дезинсекция
334.	дезинфекция	дезинфекция
335.	дезинформация	ёлғон хабарлар (маълумотлар)
336.	действие боеприпаса	ўқ-дорининг таъсирчанлиги
337.	действительная военная служба и виды военной службы	хақиқий ҳарбий хизмат ва ҳарбий хизмат турлари
338.	действующая армия и флот	ҳаракатдаги армия ва флот
339.	делимитация границ	чегара делимитацияси
340.	демаркационная полоса	демаркация чизиғи
341.	демаркация границ	чегара демаркацияси
342.	демаскирование	тактик ниқобнинг бузилиши
343.	демититаризация	демититаризация (қуролсизлантириш)
344.	демобилизация	демобилизация
345.	демонстративные действия	намойишкорона ҳаракатлар
346.	демонстрация силы	куч намойиши
347.	деморализация	интизом ва жанговар руҳнинг йўқотилиши
348.	демультипликатор	демультипликатор
349.	денежное довольствие военнослужащих	ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти
350.	день защитников Родины	Ватан ҳимоячилари куни
351.	дератизация	дератизация
352.	десант	десант
353.	деталь	деталь
354.	детектор	детектор
355.	детонатор	детонатор
356.	детонация	детонация
357.	детонирующий шнур	детонацияловчи шнур
358.	деформация	шаклнинг ўзгариши
359.	дешифратор	дешифратор
360.	дешифровка	шифрни очиш
361.	диагональ	диагональ
362.	диаграмма	диаграмма
363.	диаметр	диаметр
364.	диафильм	диафильм
365.	диверсия	қўпоровчилик
366.	дивизион	дивизион
367.	дивизия	дивизия
368.	дизель	дизель
369.	дизельная электростанция	дизель электр станцияси
370.	дизельное горючее	дизель ёнилғиси
371.	диктофон	диктофон
372.	динамик	динамик
373.	динамиты	динамитлар
374.	директива	директива
375.	дирижабль	дирижабль
376.	диск	диск (лаппак, гардиш)

377.	дисквалификация	дисквалификация
378.	дискриминация	дискриминация (камситиш, таҳқирлаш)
379.	дислокация войск	кўшинлар жойлашуви
380.	диспансеризация	диспансеризация
381.	дисплей	дисплей
382.	дистанционное управление	масофали бошқарув
383.	дистанция	дистанция
384.	дисциплина	интизом
385.	дисциплина воинская	ҳарбий интизом
386.	дисциплинарная ответственность	интизомий жавобгарлик
387.	дисциплинарная практика	интизомий амалиёт
388.	дисциплинарное взыскание	интизомий таъзир
389.	дисциплинарный взвод (отдельный)	алоҳида интизомий взвод
390.	дисциплинарный устав вооруженных сил	куролли кучларнинг интизом низоми
391.	дифракция волн	тўлқинлар дифракцияси
392.	дифференциал	дифференциал
393.	длинные волны	узун тўлқинлар
394.	дневальный	посбон
395.	доблесть воинская	ҳарбий жасорат
396.	доброволец	кўнгилли
397.	довольствие военнослужащего	ҳарбий хизматчининг таъминоти
398.	довольствие войск	кўшинлар таъминоти
399.	дозиметр	дозиметр
400.	дозиметрист	дозиметрчи
401.	дозиметрические приборы	дозиметрик асбоблар
402.	дозиметрический контроль	дозиметрик назорат
403.	дознание	суриштирув
404.	дозор	дозор
405.	док	док
406.	доктрина военная	ҳарбий доктрина
407.	документы военные	ҳарбий ҳужжатлар
408.	долговременное огневое сооружение (ДОС)	узоқ муддатли ўт очиш истеҳкоми
409.	дом офицеров	офицерлар уйи
410.	донесение, образование	маълумот
411.	допризывник	чақирувга тайёрланувчи ўспирин
412.	допуск	ижозат ҳуқуқи
413.	доразведка	разведка маълумотларини текшириш
414.	дорожная служба	йўл хизмати
415.	дорожно – комендантская служба	йўл-комендантлик хизмати
416.	дорожные войска	йўл кўшинлари
417.	дот (долговременная огневая точка)	дот
418.	дроссель	дроссель
419.	дульный тормоз	тепки сўндиргич

420.	духовое ружьё	пневматик милтиқ
421.	дымный порох	тутунли порох
422.	дымовая завеса	тутунли парда
423.	дымовые средства	тутун пурковчи воситалар
424.	единая автоматизированная система связи	ягона автоматлаштирилган алоқа тизими
425.	единоначалие	яккабошчилик
426.	жгут	жгут
427.	железнодорожные войска	темир йўл қўшинлари
428.	журнал боевых действий	жанговар ҳаракатлар журнали
429.	журнал наблюдения	кузатув журнали
430.	журнал целей	нишонлар журнали
431.	заграждения	тўсиқлар
432.	зажигательные боеприпасы	ёндирувчи ўқ-дорилар
433.	зажигательные вещества	ёндирувчи моддалар
434.	зажигательный снаряд	ёндирувчи снаряд
435.	зазор	тор тирқиш
436.	закон о всеобщей воинской обязанности и военной службы	умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун
437.	закон о государственной границе	давлат чегаралари тўғрисидаги қонун
438.	законодательство	қонунчилик
439.	залп	залп
440.	заместитель командира	командир ўринбосари
441.	замок	қурол чакмоғи
442.	Запад (западная точка)	Ғарб (ғарбий нуқта)
443.	запал	запал
444.	запас вооруженных сил	қуролли кучлар захираси
445.	запас прочности	мустаҳкамлик захираси
446.	запасный командный пункт (ЗКП)	захира қўмондонлик пункти (ЗҚП)
447.	запасный район	захира худуд
448.	запасы материальных средств	моддий воситалар захираси
449.	запретная зона	тақиқланган зона
450.	запуск	ўт олдириш
451.	заряд	заряд
452.	зарядная установка	зарядлаш қурилмаси
453.	заряжающий	ўқловчи
454.	засада	пистирма
455.	застава	застава
456.	затвор	затвор
457.	затяжной выстрел	кечикиб узилган ўқ
458.	захват цели	нишонни тутиш
459.	захоронение военнослужащих	ҳарбий хизматчиларни дафн этиш
460.	защита независимости Отечества	Ватан мустақиллигини ҳимоя қилиш
461.	защита от зажигательных веществ	ёндирувчи моддалардан ҳимоя қилиш
462.	защита от оружия массового поражения	оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилиш
463.	защитная одежда	ҳимоя кийими

464.	звания воинские	ҳарбий унвонлар
465.	звено	звено
466.	звуковая разведка	товуш разведкаси
467.	звукомаскировка	товушни ниқоблаш
468.	зенитная артиллерия	зенит артиллерияси
469.	зенитная пулемётная установка (ЗПУ)	зенит пулемёт қурилмаси (ЗПК)
470.	зенитная пушка	зенит тўпи
471.	зенитная самоходная установка (ЗСУ)	ўзиюрар зенит қурилма (ЎЗҚ)
472.	зенитная управляемая ракета (ЗУР)	бошқариладиган зенит ракетаси
473.	зенитные ракетные части	зенит ракетали ҳарбий қисмлар
474.	зенитный пулемёт	зенит пулемёти
475.	зенитный ракетный комплекс (ЗРК)	зенит ракетали комплекс
476.	знаки воинской доблести	ҳарбий фидокорлик нишонлари
477.	знаки отличия	тақдирлаш нишонлари
478.	знаки различия	фарқловчи нишонлар
479.	знаки ранения	ярадорлик белгилари
480.	знамённый взвод	байроқдор взвод
481.	знамёнщик	байроқдор
482.	зона	зона
483.	зона биологического заражения	биологик зарарланган зона
484.	зона боевых действий	жанговар ҳаракатлар ҳудуди
485.	зона обстрела	ўққа тутиш зонаси
486.	идеологическая борьба	ғоявий кураш
487.	идеологическая работа	мафкуравий иш
488.	иллюминатор	иллюминатор
489.	имущество военное	ҳарбий мулк
490.	индивидуальные средства защиты)	шахсий ҳимоя воситалари
491.	индивидуальный перевязочный пакет	шахсий боғлаш пакети
492.	индивидуальный противохимический пакет	кимёвий моддага қарши шахсий пакет
493.	индикатор	индикатор
494.	индикатор радиоактивности	радиоактивлик индикатори
495.	индуктивное сопротивление	индуктив қаршилик
496.	индуктивность	индуктивлик
497.	индуктор	индуктор
498.	индустриальные масла	индустриал мойлар
499.	инерция	инерция
500.	инжектор	инжектор
501.	инженерные войска	муҳандислик қўшинлари
502.	инженерные сооружения	муҳандислик иншоотлари
503.	иницирующие взрывчатые вещества	иницирловчи портловчи моддалар
504.	инспектор военный	ҳарбий назоратчи
505.	инспекция	назорат органи
506.	инструктаж	йўриқнома бериш

507.	инструкция	йўриқнома
508.	инструмент	асбоб
509.	интервенция	боскинчилик
510.	интернациональный долг	байналмилал бурч
511.	интерференция радиоволн	радиотўлқинлар интерференцияси
512.	информация	ахборот
513.	история воинской части	ҳарбий қисм тарихи
514.	истребитель	қирувчи самолёт
515.	истребитель-бомбардировщик	қирувчи-бомбардимончи самолёт
516.	истребительная авиация	қирувчи авиация
517.	истребительно-бомбардировочная авиация	қирувчи-бомбардимончи авиация
518.	кабель	кабель
519.	кабель связи	алоқа кабели
520.	кабельтов	кабельтов
521.	казарма	казарма (ётоқхона, қароргоҳ)
522.	калиберный снаряд	калибрли снаряд
523.	калибр оружия	қурол калибри
524.	камбуз	камбуз
525.	камера	камера
526.	камора	снаряд камораси
527.	кампания	кампания
528.	канал электрической связи	электр алоқа канали (узатиш канали)
529.	канистра	канистра
530.	канифоль	канифоль
531.	капитан	капитан
532.	капитуляция	капитуляция (таслим бўлиш)
533.	капсюль	капсюль
534.	капсюльные составы	капсюлли таркиблар
535.	карабин	карабин
536.	карантин	карантин
537.	карантинные болезни	карантин касалликлар
538.	караул	қоровул
539.	караульная служба	қоровул хизмати
540.	караульное помещение	қоровулхона
541.	карбюратор	карбюратор
542.	карбюраторный двигатель	карбюраторли двигатель
543.	карданный механизм	карданли механизм
544.	картер	картер
545.	картотека	варақалар йиғиндиси
546.	карты	хариталар
547.	карцер	карцер
548.	каска	каска (пўлат шлём)
549.	кассета	кассета
550.	катапульта	катапульта
551.	катапультирование	катапультланиш
552.	катер	катер
553.	катод	катод
554.	каюта	каюта
555.	кают-компания	кают-компания
556.	квалификация	малака

557.	квалифицированный труд	малакали меҳнат
558.	керосин	керосин
559.	кинология	кинология
560.	клавиатура	клавишлар мажмуи
561.	кладовая	буюм сақлаш хонаси
562.	клапан	клапан
563.	классная квалификация	малака даражаси
564.	клеймо	тамға
565.	клуб воинской части	ҳарбий қисм клуби
566.	книга почёта	фахрий китоб
567.	кобура	пистолет қини
568.	кок	кок
569.	кокарда	кокарда
570.	колёсные машины	ғилдиракли машиналар
571.	колесо	ғилдирак
572.	коллегия	коллегия
573.	коллективная безопасность	коллектив хавфсизлик
574.	коллектор	коллектор
575.	колонна	колонна
576.	кольчуга	совут
577.	команда	команда
578.	командир	командир
579.	командный пункт (КП)	қўмондонлик пункти (ҚП)
580.	командующий	қўмондон
581.	комендант	комендант
582.	комендантская служба	комендантлик хизмати
583.	комендантский час	комендантлик соати
584.	комендатура	комендатура
585.	коммутатор	коммутатор
586.	комната общественно-политической информации	ижтимоий-сиёсий ахборот хонаси
587.	компас	компас
588.	компрессор	компрессор
589.	комуфлет	комуфлет
590.	комуфляж	комуфляж (ола-була тус)
591.	конвой	конвой
592.	конвойная служба	конвойлик хизмати
593.	консервация	консервациялаш
594.	конструкция	конструкция
595.	контакт	контакт
596.	контейнер	контейнер
597.	контратака	қарши атака
598.	контрнаступление	қарши ҳужум
599.	координация военных действий	ҳарбий ҳаракатларни мувофиқлаштириш
600.	корабельная служба	кема хизмати
601.	корабли военные	ҳарбий кемалар
602.	коробка передач	узатмалар қутиси
603.	короткие волны	қисқа тўлқинлар
604.	короткое замыкание	қисқа туташув
605.	корпус	корпус
606.	корреспондент	мухбир

607.	кортик	ханжар
608.	космическое вооружение	космик қуроллар
609.	криптография	криптография
610.	крылатая ракета	қанотли ракета
611.	кубрик	кубрик
612.	кулачковый механизм	кулачокли механизм
613.	кулачок	кулачок
614.	культурно-просветительная работа	маданий-маърифий ишлар
615.	курс	курс
616.	курсант	курсант
617.	кухни полевые	дала ошхоналари
618.	лагерная служба	лагерь хизмати
619.	лагерный сбор	лагерь йигини
620.	лагерь	лагерь
621.	лазарет	лазарет
622.	лампасы	лампаслар
623.	лейтенант	лейтенант
624.	летательный аппарат	учиш аппарати
625.	летучка	тактик вазифага жавоб тайёрлаш
626.	ликвидация последствий ударов противника и воздействий опасных факторов	душман зарбалари ва хавфли омиллар таъсири оқибатларига барҳам бериш
627.	линия связи	алоқа линияси (йўллари)
628.	линия электрических передач	электр кучланишини узатиш йўллари
629.	лист нарядов	нарядлар варақаси
630.	личное время	бўш вақт
631.	личное дело	шахсий хужжатларнинг йиғма жилди
632.	личное оружие	шахсий қурол
633.	личность	шахс
634.	личные вещи	шахсий буюмлар
635.	личный состав	шахсий таркиб
636.	лодка	кайиқ
637.	локализация вооруженного конфликта	қуролли можаронинг кескин тус олишига йўл қўймаслик
638.	локализация района вторжения	душман хужум қилган ҳудудни қуршаб олиш
639.	локатор	локатор
640.	лучевая болезнь	нурланиш касаллиги
641.	лучевое оружие	нурли қурол
642.	люфт	люфт
643.	магазин	ўқдон
644.	магазинное оружие	ўқдонли қурол
645.	магнитная антенна	магнитли антенна
646.	майор	майор
647.	малокалиберная артиллерия	кичик калибрли артиллерия
648.	малокалиберное стрелковое оружие	кичик калибрли ўқли қурол
649.	манёвр	манёвр

650.	манжета	манжета
651.	манометр	манометр
652.	маркировка боеприпасов	ўқ-дорилардаги тамғалар
653.	марш	марш
654.	маршал	маршал
655.	марш-бросок	шиддатли марш
656.	маршевая скорость	марш тезлиги
657.	маршрут	йўналиш
658.	маскировка	ниқобланиш
659.	маскировочные средства	ниқоблаш воситалари
660.	массированный огонь	ёпирилма ўт очиш
661.	массовая коммуникация	оммавий коммуникация
662.	мастерство воинское	харбий маҳорат
663.	материальные средства	моддий воситалар
664.	матрос	матрос
665.	маузер	маузер
666.	маховик	салмоқдор ғилдирак (маховик, залвар масса)
667.	машина	машина
668.	маяк	маёқ
669.	медали	медаллар
670.	медицинская книжка	тиббиёт китобчаси
671.	медицинский пункт	тиббиёт пункти
672.	медицинское обследование	тиббий кўрик
673.	медицинское освидетельствование	тиббий хулосали текширув
674.	международная безопасность	халқаро хавфсизлик
675.	международная военная инспекция	халқаро харбий назорат
676.	международное военное сотрудничество	халқаро харбий ҳамкорлик
677.	международное военное сотрудничество в области обороны	мудофаа соҳасидаги халқаро хамкорлик
678.	международный договор	халқаро шартнома
679.	межконтинентальная баллистическая ракета	китъалараро баллистик ракета
680.	метеорология	метеорология
681.	методы обучения	таълимот услублари
682.	метрическая система мер	метрик ўлчовлар тизими
683.	метрологическая служба	метрологик хизмат
684.	метрологическое обеспечение	метрологик таъминот
685.	метрология	метрология
686.	метрология военная	харбий метрология
687.	мина	мина
688.	минирование	миналаштириш
689.	министерство обороны	мудофаа вазирлиги
690.	минновзрывные заграждения	мина портловчи тўсиқлар
691.	минное поле	миналанган майдон
692.	миноискатель	мина излагич
693.	миномёт	миномёт
694.	миномётный выстрел (мины	миномёт ўқ-дориси (артиллерия

	артиллерийские)	миналари)
695.	мины инженерные	муҳандислик миналари
696.	мишенная обстановка	сунъий нишонлар вазияти
697.	мишенное поле	сунъий нишонлар майдони
698.	мишень	сунъий нишон
699.	младший сержант	кичик сержант
700.	многоборья военно-спортивные	ҳарбий спорт кўп курашлари
701.	мобилизация	сафарбарлик
702.	модернизация	модернизация (модернизациялаш)
703.	модификации	модификациялар
704.	модификация	модификация
705.	монитор	монитор
706.	мониторинг	мониторинг
707.	мониторинг политический	сиёсий мониторинг
708.	мониторинг служебной деятельности военнослужащих	ҳарбий хизматчиларнинг хизмат фаолияти мониторинги
709.	морально-боевые качества воина	жангчининг ахлоқий-жанговар сифатлари
710.	морально-психологическое состояние личного состава вооруженных сил	куролли кучлар шахсий таркибининг ахлоқий-руҳий ҳолати
711.	морзе код	морзе коди
712.	морская пехота	денгиз пиёдалари
713.	морские мины	денгиз миналари
714.	морской бой	денгиз жанги
715.	мост	кўприк
716.	мотострелковые войска	мотоўқчи кўшинлар
717.	мужество	мардлик
718.	музыка военная	ҳарбий мусиқа
719.	наблюдатель	кузатувчи
720.	наблюдательный пункт	кузатув пункти
721.	навесное оборудование	бириктириладиган жихозлар
722.	навигационные приборы	навигация асбоблари
723.	наводка орудия	тўпни йўналтириш
724.	наводчик	мўлжалловчи
725.	навыки воина	жангчи кўникмалари
726.	наган	наган
727.	наглядная агитация	кўрғазмали ташвиқот
728.	награды	мукофотлар
729.	надкалиберный снаряд	калибрдан йирик снаряд
730.	налёт	ёпирилиш (хужум)
731.	напалм	напалм
732.	наставление	кўлланма
733.	наступление	хужум
734.	начальная допризывная подготовка	чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик
735.	начальник	бошлиқ
736.	начальник гарнизона	гарнизон бошлиғи
737.	не сообщение о преступлении	жиноят ҳақида хабар бермаслик
738.	невоеннообязанный	ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахс

739.	нейтрализация военного конфликта	харбий можарони бартарарф этиш
740.	нейтралитет	бетарафлик
741.	нейтронное вооружение	нейтрон курол-яроғлар
742.	необходимая оборона	зарурий мудофаа (хуқуқда)
743.	неповиновение	бўйсунмаслик
744.	неприкосновенность личности	шахс дахлсизлиги
745.	нестерова петля	нестеров сиртмоғи
746.	неуставные отношения	низомларга зид муносабатлар
747.	низколетящая цель	паст учаётган нишон
748.	норма	меъёр
749.	нота	нота
750.	обвинение	айбнома
751.	обеспечение боевых действий	жанговар ҳаракатлар таъминоти
752.	облучение	нурлантириш
753.	обмундирование военное	харбий кийим
754.	обнаружение	фош этиш
755.	обнаружение	қидириб топиш, аниклаш
756.	обойма	обойма
757.	оборона	мудофаа
758.	оборонительные сооружения	мудофаа иншоотлари
759.	оборудование подводного вождения танков	танкни сув остида бошқариш ускуналари
760.	обратное пламя (в артиллерийском оружии)	қайтувчи аланга (артиллерия қуролида)
761.	обращение с боеприпасами	ўқ-дори билан муомала қилиш
762.	обстрел	ўққа тутиш
763.	обтирочный материал	тозалаш (артиш) учун ишлатиладиган ашё
764.	обтюратор	обтюратор
765.	обтюрация	обтюрация
766.	обучение воинское	харбий таълим
767.	обход	айланиб ўтиш
768.	общевойсковая подготовка	умумқўшин тайёргарлик
769.	общевойсковое тактическое учение	умумқўшин тактик машқ
770.	общевойсковой командир	умумқўшин командир
771.	общественно - политическая подготовка	ижтимоий - сиёсий тайёргарлик
772.	объединение	бирлашма
773.	объединённый штаб вооружённых сил	қуролли кучлар бирлашган штаби
774.	объектив	объектив
775.	объекты военные	харбий объектлар
776.	обычное оружие	оддий қурол
777.	огневая задача	ўт очиш топшириғи
778.	огневая мощь	ўқ ёғдириш қуввати
779.	огневая подготовка	отиш тайёргарлиги
780.	огневая подготовка атаки	ўт очиб атакани тайёрлаш
781.	огневая позиция	ўт очиш майдони, позицияси
782.	огневая связь	оловли мадад
783.	огневая точка	ўт очиш нуктаси

784.	огневое взаимодействие	ўт очишдаги ҳамкорлик
785.	огневой вал	оловли девор
786.	огневой налёт	оловли ёгин
787.	огневой рубеж	ўт очиш марраси
788.	огнемёт	огнемёт
789.	огнемётно-зажигательные средства	олов пуркаб ёндирувчи воситалар
790.	огнемётные части	огнемётли ҳарбий қисмлар
791.	огнемётный танк	огнемёт ўрнатилган танк
792.	огнестрельное оружие	ўкотар қурол
793.	огнетушитель	ўт ўчиргич
794.	огонь	олов
795.	одежда специальная	махсус кийим
796.	одиночная подготовка	якка тартибдаги тайёргарлик
797.	оккупация	оккупация
798.	окоп	окоп
799.	окружение	куршов
800.	оперативная группа	оператив гуруҳ
801.	оперативная задача	оператив вазифа
802.	оперативная оборона	оператив мудофаа
803.	оперативная пауза	оператив танаффус
804.	оперативная подготовка	оператив тайёргарлик
805.	оперативная сводка	оператив маълумот
806.	оперативное (боевое) обеспечение	оператив (жанговар) таъминот
807.	оперативное информирование	тезкор ахборот
808.	оперативное искусство	оперативлик санъати
809.	оперативное объединение	оператив бирлашма
810.	оперативное подчинение	оператив бўйсунуш
811.	оперативное построение	оператив тизилиш
812.	оперативное прикрытие	оператив ҳимоя
813.	оперативное развёртывание войск (сил)	қўшинларни (кучларни) оператив жиҳатдан ёйиш
814.	оперативность управления	бошқарувнинг оперативлиги
815.	оперативно-тактическая подготовка	оператив-тактик тайёргарлик
816.	оперативные заграждения	оператив тўсиқлар
817.	оперативный дежурный	тезкор навбатчи
818.	оперативный скачок	оператив вақтнинг ўзгартирилиши
819.	оперативный успех	оператив муваффақият
820.	оператор	оператор
821.	операционная линия	операцион чизик
822.	операционное направление	операцион йўналиш
823.	операция	операция
824.	оповещение	хабар қилиш
825.	опознавание	таниб олиш
826.	опознавательные знаки	танитувчи белгилар
827.	опознавательные сигналы	танитувчи сигналлар
828.	опорный пункт	таянч пункти
829.	оппозиция	оппозиция (мухолифат, ихтилоф)
830.	оппонент	мухолиф
831.	опрос военнослужащих	ҳарбий хизматчилар билан савол-

832.	оптико-электронные средства разведки	жавоблар разведканинг оптик-электрон воситалари
833.	оптическая локация	оптик локация
834.	оптическая ось	оптик ўқ
835.	оптическая разведка	оптик разведка
836.	оптическая связь	оптик алоқа
837.	оптическое излучение	оптик нурланиш
838.	орбиты космических аппаратов	космик аппаратлар орбиталари
839.	организация войск	қўшинларнинг ташкилий тузилиши
840.	органы военных сообщений	харбий ҳаракатлар (йўл) органлари
841.	органы воспитательной работы	тарбиявий ишлар органлари
842.	органы управления	бошқарув органлари
843.	орден	орден
844.	орденская лента	орден матоси
845.	орденская планка	орден планкаси
846.	ордер	ордер
847.	ориентир	мўлжал
848.	ориентирование	ахборот бериш
849.	ориентирование на местности	жойда мўлжалланиш
850.	оркестр военный	харбий оркестр
851.	орудие артиллерийское	артиллерия куроли
852.	орудийный номер	курол расчётининг рақами
853.	орудийный станок (лафет)	артиллерия куроли стволининг тиргаги (лафет)
854.	оружие	курол
855.	оружие именное	мукофотланганнинг исми ёзилган курол
856.	оружие массового поражения	оммавий қирғин куроллари (ОҚҚ)
857.	оружие нарезное	кесмали курол
858.	осадное положение	қамал ҳолати
859.	осветительные средства	ёритувчи воситалар
860.	осветительный снаряд	ёритувчи снаряд
861.	осколочно-трассирующий снаряд	парчаланувчи-ёришувчи снаряд
862.	осколочно-фугасный снаряд	парчаланувчи-фугасли снаряд
863.	осколочный снаряд	парчаланувчи снаряд
864.	осмотр личного состава	шахсий таркиб кўриги
865.	осциллограф	осциллограф
866.	отбой	жанг, машқ тамом
867.	отбой	уйқуга
868.	отдание воинской чести (воинское приветствие)	харбийча салом
869.	отдача в огнестрельном оружии	ўқотар курол тепиши
870.	отдел по делам обороны	мудофаа ишлари бўлими
871.	отделение	бўлинма
872.	отзыв	шартли яширин жавоб

873.	откат орудия	артиллерия куролининг тисарилиши
874.	отпуск	таътил
875.	отпускной билет	таътил гувоҳномаси
876.	отравление	заҳарланиш
877.	отравление пищей	овқатдан заҳарланиш
878.	отравляющие вещества (ОВ)	заҳарловчи моддалар (ЗМ)
879.	отражение контрудара	зарбага қарши зарбани бартараф этиш
880.	отряд	отряд
881.	отряд заграждений	тўсиқ ўрнатувчи отряд
882.	отряд разграждений	тўсиқдан тозаловчи отряд
883.	отсрочка от призыва	чакирувнинг кечиктирилиши
884.	отставка	истеъфо
885.	отступление (отход)	чекениш
886.	отчетная карта	хисобот харитаси
887.	офицер	офицер
888.	офицерский состав	офицерлар таркиби
889.	охрана государственной границы	давлат чегарасини кўриқлаш
890.	охрана и оборона тыла	фронт ортини кўриқлаш ва мудофаа этиш
891.	охранение	кўриқчилик хизмати
892.	оцепление	куршов гуруҳи
893.	очаг ядерного поражения	ядровий зарарланиш маркази
894.	очаговая оборона	алоҳида мудофаа макони
895.	паёк	егулик (озиқ-овқат паёғи)
896.	палатка	чодир
897.	палуба	палуба
898.	панель	панель
899.	паника	ваҳима
900.	панорама	панорама
901.	парад	парад (намойиш, тантана)
902.	парашют	парашют
903.	паритет	томонлар тенглиги
904.	парк	парк
905.	пароль	пароль
906.	паром	паром
907.	патриотизм	ватанпарварлик
908.	патриотическое воспитание	ватанпарварлик руҳидаги тарбия
909.	патрон	патрон
910.	патронная сумка	патронлар қопчиғи
911.	патронник	патрондон
912.	патрулирование	патруллик
913.	патруль	патруль
914.	патрульная служба	патруллик хизмати
915.	патрульный	патруль
916.	пеленг	пеленг
917.	пеленгация	пеленгация
918.	пеленгование	пеленгация қилиш
919.	перебазирование	базани кўчириш
920.	перебежчик	душман томонига қочиб ўтган

921.	перевалочная база	хоин
922.	перевозки воинские	юк тушириш ва ортиш базаси
923.	первооружение	харбийча ташиш
924.	перевязь	янгидан куроллантириш
925.	переговорное устройство	байроқбоғ
926.	перегруппировка войск	сўзлашув курилмаси
		қўшинларнинг гуруҳларга қайта
		бўлиниши
927.	передвижение войск	қўшинларнинг қўчиши
928.	передислокация	қўшинларни қайта жойлаштириш
929.	передний край обороны	мудофаанинг олдинги чизиғи
930.	передовая позиция	олдинги марра
931.	передовой командный пункт (ПКП)	олдинги қўмондонлик пункти (ОҚП)
932.	передовой отряд	илғор отряд
933.	перезарядка оружия	куролни қайта ўқлаш
934.	переменный ток	ўзгарувчан ток
935.	перенос огня	оловни кўчириб ўтиш
936.	переподготовка	қайта тайёргарлик
937.	переправа	кечув
938.	переправочные средства	кечув воситалари
939.	период службы	харбий хизмат даври
940.	перископ	перископ
941.	пехота	пиёдалар
942.	печать военная	харбий матбуот
943.	пикриновая кислота	пикрин кислотаси
944.	пилотаж	учувчилик санъати
945.	пилотирование	учиш аппаратини бошқариш
946.	пиротехника	пиротехника
947.	пистолет	пистолет (тўппонча)
948.	пистолет-пулемёт	пистолет-пулемёт
949.	плавающие машины	сузувчи машиналар
950.	планирование огневого поражения противника	душманни ўт очиш билан енгиш
951.	планирование операции (боя)	амалини режалаштириш
		операцияни (жангни)
		режалаштириш
952.	планирование способов действий войск в операции	қўшиннинг операцияда
		бажарадиган ҳаракат усуллари
		режалаштириш
953.	планшет	планшет
954.	пластическое взрывчатое вещество	пластик портловчи модда
955.	платформа	платформа
956.	плафон	плафон
957.	плацдарм	плацдарм
958.	плащ-накидка	қайтарма қалпоқли сув ўтказмас
		енгсиз ёпинчиқ
959.	плащ-палатка	сув ўтказмас ёпинчиқ-чодир
960.	пневматическое орудие	пневматик қурол
961.	победа	ғалаба
962.	погоны	погонлар
963.	пограничная база	чегара базаси

964.	пограничная застава	чегара заставаси
965.	пограничная зона	чегара зонаси
966.	пограничник	чегарачи
967.	пограничные войска	чегара кўшинлари
968.	пограничные знаки	чегара белгилари
969.	пограничный наряд	чегара наряди
970.	пограничный округ	чегара округи
971.	подвиг, отвага	жасорат
972.	подводные аппараты	сув ости аппаратлари
973.	подводные лодки	сув ости кемалари
974.	подготовка войск к выполнению боевой задачи	кўшинларни жанговар топширикни бажаришга тайёрлаш
975.	подготовка стрельбы	ўт очиш амалини тайёрлаш
976.	подкалиберный снаряд	калибрдан кичик снаряд
977.	подполковник	подполковник
978.	подразделение	бўлинма
979.	подрывные работ	портлатув ишлари
980.	подрывные средства	портлатиш воситалари
981.	подчинённый	бўйсунувчи
982.	подшипник	подшипник
983.	подъём	уйғониш
984.	подъём флага (спуск флага)	байроқни кўтариш (тушириш)
985.	пожарная техника	ўт ўчириш техникаси
986.	позиция	позиция (марра, холат, вазият)
987.	позывной	шартли ном
988.	поиск	кидирув
989.	показное занятие	намунали машғулот
990.	показное учение	намунали тактик машқ
991.	поле битвы	жанггоҳ (жанг майдони)
992.	полевая выучка	дала кўникмаси
993.	полигон	полигон
994.	полк	полк
995.	полковник	полковник
996.	положение о порядке прохождения военной службы	ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом
997.	полоса заграждений	тўсиқлар доираси
998.	полоса наблюдения	кузатув доираси
999.	полоса наступления	хужум чегаралари
1000.	полоса обеспечения	таъминот чегаралари
1001.	полоса обороны	мудофаа чизиғи
1002.	полоса огня	ўт очиш чизиғи
1003.	полоса препятствий	тўсиқлар йўлаги
1004.	полуось	ярим ўқ
1005.	помилование	авф
1006.	понтон	понтон
1007.	поощрение	рағбатлантириш
1008.	поражающие факторы ядерного оружия	ядровий курулнинг талофат етказувчи омиллари
1009.	поражение объектов (целей)	объектларга (нишонларга) шикаст етказиш
1010.	порох	порох
1011.	поршневая машина	поршенли машина

1012.	последовательное сосредоточение огня	оловни изчиллик билан жамлаш
1013.	последующая задача	навбатдаги вазифа
1014.	посредник	воситачи
1015.	пост	пост
1016.	пост регулирования движения	харакатларни мувофиқлаштириш пости
1017.	постовая ведомость	пост қайдномаси (ведомости)
1018.	постоянный состав	доимий таркиб
1019.	постоянный ток	ўзгармас ток
1020.	потенциал военный	ҳарбий имкониятлар
1021.	потенциал морально- политический	маънавий-руҳий имкониятлар
1022.	потери военные	ҳарбий талафотлар
1023.	потолок полёта	парвознинг энг юқори чўққиси
1024.	походная колонна	юриш колоннаси
1025.	походное охранение	юришдаги қўриқлов
1026.	походный порядок	юриш тартиби
1027.	походный строй	юриш сафи
1028.	почести воинские	ҳарбий эҳтиром
1029.	почётная грамота	фахрий ёрлик
1030.	почётный караул	фахрий қоровул
1031.	правила приёма в высшие военно-образовательные учреждения	олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул қилиш қоидалари
1032.	правила стрельбы	отиш қоидалари
1033.	право	ҳуқуқ
1034.	право военное	ҳарбий ҳуқуқ
1035.	правовое воспитание военнослужащих	ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий тарбияси
1036.	правовое государство	ҳуқуқий давлат
1037.	правонарушение	ҳуқуқбузарлик
1038.	практический снаряд	амалий снаряд
1039.	предбоевой порядок	жанг олди тартиби
1040.	предварительное распоряжение	олдиндан бериладиган кўрсатма
1041.	предохранители	сақлагичлар
1042.	прекращение военных действий	ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши
1043.	преследование	таъқиб этиш
1044.	преступление	жиноят
1045.	преступление воинское	ҳарбий жиноят
1046.	приборы	асбоблар
1047.	привал	тўхтаб дам олиш (привал)
1048.	приведение войск в боевую готовность	қўшинни жанговар шай ҳолатга келтириш
1049.	привод	узатма (машиналарда)
1050.	приговор	ҳукм
1051.	приграничная полоса (зона)	чегарага туташ ҳудуд (зона)
1052.	призыв на военную службу	ҳарбий хизматга чақирув
1053.	призывник	чақирилувчи
1054.	призывные комиссии	чақирув комиссиялари

1055.	приказ	буйрук
1056.	примирение	сулҳ
1057.	приписной состав	ҳисобда турган таркиб
1058.	пристрелка	отиб кўриш
1059.	прицеливание	мўлжалга (нишонга) олиш
1060.	прицелы	мўлжалга (нишонга) олиш мосламалари
1061.	прицеп	тиркама
1062.	пробивная сила снаряда	снаряднинг ёриб ўтиш кучи
1063.	пропавший без вести	бедарак йўқолган
1064.	пропаганда войны	урушни тарғиб қилиш
1065.	пропеллер (лопасть)	паррак
1066.	пропуск	рухсатнома
1067.	пропуск	шартли яширин савол
1068.	пропускной режим	кириб-чиқиш режими
1069.	проступок	ножўя хатти-ҳаракат
1070.	противник	душман
1071.	противовоздушная оборона войск	қўшинни ҳаво ҳужумидан мудофаа этиш
1072.	противовоздушная оборона страны	мамлакатнинг ҳаво ҳужумидан мудофаази
1073.	противогаз	газниқоб
1074.	противооткатные устройства	қурол тисарилишига (силжишига) қарши қурилма
1075.	противопожарная охрана	ёнғинга қарши муҳофаза
1076.	противоракетная оборона	ракеталар зарбасидан мудофаа
1077.	противотанковая оборона	танклар ҳужумидан мудофаа
1078.	противотанковое вооружение	танкка қарши қурол-аслаҳа
1079.	противотанковый ракетный комплекс (ПТРК)	танкка қарши ракета комплекси
1080.	прямая наводка	тўғридан-тўғри нишонга олиш
1081.	прямое попадание	тўғри бориб тегиш
1082.	психическая атака	руҳий атака
1083.	психологическая подготовка личного состава	шахсий таркибнинг руҳий тайёргарлиги
1084.	психологический отбор военнослужащих	ҳарбий хизматчиларни руҳий жихатдан саралаш
1085.	пулемёт	пулемёт
1086.	пульс	томир уриши
1087.	пульт управления	бошқариш пулти
1088.	пуля	ўқ
1089.	пункт боевого питания	ўқ-дори ва аслаҳа таъминоти пункти
1090.	пункт сбора	тўпланиш пункти
1091.	пункт специальной обработки	махсус ишлов бериш пункти
1092.	пункт технического наблюдения	техник кузатув пункти
1093.	пункт технического обслуживания и ремонта (ПТОР)	техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш пункти
1094.	пункты управления	бошқарув пунктлари
1095.	пуск ракеты	ракетани учириш

1096.	пусковая установка ракет	ракеталарни учириш қурилмаси
1097.	путевое довольствие	йўл пули тўлови
1098.	путепровод	йўл кўприк
1099.	пушка	замбарак
1100.	рабочая карта командира	командирнинг иш харитаси
1101.	радар	радар
1102.	радиатор	радиатор
1103.	радиационная безопасность	радиацияли хавфсизлик
1104.	радиационная защита	радиацияли ҳимоя
1105.	радиационная обстановка	радиацияли вазият
1106.	радиационное (радиоактивное) облучение	радиацияли (радиоактив) нурланиш
1107.	радиация	радиация
1108.	радио	радио
1109.	радиоактивность	радиоактивлик
1110.	радиовзрыватель	радиопортлаткич
1111.	радиоволновод	радиотўлқин ўтказгич
1112.	радиоволны	радиотўлқинлар
1113.	радиоизмерения	радиоўлчашлар
1114.	радиологическое оружие	радиологик қурол
1115.	радиолокационная станция (РЛС)	радиолокация станцияси (РЛС)
1116.	радиолокационный маяк	радиолокацияли маёқ
1117.	радиолокация	радиолокация
1118.	радиомаяк	радиомаёқ
1119.	радиометр	радиометр
1120.	радиометрическая разведка	радиометрик разведка
1121.	радионавигация	радионавигация
1122.	радиопеленгатор	радиопеленгатор
1123.	радиопередатчик	радиоузаткич
1124.	радиоперехват	радиотутиш
1125.	радиоприёмник	радиоқабулқилгич
1126.	радиорелейная связь	радиореле алоқаси
1127.	радиосвязь	радиоалоқа
1128.	радиостанция	радиостанция
1129.	радиотелеграфная связь	радиотелеграф алоқаси
1130.	радиотелефонная связь	радиотелефон алоқаси
1131.	радиотехника	радиотехника
1132.	радиотехнические войска	радиотехник қўшинлар
1133.	радиоэлектроника	радиоэлектроника
1134.	радиоэлектронная борьба (РЭБ)	радиоэлектрон кураш (РЭК)
1135.	радиоэлектронная обстановка (РЭО)	радиоэлектрон вазият (РЭВ)
1136.	радиоэлектронное подавление (РЭП)	радиоэлектрон бостириш (РЭБ)
1137.	радиус	радиус
1138.	разведка боем	жанг билан юритиладиган разведка
1139.	разведка в интересах гражданской обороны	фуқаролар муҳофазаси манфаатида ўтказиладиган разведка

1140.	разведка водной преграды	сув хавзаси разведкаси
1141.	разведка военная	харбий разведка
1142.	разведка местности	жой разведкаси
1143.	разведка погоды	об-хаво разведкаси (метеорологик разведка)
1144.	разведчик	разведкачи
1145.	разведывательная авиация	разведка авиацияси
1146.	разведывательная группа	разведка гурухи
1147.	разведывательный дозор	разведка дозори
1148.	разведывательный отряд	разведка отряди
1149.	развод караулов	қоровуллар тарқатуви
1150.	разводящий	тарқатувчи
1151.	разминирование	минасизлантириш
1152.	разоружение	қуролсизланиш
1153.	разрушительное действие снаряда	снаряднинг таъсир кучи
1154.	ракета - носитель	элтувчи ракета
1155.	ракетница	ракетница
1156.	ракетное оружие	ракетали қурол
1157.	ракетное топливо	ракета ёнилғиси
1158.	ракетно-ядерное оружие	ракета-ядро қуроли
1159.	ракетные войска и артиллерия	ракета қўшинлари ва артиллерия
1160.	ракетный двигатель	ракета двигатели
1161.	ракетный комплекс	ракета комплекси
1162.	ракетоносец	ракетаташувчи
1163.	ракетоносная авиация	ракета ташувчи авиация
1164.	ракеты	ракеталар
1165.	рамочная антенна	рамкали антенна
1166.	ранг	ранг (даража)
1167.	ранение	жароҳат
1168.	рапорт (доклад)	билдиришнома (билдирув)
1169.	расположение войск на месте	қўшиннинг жойда жойлашуви
1170.	распорядок дня	қун тартиби
1171.	распоряжение	фармойиш
1172.	расчёт	расчёт
1173.	рация	рация
1174.	реактивная артиллерия	реактив артиллерия
1175.	реактивно - тяговая сила	реактив-тортиш кучи (реактив куч)
1176.	реактивное оружие	реактив қурол
1177.	реактивный двигатель	реактив двигатель
1178.	реактивный снаряд	реактив снаряд
1179.	реакция	реакция
1180.	реваншизм	реваншизм
1181.	револьвер	револьвер
1182.	регламент	регламент
1183.	регулярная армия	мунтазам армия
1184.	резерв	резерв (захира)
1185.	резервуар	резервуар
1186.	резидент	резидент
1187.	резиденция	резиденция
1188.	резолюция	резолюция

1189.	рейд	душман ортидаги ҳаракат
1190.	рекогносцировка	жойни кўриб чиқиш
1191.	религия	дин
1192.	рenegат	рenegат
1193.	репатриация	репатриация
1194.	репрессия	репрессия (катагон)
1195.	репродуктор	репродуктор
1196.	респиратор	респиратор
1197.	рессора	рессор
1198.	реституция	реституция
1199.	рецидивист	ашаддий жиноятчи
1200.	ритуалы воинские	ҳарбий таомиллар
1201.	ров противотанковый	танкка қарши хандақ
1202.	род войск	кўшин тури
1203.	Родина	Ватан
1204.	ротор	ротор
1205.	руль	руль
1206.	ручной пулемёт	кўл пулемёти
1207.	рядовой	оддий аскар
1208.	салют	салют (мушак)
1209.	самовольная отлучка	рухсатсиз кетиб қолиш
1210.	самолёт	самолёт
1211.	самолёт-заправщик	ёқилғи қуёвчи самолёт
1212.	самоокапывание	ер казиб, ўз атрофини ўраш
1213.	самоотверженность	фидокорлик
1214.	самоходное орудие	ўзиюрар қурол
1215.	санитарная авиация	санитар авиация
1216.	сапёры	сапёрлар
1217.	сапун	сўриш клапани
1218.	сбор	йиғин
1219.	светосигнализация	ёруғлик сигнализацияси
1220.	связь	алоқа
1221.	Север (северная точка)	Шимол (шимол нуктаси)
1222.	секрет	хуфия наряд
1223.	сектор обстрела	ўққа тутиш сектори
1224.	сепаратное примирение	бир томонлама сулҳ
1225.	сержант	сержант
1226.	сигнализация	сигнализация
1227.	сигналист	сигналчи
1228.	сигналы	сигналлар
1229.	силы амфибия	амфибия кучлари
1230.	сирена	сирена
1231.	система вооружения	қурол-аслаҳа тизими
1232.	система воспитательной работы	тарбиявий ишлар тизими
1233.	сказание о битве	жангнома
1234.	служба войск	кўшинлар хизмати
1235.	смелость	ботирлик
1236.	смотр войск	кўшинлар кўриги
1237.	снайпер	мерган
1238.	снайперская винтовка	мерган милтиғи
1239.	снаряд артиллерийский	артиллерия снаряди

1240.	снаряжение военное	ҳарбий аслаҳа ва анжомлар
1241.	собаки служебные	хизмат итлари
1242.	соединение	қўшилма
1243.	сокрытие преступления	жиноятни яшириш
1244.	соревнование в армии	армиядаги мусобақа
1245.	сосредоточение войск	қўшинлар жамланиши
1246.	состав военнослужащих и военнообязанных	ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбур шахслар таркиби
1247.	состояние войны	уруш ҳолати
1248.	сотрудничество военно- техническое	ҳарбий-техник ҳамкорлик
1249.	союзники	иттифоқчи давлатлар (тузилмалар)
1250.	спаренная установка	қўш қурилма
1251.	специальные войска	махсус қўшинлар
1252.	специальные войсковые действия	қўшинларнинг махсус ҳаракатлари
1253.	специальные машины	махсус машиналар
1254.	спортивно-массовая работа	оммавий-спорт ишлари
1255.	способность	қобилият
1256.	способы боевых действий	жанговар ҳаракат усуллари
1257.	спутник связи	алоқа йўлдоши
1258.	средства защиты	ҳимоя воситалари
1259.	стабилизатор	стабилизатор
1260.	станковый пулемёт	тиргакли пулемёт
1261.	статус	статус
1262.	ствол	ствол
1263.	стойкость	матонат
1264.	сторожевой пост	қўриқлов пости
1265.	стратег	стратег
1266.	стратегия военная	ҳарбий стратегия
1267.	стрелковое оружие	ўқли қурол
1268.	стрельбище	ўт очиш майдони
1269.	строевая записка	саф қайдномаси
1270.	строевая песня	саф қўшиғи
1271.	строевая подготовка	саф тайёргарлиги
1272.	строевой устав вооруженных сил	қуролли кучларнинг саф низоми
1273.	строевой шаг	шаҳдам қадам
1274.	строители военные	ҳарбий қурувчилар
1275.	строй	саф
1276.	структура	тузилма
1277.	субординация	бўйсунуш қоидалари
1278.	суверенитет	суверенитет
1279.	суверенный	суверен
1280.	суд чести	ор-номус суди
1281.	суточная ведомость	бир кеча-қундузлик қайднома (ведомость)
1282.	суточный паёк (суточная дача)	бир кеча-қундузлик паёк
1283.	сухой паёк	қуруқ егулик (паёк)
1284.	сухопутные войска	қуруқликдаги қўшинлар
1285.	табель срочных донесений	маълумотлар навбатининг

1286.	таблица стрельбы	жадвали
1287.	тайна военная	ўт очиш жадвали
1288.	тайна государственная	харбий сир
1289.	такелаж	давлат сири
1290.	тактика	арқонлар (кемада)
1291.	тактическая подготовка	тактика
1292.	тактическое занятие	тактик тайёргарлик
1293.	тактическое учение	тактик машғулот
1294.	тактическое ядерное оружие	тактик машқ
1295.	танк	тактик ядровий қурол
1296.	танк плавающий	танк
1297.	танкер	сузувчи танк
1298.	танковые войска	танкер
1299.	танковый двигатель	танк қўшинлари
1300.	танковый десант	танк двигатели
1301.	танкодром	танк десанти
1302.	танкострелковая тренировка	танкодром
1303.	таран	танкдан отишни машқ қилиш
1304.	театр военных действий	таран
		харбий ҳаракатлар (уруш)
		майдони
1305.	театр войны	уруш майдони
1306.	телеграф	телеграф
1307.	телеграфная связь	телеграф алоқа
1308.	телеграфный аппарат	телеграф аппарати
1309.	телеграфный код	телеграф коди
1310.	телеграфный узел	телеграф узели
1311.	телетайп	телетайп
1312.	телефон	телефон
1313.	телефонная связь	телефон алоқаси
1314.	телефонные сети	телефон тармоқлари
1315.	телефонный аппарат	телефон аппарати
1316.	телефонный коммутатор	телефон коммутатори
1317.	телефограмма	телефограмма
1318.	тельняшка	тельняшка
1319.	темп стрельбы	ўт очиш суръати
1320.	тенэрес (ТНРС)	тенэрес (ТНРС)
1321.	теодолит	теодолит
1322.	тепловая маскировка	иссиқликни ниқоблаш
1323.	тепловая разведка	иссиқлик нурлари разведқаси
1324.	терминология военная	харбий атамашунослик
1325.	территориальная оборона	худудий мудофаа
1326.	тетрил	тетрил
1327.	техника безопасности	хавфсизлик техникаси
1328.	техника боевая	жанговар техника
1329.	техника военная	харбий техника
1330.	техническая документация	техник ҳужжатлар
1331.	техническая подготовка	техник тайёргарлик
1332.	техническая разведка	техник разведка
1333.	технические средства обучения	таълимотнинг техник воситалари
1334.	технические средства	тарғиботнинг техник воситалари

	пропаганды	
1335.	техническое обеспечение	техник таъминот
1336.	товарищеский суд	ўртоқлик суди
1337.	токсины	токсинлар
1338.	токсическая доза	токсинли доза
1339.	топливо	ёқилғи
1340.	топливозаправщик	ёқилғи қуйиш техникаси
1341.	торжественный марш	тантанали марш
1342.	тормозной парашют	тормозловчи парашют
1343.	торпеда	торпеда
1344.	точка наводки	йўналтириш нуқтаси
1345.	традиции боевые	жанговар анъаналар
1346.	траектория	траектория
1347.	трейлер	трейлер
1348.	трал минный	мина трали
1349.	трамблёр	трамблёр
1350.	транзистор	транзистор
1351.	транспортёр	транспортёр
1352.	траншейные машины	траншея қазувчи машиналар
1353.	траншея	траншея
1354.	трассирующий снаряд (пуля)	ёришувчи снаряд (ўқ)
1355.	тревога	тревога
1356.	тренажёр	тренажёр
1357.	тренировка	машқ
1358.	тропосферная радиосвязь	тропосфера радиоалокаси
1359.	тротил	тротил
1360.	тротильный эквивалент	тротил эквиваленти
1361.	трофей	ўлжалар
1362.	трудовое воспитание	меҳнатсеварлик сифатини тарбиялаш
1363.	трусость	кўрқоқлик
1364.	турбина	турбина
1365.	турбовинтовой двигатель	турбовинтли двигатель
1366.	турбогенератор	турбогенератор
1367.	турбореактивный двигатель	турбореактив двигатель
1368.	тыл	фронт орти
1369.	тыл вооруженных сил	куролли кучлар фронт орти
1370.	тэн	тэн (тетранитропентаэритрит, пентрит)
1371.	тюремное наказание	камоқ жазоси
1372.	убежище	панагоҳ
1373.	убойное действие пули	ўқнинг шикаст етказиш кучи
1374.	увольнение из расположения части	қисм ҳудудидан қиска таътилга чиқиш
1375.	увольнение по демобилизации	сафарбарликдан бўшатиш
1376.	увольнение с военной службы	ҳарбий хизматдан бўшатиш
1377.	увольнительная записка	қиска таътил варақаси
1378.	уголовная ответственность	жиной жавобгарлик
1379.	уголовное наказание	жиной жазо
1380.	уголовное право	жиной ҳуқуқи
1381.	уголовно-процессуальное право	жиной-процессуал ҳуқуқ

1382.	уголовно-процессуальный кодекс	жинойй-процессуал кодекс
1383.	уголовный кодекс	жиноят кодекси
1384.	уголовный процесс	жиноят процесси
1385.	удар	зарба
1386.	удар авиации	авиация зарбаси
1387.	ударная волна	зарбали тўлкин
1388.	удостоверение личности	шахсий гувоҳнома
1389.	узел связи	алоқа узели
1390.	укрытия	пана жойлар
1391.	ультиматум	ультиматум
1392.	ультракороткие волны (УКВ)	ультрақиска тўлкинлар (УҚТ)
1393.	университет будущего офицера	бўлажак офицер университети
1394.	унитарный патрон	яхлит патрон (ўқ, снаряд)
1395.	управление военного коменданта	харбий комендант бошқармаси
1396.	управление огнём	ўт очишни бошқариш
1397.	управляемая бомба	бошқариладиган бомба
1398.	уровень радиации	радиация даражаси
1399.	условия примирения	сулҳ шартномаси
1400.	условные знаки	шартли белгилар
1401.	устав внутренней службы вооруженных сил	қуролли кучларнинг ички хизмат низоми
1402.	устав гарнизонной и караульной служб вооруженных сил	қуролли кучларнинг гарнизон ва қоровуллик хизматлари низоми
1403.	уставные взаимоотношения	низомларга оид муносабатлар
1404.	уставы воинские	харбий низомлар
1405.	утренний осмотр	эрталабки кўрик
1406.	участок заражения	зарарланган майдон
1407.	участок обороны	мудофаа майдони
1408.	учебная материально - техническая база	ўқув моддий-техник база
1409.	учебная стрельба	ўқув машқ отишмаси
1410.	учебная часть	харбий ўқув қисми
1411.	учебно - боевые машины	ўқув-жанговар машиналар
1412.	учебное оружие	ўқув қуроли
1413.	учебное поле	ўқув майдони
1414.	учебные планы и программы	ўқув режа ва дастурлар
1415.	учебные снаряды	ўқув снарядлари
1416.	учебный выстрел	ўқув ўқ-дориси
1417.	учебный городок	ўқув шаҳарчаси
1418.	учебный сбор	ўқув йиғини
1419.	учебный центр	ўқув маркази
1420.	учение	қўшинлар машқи
1421.	учение с боевой стрельбой	жанговар ўт очиш босқичи билан ўтказиладиган машқ
1422.	факсимильная связь	факсимиль алоқа
1423.	фактор	фактор (омил)
1424.	факультеты военные	харбий факультетлар
1425.	физическая подготовка	жисмоний тайёргарлик

1426.	физическое воспитание	жисмоний тарбия
1427.	физическое лицо	жисмоний шахс (гражданлик хукукида)
1428.	фильтр	фильтр
1429.	фитильное ружьё	пилта милтиқ
1430.	флаг	байроқ
1431.	флаг государственный	давлат байроғи
1432.	фланг	қанот
1433.	флот	флот
1434.	флотилия	флотилия
1435.	форма одежды военная	ҳарбий кийим русуми
1436.	формирование	ҳарбий тузилма
1437.	формуляр	формуляр
1438.	форсирование	жадал ҳаракат
1439.	форсирование водной	сув тўсиғини енгиб ўтиш
1440.	фортификационные сооружения	фортификацияли иншоотлар
1441.	фортификация	фортификация
1442.	фотонный (квантовый) ракетный двигатель)	фотон (квант) ракета двигатели
1443.	фоторазведка	фоторазведка
1444.	фототелеграфная (факсимильная) связь	фототелеграф (факсимиль) алоқа
1445.	фрикционный механизм	фрикцияли (ишқаланма) механизм
1446.	фрикционный привод	фрикцияли узатма
1447.	фронт	фронт
1448.	фронтовая авиация	фронт авиацияси
1449.	фугасно-бронебойный снаряд	фугасли зирхёраг снаряд
1450.	фугасный снаряд	фугасли снаряд
1451.	фугасы	фугаслар
1452.	фуражка	фуражка
1453.	фюзеляж	фюзеляж
1454.	химические войска	кимёвий қўшинлар
1455.	химический снаряд	кимёвий снаряд
1456.	химическое заражение	кимёвий захарланиш
1457.	химическое оружие	кимёвий қурол
1458.	ход сообщения	юриш йўлағи
1459.	ходовая часть машин	машиналарнинг юргизувчи қисми
1460.	холодное оружие	совуқ қурол
1461.	холостые боеприпасы	пахтавон ўқ-дорилар
1462.	храбрость	довюраклик
1463.	хранение военной техники	ҳарбий техникани сақлаш
1464.	цапфа	цапфа
1465.	цель	нишон
1466.	цензура военная	ҳарбий цензура
1467.	центральный спортивный клуб армии	марказий ҳарбий спорт клуби
1468.	цепные реакции	занжирли реакциялар
1469.	цепь	занжир
1470.	часовой	соқчи
1471.	червячный привод	қўшқарокли узатма
1472.	честь воинская	ҳарбий ор-номус

1473.	чистка оружия	курол-яроғни тозалаш
1474.	чрезвычайное положение	фавкулодда ҳолат
1475.	чрезвычайные законы	фавкулодда қонунлар
1476.	шанцевый инструмент	кўмакчи асбоб - ускуна
1477.	шарнир	ошиқ - мошиқ
1478.	шасси	шасси
1479.	шатун	шатун
1480.	шашка подрывная	портлатувчи шашка
1481.	шеvron	ука
1482.	шина	шина
1483.	шинель	шинель
1484.	широта	кенглик
1485.	шифр	шифр
1486.	шкала	шкала
1487.	шкив	шкив
1488.	школа подготовки сержантов	сержантлар тайёрлаш мактаби
1489.	шлагбаум	шлагбаум
1490.	шлем	шлём
1491.	шлемофон	шлёмофон
1492.	шлицевое соединение	шлицли (йирмочли) бирикма
1493.	шлюпка	шлюпка
1494.	шомпол	шомпол
1495.	шпионаж	жосуслик
1496.	шрапнель	шрапнель
1497.	штаб	штаб
1498.	штамп	штамп
1499.	штат	штат
1500.	штифт	штифт
1501.	штрафной батальон (часть)	жазо батальони (қисми)
1502.	штурвал	штурвал
1503.	штурм	шиддатли хужум
1504.	штурман	штурман
1505.	штурмовая авиация	хужумчи авиация
1506.	штурмовая группа	хужумкор гуруҳ
1507.	штурмовик	хужумчи самолёт (вертолёт)
1508.	штуцер	штуцер
1509.	штык	найза
1510.	цель	хандақ
1511.	щит	қалқон
1512.	щуп	таёқча шаклидаги асбоб
1513.	эвакуация	эвакуация
1514.	эжектор	эжектор
1515.	эквивалент	эквивалент (муқобил)
1516.	экипаж	экипаж
1517.	экипировка	шайланиш яроғлари (экипировка)
1518.	экономика военная	ҳарбий иқтисодиёт
1519.	экономическая работа	тежамкорлик ишлари
1520.	экстремизм	экстремизм
1521.	электр	электр
1522.	электрическая дуга	электр ёйи (вольта ёйи)
1523.	электрическая лампа	электр лампа
1524.	электрическая машина	электр машинаси

1525.	электрическая мощность	электр қуввати
1526.	электрическая связь	электр алоқа
1527.	электрическая схема	электр чизмаси
1528.	электрическая энергия	электр энергия
1529.	электрические проводники	электр ўтказгичлар
1530.	электрический выпрямитель	электр тўғрилагич
1531.	электрический генератор	электр генератори
1532.	электрический двигатель	электр двигатели
1533.	электрический заряд	электр заряди
1534.	электрический разряд	электр разряди
1535.	электрический ракетный двигатель	электр ракета двигатели
1536.	электрический реактор	электр реактори
1537.	электрическое поле	электр майдони
1538.	электрическое сопротивление	электр қаршилик
1539.	электровакуумные приборы	электр вакуум асбоблари
1540.	электрод	электрод
1541.	электролиты	электролитлар
1542.	электромагнит	электр магнит
1543.	электромагнитная совместимость радиоэлектронных средств	радиоэлектрон воситаларнинг ўриндошлиги
1544.	электромагнитное поле	электр магнит майдон
1545.	электромагнитные волны	электр магнит тўлкинлар
1546.	электромагнитный ракетный двигатель	электр магнит ракета двигатели
1547.	электронная лампа	электрон лампа
1548.	электронно - лучевая трубка	электрон-нур трубкаси
1549.	эмблема	эмблема
1550.	эпицентр взрыва	портлаш маркази
1551.	эскадра	эскадра
1552.	эскадрилья	эскадрилья
1553.	эскорт	эскорт
1554.	эстакада	эстакада
1555.	эстетика	эстетика
1556.	эстетическое воспитание	эстетик тарбия
1557.	эталон	эталон
1558.	этика	этика
1559.	этика военная	ҳарбий этика
1560.	этикет	этикет
1561.	эшелон	эшелон
1562.	эшелон воинский	ҳарбий эшелон
1563.	Юг (южная точка)	Жануб (жанубий нуқта)
1564.	южный полюс	жанубий кутб
1565.	яд	заҳар
1566.	ядерная бомба	ядровий бомба
1567.	ядерная война	ядровий уруш
1568.	ядерная ракета	ядровий ракета
1569.	ядерное оружие	ядровий қурол
1570.	ядерные боеприпасы	ядровий ўқ-дорилар
1571.	ядерный взрыв	ядровий портлаш
1572.	ядерный заряд	ядровий заряд

1573.	ядовитые вещества	захарли моддалар
1574.	якорь	якорь (лангар)

ХОТИМА

Ш. 3. Долимов томонидан тузилган «Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати» ҲАҚИДА

Бугун мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилиниб, барча соҳаларда бўлгани каби ўзбек тилимиз ривожини учун ҳам кенг йўл очилди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида ижтимоий турмушимизнинг барча соҳаларида қонуний равишда қўлланмоқда. Маълумки, ҳар бир соҳада рўй бераётган жамики янгиликлар тилда ўз ифодасини топади. Шундай экан, бу улкан бойликни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ қилишга, уларни жамлаш, луғатлар яратишга доимий катта эҳтиёж сезилган. Ҳарбий соҳаларга оид атамалар ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбек тилининг ҳарбий терминологиясини шакллантириш, бойитиш ва уни тартибга солиш бугунги кунда долзарб масалалардан бўлиб қолди.

Ш. 3. Долимовнинг «Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати» айнан шу долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим манбадир. Мазкур луғат мустақиллик даврида яратилган шу соҳадаги биринчи изоҳли луғат. Ушбу луғатни тузишда муаллиф энг янги қомусий нашрлардан, маълумотнома характеридаги адабиётлардан ва ўқув қўлланмалардан фойдаланган. Луғатнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири терминлар изоҳининг кенглиги, яъни ҳар бир термин ҳақида батафсил маълумот берилганлигидир. Ҳарбий соҳага оид терминларни тартибга солиш ва унификация қилишда мазкур луғат алоҳида аҳамият касб этади. Муаллиф русча терминларга ўзбекча муқобил танлашда терминологик меъёрларга қатъий амал қилганлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мазкур луғат бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олади ва лексикографиямизда келажакда яратилажак ҳарбий қомусий луғатларга замин бўлиб хизмат қилади.

ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти
Терминология бўлими мудири,
филология фанлари номзоди

Н. Маҳкамов

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Ватан химоячиларига байрам табриги. 2006 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни. 2001 йил 11 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 12 декабрь.
5. Постановление Президента Республики Узбекистан от 14 января 2006 г. № ПП – 257. Положение о порядке прохождения военной службы гражданами Республики Узбекистан.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабридаги 164-П сонли қарори. Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида низом.
7. Қуруқликдаги қўшинларнинг жанговар низоми, III қисм.
8. Директива начальника Объединенного штаба ВС РУ № ДОШ-22 от 30 августа 2004 г. Словарь часто употребляемых военных и военно-политических терминов.
9. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. I – XI жилдлар. Т., 2000 – 2005 йиллар.
10. Энциклопедический справочник призывника, Т., Главная редакция энциклопедий, 1990 г.
11. Военный энциклопедический словарь, М. Военное издательство, 1983 г.
12. Энциклопедик луғат I ва II том, Т., Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1988 – 1990 йиллар.
13. Ожегов С. И. Словарь русского языка, М., издательство «Русский язык» 1986 г.
14. Русча-ўзбекча луғат, Энциклопедик луғат I ва II том, Т., Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1983 – 1984 йиллар.
15. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, таснифлаш ва кодлаш соҳасида стандартлаштирилган асосий атамалар. Русча – ўзбекча луғат. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Т., 1999 йил.
15. Армия-ҳаёт мактаби. Муддатли хизматга чақирилган ҳарбий хизматчига эслатма. Т., Ўзбекистон нашриёти, 2006 йил.
16. Давлат мукофотлари. Т., “Адолат” нашриёти 2001 йил.
17. “Право” юридик электрон ахборот тизими.
18. SPELLS фирмасининг электрон луғати.
19. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучларининг Бирлашган штаби Марказий аппаратининг бош бошқарма, бошқарма, бўлим ва хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг бирлашмалари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларидан келган, “Ҳарбий ибораларнинг изоҳли луғати” лойиҳасининг мазмуни борасида фикр мулоҳазалар билдирилган хатлар.